

Жамол Жалолов

**Чет тил
ўқитиш
методикаси**

ЖАМОЛ ЖАЛОЛОВ

ЧЕТ ТИЛ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ


Чет тиллар олий ўқув юртлари
(факультетлари) талабалари учун
дарслик

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасдиқлаган

ДАРСЛИҚДА ИШЛАТИЛГАН ҚИСҚАРТМАЛАР

АНД	аралаш нутқ дарс(лар)и
ар.	арабча
б.	бет
ингл.	инглизча
исп.	испанча
итал.	итальянча
ИЯШ	журнал «Иностранные языки в школе»
Л.	Ленинград
лот.	лотинча
М.	Москва
МГПИИЯ	Московский государственный педагогический институт инос- транных языков
нем.	немисча
рус.	русча
с.	страница
СНД	соф нутқ дарс(лар)и
Т.	Тошкент / Ташкент
ТГПИ	Ташкентский государственный педагогический институт
ТГПИИЯ	Ташкентский государственный педагогический институт иностранных языков
ТДЧТПИ	Тошкент давлат чет тиллар педагогика институти
фр.	французча
ф-т	форс—тожик
юнон.	юнонча
УАВВ	ўқитишнинг аудиовизуал воситалари
ўзб.	ўзбекча
УНВ	ўқув нутқий вазият
қ.	қаранг
L.	London
N.Y.	New York

Тақризчилар: профессор *С. Саидов*, доцент *Т. Сатторов*



4606011600 — 217
Ж ————— 95
353(04) — 95

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1996

ISBN 5—645—02367—6

МУҚАДДИМА

Тил ўрганиш кишилиқ жамиятида бағоят муҳим соҳалардан ҳисобланади. Алоқа воситаси бўлмиш тилни табиий муҳитда (оилада, жамоатчилик орасида) ёки уюшган ҳолда дарсда амалий эваллаш мумкин. Тил ҳодисаларига оид билимлар эса назарий жиҳатдан ўрганилади. Халқаро муносабатлар авж олган замонамизда тилларни билиш, кўп тиллиқ (полигlossия) улкан аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таҳсил оладиган ўқувчи ва талабалар одатда уч тилни ўрганадилар. «Идрокли ёшларимизнинг кўпчилиги уч тил эгасидир»¹. Ушбу тиллар таълим назариясида махсус номлар билан юритилади: она тили, иккинчи тил ва чет тил.

Она тили тафаккур шаклланишида алоҳида хизмат ўтайдиган биринчи тилдир. Руҳшунослар эътирофига биноан «тафаккур — вербал», яъни фикрлаш сўз билан чамбарчас боғлиқ, сўз — тушунча ифодаловчиси. Она тили сўзлари заминида ўзлаштирилган тушунчалар иккинчи ёки чет тил ўрганиш чоғида ўзга тил сўзларининг товуш ва ёзувдаги тимсолида гавдаланади. Она тили, иккинчи тил ва чет тилда ўрганиладиган сўз (мас. нон — хлеб — bread) миқдоран учта, бироқ улар ифодасида шаклланувчи тушунча эса ягона: «ун маҳсулотидан хамир қориб, тандир, ўчоқ ёки газда пишириладиган, ёпиладиган егулик, тирикчилик учун зарур нарса».

Хуллас, тушунча, тилшунослар таъбири билан айтганда, умуминсоний, байналмилал ҳодисадир, сўзнинг фонетик ва график тимсоли эса миллийдир. Ўз тилида шаклланган тушунчаларни ўқувчи / талаба энди ўрганилаётган ўзга тил сўзлари билан фикран боғлайди. Бинобарин, тил ўргатиш руҳшунослигининг йирик мутахассиси профессор Борис Васильевич Беляевнинг «чет тилда тафаккурни шакллантириш»га доир илмий мулоҳазаси² номақбулдир, зеро, турли тилда ифодаланган фикр ўйғунлиги кузатилади.

Иккинчи тил ҳақида сўз юритилганда, унга бошқа миллат вакилларида иборат қардошлар, қўшнилар тили сифатида қа-

¹ Фафур Фулом. Кўп тилни билишнинг хосияти // Ўқитувчилар газетаси. 1965 йил 16 сентябрь («Тошкент оқшоми» газетасининг 1989 йил 6 апрель сонида «Кўп тилни билиш хосияти» номи билан қайта босилган).

² Б. В. Беляев. Психология владения иностранным языком. Докторская диссертация. — Москва, 1960.

ралади. Маълумки, тил кишиларнинг бир-бирларини яқиндан билишлари, ҳурмат-эъозлашлари, дўстлашишларида тенги йўқ омил, бебаҳо воситадир. Мактаб ва олий ўқув юртларида иккинчи тил тушунчаси ўзбекча ўқийдиганлар учун рус тили, русча таълим олувчилар учун ўзбек тили демакдир.

Чет тил — бу хорижий мамлакат тили. Республикамизда Фарбий Оврупо (инглиз, испан, немис, француз) тиллари ва Шарқ (араб, турк, урду, форс, хитой, ҳинд) тиллари ўқитилмоқда. Таълим муассасаларининг ўқув режаларидан ўрин олган.

Учала тилни ўқитиш жараёни турлича кечади: **биринчидан**, она тилида тафаккур шаклланади, ўзга тилларни ўрганиш улардаги фонетика, лексика ва грамматикага хос хусусиятларни ҳис этиш билан боғлиқдир; **иккинчидан**, ўрганиш тартиби она тилдан бошланиб, удан кейин иккинчи тил ва, ниҳоят, чет тилга ўтилади, **учинчидан**, она тили ва иккинчи тилда нутқни эгаллаш табиий вазиятда, чет тилни ўрганиш эса сунъий муҳитда ўтади. Чет тилдаги мулоқот асосан дарсда муаллим раҳбарлигида кечади.

Қайд этилган муҳокамадан аён бўладики, учала тил орасида чет тилни ўргатиш-ўрганиш муайян жиҳатлари билан кескин фарқланиб туради. Бу эса, ўз набатида, тегишли чет тил ўқитиш услубиётини қўллашни тақозо этади.

Чет тил муаллими методика фани ютуқларини ўзлаштириш орқали ўқувчининг тўплаган тил тажрибаси меъёрини аниқ билишга ва уни янада такомиллаштиришга эришади.

Тил тажрибаси атамаси Оврупо тилларида чоп этилган методик адабиётларда деярли учрамайди, чунки русча (Россия Федерацияси назарда тутилади), инглизча, немисча, французча мактабларда ягона она тили чет тил ўрганишда ҳисобга олинади. Ўзбек мактабларида эса она тили ва иккинчи тилдан ҳамда ўрганилаётган чет тилнинг ўзидан тўплаган тажриба хусусида фикр юритиш мақсадга мувофиқ.

Ўқувчиларнинг **тил тажрибаси** уч тилдан йиғилган билим, қўникма ва малакалар мажмуаси (синтези) бўлиб, унинг ҳажми, қўлланиш қўлами, ўзаро боғлиқлиги масалалари методиканинг тил тажрибасини ҳисобга олиш принципи доирасига киради.

Тил тажрибасини ҳисобга олиш деганда, ўқувчи шу кунгача ўзбек, рус, чет тил (инглиз, испан, немис ёки француз тили)дан олган билим, қўникма ва малакасининг ҳозир ўрганаётган чет тил материални ўзлаштиришга салбий ёки ижобий таъсири тушунилади. **Масалан**, чет тилдаги «артикль» аталмиш грамматик ҳодисани ўргатиш чоғида, унинг ўзбек тилида мавжуд эмаслиги туфайли, мазкур грамматик категорияга оид «артикль» тушунчаси шакллантирилади. Оқибатда ўқувчи тил тажрибаси энди чет тилдаги «янгилик» билан бойийди. Грамматикадан ҳозирге, ўтган ва келаси замонлар (мас. Present Indefinite, Presente de Indicativo, Präsens, Présent) ни ўрганишда уларнинг қўлланилиши (функцияси), ясалиши (шакли) ва маъносини (семанти-

каси) алоҳида методик ёндашишни талаб этади. Феъл замонининг функциявий тарафи ўқувчилар учун деярли қийинчилик туғдирмайди, чунки грамматик ҳодисанинг «такрорланиб турадиган иш-ҳаракатни ифодалаши» ўзбек тилидан маълум. Бундай ҳолат ўқувчилар она тили тажрибасидан олган билимлари ёрдамида чет тил ҳодисасини эгаллашга имкон туғдиради. Ушбу феъл замонининг ясалиши (формаси) эса ўзбек ва чет тилда бутунлай фарқ қилади. Чет тилдаги икки сўз (ёрдамчи ва етакчи феъллар)дан тузиладиган замон шакли (мас. Future Indefinite, Futuro Simple, Futurum I, Futur simple)ни ўрганишда ўқувчилар тил тажрибаси таркибида мавжуд русча (иккинчи тил)дан фойдаланиш маъқул (буду+делать, будешь+ходить). Зеро, ўқувчига она тилида феъл замони ясалиши чет тил ҳодисаси (келаси замон)ни ўргатишда услубан мақбул эмас, бу ўринда, она тили тажрибаси тўсқинлик қилиши (интерференция) муқаррар.

Демак, ўқувчиларнинг тил тажрибаси чет тил ўрганишда ғов бўлиши (салбий таъсир — *интерференция*) ёки ёрдам бериши (ижобий таъсир — *транспозиция*) кузатилади. Бинобарин, чет тил муаллими ўқувчиларнинг она тилисини, иккинчи тилни ва ўрганилаётган чет тилни амалий ва назарий пухта билмоғи даркор. Шунингдек, ўқитувчининг ўқитиш методикасидан атроф-лича хабардор бўлиши талаб қилинади.

Қўлингиздаги китоб чет эллар ва мамлакатимиз нашриётларида чоп этилган дарслик ва қўлланмалар ҳамда ўзбек мактаблари тажрибасини ёритадиган методик манбаларга асосланиб ёзилди. Дастурий¹ талабларга кўра, ундаги барча боблар уч қисмга ажратилди.

Биринчи қисм (I—VII боблар)да «Чет тил ўқитиш методикасининг назарий асослари», яъни унда умумий методиканинг илмий ютуқлари акс эттирилди. Ўзбек мактабларида чет тил ўқитиш соҳасидаги назарий-услубий хулосалар билан тўлдирилди.

Иккинчи қисм гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзув ҳамда тил материали (лексика, грамматика, талаффуз)ни ўргатиш ҳамда кўникма ва малакаларни назорат қилиш сингари (VIII—XV) боблардан иборат.

Чет тил ўргатишни ташкил этиш йўл-йўриқлари (XVI—XX боблар)ни **учинчи қисм** ўз ичига олади. Методикада илк бор «Турли ўқув юртларида чет тил ўқитиш» методик масалалари (XX боб) ишлаб чиқилди ва мазкур қисмда баён қилинди.

Китобнинг «Муқаддима»сидан кейин «Чет тил ўқитиш методикасига кириш» **номли алоҳида мавзу баён** этилди.

Чет тилларни ўқитиш методикасининг асосий масалаларини қамраб олган мавзулар изчил жойлаштирилди. Методик би-

¹ Урта мактабда чет тиллар ўқитиш методикаси курси бўйича педагогика институтлари программаси. Тошкент: Ўзбекистон Маориф министрлиги, 1978.

лимлар содда тилда, мунозарабоп илмий қарашлардан холи, барча чет тилларни ҳисобга олган ҳолда ифодаланди.

Ҳар бир бобнинг бошқалари билан мазмунан узвий боғланганлигини алоҳида уқтириб, такрор эслатиб ўтиш жонзки, китобни бошидан охиригача берилган тартибда ўқиш тавсия этилади. Олдин ўрганилган боб ёки мавзу кейингисини ўқиганда қўл келади, яъни кетма-кетликка жиддий риюя қилинди.

Боб ёки унинг ичидаги мавзунини ўқишдан олдин матннинг бошланишида қуёқ бўёқ билан яққоллаштириб кўрсатилган кичик сарлавҳаларни кўздан кечириб чиқилса, ушбу боб ёки мавзунинг мазмунини осонроқ илғаб олиш, ўқиганда, уларга албатта эътиборни жалб этишга одатланиб борилади. Чунки кичик сарлавҳалар мазмунни мужассамлаштирувчи таянч нуқталар вазифасини ўтайди.

Яхлит мавзу ёки боб якунида талабалар учун унинг мазмунини тушунганликни мустақил назорат қилиб бориш мақсадида муаммоли «ўқув-методик топшириқлар»ни бажариш тавсия қилинди.

Саҳифанинг қўйи ҳошиясидан жой олган адабиёт шу ерда муҳокама этилаётган масалага бевосита дахлдор илмий манабани кўрсатади.

Дарслик охирида тавсия этилган адабиётлар рўйхати, бир томондан, мазкур дарслик вужудга келишида инobatга олинганлигидан дарак берса, иккинчидан, талабаларга қўшимча ўқиш учун мўлжалланганлигига ишорадир. Тавсия этилган методик адабиёт номи рўйхатда ҳам, китоб ичида ҳам у қайси тилда ёзилган бўлса, шу тилда келтирилди.

Дарслик матнида чет тил ўқитиш методикаси соҳасида астойдил хизмат қилган мутахассислар ва бошқа соҳадаги айрим олимлар исми-шарифи аввалан тўлиқ ёзилди. Сониян, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари ва фамилияси тўлалигича берилди. Биринчи бор исмларни тўлиқ ёзишдан муддао шу соҳадаги етакчи олимларнинг номи аталганда, фақат фамилиясинигина айтиш билан чекланмай, уларнинг исми, отасининг исми ва фамилиясини тўла ишлатишга ўргатилади. Масалан: Игорь Владимирович Раҳманов, Александр Александрович Миролюбов, Валентина Самойловна Цетлин, Ҳаролд Палмер, Роберт Ладло, Ирина Алексеевна Зимняя, Ҳошимжон Сойназаров, Рейнгольд Николаевич Кремер, Тожимат Қурбонович Сатторов кабилар.

«Чет тил ўқитиш методикаси» дарслиги ўзбек тилида илқ тажриба эканлиги барча мутахассисларга аён. Шу муносабат билан баъзи камчиликларга йўл қўйилган бўлиши табиийдир. Китобнинг илмий савиясини янада оширишга қаратилган чин маслаҳат ва холис амалий танқидий фикрларни муаллиф мамнуният билан қабул қилади.

ЧЕТ ТИЛ ҲҚИТИШ МЕТОДИКАСИГА ҚИРИШ

Чет тил Ҳқитиш методикаси дастурининг талаблари. Ҳрта умумий таълим мактабларида чет тил Ҳқитиш методикаси фани эришган ютуқларни эгаллаш талабалар учун қуйидаги имкониятларни яратади: (1) келажак касбий фаолиятларига пухта назарий замин тайёрлайди; (2) таълимнинг замонавий методлари, ташкилий формалари ва воситалари билан атроф-лича таништиради; (3) талабаларнинг олган методик билим-ларини амалиётда самарали қўллаш олишлари учун кўникма ва малакалар ҳосил қилади; (4) барча фанлардан ўзлаштирган назарий билим ва амалий малакаларини мактаб таълим-тарбия ишида ижодий татбиқ этишга кўмаклашади.

Методика институт (университет)да берилган билимлар йиғиндиси билан мактаб тажрибаси орасидаги «кўприк» вази-фасини ўтовчи фандир. Лекция ва амалий машғулотларда чет тил Ҳқитиш қонуниятлари баён этилади, методика фанига таълимнинг хусусий назарияси сифатида қараш шакллантирилади.

Талаба методика курсини ўтар экан, уч тоифа машғулотда иштирок қилади: олий ўқув юрти дастури асосида *лекциялар* мажмуини тинглайди, *амалий-методик сабоқлар* олади ва мактабда *ўқув-тарбия (педагогика) практикаси*дан ўтади. Биринчи иккала машғулотларда илм билан машғул бўлишади ва учинчи иш турида дарс беришади ва синфдан ташқари тадбирлар ўтказишади.

Муаллим-методист тавсияси билан ва бошчилигида талабалар «Методик папка» тутати. Унда ёзган лекция дафтари, семинар ва лаборатория машғулотларидан конспекти, педагогика практикасида ўтган дарсларининг режалари, қўлбола альбомлар, кўргазмалилик, дидактик тарқатма материаллар жамланади. Ҳқув-методик адабиёт, матбаа йўли билан чоп этилган ва қўлда ясалган аудиовизуал (эшитиш ва кўришга мўлжалланган) воситалар, практика мобайнида ёзилган ўқув ва тарбиявий режалар талабанин-г иш бошлаши учун даркор «*Методик папка*» (ингл. Student's Guide Book)нинг таркибига кирати.

Таълим дастури тўғрисида сўз юритилганда, беихтиёр ўқув юртининг у ёки бу тури кўз ўнгимизда гавдаланади. Мас. чет тиллар бўйича ўрта умумтаълим мактаблари ёки чет тиллар олий ўқув юртлари (факультетлари) дастурлари ҳақида гап бориши мумкин. Биринчиси, ўрта мактаб ўқувчилари учун, иккинчиси, олий мактаб талабалари учун тасдиқланади. Иккаласини аниқ фарқлай олиш лозим. Мактаб дастури институт дастурининг мазмунан ва ҳажман мувофиқлаштирилган шаклидир. Мактаб чет тил дастурлари асосида чет тилларни Ҳқитиш методикаси ишлаб чиқилган. Мактабда ва институт (университет)да чет тилларни Ҳқитиш методикаси бўйича алоҳида-алоҳида дастурлар тузилган.

Тавсия этилаётган дарслик мактабда чет тиллар Ҳқитиш методикаси дастурига асосланган ва ўрта мактаб ўқув режа-

сидаги «чет тил» предмети унинг ўрганиш манбаи ҳисобланади. Талабаларнинг *ўрганиш объекти* «методика фани», мазкур *фаннинг предмети* эса «чет тил»дир.

Мактаб чет тил куреи барча фанлар ва ўқув предметларидан моҳияти билан тубдан фарқ қилади. «Чет тил» тушунчаси қуйидагича шарҳланиши мумкин: «*чет тил ўрганиш*» ушбу тилда гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзув кўникма ва малакаларини эгаллашни ифодалайди.

Табиат ва жамиятдаги ҳар қандай объект (нарса ва ҳодиса) ўзининг ибтидоси ва интиҳосига эга бўлганидек, нутқ фаолиятининг тўрттала тури ҳам чегараланган меъёردа, яъни дастур мавзулари доирасида ва махсус танланган тил материали ҳажмида ўрганиб борилади.

Нутқ фаолияти турлари — гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзувни ўргатиш ва тил материали — лексика, грамматика, талаффузни ўргатиш натижасида ўқувчиларга чет тилда ўзаро ахборот (информация) алмашиш малакалари сингдирилади.

Нутқ фаолияти турлари. Тирик мавжудот орасида фақат инсон фикр юритиш қобилиятига эга. Тафаккур сўз, сўз бирикмалари ва жумлаларни нутқ фаолиятида қўллаш орқали содир этиладиган мураккаб руҳий жараёндир.

Нутқ фаолиятини қатор фанлар тадқиқ этади. Тилшунослик *нутқ маҳсули* (текст-матн)нинг, психология — *нутқ жараёнининг*, физиология — *нутқ механизмларининг* илмий таҳлили билан шуғулланади. Психолингвистика — *нутқни идрок этиш ва ҳосил қилиш* ҳақидаги янги фан.

Методикада *нима учун* (таълим мақсади), *нимани* (таълим мазмунини), *қандай қилиб* (таълим методлари ва принциплари асосида) ҳамда *кимга* (ўқувчига) ўргатиш ҳақида илмий мулоҳазалар юритилади.

Монолог (якканутқ) ва диалог (жуфтнутқ) шаклидаги нутқ — гапиришнинг кичик турларидир. Монолог — тема ёрдамида, диалог — эса ўқув нутқ вазияти (УНВ) билан боғланган ҳолда машқ қилинади.

Нутқ фаолияти оғзаки ва ёзма шаклда руёбга чиқади. Оғзаки нутқ гапириш ва тинглаб тушуниш, ёзма нутқ ўқиш ва ёзув турларидан иборат.

Нутқ фаолиятида **операцион** (тил материали иштироки) ва **мотивацион** (фикр баёни) жиҳатлар аниқланган. Лексика, грамматика ва талаффуз бирликларини гапириш ва ёзувда қўллаш, ўқиш ва тинглашда идрок этиб тушуниш нутқнинг операцион аспектидир. Мотивацион аспектда **реципиент** (гапирувчи ва фикрни ёзма баён этувчи) ва **продуцент** (тингловчи ва ўқиб ахборот олувчи) ўз фикрини бошқаларга етказиши ёки ўзгалар фикрини тушуниши олади.

Нутқ фаолияти турлари ва тил материали ўқув жараёнида яхлит тарзда ўргатилади. Деярли ҳар бир дарсда (биринчи ўқув йилининг дастлабки машғулотлари бундан мустасно) ўқувчи тинглаб тушунади, гапиради, ўқийди ва ёзади. Бунда олдин

ўзлаштирилган ёки ҳозир шу дарсда ўрганилаётган тил бирликлари иштирок этади. Нутқ фаолияти турларининг у ёки бу синфда ёки таълим босқичида тутган мавқеи турличадир (XVII бобга қаранг).

Нутқнинг уч тарафи — тузилиши (грамматика), семантика (лексика) ва «ифода» (талаффуз) *тил материали* томонлари деб аталади.

Таълим мақсадлари (III боб)дан келиб чиққан ҳолда нутқ фаолияти турларига мўлжаллаб, тил материали танланади, тақсимланади, тасниф қилинади, тақдим этилади, яъни ўзлаштиришга тайёрланади (бу босқичлар инглизча методикада selection, distribution (grading), classification, presentation дейилади).

Чет тил материаллини *танлаш, тақсимлаш, методик тасниф* ва *тақдим этиш* дастур тузувчилар ва дарслик муаллифлари томонидан рўёбга чиқарилади. Уқув материаллини ўрганиш/ўргатиш чоғида ўқувчи ва ўқитувчи иштирок этади, ҳамкорликда иш кўради.

Тил лексика, грамматика, талаффуз birlikларини яхлит бирлаштирувчи ижтимоий ҳодиса тарзида нутқ фаолиятининг «қурилиш» материали саналади. Лексика бирлиги, грамматика бирлиги ва талаффуз бирлиги гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзувда ўргатиш/ўрганиш birlikлари деб қаралади. Уларнинг функционал, семантик ва формал жиҳатлари ўзлаштириш учун махсус машқлар бажаришни талаб қилади.

Тил бирлигини тинглаш, айтиш, ўқиш ва ёзишда сезгилар (эшитиш, нутқҳаракат, кўрув ва қўлҳаракат) иштирок этади. Ушбу birlikлардан келиб чиқадиган мазмун (нутқ) анализаторлар (эшитиш, нутқҳаракат, кўрув ва қўлҳаракат) иши натижасидир. Тил birlikлари сезгилар ва анализаторлардан ташқари хотира ва тафаккур билан ҳам муносабатда бўлади.

Нутқда қўлланадиган тил birlikларининг техник томони ва ушбу birlikларни мавҳумлаштириш жиҳатлари методикада тегишли «тил техникаси» ва «қоида» атамалари орқали изоҳланади.

«Тил техникаси» тушунчаси. Тил ўқитиш методикасига бағишланган ёзма манбалар ва муаллимларнинг кундалик мулоқотларида «ўқиш техникаси», «ёзиш техникаси» каби атамалар тез-тез учраб туради. Уқиш техникаси деганда, ҳарф/ҳарф бирикмасининг товуш билан муносабати, ёзиш техникасида эса ҳарфнинг ёзилиш қоидалари тушунилади. Ушбу атамалар қатори «ўқилиш қоидаси», «ёзилиш қоидаси» сингари синонимлар ҳам ишлатилади. Бу икки методик атама қаторига «талаффуз техникаси»ни қўшиш ўринлидир. Уни, бошқача қилиб, «артикуляция қоидаси» дейиш ҳам мумкин. Шундай қилиб, тил материаллини эгаллашда айтиш (талаффуз)ни, ўқишни ва ёзишни ҳам ўзлаштириш билан машғул бўлинади ва ҳар учаласини бириктириб, ягона атама «тил техникаси» номи билан юритилади.

Тил материали (лексика, грамматика, талаффуз)нинг нутқ фаолияти турлари бўлмиш гапириш ва тинглашда (эшитиш-талаффуз этиш), ўқишда (ўқилиш, яъни ҳарф-товуш муносабати) ва ёзувда (ёзилиш) қоидалари *тил техникаси* демакдир.

Тил материали, бир томондан, реал воқеликда мавжуд ҳодисалар бўлиб, уларни сезгилар ёрдамида айтиш, эшитиш, кўриш ва ёзиш мумкин, иккинчи томондан эса, нутқ фаолияти турларида қўллаш ва идрок этиб тушуниш мумкин. Биринчиси — тил материалининг техникасини ташкил этади, иккинчиси — оғзаки ва ёзма нутқда фикр баён қилиш ёки ўзга шахс фикрини идрок этиб тушуниш омили сифатида намоён бўлади. Хуллас, оғзаки диалог ва монолог нутқ товушлар (фонемалар)дан таркиб топса, ёзма нутқ ҳарфлар (графемалар)ни ўз ичига олади. Улардаги фонема-графема муносабати ўқилиш қоидалари мажмуасини вужудга келтиради.

Чет тил қоидаси. Она тили ва иккинчи тил таълимидаги қоидалар системали (узвий) лингвистик мазмун касб этади. Чунки тилни табиий муҳитда амалий ўрганиш ва унга ажратиладиган вақт (соатлар) миқдори мукамал қоидалар бериш имкониятини яратади. Чет тил ўргатиш шароити (сунъий муҳит ва ажратилган кам соатлар) қоидаларни оддийлаштириш ва сонини озайтириш муаммосини кўндаланг қилиб қўяди.

Тил бирлиги, бир томондан, сезгилар ёрдамида идрок этилса, иккинчи томондан, фақат тафаккур ҳосиласи, мантиқий жараён натижаси бўлиб рўёбга чиқади.

Нутқ фаолияти назариясидан маълумки, *фаолият мазмунини ҳаракатлар ташкил этади* (академик Алексей Николаевич Леонтьев). Субъект ҳаракати *ориентир* (йўлловчи) ва *ижро* қисмларидан иборат. Мас. грамматик ҳаракатларни эгаллаш нутқнинг грамматик шаклланишида автоматлашган малаканинг ҳосил бўлиши демакдир (проф. Валентина Самойловна Цетлин илмий кашфиёти).

Ҳаракат ўз навбатида операциялардан тузилади. *Операция* ҳаракатнинг рўёбга чиқиш воситасидир. Операциялар системаси — ҳаракат модели, уни бажариш алгоритмидир.

Тил ўргатиш методикасида алгоритм билан қويدани чалкаштириш ярамайди. *Алгоритм* деганда, оддий операцияларни муайян изчилликда бажариш ҳақидаги аниқ кўрсатмани тушунамиз. Ҳар қандай алгоритм — бу қоидадир, лекин ҳар қандай қоида алгоритм эмас. Қоида номи билан одатда нутқий грамматик кўникма ҳосил қилиш жараёнида қўлланиладиган кўрсатмалар ёки умумлашмалар мажмуасини аташ маъқулдир.

Чет тил қоидаси нутқ фаолиятини эгаллашни осонлаштирувчи воситадир. Қоида нутқ материални ўзлаштириш нуқтаи назаридан иккига бўлинади: қоида — *умумлашма* (материал нутқда ўрганилгандан сўнг) ва қоида — *кўрсатма* (материал ўрганилиши олдидан берилади).

Қўлланилиши жиҳатидан қويدани уч гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ: 1) *вербал* қоидалар (сўз ёрдамида таърифла-

нади): а) дарсликда ёзилган (вербал-график қоида) ва б) муаллим ёки ўқувчилар чиқарадиган қоидалар. Буларни вербал таърифланадиган қоидалар деб номлаш мумкин; 2) *визуал* қоидалар (сўз иштирокисиз, таърифламай бериладиган қоидалар): схема, жадвал ва символ (мас. S+P+O) кабилар; 3) қоида — *аналогия* (сўз ёки бирон белги ёрдамисиз ўқувчилар томонидан ихтиёрсиз ҳолда ёки ўзларининг тил тажрибасига кўра, маълум лисоний тушунча ва қонуниятни билдирувчи «қоидалар», мас. от, сифат, гап, эга, кесим сингари атамаларда ифодаланган тушунчалар ёки гапда сўз тартиби, сўз ясалиши ҳодисаларини билдирувчи чет тил қонуниятлари ва ҳоказолар).

Қоида мазмунига кўра уч даражада бўлади: 1) *дастлабки* ёки бирламчи қоида (тил ҳодисасининг бирон факти, мас. ҳозирги замон феълининг 3-шахс бирлик шаклда ясалиши); 2) *иккиламчи* ёки қиёсий қоида (а) бир томонлама солиштириш, мас. инглизча ҳозирги замон феълининг 3-шахс бирлиги ва бошқа шахслар шаклларининг ясалиши, (б) икки томонлама солиштириш; 3) *якуний* қоида — системалаштириш, (а) бирон ҳодисанинг барча шаклларини умумлаштириш — қисман системалаштириш, мас. ҳозирги замон феълининг барча шаклларда тусланиши, (б) ушбу босқичда ҳодисаларнинг барчасини умумлаштириш — дастурий системалаштириш, мас. феъллар уч замонда қўлланади ва (в) чет тил ўқитиш курсида ўрганилган тил ҳодисаларининг барчасини умумлаштириш — нисбатан тўлиқ системалаштириш.

Учала даражадаги қоидалар ҳам фақат мактаб тил материали юзасидан берилади, улар тилни системага солишдек лингвистик мақсадни кўзламайди.

Чет тил ҳодисалари ҳақидаги қоидаларнинг она тили ёки иккинчи тилдагидан фарқлари яна шундаки, улар ўқувчилар ўрганаётган чет тилда эмас, она тилида берилади, ёд олинмайди, дафтарларга ёзилмайди, алоҳида сўралмайди.

Машқлар системаси. Чет тил ўрганишни машқлар бажаришдан иборат жараёндир дейилса, муболаға ёки хато бўлмайди. Бу — машқнинг динамика (ҳаракат) тарафи. Унинг статика (ҳолат) жиҳати — дарсликда ўқув материали тарзида ташкил этилганлигидадир.

Статикадаги машқ деганда, чет тил дарслигида муайян рақам ёки ҳарф билан белгиланган ёки махсус ажратиб кўрсатилган, икки қисмдан иборат, дарс таркибини ташкил этадиган ўқув-методик категория тушунилади. Машқнинг қисмлари методик адабиётларда «машқ талаби (сарлавҳаси)» ва «машқ материали» деб юритилади. Машқ материали дарсликда ёзилган (ҳарф, сўз, жумла, график текст) ёки ўқувчи нутқининг маҳсули (товуш, сўз, жумла, оғзаки текст) бўлиши мумкин.

Динамикадаги машқ — чет тилда ўқувчи бажарадиган, ҳарф ёзиш ёки товушни талаффуз этишдан тортиб, то текстни идрок

этиб тушуниш ёки ўз фикрини бемалол баён этишгача бўлган ўқув амалидир.

Машқларнинг статикадаги кўриниши дарслик муаллифининг ижод маҳсулидир, динамикада эса нутқ кўникма ва малакалари ҳосил қилиш йўлидаги амалий хатти-ҳаракатлар ва уринишлардир.

«Машқ» тушунчасининг қисқача таъриф-тавсифидан сўнг «машқлар системаси» атамасини кўриб чиқамиз. Мазкур мавзу чет тил методистлари орасида тўхтовсиз мунозараларга сабаб бўлиб келади. Проф. Игорь Владимирович Рахманов барча машқларни тил ва нутқ машқлари номлари билан ажратиб юритган. Айрим методистлар асарларида иккала атама орасида «нутқгача бўлган машқлар» номини ҳам қўллашади. Проф. Вульф Абрамович Бухбиндер *информацион, операцион* ва *мотивацион* машқлар ҳақида тадқиқот олиб борган. Содда қилиб, уларни билим, кўникма ва малака бериш машқлари, дейиш жоиздир. И. В. Рахманов таснифи швейцариялик тилшунос олим Фердинанд де Соссюр тил ва нутқ дихотомияси таълимоти таъсири натижаси, деб қаралмоғи маъқул. В. А. Бухбиндер машқлар назарияси психолингвистика маълумотларига асосланган бўлиб, мактабда чет тил ўқитиш воқелигини аниқроқ акс эттиради.

Жумҳуриятимиз чет тил методистларининг 80-йилларда бажарган илмий-тадқиқотларида чет тил машқлар системасини ўзбекча атамалар билан *шакллантирувчи, ривожлантирувчи* ва *такомиллаштирувчи* машқлар турларига бўлиниши аниқланган. Шакллантирувчи машқ тил материалини ўзлаштиришда, ривожлантирувчи машқ нутқда тил материалининг қўлланилишида ва такомиллаштирувчи машқ чет тилда фикр баён этиш ва ўзга шахс фикрини идрок этиб тушуниш мақсадида бажарилади, яъни билим олиш, кўникмани эгаллаш ва малакани ўстиришга мўлжалланган машқлар, деб қаралади. Нутқни эгаллаш хусусиятига кўра, аниқроғи, сезги ва анализаторларнинг иштирокига қараб, рецептив ва репродуктив нутқ машқлари бўлади.

Машқлар системаси кичик системалар йиғиндисидир. Улар нутқ фаолияти турлари (гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзув) машқлари ҳамда тил материаллари (лексика, грамматика, талаффуз) машқлари номлари билан аталади. Нутқ жараёнида тил материалини эгаллашда сезгилар ишини акс эттирувчи рецептив лексик, рецептив грамматик ва репродуктив лексик ҳамда репродуктив грамматик машқлар ҳам бўлади.

Чет тилда оғзаки ва ёзма машқлар бажарилади. Оғзаки машқ диалог ва монолог машқларига ҳамда оғзаки бажариладиган лексик, грамматик ва талаффуз машқларига бўлинади. Ёзма машқлар **фикрни ёзувда** ифода этиш (ёзма нутқ)ни ва ёзиш (ёзув техникаси)ни ўргатишга бағишланади. Ўқиш машқлари график текстни ўқиб ахборот олиш ва ўқиш техникасини ўзлаштиришга мўлжалланади.

Баён этилганларга яна шуни илова қилиш мумкинки, машқ ва текст, машқ ва шеър, машқ ва ҳарф/товуш, машқ ва гап, машқ ва расм каби сўз бирикмалари ғайриметодик тушунчалар сирасига киради. Чунки иборалардаги иккинчи сўзлар машқнинг материали, яъни машқнинг объекти ёки маҳсулидир. Она тили ва иккинчи тилда бундай таъбирлар эркин қўллана бериши мумкин. Бунга сабаб, уларни ўқитишда қоидалар мунтазам тарзда сингдирилади, грамматик таҳлил қилинади, шеърлар ифодали ўқилади.

Ўқув-методик топшириқлар

1. Методика курсини ўтганда, нималарга эришишингизни тасаввур этинг ва қисқача тушунтириб беришга уриниб кўринг.

2. Нутқ фаолияти турлари, тил материали, тил техникаси, чет тил қондаси атамалари ифодалайдиган тушунчаларни таҳлил қилинг.

3. Мактаб ўқувчиси чет тил ўрганиши натижасида нутқий фаолият юритиши ёки тил ҳақида билимлар олиши муаммосини аниқланг.

4. Чет тил ўрганиш жараёнида машқлар системасининг аҳамиятини аниқланг ва тушунтиришга ҳаракат қилинг.

Биринчи қисм

ЧЕТ ТИЛ УЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНING НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1 боб. МЕТОДИКА — ЧЕТ ТИЛ УЎҚИТИШ НАЗАРИЯСИ

Чет тил ўқитиш методикасининг предмети. Чет тил муаллимлигини касбу кор сифатида таълаганлар зиммасига ушбу тилни ўқитиш назариясидан мукаммал хабардор бўлишдек вазифа юкланади. Уқитиш илмини методика фани ёритади, methodikē сўзи юнонча бўлиб, «бирор ишни мақсадга мувофиқ бажариш усуллари мажмуи» маъносини билдиради.

Педагогик мулоқотда тез-тез учраб турадиган «методика» атамасининг учта маъноси бор. **Биринчиси**, ўқув предметини билдиради (мас. «эртага биринчи дарс — методика»), **иккинчиси**, таълимнинг методик усуллари йиғиндисини (мас. «ўқитувчимизнинг методикаси менга ёқади») ва **учинчиси**, таълим назарияси ва махсус фан (мас. «бу қўлланмада методика яхши ёритилибди»)ни ифодалайди. Бу бобда «методика» сўзининг учинчи терминологик маъноси ҳақида фикр юритилади.

Чет тил ўқитиш методикаси, проф. Михаил Васильевич Ляховицкий таърифлашича, таълимнинг мақсадлари, мазмуни, воситалари, шунингдек, чет тил ёрдамида таълим-тарбия бериш усулларини **тадқиқ этувчи фандир**.

Методика фани асосан қуйидаги уч йирик мавзуни ўргатади: чет тил ўргатишнинг назарий масалалари, нутқ фаолияти турларини ўргатиш ва чет тил ўргатишнинг ташкилий масалалари.

Бошқача қилиб айтганда, методика чет тил ўргатиш илми бўлиб, «чет тил»ни ўқув предмети сифатида белгилайди, муаллим ва ўқувчи фаолиятини ўрганади ва бошқа фанлар ютуқларини ўзлаштириш ва ўз қонуниятларини ишлаб чиқиш йўллари тадқиқ этади.

Собиқ иттифоқ чет тил ўқитиш методикаси фанига атоқли тилшунос олим академик Лев Владимирович Шчерба асос солган. Методика илмини ривожлантириш ва уни юксак поғоналарга кўтаришда Л. В. Шчербанинг шогирдлари ва издошлари (И. В. Рахманов, В. С. Цетлин, А. А. Миролюбов ва бошқалар)нинг ҳиссаси улкандир.

Замонавий методик қўлланмаларда ушбу фанининг ўрганиш предмети қилиб чет тил воситасида ўқувчиларга таълим-тар-

бия бериш белгиланади. Чет тилларни турли ўқув юртларида ёки муайян тилни (мас. мактабда инглиз тилини) ўргатиш методика назариясида фарқлаб қўйилган.

Методикадаги асосий тушунчалар. Ҳар бир фанда ўз тушунчалар йиғиндиси мавжуд. Чет тил ўқитиш методикасида қабул қилинган асосий тушунчалар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: таълим системаеи, таълим методи, таълим принципи, таълим воситаси, методик усул.

Педагогика воқелиги ҳодисаларини системали-структурали йўналишда ўрганиш муносабати билан «таълим системаси» атамаси кенг тарқалди. Ушбу методик категориянинг маъносига мувофиқ *таълим жараёни система*, деб қаралмоқда. Муайян замон ва макон доирасида амалга ошириладиган чет тил ўқув жараёни очиқ (аниқ чегара қўйилмаган) система ҳисобланади ва нашр этилган чет тил «ўқув-методик комплекси»да ўз ифодасини топади. Таълим системаси кўзланадиган мақсад, шаклландирган мазмун ва қўлланадиган метод сингари категориялардан иборат (Уларнинг ҳар бири алоҳида бобларда ёритилади).

Чет тил *ўқитиш методи* дейилганда, чет тил ўргатишнинг амалий, умумтаълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларига эришувни таъминловчи муаллим ва ўқувчи фаолиятининг мажмуаси тушунилади.

Метод атамаси «таълим усуллари йиғиндиси» ва «таълимнинг йўналиши» маъноларида қўлланади. Биринчиси таълим назариясида ишлатилса (мас. оғзаки нутқ ўргатиш методлари, талаффуз ўргатиш методлари), иккинчи маънода уни ўқитиш методикаси тарихига оид асарларда учратамиз. Мас. чет тил ўқитишнинг таржима методи, тўғри метод, онгли-қиёсий метод, анъанавий метод, интенсив метод ва ҳ.к.

Проф. Ефим Израилевич Пассов фикрича, метод ўқув жараёнида қўйилган мақсад сари йўналтирилган ва нутқ фаолияти турлари билан боғлиқ принциплар системасидир. Демак, принциплар методни шакллантиради. Бу ерда кенг маънодаги методик йўналиш ҳақида сўз борапти.

Ўқувчиларни тарбиялаш ва уларга таълим беришда асос бўладиган методик қонун-қонидани принцип атамаси билан юртилади. *Принцип* тушунчаси бевосита ўқув жараёнини акс эттирувчи методик ҳодисани ифодалайди, метод эса принциплар йиғиндисининг мавҳумлаштирилган умумлашмасидир. Мас. оғзаки нутқнинг илгарилаши принципи, тил тажрибасини ҳисобга олиш принципи кабилар. Принциплар уч гуруҳни ташкил этади: психологик, дидактик ва соф методик принциплар (V бобга қаранг).

Таълим воситаси атамаси методикада икки маънони ифодалайди. Биринчи маъноси «таълимнинг моддий воситаси» (дарслик, ўқитувчи китоби, техника воситалари кабилар)ни билдиради. Иккинчи маъноси эса нутқ фаолияти турига тааллуқлидир (мас. ёзув чет тил ўргатиш воситасидир).

Методик усул янада кичик тушунча бўлиб, «янги сўзнинг маъносини очиш усуллари», «тил материаллини ўргатиш усуллари» сингари бирикмаларда учрайди. (Таърифланган методик атамалардан «метод ва принцип» ва «восита» V ва VI бобларда кенгроқ ёритилади.)

Умумий ва хусусий методика. Фанларда умумий ва хусусий чегараланиш кузатилади. Мас. умумий тилшунослик ва хусусий тилшунослик, умумий психология ва хусусий психология. Чет тил ўқув предметини ўргатиш масалалари муҳокама этилганда, умумий методика тушунилади. Тил материаллини танлаш, тақсимлаш, тасниф ва баён этиш муаммолари *умумий методика*нинг вазифасига киради.

У ёки бу чет тилни аниқ педагогик шароитда ўқитишга доир илмий маълумотлар *хусусий методика*дан изланади. Мас. ўзбек мактабларида хитой тили ўқитиш методикаси ёки рус мактабларида араб тили ўқитиш методикаси.

Умумий ва хусусий методиканинг тарихи, назарияси ва амалиёти соҳаларига тегишли фикр-мулоҳазалар методика назарияси курсини ташкил этади.

Методиканинг ҳозиргача олимлар томонидан асло қўл урилмаган тури мавжуд. Унинг номини «*Чет тил ўқитишнинг қиёсий методикаси*» дейиш мумкин. Унда турли ўқув юртларида чет тил ўқитиш муаммолари кўтарилади (XX бобга қаранг).

Ушбу китобда чет тил ўқитишнинг умумий методикаси баён этилди. Чет тил ўқитиш методикаси педагогика фанлари жумласига киради.

Методика фанининг илмий-тадқиқот методлари. Моддий дунё сир-асорини билиш ва ижтимоий қонуниятларни очиш йўлида турли фанлар яратилган.

Ҳозирги пайтда фаншунослар икки минг атрофида фан мавжудлигини эътироф этишади. Илмий-тадқиқот методлари бўлмаган биронта фан йўқ. Уларнинг ҳар қайсиси, жумладан педагогика ва, ўз навбатида, чет тил ўқитиш методикаси ҳам, фан сифатида ўзининг илмий-тадқиқот методлари билан иш кўради. Ўқитувчининг ижодий ишлашида нафақат фан ютуқлари ва илғор иш тажрибаларидан самарали фойдаланиш, шунингдек, ўқув жараёнида мустақил илмий изланиши ҳам зарурий шартлардан биридир. Мустақил тадқиқот амалдаги илмий-текшириш методлари ёрдамида ўтказилиши мумкин.

Илмий-тадқиқот методлари иккига бўлинади — назарий методлар ва тажрибага асосланган методлар. Тадқиқотнинг *назарий* методларига анализ/синтез, илмий фараз (гипотеза)лар қуриш, моделлаштириш тегишлидир. *Амалий* (тажриба) методлари орасида эксперимент, тажриба ўтказиш, мақсадли кузатиш кабилар маълум ва маъқулдир. Булар умумий ёки асосий методлар ҳисобланади. Илмий-текшириш методларидан ёрдамчилари ёки хусусийлари қуйидагилардир: анкета (сўров)лар ўтказиш, тест бажариш, хронометраж қилиш, суҳбат кабилар.

Ушбу методларнинг алоҳида-алоҳида ёки биргаликда қўл-

ланиши тадқиқот турига боғлиқ. Ҳозирги замон фаншунослигида илмий-тадқиқотлар уч турга бўлинади: 1. Фундаментал илмий-текширишда фаннинг соф назарияси ҳал этилади. 2. Амалий тадқиқотда назариянинг аниқ элементлари ишлаб чиқилади. 3. Ишлаб чиқариш учун зарурий материаллар тузиш/тайёрлашга доир тадқиқотда дарслик, қўлланма, аудиовизуал воситалар яратиш билан шуғулланилади.

Фаншуносликда таъкидланишича, тадқиқотнинг объекти ва предмети бўлади. Мас. ўрта мактабнинг бирон-бир синфида испан тилини ўқитиш — текшириш объекти бўлиб, агар ушбу синф ўқувчиларига ўқилиш қондасини ёки янги сўзни ўргатиш тадқиқ этилса, у ҳолда биз текширишнинг предметиға дуч келамиз. Кўриниб турибдики, тадқиқот предмети тадқиқот объектининг бир қисми ёки соҳасидир.

Асосий (назарий) методлардан анализ/синтез методига адабий манбалар (мас. чет тил ўқитишни ретроспектив (тарихан) ўрганиш)ни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Таҳлил методи олдиға доимо танқидий ёндашиш, ўтган даврдаги ижобий ва салбий томонларни аниқлаш мақсад қилиб қўйилади. Эришилган ижобий натижа ҳозирги кундаги ўқитиш тажрибасига татбиқ этилади.


Тадқиқот жараёнида замонвий кибернетика методларидан, чунончи программалаштириш, компьютерлаштиришға катта ўрин берилмоқда. Кибернетик анализ тилни ўргатиш жараёнини бошқариш ҳамда тилни эгаллаш даражасининг ҳолисона кўрсаткичларини топишға ёрдам беради.

Чет тил ўқитишдаги илғор тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш ва ёйишдан кўзланадиган мақсад ҳам ижобий натижаларни қўлга киритишға қаратилади. Илғор иш тажрибаси умумий тарзда (чет тил ўқитиш тажрибаси) ёки айрим кичик соҳалар (мас. дарс бошланишида тил муҳитини яратиш, қийин грамматик ҳодисани амалий ўргатиш каби)ларни анализ/синтез методи ёрдамида тадқиқ қилишдан иборат.

Асосий (умумий) тадқиқот методларидан илмий кузатиш педагогик жараёнда оммавий тус олган бўлиб, методик тадқиқотда хулосалар чиқариш, фойдали ахборот тўплаш, кузатилган ҳодисалар юзасидан тўпланган фактларни таснифлаш имконини туғдиради. Кузатиш ҳар доим маълум мақсадға бўйсундирилиши зарур. Оддий кузатиш оқибатлари контрол ишлар, протокол материали, тест натижаси билан тўлдирилиши мумкин.

Чет тил ўргатишни тадқиқ этишда таълимий тажриба ўтказиш ва эксперимент методлари кўпчиликнинг эътиборини ўзига тортган.

Тажриба ўтказиш оммавий таълим жараёнини тешириш методидир. Бошқа методлардан тажриба ўтказишнинг фарқи шундан иборатки, жуда кўп ҳолларда узок муддат давомида ўтказилган таълимнинг уфқдонбарли маълумотлари туфайли таълим жараёнини модел янглиғ намоён бўлади.



Илмий тадқиқотнинг умумий (асосий) методлари ичида салмоқли ўрин тутадиган тури экспериментдир. Тадқиқот методикаси соҳасида баракали илмий натижаларга эришган проф. М. В. Ляховицкий эксперимент ҳақида шундай фикр юритган: текширилаётган методик ҳодиса турли кўринишларда илмий асосланиб, тажрибага қўйилганда, эксперимент содир бўлади. Мас. лексик бирликлар экспериментал гуруҳларда таржимасиз, контрол синфларда таржима қилиб ўргатилади. Кўриниб турибдики, лексик материал битта, ўргатиш методикаси иккита. Эксперимент натижаси таржиманинг яроқли ёки яроқсизлигини исботлаб беради.

Анъанавий методик категорияларни экспериментдан ўтказишда албатта янгича ёндашилади, яъни бошқача кўринишларда текширув ўтказилади.

Эксперимент тўрт bosқичли методдир. **Биринчи bosқичда** эксперимент ташкил этилади, шу мақсадда илмий фараз (гипотеза) олға сурилади. **Иккинчи bosқичда** — режалаштирилган тартибда эксперимент амалга оширилади. **Учинчи bosқичда** — тадқиқот натижасининг миқдори ва сифати аниқланади. **Тўртинчи bosқичда** — олинган маълумотлар исботлаб берилди, илмий таҳлил қилинади. Илмий фараз (тахмин) қилинган методик муаммо, бир томондан, янгилик ҳисобланиши, бошқа томондан, мунозарали бўлиши, бинобарин, тажрибадан ўтишга муҳтож эканлиги эксперимент методининг ўзига хос хусусиятидир. Эксперимент илмий фаразнинг амалда синаб кўриш воситасидир.

Экспериментнинг назариясини экспериментатор (тажриба олиб борувчи) яратади, ижрочи ролида муаллим, текширилувчиларни ўқувчилар ташкил этади, эксперимент материали саналмиш методика ҳодисаси — объект ва предмет деб аталади.

Эксперимент ўзининг белгилари эътибори билан уч тонфага бўлинади: тадқиқотда тутган ўрнига кўра ёрдамчи ва асосий эксперимент, экспериментнинг ўтиши нуқтаи назаридан табиий ва лаборатория эксперименти ва эксперимент ташкил этилишига қараб, бир марталик ва такрорий эксперимент.

Ўзбек мактабларида чет тил ўқитиш методикасини яратишга аталган қатор тадқиқотларда эксперимент қилиш намунасини эслаб ўтиш ўринлидир. Иқтидорли методист-олим Ҳошимжон Сойназаров¹ илмий ишларида инглиз тили лексик бирликларини рецептив планда (идрок этиб тушунишда) тил тажрибасининг кўчиш меъёри экспериментал ва назарий асослаб берилган. Тожикистонлик методист-олим Тожимат Қодирович Сатторов² экспериментида чет тил грамматикасини актив ўзлаштириш методикаси ишлаб чиқилган. Немис тили синтаксисини ўзбек ауди-

¹ Х. Сайназаров. Обучение лексике английского языка в старших классах узбекской школы. Канд. дисс. — Л., 1982.

² Т. К. Саттаров. Методическое содержание обучения активной грамматике английского языка в узбекской средней школе. Канд. дисс. — М., 1982.

гориясида ўргатиш бўйича ҳам ибратли эксперимент қилинган.¹ Бир нечта илмий ишларда чет тилни ўргатиш соҳасидаги бажарилган экспериментлар ибратомуз намуналар даражасига қўтарилган. Эксперимент мавзусида методистлардан Эдуард Абрамович Штульман² чуқур илмий тадқиқот олиб борган.

Хуллас, эксперимент мунозарали таълимий муаммоларни ечиш методидир. Эксперимент натижасида таълим методлари ва мазмуни такомиллаштирилади.

Илмий тадқиқотда етакчи методлардан яна бири кузатиш атамаси билан маълум. Айрим методистлар кузатиш ва тажриба тўплашни чалкаштиришади. Тадқиқотнинг бошланиш даврида кузатиш мустақил метод сифатида қўлланади, кейинги босқичларда ёрдамчи метод вазифасини ўтайди. Илғор иш тажрибасини ўрганиш, уни умумлаштириш ва амалиётга татбиқ этиш таълим жараёнини такомиллаштириш усулидир. Унга анализ қўшилса, методга айланади. Кузатиш метод сифатида мақсадли, бирор вазифани бажаришга қаратилади. Шунингдек, кузатиш объектлари олдиндан аниқланган бўлиши керак. Кузатиш одатда анализ/синтез билан ўзаро узвий муносабатда бўлади. Кузатиш мақсадлари, объектлари ва жойлари олдиндан белгиланиши, дастури тузилиши ва кузатишда қўшимча методларнинг қўлланиши ҳал этилгандагина ундан кутилган натижага эришилади.

Илмий тадқиқот ишларида *хусусий* (ёрдамчи) методларнинг ҳам аҳамияти каттадир. Анкета ўтказиш бошқа методларга қўшимча қилиб қўлланилиши сабабли, у ёрдамчи метод дейилади. Анкета чет тил ўқитиш методикасига социологиядан ўтган. Тадқиқотчи керакли саволларни ёзма равишда анкетага киритиб, олинган жавобларни умумлаштириш йўли билан олдига қўйилган вазифани бажаради. Анкета ўтказишнинг муҳим шартларидан бири саволларга жавоб қайтарувчиларнинг кўп сонли бўлишидир.

Кейинги йилларда чет тил ўқитишда тестлар ўтказиш оммавий тус олди. Қисқа давр мобайнида ўқувчилар нутқ кўникма ва малакаларини назорат қилишда тест қулай бўлганлигидан унинг тез ва кенг тарқалиш сабабини пайқаб олиш мумкин. Тестлар эксперимент олдидан ва ундан кейин ўтказилиши амалиётда синаб кўрилган. Экспериментдаги илмий фаразнинг тасдиқланиш-тасдиқланмаслигида тестнинг аҳамияти беҳад каттадир. Тест техника воситалари билан ёки босма материални оддий қўллаш билан ўтказилади.

Навбатдаги таҳлил талаб ёрдамчи тадқиқот методларидан яна бири — хронометраждир. Тил ўрганишга ёки айрим нутқ бирликларини ўзлаштиришга сарфланадиган вақт ўлчами хро-

¹ Р. Н. Кремер. Обучение речевому синтаксическому навыку немецкого языка студентов национальных групп (на материале I курса языкового вуза). — Канд. дисс. — Л., 1987.

² Э. А. Штульман. Методический эксперимент в системе методов исследования. — Воронеж: ВГУ, 1976.

нометраж саналади. Хронометраж тадқиқот дастурига биноан турли усул билан ўтказилади. Мас. магнитофон тасмасига ёзиш, тинглаш ва кузатиш чет тил ўрганишда қўлланадиган тадбирлардир.

Тадқиқот методларидан суҳбат энг қадимий ва кўпчилик фанларда тарқалган ёрдамчи методдир. Суҳбат ўқувчилар ва муаллимлар билан ўтказилади. Суҳбат чоғида тадқиқотчи ўз мақсадларига савол-жавоб йўли билан эришишга уринади.

Чет тил методикасининг фан сифатида шаклланиши ва тобора юксалишида бошқа фанлар методларидан ҳам самарали фойдаланиб, унинг жорий тадқиқот методларини замонавийлаштирилиб боришнинг аҳамияти алоҳида таъкидланади.

Ўқув-методик топшириқлар

1. Методика фанининг асосий илмий тушунчалари номларини айтинг ва улар ёрдамида методиканинг предметини аниқланг.

2. Умумий ва хусусий методиканинг бир-биридан фарқини аниқланг.

3. Тадқиқот методлари номларини атанг, уларнинг турларини ва бир-биридан фарқини англаб олинг.

4. Эксперимент методи моҳиятини муфассал ўрғанинг.

II БОБ. ЧЕТ ТИЛ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНING РУХШУНОСЛИК, ТАЪЛИМШУНОСЛИК ВА ТИЛШУНОСЛИК АСОСЛАРИ

Методиканинг бошқа фанлар билан алоқаси. Табиат ва жамият ҳодисалари ўзаро боғланган ва узлуксиз алоқада ривожланади. Фанлар объектив воқелик (табиат ва жамият)-нинг инъикоси эканлиги учун уларнинг ҳеч бири бошқаларидан ажралган ҳолда мавжуд эмас. Ҳодиса ва предмет айни замонда бир талай фанларнинг тадқиқот манбаи бўла олади, мас. «тил» ижтимоий ҳодисасини ўз нуқтаи назаридан тилшунослик (лингвистика), рухшунослик (психология), таълимшунослик (дидактика) ўрганади.

Ижтимоий ҳодиса бўлмиш тилни ўқитиш методикаси бошқа яқин фанларнинг ижобий тажрибаларидан баҳраманд бўлади, уларнинг ютуқларини ўзига сингдириб олади. Чет тил методикаси эришган замонавий натижалардан педагогика фанларининг бошқа соҳалари ҳам фойдаланиши сўзсиз, албатта.

Методика илмининг қатор фанлар билан алоқадорлигини атрофлича тадқиқ этиш учун унинг шу кунда қандай назарий мақомга эгаллиги ғоясини очиш талаб қилинади. Биринчи бобдан маълумки, «методика» атамасини эшитган ёки ўқиган киши уни учта тушунча билан фикран боғлайди. Психология тилида буни ассоциация (лот. *associatio* — боғлаш, бирлаштириш) деб оdatланилган.

Муҳокама қилинаётган «чет тил методикаси» атамаси киши

идрокида қўйидагича *ассоциация* (боғланиш) уйғотади: аввалан, тилни ўргатишга қаратилган метод ва методик усуллар йиғиндиси (мас. талаффуз ўргатиш методикаси) тушунилади ёки ўқитиш методлари ҳақидаги илмий билимлар (онгли-қийёсий метод, интенсив метод) ва, ниҳоят, мустақил педагогик фан (ўзининг тушунчалар мажмуаси, илмий принциплари мавжуд соҳа) кўз олдига келади.

Нисбатан мустақил педагогик фан ҳисобланмиш «Методика» бир қанча фанлар билан турлича боғланган. Айрим фанларга нисбатан методика кичик система ҳолатида (мас. дидактикага таққосласак) ёки бошқа фанлар билан муносабатига кўра қардошлик (яқинлик) ҳуқуқида иш кўради. Иккинчи тоифага она тили ўқитиш методикаси, иккинчи тил ўргатиш методикаси кабиларни киритиш мумкин.

Методиканинг турли фанлар билан алоқасини текширишдан олдин, бу фанларнинг методика курсидан илгари талабалар ўрганиб чиққанликларини эслатиб ўтиш фойдадан холи эмас. Улар қўйидагилар: дидактика (педагогиканинг таълим назарияси бўлими), психология ва тилшунослик методикадан аввал ўрганилган (тилшуносликнинг айрим назарий соҳалари бундан мустасно, мас. «Назарий фонетика», «Текст лингвистикаси» кабилар). Методиканинг сўнгги йилларда шаклланаётган психолингвистика фани билан ҳам яқиндан алоқаси бор.

Тил ва тафаккур бирлиги, тил ва жамият, воқеликни билиш шакллари ҳақида методика яқин фанлар маълумотларидан озиқланади.

Шахс камолотига таълим-тарбия жараёнида эришилади. Таълимнинг асосий функционал вазифаси объектив воқеликни билиш манбаи деб тан олинган амалиётдир. Чет тилда амалиёт — гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзув, уларнинг маҳсули — ўқувчилар учун янги маълумот олиш ва ундан ўз ҳаётида фойдаланишдан иборат.

Ўқувчи эшитиш сезгиси ёрдамида тил бирлигини идрок этади, сўнгра уни нутқҳаракат сезгиси ёрдамида оғзаки баён қилади. Навбатдаги дарслардан бирида оғзаки ўзлаштирилган тил материали ёзиб берилади, яъни қўлҳаракат ҳамда кўрув сезгилари, шунингдек, анализаторлари, фаолияти чоғида ёзиш ва ўқиш босқичидан ўтади. Тил бирликларини тинглаб тушуниш, гапириш, ёзув, ўқиш, таълимнинг иккинчи йилида эса олдин ўқиш, кейин ёзувда ўргатилиши билиш назарияси қонуниятлари талабига тўлиғича риоя қилиш намунасидир. Тил бирлиги товуш томонини идрок этиш ва уни оғзаки айтиш — билиш жараёнининг жонли мушоҳада босқичи. График (ўқишдаги) ва мотор (ҳаракат) идрок ҳам шу босқичга киради. Ўқувчилар бирлик товуш ва график шаклини ва улар асосида семантика (маъно)сини, айни пайтда унинг функцияси (тушунча тарафи)ни ўзлаштирганларидан сўнг, иккинчи босқич — мавҳум тафаккурга ўтилади. Инглизча а реп сўзини тушунтириш (тақдим этиш) мисолида айтиб ўтилган фикрларни амалий намоёиш этиш мум-

кин. Дарсликда бу лексик бирлик аввал оғзаки, сўнгра ёзма берилган. Ёзма шакли ўтилганида ўқувчиларга грамматик абстракция, методика таъбири билан қоида-умумлашма беришга тўғри келади: «Инглиз тилида от олдида артикль қўлланади». Қисқа таъриф-қоида билиш назариясидаги мавҳум тафаккур босқичига мос келади. Энди ўқувчилар артиклни янги сўзлар билан мустақил қўллаш кўникмасини эгаллайдилар, яъни мавҳум тафаккурдан амалиётга ўтиш босқичи кузатилади.

Нутқ фаолияти турларини эгаллашда ҳам билиш назарияси татбиқ этилади. Методикадан маълумки, юқори синф ўқувчиларида ўқиб ахборот олиш малакасини ҳосил қилиш мақсад қилиб қўйилади. Олинган маълумот ўқувчиларга умумий таълим ва тарбия бериш ҳамда уларни атрофлича ривожлантиришга мўлжалланади. Уқиш жараёнининг ўзи, гносеология тилида айтганда, жонли мушоҳададир (кўрув сезгиси иштирок этади). Ахборот олиш, яъни ўқиганини тушуниб етиш, мазмунини фаҳмлаш мавҳум тафаккур маҳсулидир. Матндан ўзлаштирилган ахборот ўқувчиларнинг келажагига ижобий таъсир ўтказувчи омил ҳисобланади, бу эса — амалиётда фойдаланиш, деб тушунилади.

Ҳақиқатни, объектив реалликни билишнинг диалектик йўли чет тилнинг операцион (тил) ва мотивацион (нутқ) томонларини эгаллаш жараёнига бевосита татбиқ этилиши мисоллар воситасида исбот қилинди.

Методиканинг илмий соҳа сифатида ривожланишида руҳшунослик, таълимшунослик ва тилшунослик фанларининг улкан аҳамиятга моликлигини яна бир бор уқтиришни лозим топдик.

Чет тил ўқитишнинг руҳшунослик асослари. Чет тил ўқитиш методикаси психология (руҳшунослик) билан икки тарафлама — нутқ психологияси ва педагогик психология билан алоқа боғлайди. Инсон нутқи нутқ физиологияси (лингвофизиология) да ва нутқнинг пайдо бўлиши ҳамда уни идрок этиш психолингвистикада илмий тадқиқ қилинади. Барча тилларда нутқ тил материали ва нутқ механизмлари воситасида юзага келади.

Нутқ инсон бош мияси фаолияти бошқарадиган мураккаб руҳий жараёндир. Миянинг анализ-синтез қила олиши заминидан биринчи ва иккинчи сигнал системалари фаолият кўрсатади. Биринчи сигнал системаси эшитув, кўрув, ҳид ва таъм билиш ва бошқа сезгилар ёрдамида ташқи дунёни ҳис этиб, билишга имкон беради. *Иккинчи сигнал системаси* эса тил белгилари орқали воқеликни умумлаштириш асосида иш кўради. Биринчи сигнал системаси ҳайвонот дунёсига ҳам тааллуқли. Иккинчи сигнал системаси эса биринчи сигналлар сигнали бўлиб, сўз билан ифодаланади.¹ Инсон, ҳайвондан фарқли ўлароқ нутқни идрок этганида, унинг мазмунига эътибор беради.

Нутқнинг товуш ва ҳарфий томонлари унинг *ташқи (моддий)*

¹ И. П. Павлов. Лекции о работе больших полушарий головного мозга (лекция 3, 11). — Полное собрание трудов, т. IV. — М.-Л., 1947, 335—336-бетлар.

томони дейилади. *Ички* томони эса нутқҳаракат, эшитиш, кўрув ва қўлҳаракат тимсолларида ифодаланлади. Ҳар иккаласи *нутқий динамик стереотипни* ташкил этади. Стереотипларнинг ишлаши тил воситалари сифатида нутқ механизмини ҳосил қилади. Она тилида белгилар стереотиплари ва нутқ механизмлари тафаккур ва нутқнинг шаклланиш чоғида беихтиёр ҳосил бўлади ва онг иштирокисиз (аниқроғи, деярли онг иштирок этмаган ҳолда) фаолият кўрсатади.

Чет тилни эгаллашда олдин ўрганилган тиллар асосида ўхшаш элементлар (товуш, сўз, гап тузилиши) мавжуд нерв боғланишлари ёрдамида, ёт элементлар эса — янги боғланишлар пайдо этилиши туфайли иккиламчи белгилар системаси яратилади.

Чет тил ўқитишнинг дастлабки босқичида авваламбор товуш, сўз ва гапларнинг эшитиш ва нутқҳаракат тимсоллари вужудга келтирилади, сониян кўрув ва қўлҳаракат тимсоллари ҳосил қилинади. Бу аснода тил бирликларининг оғзаки ва ёзма шакллари салбий таъсирни олдини олиш учун замон ва маконда ажратиб ўзлаштириш ва кейинроқ уларни бириктиришга эришилади.

Сезги ва идрок объектив воқеликнинг инъикоси шаклида анализаторлар орқали фаолият кўрсатади. (**Анализаторлар ва сезгилар** муштарак номлар билан аталади.)

Кўрув анализатори график (кўриладиган, ёзма) тимсоллар ва мазмунан боғланишларни синтезлаштиради, яъни ўқиш учун тегишли зарурий психик воситадир. Қўлҳаракат анализатори график (ёзма) тимсоллар билан мазмунан боғлашда иштирок этади. Қадимдан маълумки, одамлар гапириш хусусияти ва ўнг қўлининг кўпроқ ишлаши билан ажралиб туради. (Америкалик олимлардан П. Пенфильд ва Л. Робертс маълумотига кўра, ер шарининг 30 фоиз аҳолиси чап қўл билан ёзадилар.)

Эшитиш анализаторини машқ қилдиришнинг чет тил ўрганишда аҳамияти катта, чунки у нутқ оқимидаги фонемалар ва ритм-мелодия ҳодисаларини фарқлашда етакчи роль ўйнайди. Эшитиш анализатори нутқҳаракат анализатори билан яқин алоқада бўлади. Артикуляция билан эшитиш ўзаро боғлиқ, иккала анализатор бир-бирининг ишини назорат қилиб туради. Нутқ фаолияти турларини содир этилишида анализаторлар ўзаро ҳаракати қуйидаги тартибда кузатилади: гапиришда етакчи — нутқҳаракат, қўшимча — эшитиш, ўқишда — кўрув, қўшимча — нутқҳаракат анализатори хизмат қилади.

Чет тил ўрганишда психик жараёнлар — диққат, идрок, хотира, тафаккур кабилар ҳисобга олинади. Улар ҳақидаги маълумотлар психология курсида ўрганилган. Чунончи, *диққат* — онгнинг муайян объектга йўналтирилганлигини билдирадиган психик фаолият шакли. Унинг икки тури — ихтиёрий ва ихтиёрсиз диққат мавжуд. Ихтиёрий диққатнинг ихтиёрсиздан фарқи шундаки, биринчисида онг иштирок этади.

Нарса ва ҳодисалар ташқи белгиларининг инсон онгида акс этиш жараёни *идрок* дейилади. Шахснинг тўплаган тажрибаси

билан идрок бевосита боғлиқ бўлади, бу ҳодисани руҳшунослар тилида *анперцепция* дейилади. Ушбу ҳодиса туфайли чет тил ўрганишда тил тажрибасига алоҳида эътибор берилади.

Инсон ҳаётида йиғилган тажрибанинг инъикоси, ўрин олиши ва сақланиши психик жараён сифатида *хотира* номини олган. Хотирада сақлашнинг акс ҳодисаси — эсдан чиқариш ёки хотирадан кўтарилиш дейилади. Хотира қисқа муддатли (*оператив*) ва узоқ муддатли (*доимий*) бўлади. Узоқ муддатли хотирада нутқда қўллашга тайёр турадиган тил материали сақланади. Қисқа муддатли хотира эса нутқда материални тез ва тўғри қўллашга хизмат қилади. Хотиранинг *кўрув*, *эшитиш*, *ҳаракат* ва *вербал* турлари мавжуд. Вербал хотира сўз билан боғлиқ бўлиб, бошқа турлари унга қўшилгандагина чет тил ўрганишда самарадорликка эришилади.

Тил воситаларини эгаллаш мушоҳада ва идрокдан бошланиб, тафаккур томон, сўнгра амалиётга йўналтирилган билиш жараёни эканлиги руҳшуносликда аниқланган. Фикр юритиш чоғида таққослаш, тиллараро ва тил ички муносабатларини аниқлаш, шунингдек, тил ҳодисасининг объектив борлиққа боғланишини очиш кабилар **тафаккур** зиммасида туради. Тафаккурнинг мавжудлик шаклларида бирламчиси — амалиёт. Шунга кўра тилга оид билимларни ўзлаштириш тилни ўрганишга қўйиладиган дастлабки қадамдир, асосий масала нутқ амалиётини эгаллашга бориб тақалади. Тил материали интуитив тарзда, онг иштирокисиз, автоматлашган даражада нутқда қўллана оладиган бўлгандагина, тилни ҳис этишга эришилади, яъни нутқ малакалари ҳосил бўлади.

Тафаккур ҳодисаси тушунчалардан таркиб топади, сўзлар эса тушунчанинг моддий шаклидир. Чет тил ўрганишда лексика ва грамматикада ифодаланган тиллар (она тили, иккинчи тил ва чет тил) тушунчаларининг ҳажми мувофиқлаштирилади. Инсонда бирон нарсани айтиш ёки тушунишга эҳтиёж туғилгандагина, у фикрлай бошлайди. Шунинг учун ҳам ўқувчиларни чет тилда гапиртириш мавзу ёки нутқ вазиятини таклиф қилишдан бошланади.

Чет тилни ўргатиш ушбу тилда нутқнинг содир бўлиши ёки идрок этилиши жараёнини ташкил қилишдир. **Нутқ** атамасининг маъноси *фикрнинг шаклланиш ва ифодаланиш усулини* билдиради. *Тил эса фикрни ифодалаш ва ҳосил қилиш воситасидир.* Фикрни ифодалаш психолингвистикада (**ре**)**продуктив** нутқ фаолияти дейилади, бунга гапириш ва ёзув киради. Ифодаланган фикрни (гапириш ва ёзув маҳсулини) идрок этиш **рецептив** нутқ ҳисобланади. Фикр баён этувчи ва идрок этувчилар **коммуникант** номи билан ягона атамада умумлаштирилади. Коммуникант ўз навбатида (**ре**)**продуцент** (гапирувчи ва ёзувчи — фикр баён этувчи) ва **реципиент** (фикрни идрок этувчи — тингловчи ва ўқувчи)ларга ажратилади.

Психолингвистика муаммоларини ҳал қилишда профессорлар — Лев Семенович Виготский, Николай Иванович Жинкин,

Алексей Алексеевич Леонтьев, Ирина Алексеевна Зимняя каби атоқли рухшуносларнинг ҳиссаси катта.

Бир ва ундан ортиқ тилни билувчилар фанда алоҳида атама-лар билан номланган: **монолингв** (бир тил эгаси), **билингв** (икки тил билувчи), **трилингв** (уч тилда фикр алмашувчи) ва **полиглот** (кўп тилларни биладиган одам). Ўзбек мактабларида ўқувчиларнинг аксарияти билингвлар бўлиб, чет тилни учинчи тил сифатида ўргана бошлайдилар (трилингв бўлиш имконига эгадирлар).

Чет тилни билиш турлари учта — актив, пассив ва аралаш ҳолда бўлиши мумкин. **Актив** билиш деганда, барча нутқ фао-лияти турларини она тилидагидек мукамал эгаллаш назарда тутилади. **Пассив** билиш — оғзаки ва ёзма текстни тушуна олиш-дир. **Аралаш** ҳолда билиш тил материалининг бир қисмини ак-тив, бошқа қисмини пассив тарзда нутқда эгаллаш тушунилади.

Рухшуносликда чет тилни эгаллаш кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборатдир. Кўникма атамасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: **Кўникма** онгли ҳолда бажариладиган фаолиятнинг автоматлашган таркибий қисмидир. Онг ишти-рокисиз автоматлашган фаолият **малака** деб таърифланади. **Билим** тушунчаси чет тилдаги нутқда лексика, грамматика ва талаффузни ўзлаштириш ва уларга оид содда қоидаларни би-лишни ифодалайди.

Тил ўргатиш рухшунослигида нутқнинг лексик, грамматик ва талаффуз кўникмалари ва гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзув малакалари тўғрисида илмий фикр баён этилади. Шу-нингдек, тил техникаси (ўқиш, ёзиш) кўникмалари ҳақида ҳам фикр юритиш мумкин.

Кўникма ва малака масалаларини улкан методистларимиз-дан проф. Сергей Филиппович Шатилов ғоят синчковлик билан тадқиқ этган. Чет тилларни ўрганишда сўзнинг маъноси, бири-ка олиши, грамматик шакл кабиларга оид билимлар уларни нутқда қўлланилиши пайтида ўзлаштирилади. Мавҳум назарий қоидалар баён этиш ва ёдлаш тавсия қилинмайди. Билим, шун-дай қилиб, кўникма таркибида иштирок этади.

Кўникмаларнинг кўчиши (ўтиши) чет тил ўқитишда долзарб муаммо ҳисобланади. Ушбу илмий тушунча рухшунослик ва тилшуносликда текширилади.

Рухшуносликда кўникманинг ижобий ва салбий кўчиши¹ ҳа-қида бой маълумот берилган. Тил тажрибаси янги ўзлаштири-лаётган ҳодисага тўсқинлик қилиши ёки уни осонлаштиришга йўллаши мумкин.

Салбий таъсир (интерференция) ўз манбаига кўра тиллар-аро (она тили, иккинчи тил, чет тилда) ва ички (чет тилнинг ўзида) намоён бўлиши мумкин. Интерференция лексика, грам-матика ва талаффузда учрайди, нутқ жараёнини тушунишга

1. H. R. Huse. The Psychology of Foreign Language Study. Chapel Hill, 1931, p. 42.

халақит беради, ҳатто сўзловчиларни бир-бирини тушуна олмайдиган ҳолатга тушириб қўяди. Интерференция оқибатида қийинчилик пайдо бўлиши, хатолар келиб чиқиши табиийдир (қийинчиликлар ҳақида «Тилшунослик асослари» мавзуида ба-тафсил тўхтаб ўтилди).

Рухшунослик маълумотларидан кўринадики, чет тил ўқитиш-да ўқувчилар психологик хусусиятларининг инобатга олиниши методик талаблар доирасига киради.

Чет тил ўқитишнинг таълимшунослик асослари. Барча ўқув предметларининг ўқитиш назариялари таълимшунослик (дидактика) фанига асосланиши, ундан илмий «озуқа» олиши шубҳасиз ҳолдир. Чет тил ўқитиш ҳам таълимшуносликка асосланади.

Биринчи навбатда дидактик принципларнинг чет тил ўргатишга татбиқ этилиши масаласи кўндаланг туради (чет тил ўқитиш методлари ва принципларига бағишланган V бобда бу мавзу муфассал ёритилади).

Методика моҳият эътибори билан, аввало, хусусий таълимшунослик саналади, иккинчи тарафдан, аниқ бирор чет тилни ўқитишга таққослаганда у умумий методика фани ҳисобланади. Умуман тилларни ўқитишга доир илмий-амалий мулоҳазалар йиғиндиси лингводидактикани фан сифатида шакллантиради (лингвотаълимшунослик атамаси 60-йиллар охирида Педагогика фанлари академияси қошидаги Миллий мактабларда рус тили ўқитиш илмий-тадқиқот институти жамоаси томонидан чоп этилган асарларда учрай бошлаган).

Дидактика таълимнинг умумий назарияси, **методика** муайян ўқув предметини ўқитиш илми, **лингводидактика** тилларни ўқитиш умумий назарияси, **лингвометодика** аниқ бир тил (ўзбек тили, рус тили, инглиз тили, араб тили)ни ўқитиш илми сифатида фарқланади. Дидактик қонун-қоидаларни чет тил ўқитишга мослаб татбиқ этиш йўлларини ёритиш мақсадида энг аввало «чет тил» ўқув предметининг хусусиятларини бошқа фанлардан фарқлаш керак бўлади.

Мактабда ўқитиладиган ҳамма предметларни шартли равишда қуйидагича таснифлаш мумкин: фан асосларидан сабоқ берадиган ўқув предметлари (мас. химия, биология, физика, математика, тарих, она тили); тарбия беришга қаратилган ўқув предметлари (расм, мусиқа, ашула); амалий фаолиятни ўргатадиган ўқув предметлари (жисмоний тарбия, меҳнат таълими); тил ўқув предметлари (она тили, иккинчи тил, чет тил). Фан асосларини ўргатувчи предметларда ўқувчиларга асосан ушбу соҳага оид билимлар баён этилади. Тарбиявий йўналишдаги предметлар ўқувчиларда нафосат ва гўзалликни таркиб топтиради. Фаолиятни ўргатиш предметлари жисмоний чиниқиш, меҳнат қилиш кўникма ва малакаларини шакллантиришга хизмат қилади.

Лингвотаълимшунослик объекти бўлмиш она тили, иккинчи тил ва чет тил ўқув предметларини таҳлил этганда, улар орасида муштараклик ва кескин тафовут борлиги намоён бўлади.

Тиллар орасидаги умумийлик шундан иборатки, ҳар учаласини ўрганишда ҳам ўқувчи нутқ фаолияти билан машғул бўлади. Ўшбу тилларда шаклланган нутқ кўникма ва малакалари туфайли бошқа фанлар ва соҳаларга оид билимлар (ахборотлар) ўзлаштирилади. Акад. Л. В. Шчерба сўзи билан айтганда, тил ўқув предметлари мулоқот (коммуникатив) вазифасини бажаради.¹

Мактаб шароитида она тили ўқитиш ўзга тилларни ўргатишдан шу билан сезиларли фарқ қиладики, тилларнинг коммуникатив функцияси ва таълимий-тарбиявий аҳамияти, умуман қаралганда, барчасига тегишли, бироқ бундай функцияларнинг бажариш меъёри ҳар бир тилда турлича. Мас. «Она тили» ўқув предметини ўрганиш чоғида ўқувчилар учун унинг коммуникатив ва таълимий-тарбиявий функциялари бир хилда рўёбга чиқади.

Чет тилда эса мулоқот, амалий қўлланиш етакчи функция бажаради, таълим ва тарбия вазифалари унга боғлиқ ҳолда рўёбга чиқади. Чунки она тилини ўқувчи мактабгача амалий эгаллайди. Энди она тилида ёзув ва ўқиш малакалари шаклланади ва оғзаки нутқ малакалари такомиллаштирилади. Таълимий томонини (тил назарияси асослари систематик курсини) махсус эътибор билан ўргатилади.

Иккинчи тилда ҳам амалий малакалар аввал қисман (ёки етарли) ҳосил қилинган, назарий билимлар, албатта, она тилидагидан камроқ ҳажмда баён этилади. Чет тил ўргатишда эса ҳар бир иш бошидан бошланади, коммуникациянинг бутунлай янги лисоний системаси шакллантирилади. Таълим беришга мўлжалланган қондалар (оддий назарий билимлар) амалий кўникма ва малакаларни эгаллашни тезлатиш (интенсификация) ва енгиллатиш (оптимизация) мақсадларига бўйсундирилади. Амалий мақсаднинг рўёбга чиқиши бевосита таълим-тарбияга ўз таъсирини ўтказиши, яъни ўқув жараёнида нутқий амалиёт (коммуникация) бирламчи вазифага айланади.

Тилларнинг асосий ўқув мақомидаги яна бир хусусияти шундаки, она тили тажрибаси иккинчи тил ўрганишда, сўнгра уларнинг иккови чет тилни эгаллашда ижобий ва салбий таъсир кўрсатади. Мавжуд кўникмаларнинг янги ҳодисани ўзлаштиришга салбий кўчиши (интерференция) кўпроқ кузатилади («Руҳшунослик асослари»да мазкур масала кенгроқ таърифланган.)

Таълимшуносликда ўқув предметини нима учун (қандай мақсадда), нимани (таълим мазмунини), қандай қилиб (метод ва принциплар) ва кимга (ўқувчига) ўргатиш муаммолари тадқиқ этилади.

Таълим мақсади ижтимоий муносабатлар системаси (жамият)нинг буюртмасидан келиб чиқади. Фаншуносликда, шунингдек, таълимшуносликда ҳам, мақсад тасаввурдаги фара-

¹ Л. В. Шчерба. Преподавание иностранных языков в средней школе. Общие вопросы методики. 2-е изд. — М.; Высшая школа, 1974.

зий натижадир. Келажак кишинини олдиндан тасаввур этиш билангина таълимнинг мақсади белгиланади. Чет тил ўқитиш мақсадлари шахснинг атрофлича ривожланиши доираси билан чегараланади.

Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, чет тил ўқитишдан амалий (коммуникатив), умумтаълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлар кузатилади (III бобга қаранг).

Ўқитиш назариясининг навбатдаги масаласи **таълим мазмуни** мавзусига тегишлидир. Таълимшунослик қоидаларига кўра, чет тил ўқитишнинг хусусиятларига монанд таълим мазмуни аниқланади. Илмий изланишлар кўрсатишича, чет тил таълими мазмуни нутқ малакалари, нутқ мавзуси ва тил материалидан таркиб топади (IV бобга қаранг).

Ўқитиш **методлари ва принциплари** таълимшуносликда ишлаб чиқилган. Чет тил ўргатишда улар ўзига хос усулда татбиқ этилади (V бобни ўқинг).

Нихоят, чет тил методикаси таълим жараёнининг асосий иштирокчилари — **муаллим ва ўқувчи** фаолияти тўғрисидаги таълимшунослик ютуқларидан фойдаланади. Дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни ташкил этиш юзасидан методик қонун-қоидалар ишлаб чиқилади. Дидактик маълумотлар бунда асос бўлади (XVI, XIX бобларга қаранг).

Чет тил ўқитиш метод ва принциплари, ушбу мавзу муқаддимасида таъкидлаганидек, таълимшуносликка асосланиб яратилади. Бу ўринда етакчи дидактик принциплардан ҳисобланувчи онглиликни қисқача шарҳлаш мақсадга мувофиқдир. **Онглилик** принципи фан асосларини ўқитадиган ўқув предметларига яқинроқ туради. Бироқ, чет тил ўқув предметини ўргатиш ҳам бу принципни четлаб ўта олмайди.

Чет тил ўргатиш тажрибасида ва чоп этилган илмий манбаларда онглилик принципи талқинида аста-секин эволюцион ўзгаришлар юз берди. Қирқинчи йиллар охири ва эллингинчи йиллар давомида чет тилда онглилик билим ва назарий материалнинг система сифатида ўрганилиши тарғиб қилинди. Уша даврда чиққан методик қўлланмалар мазмуни шундан далолат берадики, чет тил грамматик, лексик ва фонетик материали биринчи навбатда чуқур назарий қоидалар орқали тақдим этилар эди, машғулотлар билим бериш ниятида ўтказилар эди.

Эллингинчи йиллар охири ва олтмишинчи йиллар бошланишига келиб, онглилик методистлар томонидан бутунлай бошқача талқин этила бошланди. Чет тил ўрганишда мазмун бирламчи, шакл эса иккиламчи қилиб қўйилди. Олдин оғзаки ва ёзма текстни тушуниб, кейин ундаги тил ҳодисаларига диққатни қаратмоқ зарурияти ташвиқ қилинди. Шакл интуитив ҳолда, онг иштирокисиз ўрганилиши мумкин, деган методик йўл тутилди. Онглилик принципи, кўриниб турибдики, чет тилда нутқ мазмунини тушуниш билан боғланмоқда. Аслида эса нутқни эгаллаш жараёни ҳисобга олинмаган.

Олтмишинчи йилларнинг иккинчи ярмида чет тилни онгли ўрганиш ўқувчилар томонидан нутқ мазмунини тушуниш ҳамда нутқнинг таркибий қисмидаги тил бирликларини англаб етиш илмий тарзда асослаб берилди.¹

Ушбу илмий талқинга кўра, айрим зарурий қоидалар, яъни назариянинг элементлари амалий мақсадни кўзлаб баён этилади ва тилни ўрганиш жараёнини тезлаштиради ва ўқувчиларга осонлик туғдиради. Онглилик принципи заминида ишлаб чиқилган онгли-қиёсий метод таъкидлаб ўтилган учала методик ёндашишда ҳам қатор ўзгаришлар билан сақланиб келинади. Ҳозирги методикада қиёслаш ўқувчилар томонидан эмас, балки уларнинг тил тажрибасини ҳисобга олган ҳолда дарслик ва дастур тузувчи методистлар ва ўқитувчилар тарафидан амалга ошириладиган методик тадбирдир. Дарсда ўқувчи чет тил ҳодисасини англаб олади, бироқ тилларни қиёслаш билан банд этилмайди («Тилшунослик асослари»га қаранг).

Чет тил ўқитишнинг методологик, руҳшунослик ва таълимшунослик асосларини ўрганиш, унинг тилшунослик асослари ҳам мавжудлигидан далолат беради.

Чет тил ўқитишнинг тилшунослик асослари. «Чет тил ўқитиш» атамаси, аввалроқ қайд этилганидек, чет тилда нутқни ўргатиш маъносини билдиради. Тил деганда, муайян жамоа онгида ўрин олган код (белги)лар воситалари ва уларнинг қўлланиш қоидалари йиғиндиси тушунилади (инглизча — language, испанча — lengua, немисча — Sprache, французча — langue). Тилнинг асосий вазифаси кишилик жамиятида алоқа воситаси бўлиб, у белгилар системасидан таркиб топади. Тил тафаккурни ривожлантирувчи, авлоддан-авлодга ўтадиган маданий-тарихий меросни етказиш воситаси ҳамдир. Тил бўлмаса, нутқий алоқа бўлмайди, мулоқот бўлмаса, жамият ҳам, бинобарин, одам ҳам бўлмаслиги аниқ. Нутқ — тилнинг бевосита воқелиги дир.

Чет тил ўқитишни ташкил этиш учун тил ва нутқ тушунчаларининг фарқига етиш ғоят муҳимдир. Тилдаги бирликлар, айниқса лексика, ҳажман кўп миқдорни ташкил этади, киши нутқида эса икки-уч минг атрофида сўз қўлланади. Ёзувчилар эса ўз асарларида 20—25 мингтагача сўз ишлатадилар. Айрим тилларнинг луғавий бойлиги ярим миллионгача етади. Чет тилда ўқувчилар мингтача сўзни актив эгаллайдилар. Тил ижтимоий, нутқ эса хусусий ҳодисадир. Тил, содда қилиб айтганда, бирликлар ва уларнинг алоқаси системасидир, нутқ эса оғзаки ва ёзма матндир. Тилни фақат нутқ орқали ўрганиш мумкин. Тилда ҳарф/товушдан тортиб, то морфема, сўз, сўз бирикмалари, гап ва текстгача бўлган лингвистик белгилар, нутқда эса ушбу белгиларни қўллаш туфайли ахборот етказиш имконияти

¹ Общая методика обучения иностранным языкам в средней школе // Под ред. А. А. Миролюбова, И. В. Рахманова, В. С. Цетлин. — М.: Просвещение, 1967.

бордир. Нутқ доимо ё маҳсулот, ё жараён сифатида намоён бўлади. Текст лингвистикаси аталмиш тилшуносликнинг соҳаси нутқ бирлиги сифатида гапни эмас, балки текст (макро-ва микромаъно)ни тан олади.

Тилшуносликда «тил ва нутқ» дихотомияси олимларнинг ўнлаб-юзлаб авлоди учун тадқиқот манбаи, қизғин илмий баҳсларга азалий ва абадий сабаб бўлиб келмоқда.

Методика тилшунослик ютуқларидан ижобий фойдаланади. Мас. структурани тадқиқ этадиган лингвистик йўналиш намояндалари ижод этган нутқ намунаси тушунчаси методикага тезда сингиб кетди. Нутқ намунаси чет тил ўргатишда асосий бирлик мақомини касб этади. Нутқ намунаси тилнинг лексик, грамматик ва талаффуз томонларини мужассамлаштиради ва қўллаш ёки идрок этиш учун тайёр ҳодиса ҳисобланади. Тил ҳодисаси сифатида нутқда яхлит бирлик даражасида қўлланади, унинг таркибидаги лисоний кичик бирликлар алоҳида-алоҳида машқ қилинади. Тил ҳодисаларини комплекс ўрганиш ва элемент (унсур)ларидан қийинчилик туғдирадиганларини маҳсул машқларда қайтариш ва мустақамлашга эришилади.

Ўрганилаётган тилнинг қийинчиликлари тилшуносликнинг тиллар алоқаси (контакти) номли тармоғи илмий натижаларидан маълум бўлади. Қуйида тил ҳодисаларининг таълимдаги қийинчиликларини аниқлаш ва таснифлаш ҳақида тўхтаб ўтамиз.

Инсон ўз ҳаётида узлуксиз пайдо бўлиб турадиган турли қийинчиликларни енгиш билан машғул бўлади, инсоннинг камолотга етишида қийинчиликларга сабр-тоқат билан, ақл ишлатиб бардош бериши ва уларни енгиб ўтиши ҳал қилувчи аҳамиятга молик. Чет тил қийинчиликларини енгиб, нутқ фаолияти турларини эгаллаш мактаб ўқувчилари тажрибасида учрайдиган табиий ҳодисадир.

Чет тил қийинчиликлари нутқда қўлланадиган тил бирликларининг функционал жиҳатдан, формал (шакл) ва семантик (маъно) томонларини эгаллашда содир бўлади. Тил бирлиги ё **функционал** (тушунча даражасида, қўлланишда), ё **формал** (ясалишда, структурада), ё бўлмаса **семантик** (маъно билдиришда) қийин бўлиши мумкин. Ушбу томонларнинг ягона бир бирликда мужассамлигидан қатъи назар, ҳар бири қийин ёки осон ўрганилиши мумкин.

Ўрганиладиган тил материали бирликлари методистлар нуқтаи назаридан иккита катта—қийин ва осон тоифаларга бўлинади.

Осон бирликлар жумласига ўқувчилар тил тажрибасидаги тил ҳодисаларига муштарак (ўхшаш)лари киритилади. Мас. она тили ёки иккинчи тилда мавжуд сўзлар билан бир ўзакли (интернационал) чет тил лексикасини кўрсатиш мумкин: теннис — tennis, доллар — dollar, бизнес — business кабилар; грамматика жабҳасида ҳам осон ҳодисалар етарли миқдорда топилади. Мас. феъл замонларининг функционал жиҳатлари ёки си-

фатнинг оддий даражаси; талаффуз материаллари орасида ҳам анчагина нисбий ўхшашликлар мавжуд: [p], [t], [k], [s], [tʃ]} каби фонемалар. Кўрсатиб ўтилган ва бошқа тил тажрибасидаги умумийлик ҳосил қиладиган ҳодисаларни методика тилида *потенциал тил материали* (потенциал лексика/грамматика/талаффуз бирликлари) атамаси билан ифодалаш мумкин. Уқувчиларда ички имконият, яъни тегишли тил тажрибаси мавжудлиги туфайли потенциал бирликларни кам вақт сарфлаб ўрганишнинг иложи бор. Потенциал ҳодисаларни ҳам тасвирлаш ёки типологиялаш (тоифалаштириш) мумкин.

Қийин материални методик типологиялаштириш тил ўқитиш самарадорлигини оширишга бевосита дахлдор. Қийинчилик билан ўзлаштириладиган тил материални ўқитишда хатоларнинг келиб чиқиши муқаррардир. Демак, хатолар қийинчилик билан оқибат ва сабабият муносабатида бўлади. Бинобарин, қийинчиликларни бартараф этиш орқали хатолар олди олинади.

Қийинчиликларни олдиндан аниқлаб олиш тадбирлари қатор босқичлардан иборат. Дастлаб ўқувчилар онгида алоқага кирадиган тил материали (лексика, грамматика, талаффуз ҳодисалари) қиёсий таҳлил этилади. Тил тажрибасининг таркибий қисмлари (она тили, иккинчи ва чет тил) таққосланади. Қиёслашдаги метатил (асосий тил) муаммоси тил материалнинг репродуктив ёки рецептив ўзлаштирилишига боғлиқ. Чет тил ҳодисаси репродукцияда ўрганилса, метатил қилиб она тили (функция, семантика, форма) танланади. Она тилидан кейин иккинчи тил ҳодисалари, учинчи ўринда чет тил бирликлари қиёсий таҳлилга жалб этилади, акс ҳолда — рецепцияда чет тилнинг ўзи метатил вазифасини ўтайди. Соф тилшунослик учун метатилнинг фарқи йўқ. Лингводидактикада эса бунинг тафовути катта. Чунки ўқувчи гапириш ва ёзувда функциядан семантикага, сўнгра шаклга қараб фикран ҳаракат қилади. Рецептив нутқ (тинглаш ва ўқиш)да эса тилнинг формал тарафига таяниб, семантика ва функция келтириб чиқарилади.

Алоқага кираётган тиллардаги муштараклик ва тафовутларни очишда қиёслаш (**контрастив**) босқичи натижалари кифоя қилмайди. Ундан кейин **компаратив** (тил ички қиёсланиши) таҳлили ўтказилади. Тилнинг ички ҳодисалари орасидаги салбий таъсир (интерференция) очилади. Иккала (контрастив ва компаратив) қиёслаш статик (ҳолатдаги) қийинчиликлар типологиясини, бошқача қилиб айтганда, лингвистик типологияни яратади.

Муаллимлар иш тажрибаси кўрсатишича, статик типология билан чекланиш амалиётда ўзини тўлиқ оқламайди. Айрим қийин ҳисобланган ҳодисалар осон ўрганилади, баъзилари эса аксинча — статик типологияда қийин дейилган бирлик ўқув жараёнида енгил ўзлаштирилади. Хуллас, тил материални яна бир босқичда текшириб кўришга эҳтиёж сезилади.

Тил материали қийинчиликларини олдиндан айтиб беришда

учинчи — **диагностик** босқичдан ўтилади. Хатоларнинг пайдо бўлиш механизми қўшимча ўрганилади. Хатоларни динамика (ҳаракат)даги қийинчиликлар, деб аташ ҳам мумкин. Методикада тарқалган «хатоларнинг олдини олиш» тушунчаси мантиқан нотўғри, чунки қийинчиликлар олди олинади, хатолар бартараф этилади. Қийинчилик бор экан, унинг сояси янглиғ хатолар ҳамроҳ бўла беради. Қийинчилик йўқолса, унинг олди олинса, ўз-ўзидан хатони бартараф этиш чораси кўрилган бўлади. Чет тил ўқитиш жараёнида йўл қўйилган хатолар махсус таснифлаштирилади.

Энди тўртинчи босқичда — статикадаги (қоғоздаги, яъни назарий, ўйлаб топилган) қийинчиликлар тил материални ўрганиш чоғидаги хатолар билан сиңчиклаб солиштирилади. Статик ва динамик қийинчиликлар қўшма таҳлили у ёки бу тил бирлигининг ҳақиқатан қийин ёки осонлигидан дарак беради. Оқибатда қийинчиликларнинг **лингводидактик типологияси** тусилади.

Мактаб ҳаётида ушбу қийинчиликлар типологияси маълумотига зид ҳолатни учратиш мумкин. Осон ҳисобланмиш birlik тўсатдан қийинчилик туғдиради, яъни хатога олиб боради. Илмий текширишларга кўра, ўқув жараёнидаги ташкилий сабаб ҳам хатоларга етаклаши мумкин экан. Мас. ўқувчининг диққат билан ўтирмаслиги, дарс қолдириши (давоматининг пастлиги) ва муаллимнинг методик нотўғри иш тутиши сабабли материал пухта ўзлаштирилмайди. Ташкилий сабабларга биноан хатолар келиб чиқади. Демак, интерференцион (**таъсирий**) ва **ташкилий** қийинчиликлар бўлиши мумкин. Барча қийин ҳодисалар дарсликда ва муаллим ташаббуси билан тавсия этиладиган махсус машқларда ишлаб чиқилади. Муаллим эътибори қийин ҳодисаларни ўқувчиларга кўпроқ машқ қилдириш ва такрорлашга қаратилади. Ўқувчилар ҳаракати ва диққати қийинчиликни енгилшга жалб этилади.

Хатолар тўғрисида гап фақат таълим жараёнида бориши мумкин. Дарслик машқларида эса қийинчиликларгина назарий ҳисоб-китоб қилинган. Хатога нисбатан қийинчилик бирламчидир, хато унинг ҳосиласи эканлигини унутмаслик керак.

Тил қийинчиликлари муаммоларини тилшунослар, руҳшунослар, таълимшунослар турлича тадқиқ этишган. Методика фани мутахассислари мавжуд маълумотларни эътиборга олиб, нутқ фаолияти турларининг ҳар бирида ўз қийинчиликлари борлигини эътироф этишсади.

Репродуктив тарзда нутқ фаолиятини эгаллаш тил материални, аввалан, қўллашни (функциясини), сониян, маъносини (семантикасини) ва, ниҳоят, формасини (ясалишини, тузилишини) ўрганиш тартибини тақозо этади. Рецепт эгаллашда бошқача йўл кўрсатилади: ясалиши, маъноси ва қўлланилиши ўзлаштирилади. Мас. бешинчи синф ўқувчиси (биринчи йил чет тил ўқияпти) муаллим айтадиган нутқ намунасини идрок

этиб тушунади, тинглаб тушунгандан кейин ўзи айтади (гапиради). Оғзаки рецелцияда нутқ бирлигининг товуш шакли билан танишади, оғзаки репродукцияда унинг қўлланилишини ўрганади. Шунинг ўзигина тил материалини нутқ фаолияти турларида ўзлаштиришнинг хусусий муаммоларини ҳал этиш зарурлигидан далолат беради. Жумладан, лингводидактик типология нутқ фаолияти турлари бўйича алоҳида-алоҳида яратилиши талаб этилади.

Тажрибадан маълумки, мактаб ўқувчилари нутқ фаолиятининг тўрттала асосий турини ўрганадилар. Таълимнинг дастлабки босқичида оғзаки нутқнинг илгарилаши принципига мувофиқ иш тутилади. Лексик ёки грамматик бирлик олдин оғзаки, сўнг ёзма шаклда ўзлаштирилади.

Жорий методик анъанага кўра материални оғзаки ва ёзма ўрганиш ўртасидаги танаффус бир неча (бештагача) дарс орасида ёки бир дарснинг ичида бўлиши мумкин. Таълимнинг юқори босқичида тил материали рецелтив ўрганилиши, фақат лексиканинг ярми кейинчалик репродуктив тарзда ҳам ўзлаштирилиши методик жиҳатдан одат тусига кирган.

Таълим босқичи ва принципларига биноан умумтаълимий мактаб тил минимумига кирган барча ҳодисалар нутқ фаолияти турларида қуйидаги шароитларда ўргатилади:

I. *Тинглаб тушунишда* ўзлаштириладиган тил материали олти тоифага бўлинади:

1. *Ўрганилаётган тил материали* бошқа нутқ фаолияти турларида иштирок этмайди. Гапиришда кейинроқ ишлатилади, ёзув ва ўқишда яна ҳам кейинроқ, бироқ шу ўқув йилида ўрганилади.

2. *Тинглаб тушуниш учун берилган тил материали* гапиришда ҳам айтилади, ёзув ва ўқишда кейинги дарсларда қўлланади.

3. *Тинглаб тушунишда ўзлаштирилган бирлик* шу дарснинг ўзида гапириш материали ҳисобланиб, кейинги ўқув йилида ёзилади ва ўқилади.

4. *Тинглаб тушуниш ва гапиришда қўлланадиган бирлик* ёзув ва ўқишда бир неча синфдан кейин иштирок этади.

5. *Тинглаб тушунишда ўтилган материал* чет тил ўқитиш мактаб курсида бошқа нутқ фаолияти турларига киритилмайди.

6. *Аудиотекстда учрайдиган материал* шу дарснинг ўзида (биринчи ўқув йилидан ташқари) қолган учала нутқ фаолияти турида ҳам ишлатилади.

II. *Ўқишда* ўрганиладиган тил материали олти тоифани ташкил этади:

1. *Репродуктив нутққа* умуман киритилмайди (тинглаб тушунишда қўлланилади).

2. *Ўқишдан бошқа бирорта нутқ фаолияти* турига киритилмайди (ўқувчилар луғат бойлигига кирмайдиган «новокабуляр-вокабулярдан ташқари лексика»).

3. *График текстдаги мазмунни шакллантириш* учун зарур

сўзлар, кейинги дарсларда янги сўз сифатида яна қайтадан ўргатилади.

4. Тақлид йўли билан ўрганиладиган шеър ва ашуланинг янги сўзлари, ўқувчилар оғзаки нутқи ёки ёзувига киритилмайди.

5. Уқиш техникаси машқларига кирган янги сўзлар, нутқ фаолияти турларида қўлланадиган махсус янги материал сифатида ўргатилади (агар луғат минимумида ҳисобга олинган бўлса).

6. Уқишдан кейин тинглаш ва гапиришда машқ қилинадиган сўзлар, ёзувда машқ қилинмайди.

III. *Гапиришда* иштирок этадиган тил материали, бошқа барча нутқ фаолияти турларида ҳам ўрганилади. Улар актив лексика ва грамматика номи билан юритиладиган тил материалidir.

IV. *Ёзма* фикр баён этиш учун алоҳида тил материали берилмайди, чунки ёзув чет тил ўқитиш мақсади эмас, у таълим воситасидир. Оғзаки нутқда ўрганиладиган тил бирликларининг бир қисмигина ёзувда машқ қилинади.

Нутқ фаолияти турларида тил материалининг чегараланиб қўлланилиши фақат чет тил учун эмас, балки она тили ва иккинчи тилга ҳам тааллуқли методик қонуниятдир. Шунинг учун ҳам рецептив ва репродуктив нутқ ҳақида, актив ва пасив тил материали тўғрисида методик қоидалар чиқарилган.

Назарий ва экспериментал тадқиқотлар кўрсатишича, тил материали нутқ фаолияти турларида чегараланиб ишлатилишидан ташқари ҳар бир тил бирлигининг қўлланилиши, маъноси ва шакли ҳатто шаклнинг товуш ва график томонлари ҳам ажратилган ҳолда, турли дарсларда ўзлаштирилиши мумкин. Материални нутқ фаолияти турларида фарқлаб ўргатиш принципи тил материалининг методик типологиясини яратиш чоғида ҳисобга олинади.

Барча қийинчиликлар иккита катта гуруҳга бўлинади: **ҳоким** ва **тобе қийинчиликлар** номини олади.

Биринчи гуруҳга кирган ҳоким қийинчиликлар энг мураккаб бирликлардан таркиб топади. Уларни ўзлаштириш чоғида машқлар билан бир қаторда тушунтириш ва қоидалар берилди (мас. артикль).

Иккинчи тоифадаги тобе қийинчиликлар камроқ қоида ва тушунтириш йўли билан ўзлаштирилади, асосан машқ бажариш орқали қийинчиликлар олдини олиш мумкин. Уқувчилар тил тажрибасининг ижобий кўчиши ёки ўқитувчи нутқига тақлид қилиш воситасида ўзлаштириладиган тил бирликлари ушбу гуруҳга тааллуқлидир.

Хулоса қилиб айтганда, қийинчиликларнинг типологияси қуйидагича яратилади:

1. Содир бўлиш сабабига кўра интерференцион (таъсирий) ва ташкилий қийинчиликлар (она тили, иккинчи тил ва чет тилнинг ўз салбий таъсири натижасида вужудга келадиган қийинчиликлар шу дурга киради).

2. Тилни репетитив ва репродуктив эгаллаш билан боғлиқ қийинчиликлар. Улар функционал, семантик ва формал қийинчиликлар деб аталади.

3. Қийинчиликлар олдини олиш омиллари нуқтаи назаридан уларни ҳоқим ва тобе қийинчиликларга бўлинади.

Чет тил ўқитишининг тилшунослик асослари қуйидаги чизмада акс эттирилади:¹



Нутқ структураси (тузилиши) қуйидагиларни ўз ичига олади: оғзаки диалог — диалог (жуфтнутқ), суҳбат, мунозара; оғзаки монолог (якканутқ) — ҳикоя қилиш, эртақ ва топишмоқ айтиш, маъруза, лекция; ёзма монолог — хат, ариза, табрик, режа, конспект, реферат, мақола кабилар.

Уқув-методик топшириқлар

1. Рухшунослик фанидан методика қандай илмий маълумотлар олишини аниқлаб айтинг.

2. Таълимшунослик, лингвотаълимшунослик ва лингвометодика атамалари ҳақида билимингизни синаб кўринг.

3. Қийинчиликлар типологиясини синчиклаб ўрганинг ва айтиб беринг.

III б о б. ЧЕТ ТИЛ УҚИТИШ МАҚСАДЛАРИ

Ҳар қандай мақсад эҳтиёж туфайли пайдо бўлади. Мақсад тушунчаси режалаштирилган натижа, тасаввурдаги оқибат маъносини англатади. Чет тилни мактабда нима учун ўқитилади? деган саволга чет тилни амалий, таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларда ўрганадилар, деб жавоб қайтариш

¹ М. Я. Демьяненко, К. А. Лазаренко, С. В. Кислая. Основы общей методики обучения иностранным языкам. — Киев: Вища школа, 1976, 34-бет.

мумкин. Таълим мақсадлари ижтимоий буюртма—топшириқ бўлиб, ҳар томонлама ривожланган шахсни шакллантириш ва тарбиялашга қаратилади.

Чет тил таълими мақсадлари методик адабиётларда кенг муҳокама қилиниб келади. Олтмишинчи йилларнинг иккинчи ярмига келиб, амалий, таълимий ва тарбиявий мақсад атама-лари давр талабига мувофиқ шарҳлаб берилди.¹ Саксонинчи йилларда учала номга қўшимча ривожлантирувчи мақсад² ата-маси пайдо бўлди. Ушбу тушунча-атаманинг чуқур таҳлили сер-маҳсул методистлардан проф. Галина Владимировна Рогова³ томонидан амалга оширилган.

Шундай қилиб, чет тил тўрт мақсадда ўқитилади. Бирин-чиси — амалий мақсад — устивор.

Чет тил ўқитишнинг амалий мақсади. «Амалий» аталмиш методика атамаси ҳозиргача муаллимлар орасида бирдан ортиқ ассоциация (фикран боғланиш) га сабаб бўлиб, турли ҳажмдаги ва шаклдаги тушунчалар уйғотмоқда. Амалиётни «оғзаки нутқ», ёки «гапириш» деб юритиш каби хато фикрлар ҳам мавжуд. Чет тилни амалий эгаллаш, ўзгалар нутқини тушуниш ва ўз фикрини баён этиш деган тўғри умумий таъриф ҳам учрайди. Урта мактаб курсида чет тил амалий тарзда ўрганилишининг якуний мақсади — ўқиш, яъни ўқиб маълумот олиш демакдир. Урта мактабни тугатувчилар якуний мақсадга кўра ўқишдек нутқ фаолияти турини чет тилда ўзлаштиради. Оралиқ мақсад эса турлича бўлади. Таълим босқичи ёки алоҳида синфларда нутқ фаолияти турларидан гапириш оралиқ мақсадда ўрганили-ши мумкин. Мас. бошланғич даврда оғзаки нутқни мақсад ма-қомида ўрганадилар. Шу билан бирга ўқиш ва ёзув ҳам ўрга-нилади, бироқ уларга восита деб қаралади.

Энди атамалар зиддияти — «мақсад» ва «восита»ни таъриф-лаш эҳтиёжи туғилади. Нутқ алоқа воситаси экан, у (нутқ-нутқ фаолияти турлари мажмуаси)ни ўрганиш таълимнинг умумий амалий мақсадига киради. Бирор нутқ фаолияти тури якуний ёки оралиқ мақсад даражасида хусусий амалий мақ-садни ифодалайди. Мас. гапириш чет тил ўқитишнинг биринчи даврида хусусий оралиқ, етакчи амалий мақсадда ўрганилади, юқори синфларда унинг ўрнини ўқиш эгаллайди. Ҳамма синф-ларда тинглаб тушуниш ёрдамчи хусусий амалий мақсадда ўрганилади.

Ёзув нутқ фаолияти тури сифатида барча синфларда чет

¹ Общая методика обучения иностранным языкам в средней школе. Под ред. Рахманова И. В., Миролюбова А. А., Цетлин В. С. — М.: Просвещение, 1967, 19—31-бетлар.

² Программы средней школы. Иностранные языки. — М.: Просвещение, 1983, 2-бет.

³ Г. В. Рогова, И. Н. Верещагина. Методика обучения английскому языку на начальном этапе в средней школе. — М.: Просвещение, 1988, 34—37-бетлар.

тил ўргатиш воситаси бўлиб келади. «Восита» атамасининг маъноси «бошқа нутқ фаолияти турларини эгаллашда ёрдамчи» демакдир. Мас. гапириш ёки ўқиш машқидан кейин, уларда ўзлаштириладиган тил материали ёзувда мустаҳкамланади, такрорланади.

Чет тил методикасидаги «мақсад» атамаси қуйидагича изоҳланиши мумкин. Нутқ фаолиятининг тури мақсад мақомини олиши учун, албатта, **биринчидан**, унинг ўз таълим мазмуни (нутқ мавзуи, нутқ малакалари, тил материали) мавжудлиги, **иккинчидан**, тил материали даставвал шу нутқ фаолияти турида ўрганилиши, **учинчидан**, унга вақт ва кучнинг асосий қисми сарфланиши ва, ниҳоят, **тўртинчидан**, машқларнинг аксарияти ушбу нутқ фаолияти турида бажарилиши шарт. Мас. гапириш биринчи паллада махсус мавзу ва тил материали асосида ўргатилади, юқори синфларда эса ўқиш айнан мана шундай мавқега молик. Бошланғич даврнинг гапириш мавзулари ва лексикограмматик материали ўқиш ва ёзувда такрорланади, мустаҳкамланади.

Тавсия этилган методик мезонлар амалий мақсаднинг талқини учун кифоядир. Нутқ фаолияти турини ўқитишда агар тўрттала услубий мезонга риоя қилинмаса, у мақсад даражасидан маҳрум бўлади, таълим воситаси қаторидан жой олади. Чет тил артиклини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Артикль грамматик ҳодисаси қуйидаги тартибда нутқ фаолияти турларида ўрганилади: тинглаб тушуниш → гапириш → ёзув → ўқиш. Улардан биринчи ва иккинчиси (тинглаб тушуниш ва гапириш) таълимнинг хусусий мақсади, қолган иккитаси (ёзув ва ўқиш) — таълим воситаси.

Ўз-ўзидан мантиқий савол туғилади: нима учун тил материали барча нутқ фаолияти турларида ўзлаштирилади? Масала шундаки, объектив воқеликдаги исталган ҳодисани, шу жумладан чет тил бирликларини ўзлаштиришда қанча кўп анализатор иштирок этса, унинг динамик стереотипи шунчалик мустаҳкам бўлади.

Таълим мақсадини тушуниб этиш — ўқитишнинг умумий йўналиши (**стратегияси**)ни билиб олишга ёрдам беради. Мақсад дарс ва мустақил ишлар бажариш чоғида кўплаб аниқ вазифаларни ўташ йўли билан рўёбга чиқади. Вазифаларни ҳал этиш — таълим **тактика**сини ташкил этади. Таълимий вазифалар ўқувчилар бажарадиган амалий ишлардан иборат (тушуниш, фикр баён этиш, тил бирлигини ўрганиб олиш ва ҳ.к.з.).

Чет тилни эгаллаш (амалий мақсадга эришиш) таълимий ва тарбиявий мақсадларни ҳал этиш бобида асос ва шароит вазифасини ўтайди. Қисқаси, чет тилни амалий мақсадда ўрганиш ушбу тил ёрдамида керакли ахборот олиш ва бошқаларга етказиш маъносини англатади. Олинган ахборот (информация) ўқувчилар билим савиясини ошириш (таълимий мақсад) ва уларни тарбиялаш ишига хизмат қилади.

Чет тил ўқитишнинг умумтаълимий мақсади. Ўқувчиларга

чет тил учинчи тил сифатида ўргатилади. Мажбурий ўқув предметларидан бўлмиш чет тил, бошқа фанлар қаторида умумий таълим беришда ўз улушини қўшади. Чет тил ўрганиш натижаси ҳам, жараёни ҳам умумтаълимий аҳамиятга моликдир. Чунки чет тил воситасида олинадиган ахборотдан ташқари, уни ўрганиш жараёнида қўлланадиган тил бирликлари тафаккурни ривожлантиради, нутқнинг ифода планидаги янги ҳодисалар ўқувчилар учун қизиқарли бўлиб, уларнинг тил тажрибасини бойитади.

Тил материалида ўқувчилар она тилига мос келмайдиган ҳодисаларга дуч келишади. Мас. грамматикада феъл замонининг мураккаб шакли, лексикада полисемия (кўп маънолик), нинг ушбу тилга хос кўринишлари, талаффузда она тили ёки иккинчи тилда учрамайдиган фонетик бирликлар шулар жумласидандир. Жуда кўп лисоний ҳодисалар турли тилларда ўхшаш бўлади. Тиллардаги муштараклик ва тафовутларни билиб олиш ўқувчи билим савиясининг ошишига ёрдам беради.

Ўқувчилар тили ўрганилаётган мамлакат(лар) маданияти, санъати, тарихи, адабиёти, урф-одатлари, анъаналаридан воқиф бўлишади. Халқ маданияти хазинаси сифатида тилнинг кумулятив вазифасидан баҳраманд бўлишади.

Ўрганилаётган чет тилнинг коммуникатив вазифасини эгаллашда ўқувчилар мазкур тил кўзгусида ўз она тили (ва иккинчи тил)ни «томоша» қилиш бахтига муяссар бўладилар.

Тил ўрганишнинг илк босқичида лексик, грамматик ва талаффуз бирликларини оғзаки нутқ жараёнида ўзлаштиришга кўпроқ эътибор берилади. Юқори босқичда чет тилдаги график ва аудиотекстдан ахборот йиғиш ўқувчиларда ҳаётини янгилликларни билиш иштиёқини кучайтиради.

Хуллас, мактаб ўқувчиси чет тилни умумтаълимий мақсадда ўрганар экан, у икки хил мазмундаги таълимий маълумот олишга эришади. Биринчи турдаги ахборот ўрганилаётган чет тил (лексик, грамматик ва талаффуз) материални изоҳлаб берувчи қондалар, тушунчалар ва тилнинг ўзига хос ҳодисаларни тўғрисидаги маълумотлардан ташкил топади. Тил ҳақида ўзлаштириладиган оддий билим чуқур назарий системадан бутунлай фарқ қилади. Чет тил ўқитишни назарийлаштиришга йўл қўйилмаслиги керак. Содда назария нутқ кўникмаларини шакллантириш учунгина етарли бўлиши методик қонуният ҳисобланади. Илмий адабиётларда эътироф этилган ва муаллимлар тан олган «чет тилда нутқни ўргатамиз (чет тил ҳақидаги билимлар йиғиндисини эмас), деган методик шиорни эсдан чиқармаслик керак.

Чет тилдан кўра она тили ва иккинчи тил ўқитилишида уларга оид умумтаълимий ахборотлар кенгроқ ҳажмда ўзлаштирилади. Зеро, биринчи ва иккинчи навбатда ўрганиладиган тилларни ўқитиш табиий шароитда ўтади ва уларга ажратилган ўқув режасидаги дарс соатлари миқдори анча кўп. Шунга мувофиқ умумтаълим аҳамиятига молик назарий лингвистик

маълумотлар она тили ва иккинчи тилда бемалол ўрганила беради. Тилларни ўқитишда тилшуносликка доир билимлар нисбатини қуйидаги ҳаётий лавҳа билан қиёслаб ўтиш ўринлидир. Шаҳар қанча катта бўлса, транспорт ҳайдовчилар кўча ҳаракати қоидаларини шунчалик мукамалроқ билиши талаб этилади. Мас. Нью-Йорк, Токио, Сеул, Москва, Лондон каби шаҳарларда аҳоли сони ҳаддан ташқари кўп ва зич, кўчалардаги автомобиль ва пиёдалар миқдори ҳам шунга яраша. Демак, транспорт бошқарувчи ҳамда пиёдалар ниҳоят кўп сонли кўча ҳаракати ҳақидаги ва бошқа ахборотни хотирада сақлаши зарур. Еки Тошкент, Қобул, Тбилиси шаҳарларида юқоридагиларга нисбатан камроқ билимга эга ҳайдовчи транспортни бошқара олади. Қишлоқ ёки кичик шаҳарларда транспорт бошқарувчи янада озроқ ахборот эгаси бўлиши мумкин.

Тилни «бошқариш» қоидаларида ҳам мазкур мисолга монандлик сезилади, яъни она тилида назарий билим максимал миқдорда, ўртача муҳитда — иккинчи тилда тилшунослик асослари қисқартирилиб, чет тилда — чегараланган шароитда минимал ҳажмда содда назария, яъни оддий ўқув қоидаларини билиш тавсия қилинади.

Чет тилга оид таълимий материал ҳажми торлигига қарамай, яратилган шароитга яраша иш юритилади.

Таълимий мақсадда чет тил ўрганишнинг ўқувчи мантиқий тафаккурини баҳоли қудрат ривожлантиришга ва хотирасини яхшилашга ҳамда уларнинг билим савияси ва умумий маданиятини кўтаришга нафи тегади. Чет тил ўрганиш туфайли ўқувчилар тил ҳодисаларини нутқдаги реал фактлар сифатида ўзлаштирадилар. Чет тилни нутқ мулоқоти даражасида ўргана бориб, ўқувчи тил воситалари (ифода плани) заминиде унинг мазмун планини фаҳмлаб оладилар. Демак, умумтаълим объекти учта: тил ҳодисаси, тушунча ва қоидалар ва нутқ (матн) мазмуни. Уларнинг муайян ҳажми ва ўлчовлари бор.

Нутқ фаолияти юритиш, натижада ахборот алмашиш, чет тил ўқув предметини ўқитиш олдида турадиган кўп қиррали ягона мақсаддир. Лекин нутқда қўлланадиган материалнинг ўзи кўникмага айланувчи билим, ундан ҳосил бўладиган мавҳумот шаклидаги билим эса содда-содда қоидалар (мавҳумотлар) тизмасидир.

Хуллас, қоидалар, тил бирликлари ва матнлар мазмунини билиш чет тилда умумтаълим олиш ҳисобланади.

Умумтаълим чет тилни амалий билиш чоғида рўёбга чиқади. Амалий билиш тарбия бериш учун ҳам асосий йўл саналади.

Чет тил ўқитишнинг тарбиявий мақсади. Таълим ва тарбия ҳамжиҳатлиги қадим замонлардан кишиларга маълум. Таълим ўчоқлари, сўзсиз, тарбияга ҳам эътиборни қаратади, тарбиялаш ёки тарбияланиш тушунчасини таълимсиз тасаввур этиб бўлмайди. Инглизча ягона education сўзининг маъноси таълим ва тарбияни ўз ичига олиши рамзий мисолдир. Ўқувчиларни тарбиялаш борасида мактаб ўқув предметларининг ўз ўрин-

лари бор. Чет тил ўқитишда тўрт мақсаддан бири тарбия беришдир. Чет тил муаллимлари ва методист-олимлари бу масалага ҳамisha бирдек катта эътибор бериб келадилар. «Иностранные языки в школе» (Мақтабда чет тиллар) журналида чет тилнинг таълимий аҳамиятини ёритувчи материаллар қўллаб чоп этилган. Айниқса кўзга кўринган методист проф. Инесса Львовна Бим ёзган ушбу соҳадаги мақолалар (1976, № 4, 1984, № 3 кабилар) диққатга сазовордир. Ҳар бир методика қўлланмасида чет тилнинг тарбиявий томони алоҳида ёритилади.

Методика фанида чет тил ўқитишнинг тарбиявий мақсади қисқача шундай таърифланади: ўқувчиларга ғоявий-сиёсий тарбия бериш, уларда ақлий меҳнат кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш, шунингдек, ўқувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш. Тарбиявий мақсад асосан икки йўл билан рўёбга чиқарилади. Биринчиси, ўқувчиларнинг бевосита чет тил ўрганиш жараёнида тарбияланиши кузатилади. Мас. чет тил дарслари бошланган сентябрь ойининг дастлабки кунларида ўқувчиларнинг аксарияти ўрганилаётган тилни тинглаб тушунишади ва ўзлари гапиришга зўр иштиёқ билан киришадилар. Илк дарслардаёқ чет тилча саломлашиш, хайрлашиш, теварак-атрофдаги предмет ва ҳодисалар номларини билиш, шеър ва ашула айтиш, ўйинлар бажариш, тили ўрганилаётган халқ ва мамлакатга оид маълумотларни олиш кабиларга жуда қизиқишади. Янги ўқув предметини ўрганишга фаол сафарбарлик кўзга яққол ташланиб туради. Шуларнинг ўзи ҳам ўқувчиларнинг билим марраларини эгаллашга қизиқишлари ва ақлий меҳнатга интилишларидан далолат беради.

Чет тил ўқитишда тарбиявий мақсадни амалга оширишнинг иккинчи методик усули ушбу тил материалида тарбиявий жиҳатлардан фойдаланиш ҳисобланади. Мас. ўзаро чет тилда оғзаки мулоқот чоғида суҳбатдошига ҳурмат билан қараш, одоб доирасига кирадиган сўз ва ибораларни қўллаш (раҳмат, марҳамат қилинг кабилар), биргалашиб шеърлар, диалоглар айтиш, ўзи ва шериклари хатти-ҳаракатини одоб билан чет тилда шарҳлай олиш сингари юмушлар ўқувчини маданият сари етаклайди.

Чет тил аудиотексти ва график текстидан олинadиган янгилик — маълумотлар тарбиялашнинг тенги йўқ методик воситаларидандир. Матнлар мазмуни дастур нутқ мавзуларига мос келиши ҳамда ўқувчилар маънавий эҳтиёжини қондиришга қаратилган бўлиши талаб этилади.

Чет тил ўқитишнинг дастлабки йилларида микротекстлар асосида янги ахборот етказилса, юқори синфларда бадиий, сиёсий, маданий-спорт мавзуларига оид адабиётлардан парчалар ўқишга берилади ва улардан олинadиган маълумотлар ўқувчи тарбиясига бевосита дахлдор ва фойдали бўлади.

Ғоявий-сиёсий тарбия берадиган дарслик ва ўқиш китобидаги парчалар (матнлар) бирталай. Буюк мутафаккирлар, мада-

ният арбоблари, олимлар, фазогирлар, меҳнат қаҳрамонлари ҳақидаги матнлар мазмуни ўқувчиларни тарбиялашда ижобий натижалар бермоқда. Календарларда ажратиб кўрсатилган саналарга оид график ва аудиотекстларнинг ҳам тарбиявий таъсири каттадир. Инглиз, немис ва француз тилида чиқарилган жумҳурият методистларининг китобидан¹ фойдаланиш ҳам тавсия этилади.

Дардан ташқари машғулотларда, тўгарак ишларида, чет тил кабинетида уюштириладиган ўқув тадбирлари жараёнида ҳам тарбиявий мақсад амалга ошириб борилади.

Чет эллик меҳмонлар, мамлакатимиз ўқув юртларида таълим олаётган хорижий талабалар, элчихона вакиллари билан ўтказиладиган дўстона учрашувлар, интернационал (байналмилал) дўстлик клуби (ИДК) да олиб бориладиган тарбиявий тадбирларнинг аҳамияти чексиз.

Тарбия турларига оид хилма-хил ишлар ўтказилиши чет тилнинг бу жабҳада муҳим омил эканлигини кўрсатади.

Дарслик матнлари тарбияда бирламчи восита саналади. Мас. ўзбек мактабларининг саккизинчи синфи учун 1974 ва кейинги йилларда нашр этилган инглиз тили дарслигининг олтинчи дarsi (параграфи)да машҳур америка ёзувчиси О'Непгу (О. Ҳенри) қаламига мансуб *The Last Leaf* ҳикоя матни ўқишга берилган. Рассомликни ҳавас қилган ёш камбағал қиз хаста бўлганида раҳм-шафқат намунасини кўрсатган қария (Берман) қизнинг соғайиб кетишида ўз ҳаётини қурбон қилиши содда ва ишонарли бадийий бўёқларда тасвир этилган. Матнни ўқиган ўспирин ёки қиз инсонпарварликни тушуниб етади. Уларнинг қизга раҳми келади, қария Берман шахсига нисбатан ҳурмати ортади. Қишилик жамияти учун гоят муҳим ва манфаатли раҳм-шафқатдек умуминсоний қадриятни жисман ҳис этиш ўқувчида инсонийликни тарбиялашга йўл очади.

Хуллас, чет тил ўқитиш жараёнида ўқувчилар тарбиясига муносиб эътибор берилади.

Чет тил ўқитишнинг ривожлантирувчи мақсади. Юқорида таъкидланганидек, ривожлантирувчи мақсад чет тил ўқитиш методикасида янги қабул қилинган илмий категориядир. Бинобарин, ушбу мақсад ҳақида етарли методик маълумотларни топиш мушкул. Методик қўлланмалар орасида Г. В. Рогова ва И. Н. Верещагина ҳаммуаллифликда ёзган китобда ривожлантирувчи мақсадга оид қисқача маълумот келтирилган.

Таълимнинг тўртинчи мақсади сифатида пайдо бўлган «ривожлантирувчи» методик атамаси даврга ҳамнафасдир. Мазкур мақсаднинг номи таълимшуносликда машҳур бўлган «ривожлантирувчи метод» тушунчаси заминида тақлид йўли билан

¹ А. П. Улорова, Е. Н. Подгурская, С. С. Мирсоатова. Чет тилларни ўқитишда календарь ва унутилмас саналардан фойдаланиш. — Тошкент: Ўқитувчи, 1987.

вужудга келди. Тил ўқитишда бундай ном билан аталадиган метод йўқ, бироқ чет тил ўқитишнинг ривожлантирувчи мақсади номи билан бу атама илмий-методик муомалага киритилди.

«Ривожлантирувчи мақсад» тушунчаси ўқувчи шахсининг ақлий, ҳиссий ва мотивацион (ички туртки) тарафини ривожлантиришни ифодалай бошлади. Демак, чет тил ўқитишда ўқувчиларнинг ақлий савиясини қўйдан юқорига кўтариш, ақлий жиҳатдан равнақ топтириш, мазмунан юксалтириш, ижобий маънода ақлан янада улғайишини таъминлаш ушбу мақсаднинг рўёбга чиқишида кўзланадиган биринчи вазифадир. Иккинчидан, чет тил ўрганишда ривожлантирувчи мақсад ўқувчиларнинг ҳис-туйғуларини камол топтириш, ташқи таъсирни сезгилар ва анализаторлар ёрдамида идрок этиб тушунишни равнақ топтиришни назарда тутди. Учинчидан, ривожлантирувчи мақсаднинг ўқувчилар олдига қўядиган вазифалари қаторига яна фаолият кўрсатиш йўлида ички туртки (руҳшунослик атамаси билан айтганда, мотивация)ни авж олдириш, фаол ишга тушириш кабилар ҳам киради. Хуллас, ривожлантириш ақл, ҳиссийёт, мотивацияни юқори поғоналарга кўтариш маъносига қабул қилинди.

Чет тилни амалий эгаллашда таълим бериш, тарбиялаш ва оқибат натижада шахснинг атрофлича камолотга эришишига кўмаклашишдек муқаддас ва мураккаб педагогик чора-тадбирлар амалга оширилади.

Рухшунослар ва таълимшунослар эътироф этишларича, ўқувчиларга таълим жараёнида етарли миқдорда қийинчиликларни енгиб боришни ўргатилсагина, уларнинг тафаккурини тезкорлик билан ривожлантира олиш мумкин. Шахснинг камолоти фақат тафаккур ривожини билан эмас, балки, унинг ҳис-туйғулари равнақи билан ҳам боғлиқдир.

Чет тил методикаси илмида ўқувчининг ички кечинмалари (эмоцияси) ва ички турткиси (мотивацияси)ни рўёбга чиқариш муҳим эканлиги назарий асослаб берилган. Оқибатда чет тил ўрганиш мотивацияси ошади, ўқув жараёни тўлақонли мазмун касб этади. Шуларнинг барчаси чет тил дастурида ривожлантирувчи мақсаднинг ўрин эгаллашига сабаб бўлди.

Ўқув дастурининг ўқитириш хатида, чет тил ўқитишнинг таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи мақсадлари тилни амалий эгаллаш чоғида уйғунлашган ҳолда юзага чиқади, деб бежиз таъкидланмаган.

Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятида кўникма ва малакаларнинг ҳосил бўлиш даражасига кўра шахснинг ижтимоий фаоллиги аниқланади. Таълимшунослик илмида ўқув кўникма ва малакаларининг тўртта тоифаси тасниф этилади. Улар ташкилий, ақлий, ахборот ва мулоқот ўқув кўникма ва малакалари деб аталиши мумкин.

Чет тил таълимида ташкилий ўқув кўникма ва малакалари ўқув-методик воситалар асосида ҳосил қилинади. Бу жараён мактаб тажрибаси исботидан ўтган қўйдаги усулларни тақозо

этади: чет тил ўрганишда муаллим билан ўқувчи, муаллим билан синф (гуруҳ), ўқувчи билан синф (гуруҳ), ўқувчи билан ўқувчи бирга ишлаши тавсия этилади. Ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этишда лингафон ёрдамида машғулот ўтказиш, уларнинг овозларини ёзиш ва эшитиш, уйда ўқиш ва уй вазифаларини (асосан ёзма шаклда) бажариш кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш алоҳида аҳамиятга моликдир. Ўқувчилар олган кўникма ва малакаларини ўзлари текшириб кўришлари, нутқдаги камчилик ва хатоларини ўзлари тўғрилаб боришлари, ўз нутқларини ўзлари эшитиб кузатишлари мумкин. Бу ишда назорат методикасининг синалган усули тестлардан фойдаланиш оқибатида кутилган натижаларга эришилади. Ҳозирги мактаб тажрибасига компьютерларнинг кириб келиши ўз-ўзини назорат қилишда баракали самаралар бера бошлади. Буларнинг ҳаммаси ўқув жараёнида ташкилий кўникма ва малака ҳосил қилишга мўлжалланган тадбирлардир.

Ақлий кўникма ва малакаларни шакллантириш учун қуйидагиларни тавсия этиш мумкин. Нутқ фаолиятини эгаллашда тил бирликларининг мавҳумот томонлари (қондалар) ўқувчилар тафаккури маҳсули сифатида ўзлаштирилади. Мас. ўрганилаётган нутқ намунаси иштирокида содда назарий тушунча ва таърифлар вужудга келтирилади. Тил ҳодисаси моддийликдан моҳият (ғоявийлик) сари силжиш, бурилиш ясаиди. Тил ҳодисаларини бир-биридан фарқлаш, умумлаштириш, ажратиш, қўшиш, системалаштириш каби ақлий амаллар бажарилади. Ўқилиш қондаларини ўргатишга мўлжалланган сўзлар устунлари ёки қаторларини ўқувчилар ўқиганларида сўзлардан қондага қараб уларнинг ақлий ҳаракати таъминланади. Конкретликдан абстракцияга ўтиш ўрганилади. Лексикада от, сифат, равиш ва бошқа тил бирликларининг ясалиши, антонимия ва синонимия, полисемияларнинг ўрганилиши ақлий тақомилга қадам қўйишдир. Грамматик ҳодисаларни ўзлаштириш (мас. от кўплик шакли ясалиши, феъл шакллари, модал феълнинг қўлланилиши), улар ҳақида мавҳумотларни ўзлаштириш ўқувчи шахсининг ривожига самарали таъсир этади.

Нутқ фаолияти жараёнида, мас. ўқиган ёки тинглаган матндан ахборот олишга, яъни мазмунни тушунишга йўлловчи саволларга жавоб бериш, олинган ахборотга ўз муносабатларини билдириш ва ҳ.к.з.лар ақлий кўникма ва малакаларни таркиб топтиради.

Ахборот кўникма ва малакаларини шакллантириш аксарият ҳолда ўқиб маълумот олиш даврида юз беради. Дарслик ва ўқиш китоблари, юқори синфларда қўшимча тарзда вақтли матбуот материалларини ўқиш болаларга янги ва қизиқарли ахборот олиш манбаи саналади. Ахборот олишдан ташқари ўқувчилар матн олди саволларига жавоб излаш, луғатдан фойдаланиш, саҳифа қуйи ҳошиясидаги тилга оид изоҳларни ўрганиб бориш, грамматик маълумотномадан фойдаланиш каби


қизиқарли машғулотлар билан банд бўлишади. Мазкур ўқув амаллари ўқув-ахборот кўникма ва малакасини эгаллашга кўмаклашади.

Ўқув кўникма ва малакаларининг тўртинчи тоифаси мулоқотга оиддир. Нутқ фаолияти турлари (гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзув) билан машғул бўлиш, психолингвистика таъбири билан айтганда, коммуникация (мулоқот) демакдир. Чет тилда гапирганда, ўқувчи оғзаки фикр баён этишнинг ажойиб усулларида фойдаланади. Мас. чет тилда исботлаш, ишонтириш, маъқуллаш ёки маъқулламаслик, ёқлаш ёки қарши фикр айтиш сингари кўплаб ўқув кўникма ва малакалари шулар жумласидандир.

Юқорида таъриф-тавсиф этилган ташкилий, ақлий, ахборот ва мулоқот ўқув кўникма ва малакаларини шакллантириш йўли билан ўқувчиларни фаоллаштиришга эришилади. Ривожлантирувчи мақсад нутқий ҳаракатлар туфайлигина юзага чиқади. Унинг таълимий мақсаддан жиддий фарқи шундаки, ўқув маълумотлари олиш билан таълим фикран боғланади, маълумотнинг мазмуни ва уни олиш жараёни эса кўникма ва малакаларни ривожлантирувчи мақсад доирасига киради. *Таълим ривожланишининг таркибий қисми* саналади.

Чет тил ўргатишнинг амалий, таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлари узвий боғланган тизим ҳосил қилади.

Ўқувчилар олдига қўйиладиган чет тил ўқитиш мақсадларини чизма тарзида қуйидагича тасаввур этиш мумкин.¹



¹ Г. В. Рогова, И. Н. Верещагина. Методика обучения английскому языку на начальном этапе в средней школе: Пособие для учителя. — М.: Просвещение, 1988, 37-бет.

1. Чет тил ўқитиш мақсадларининг номларини айтинг. Уларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқланг.

2. Гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзувнинг мақсад ва восита эканини тушунтиринг.

3. Тил ҳодисалари ва уларга оид мавҳумотнинг ҳамда матн мазмунининг ўқитиш мақсадлари билан муносабатини шарҳлаб беринг.

IV б о б. ЧЕТ ТИЛ ЎҚИТИШ МАЗМУНИ

1-§. Таълим мазмунининг назарий масалалари

Чет тил ўқитиш методикасининг фан сифатида ўз назарияси, амалиёти ва тарихи бор. Чет тил ўқитиш мазмунининг ҳам таълим мазмуни таркибига кирувчи илмий категорияси ўз назарий ва амалий томонлари, тарихий манбалари бўлиб, тадқиқотчилар эътиборини жалб қилиб келмоқда.

Таълим мазмунини ўрганиш шуни кўрсатадики, чет тил ўқитиш мазмунининг назарий томонлари методист олимлар тарафидан¹ фаол текширилиб келинса-да, мазкур методик тушунча турлича талқин этилмоқда.

Ўқув жараёнида нимани ўргатиш масаласининг моҳиятига оид мутахассисларнинг турли, кўпинча бир-бирига қарама-қарши фикрлари изоҳлаб келинмоқда. Бу борада икки муаммо мавжуд: биринчиси — нимани ўргатилади, саволига жавоб беришда, аксарият олимлар таълим мазмуни ўргатилади, деган аслида тўғри, аммо умумий жавобни қайтарадилар. «Нимани — таълим мазмунини» муаммосининг ҳал этилиши долзарблигича қолмоқда.

Чет тил ўқитиш мазмунининг таркибий қисмларини тадқиқ этиш муҳим назарий изланишлар сирасига киради. Ўқитиш мазмуни қандай қисмлардан ташкил топиши ўқитиш мақсадларига узвий боғлиқ ҳолда ҳал этилади. Мақсад одатда мазмунни белгилайди, яъни мазмун таълим чоғида ўзлаштириладиган ўқув-методик ҳодиса бўлса, унинг маҳсули эришиладиган мақсад сари олиб боради. Чет тил ўқитишнинг амалий мақсади

¹ Г. В. Рогова. Содержание обучения иностранному языку // Иностранные языки в школе, 1974, № 3; Д. Д. Джалалов. К характеристике опыта учащихся и содержания обучения иностранному языку // Вопросы оптимизации преподавания русского языка, литературы и иностранных языков в школах Узбекистана. Сб. трудов УзНИИПН. Ташкент, 1980; Ш. И. Шатиришвили. Основы содержания обучения иностранным языкам в национальной школе. — Тбилиси: Изд-во Тбилисского ун-та, 1981; Содержание обучения иностранным языкам в средней школе. Организация речевой деятельности. — М.: Педагогика, 1984; Б. А. Лапидус. Проблемы содержания обучения языку в языковом вузе. — М.: Высшая школа, 1986; Д. Д. Джалалов. Проблемы содержания обучения иностранному языку. — Ташкент: Фан, 1987.

(нутқ фаолияти турларини эгаллаш) да муайян тил материалини қўллаш ҳамда тил бирликлари нутқ кўникма ва малакаларининг шаклланишида иштирок этишида аниқ чегаралар қўйиш каби методик жумбоқлар ечилади.

Демак, нутқ фаолияти доираси аниқланади. Ушбу доира методикада нутқ мавзулари номини олган. Нутқ мавзулари, нутқ малакалари ва тил материали чет тил ўқитиш мазмунини шакллантиришда тенг ҳуқуқли таркибий қисмлар бўла олади.

Методика фанида «чет тил ўқитиш мазмуни» мураккаб атмасини тадқиқотчилар турли ҳажмдаги тушунчалар билан фикран боғлаб келдилар. «Ўқитиш мазмуни» доирасига, юқорида номлари келтирилган таркибий қисмлардан ташқари, яна бир қанча тушунчаларни қўшиб юборишмоқда. Мас. матнлар, машқлар, она тилига ёт чет тил тушунчаларини ҳам айрим муаллифлар асарларида (қ. Умумий методика ...) учратиш мумкин. Баъзи методистлар тил ва нутқ материалини алоҳида қисмлар шаклида (мас. Г. В. Рогова) тавсия этишади. Методистлар орасида кўпчилик билим, малака ва кўникма каби таълимшуносликдаги категорияларни ҳам чет тил ўқитиш мазмунига киритиб келишди.

Методика манфаатига зид ва илмий жиҳатдан номақбул ҳисобланувчи шунга ўхшаш бир томонлама ёндашишларнинг мухтасар танқидий таҳлили талаб қилинади. Қўйида шуларга тўхтаб ўтилади. Матнни ўқитиш мазмунига киритмасликни осонликча исботлаш мумкин. Нутқ мавзулари деганда, уларнинг мазмуни, яъни мавзудан келиб чиқадиغان ахборот ҳисобга олинади. Мавзу ахборотни тахминан чамалайди, лекин ўз ичига олмайди, у ахборот учун умумий кўрсаткич бўлади. Мавзу юзасидан оғзаки ва ёзма матнлар ҳосил қилинади. Матнда ахборот берилади ёки олинади. Демак, ахборот матн мазмунидир, матн эса мавзунинг намоён этилишидир. Хулоса қилиб айтганда, таълим мазмунига «Мавзулар» киритилади, матн ва ундан кўзланадиган ахборот ҳосилалардир. Мавзу — сабабият, матн — оқибат, ўз навбатида, матн — сабабият, ахборот эса оқибатдир. Хулоса шуки, мавзу чет тил ўқитиш мазмунига муҳим таркибий қисм сифатида киритилади.

Чет тил ўқитиш жараёнида машқлар бажариш орқали амалий мақсадга эришилади. «Машқ» атамаси икки маънода қўлланиляпти: биринчиси — нутқ фаолияти турларини эгаллаш жараёнидаги методик амаллар бўлса, иккинчиси — ўқитиш мазмунини дарслик ва бошқа ўқув қўлланмаларида методик ташкил этилган ҳолатдаги ўқув бирлигидир. Машқлар йиғиндиси системалаштирилади. Бинобарин, машқ амалий мақсадда бажариладиган ўқув материали ва вазифасидир. Машқ материали ўқитиш мазмунидан олинади. Ўқитиш мазмуни машқнинг асоси, манбаи, объектидир. Машқ бирор мавзуда тил материалини ишлатиб, нутқ фаолияти турини эгаллаш йўлидаги ақлий — нутқий одимдир, яъни ўқитиш мазмуни таркибий

қисмлари қаторида эмас, балки уларни амалиётда ўрганиш во-ситаси мақомида туради.

Она тилида мавжуд бўлмаган чет тилнинг тушунчалари ма-саласига келганда, шуни айтиш лозимки, бу тушунчалар яхлит ҳолда учрамайди. Сояда жон бўлмаганидек, тил тушунчалари ҳам ўзи мустақил бирлик эмас, улар тил ҳодисасидан сунъий, яъни хаёлан яратилган мавҳумотлардир, бошқача қилиб айт-ганда, лексик, грамматик, талаффуз бирлигининг тафаккурда-ги тимсолидир. Мас. инглизча грамматик бирлик speaks эши-тиш, айтиш, ўқиш (кўриш) ва ёзиш мумкин бўлган, сезгилар-ёрдамида идрок этиш ёки қўлланиш предмети ҳисобланадиган тилнинг моддий ҳодисасидир. Ундан фикран ҳосил қилинган «феълнинг ҳозирги замон учинчи шахс бирлигидаги шакли» дейиладиган мавҳумот — қоида моддий эмас, балки фикрлаш «маҳсули», холос, уни ёдда сақлаш мумкин. Қисқаси, speaks — табиий, у ҳақдаги қоида эса — сунъий бирлик. Биринчиси жисм (шартли айтганда), иккинчиси унинг сояси (рамзий маънода).. Хулоса — чет тил тушунчалари (она тилидаги тушунчаларга ўхшайдими ёки фарқ қиладими, ундан қатъи назар) мустақил ҳолда ўқитиш мазмуни таркибига киритилмайди. Тил бирлиги ва қоида биргаликда ягона тил ҳодисасини ташкил этади.

Навбатдаги мунозара «тил ва нутқ бирликлари» атамаси доирасида ўтказилади. Ҳар иккаласи ҳам нутқдаги тил ҳоди-сасини англатади. Ўқувчилар тил бирлиги ёки нутқ бирлиги ҳодисаларини иккита алоҳида ўқув материали қилиб ўрганмай-дилар. Тилшунослар тил бирлиги билан иш кўрадилар. Унинг тадқиқотчиси шу тилда нутқни эгалламаган бўлиши ҳам мумкин. Нутқ фаолияти ижрочиси эса тил бирлигини назарий ўрганмаган бўлиши ҳам мумкин. Демак, ўқувчи назариётчи эмас, у — амалиёт соҳиби, чет тилдаги нутқни талаб доирасида ўр-ганнади. Тил бирликларини билим сифатида эмас, балки кўникма-ва малака билан омихта тарзда эгаллайди. Ўқитиш мазмунига «тил материали» номли қисм киритилиши назарий ва амалий жиҳатдан оқланади.

Мунозарали методик тушунчалардан яна бири — бу «билим, малака, кўникма» атамалари тизмасидир. Таълимшуносликда турғун ва асосли ушбу тушунчалар чет тил ўқитиш мазмунига тасодифан кириб келган. Сабаби, аксарият ўқув предметлари-да (фан асослари ўрганиладиганларида) учала тушунчани қа-бул қилиш маъқул топилган. Чет тил фаолият ўргатувчи ўқув предмети бўлганидан, билимни ўқитиш мазмунида қисм деб тан олиш ғайри илмий ҳисобланади. Нутқ кўникмаси таркибида билим сингдирилган бўлади. Шунинг учун дарсда чет тилда билимлар атайин баён этилмайди, ўқувчиларга улар ҳақида маърузалар ўқилмайди, билимни атайлаб текшириш машғулот-лари ўтказилмайди, унинг ўзлаштирилиши кўникма (ва мала-ка)да назорат этиб борилади. Кўникма ва малаканинг чет тил ўқитиш мазмунига киритилишини эса барча нуфузли методист-

лар маъқуллайди. Қўникма малака учун ўзига хос поғона бўлганидан, яқуний малака ҳисобга олинади.

Баён этилган илмий методик фикр-мулоҳазаларни ҳисоб-китоб қилиб, шуни таъкидлаш жоизки, *чет тил ўқитиш мазмуни таркиби* «нутқ мавзулари», «нутқ малакалари» ва «тил материали»дан иборат. Демак, ўқитиш мазмуни уч (**мавзу, малака, материал**) таркибли методик тушунчадир.

Уч таркибли ўқитиш мазмунини методист олим ўз ижодий фаолиятида яратади, муаллим ўқув шароитида уни ўқувчиларга амалий фаолиятда ўргатади, ўқувчилар эса муаллим раҳбарлигида дарслик ёрдамида ўзлаштирадидлар.

Чет тил ўқитиш мазмуни тушунчасини мана бундай таърифлаш мумкин: муайян мавзулар доирасида чет тил бирликларини қўллаб, нутқ малакаларининг шаклланишини таъминлашга мўлжалланган методик ҳодиса. Уқитиш мазмунининг қисмлари кейинги параграфларда муфассал кўриб чиқилади.


Уқитиш мазмуни умумий ва хусусий бўлиши мумкин. Мамлакатимиз ўрта мактаблари учун мавзулар, малакалар ва тил материаллари минимуми илмий методик мезонларга биноан танланади. Ажратилган *сбат*ларга қараб, у ёки бу жумҳурият мактаблари учун мавзу, малака ва тил материали миқдоран ўзгартирилади, буни методика тилида *компрессия* (ихчамлаштириш) дейилади. Чет тил ўқитиш шароитига кўра бажариладиган бундай методик тадбир ташкилий компрессия дейилиши маъқул. Методик манбаларда (—Ж. Ж., 1987) *квантитатив* компрессия (миқдорий танлаш) номи берилган, бу тушунча қуйидагича таърифланиши мумкин: чет тил таълими мақсадига кўра ўқитиш мазмунини танлаш тадбирлари ва натижаси. Ундан ташқари, ўқувчиларнинг тил тажрибасига кўра умумий минимумнинг осон ва қийинлари ажратиб олинади. Ўқув материали тақсимоти жараёни ҳам ҳисобга олинади. Янада кичрайтирилган (*квалитатив* ёки сифат) компрессияси номини олган бундай методик чорани — мазкур мактаб ўқувчилари учун алоҳида эътибор ва куч талаб қиладиган ўқув материални қайта танлаш (ажратиб олиш) жараёни ва маҳсули деб қаралади. Тил материали ичида лексикани, грамматикани, талаффузни алоҳида-алоҳида ўргатиш мазмуни ажратилади.

Тил бирликлари танлангандан сўнг уларнинг таснифлаш (типология), тақсимлаш ва тақдим этиш босқичларидан ўтиши тил материални ўргатиш мазмунига олиб келади.

Демак, чет тил ўқитиш мазмуни тушунчаси (нутқ мавзулари, нутқ малакалари ва тил материали қисмлари)нинг ҳар бири ўз навбатида квалитатив (сифат) компрессиясидан ўтиши, шундан кейингина ўқувчилар ўрганиши учун тақдим қилиниши кабиларни англатади.

Қуйидаги схемада чет тил ўқитиш мазмунига кирадиган қисмлар ва кичик қисмлар тасвирланган (ўқитиш мазмуни таълим мақсадларига бўйсунуши ва ўқитиш метод (ва принцип)лари орқали ўқув жараёнида ўрганилиши кўрсатилади).

Чет тил ўқитиш мазмуни



Ўқув-методик топшириқлар

1. Чет тил ўқитиш мазмуни атамасини қандай тушунчалар ифодалашини билиб олинг.
2. Методик тушунчалардан матн, машқ, она тилида йўқ чет тил тушунчалари ўқитиш мазмунига алоҳида қисм бўлиб кира олмаслигини исботлаб беринг.
3. Чет тил ўқитиш мазмунининг таркибий қисмлари нималардан шаклланиши ва улар ўз навбатида қандай кичик қисмлардан ташкил топишини аниқланг.

2-§. Чет тил ўқитиш мазмунининг таркибий қисмлари

Назарий мулоҳазаларга кўра (1-§ да) чет тил ўқитиш мазмуни нималардан иборатлиги равшанлашди. Таълим жараёнида ўрганиладиган/ўргатиладиган ўқув материали уч таркибли (мавзулар, малакалар, материал) бўлиши фақат илмий-методик таҳлил учунгина зарур. Ўқув жараёнида эса учала қисм яхлит ўзлаштириш манбаи бўлиб хизмат қилади.

Таълим мазмуни, жумладан чет тил ўқитиш мазмуни, объектив воқеликдаги табиий ва ижтимоий соҳаларда тўпланган тажрибалар «океани»дан томчилар ўқувчиларга сингдирилади. Астрономик масштабдаги тажриба «учқуни» — чет тил ўқитиш мазмуни ўқувчилар тасавурида ғоят улкан дастурий ўқув материалидир. Бошқача қилиб айтганда, танланган ўқитиш мазмуни ўқувчилар кўзи билан — максимум (энг кўп ҳажмда) ўрганиш, ўқитувчи назарида эса — минимум (энг кичик ҳажмда) ўргатиш материалидир.

Чет тил ўқитиш мазмунини ўқувчилар ўзлаштиришлари хусусиятларини эътиборда тутиб танланади, тақсимланади, таснифланади ва ўрганиш учун тақдим этилади. Танлаш, тасниф, тақсимот ва тақдимот босқичлари муайян методик мезонлар ёрдамида амалга оширилади.

Тил материали тайёрлаш ва ўзлаштириш босқичларидан ўтади. Тайёрлаш босқичининг танлаш даврида ўқувчилар она тили ва иккинчи тилдаги тажрибалари ҳисобга олинмайди. Тасниф, тақсим ва тақдим эса ўқувчилар тил тажрибасидан келиб чиқади.

Ушбу параграфда чет тил ўқитиш мазмуни таркибий қисмлари — нутқ мавзулари, нутқ малакалари ва тил материаллари тўғрисида маълумотлар берилади.

Нутқ мавзулари. Чет тил ўқитиш мақсадларидан келиб чиқиб, нутқ мавзулари танланади. Мавзулар экстралингвистик (тилдан ташқари) социал-психологик ҳодиса бўлиб, методикада ҳозиргача, дадил айтиш мумкинки, мукамал тадқиқ этилганича йўқ. Бунга биринчи ва асосий сабаб — фанда мавзулар йиғиндиси жамланмаганлигидир. Бу ажабланарли ҳол эмас, чунки мавжуд гносеологик таълимотдан маълумки, мутлақ ҳақиқат бўлиши мумкин эмас. (Ваҳоланки, ушбу эътирофнинг ўзи — мутлақ ҳақиқат йўқ, дейилиши — мутлақ эмас, яъни ўз-ўзига зид фикрга ўхшаб кетади. Бир нуқтаи назардан мутлақ ҳақиқат ҳисобланадиган маълумот бошқалар томонидан бемалол инкор этилиши мумкин. Инкорни инкор этиш қонуни фалсафа курсида ўрганилган. Мас. «Нуриддин Акром ўғли Муҳиддинов 1917 йилда туғилган» деган фикр ҳижрий йил ҳисобида инкор қилиниши муқаррар ва мақбул).

Нутқ мавзуларининг методикада мукамал ишланмаганлиги маълум. Шунга қарамай, чет тил дастурларида давр талабига

маълум маънода жавоб бера оладиган «Мавзулар» тизими тавсия этилган.

Урта мактабда чет тил ўрганиш чегараланган тематик минимум (ва шунингдек, ситуатив минимум) билан таъминланади. Мактаб дастурига мавзулар киритилишида «ўқувчи ва унинг теварак-атрофи» методика мезонига суяниб иш кўрилади. Соддароқ қилиб айтганда, ўқувчи, аввалан, ўзи ҳақида, ўзига яқин кимсалар ва нарсалар ҳақида чет тилда (ўртоқлари, муаллим, оила аъзолари ва синфи, мактаби, уйига оид) фикр баён этиши, сониян, узоқроқ атроф масофа ҳақида (қишлоғи ёки шаҳрига оид) фикр юрита олиши ва, ниҳоят, ўз ватани ва тили ўрганилаётган мамлакат ҳақида ахборот бера ва ола билиши талаб қилинади. Ушбу мавзуларнинг методик таснифи учта йирик номни ташкил этади: «Ўқувчи теварак-атрофи», «Ватанимиз», «Тили ўрганилаётган мамлакат(лар)».

Мазкур уч мавзунинг чет тилда нутқ учун танланиши қуйидаги илмий-методик мезонларга асосланади.

Биринчидан, ўқувчи чет тилни илк бор ўргана бошлаши даврида ҳеч қандай тил бирликларини билмайди. **Мезон:** тил нотаниш, мавзу таниш.

Иккинчидан, оғзаки нутқ мавзуларида чет тилда фаолият ўргатилади, чунки тинглаб тушуниш ва гапириш бошқа нутқ фаолияти турларига асос бўлади, оғзаки нутқ етакчи фаолият вазифасини ўтайди. **Мезон:** оғзаки нутқ мавзулари биринчи ўринда туради.

Учинчидан, мавзулар нутқ фаолияти турларидан гапириш (ва тинглаб тушуниш) ва ўқиш (ва тинглаб тушуниш) учун ажратилади. **Мезон:** оғзаки нутқ мавзулари ўқиш ва ёзув учун асос бўлади, ўқиш мавзулари (юқори синфларда) фақат тинглаб тушуниш учунгина татбиқ этилади (ўқиш мавзулари бўйича гапириш ва ёзиш шарт эмас).

Тўртинчидан, нутқ фаолияти турларидан тинглаб тушуниш ва ёзувнинг ўз мавзуси йўқ. **Мезон:** гапириш ва ўқиш мавзулари тинглаб тушунишга тўлиқ дахлдор, гапириш мавзулари чет тил ўқитиш курсида ёзув учун тегишли ҳисобланади.

Бешинчидан, ўқиш мавзусидаги лексик бирликлар (тахминан шу синф (синфлар) минимумининг тенг ярми) гапиришда қўлланади, ёзувда қўлланиши шарт эмас. **Мезон:** ўқилган матннинг мазмунини тушунганлик даражаси оғзаки нутқ мавзулари асосида текшириб кўрилади.

Олтинчидан, оғзаки нутқ мавзулари билан ёнма-ён нутқ вазиятлари ҳам берилади. Нутқ вазиятлари, мавзулар билан бир қаторда диалог нутқ (жуфтнутқ) учун тааллуқли, монолог (якканутқ) эса гапириш ва ёзувга тегишли. **Мезон:** нутқ мавзулари қаторида нутқ вазиятлари ҳам танланиши керак.

Еттинчидан, нутқ мавзулари ва нутқ вазиятларини танлаш жараёнида олинadиган ахборотлар тахминан ҳисобда бўлиши керак. Мас. «Ўзинг ҳақингда гапириб бер», дейилганда, мавзу

чегараси белгилаб қўйилиши керак, яъни «сен ўқувчисан, ўз ҳақингда инглизча/испанча/немисча/французча гапириб бер», дейилса, «мен ўқувчиман, бешинчи синфдаман, ёшим 11 да» каби ахборотлар якканутқда баён этилади. Мабодо жуфтнутқ талаб этилса, ўқитувчи томонидан ёки дарслик машқидан нутқ вазияти маълум қилиниши керак: «бирингиз ўқитувчи, қани ўқувчилар билан суҳбатлашинг-чи», қабилида иш тугилади. Демак, мавзу умумий нутқ йўналиши билан боғлиқ, аниқ ахборотни кичик мавзу («сен ўқувчисан» каби) ёки нутқ вазияти ёрдамидагина олдиндан белгилаб қўйилиши мумкин. **Мезон:** мавзу ва вазият нутқ ахборотини олдиндан белгилловчи таянч ҳисобланади.

Саккизинчидан, ўқув дастурида оғзаки нутқ мавзулари ва кичик мавзулар тўла, нутқ вазиятлари эса айрим намуналарда келтирилади. Ўқиш мавзулари эса жанрлар ёки матн турлари номлари билан кўрсатилади, холос. Мас. сиёсий, илмий, маданий, спорт ва ҳ.к.з. мавзуларида матнлар ўқилиши кераклиги таъкидланади.

Ёзма матни дарслик муаллифи ёки ўқиш китоби тузувчиси чет тилдаги манбалардан танлайди, мослаштиради (адаптация қилади). Шунинг учун адабий жанрни кўрсатиш кифоя. Оғзаки матни ўқувчи яратади, бинобарин, мавзу ва вазият унинг нутқидан олдин тавсия этилади. **Мезон:** мавзулар (гапириш ва ўқиш мавзулари) нутқ фаолияти турларига қараб белгиланади.

Тўққизинчидан, нутқ мавзулари биринчи ўринда берилишига асосан икки сабаб мавжуд: бир томондан, чет тилда олинган ахборот «биноси» — мавзулардир, бошқа томондан қаралганда, тил материални танлаш ҳам кўп жиҳатдан мавзулар билан боғлиқ бўлади. **Мезон:** чет тилдаги ахборот мавзуларнинг ички томонини ташкил этади, бинобарин, мавзу ва ахборот бир масаланинг икки томонидир.

Таълим қаерда, қачон ва қандай тарзда берилишидан қатъи назар, аввало, ахборот сингдириш демакдир. Таълимшунослик маълумотларига биноан, ўқитиш — муайян ҳажмдаги ахборот бериш демакдир.

Ахборот ҳақидаги таълимотни чуқур таҳлилига киришмаган ҳолда, фалсафада айтиладиган «ахборот — инъикос жараёнининг бир кўринишидир» деган таъриф-тавсифни келтириш етарлидир.

Ўқувчилар олиши ва етказиши мумкин бўлган ахборотларни ҳам методик таснифлаш имкони мавжуд. Чет тилда берилладиган ахборот ўқувчилар қизиқишига мос, умумтаълим ва тарбиявий йўналишда, мавзулар доираси ва тил материали асосида ҳамда уларнинг умумий савиясини кўтаришга қаратилган бўлиши талаб қилинади.

Хуллас, мавзу — ташқи кўрсаткич, ахборот эса — ички томон сифатида чет тил ўқитишнинг мазмунида ягона таркибий қисмини ташкил этади.

Мавзуларга тегишли хусусий методик мезонлардан ташқари чет тил ўқитиш мазмунини танлашнинг умумий мезон (принцип, критерий)лари ҳам фанда ишлаб чиқилган. Улардан назария ва амалиётда кенг қўлланиб келинаётганлари учта.¹

Чет тил ўқитиш мазмунини танлашнинг **биринчи** умумий мезони ўқув дастурида эътироф этилган «мақсадларни амалга ошириш учун етарлилик» номи билан юритилади. Мезоннинг маъноси шундан иборатки, танлаб олинган мазмун нутқ малакаларини ҳосил қилиш учун хизмат қилади. Мавзу ва тил материали шаклланмиш малакани таъминловчи омиллардир.

Ўқитиш мазмунини танлашда «мазмунни ўзлаштириш учун ўқитиш шароити, имкониятлари мавжудлиги» **иккинчи** мезондир. Шароит (синфда ўқувчилар сони, дарсларнинг ҳафталик миқдори) ўқувчиларга ўқитиш мазмунини эгаллаш имконини яратишга кўмаклашади.

Учинчи мезон сифатида чет тил ўқитиш мазмунини танлашдаги «ўзлаштиришнинг рецептив ва репродуктив хусусиятларини ҳисобга олиш» қабул қилинган.

Психолингвистикадаги нутқнинг пайдо бўлиши ва уни идрок этиш ҳақидаги назарий мулоҳазаларга кўра актив ва пассив тил материали ажратилади, мавзуларда ҳам уларни фарқлаб ўрганилади.

Нутқ малакалари. Чет тил ўқитиш мазмунининг ушбу қисми ўқув дастурларида турли номлар билан баён этилади. «Малакаларга қўйиладиган талаблар», «Нутқ малакаларига бўлган талаблар» ва «Чет тилда нутқ фаолияти турларини эгаллаш кўрсаткичлари» каби иборалар кўпчиликка маълум. Якуний (ўрта мактабни тугатиш даврини ҳисобга олиб) ёки оралиқ (ҳар бир синф учун алоҳида) кўрсаткичлар ишлаб чиқилган. Одатда дастурнинг уқтириш хати (кириш қисми)да якуний ва оралиқ кўрсаткичлар берилади. Оралиқ кўрсаткичларида олдинги синф(лар) ҳисобга олинади.

Чет тилда нутқ фаолияти турларини эгаллаш кўрсаткичлари гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзувни назарда тутати. Мас. «Мактаб ўқувчиси нутқ мавзулари доирасида ўзлаштирилган тил материали асосида чет тилдаги нутқни тинглаб тушунишни ўрганиши керак». Кўриниб турибдики, тинглаб тушунишни эгаллаш кўрсаткичи умуман олинган. Агар бешинчи синф ўқувчиси дастур материалида сўзланган муаллим ёки диктор нутқини ҳамда дарсни олиб бориш билан боғлиқ ўқитувчи кўрсатма-буйруқларини тушуна олишлари керак дейилса, оралиқ (V синф учун) кўрсаткичга дуч келинади.

Оғзаки нутқнинг икки кўриниши — якканутқ ва жуфтнутқ

¹ Теоретические основы методики обучения иностранным языкам в средней школе // Под ред. Климентенко А. Д., Миролюбова А. А. — М.: Педагогика, 1981, 89—90-бетлар. (Айрим қўлланмаларда умумий мезон (принцип) иккита кўрсатилган: Методика обучения иностранным языкам в средней школе: Учебник /Гез Н. И., Ляховицкий М. В., Миролюбов А. А. и др. — М.: Высшая школа, 1982, 55-бет).

билан боғлиқ алоҳида кўрсаткичлар ўқув дастурида ўз аксини топади. Уқишда ҳам шу ҳолатни кузатамиз. Ёзув эса фақат гапириш таълим мақсади бўлган синфлардагина кўрсаткичли бўлади. Юқори синфларда ёзма машқлар қуйи синфлар оғзаки нутқ мавзулари доирасида бажарилади.

Нутқни эгаллаш кўрсаткичлари ҳар синфда ўрин олиши дастурдан маълум. Бинобарин, дастур нутқ кўрсаткичлари бўйича маълумотнома ҳисобланади.

Малака атамасининг чет тил ўқитиш методикасида шарҳланишида турли нуқтаи назардан ёндашишади. Мас. таълимшуносликда бу тушунчалар «бирламчи малака», «кўникма», ва «малака» тарзида талқин этилади. Чет тил методикасида кўникма ва малака ўзига хос татбиқ этилган.

Қуйида кўникма ва малакаларнинг муфассалроқ таҳлили берилади. Рухшуносликка оид кенг тарқалган таърифлардан бири кўникмани «онгли автоматлашган ҳаракат»¹ сифатида баҳолайди. Худди шу таърифни бошқа ибора билан таълимшуносликда учратиш мумкин: кўникмага «у ёки бу ҳаракатда билимларни онгли ва тўғри қўллаш»², деб қарашлар ҳам бор. Яна бошқа муаллифлар кўникмани «у ёки бу ақлий ҳаракатни бир хил шароитда кўп марта такрорлаш натижасида ҳосил қилинадиган онгли фаолиятдаги автоматлашган қисм» шаклида таърифлайдилар, малакани эса «ўзга шароитда қўлланадиган кўникманинг ҳаракат усули»³ дейишади. Рухшунослик ва таълимшуносликда мавжуд нуқтаи назарлардан бирининг таърифича малака инсоннинг олган билим ва кўникмаларини амалий фаолият чоғида собитқадамлик билан ва ижодий қўллаш олиш қобилиятидир.

Кўникма ва малака ҳақидаги таълимотни чет тил ўқитишга татбиқ этиб, кўникмани нутқ фаолиятининг автоматлашган қисми дейишни ва нутқ фаолияти турларининг лексик, грамматик ва талаффуз кўникмалари тушунчасини тавсия этиш мумкин. Нутқ фаолиятининг ўзи малака дейилиши мақсадга мувофиқдир.

Улкан рухшунос олим проф. Николай Иванович Жинкин ижодига мансуб нутқ механизмлари назариясига⁴ асосланиб, чет тиллар методикаси ёрқин истеъдодларидан проф. В. С. Цетлин нутқнинг грамматик механизми тушунчасини кашф этди⁵. Методист олима илмий концепциясига кўра **нутқнинг грамматик механизмлари** уч қисмдан иборат: 1) грамматик ҳаракатларни

¹ С. Л. Рубинштейн. Основы общей психологии. — Москва, Учпедгиз, 1946, 47-бет.

² Основы дидактики // Под ред. Есипова Б. П. — М.: Просвещение, 1967, 93-бет.

³ Педагогика школы // Под ред. Шукиной Г. И. — М.: Просвещение, 1977, 128-бет.

⁴ Н. И. Жинкин. Механизмы речи. — М.: Изд-во АПН РСФСР, 1958.

⁵ В. С. Цетлин. Основы методики обучения грамматике французского языка в средней школе. Автореферат докт. дисс — М., 1966.

эгаллаш; 2) тайёр материални ўзлаштириш ва 3) грамматик материалга оид умумлашмаларни ўрганиб олиш. Учаласидан устивори грамматик ҳаракатларни ўзлаштиришдир. Грамматик ҳаракат деганда, В. С. Цетлин нутқ малакаларининг онгли автоматлашган қисми — кўникмаларни назарда тутади. Ушбу ҳаракатлар, руҳшунослар ва психоллингвистлар эътирофича, ақлий операциялардан таркиб топади. Ҳаракатни бажариш усули операциядир. Операциялар йиғиндиси ҳаракатни ҳосил қилади.

Тил материаллини қўллаш натижасида нутқ малакалари ҳосил қилинади.

Тил материали. Ўқитиш мазмунининг мазкур қисми лексик, грамматик ва талаффуз номли кичик қисмлардан иборат. Ўқув дастурида лексика ва грамматика ҳар бир синфнинг материали сифатида санаб ўтилади. Грамматика номма-ном келтирилади. Ҳатто актив ва пассив грамматика ажратиб кўрсатилди.

Лексика фақат миқдоран аниқланади. Қайси лексик бирликлар у ёки бу синфда ўрганилиши чет тил лексик минимумидан олиниб, дарсликда тақдим этилади. Ўзбек мактаблари учун инглиз, немис, француз тилларидан лексик минимумлар яратилган. Испан тилидан мактаб лугати¹ нашр этилган, холос.

Тил материали талаффуз birlikларини ҳам ўз ичига олади. Ўқув дастурининг синфларга ажратилган бўлимларида талаффуз материали тақдим этилади. Юқори синфларда янги birlikлар талаффузи кўникмаларини ривож топтириш мақсадида машқлар бажариб туриш тавсия этилади.

Дастурда тил материали орасида типовой ва тайёр жумлалар рўйхати берилади, Улар оғзаки нутқ таълим мақсади ҳисобланадиган синфлар материали қаторида келтирилади.

Езиш ва ўқиш техникаси номи билан юритиладиган тил техникаси материали биринчи (иккинчи, айрим тилларда учинчи) ўқув йилида берилади.

Оғзаки нутқ ўқитиш мақсади бўлган синфларда фақат тинглаб тушуниш учунгина мўлжалланган қатор жумлалар берилади.

Лексика ва грамматика birlikлари фикр баён этиш (актив) ва ўзга шахс нутқини идрок этиб тушуниш (пассив) каби икки гуруҳга бўлинади.

Лексика ўзлаштирилишига кўра уч тоифага бўлинади: реал, потенциал ва вокабулярга кирмайдиган лексик материал. **Реал** лексика актив ёки пассив ўзлаштириладиган birlikлардан иборат. **Потенциал** лексика идрок этиш чоғида маъносини ўқувчилар мустақил фаҳмлай оладиган янги birlikлардир. **Вокабулярдан ташқари** сўзлар эса ўқиш ёки тинглаб тушунишга оид матнлардаги мазмунни ифодалашда иштирок этадиган, бироқ ўқувчилар нутқига бошқа сафар киритилмайдиган лексик birlikлардир.

¹ С. А. Ризаев, Э. Р. Рўзиқулов. Испанча-ўзбекча лугат. — Тошкент: Ўқитувчи, 1977.

Тил материали орасида кўпроқ мунозаробони типовой жумлалардир. Унинг номини турли муаллифлар «гап», «модель», «структура», «нутқ намунаси» каби атамалар билан алмаштириб ҳам ишлатадилар.

Тил материали баҳсида бир қатор методик атамаларни фарқлашга тўғри келади. Чет тил материали деганда, ушбу тилда мавжуд барча лексик, грамматик, талаффуз материали ҳисобга олинади. Тил минимуми деганда эса, тил материали ичидан ўқув жараёнига зарур ва етарли миқдорда танлаб олинган қисми (микросистема) тушунилади. Улар лексик, грамматик ва талаффуз минимумлари номини олган. Ўқувчилар учун улар тил (лексик, грамматик ва талаффуз) материалидир. Ўқитувчи учун ёки тил нуқтаи назаридан ушбу тил ҳодисалари йиғиндиси лексик, грамматик ва талаффуз минимумларидир.

Чет тил бирлиги номли методик ҳодиса қатор кичик тушунчалардан иборат. Қуйида улар санаб ўтилади: 1. *Луғат бирлиги* — ўзак сўз; ясама сўз; 2. *Лексик бирлик* — ўзак сўз; ясама сўз (унинг таркибидаги сўз ёки сўз ясовчи элементлар ажратиб ўрганилмаган тақдирда); сўз ясовчи элемент (аффикс); турғун сўз бирикмаси; гап (оғзаки нутқнинг илгариллаши шароитида қисмларга бўлинмай ўргатиладиган) — типовой жумла; гап — тайёр жумла; 3. *Грамматик бирлик* — морфология ҳодисаси; синтаксик ҳодисаси. 4. *Талаффуз бирлиги* — фонетик минимумдаги товуш-фонемадан тортиб то жумлалар интонацияси оҳангигача; 5. *Орфография* (имло) бирлиги — ҳарф; ҳарф бирикмаси; сўз; сўз ясаш, шакл ясаш ва гап ясаш элементлари; сўзнинг ўзгарувчан ва ўзгармайдиган шакллари.

Биргина мисол келтириш ўринлидир: «Ўқитувчи» нашриёти 1975 йилда чоп этган ўзбек мактаблари луғат минимумида 1645 та луғат бирлиги бўлиб, улардан 1304 таси лексик бирлик мақомини олган. Ўқувчиларнинг инглиз тилидан оладиган тажрибаси туфайли 341 та луғат бирлиги, она тили ва иккинчи тилдаги тажриба муносабати билан яна 193 та луғат бирлиги лексик бирлик даражасини йўқотади. Шундай қилиб, 1645 та луғат бирлигидан ўқувчиларнинг реал луғат бойлиги ҳуқуқини олган 1111 та лексик бирликни, потенциал тарзда 534 та луғат бирлигини ташкил этади.

Тил материали кичик қисмлари (Лексика, Грамматика ва Талаффуз) мазкур дарсликнинг VIII, IX, X бобларида янада батафсилроқ ёритилади.

Қуйида тил материалини ўргатишга методик тайёрлаш йўллари чизмада кўрсатилган:



Ўқув-методик топшириқлар

1. Чет тил ўқитиш мазмунининг таркибий қисмларини баён қилинг.

2. Методик атамалар «мавзу», «вазият», «малака», «кўникама», «тил материали» ва «тил минимуми»ни ифодалайдиган тушунчалар талқинини баён этинг.

3. Қайси нутқ фаолияти турлари бўйича мавзу ва вазият берилиши мақсадга мувофиқлигини муҳокама қилинг.

3- §. Тил материални ўргатиш мазмуни

Чет тил ўқитиш методикасида кенг тарқалмаган, бироқ уч тил ўқитиладиган мактаблар учун долзарб масала бўлмиш. «Тил материални ўргатиш мазмуни» ўзбек мактаблари учун юксак аҳамият касб этади, жумҳурият методистлари томонидан муайян даражада тадқиқ этилган.

Тил материали тушунчаси икки хил талқин этилмоқда: 1) муайян тилдаги лексик, грамматик, фонетик ва бошқа бирликлар мажмуи, 2) ўқув мақсадларида танлаб олинган, методикада тил минимуми номи билан аталган, бироқ ўқувчилар учун «чет тилнинг материали» ҳисобланадиган бирликлар йиғиндиси. Ушбу китобда иккинчи маънодаги методик тушунча ҳақида гап боради.

Методика тушунчаларидан учтасини бир-биридан кескин фарқлаш керак: «чет тил ўқитиш мазмуни», унинг таркибидан *чет тил материали*» ва ундан ажратиб олинадиган қийин ҳодисалар мажмуи «*тил материаллини ўқитиш мазмуни*», яъни умуман тилни эмас, балки «тил материаллининг хусусан ўргатиш мазмуни» ҳақида фикр юритилади. Демак, лексик минимумдан лексикани ўргатиш мазмуни, грамматик ва талаффуз минимумларидан уларни ўргатиш мазмунини ажратиб олиш, ўрганишда махсус машқлар бажариш, бинобарин, тегишли вақт ва куч сарфланиши шарт бўлган тил ҳодисаларини танлаш масаласи туради.

Ўқитиш мазмуни таркибий қисмлари барча умумтаълим мактаблар учун, она тили (ёки тил тажрибаси)дан қатъи назар, бир хилдир. Грамматика ёки талаффуз минимуми, мавзулар ёки нутқ малакалари кабилар умумийдир.

Умумтаълим мактабининг ташкилий шароитлари ўхшац бўлса, ўқувчиларнинг она тилиси қайси тил бўлишидан қатъи назар, ўқитиш мазмуни ҳам ўхшашдир. Ташкилий шароитга (соат миқдорига) қараб, фарқ лексик минимум ҳажмида бўлади. Грамматика ва талаффуз минимумлари ташкилий муҳитга боғлиқ эмас, чунки тил минимумини танлашда ўқув юртининг тури, ўқитиш мақсадлари ва ажратилган соатлар ҳисобга олинади. Тил минимумини ўргатишга тайёрлаш (таснифлаш, тақсим ва тақдим босқичлари)да ва ўқувчиларга уни ўргатиш чоғида уларнинг тил тажрибаси албатта назарга олинади. Демак, танлаш чет тилнинг ички хусусиятига, тайёрлаш ва ўргатиш ўқувчилар тил тажрибасига бевосита боғлиқ.

Ўқувчи тил тажрибасига суяниб, тил минимумидан тил материаллини ўргатиш мазмуни ажратиб олинади (Лексика минимуми ва лексикани ўргатиш мазмуни бу қоидадан истисно. Лексика минимуми тил ўргатиш соатлари миқдорига биноан кичик ёки катта ҳажмда танланиши мумкин).

Тил материаллининг сифат жиҳатдан камайтирилиши, минимизацияси (квалитатив компрессия) «чет тил материаллини ўргатиш мазмуни» яратилишига сабаб бўлади.

Лексикани ўргатиш мазмуни. Лексиканинг актив ва пасив ўргатиладиган икки тоифаси маълум. Ўқувчи ўз фикрини чет тилда баён этаётганида ва ўзгалар нутқида қўлланганда тушуниладиган луғат **актив** дейилади. **Пассив** сўзи эса идрок этиб тушунишга мўлжалланган луғатни ифодалайди. **Актив** репродуктив, **пассив** рецептив луғатдир. Иккаласидаги луғат ҳам махсус машқларда ўзлаштирилади. Ҳар иккаласи ҳам ўқувчининг **реал** (онгида мавжуд) луғатини ташкил этади.

Ўқувчи ҳали ўрганмаган, унга нотаниш луғатга дуч келадими, она тили ёки иккинчи тилнинг формал-семантик томига муштараклиги туфайли, уни билиб олишнинг ички имкони бор лексик бирликлар **потенциал** луғат дейилади. **Потенциал** луғатни оғзаки (аудиотекстда) ёки ёзма (график текстда) тақдим этилиши орқалигина билиб олиш мумкин.

Уқувчи матни идрок этганда, сўз маъносини мустақил фаҳмлаб етса, ушбу сўз потенциал луғат саналади. Ички имкониятли сўзлар луғатига қуйидагилар киради: байналмилал сўзлар (tennis — теннис, business — бизнес, club — клуб); конверсия (турли сўз туркумларига мансуб, ammo шакли бир хил сўзлар: work — ишламоқ; иш; about — яқинида; ҳақида); таниш сўзлардан тузилган қўшма сўзлар (book + shop, pen + friend); сўз ясовчи элементлари таниш сўзлар (work, write, sing — worker, writer, singer). Ички имкониятлар луғатининг яна бошқа қатламини маъноси контекстан фаҳмланадиган сўзлар ташкил қилади.

Урганилган (реал) ва потенциал луғат ўқувчиларнинг **вокабуляр** лексикаси дейилади. Улардан ташқари новокабуляр луғат бўлади. Матн мазмунида бир марта қўлланиб, бошқа машқларда атайлаб мустақкамланмайдиган айрим сўзлар — **новокабуляр** луғат дейилади.

Вокабуляр лексика нутқда уч гуруҳ бирликларга ажратиб ўрганилади: осон, нисбатан қийин ва энг қийин сўзлар. Биринчисига потенциал луғат киради, улар нисбатан осон ўзлаштирилади. Уқувчи тўплаган тил тажрибаси уларни ўрганишда қўл келади. Потенциал луғат қуйидаги кичик тоифаларга бўлинади: 1) шакли ва маъноси чет тилда, она тили ва иккинчи тилда муштарак сўзлар (club — клуб, tennis — теннис); 2) шакли ва маъноси иккинчи тил ва чет тилда ўхшаш сўзлар (literature — литература, culture — культура, history — история); 3) чет тил конверсияси усулидаги сўзлар (work — ишламоқ; иш; far — узоқ; узоқда; on — устида; -да); 4) қисмлари олдин ўрганилган ўқувчига таниш қўшма сўзлар (bookshop, schoolboy, homework); 5) ўзак ва аффикс қисмлари таниш ясама сўзлар (work + er; difficult + y; celebrate — celebration); 6) тўлиқ шакли таниш қисқартма сўзлар UK — the United Kingdom; RU — the Republic of Uzbekiston; the USA — the United States of America.

Иккинчи тоифага она тили ва иккинчи тил тажрибаларига суянмай ўрганиладиган функция (қўлланилиши), семантика (маъноси) жиҳатидан лексик хатоларга сабаб бўлмайдиган сўзлар киради. (Mac. китоб — book; ёзмоқ — write; чой — tea). Ушбу сўзларнинг маъно доираси (айрим маъносигина эмас) иккала тилда монанд келади. Урганишга кўмаклашадиган томони маъно доирасидаги умумийлик. Бироқ бу лексик қатлам нисбатан қийин ҳисобланади.

Энг қийин лексик қатлам семантик, функционал ва формал қийинчиликларни келтириб чиқарадиган тоифадир. Учала тил бўйича тажриба мутаносиблиги жиҳатидан энг қийин лексика қуйидагича таснифланади: кўп маъноли сўзлар; таркибий қисмлари олдин ўрганилмаган ясама сўзлар; «сохта» ўхшаш сўзлар (magazine — журнал, champion (champions of peace — тинчлик тарафдорлари); функционал (ёрдамчи) сўзлар — предлог, артикль, кўмакчи/ёрдамчи феъллар ва ҳ.к.з.

Нисбатан қийин ва энг қийин лексик бирликлар лексикани ўргатиш мазмунини ташкил этади. Лексикани ўргатиш мазмуни деганда, қийинлиги туфайли махсус машқлар талаб этадиган ва изоҳлаш йўли билан ўргатиладиган, лексик минимумнинг муайян бир қисминигина ташкил этадиган сўзлар тушунилади. Қийинчилик сўзнинг шаклида, маъносида ёки қўлланишида кузатилади. Бинобарин, сўз функционал, семантик, формал жиҳатдан қийин ёки улардан бири ёинки иккитаси, ҳатто учала тарафи ҳам қийин бўлиши мумкин.

Лексик материал шаклан ҳамда маъно жиҳатидан умумлаштирилиши мумкин. Мас. нотўғри (ностандарт) феълларнинг ўтган замон ва ўтган замон сифатдоши шакллари тил ўрганишнинг илк даврида якка-якка лексик бирликлар тарзида ўрганилади, кейинчалик уларнинг миқдори оша боргач, шакллар муштараклиги ойдинлашади: spoke — wrote; grown — known — thrown. Умумлашма (содада қонда) ўзлаштирилгандан кейин, ўрганиладиган феълнинг ўхшаш шакллари ўта қийинчилик туғдирмайди, чет тилда ҳосил бўлган тажриба кўмагида уларни мустақил танлаш шароити вужудга келади. Қиссадан ҳисса шуки, ўқитиш мазмунига кирган феъл шакли ҳақидаги умумлашма навбатдаги янги шаклан ўхшаш феъл ҳодисаларини потенциал тил бирлиги сифатида ўрганишга замин яратади. Рецепт эгаллашда улар потенциал ҳодиса, чунки уларни фақат таниб олиш мумкин, бироқ репродукцияда ўрганиш учун мустақил қўллаш кўникмасини махсус шакллантириш талаб этилади.

Мактабда чет тил лексикасини ўргатиш тажрибаси кўрсатишича, кўп маъноли сўзларни тақдирот чоғида умумлаштириб бериш айрим маъноларни ажратиб ўргатиш ишидан ўқитувчини халос этади. «Кўп маъноли сўзларни умумлаштириб ўргатиш усули»ни етук ўзбек чет тил методист олими марҳум Ҳошимжон Сойназаров илмий кашф этган¹. Ушбу илмий ғояга биноан феъл шакллари ўрганишда икки ва ундан ортиқ мисол келтирилгандан сўнг янги ўрганилаётган муштарак шакллар олдингилари асосидаги мавҳумотга таяниб, мустақил (потенциал тарзда) ўрганилади. Рецепт лексикани ўргатиш мазмунида тил бирлиги мавқеини биринчи сўз эгаллайди. Репродуктив нутқда эса ностандарт феълнинг ҳар бир замон шакли алоҳида тил бирлиги даражасида қўлланади.

Кўп маъноли сўзни тақдим этишда ҳам умумлаштириб ўргатиш тавсия этилади. Ҳ. Сойназаровнинг илмий қарашларича, кўп маъноли сўзнинг барча маънолари алоҳида лексик бирлик бўлиб, ҳар бир етакчи маъно эса лексикани ўргатиш мазмунига киритилади. Лексик бирликда «сўз-маъно» олинади, лексикани ўргатиш мазмунида «маънонинг инварианти» (сўзнинг мавҳумлашган маъноси) берилади. Кўп маъноли инглизча сўз «to go» бунга яққол мисол бўла олади. Унинг «бормоқ», «кет-

¹ Х. Сойназаров. Обучение лексике английского языка в старших классах узбекской школы. Канд. дисс. — Л., 1982.

моқ», «юрмоқ», «ишламоқ» каби бир неча ўнлаб маъноси маълум. Маъноларнинг биринчи учтаси ягона тушунча атрофига умумлаштирилиши мумкин, тўртинчи маъно эса бу доирага кирмайди. Биринчи маънолар (бормоқ, кетмоқ, юрмоқ) лексикани ўргатиш мазмунида битта бирлик, лексик бирлик даражасида эса учта ҳисобланади. Лексик бирликлар ва лексикани ўргатиш мазмуни бирликлари тенг эмас (бир хил эмас), деган илмий хулоса Х. Сойназаровга мансубдир.

Грамматикани ўргатиш мазмуни. Тил материални ўргатиш мазмуни таркибидаги грамматикани ўргатиш мазмуни тушунчасига махсус қоидалар ва тегишли машқлар билан ўргатиладиган грамматик ҳодисаларнинг бир қисми киради. Ҳар бир грамматик ҳодисанинг бир, икки ёки уч (функция, семантика, форма) томони грамматикани ўргатиш мазмунидан жой олиши мумкин.

Чет тил грамматик бирликлари қийинчилик туғдириши жиҳатидан уч тоифага бўлинади: 1) синфдан-синфга ўтган сари улар бўйича хатолар миқдори ошиб борадиган энг мураккаб грамматик ҳодисалар; 2) турли синфларда хатолар миқдори ҳар хил бўлган ўртача қийин грамматик ҳодисалар; 3) нутқни эгаллаш чоғида хатолар учрамайдиган ёки хато миқдори камайиб борадиган грамматик ҳодисалар.

Мактаб тажрибасидан маълумки, айрим ҳодисалар тил тажрибасининг ижобий кўчиши муносабати билан қийинчиликсиз ўрганилади. Мас. отнинг кўпликда қўлланилиши, қаратқич келишигининг функцияси, предлоглар маъноси ва бошқалар. Муаллимнинг эслатмаси (соддагина умумлашма-қоида) кўмагида хатоси тез бартараф этиладиган бошқа грамматик ҳодисалар ҳам мавжуд. Бироқ грамматик хатолар орасида шундайлари кузатиладики, улар турғун («яшовчан») бўлади ва синфдан-синфга «кўчиб юради». Уларни батафсил тушунтириш талаб этилади.

Грамматик ҳодисаларни кўникмага айлантириш чоғида қуйидаги гуруҳлар ажралиб чиқади: 1) лексик усулда ўргатиладиган грамматик ҳодисалар; 2) лексика-грамматика даражасида ўрганиладиганлари; 3) грамматика-лексика тарзида бериладиганлари; 4) соф грамматик ҳодисалар.

Грамматик минимумдаги ўқувчилар она тилига номақбул ҳодиса «артикль»ни ўргатиш ўта мураккаблигини муаллимлар яхши билишади. Ноаниқ артикль (мас. инглизча) ўқувчилар репродуктив нутқида уч маънода қўлланади: 1) номаълум нарса (кимса)ни ифодалашда; 2) соҳадаги исталган бирор предмет (ҳодиса)ни ифодалашда; 3) шахс /предмет ким/нима эканлигини ифодалашда. Шаклан ўрганишда артикль қуйидаги қийинчиликни келтириб чиқаради: «а» шакли мазмун ва шакл бирлиги ҳосил қилиб, ажратилмасдан ўзлаштирилади. Иккинчи шакли «ап» қайси бир функцияда қўлланмасин, уни ўрганиш қийин кечади. Қисқаси, чет тил артикли ўқувчилар учун тўрт-

та (битта формал ва учта функционал) бирлик бўлиб, улар грамматикани ўргатиш мазмунига киради. Бинобарин, мазкур артиклини ўргатишда камида тўртта грамматик машқ бажариши шарт.

Энг қийин грамматик ҳодисаларни ўргатиш албатта онгли машқ бажариши ва қоидалар беришни тақозо этади (бу тўртинчи гуруҳ бирликларига тааллуқли). Енгилроқ грамматик бирликни ўзлаштиришда эса қондасиз машқ бажарилади.

Грамматикани ўргатиш мазмуни ўқув дастурида тавсия этилади.

Чет тил грамматикасини ўргатиш мазмуни учта методик мезонга кўра — она тили ва иккинчи тилдан тўпланган ўқувчи грамматик тажрибасини ҳисобга олиб, чет тилнинг ўзидан йиғиладиган тажрибага асосланиб ва грамматик ҳодисалар тақдимоти тартибини назарга олиб танланади. Ушбу илмий мезонлар ўзбек мактабларида чет тил грамматикасини ўргатиш масалаларини мукамал тадқиқ этган методист олим Т. Қ. Сатторов қаламига мансуб. Учинчи мезон бир оз изоҳ талаб қилади. Аввал инглизча ҳозирги (умумий) замоннинг биринчи ва иккинчи шахслардаги шакли ўрганилади (чунки нутқ мавзулари мазмуни «Ўзим ҳақимда», «сен ҳақингда» ва кейинчалик «у ҳақда» чет тилда оғзаки фикр юритишни тақозо этади). Сониён, учинчи шахс бирлик шакли машқ қилинади. Ушбу феъл шакли ғоят қийинчилик билан ўзлаштирилади: олдин ўрганилган (speak, read, go) шакли (speaks, reads, goes) билан муқобил ассоциацияга киради. Салбий таъсир оқибатида иккала шакл чалкаштирилади. Уқувчида олдинги шакллар кўникмаси ўрнашиб қолади. Натижада ўқувчи учинчи шахс қўшимчасини тушириб қолдириб хатога йўл қўяди. Учинчи шахс бирлик шакли грамматикани ўргатиш мазмунига киритилади. Мактаб шароитида ўтказилган эксперимент чоғида ҳозирги умумий замон феълнинг учинчи шахс шакли биринчи навбатда ўргатиб кўрилди. Сўнгра бошқа шакл берилди. Натижада ўқувчилар учинчи шахс шакли (speaks, reads, goes)ни биринчи ва иккинчи шахсларга ҳам татбиқ эта бошлашди. Олдин ҳосил бўлган кўникма янгисидан устун туриши — бу ерда ҳам ўз оқибатини кўрсатди. Келтирилган мисолда грамматиканинг тақдимоти тартиби ҳал қилувчи вазифани ўташи яққол ўз исботини топди.

Талаффузни ўргатиш мазмуни. Урганилаётган чет тил талаффузидаги барча фонетик материал икки туркумга бўлинади — мактабда ўрганиш мажбурий бўлган талаффуз бирликлари ва мактаб шароитида ўрганиш шарт бўлмаган талаффуз ҳодисалари. «Мажбурий» талаффуз минимуми ўз навбатида яна иккига бўлинади, биринчи гуруҳда талаффузини машқ қилиш шарт ҳисобланадиган бирликлар, иккинчиси — махсус машқлар талаб қилмайдиган талаффуз бирликлари. Биринчи гуруҳ бирликлари талаффузни ўргатиш мазмунини ташкил этади. Мас. инглизча (немисча) [tʃ] товуши рус, тожик ва ўзбек ўқувчила-

ри учун қийин эмас, чунки бу товуш она тили талаффуз нормасида, демак, ўқувчи лисоний тажрибасида мавжуд ҳодиса. Қозоқ ўқувчилари учун жуда қийин бирлик, чунки уларнинг она тили талаффузига у ёт ҳодисадир. Ёки [dʒ] фонетик бирлиги ўзбек, тожик ўқувчиларига осон, русларга ниҳоятда мураккаб. Ҳатто инглиз тилидаги ғоят қийин тиш оралиғи (интердентал) товушлари туркман, бошқирд, араб ўқувчилари учун қийинчилик туғдирмайдиган фонетик ҳодисадир.

Мисоллардан кўриниб турибдики, чет тил талаффуз минимуми барча мактаблар учун ягона, бироқ ўқувчилар тил тажрибасига асосланиб, турли мактаблар учун талаффуз ўргатиш мазмуни алоҳида-алоҳида шакллантирилади.


Чет тил талаффузини ўргатиш мазмуни, одатда, ўқувчилар онгида алоқага кирадиган тиллар фонетик системаларини қиёслаш, ўқувчилар хатоларини ўрганиш, қийинчиликлар типологиясини тузиш натижасида аниқланади.

Чет тил методикаси илмида талаффуз қийинчиликларининг турлари қуйидагича таснифлаштирилган: 1. Товушнинг алоҳида талаффузида рўй берадиган артикуляцион қийинчилик. 2. Агар икки товуш (ёки товуш бирикмаси бир-бири билан муқобил ассоциация қўзғаса, чалкаштирилса (мас. чўзиқ ва қисқа, жарангли ва жарагсиз), ундай ҳолда оппозицион қийинчилик юз беради. 3. Товушлар сўз бошида (анлаут), ўртасида (инлаут) ва охирида (ауслаут) ёки бир-бирига ёндош келганда муайян талаффуз мураккаблиги — позицион қийинчиликлар ҳақида гап боради. Мас. ўзбек ўқувчиларига сўз охири ва бошидаги қатор (икки ва ундан ортиқ ёнма-ён) ундошлар ғоят қийин ҳисобланади. 4. Товушларни тинглаб идрок этиш чоғида уларни фарқлаш бўйича қийинчиликлар содир бўлади, улар акустик қийинчиликлар номини олган.

Жадвалдан (64-бетда) равшанки, чет тил фонетик системасидан танланган талаффуз минимумининг қийинчиликлар «ғалвири»дан ўтказилиши талаффуз ўргатиш мазмунининг вужудга келишига сабаб бўлади.

Маъно ўзгартирувчи фонетик ҳодисаларга катта аҳамият берилади. Мас. чўзиқ — қисқа унли, жарангли — жарангсиз ундош, бир товушнинг кўп маъно ифодалаши кабилар. Инглизча [ə] товуши — are, a. her, or, of; [z] — is, has, does (where's = Where is, Where has, Where does).

Нутқда тез-тез қўлланадиган бирликлар ўзгарувчанликка мойил бўлади. Ўзбекча «Муҳаммад» сўзи, мас. қуйидаги шаклларда қўлланадиган бўлиб қолган: Мамат (=Маматқул — Муҳаммад+қул); Мамад (=Мамадали — Муҳаммад+али); Мама (=Мамажон — Муҳаммад+жон); Мат (=Маткарим — Муҳаммад+карим; Нурмат (Нур+муҳаммад); Мад (=Мадраҳим — Муҳаммад+раҳим); Ма (=Марайим — Муҳаммад+раҳим). Қиёсланг: Муҳаммад — Мамад — Мамат — Мама — Мад — Мат — Ма.



Асосий ўзак «ҳмд» йўқолиб, фақат «Ма» олд қўшимчаси қолган. (Ушбу арабий ўзакдан Аҳмад, Маҳмуд, Муҳаммад, Ҳамид ва бошқалар ясалиши ўз вақтида Н. Г. Чернишевский эътиборини тортган.)

Мисоллардан инглизча функционал сўзлар ва ўзбекча атоқли исмларнинг жонли нутқда ўзгаришга юз тутиши ва бу ҳол ҳар иккала ёзувда ҳам акс этганлиги кўриниб турибди. Уларнинг талаффузида бирмунча қийинчиликларга дуч келинади.

Чет тил талаффузини ўргатиш мазмуни ҳам грамматикада бўлганидай, ўқув дастурларида тақдим этилади.

Талаффуз ўргатиш мазмунининг тақсимоти эса лексика ва грамматиканинг ўрганилиши тартибига бевосита боғлиқ бўлади.

Тажриба кўрсатишича, талаффуз бирликлари биринчи ўқув йилида тўлиқ ўрганилиши мажбурий эмас, чунки лексик-грамматик бирликлар унинг тақсимланишини белгилайди.

Уқув-методик топшириқлар

1. Тил материали, тил минимуми ва тил ўқитиш мазмуни атамаларини тушуниб олинг.

2. Тил материални ўқитиш мазмуни тушунчасининг таркибий қисмларини изоҳлаб беринг.

3. Чет тил ўқитиш мазмуни ва тил материални ўқитиш мазмуни нималардан иборатлигини таҳлил қилинг.

4. Реал, потенциал ва новокабуляр лексика атамаларининг фарқини аниқланг.

V б о б. ЧЕТ ТИЛ УҚИТИШ МЕТОДЛАРИ ВА ПРИНЦИПЛАРИ

«Метод» ва «принцип» тушунчаларига доир. Таълимшунослик ўқитишнинг умумий назарияси сифатида ушбу атамалар кенг қўлланадиган фандир. Дидактлар (таълимшунослар) «метод» атамасини билим, малака, кўникмани эгаллаш, ўқувчиларда дунёқарашни шакллантириш ва билиш имкониятларини яратиш йўлидаги муаллим ва талабанинг иш усули маъносида изоҳлайдилар. Мазкур таълимий тушунчанинг сонсиз-саноксиз таъриф-тавсифларга эгаллиги мутахассисларга маълум. Фан асосларини ўргатадиган ўқув предметлари учун мўлжалланган таълимнинг умумий методлари ишлаб чиқилган. Уқув предметининг хусусиятлари ҳисобга олиниб, методикада чет тил ўқитиш методлари яратилган.

Таълимни тадқиқ этадиган фанлар (таълимшунослик ва хусусий методика)да «принцип» атамаси ҳам ўзига хос тушунчаларни ифодалайди. Проф. Е. И. Пассов таъбирича, «принцип — ўқитиш жараёни аталмиш бинонинг пойдеворидир». Табиатда принциплар йўқлиги, фақат қонунлар борлиги ҳақида билиш назариясида маълумотлар келтирилади. Принцип «асос бўладиган йўл-йўриқ, қонун-қоида» маъносида ишлатилади. Таълимшуносликда хилма-хил принциплар тизмаси баён этилади. Чет тил ўқитиш методистлари таълимшунослар тадқиқотларидан самарали фойдаланишади, бироқ уларнинг борлигини ўзгаришсиз, бепарқ ҳолда тан олаверишмайди, яъни ўқув предметини ҳисобга олиб, уларни татбиқ этишади. Чет тил ўқи-

тиш методикасида турли муаллифлар томонидан бир неча ўнлаб принциплар олға сурилган.

Чет тиллар ўқитилишида методларни татбиқ этиш узоқ даврлардан бошланган, принциплар эса нисбатан янгироқ методик атамалардандир. Чунки илгари принциплар соф дидактик тушунча, деб келинган. Таълимшунослик принциплари чет тил методикасида ишлатилади, аммо ўқитиш мақсадлари, мазмуни ва шарт-шароитлари бевосита назарга олинади. Барча ўқув предметларида ҳам дидактик принциплардан фойдаланишади. Буюк чех педагоги Ян Амос Коменский биринчи марта XVII асрда кашф этган принциплар ҳозирги кунгача долзарблигини сақлаб келмоқда, тўғри, уларнинг таъриф ва талқинида қатор ўзгаришлар юз берди.

Чет тил ўқитиш методикасида «метод» атамаси асосан уч маънони билдиради: **биринчидан**, методика тарихидаги бутун бир йўналиш (таржима методи, тўғри метод, қиёсий метод, аралаш метод); **иккинчидан**, юқоридаги йўналиш таркибига кирувчи ўқитиш системаси (мас. Франсуа Гуэн методи, Ҳаролд Палмер методи, Майкл Уэст методи ва блар); **учинчидан**, муаллим ва ўқувчининг ўзаро боғланган фаолияти усули (танишиш, машқ қилиш ва қўллаш методлари). Чет тил ўқитиш тарихида биринчи ва иккинчи методлар «тарихий» методлар номи билан, учинчисини эса «чет тил ўқитиш жараёнида методлар» атамаси билан юритилади.

Методикада тарихий методлар одатда принциплардан ташкил топади, принциплар йиғиндиси муайян методни ҳосил қилади. Жараён методлари эса ўқитиш йўллари орқали юзага чиқади, бинобарин, ўқитиш методлари ва ўқитиш принциплари алоҳида-алоҳида муҳокама этилади.

Ўқитишда дидактик, психологик ва методик принциплар қўлланилиши мумкин.

1- §. Чет тил ўқитиш методлари

Чет тил ўқитиш тарихида методлар. Тарихан методлар тўрт гуруҳга бирлаштирилиб, уларнинг номларига «таржима», «тўғри (ёки таржимасиз)», «қиёсий (ёки онгли-қиёсий)», «аралаш» сўзларини аниқловчи сифатида қўшиб айтилади. Шундай қилиб, чет тил ўқитишнинг бир неча асрлик тарихидаги барча методлар ушбу тўрт тоифага гўпланган. Уларнинг ҳар бирини қисқача таҳлил қилиш талаб этилади, чунки бугунги методикада уларнинг айрим хусусиятлари муайян шаклда қўлланилмоқда (Методлар тарихи атоқли методист проф. И. В. Рахманов томонидан чуқур ўрганилган¹.)

¹ И. В. Рахманов. Очерк по истории методов преподавания новых иностранных языков. Автореферат докт. дисс. — М., 1949; Основные направления в методике преподавания иностранных языков в XIX-XX вв. // Под ред. И. В. Рахманова. — М.: Педагогика, 1972.

Таржима методи. Ушбу методнинг номи одатда «таржима методлари» атамаси билан кўпликда ишлатилади. Номига кўра маъносини билиб олиш қийин эмас: чет тил материалари она тилига таржима қилинади. Оврупода, аввалан, юнон тили, кейинчалик лотин тили ўргатилганда таржима тушуниш усули қилиб олинган. XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX аср давомида француз тили, XX асрда эса инглиз тили ва, ниҳоят, немис тили, таржима орқали ўрганиб келинди. Мусулмон дунёсида эса асосан араб тили, қисман форс тили чет тиллар сифатида ўрганилар эди. Ўлик (мас. лотин) ва жонли тилларни таржима методи билан ўргатилиб, бу жараён маптий тафаккурни ривожлантириш омили ҳисоблаб келинди. Араб тили эса ислом дини асарларини ўргатиш воситаси бўлиб, уни кўпчилик талабалар қуруқ ёдлаш орқали ўрганишар эди. Олий диний ўқув юрғларида араб, форс, туркий тиллар атрофлича ўрганилган.

Таржима методлари орасида энг кўп тарқалганлари «грамматика-таржима методи» ва «матн-таржима методи» номлари билан машҳур бўлган. Биринчисининг намояндалари сўз ва гап таржимасини грамматика қоидаларини ўргатиш учун татбиқ этганлар, иккинчисининг тарафдорлари эса матнни ўқиш ва унинг мазмунини тушунишда таржимадан фойдаланишни мақсад қилиб қўйган. Ҳар иккала таржима методини қўллашдан фақат таълимий мақсад кўзланган. Чет тил рецептив тарзда ўрганилган. Ўз даврининг тилшунослик ва руҳшунослик маълумотларига асосланиб, чет тил ўқитиш методлари ишлаб чиқилган.

Айрим муаллимлар ҳозиргача таржима методлари усулларида ноўрин фойдаланишмоқда. Мас. матнни оғзаки таржима қилиш ғайриметодик усулдир. Матннинг айрим жумлалари ёки бир-икки бўлагини муайян мақсадда таржима қилиш ман этилмайди. Луғатдан фойдаланиб, янги сўзларнинг маъноларини очиш мақсадида таржима қилишга мўлжалланган кичик матнлар берилиши мумкин. Бу ерда матнни таржима қилишдан кўзланадиган методик муддао луғатдан фойдаланишни ўргатишдир.

Тўғри метод. Метод номининг келиб чиқишига асосий сабаб шундан иборатки, тўғри методда ўқитиш чоғида она тилини четлаб ўтиб, чет тил сўзи билан предмет орасида бевосита ассоциация (фикран боғланиш) ўрнатишга уриниб кўрилган. Чет тил грамматикасини ўргатишда ҳам худди шундай методик йўл тутилган: грамматик маъно билан форма ўртасида бевосита боғланиш ҳосил қилмоқчи бўлишган. Тўғри методнинг дунёга келиш сабабини чет тилларни амалий ўрганиш мақсадида қидириш жоиздир. Утган асрнинг охирига келиб, Ғарбий Оврупо мамлакатлари ва Америка Қўшма Штатларида чет тил ўқитишни ислоҳ қилиш натижасида

ушбу метод кашф этилган. Кейинчалик бу метод Осиё, Африка ва бошқа қитъаларга ҳам тарқалган.

Она тили иштирокисиз чет тилни ўргатишга интилишларни тўғри метод, индуктив метод, табиий метод каби атамалар билан юритила бошланган.

Ушбу методлардан кўзланадиган асосий мақсад чет тилни амалий жиҳатдан ўргатишдир. Она тилини ўрганиш шарт-шароитлари бу методда ўзгаришсиз қабул қилина берган.

Тўғри методнинг замонавий кўринишларидан иккитаси — аудиолингвал ва аудиовизуал методлари кўп тарқалган. Аудиолингвал методнинг асосчилари (машҳур америка методистлари Чарлз Карпентер Фриз ва Роберт Ладо) фикрларига биноан чет тил амалий ва таълимий мақсадда ўрганилади. Тил материалларидан чет тил жумлалари (нутқ намуналари)ни танлаш ва ўргатишга муҳим ўрин берилади. Нутқ фаолияти турларини ўрганиш тартиби қуйидагича кечади: тинглаб тушуниш → гапириш → ўқиш → ёзув. Оғзаки нутқ чет тилда алоқа воситаси сифатида, ёзма нутқ эса оғзаки нутқ материали асосида ўргатилади.

Муаллимлар аудиолингвал методнинг бир қанча ижобий хоссаларини мактаб тажрибасидан биладилар. Чунончи, нутқ намуналарининг тил ўргатиш бирлиги даражасида қўлланилиши, оғзаки нутқнинг илгарилаши, оғзаки нутқ материалида ўқиш ва ёзувнинг ўргатилиши V—VII синфларда тегишли ўзгаришлар билан қабул қилинган.

Аудиолингвал методнинг айрим қонуниятлари бизнинг шароитга тўғри келмаслиги мактаб дарсликларида ҳисобга олинган. Мас., нутқ намуналари онг иштирокисиз ва ҳеч қандай қондалар берилмасдан ўргатилиши ундаги ғайриилмий кўрсатмалардир. Актив ва пассив тил материални фарқлаган ҳолда, уларнинг ўзлаштирилишига бефарқ қарашади, бу ҳам нотўғри методик йўл-йўриқдир.

Аудиолингвал методдан қатор жиҳатлари билан фарқ қиладиган аудиовизуал метод намояндалари (П. Губерина, П. Риван) методик кўрсатмаларига биноан лексик материални танлашга алоҳида эътибор берилган. (Эсланг: аудиолингвал методда эса нутқ намуналарига аҳамият берилган.) Ҳаётий мавзуларда эркин фикр юритиш учун 1500 сўз танланган. Турли техникавий воситаларга таълим жараёнида катта ўрин берилди.

Иккала методнинг умумийлиги (тўғри метод таркибига кириши)дан ташқари тафовутлари ҳам бор. Мас. аудиовизуал методда оғзаки нутқ, ёзув ва охириги навбатда ўқиш ўргатилади. Ўқиш ёзувдан кейин ўргатилади. Бизнинг мактабларда ушбу методнинг айрим томонларидан ижодий фойдаланилади. Ўрга мактабда биринчи йили чет тил ўқитишда ёзув ўқишдан олдин, кейинчалик ўқиш ёзувдан олдин ва юқори синф-

ларда ўқиш барча нутқ фаолияти турларидан олдин ўргатилади.

Тўғри методларнинг репродуктив (Х. Палмер) ва рецептив тарзда (М. Уэст) чет тил ўргатиш методлари ҳам методика тарихида сезиларли из қолдирган. Улар ҳақида VII бобда махсус маълумот берилади.

Аралаш метод. Ушбу метод икки катта методик йўналишларнинг илмий-амалий томонларини ўзига сингириб олганлиги кўриниб турибди. Аралаш методлар XIX аср охири XX аср бошларида таржима ва тўғри методлар қоришмаси сифатида вужудга келди. Аралаш метод ҳақида унинг намояндлари даниялик руҳшунос К. Флагстад, немис тилшуноси Э. Отто, немис методисти Ф. Аронштейн, немис тилшуноси Г. Паул кабиларнинг илмий ишларидан маълумотлар олиш мумкин (VII бобни ўқинг).

Аралаш методнинг яна бир бошқача кўриниши тўғри метод ва қиёсий метод принципларининг қоришмаси сифатида вужудга келди. Ушбу замонавий аралаш методнинг намояндлари методистлар америкалик П. Хэгболдт, бельгиялик Ф. Клоссэ, германиялик А. Болен ва рус чет тил ўқитиш руҳшуноси Б. В. Беляев тадқиқотларидан маълум ва машҳурдир.

Аралаш методнинг ҳар иккала йўналиши ҳам ўзининг махсус принципларига эга эмас, муайян методга кўпроқ ён босиши, шу билан бирга икки метод қонун-қоидаларини омихта тарзда қўлланилиши уларга хос хусусиятлардандир (аралаш метод ижодкорлари ҳақида VII бобда маълумот берилган).

Қиёсий метод. Унинг тўлиқ номи «онгли-қиёсий метод» дейилади. Бу методнинг асосчиси акад. Л. В. Шчерба бўлиб, методни ҳозирги давр чет тил ўқитиш жараёнига мослаштирган, метод асосчиси ишини самарали давом эттирган Педагогика фанлари академияси муҳбир аъзоси проф. И. В. Рахманов бўлган.

Онгли-қиёсий метод бўйича чет тил ўргатилганда дидактик онглилик принципи асосида иш кўра бошлашган. Ушбу методнинг қиёслаш, она тилига суяниб иш кўриш, нутқ фаолияти турларини бир йўла ўргатиш сингари хусусий принциплари қирқинчи ва эллигинчи йилларда шаклланади ва кенг кўламда амалий қўлланади. Чет тил ўқитишнинг амалий, таълимий ва тарбиявий мақсадлари илмий асослаб берилган. Бу методнинг биринчи кўриниши эди.

Олтмишинчи йиллардан ҳозиргача бўлган вақт ичида онгли-қиёсий метод замонавийлаштирилди, унинг принциплари янги талабларга мувофиқ тадқиқ қилинди. Жумладан, қиёслаш ўқувчиларнинг дарс пайтидаги юмуш тарзида эмас, балки **машқлар системасини тузишда методист ва мўаллим ваколатига кирадиган ишдир.**

Онгли-қиёсий методнинг биринчи кўринишида қоида асосида машқ бажарилар эди, замонавий кўринишида машқ жара-

ёнида амалий руҳдаги қоида умумлаштирилади. Уқувчи қиёслаш, қондани ёдлаш ва айтиб бериш, назарий билимлар йиғиш билан махсус шуғулланмайди.

Ушбу метод принциплари тафсилотлари билан 2-§да танишасиз.

Чет тил ўқитиш жараёнида методлар. «Метод» атамасини ифодалайдиган биринчи тушунча — чет тил ўқитиш методикасидаги тарихий йўналиш (таржима, тўғри, аралаш, қиёсий методлар)нинг мухтасар баёни юқорида келтирилди. Иккинчи маънодаги (ўқитиш системаси — Палмер, Уэст, Гуэн методлари) тушунча чет тил ўқитиш методикаси тарихида (VII бобда) ёритилади. Муаллим/ўқувчи фаолияти усули маъносидаги «метод» атамасининг учинчи жиҳати қуйида муҳокама қилинади.

Чет тил ўқитиш жараёнида амалий фойдаланиладиган методлар учта: танишиш, машқ қилиш ва қўллаш. Ушбу уч атамани методик тадқиқотларда турли номлар билан юритиб келинди. Кўпчилик тан олган ва ўқитишда бевосита мушоҳада қилиш мумкин бўлган мазкур методлар ўқувчи нуқтаи назаридан номланган. Уқувчининг чет тил ўрганишдаги вазифаси ўқув материали (яъни тил материали) билан танишиш, кўпикма ва малака ҳосил қилиш мақсадида машқ қилиш ҳамда ўз фикрини баён этиш чоғида, яъни нутқий мулоқотда тилдан фойдаланишдан иборат.

Чет тил ўқитишни система, деб қаралганда, унда икки томон — ўргатувчи ва ўрганувчи иштирок этади. Муаллим зиммасига ўқувчининг ўрганиш фаолиятини ташкил этиш — *ташқилий вазифа юкланади*. Уқувчи бажарадиган учала ишни — танишиш, машқ қилиш, қўллашни муаллим ташкил қилади. Дарсдан ташқари мустақил бажариладиган ишларга оид кўпикма ва малакалар ҳосил қилиш ҳам муаллимнинг ташқилий вазифасига киради.

Муаллимнинг навбатдаги вазифаси *таълим-тарбия беришдир*. Таълимий вазифа деганда тушунтириб ёки кўрсатиб бериш, баён этиш, изоҳлаш, тўғрилаш орқали ўқувчига тил материалини ўргатиш англанади. Чет тил материалини муаллим ўргатади ёки дарслик / магнитофон ёзувидан ўрганиш йўлини кўрсатади, ўқувчида қийинчилик сезилса, мураккаб тил ҳодисасини лўнда қилиб изоҳлаб беради.

Назорат қилиш муаллим вазифаларидан учинчисидир. Уқувчилар янги материал билан танишадиган пайтларда уларнинг тушунганлик даражасини аниқлайди. Тўғри-нотўғри машқ бажараётганини кузатади. Тил материалини қўллаш чоғида нутқ фаолиятининг бажарилишини назорат қилади. Мас., овоз чиқармай ўқилган матннинг мазмунини тушуниш учун ўқувчилар ундаги лексик бирликларни ўзлаштирган бўлишлари керак. Агар ўқувчи материални эсдан чиқарган бўлса, муаллим ўша лексик материални такрорлашни ташкил қилади.

Уқувчилар вазифаларни танишиш, машқ қилиш ва қўллаш

методлари орқали амалга ошириш мумкинлиги юқорида қайд этилди. Ҳар бир методнинг ўзига хос хусусиятлари бор.

Танишиш ўқув материални ўрганишдаги биринчи қадамдир. Тил бирлигини ўрганишга киришар экан, ўқувчи унинг шакли (товуш томонини оғзаки нутқда аниқ-равшан эшитиш ёки график тимсолини ёзма матндан кўриб ўқий олиш), маъноси (предмет, ҳодиса, ҳаракат билан фикран боғлаш) ва қўлланилиши (бошқа бирликлар билан қўшилиши, қандай ҳолатда ишлатилиши) билан танишади. Шакл, маъно ва қўлланиш ҳар бир лексик ёки грамматик бирликда ўрганиладиган уч томондир. Улар билан танишиш ўқув бирлигини ўзлаштиришнинг бошланиши демакдир.

Ушбу бирлик хотирада сақланишининг асосий шартларидан бири уни эшитиш ва кўриш сезгилари ёрдамида идрок қилишдир. Шу пайтда тил бирлиги машқ қилиш босқичидан ўтади. **Машқ қилиш** йўли билан ўрганилаётган тил ҳодисалари мустаҳкамланади, уларга оид динамик стереотип шаклланади. Ушбу динамик стереотип нутқ жараёнида операция мақомида ишга тушади.

Амалий мулоқот мақсадида тил материални қўллаш учинчи босқич ҳисобланади. **Қўллаш** даврида ахборот алмашиш (яъни малака ҳосил қилиш) машқлари бажарилади.

Ўқувчиларнинг танишиш, машқ қилиш ва қўллаш вазифалари методика тилида ўқитиш методлари, деб юритилади. Уларни «ўқитиш жараёнида қўлланадиган методлар» номи билан ҳам аталади. Бу методлар таълим мақсадларини рўёбга чиқариш воситалари бўлиши билан бирга, уларга ўқув материални ўзлаштириш босқичлари тарзида ҳам қараш мумкин.

«Танишиш» методидан фойдаланиш мобайнида сўз, сўз бирикмаси, грамматик ҳодиса, матн кабилар ўрганилади. Уларни ўқувчи эшитиши, кўриши, бирваракай эшитиб кўриши мумкин. Идрок этганда уларни сезгилар орқали пайқаш ва мазмунини уқиб олишдек бир йўла икки томонлама иш бажарилади. Муаллим эса нарса/ҳодисани кўрсатиб, чет тилда, мас. инглизча айтади. Айрим содда тушунтириш-изоҳ бериш ҳам муаллим вазифасига киради. Предмет ёки ҳодисани кўрсатишда расмлар, фланелеграф, магнит тахтаси кабилар кенг қўлланади. Техника воситаларининг овозли, намоёниш этадиган кўрсатиб овоз эшиттирадиган турларидан самарали фойдаланиш мумкин.

Ўқув материали билан танишиш даврида машқ қилиш босқичига тайёргарлик кўрилади. Машқ қилишда машқлар миқдори ва сифатига, яъни нечта ва қандай машқ бажариш масаласига алоҳида эътибор берилади.


Машқ қилиш чоғида ўқувчи ўзлаштираётган кўникма муаллим назорати остида бўлади. Назорат қилишнинг энг тежамли усули тест ўтказишдир.

Ўқувчининг ўзини ўзи назорат қилиш ва хатоларини мустақил бартараф этишга ўргатиш катта аҳамиятга молик.

Малакалар ҳосил қилишнинг ҳал қилувчи босқичи ўқув материални қўллаш ҳисобланади. Ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма фикр алмашишлари жараёнида қўллаш методи қўл келади. Олдин ўрганилган материал энди ахборот етказиш/олиш мақсадига бўйсундирилади.

Методлар фаолият кўрсаткичи, ўз навбатида методик ҳаракатлар (усуллар) орқали амалиётда ишлатилади. Мас. лексиканинг маъносини таржимасиз очиш усули (ҳаракати), майдан ахборот олиш усули, грамматик birlikни лексик ўргатиш усули (қонда бермасдан яхлит ҳодиса тарзида), талаффузни тақлид йўли билан ўргатиш ва ҳ.к.з. Аниқ усуллар мажмуаси жараён методини ташкил этади. Методик усул ўқув материални ўргатиш/ўрганишда яққол кўриниб турадиган ҳаракатни билдиради.

Методик адабиётларда методларни «намоёиш этиш, тушунтириш ва машқ» номлари билан¹ бериш ёки методлар миқдорини еттигагача етказиш ҳоллари² учрайди. Қандай номлар ёки улар нечта бўлишидан қатъи назар методлар таништириш, кўникма ҳосил қилиш ва малака беришга йўналтирилади.



Ўқув-методик топшириқлар

1. Методик атамалардан «метод» ва «принцип» қандай тушунчаларни қамраб олганини ўрганинг.
2. «Тарихий ва жараён методлари»га кирувчи номларни атанг ва уларнинг хусусиятини билиб олинг.

¹ М. В. Ляховицкий. В кн. Методика обучения иностранным языкам в средней школе. — М.: Высшая школа, 1982, 72—73-бетлар.

² Теоретические основы методики обучения иностранным языкам в средней школе. — М.: Педагогика, 1981, 122—123-бетлар.

3. «Танишиш», «машқ қилиш», «қўллаш» ҳақида фикрин-
гизни баён этишга тайёрланинг.

2-§. Чет тил ўқитиш принциплари

Чет тил ўқитишда дидактик принциплар. Асрлар оша минглаб педагоглар таклиф этган қоидалар ва қарашлар дидактик (таълимий) принциплар мақомида умумлаштирилди ва илмий асосланди. Ўқитиш тажрибасидан келиб чиқадиган ва турли даврлар синовидан муваффақиятли ўтган дидактик принциплар тизмаси яратилди. Уларнинг номланиши ва моҳиятида тафовутлар борлигига қарамай, ҳозирги замон таълимшунослигида мустақкам ўрин эгаллаган қуйидаги дидактик принциплар аксарият педагог ва методистларга маъқул ва манзур: тарбиявий таълим, онглилик, фаоллик, кўргазмалilik, системалilik (изчиллик), индивидуал ёндашиш, (билимларни) пухта ўзлаштириш, ўқувчи кучига мослик кабилар.

Таълимшуносликда оммалашган мазкур принципларнинг ҳар бир ўқув предметида ўзига хос татбиқ этилиши табиийдир.

Тарбиявий таълим принципи ўсиб келаётган авлодни ҳар томонлама камолотга етказиш вазифасини рўёбга чиқаришни назарда тутади. Чет тил ўқув предмети олдида турадиган мақсадлардан бири тарбия бериш эканлиги маълум (III бобга қаралсин).

Таълим мазмунига кўра ўқувчилар чет тил воситасида ўзлаштирадиган ахборот ва чет тил ўрганниш мобайнида оладиган ақлий ва нутқий кўникма ва малакалар уларнинг тарбиясига бевосита дахлдор.

Бошқа ўқув предметларида бўлганидек, чет тил ўрганниш жараёнида ҳам ўқувчиларни тарбиялаш мактабнинг асосий вазифаларидан саналади. Она ватанга садоқат, табиатга муҳаббат, кишиларга ҳурмат, яхшилик қилиш, адолатпарварликка интилиш, байналмилал хис-туйғу сингари ижобий хусусиятларни сингдириш чет тил ўрганишда муҳим ўрин эгаллайди.

Онглилик принципи методика илмида турли ҳажмдаги тушунчани ифодалаган. Мас. эллигинчи йиллар методикасида «онглилик» деганда, тил материалига оид қоидаларни ўрганиш ёки таржима қилиш маъносини англатар эди. Она тилига қиёслаш ушбу принципда таянч тушунча эди. Шу муносабат билан «она тилига суяниш» принципига асос солинган. «Суяниш» маъносини, бошқача қилиб, «таржима» деб тушунилар эди. Чет тил ҳақида ҳаддан зиёд қоидалар шунчалик илдиз отган эдики, ҳарф/товушдан тортиб матигача барча тил материали назарий билимларни намоён этишга бўйсундирилар эди. Қоидаани билиш умумтаълимий мақсад билан бир поғонада эди, яъни чет тил системасини чуқур англаб етишга интилишган. Хуллас, чет тилни эмас, балки у ҳақдаги мавҳумотларни ўрганишдек ғайриметодик (бугунги нуқтаи назардан қараганда, албатта) қонуният ҳукм сураар эди.

Олтмишинчи йиллардан бошлаб, онглилик принципи чуқур илмий ва экспериментал тарзда тадқиқ этилди ва ушбу атама маъно доирасининг янги талқини вужудга келди.

Ҳозирги кунда онглилик принципи чет тил ўргатиш жараёнига мана бундай татбиқ этилмоқда: **биринчидан**, ўқув материалининг туб моҳиятини тушуниб етиш (фалсафий маънода мазмун ва шакл бирлигига эришиш), яъни чет тилдаги жумла ва нутқнинг мазмунини англаш, **иккинчидан**, тил материални қондада эмас, балки нутқ амалиётида онгли (малакали) қўллаш олиш, ахборот алмаш олиш ва, ниҳоят, **учинчидан**, «аввало нутқ ва кейин содда қонда» аталмиш мезонга итоат қилиб иш кўриш, тил тажрибасидаги мувофиқлик (аналогия) ва индуктив йўл тутиш (тил ҳодисасини қўллаш, сўнгра мавҳумотга ўтиш) каби методик тадбирлар онглилик принципи доирасига киради.

Баён этилганлардан кўриниб турибдики, онглилик принципига асосланиш — бу она тилининг тутган мавқеини назардан четда қолдирмайди. Аксинча, она тили чет тил ўрганишда асқотади, бироқ нутқ бирламчи, назария (мавҳумот) ундан ҳосила, яъни у иккиламчи. Қўзланалган мақсад — маъно ва мазмуни англаб етишдир. Амалий (коммуникатив) вазифаларни (мас. айтиш, сўраш, ўқиш, ёзиш кабиларни) бажаришда ўзлаштирилган кўникмани малакада ишлата билиш ҳақида гап борапти. Ниҳоят, онглилик тушунчаси ўқувчиларнинг тил ўрганишдаги ижодий ташаббускорлиги, мустақиллигини оширишга бориб тақалади. Қуруқ ёдлаш ёки фақат тўтиқуш янглиғ тақлид йўли билан такрорлаш, қондаларни нутқдан ажратиб ўзлаштириш каби методик хатолардан қутулиш ўқувчининг онглилик сари етаклайди.

Фаоллик принципи чет тилдаги нутқда астойдил қатнашиш билан чамбарчас боғлиқ. Аввало шунини билиш лозимки, ташки фаоллик — кўп жумла айтиш, онг иштирокисиз бажариладиган машқлар миқдори фаолликнинг етакчи кўрсаткичлари эмас. Оғзаки ва ёзма нутқни ижодий эгаллашда, нутқ фаолияти юритишда ўз эҳтиёжини қондиришга интилиш масаласи туради. Фаолликнинг асосий белгилари хоҳиш-истак, қизиқиш, фикран интилиш каби руҳшунослик тушунчаларида намоён бўлади.

Чет тил ўрганишга киришар экан ўқувчи уни қизиқиб эгаллай бошлайди. Ўқувчининг муваффақиятга эришиш даражаси унинг фаоллик ҳолатига тўғри бўлиши тажрибадан маълум. Ўрганаётган тил ўқувчига қувонч бағишласа, фаоллик ошади, акс ҳолда сусткашлик содир бўлиб, қизиқиш сўна боради.

Фаоллик ақлий, ҳиссий ва нутқий каби уч кўринишдан иборат. Нутқни эгаллаш ҳиссий қувонч ва ақлий камолот келтиргандагина фаоллик учқунлари яшнаётган беради.

Ўқув-тарбия ўчоқларининг барча турларида фаоллик принципига риоя қилиб иш кўрилади. «Фаоллик» атамасининг

маъноси шунчалик кенгайиб кетдики, ҳатто методист-олимлар орасида ушбу сўзни метод билан бирлаштиришгача етиб борганлар топилади. Фанда «актив метод» атамаси¹ пайдо бўлди. Холбуки, барча метод фақат фаолликни талаб этади, қолоқ ёки суст методларни, албатта, ҳеч ким тавсия этмайди. Фаоллик тушунчаси билан метод эмас, балки принцип фикран боғланиши мумкин.

Фаоллик бир ёки бир неча ўқувчининг илғорлиги, гайрат билан ишлаши ёки кўп миқдорда машқлар бажарилишини эмас, синфлагиларнинг ҳаммасини дарс давомидаги иштирокига тегишли принципдир. Фаоллик деганда, дарсда ва синфдан ташқари ишларда ўқувчиларнинг материални ўзлаштиришларида вақт ва кучларининг аксарият қисми сарфланиши тушунилади.

Шунинг учун ҳам дарсда ҳар бир ўқувчининг нутқий иштироки махсус ҳисобга олинмоғи керак: хор билан ишлаш, синф/гуруҳнинг биргалашиб ишлаши, жуфт бўлиб суҳбатлавиш, индивидуал ишларда ўқувчилар қобилиятини эътиборга олиш каби методик тадбирлар кенг жорий этилади.

Нутқ фаолияти турлари ва тил материали бўйича машқлар инсталлан меъёрда бажарилиши фаоллик даражасига бевосита таъсир қилади.

Қийинчиликни енгиш, чет тилдаги нутқда хато қилишдан чўчимаслик, ўқувчи нутқининг унинг шахсий ҳаётига дахлдорлиги, хилма-хил иш тартибларини қўллаш (ўқувчи—ўқувчи, муаллим—ўқувчи, муаллим—синф, ўқувчи—синф ва ҳ.к.з.), ўйин ва лисоний мусобақалар ўтказиш кабилар фаолликни кучайтириш омилларидандир.

Кўргазмалилик принципи чет тиллар ўқитишда муносиб ўрин эгаллайди. Кўргазмалилик айрим ўқув предметларида фақат кўриш билан ассоциацияга киради. Чет тилда кўриш ва эшитиш сезгилари орқали идрок этиладиган ташқи ва ички кўргазмалилик тушунилади. Тил материални тушуниш, ўзлаштириш ва қўллаш мақсадларини рўёбга чиқариш уни махсус намоёниш этиш ва нутқда қўллаш кўргазмалилик ёрдамида амалга оширилади.

Ўқувчи она тилини табиий предмет ва ҳодисалар оғушида ўрганиши, чет тилни эгаллаш эса сунъий шароитда кечиши туфайли бунда кўргазмалиликнинг зарурлиги янада ошади.


Ўқувчиларнинг тинглаб тушунишини осонлаштиришда муаллим нутқидан ташқари диктор нутқи ҳам эшитишга қўйилади. Аудитив (эшитиладиган) техника воситаларидан синфда, чет тил хонасида ва уйда етарли фойдаланиш тавсия этилади.

¹ И. Ф. Комков. Активный метод обучения иностранным языкам в школе. — Минск, 1970; Об опыте использования активных методов обучения иностранным языкам. Тезисы докладов X Республиканской научно-методической конференции. — Алма-Ата, 1983.

Тил материалини машқ қилиш ва нутқда қўллаш жараёнида кўришга мўлжалланган воситалар (слайдлар, диафильмлар, кинофильмлар) ўринли ишлатилади.

Кўргазмалilik икки йирик гуруҳга бўлинади: ташқи (предметга оид) ва ички (лисоний) кўргазмали воситалар. Ташқи кўргазмалилик тасвирда мас., предмет, расм, жадвал ёки ҳаракат тарзида ва ички кўргазмалилик эса тил имкониятларидан келиб чиқадиган кўргазмалиликдир. Ички кўргазмалилик товуш/ҳарфни намоиш этишдан бошлаб, матидаги мазмун (контекст)гача бўлган қатор тил воситаларидан иборатдир. Янги сўзнинг матидаги маъносини фаҳмлаб олиш, сўз ёки форма ясаш элементлари ёрдамида тил бирлигини тушуниб олиш, тил тажрибасидан фойдаланиш тил кўргазмалилигини ташкил этади. Предмет ва тил билан боғлиқ кўргазмалилик ўрганилаётган ўқув материалининг хусусияти ва ўқитиш босқичига қараб, муаллим томонидан фарқлаб қўллашлади. Барча кўргазмали воситаларнинг проф. Г. В. Рогова қуйидаги таснифини келтиради.¹

КЎРГАЗМАЛИЛИК



Мазкур таснифни методист Г. В. Рогова руҳшунос проф. Б. В. Беляевнинг² кўргазмалиликка оид тавсияларига асосланиб тузган. Чет тил ўқитишда қўлланадиган кўргазмалилик ҳақида бошқа мутахассислар ҳам қимматли илмий мулоҳазалар юритишган.³ Таълим жараёнида ишлатиладиган воситалар ҳақида VI бобда муфассал тўхтаб ўтилади.

Пухта ўзлаштириш принципи чет тилда ўзига хос талқин этилади. Турли методик системаларда ушбу принципдан тур-

¹ G. V. Rogova. *Methods of Teaching English*. — М.: Просвещение, 1975, 51 бет.

² Б. В. Беляев. *Очерки по психологии обучения иностранным языкам*. — М.: Просвещение, 1965, 85-бет.

³ Мас. В. А. Артемов. *Психология обучения иностранным языкам*. — М.: Просвещение, 1969, 226-бет. (Проф. В. А. Артемов кўргазмалиликни тасниф этишда уларни бир-бирдан фарқлайдиган белгиларни аниқлаган.)

йича фойдаланилган. Чет тил бирликлари (суз, суз бирикмаси, нутқ намунаси)ни ўқувчининг хотирасида сақланиши, нутқ фаолиятида улардан хоҳлаганча фойдаланиши пухта ўзлаштиришни таъминлай олади. Ўқув материални анализ, синтезлаш, қиёслаш, мулоҳаза юритиш ёрдамида таъсирчан тақдироти, танишишдан кейин материални кўриш, эшитиш, ҳаракат (нутқҳаракат ва қўлҳаракат) анализаторлари иштирокида кўплаб машқ қилиш ва чет тил нутқида ижодий қўллаш (фикр баён этиш ва ўзгаларни тушуниш) ҳамда ўрганилган материални ўзлаштириш даражасини назорат қилиб бориш билан пухта ўзлаштиришга эришилади.

Тил бирликларини пухта ўзлаштиришда машқнинг аҳамияти улкандир. (Китобнинг кириш қисмидаги «Машқлар системаси» номли мавзуга қаранг.)

Ўқув материални пухта ўзлаштириш деганда, чет тилдаги нутқда тил бирликлари бўйича барқарор кўникма ва малакалар ҳосил қилиш тушунилади. (Қонда ёки назарий билимларни мустаҳкам эгаллаш фан асосларини ўргатувчи ўқув предметлари учунгина тааллуқлидир.)

Якка-якка (индивидуал) ёндашиш принципини қўллашда ҳар бир ўқувчининг қобилияти ҳисобга олинади. Шу билан бир пайтда жамоа билан ишлаш ҳам инкор этилмайди, албатта. Руҳшуносликдан маълумки, кишилар орасида экстрровертлар ва интровертлар бор. Экстрроверт деганда, «очич одам», яъни мулоқотчи, суҳбатчи, гаплашишга мойил одам тушунилади. Унинг акси эса интровертдир, улар гаплашишга унчалик интилмайдилар. Чет тил ўргатишда интровертларни гапириш машқларини бажаришга фаолроқ жалб этиш тавсия этилади. Экстрровертларнинг эътиборлари эса ўқиш ва тинглаб тушунишга қаратилади.

Таълимшуносликдаги якка-якка ёндашиш принципи муаллим олдига қўйидаги вазифаларни қўяди: ҳар қайси ўқувчининг табиати, нималарга қодирлиги, қизиқиши, ким билан ошначилик қилиши, нималарга салбий муносабатда бўлишини муаллим билмоғи лозим. Мас. чет тилдаги жуфтнутқ машқини бажаришда кимларни шерик қилишдек психопедагогик тадбир яхши/ёмон натижа бериши мумкин. Ёки тарқатма материал бериладиган пайтда ўқувчининг барча хусусиятлари инobatга олинади.

Муаллим дарсга тайёргарлик кўраётганида ҳам ўқувчиларнинг ижобий ва салбий томонлари эътибордан четда қолмаслиги керак. Уларнинг билим даражасидаги тафовутлари алоҳида ҳисобга олинади.

Принциплар ичида *системалилик* чет тилда бутунлай айрича маъно касб этади. Фан асосларини ўргатишда илмий билимлар системали баён этилади. Чет тил ўқув предмети эса билимлар йиғиндисини ўргатмаслиги ҳаммага аён. Нутқ бирламчи, содда мавҳумот унинг ҳосиласи эканлиги мезон қилиб олинади.

Чет тил муаллими тил материални системали эмас, балки «нутқ учун зарур ва кифоя» қонуниятига риоя қилиб ўргатади. Мас., ҳарфлар алфавит тартибида берилиши шарт эмас. Оғзаки нутқда ўзлаштирилган лексик бирликни ёзиш учун муайян ҳарф берилади. Бинобарин, 26 та ҳарф биринчи ўқув йилида тақдим этилиши ҳам мажбурий эмас. (IV синф инглиз тили (Тошкент, Уқитувчи, 1982) дарслигига қаранг.) Грамматика ҳодисалари ҳам грамматик системада тақдим этилмайди. Грамматикани ўргатиш тартиби нутқ эҳтиёжига қараб белгиланади. Лексикадан бир мисол. «Ўзак сўз олдин, ясама сўз кейин» деган қонда методика учун ғайриилмий ҳисобланади. Биринчи ўқув йилида ясама сўз teacher (teach+er) ўрганилган, кейинги синфлардан бирида (мас., VIII синфда) teach ўзак сўзи тақдим этилган. Лексика тақсимотида система ҳал қилувчи омил эмаслигини founder сўзи ўрганилишидан англаса бўлади. Унинг негизи (found) умуман олинмаслиги мумкин.

Тил бирликлари системали тақдим этилмаганидек, улардан яратиладиган мавҳумотлар ҳам система ҳолида берилмаслиги ўз-ўзидан маълум. Мас., «артикль» тушунчаси нутқий материалда учрашига қараб, тақдим этилади, умумий назариядан ўқувчилар беҳабарлар. Чунки қонда (мавҳумот) нутқ кўникма ва малакаларни шаклланишида ёрдамчи таълимий восита саналади.

Чет тилда нутқ малакалари системасини яратиш ёки эгаллаш ушбу принцип моҳиятини ифодалайди. Гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиб тушуниш, ёзма ахборот бериш системаси дастурда тавсия этилади. Саволга жавоб қайтара олиш, ўзга шахс нутқини идрок этиб тушуна олиш ва ҳ.к.з. мунтазам машқ қилинади.

Дидактик принциплардан *осон-қийинлик ёки ўқувчилар кучига мослик* тушунчаларининг ҳам чет тил ўқитишда ўзгача татбиқи кузатилади. Билим берадиган ўқув предметлари мавзулари ёки тушунчаларини ўргатишда осондан қийинга қонуниятига риоя қилинади. Чет тил ўқитишда бундай талаб қўйилиши мумкин эмас. Мас. инглизча тиш оралиғи жарангли/жарангсиз товушларининг талаффузи ўқувчиларга ўта қийиндир. Бироқ нутқ жараёни эҳтиёжига қараб, у дастлабки ўрганиладиган ҳодисалар қаторидан жой олади (аниқ артиклда ушбу товуш иштирок этади).

Мабодо тиш оралиғи ундоши кейинроқ ўргатилса, нимага эришиш мумкин? Ҳеч нарсага эришилмайди, чунки бу товушлар қачон ўрганилишидан қатъи назар доимо қийинчилик туғдиради. Хуллас қийин-осон материал тақсимот мезони бўла олмайди. Бунга сабаб, нутқ малакаси ҳосил қилиш, яъни фаолият ўргатиш даврида тил бирлиги тобе тушунчадир.

Нутқ фаолиятини эгаллаш жараёнини тезлаштириш (интенсификация) ёки самарадорлигини ошириш (оптимизация) мақсадида қийинчиликларни ўқувчи кучига мос ҳолда «тақсимлаб» тақдим этилади. Яъни қийинчилик тақсимланади. Қийин ҳоди-

са кичик бирликларга бўлинади. Мас. инглизча феълнинг ҳозирги умумий замон шакллари иккига бўлиниб, учинчи шахс бирлик алоҳида ва қолган барча шахслар алоҳида ўргатилади. Интерференция назариясига кўра иккалови бир йўла тақдим этилса, ўзаро чалкашлик содир бўлади. Яна бир мисол. Сўзларнинг товуш ва ёзувдаги тимсоли сунъий ажратиб ўргатилади. (Оғзаки нутқнинг илгарилаши мезонини эсланг.)

Қисқаси, ўқувчи қобилияти нуқтаи назаридан ва ўқитиш шарт-шароитига кўра қийинчиликларни тақсимлаб ўргатиш принципи рўёбга чиқарилади.

Чет тил ўқитишнинг психологик принциплари. Юқорида таълимшуносликка онд принциплар тавсифи кўриб чиқилди. Тил ўрганиш ақлий фаолият бўлганлиги туфайли, унинг психологик асослари мавжуд. Ақлий фаолият руҳшуносликда илмий текширилади. Шу муносабат билан чет тил ўқитишнинг психологик принципларини тадқиқ этиш эҳтиёжи тугилади.

Илмий манбаларда чет тил ўқитишнинг иккита психологик принципи ишлаб чиқилган¹. Психологик принциплар «вербализация» ва «корреляция» номларини олган.

Чет тил ўқитишнинг психологик принципларидан *вербализация*нинг маъно доирасига қуйидагилар киради: ўзга тил амалда фақат оғзаки нутқ орқали ўрганилади, яъни оғзаки нутқ таълим мақсади бўлсагина бегона тилни ўзлаштиришга йўл очилади. Шундай қилиб, тилда вербализация принципи оғзаки нутқ ўргатишни тақозо этади.

Психологик принципнинг иккинчиси — *корреляция*дир. *Корреляция* принципи атамасини мана бундай тушуниш мумкин: чет тил материали (лексика, грамматика ва талаффуз)нинг муайян чегараси аниқланади, биринчи галда нутқ малакаларини ҳосил қилиш учун мўлжалланган тил бирликлари мажмуаси шаклланади. Нутқ мавзулари лексикани танлашда белгиловчи методик мезон вазифасини ўтайди. Тил ҳодисаларига оид мавҳумотлар нутқ малакаларининг шаклланишига хизмат қилади, улар ёд олинмайди ва ҳ.к.з. Чет тил қоидасини ёд олмаслик масаласи руҳшуносликда исботланган².

Чет тил ўқитишда бой психологик маълумотлардан фойдаланиш одат тусига кирган. Бироқ психологик принциплар шу иккаласи билан чегараланади.

Тил ўқитишнинг тилшунослик асослари (II боб) бирмунча тадқиқ этилганлигига қарамай, методика фанида ҳозиргача чет тил ўқитишнинг лингвистик принциплари масаласига қўл урилган эмас. Улар ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

¹ Г. Е. Ведель. Психология и основы методики преподавания иностранных языков (на материале немецкого языка). — Воронеж: Изд-во Воронеж. ун-та, 1974, 26—32-бетлар.

² Н. И. Жинкин. Психологические особенности спонтанной речи // ИЯШ, 1965, № 4, 8—9-бетлар.

Методика принциплари моҳиятини ёритишда психологик ва лингвистик қонуи-қондиларга суяниб иш кўрилади.

Чет тил ўқитиш методикаси принциплари. Чет тиллар ўқитиш методикасида принципларни тадқиқ этиш, уларни илмий-назарий асослаб бериш масалалари улкан методистлар эътиборини тортиб келади. Чет эл ва мамлакатимиз методикаси манбаларида бу соҳада мунозарали фикрлар ёритилган. Аввалан, чет тил ўқитиш методикаси принципларини олға суриш мезонлари ҳақида фикр юритилади. Биринчиси — бу мезон чет тилдан бошқа ўқув предмети методикасига татбиқ этиш ўринсизлиги, яъни ушбу предметнинг ўзигагина хослиги мезони. Иккинчиси — чет тил методикасида шаклланган принципга оид илмий тушунчаларнинг ҳатто яқин фанларга ҳам дахли йўқлиги, мазкур соҳанигина акс эттира олиш мезони. Мас., қийинчиликларни чеклаш принципи бошқа фанларни ўқитишда ҳам иштирок этиши мумкин. Шу боис таълимшунослик ёки руҳшунослик принциплари чет тил методикасида ушбу фаннинг хусусияти инobatга олинган ҳолда татбиқ этилади, холос. Биргина мисол: қийинчиликларни чеклаш принципининг чет тилда бошқа томони ҳам намоён бўлади, яъни осондан қийинга принципи бевосита қабул қилинмасдан (тиш оралиги ундоши ўргатилишини эсланг), қийинчиликларни тақсимлаб бериш орқали рўёбга чиқади.

Сониян, мазкур мезонлар асосида методик принциплар тадқиқ этилади. Чет тил ўқитиш методикаси принциплари мазмунан ва шаклан бир хил эмас. Айримлари умумлашган (мас., нутқий йўналганлик принципи), бошқалари тор маънода (мас., озаки нутқнинг илгарилаши принципи) қўлланади, қолганлари эса ушбу предмет моҳиятига ўта хослиги билан (мас. грамматикани ўргатиш принциплари) ажралиб туради. Бинобарин, чет тил ўқитиш методикасининг умумий, хусусий ва махсус принциплари ишлаб чиқилган. Ушбу принципларни фарқлаш ва изчил асослаш фанда охиригача тўлиқ етказилмаганлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Методиканинг *умумий принциплари* қуйидагилардан иборат: 1) чет тил ўқитишнинг нутқий йўналганлик принципи; 2) чет тилни чегаралаб (фарқлаб) ва яхлит ўргатиш принципи; 3) машқларга асосий ўрин бериш принципи; 4) тил тажрибасини ҳисобга олиш принципи.

Илмий манбаларда биринчи номдаги принцип барча мутахассислар томонидан яқдил тан олинган. Иккинчи принципини проф. Г. В. Рогова ва бошқалар тавсия этган. Учинчи принцип проф. М. В. Ляховицкий тадқиқотларида учрайди. Тўртинчи принцип аксарият методистлар тарафидан маъқулланиши билан бирга, унинг номланишида жиддий фарқ сезилади. Рус тилида чоп этилган ёки рус мактаблари тажрибасини акс эттирадиган илмий адабиётларда «она тилини ҳисобга олиш принципи» атамаси қабул қилинган. Ўзбек мактабларида чет тил ўқитиш тадқиқотчилари асарларида у «тил тажрибасини ҳисобга олиш принципи» деб ишлатилади. Ўқувчилар чет тилдан

аввал она тили ва иккинчи тил ўрганишлари сабабли бу принципга шундай ном берилган.

Умумий принциплар қуйидагича шарҳланиши мумкин. Нутқий йўналганлик принципига кўра чет тилни алоқа воситаси сифатида эгаллаш, яъни ўқув дастуридаги мавзулар доирасида нутқий кўникма ва малакалар ҳосил қилиш мақсадида таълим жараёни ташкил этилади. Чет тилни амалий эгаллашга нутқий машқлар туфайли эришилади. Тил материаллини ўргатувчи машқлар миқдори жуда кўпайиб кетса, нутқий йўналганликка путур етади. Лексик, грамматик, талаффуз машқларининг давоми чет тилдаги нутқда уларни қўллаш билан якунланади. Тил бирликларини ўзлаштириш нутқ фаолиятини эгаллашга бўйсундирилади. Пировард натижа чет тилда ахборот олиш/бериш билан тугалланиши амалий йўналганлик принципининг асосий шартидир.

Нутқий йўналганлик принципи талабига биноан чет тил ўрганувчилар гапирувчи, ўқувчи, тингловчи, ёзувчи сифатида нутқ фаолиятида иштирок этадилар.

Иккинчи принципга кўра чет тилдаги нутқ фарқланиб, тил материали эса яхлит тарзда ўрганилади. Чунки гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзув ўзига хос хусусиятга молик. Оғзаки нутқ (гапириш ва тинглаб тушуниш), ёзма нутқ (ўқиш ва ёзув), гапириш (якканутқ ва жуфтнутқ), ўқиш (овозли ва овозсиз), овозсиз ўқиш (мазмунни умумий тарзда ёки тўлиқ тушуниш), ёзув (ёзиш, имло, ёзма фикр баён этиш)ни фарқлаб ўргатиш ушбу принцип мазмунини ташкил этади.

Қайд этилган нутқ фаолияти турлари ёки уларнинг таркибий қисмлари таълимнинг турли босқичларида ўз чегараси (сифат ва миқдор ўлчови) мавжуд. Уларни фарқлаб ўргатиш деганда, бир-биридан бутунлай ажратиб ташлаш эмас, балки ҳар бирининг муайян кўрсаткичи борлиги тушунилади, яъни улар ўзаро боғлиқ ҳолда ўрганилади. Ўқув дастури ва дарсликлар буларни ҳисобга олиб тузилади.

Муҳокама қилинаётган принципнинг иккинчи қисми яхлит ўргатишга бағишланади. Яхлитлик (интеграция) тил материаллини ўзлаштиришга тааллуқли методик ҳодиса. Лексика, грамматика ва талаффуз бирликлари тарқоқ ҳолда эмас, балки яхлит тарзда, яъни лексикада грамматика, лексика ва грамматика асосида эса талаффуз ўргатилади. Ажратиб ўргатиш ҳоллари уларнинг қийинчилигини бартараф этиш учунгина керак. Яхлитлик тинглаб тушуниш ва гапиришни машқ қилишда, ўқиш ва тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзувни ўрганишда ҳам кузатилиши табиий. Тажриба кўрсатишича, ҳар бир дарсда (биринчи йилнинг дастлабки машғулотлари бундан мустасно) ўқувчи гапиради, тинглайди, ўқийди ва ёзади. Тўрттала нутқ фаолияти тури бўйича бажариладиган машқлар миқдоран бир хил эмаслиги муаллимларга маълум.

Таълим жараёнида узвий алоқа ўрнатилиши тил матери-

лини ўрганишга, чегаралаш эса нутқ фаолияти турларини эгаллашга кўпроқ дахлдор принципдир.

Учинчи методик принцип талқини, ўз номидан равшанки, чет тил ўқитишда машқлар бажариш асосий иш усули эканлигини тасдиқлайди. Тил материали, тил техникаси, нутқ фаолияти турлари, ўзлаштириш босқичлари кабиларни назарга олиб машқлар бажарилади: лексика, грамматика, талаффуз машқлари, гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзув машқлари, ёзиш ва ўқиш техникаси машқлари, кўникма ва малака ҳосил қилишга мўлжалланган машқлар.

Умумий принциплар ичида тил тажрибасини ҳисобга олиш алоҳида аҳамиятга моликдир. Уқувчи ҳозиргача ўзлаштирган она тили ва иккинчи тил ҳамда чет тилнинг ўзидан ўрганилган ҳодисалар янги материал тақдмоти чоғида кўмаклашувчи ёки қаршилик кўрсатувчи омил бўлиши мумкин. Уқувчи онгида алоқага кирадиган учала тил операция, ҳаракат ва фаолият даражаларида тўқнашади. Бошқача қилиб айтганда, олдин ўзлаштирилган тил маъҳумоти, кўникмаси ва нутқ малакаси ўрганилаётган тилга салбий/ижобий таъсир қилади. Қисқаси, тўпланган тил тажрибаси истиқболда кўзланадиган нутқ кўникма ва малакаларини эгаллашда ҳисобга олинмоғи лозим.

Нутқ малакаларининг ижобий (транспозиция) ёки салбий (интерференция) кўчиши ҳақидаги маълумотлар машқлар системасини тузишда ҳисобга олинishi шарт бўлиб, ўқув жараёнида улар ҳақида ўқувчиларга баёнот берилмайди. Оз ёки кўп куч ва вақт сарфланиши тил бирлигининг осон ёки қийинлиги билан белгиланади («Тил материалини ўргатиш мазмуни» параграфи (IV боб)га қаранг).

Юқоридаги фикрлардан қисқача хулоса шуки, чет тил ўргатиш методикаси умумий принциплари ушбу чет тилнинг моҳиятини ифодалаш, бошқа предметлардан унинг кескин фарқини кўрсатиш ва ўқитиш йўл-йўриқларини аниқлашга жиддий ёрдам беради.

Чет тил ўқитишнинг хусусий принципларига келганда, улар баён этилган умумий принциплар билан мазмунан туташган бўлиб, торроқ маънодаги методик ҳодисаларни акс эттиришини таъкидлаш даркор. *Хусусий принциплар* тизмаси қуйидагилардан иборат: 1) нутқ намунаси асосида чет тил ўргатиш; 2) тил машқларини нутқ амалиёти билан боғлаш; 3) нутқ фаолияти турларининг ўзаро муносабати; 4) оғзаки нутқнинг илгарилashi; 5) чет тилда табиий нутққа яқинлашиш; 6) ибтидоий босқични жадаллаштириш. Чет тиллар ўқитиш методикаси фанида хусусий принциплар ҳақида ғоят тарқоқ ва бир-бирига зид маълумотлар келтирилади. Муҳокама қилинаётган хусусий принциплар М. В. Ляховицкийнинг таклифи ва таснифи асосида кўриб чиқилди.

Хусусий принципларнинг биринчиси «нутқ намуналари асосида чет тил ўргатиш»ни ташвиқот қилади. Халқаро миқёсда

чет тил ўқитиш методикасида нутқ намунасини асос бирлик сифатида тан олиш оқилона йўл деб қаралади. Лексика, грамматика ва талаффуз birlikлари нутқий намуналарда ўзлаштирилиши оммавий тус олган.

Нутқ намуналари илмий асосда танланади, тақсимланади ва машқлар системасида тақдим этилади. Нутқ намунаси оғзаки нутқнинг илгарилаши принципида, аввалан, тайёр жумла мавқега, сониян, ундаги таркибий қисмлар алмаштирилиб, ўрганилаётганда типовой жумла мақомига молик бўлади. Мас. I see a pen, даставвал, ўрганилишида яхлит (тайёр) жумла тарзида олинади. Сўнгра нутқ намунаси (I see a book, You see a pen/book, I read a book)нинг қисмлари ўзгартирилганда, типовой жумла ҳуқуқини олади. Энди янги лексик birlikкни ўқувчи нутқ намунасида мустақил қўллаш оладиган пайт келди. Нутқ намунасининг сўроқ ва бўлишсиз шакллари биринчи бор муаллим нутқини тинглаб ўрганилади. Бирдан ортиқ мисолга эга тил ҳодисалари юзасидан мавҳумот келтириб чиқарилади, энди бошқалари ўқувчиларнинг ўзлари томонидан нутқда қўллаш бошланади. Мас. I see a pen/I read a book нутқ намунасига тақлидан I like a book, I write a letter кабилар мустақил яратиладиган жумлалардир. Қоида: эга биринчи, кесим иккинчи, тўлдирувчи эса учинчи ўринда келади. Методик қонуният: нутқ намунаси таниш, сўзлар янги, сўзлар таниш нутқ намунаси янги. Ҳар иккаласи нотаниш бўлиши мумкин эмас. Нотаниш ҳодисани ушбу шароитда муаллим тақдим этади.

Жаҳон методикасида нутқ намунасининг чет тил ўргатиш бирлиги ҳуқуқи тан олинган. (Турли муаллифлар ушбу атамани ўзлари истаган сўзлар билан юритишади: структура, конструкция, модел, типовой гап/жумла ва бошқалар.)

Алқисса: чет тилда оғзаки нутқ шаклини ўргатишда (руҳшуносликда «вербализация» принципида) нутқ намунасини ўзлаштиришдан иш бошланади. Аудиолингвал методнинг муҳим принципларидан эканлигини эсланг. Замонавий чет тил дарсликларининг аксарияти ушбу принципга асосланиб тузилган.

Хусусий принципларнинг иккинчиси тил машқларини нутқ амалиёти билан боғлаш масаласига оид. Тил материални ўрганиш кутиладиган махсус мақсад бўлмай, чет тилдаги нутқни эгаллаш заруриятига тобе восита, деб тушунилади.

Хулласи калом, дастурдаги лексиканинг тўлиқ рўйхатини билиш тилни эгаллаш эмасдир асло, балки лексикани нутқда қўллашни билиш қатъиян талаб этилади.

Тил бирлигининг тақдим этилиши (танишиш) бошқичи албатта машқ қилиш (кўникма шаклланиши) ва қўллаш (малакага эришиш) поғоналаридан кўтарилиш учунгина керак.

Машқ қилиш тил бирлиги тақдимотидан бошланиб, жонли мулоқот билан тугалланиши тил материални нутқ амалиётида ўрганишни ифода этувчи ушбу хусусий принципнинг ягона

талабидир. Мазкур мавзу чет тил ўқитишнинг амалий мақсади (III боб) да кўриб чиқилган.

Нутқ фаолияти асосий турларининг ўзаро муносабати муаммоси принциплардан бирида қаралади. Гапириш, тинглаш, ўқиш ва ёзув бир-бири билан уйғунлашиб кетади. Ўқувчи гапирганида қўллаган бирликларни тинглаб ва ўқиб тушуна олади, ёзувда ҳам ишлата билади. Ўқиш тил материални ўқувчи тинглаб тушуна олади. Кўриниб турибдики, тил материали маълум нутқ фаолияти туридан бошқасига ўтиб юради.

Гапириш материали ўқиш ва ёзувда мустаҳкамланади. Ўқиш ва тинглаш матнлари лексикасининг бир қисми (тенг ярми) гапиришда такрорланади. (VIII синф инглиз тили дарслигига қаранг.) Идрок этиб тушунилган график ёки аудиоматндан кейин гапириш машқлари бажарилади. Тўрт сезги/анализатор нутқ фаолиятида қатнашсагина пухта динамик стереотип ҳосил қилинишини эсланг.

Муҳим хусусий принциплардан ҳисобланмиш оғзаки нутқнинг илгариллаши тушунчаси аудиолингвал методга ҳам мансубдир. Принципнинг тўлиқ номи «тил материални машқ қилишда оғзаки нутқнинг илгариллаши», деб аталади. Кейинги пайтларда яна бошқача қилиб, оғзаки нутқнинг ўқиш ва ёзувдан олдин юриши номи билан ҳам аталмоқда.

Оғзаки нутқдан кейин ёзма нутқ машқларини бажаришнинг қатор қулайликлари бор, товуш тимсоли график шаклдан ажратиб ўзлаштирилади, нутқҳаракат сезги/анализатори ва қўлҳаракат сезги/анализатори алоҳида-алоҳида ишга тушади. Оғзаки ва ёзма рецепция ва репродукция аввал бир-бирдан ажратилади ва кейинчалик бирлашиб, ўзаро мустаҳкамланади.

Илгариллаш принципи мактаб чет тил дарсликларидида ҳар хил методик кўринишга асосланиб, ишлаб чиқилган. (Дарслик таркибидаги «Ўқитувчи китоби» принцип ғояларидан воқиф элади.)

Навбатдаги хусусий принцип «чет тилда табиий нутққа яқинлашиш» деб аталади. Чет тилни ўз она тиллари мақомида биладиганларнинг нутқ фаолиятида ҳам мутлақо ўхшашлик бўлмаслиги барчага маълум.

Бир тилда сўзлашувчиларнинг айниқса талаффузида тафовут яққол билинади. Бошқа бирликларда ва нутқ фаолияти турларида ҳам ушбу тил эгаларининг умумийликка эришишлари амри маҳолдир. Модомики шундай экан, ўқувчиларнинг чет тил кўникма ва малакалари ўша тилдагига тахминан ўхшаш бўлиши турган гап. Ўртада муаммо пайдо бўлади, қандай талаффузни ўргатиш керак? Методика илмида бунга боп жавоб топилади: чет тил талаффузига *тахминий яқинлашиш* вазифаси туради. Агар чет тил фонетик ҳодисаси маъно ўзгартиришга сабаб бўлса, (мас. инглиз сўзи охиридаги (ауслаут) жарангли ундошнинг жарангсизланиши), ушбу товуш меъёрда тўғри талаффуз этилиши шарт қилиб қўйилади. Сўзнинг бошқа қис-

мида (анлаут, инлаут) келганда, унга камроқ аҳамият берилди, чунки у маъно ўзгартирмайди.

Табий нутққа яқинлашиш принципи грамматик ёки лексик бирликни ўргатишда ҳам худди шундай талқин этилади. Мас. ўқувчилар якканутқ ёки жуфтнутқда қатнашаётганларида йўл қўйишган баъзи грамматик хатолар, нутқ мазмуни талабига жавоб берган тақдирда, ўқувчи баҳосини муаллим пасайтирмайди, чунки фикр баён этиш/алмашиш чет тил ўқитишда ягона мақсад, тил хатоси кейин тўғриланиши мумкин бўлган ҳолисидир.

Ўқувчи нутқининг чет тилдаги нутққа тахминий яқинлашиши унинг хато қилиб қўйишдан хавфсираши, тўғри айта олиш/олмаслигидан хавотирланиши каби психологик тўсиқларни енгиши учун катта йўл очади, эркин гапириш ва бамайлихотир мулоқотга кириш имкониятини яратади.

Хусусий принциплардан муҳокама этиладиган сўнггиси «ибтидоий босқични жадаллаштириш» номини олган. Аниқроқ қилиб айтганда, чет тил ўқитишнинг дастлабки босқичида жадал ишлаш демакдир.

Бошланғич босқичда ўқувчилар чет тил билан ҳафтада, кейинги синфларга нисбатан, кўпроқ шуғулланади. Чет тил курсининг (жадал/интенсив) машғулотлари самарадорлиги юқори эканлиги тажрибадан маълум. Оғзаки нутқни жадал эгаллаш дарс соатларининг тез-тез такрорланишига бевосита боғлиқ. Ҳафтада тўрт-беш марта дарс ўтилиши гапириш кўникма ва малакаларининг шаклланишида ҳал қилувчи омилдир. Албатта, бошқа томонлар (мас. сифатли дарслик, ўқитувчи методик малакаси) ҳам аҳамиятга моликдир.

Умумий ва хусусий принциплар қаторида чет тил ўқитиш махсус принципларини билиш таълим жараёнини бошқаришда қўл келади. Махсус принциплар методик қўлланмаларда то шу вақтгача илмий андозаланганича йўқ. Уларни йирик методистлар илмий тадқиқотларидан терма усулда ўрганиб олиш мумкин. *Махсус принциплар* тил материали (лексика, грамматика, талаффуз) ёки нутқ фаолияти турлари (гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзув), таълим (техникавий/нотехникавий) воситалари асосида системалаштирилган. Ўзбек мактаблари учун ҳам чет тил ўқитиш махсус принциплари тизмаси тадқиқ этилиши мумкин.

Илмий тадқиқотларда чет тил грамматикасини (В. С. Цетлин) ва лексикасини ўргатиш (В. А. Бухбиндер), чет тилда ўқишни ўргатиш (С. К. Фоломкина), чет тил ўргатишда товуш ёзувидан фойдаланиш (М. В. Ляховицкий) бўйича махсус принциплар мукамал ишлаб берилган.

Махсус принциплар муфассал баёни чет тил ўқитиш воситалари ва нутқ фаолияти турларини ўргатиш ҳақидаги бобларда баён этилади.

Чет тил ўқитиш принциплари

Дидактик принциплар

Тарбиявий таълим

Онгиллик

Фаоллик

Кўргазмалilik

Пухта ўзлаштириш

Индивидуал ёндашиш

Системалilik

Осон/қийинлик

Вербализация

Корреляция

Психологик принциплар

Методик принциплар

Умумий принциплар

Хусусий принциплар

Махсус принциплар

Чет тил ўқитиш методикаси принциплари

Умумий принциплар

Нутқий йўналганлик

Чегаралаб ва яхлит ўргатиш

Машқлар бажариш

Тил тажрибасини ҳисобга олиш

Хусусий принциплар

Нутқ намунаси асосда чет тил ўргатиш

Тил машқи ва нутқ амалиёти боғлиқлиги

Нутқ фаолияти турларининг ўзаро муносабати

Озсиз нутқнинг илгарилashi

Чет тилда табиий нутққа яқинлашиш

Ўбтидий босқични жаддалаштириш

Махсус принциплар

Грамматикани ўргатиш (В. С. Цетлин принциплари)

Лексикани ўргатиш (В. А. Бухбиндер принциплари)

Ўқишни ўргатиш (С. К. Фоломкина принциплари)

Чет тил ўргатишда нутқ ёзишни қўллаш (М. В. Яхонцевский принциплари)

1. Чет тил ўқитишда қўлланадиган принципларни номма-ном айтинг.

2. Чет тил ўқитиш методикаси принциплари нечта ва қандай гуруҳларни ташкил этишини билиб олинг.

3. Айрим принциплар ҳақида ўз фикрингизни баён этишга тайёрланинг.

VI б о б. ЧЕТ ТИЛ ЎҚИТИШ ВОСИТАЛАРИ

1-§. Ўқитиш воситалари таснифи

Кўхна замонлардаёқ ота-боболаримиз фарзандларини ҳисобга ўргатиш чоғида рангли тошлар, ҳайвон суяклари каби нарсалардан фойдаланишгани инсоният тарихидан маълум. Қадимги «ҳисоб ўргатиш» воситаларидан тортиб, то ўқитишнинг техника воситалари ихтиро қилингунга қадар (XX асрнинг бошида грампластинка чиқарилган) минг йилликлар давомида одам боласи таълим олди, ўрганди, тарбияланди. XX аср техника инқилоби замони дейилади. Чет тилларни ўргатишда ҳам товуш ёзиш асбоблари (фонограф)дан фойдаланиш даври бошланди. Асримиз ўқув-тарбия жараёнини техникалаштириш билан тарихий аҳамиятга молик.

Чет тилни ўқитиш воситалари ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш манфаати йўлида ишлатиладиган барча ўқув қуролларини ўз ичига олади.

Ҳар бир фаолият юритувчида иш қуроли бўлганидек (мас. лехқон — кетмон, ўроқ: ишчи — болға; адиб — қоғоз, қалам), ўқувчи ва муаллим ҳам тегишли ўқув қуроллари (ўқитиш воситалари) билан таъминланади. Қалам, ручка, дафтар, ўчирғич, жадвал кабилар аксарият ўқув предметларига тааллуқли бўлганлигидан, чет тил ўқув қуроллари таснифига киритилмайди.

Фаншуносликдаги нарса ва ҳодисаларга системали—структурали ёндашиш нуқтаи назаридан чет тил ўқитиш уч таркибли таълимий тушунчадир: муаллим — ўқитишнинг ташкилотчиси, ўқитиш воситалари, ўқувчи—таълим олувчи. Мазкур дидактик назарияга биноан ўқув воситалари муаллим ва ўқувчи ўртасидаги таълимий кўприк бўлиб, унда ўқув жараёни ўз ижросини топади.

Чет тил муаллими ўқувчиларга таълим бериш чоғида ўқув воситаларини жўяли қўллаш йўл-йўриklarини чуқур билишлари талаб этилади. Шунинг учун ҳам ўқитиш воситаларининг таълимий таснифига эҳтиёж сезилади.

Чет тил ўқитиш мақсадларининг рўёбга чиқишида фойдаланиладиган воситаларнинг методик таснифи қуйидагича: 1) бажарадиган вазифасига кўра асосий ва қўшимча (ёрдамчи) ўқув қуроллари турлари; 2) кимга мўлжалланганлигига қараб,

муаллим ёки ўқувчилар қўллайдиган ўқув қуроллари; 3) ахборот келадиган йўл (анализатор)га нисбатан — эшитиш, кўриш, эшитиб-кўриш номларидаги; 4) техника иштирокини ҳисобга олиб, анъанавий (нотехник) ва замонавий (техник) аталмиш ўқув қуроллари; 5) ишлаб чиқарилиши нуқтан назаридан — оммавий ва маҳаллий ўқув қуроллари мавжуд.

Илмий манбаларда номлари келтириладиган *асосий* ўқув қуролларига дастур, дарслик (ўқувчи китоби ва муаллим китоби, ўқиш китоби) киритилади. Ўқув-методик комплектнинг таркибидаги бошқа воситалар *ёрдамчи* ҳисобланади. Ўқитиш воситаларининг бундай шартли бўлиниши мактаб ҳаётида ўзини унчалик оқламайди. Айрим маорифчилар қўшимча воситаларни қўллаш мажбурий эмас, деган фикрга борадилар. Ундан ташқари ўзбек мактаблари учун қўшимча воситалар мажмуаси ҳозирча ишлаб чиқилмаганлигига ҳам шу баҳона бўлса керак. Бинобарин, барча зарурий ўқув қўлланмаларини асосий ва ёрдамчи номлари билан юритилиши маъқулроқ кўринади.

Муаллим ва ўқувчиларга мўлжалланган воситалар юзасидан ҳам методик мунозарага чек қўйилмаган. Чунки бевосита муаллимда бўладиган ўқув дастури ва муаллим китоби билвосита ўқувчиларни назарда тутаяди. Ёки тил ўрганувчиларга бевосита бериладиган ўқувчи китоби, ўқиш китоби, мактаб лугати ўқитувчи томонидан ҳар доим ҳисобга олинади. Муаллим ихтиёрида турадиган, ўқувчи дарсда ва синфдан ташқари машғулотларда қўллайдиган воситалар — товуш ёзуви, расмлар, диафильм, диапозитив, кинолавҳа кабилар муаллим ёки ўқувчи номи билан бир томонлама боғланмайди, чунки улар ўқувчи учун мўлжалланиб, ўқитувчи ихтиёри билан ишлатилади.

Анализаторлар иштирокидан келиб чиққан номлардаги эшитиш, кўриш ва эшитиб-кўриш воситалари анъанавий ўқув қуроллари ичига киради. Демак, булар асосий қуроллар доирасидан ташқаридадир, техникавий ва нотехникавийларнинг тобе тушунчаларидир.

Техникавий ва нотехникавий турлар ичида ҳамма ўқув воситалари санаб ўтилади. Буларда анализаторлар ишини назарда тутувчилари ҳам, асосий ва ёрдамчи восита ҳисобланмишлари ҳам учрайди. Муаллимга мўлжалланган воситалар бундан мустасно.

Оммавий ўқув қуроллари деганда, босмаҳона ёки завод (фабрика)да тайёрланадиган, жумҳурият миқёсида тақсимланадиган (асосий ва ёрдамчи) воситалар тушунилади. «Маҳаллий» атамаси эса, мактабда ёки туман/шаҳар ҳудудида ишлаб чиқилган, жумладан ўқувчи/муаллим кучи билан ясалган қуролларга тегишлидир, мас. ясама (қўлбола) тайёрланган жадвал, расм, ўйинчоқ кабилар.

Хулоса шуки, чет тил ўқитиш воситалари қуйидаги тартибда таснифланади: асосий ва ёрдамчи ўқув қуроллари, улар таркибига техникавий (замонавий) ва нотехникавий (тарихий ёки

анъанавий) ва буларнинг иккаласида ҳам эшитиш, кўриш ва эшитиб-кўриш — ўқитишнинг аудиовизуал воситалари (УАВВ) мавжуд. Эшитиш, кўриш ва эшитиб-кўриш воситалари ўз навбатида янада кичик тоифаларга бўлинади. Чет тил ўқитиш методикаси масалаларига бағишланган дарслик ва қўлланмадан тортиб, то илмий мақолалар, методик хат, ишланма ва тавсия кабиларгача. Чоп этиладиган материаллар методик адабиёт дейилади. Муаллимга мўлжалланадиган бундай методик манбалар ўқув воситаларини ҳисобга олган ҳолда тайёрланади.

Ўқитиш воситалари таркибига киритиладиган ҳар бир турини қуйидаги «Асосий ва ёрдамчи воситалар» мавзуларида мухтасар таъриф-тавсифи билан ёритилади.

Айтилган мулоҳазаларга қўшимча қилиб, шуларни таъкидлаш керакки, ўқитиш воситалари биринчи ўқув йилидан охиригиги йилгача бир меъёрга қўлланмайди. Уларнинг айримлари кўпроқ, қолганлари сийракроқ ишлатилади.

Дастур муаллим учун тўлиқ курс давомида, ўқувчи китоби ҳар бир синф учун, муаллим китоби ҳам синфлар бўйича қўлланади. Асосий ўқиш китоби, лугат биринчи ва иккинчи йилда зарур эмас. Расмлар альбоми, осма расмлар ва дидактик тарқатма материал кабилар бошланғич босқич учун айниқса қўл келади. Чет тилда газеталар, маълумотнома, қўшимча ўқиш китоблари юқори синфларда қўлланади.

Дарс босқичига қараб, ўқитиш воситалари фарқланади. Тарқатма материал ўқув бирликларини такрорлаш ва мустаҳкамлашга, фланелеграф эса янги сўзларнинг маъносини очишга, маълумотномалар грамматик ҳодисаларни такрорлашга мўлжалланади.

Ўқитиш воситалари таснифи жадвалда келтирилади.

	Ўқитиш воситалари	Ўқувчи учун	Муаллим учун
О М	Асосий воситалар	1. Ўқувчи китоби 2. Ўқиш китоби	1. Дастур 2. Муаллим китоби
М А В	Ёрдамчи воситалар	3. Фонограммалар 4. Фотограммалар (Видеogramмалар)	
И		5. Дидактик қирқма материал 6. Расмлар альбоми	5. Видеофонограммалар 6. Дидактик тарқатма материал
И		7. Босиб чиқарилган машқлар 8. Ўқиш китоби (қўшимча) 9. Лугатлар 10. Маълумотномалар 11. Чет тилда газеталар	7. Фланелеграф учун материал 8. Осма расмлар 9. Осма жадваллар 10. Программалли машқлар 11. Лаборатория ишлари

			12. Синфдан ташқари ишлар учун қўлланма
Маҳаллий		Ўйинчоқлар, расмлар, жадваллар ..., магнит ёзувлари, радиоёшиттириш, телекўрсатув, видеокассеталар...	
Методик адабиёт			Китоблар, журналлар, тўпламлар...

Ўқув-методик топшириқлар

1. «Ўқитиш воситалари» деганда нимани тушунасиз.
2. Оммавий ва маҳаллий ўқув воситаларини фарқланг.
3. Ўқув қуроллари таснифи ҳақида фикр юритинг.
4. «Тарихий» ва «замонавий» атамаларини тушуниб олинг.

2-§. Ўқитишнинг асосий воситалари

Ўқув программаси ва дарслик чет тил ўргатишнинг асосий воситаларини ташкил этади. Программа жумҳурият Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланадиган методистлар тузган давлат ҳужжатиدير. Дарслик ҳам вазирлик тасдиқлайдиган, бироқ муаллифлар номидан нашр этиладиган ўқув воситасидир. Сўнгги йилларда «дарслик» атамаси ифодаладиган маъно доираси бирмунча кенгайди. Дарсликнинг таркибида уч китоб берилади: 1. Ўқувчи китоби. 2. Муаллим китоби. 3. Ўқиш китоби. Улар дарслик иловалари эмас, балки бевосита таркибий қисмлари саналади. Шундай қилиб, ушбу параграфда тўртта номдаги (программа (дастур), ўқувчи китоби, муаллим китоби, ўқиш китоби) ўқув воситаларининг атрофлича таҳлили келтирилади.

Дастур. Ҳужжатнинг тўлиқ номи «Ўрта мактаблар учун чет тиллар (инглиз, испан, немис, француз тиллари) бўйича дастур» тарзида қабул қилинган. Шарқ тилларидан ҳам дастурлар тайёрланган. Ушбу ўқув воситасида чет тил ўқитишнинг мақсадлари ва вазифалари, ўқув жараёнини ташкил қилиш шакллари (дарс, синфдан ташқари ишлар, мустақил ишлар) ҳақида умумий кўрсатмалар берилади.

Дастур саҳифалари «Ўқитиш хати» билан очилади. Унда чет тил ўқитиш амалий, таълимий, тарбиявий ва ривожланти-

рувчи мақсадларининг ўқув жараёнида рўёбга чиқишига доир методик йўлланма берилади. Ҳар бир синф ва таълим босқичларида қўйиладиган ўқув вазифалари (оралиқ мақсадлар) изоҳланади. Огзаки нутқнинг илгарилаши принципига кўра чет тил ўқитилиши тушунтирилади. Дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда таълимнинг техникавий воситаларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Предметлараро алоқалар аҳамияти таъкидланади. Она тили, иккинчи тил ва чет тил алоқаси, бир томондан, чет тил ва тарих, география, адабиёт ва ҳатто табиий фанлар орасида алоқа, иккинчи тарафдан, зарурлиги уқтирилади.

Ўқув режасига асосланиб, чет тил ўқитиш курсига ажратиладиган дарс соатлари кўрсатилади. Улар синфлар бўйича тақсим қилиб берилади. Ҳафталик, шунингдек, йиллик соатлар миқдори турли ташкилий сабабларга кўра ўзгарувчан бўлади.

Ўқтириш хатида чет тил таълими мазмуни ҳам ўрин эгаллайди. Урта мактаб курси якунида ўзлаштириш талаб қилинадиган ўқитиш мазмуни умумлаштирилган ҳолда санаб ўтилади: нутқ фаолияти турларини эгаллаш кўрсаткичлари (кўникма ва малака), нутқ мавзулари, тил материали. Буларнинг қисқача таҳлили дастурнинг асосий қисмида синфлар бўйича кенгайтирилиб, аниқ-равшан баён этилади.

Нутқ фаолияти турлари кўрсаткичлари, нутқ мавзулари ва тил материали синфма-синф санаб ўтилади. Тил материалида лексик, грамматик ва талаффуз ҳодисалари (лексик фақат миқдоран), тил техникаси — ўқиш ва ёзиш ҳамда типовой ва тайёр жумлалар рўйхати келтирилади.

Дастур иловасида аудиовизуал воситалар, кўникма ва малакаларни назорат қилишга оид тавсиялар, айрим адабиётлар рўйхати келтирилиши мумкин.

Хуллас, дастур уч қисм (ўқтириш хати, асосий қисм — соф дастур ва илова)дан тузилган бўлиб, унда таълим мақсадлари ва мазмуни баён этилади. Ўқитиш методлари унда ёритилмайди (методик тавсиялар «Ўқитувчи китоби»дан жой олади). Программа дарслик тузиш ва ўқув-тарбия ишларини ташкил қилишда дастуриламал ҳисобланади.

Дастурни муаллим бажаради, ўқувчилар эса уни ўзлаштиридилар.

Ўзбек мактаблари учун дастур тайёрлашнинг ўз тарихи бор. 1968 йилда илк бор дастур лойиҳаси (рус тилида) эълон қилинган. Лойиҳа муҳокама ва мунозаралардан ўтказилиб, 1970/71 ўқув йилидан мактабларда жорий қилинди. Ҳозиргача шу дастур заминида тузилган дарсликлар қўлланилмоқда, дастур мазмунига замонавий ўзгартишлар киритиб келинмоқда. (1968 йилга қадар ўзбек мактабларида РСФСР учун мўлжалланган дастурларнинг маҳаллийлаштирилган нусхаларидан фойдаланиб келинган.)

Дарслик. Дарслик умумий атама бўлиб ўқувчи, муаллим ва ўқиш китоблари йиғиндисиدير.

Ўқувчи китоби (дарсликнинг муҳим таркибий қисми) ҳақида гап борганда, унинг мазмуни, тузилиши ва безатилиши таҳлил қилинади.

Ўқувчи китобининг асосини машқлар ташкил қилади. Китобда турли иловалар берилиши мумкин. (Машқлар ҳақида ушбу китоб бошланишида материал берилган.) Машқ таркибига тил материали, мавзу, матн, тил техникаси, тил мавҳумоти ва тасвирий безаклар киради. Машқ кўникма ва малака ҳосил қилишда барча таркибий қисмларни ўз ичига олади. Тасвирий безак материали машқдан ажралган ҳолда бўлиши мумкин эмас. Қоида (мавҳумот) ушбу машқдаги тил ҳодисаси билан узвий боғлаб ўрганилади.

Машқнинг талаби ва материали бор. Талаб юз фоиз машқда берилади, материал эса очиқ ёки хуфия тарзда бўлиши мумкин. Машқнинг хуфия тарздаги материалга мисоллар: «Расмга қараб, чет тилда гапириб беринг», бу ерда нутқ назарда тутилади. Ёки «Сифатнинг қиёсий ва орттирма даражаларини қўллаб, гаплар тузинг», бунда тил бирлиги олдин ўрганилганлиги ҳисобга олиниб, тил тажрибасидаги лексик-грамматик birlikларни қўллаш тавсия этилади ва ҳ.к.з.

Ўқувчи китобини ҳозиргача дарслик деб келинади. Методик атама («дарслик») ўзаги арабча «дарс» ва туркий қўшимча «-лик» қисмларидан тузилган. Ўқувчи китобида дарсларнинг биринчи соатидан охиригача мажмуаси берилади. Дарслар чоракларга ажратилган бўлади.

Дарс атамаси икки маънони ифодалайди: 1) ўқувчи китобидаги академик соат (=45 минут)га мўлжалланган ўқув материали машқлар воситасида тақдим этилади; 2) синфда 45 минут давом этадиган ўқув жараёни тушунилади. Биринчи маънода чет тил дарслиги (ўқувчи ва муаллим китоблари) ўз навбатида икки тушунчага ажралади: 1) бир соатлик ўқув материали ва 2) икки ва ундан ортиқ миқдордаги қўшилган дарслар гуруҳи (параграф). «Дарс» атамаси чет тилларда *lección* (исп.), *leçon* (фр.), *Lektion* (нем.), *lesson* (ингл.), *урок* (рус.). сўзлари орқали ифодаланади. Бироқ немис тилида ушбу сўз дарслар гуруҳи маъносига келади, бир соатлик дарс материали эса *Stunde* дейилади.

Ҳар бир дарс икки тоифа — синф ва уй машқларини ўз ичига олади. Синф машқлари имкон борича тўрттала нутқ фаолияти турида, уй машқларининг деярли ҳаммаси ёзма бажаришга мўлжалланади.

Ўқув йилининг бошида (сентябрь ойининг биринчи ҳафта-сида) муаллим ўқувчиларга ўқувчи китоби юзасидан «саёҳат уюштириши» тавсия этилади. Таништириш даврида асосий қисм ва иловаларнинг тафсилоти баён этилади. Китобдан фойдаланиш йўллари тушунтирилади. Рақамлар, ҳарфий белгилар, босма ҳарфлар турлари ифодалайдиган тушунчаларни ўқувчилар ўрганиб олишлари керак.

Дарс ўтиш йўл-йўриқлари ҳақида муаллим китобидан ба-тафсил маълумот олинади.

Муаллим китоби. Кўриб чиқилган ўқувчи китоби асо-сида тил ўрганувчи фаолият кўрсатади, муаллим китоби эса ўргатувчи томонидан ўқувчи фаолиятини бошқаришни ташкил этишга мўлжалланади. Ўзбек мактаблари учун 5—7-синфлар дарслиги таркибида муаллим китоблари ҳам (рус тилида) чоп этилган. Муаллим китоби кўпинча икки-уч бўлимдан ташкил топади. Авваламбор, ўқувчи китоби илмий асосланади, сониян, дарсларнинг методик ишланмалари жой олади ва, ниҳоят, чо-рак ва йиллик режалар, тил материали рўйхатлари илова қи-линиши мумкин.

Дарс ўтиш методик тавсиялари маслаҳат тариқасида бери-лади. Амалда ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражалари фарқ-ланиши муносабати билан дарсдаги машқлар миқдори ва си-фати қисман қайта кўриб чиқилиши муаллимга ҳавола. Муал-лим киритадиган ўзгартириш тил материалининг янги бирлик-ларини қўшиш эмас, балки тақдим этилган тил ҳодисаларини ўргатиш усулларини алмаштириш билан боғлиқ.

Ўқиш китоби. Методикада ушбу атама икки маънода ишлатилади: 1) ўқувчилар дарсдан ташқари ўқийдиган китоб, 2) ўқувчи китобининг давоми сифатида тузилган ўқиш китоби. Ҳар иккаласи ҳам ахборот олиш мақсадида ўқилади. Бироқ иккинчиси дарсда ўрганиладиган тил материалини ҳисобга ола-ди. (Биринчиси ўқувчи китобига боғлиқ эмас, дарслик комп-лектига кирмайди, уни «қўшимча ўқиш китоби» деса бўлади.) Демак, муҳокамадаги ўқув воситасини дарсликка «асосий ўқиш китоби» дейиш ўринлидир.

Асосий ўқиш китоби уйда мутолаа қилинади. Мутолаа нати-жаси дарсда текширилади. Ўқилган материални гапириб бериш, у ҳақда савол-жавоб қилиш, мазмунини ёзма ифода этиш каби назорат усулларида фойдаланилади.

Муаллим кўмагида ўқувчилар мутолаа китобидан фойдала-ниш малакасини эгаллайдилар. Матндан янги ва фойдали ах-борот йиғиш, мутолаа даврида луғатдан фойдалана олиш каби йўл-йўриқлар ўқувчига олдиндан ўргатилади.

Амалий мақсад сари интилишда ўқиш китобининг аҳамияти беқиёсдир, чунки дарсликдаги матнлар кифоя қилмайди.

Ўқув-методик топшириқлар

1. «Дарслик» тушунчасини методик таҳлил этинг.
2. Дастур ва дарслик орасидаги муносабатни аниқланг.
3. «Ўқувчи китоби» ва «машқ» атамаларини изоҳланг.

3-§. Ўқитишнинг ёрдамчи воситалари

Ёрдамчи воситалар, юқорида таъкидланганидек, техникавий ва нотехникавий тоифаларга бўлинади. Техникавий воситаларни ўз навбатида учга бўлиш мумкин: фонограммалар, фотограм-

малар ва видеофонограммалар. Фонограммаларга грампластинка ва магнит тасмасига ёзилган жонли нутқ киради. Видеограмма (фотограмма)да слайдлар, диафильмлар, овозсиз кинофильмлар ва кодопозитивлар бўлади. Видеофонограмма эса овозли кинофильмлар, видеоёзув ёки фонограммалар билан видеограммалар бириктирилган ёзувларни назарда тутди.

Таълимда техника воситаларидан оммавий тус олгани фонограммадир.

Фонограмма ёрдамида дарсда чет тил муҳити яратилади. Уқув жараёни кўрғазмали кечади. Ҳар бир ўқувчи ўз қобилиятига яраша машқлар бажаради.

Товуш ёзиш аппаратлари ёрдамида эшитиш сезгиси/анализатори орқали ўқув ахбороти етказилади. Урганилаётган ўқув материални проекцион аппарат ёрдамида кўрув сезгиси/анализатори орқали кўрсатилиши фотограмма ёрдамида амалга оширилади.

Кўрув ва эшитиш сезгиси/анализатори орқали товуш-ёруғлик техникаси ёрдамида ахборот бир пайтнинг ўзида видеофонограммадан фойдаланиб кўрсатилади ва тинглашга қўйилади.

Киевлик марҳум методист проф. М. В. Ляховицкий фономатериалдан фойдаланишнинг олти та махсус принципларини пухта тадқиқ этган:¹ 1) овозли нутқни олдин тинглаш принципи (чет тил ўргатиш тинглаб тушунишдан бошланади); 2) кўп марта такрорлаш принципи (товуш ёзуви такроран тингланиши мумкин); 3) нутқ оқими бўлиниши ва тўхтаб олиш принципи (нутқ парчаларга ажратилиши ва паузада ўқувчи машқ бажариши мумкин); 4) нутқ намунасига тақлид қилиш принципи; 5) қиёслаш, ўзини назорат этиш ва тўғрилаш принципи; 6) нутқ фаолиятини бошқариш принципи.

Фонограмма турлари якканутқ ва жуфтнутқни ривожлантиришда қўлланади. М. В. Ляховицкий фонограмманинг саккиз турини санаб ўтади. (Улар ҳақида таълимнинг техника воситалари бўйича назарий ва амалий машғулотларда маълумот берилган).

Фономашқлар жадвали М. В. Ляховицкий томонидан тавсия этилган:

Нутқ шакллари	Машқлар турлари	Қўллаш мақсади
1. Якканутқ	Тайёрлов	Тинглаб тушунишни ўргатиш
2. Якканутқ	Нутқий	Тинглаб тушунишни ўргатиш
3. Жуфтнутқ	Тайёрлов	Тинглаб тушунишни ўргатиш
4. Жуфтнутқ	Нутқий	Тинглаб тушунишни ўргатиш
5. Якканутқ	Тайёрлов	Гапиришни ўргатиш
6. Якканутқ	Нутқий	Гапиришни ўргатиш
7. Жуфтнутқ	Тайёрлов	Гапиришни ўргатиш
8. Жуфтнутқ	Нутқий	Гапиришни ўргатиш

¹ Қаранг: М. В. Ляховицкий. Методика обучения иностранным языкам в средней школе. — М.: Высшая школа, 1981, 76—77-бетлар.

Фонограмминг биринчи тури, айниқса, бошланғич босқичда зарурдир. Тинглаб тушунишни ўргатишда аввал сўзлар, сўз бирикмалари, кейин жумлалар эшитишга қўйилади. Иккинчи турида боғланма нутқ эшитилади. Учинчи турида чет тилдаги жуфтнутқ тингланади. Соддароқ диалоглар бажарилади. Тўртинчи турида «табiiй» диалог тингланади. Нутқ тезлиги оширилади. Иккинчи/учинчи ўқув йилларида бу иш жадал бошланади. Бешинчи тури грамматик материални ўрганишда кўпроқ қўл келиб, товуш ёзувига тақлид қилиш воситасида ўзлаштирилади. Олтинчи турида гапириш машқ қилинади. Ҳикоя қилиш ёки матн мазмунини сўзлаб бериш чоғида ўзлаштириш даражаси назорат қилиб борилади. Еттинчи турида жуфтнутқ кўникма ва малакаларини шакллантиришга эътибор берилади. Дикторлар суҳбатига (жуфтнутққа) тақлидан машқ ўтказилади. Саккизинчи тури соф нутқ малакаларини эгаллаш мақсадида бажарилади. «Табиий» нутқ одатдаги тезликда эгалланади. Ушбу жуфтнутқ ўзгача нутқий вазиятларда ҳам машқ қилинади.

Қайд этилган саккизта фонограмма муайян шароитни ҳисобга олиб, ҳамма синфларда ҳам қўлланиши мумкин.

Фонограммалар талаффуз фономашқи, грамматик фономашқ ва лексик фономашқ тарзида ўқувчилар гуруҳи билан ёки алоҳида-алоҳида бажарилиши мумкин.

Ёрдамчи ўқув воситалари орасида нотехникавий турлари ҳам мавжуд. Улар аудиовизуал аъъанавий воситалар дейилади.

Кўргазмали қуроллар тўплами. Расмни қўлланма (альбом)да нарса, мавзуга оид ва сюжетли тасвирлар тўпланadi. Улардан тил материалининг тақдимиоти босқичидан то нутқ малакаларини назорат қилишгача фойдаланиш мумкин. Улар нутқ вазиятини яратишга ёрдам беради. Чоп этилган ҳамда ўқувчилар ўзлари чизган расмлар ҳам тавсия этилади.

Фланелеграф (магнит тахтаси) учун аппликацион (ёпиштириладиган) материалдан муаллимлар ёппасига фойдаланишади. Унинг аҳамияти айниқса дастлабки босқичда беқиёсдир.

Тарқатма материал. Расмлар ва карточкаларни ўқувчилар орасида тарқатиб, муаллим турли ўқув-методик вазифаларни бажаради. Тил материални мустаҳкамлаш, нутқ кўникма ва малакаларини ўстириш, уларни назорат қилишда тарқатма материал муҳим ўрин эгаллайди.

Чет тил ўқитишда самарадор воситалардан диафильмлар ва кинолавҳалар мактабда оммалашган. Улар билан марказлаштирилган ҳолда таъминланади ёки жойларда ясама (маҳаллий) ўқув қуролларидан ҳам фойдаланишади.

Жумҳурият мактабларида техника воситаларидан фойдаланиш соҳасида муаллимлар талай тажрибалар тўплашган. Шулардан бири Қўқон шаҳридан немис ва инглиз тили муаллими педагогика фанлари номзоди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Эркин Эргашевдир. 23- ва 29- мактабларда узоқ йил-

лар давомида қилган ишлари якунини тажрибали педагог махсус китоб ҳолида нашр этган.¹

Ўқитиш воситалари сақланадиган ва қўлланадиган жой — чет тил хонасидир. Чет тил хонасида дарс ўтилади ва мустақил ишлар бажарилади.

Аудиовизуал воситалардан унумли фойдаланиш бир қатор афзалликларга эга, чунончи, биринчидан, таълим жараёнини жадаллаштиради, иккинчидан, ўқув материални ўзлаштириш самарасини оширади, учинчидан, муаллимнинг таълим жараёнини бошқаришини осонлаштиради.

Ўқув-методик топшириқлар

1. Ўқитишнинг ёрдамчи воситалари нималарни ўз ичига олишини муҳокама қилинг.

2. Фонограммалардан фойдаланиш принципларини айтинг.

3. Муаллим ва ўқувчи учун алоҳида мўлжалланган ўқитиш воситаларини санаб беринг.

VII б о б. ЧЕТ ТИЛ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ ТАРИХИ

Чет тилларни ўргатиш тарихига оид маълумотлар кўҳна замонларга бориб тақалади. Турли тилларда сўзлашувчи халқлар ўзаро қўшничилик муносабатлари ўрнатилиши билан бир пайтда бир-бирининг тилини, у орқали урф-одатини, ҳаёт тарзини ўргана бошлашган. Савдо ва маданий алоқалар жонланиши туфайли чет тилларни амалий ва таълимий мақсадларда ўрганиш йўлга қўйила борган. Қадимий Сурия ва Миср, Юнонистон ва Румода маданият тараққиёти даврларида ўзга халқлар тилларини ўрганиш одатга айланган.

Ўрта асрлар адабий ёдгорликлари ва Оврупо тилларига кириб келган хорижий сўзлар шундан далолат берадики, халқлар ўзгалар тилини ўрганиш борасида ажойиб тажрибалар ортирган.

Маълумки, шарқ мусулмон мамлакатларида араб, форс, туркий тилларда сўзлашувчи халқлар ушбу тилларнинг иккитаси ёки учаласидан ҳам хабардор бўлишга интилишган. Тўғри, бирдан ортиқ тил билиш ёппасига анъана тусини олган эмас. Кўп тиллилик (полиглоссия) ҳодисаси зиёлилар орасида тарқалган. Жаҳон тарихида барчага аёнки, бобокалонларимиз Абу Наср Форобий (бир неча ўнлаб тилларни билган), Муҳаммад ибн Мусо Ал-Хоразмий («алгоритм» илмий атамаси унинг номидан олинган), Абу Райҳон Беруний (қадимий ҳинд тили — санскритдан арабчага илмий китобларни эркин таржима қилган), ҳазрат Алишер Навоий (зуллисонайн шоир), улардан кейин яшаб, ижод қилган кўплаб буюк юртдошларимиз чет тил-

¹ Э. Эргашев. Чет тил ўқитиш жараёнида техника воситаларидан фойдаланиш. — Тошкент: Ўқитувчи, 1984.

ларни билиш хосиятини тарғиб ва ташвиқ қилишган. Осие ва Оврупо қитъаларида хорижий тилларни ўрганиш масалалари методика тарихида кўриб чиқилган.

Кейинги икки аср давомида Ғарбий Оврупо тилларини ўрганиш методикаси илмий манбаларда атрофлича тадқиқ қилинган. Афсуски, шарқ тилларини ўрганиш тарихига оид нуфузли илмий-методик тадқиқот яратилган эмас.

Машриқдан мағрибгача, Овруподан Америкагача бўлган ҳудудларда яшовчи халқларнинг чет тил ўрганиш тарихи бир неча жилдлик методик асарлар учун етгулик ва арзигулик илмий уммондир. Тадқиқотчилар қаламига мансуб турли тилларда мавжуд рисола ва мақолалардан фойдаланиб, ушбу бобда чет тил ўқитишнинг мухтасар тарихи ёритилади.

Юқорида (V бобда) таъкидланганидек, чет тил ўқитиш методикасида талқини берилган «метод» атамасининг иккинчи маъноси «ўқитиш системаси» ушбу бобнинг мазмунини ташкил этади. (Биринчи маъноси «йўналиш» — таржима, тўғри, қиёсий ва аралаш методлар ва учинчи маъноси — «ўқувчи/муаллим фаолияти усули» V бобда кўриб чиқилди). Методика тарихида, шунингдек, собиқ иттифоқ ва жумҳуриятда чет тил ўқитиш методикаси таҳлил қилинади.

1-§. Чет тил ўқитиш методлари тарихи

Чет тил ўқитиш тарихида методлар (V боб 1- § га қаралсин) тўрт ном билан маълум ва машҳур: таржима, тўғри, аралаш ва қиёсий. Ушбу методлар муайян методистлар илмий асарлари ва ўқув қўлланмаларида ўз таъриф-тавсифини топган, яъни ўша давр чет тил ўқитиш тажрибаси маълум дарслик асосида рўёбга чиқарилган ва етук методист-олим ёки муаллим илмий қарашларида назарий асосланган.

Ушбу параграфда тўрттала метод билан тил ўргатилганда кўзланган ўқитиш мақсадлари, мазмуни ва принциплари санаб ўтилади ва ҳар бир методнинг улкан намояндалари ижодига қисқача таъриф берилади.

Таржима методи. Асосан улар икки кўринишда бўлиб, грамматика-таржима ва матн-таржима методлари номи билан юритилади.

Грамматика-таржима методи нуқтаи назаридан чет тил умумтаълимий мақсадда ўрганилган. Грамматик машқлар тил ўрганувчининг мантиқий тафаккурини ўстириш мақсадида бажарилган. Грамматик билимларни баён этиш авжига чиққан.

Ушбу метод бўйича чет тил ўқитиш мазмунида системали грамматик назария асосий ўринни эгаллаган. Ўқиладиган матнлар грамматикани ўрганишга мўлжалланган.

Методнинг асосий принциплари қуйидагилар:

1. Тил ўргатиш ёзма нутққа асосланган.
2. Ўрганиш предмети қилиб грамматика олинган, лексика

ҳам унга тобе равишда танланган. Грамматик машқлар бажариш асосий иш усули бўлган.

3. Аввалан, грамматик қоида ёд олинган, сониян, қоидалар асосида гаплар тузиш тавсия қилинган.

4. Грамматик шакл ва сўзларнинг маъноси сўзма-сўз таржима воситасида очиб берилган.

5. Сўзма-сўз таржима ва қуруқ ёдлаш йўли билан тил материали ўзлаштирилган.

6. Сўзларни контекстан ташқарида, якка-якка ёдлаш билан чегараланган.

Кўрииб турибдики, мазмун эътибордан четда қолган, тил формал жиҳатдангина ўрганилган. Шунинг учун бу метод синтетик метод деб ҳам юритилган. Грамматика-таржима методи тарафдорлари (мас. англиялик Г. Оллендорф) яратган ўқув қўлланмаларида тузилиши тилга мос, мазмунан эса бир-бирига қовушмайдиган гапларга, яъни «сунъий» тилга дуч келинади.

Матн-таржима методининг мақсади ҳам умумий таълим беришга қаратилган, лекин эътибор грамматика-таржима методигадек мантиқий тафаккурни ўстириш эмас, балки тил ўрганувчининг умуман ақлий ривожига қаратилган.

Ўқитиш мазмунида ҳам тафовут мавжуд, чунончи боғланма матнларни ўқиш тавсия этилган.

Матн-таржима методининг принциплари қуйидагилар:

1. Ёзма нутқ асосида чет тил ўқитилган.

2. Боғланма ва кўпинча асл нусхадаги матн олинган.

3. Матнини ўрганишда анализ қилишга кўп куч ва вақт сарфланган.

4. Сўз ва грамматик шакл маъносини очиш усули — таржима.

5. Тил материали таржима ва ёд олиш орқали ўрганилган.

Бу методни айрим адабиётларда лексика-таржима методи атамаси билан ҳам юритилган.

Ушбу таржима методининг тарафдорлари (мас. франциялик **Жан Жозеф Жакото** (Jacotot, 1770—1840) матни таржимаси билан ёдлашни тавсия қилишган.

Грамматика-таржима методигади схоластик (қуруқ сафсата) томонларга нисбатан матн (лексика)-таржима методи бирмунча илғор методик система ҳисобланади. Чунки грамматикани қуруқ ёдлашдан тилни акс этирадиган матнларни ўрганишдек ҳаётий заруриятга кескин бурилиш ясалди.

Таржима методларининг баъзи усулларида ҳозирги чет тил ўқитиш амалиётида ҳам фойдаланилади, мас. тил ҳодисаларининг маъносини очишда таржимадан ва контекстан фойдаланишга алоҳида эътибор бериш лозим.

Таржимасиз метод. Мазкур методнинг турли кўринишлари тарихдан маълум. Уларни икки йирик гуруҳга ажратиш мумкин: табиий ва тўғри методлар.

Табиий методнинг собитқадам мухлислари фикрича, чет тилни ўрганиш она тилини эгаллаш шароитига монанд бў-

лиши керак. Методнинг бош мақсади чет тилда гапиришни ўргатиш. Кундалик ҳаётий мавзуларда гапиришни ўрганиш орқали ўқиш ва ёзишни ўрганиб олишга имконият яратилади, деган гоյ амалий мақсад тарзида шаклланган.

Табиий метод таркибига киритилган принциплардан энг муҳими — тил муҳитини яратишдир. Олға сурилган методик принципларни амалда қўллаш бобида турли ёндашувлар пайдо бўлган. Метод намоёндаларининг ижодий фаолиятида буни яққол сезиш мумкин.

М. Берлиц методи (M. Delphinus Berlitz). М. Берлиц — Америка Қўшма Штатларида 1878 йилда чет тил ўқитиш курслари ташкил этган ва дарсликлар тузган чет тил ўқитиш методикаси тарихида атоқли методист олим.

М. Берлиц Оврупо тиллари ва айрив шарқ тиллари дарсликлари яратган, аммо ватани Германияда унинг иши юришмагач, АҚШга кўчиб боради ва ўзининг биринчи мактабларини очади. Тилни амалий мақсадда ўргатишни вазифа қилиб қўяди. М. Берлиц системасининг асосий методик мулоҳазаларини унинг дарсликлари муқаддимасидан ўқиб олиш мумкин:

1. Тил материалини идрок этиш имманент тарзда, таржима-сиз бўлиши керак. Сўз билан нарса (ҳодиса, ҳаракат) фикран бевосита боғланиши, она тили сўзлари билан алоқа ўрнатилмаслиги ҳамда грамматик тушунчаларни контекстда, онг иштирокисиз (индуктив ҳолда) она тили билан қиёсламасдан идрок этиш.

2. Муаллимга тақлид қилиш орқали тил материалини мустаҳкамлаш.

3. Чет тил ўрганишда она тили иштирок этмаслиги.

4. Тил ҳодисалари (лексик ва грамматик бирликлар)нинг кўргазмалилик (нарса, таевир, хатги-ҳаракат, шарҳлаш) ёрдамида маъносини очиш.

5. Янги материални аввало оғзаки тақдим этиш.

6. Ўқувчиларни нутқ фаолиятига ундовчи муаллим ва ўқувчи жуфтнутқи (суҳбати) бошқаларидан мақбул иш услуби эканлиги.

Қайд этилган илмий-методик кўрсатмаларни М. Берлиц ўқув воситаларида назарий асослашга уринган. М. Берлицнинг қуйидаги ўқув қўллашмалари машҳур бўлган.

Erstes Buch für den Unterricht. Riga, 1926; Deutsches Buch für den Erwachsene. Zweiter Teil, 13. Aufl., Berlin, 1929; Illustrated Book for Children. English. Riga, 1924.

Ф. Гуэн методи (Francois Guin, 1831—1898). Табиий метод вакилларида француз методисти Ф. Гуэн чет тилни она тили ўрганишга ўхшаб, амалиётда эгаллаш тарафдори бўлган. Методикада биринчи бўлиб, у лексиканинг мавзулар (уйдаги ҳаёт, мактаб, жамият, табиат) бўйича таснифини кашф этган.

Чет тил ўргатишда қуйидаги методик қонун-қоидаларни тақлиф қилган:

1. Одам ўз эҳтиёжидан келиб чиқиб тил ўрганади.

2. Ўргатиш бирлиги қилиб сўз эмас, гап танланади.

3. Тил ўрганишда оғзаки нутқ бирламчи ҳисобланади.

Ф. Гуэн, худди М. Берлицга ўхшаб, кўргазмалилик, она тилига таянмаслик, грамматиканинг лексикага тобелиги каби шартларни қувватлайди.

Ф. Гуэн ўз системасида чет тил луғат бойлигини учта катта тоифага ажратади: объектив, субъектив ва ифодали тушунчаларни билдирувчи сўзлар. Биринчи гуруҳга объектив дунёга оид тушунчалар, мас. ҳаёт, жамият, табиатга тегишли; иккинчисида инсон руҳига тааллуқли тушунчаларни ифодаловчи сўзлар: *тушунмоқ, хоҳламоқ*; учинчи тоифада биринчи ва иккинчиларни бирлаштирувчи тушунчалар: *чирой, дўстлик* ва ҳ.к. Уччасига қўшимча кундалик турмушга оид материал — саломлашиш, обҳаво ҳақида суҳбат сингари тушунчаларни ифодаловчи сўзлар. Ушбу сўзлар серияларда (ҳозирги методик тушунча «нутқ вазияти»га тахминан тўғри келади) ўргатилади. Лексикани серияларда ўргатиш Ф. Гуэннинг яна бир методик кашфиётидир.

Ф. Гуэннинг илмий асари (*L'art d'enseigner et d'étudier les langues* Paris, 1880) ва ўқув қўлланмаси (*Erstes Übungsbuch für das Deutsche*) методика тарихида ўрганилган.

М. Вальтер методи (Maks Walter). Табiiй методлар доирасида чет тил ўргатиш билан шуғулланган немис методисти М. Вальтер методик системаси юқорида баён этилганларни ўз ичига олади ва лексик материални ўргатиш усуллари билан улардан ажралиб туради.

Дарсларни М. Вальтер шу даражада томошага, ўйинга айлантириб ўтадики, кейинчалик немис методистларидан Ф. Аронштейн аскиянома қилиб, у ҳақда «М. Вальтер ўқувчиларига Мюнхен пивосидан ичкизмайдимикан», деган экан.

Ўзининг методик тадқиқотида лексиканинг маъносини очишга қаратилган қуйидаги усуллари санаб ўтади: 1) нарса ёки унинг тасвири (расм)ни намойиш этиш, хатти-ҳаракатни кўрсатиш; 2) синоним, антоним ва чет тилда таърифлаш; 3) нотаниш сўзни сўзлар ёки жумла (контекст)да тақдим этиш (бу Ф. Гуэн серияларига яқин).

М. Вальтер сўз бойлигини мустаҳкамлашга оид кўпдан-кўп машқлар тавсия этиб, эътиборни машқлардаги сўзларни гуруҳлаштиришга тартади: мас. антоним ва синоним сўзларни топиш, бир ўзакли сўзларни танлаш ва мавзуга доир сўзлар тўплаш кабилар.

Чет тил ўқитиш методикасига оид қуйидаги асарлар М. Вальтер ижодига мансуб:

Zur Methodik des neusprachlichen Unterrichts. 2. Aufl. Marburg. 1912; *Die Reform des neusprachlichen Unterrichts auf Schule und Universität*. Aufl., Marburg i/H.N.Y., Elwert'sche Verlagsbuchhandlung, 1912; *Anneignung und Verarbeitung des Wortschatzes im neuspachlichen Unterricht*. 2. Aufl., Marburg, Veri. N. Y., Erwert, 1914.

Табiiй методнинг аксарият принциплари тўғри методикадан

жиддий тафовут қилмаслиги сабабидан уларнинг батафсил таҳлили қуйида келтирилади.

Тўғри метод табиий метод заминда вужудга келган. Она тили иштирокисиз чет тилдаги сўз ва грамматик шакл тўғридан-тўғри маъноси билан фикран боғланиши «тўғри» сўзининг методик атамага айланишига олиб келган. Методнинг тадқиқ қилинишида руҳшунослар, тилшунослар ва чет тил муаллимлари ва методистлари иштирок этишган.

Тўғри метод билан чет тил ўқитишдан, табиий методда бўлганидек, амалий мақсад кўзланади. Даставвал амалий йўналиш оғзаки нутқ билан боғланган тушунча эди, кейинчалик ўқиш ҳам ушбу тушунча доирасига киритила бошланди.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмида мамлакатлар ўртасида тижорат, мустамлакачилик, техниканинг ривожидан давлатлар орасида сиёсатнинг ўзгаришига сабаб бўлди. Чет тилларни ўрганишга бу, албатта, таъсир қилмай қолмади. Тилни амалий эгаллашга эҳтиёж ортди. Олдин чет тил зодагонлар учун эрмак машғулот бўлса, энди аҳоли орасида ўрта ҳол кишилар ҳам чет тилдан баҳраманд бўла бошлашди. XIX асрнинг 80-йилларида чет тиллар ўқитиш ислоҳоти бошланди. Таржима методи ўрнига тўғри метод ишга тушди.

Ҳ. Суит (Henry Sweet). Ўтган аср охирида ва асримиз бошланишида кўзга кўринган инглиз тилшуноси Ҳ. Суит бир қатор асарларини чет тиллар ўқитиш масалаларига бағишлади. Жумладан, 1899 йилда у «Тилларни амалий ўрганиш» номли китобини (инглиз тилида) чоп эттирди. Бир нечта дарсликлар ҳам яратган. Ҳ. Суит амалий ва назарий мақсадда чет тил ўрганиш ташаббускори сифатида майдонга чиқди. Биринчиси оғзаки нутқни тушуниш, ўқиш, гапириш ва ёзув, яъни амалиёт деб қаралади, иккинчи мақсад тил тарихи ва этимологияни ўрганишни тақозо этади.

Ўз методик мулоҳазаларини Ҳ. Суит қуйидаги тарзда умумлаштирган:

1. Чет тил фонетикага асосланган ҳолда ўқитилади.
2. Жонли адабий тил асос қилиб олинади.
3. Сўз эмас, гап тил бирлиги ҳисобланади.
4. Матн ва гап, гап ва сўз муносабатлари контекст билан боғлиқ. Гапни матндан ташқарида, сўзни гапдан ажратиб ўргатмаслик лозимлиги уқтирилади.
5. Боғланма матн асосида тил ўқитиш ва грамматик таҳлил ўтказиш тавсия қилинади.
6. Матнга боғлаб грамматик қондалар берилади.
7. Тил ўрганишда руҳшуносликдаги ассоциация (фикран боғланиш) қонунига риоя қилинади. (Мас., аввало, тилда кўп қўлланадиган ҳодисалар ўргатилади.)

Ислоҳот даври вакилларида Ҳ. Суитнинг жиддий фарқи шунда бўлдики, у матини ўргатишга аҳамият берди.

Янгиланган тўғри метод тушунчаси пайдо бўлди. Тўғри метод ўзгариб, ривожланиб, янгиланиб борди. XX аср-

нинг биринчи ярмида тўғри метод икки йўналишда такомиллашди: репродуктив методика (Ҳ. Палмер, Л. Блумфилд) ва рецептив методика (М. Уэст) ишлаб чиқилди. Анъанавий грамматика асосида тил ўргатиш ўрнига уни нутқ намуналарида ўргатишни Ч. Фриз, Р. Ладо тажрибага олиб киришди. Янгиланган тўғри метод таълим жараёнида техника воситаларидан фойдаланишни тақозо этди. Замонавий тилшунослик ва руҳшунослик маълумотлари тўғри методга янгича татбиқ қилина бошланди.

Ҳ. Палмер методи (Harold Palmer, 1877—1949). Улкан инглиз методисти Ҳ. Палмер инглиз тилини чет тил сифатида ўргатиш билан узоқ муддат фаол шугулланган. Бу олим юксак илмий маҳорат билан ёзган назарий асарлари, дарслик ва қўлланмалари туфайли жаҳон чет тил ўқитиш методикасида ўчмас из қолдирган. (Унинг сиёсий қарашларига эмас, фақат методик меросига баҳо берилади.)

Ҳ. Палмер инглиз тилини (чет тил мақомида) эркин эгаллашни мақсад қилиб қўйган: нутқни тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзув малакаларини эгаллашни назарда тутган. Оғзаки метод атамаси Ҳ. Палмер номи билан боғлиқ. Оғзаки нутқни эгаллаш учун Ҳ. Палмер қуйидагиларни тавсия этган:

1. Тил қийинчиликларини тасниф этиш (галаффуз, имловий, этимологик, семантик, синтактик қийинчиликлар).

2. Оғзаки нутқни икки йўналишда ўргатиш: тинглаб тушуниш ва гапириш.

3. Пассив тил бойлигини шакллантириш, сўнгра уни репродуктив нутқда фаол қўллаш.

4. Сўзларнинг маъносини очишда кўرғазмалилик, таржима, чет тилда изоҳлаш, матн мазмуни (контексти)дан фойдаланиш.

5. Нутқий парчаларни ёдлаб ўзлаштириш.

6. Сўзларни муайян мезонларга биноан танлаш.

7. Мавзуларга оид матнларни танлаш, луғат-минимум тузиш ва ўқиш турларини аниқлаш.

Ҳ. Палмер методига кўра чет тил ўқитиш мазмунини белгилашга махсус илмий ёндашиш керак. Тил ўргатиш учун оддий адабий наср ва сўзлашув нутқини тавсия қилади. Жонли сўзлашув нутқидан бошлаб, кейин ўқишга ўтилади. Матиларга қўйиладиган методик талабларни ишлаб чиққан. Методикада биринчи марта лексик бирлик (lexicological unit) тушунчасини кашф этди ва унинг шакли, маъноси ва қўлланиши ҳақида фикр юритиб, эргон (В. Гумбольдтдан ўзлаштирган) тушунчасини методик изоҳлади. (Эргон деганда Ҳ. Палмер хоҳлаган лексик бирлик билан ифодаланадиган тушунчани назарда тутди. Маълумки, лексик бирлик тўрт тушунчани, яъни сўз, сўзлар гуруҳи, аффикс ва турғун бирикмани ўз ичига олади.) Эргон масаласи Ҳ. Палмер кашф қилган ички алмаштирилувчи жадваллардан фойдаланишда муҳимлигини таъкидлайди. (Ҳ. Палмер

жадваллари ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотмаган.) Жадвалдаги ҳар қайси гапда турли устунда тўрттадан эргон берилган:¹

He	sees	a (n)	letter
She	takes	the	card
Who	reads	this	name
My friend	writes	that	address

Агар бир эргон алмашса, янги гап тузилаверади:

He sees a letter. He takes a letter. He reads a letter...

Ҳ. Палмер лексик бирликларни танлаш принципларини тадқиқ этган ва амалда синаб кўрган. У чет тилни рецептив ва репродуктив эгаллашни маслаҳат беради. Уқиш оғзаки нутқ ўрганишга тобе қилиб қўйилади. Ҳ. Палмер методик принципларининг айримлари мана бундай номланган: 1. Тилни актив ва пассив ўрганиш. 2. Тилни оягли ва онг иштирокисиз ўрганиш. 3. Қийинчиликларни чегаралаш.

Ҳ. Палмернинг методика тарихида ўрганиб келинаётган асарлари орасида қуйидагилар алоҳида ажралиб туради, чунончи, ўқув қўлланмалари: *Beginner's English-French Dictionary; Colloquial English, Part One. 100 Substitution Tables.* Cambridge, 4th ed., 1930; *Graded Exercises in English Composition. Books 1-4,* Tokyo, 1928; *A Grammar of English Words.* Edinburgh, 1962; *The First Six Weeks of English.* Tokyo, 1934; *The First Six Weeks of Reading.* Tokyo, 1931; *New Method Series English Practice Books. Books 1-3,* 2nd ed., Longmans, 1960 (1st ed., 1938); *The Sequential Series.* Tokyo, 1929; *The Standard English Readers. Books 1-4.* Tokyo, 1934; *Systematic Exercises in English Sentence-Building.* Tokyo, 1924; *The Standard English Reader for Girls.* Tokyo, 1931; *Thousand-Word English;* Palmer H. E., Martin G. V. *English Through Questions and Answers. Books 1-4,* Tokyo, 1930—1933; Palmer H. E., Palmer D. *English Through Actions.* Tokyo, 1924.

Ҳ. Палмернинг методик асарларидан қуйидагилар ўз аҳамиятини ҳанузгача сақлаб келмоқда.

The Principles of Language Study. London, 1926, *The Scientific Study and Teaching of Languages.* 3rd ed., London, 1922; *The Oral Method of Teaching Languages.* Cambridge, 4th ed., 1943; *The Teaching of English.* London, 1930; *The Teaching of Oral English.* London, Longmans, 1961; *The Grading and Simplifying of Literary Material.* Tokyo, 1932; *Classroom Procedures and Devices in Connection with English Teaching.* Tokyo, 1927; *a Grammar of Spoken English. On a Strictly Phonetic Basis.* London, W. Heffer and Sons, 1924; *How to Use The New Method Practice Books.* London, Longmans, 1938; *The New Method Grammar.* London, Longmans, 1964; Palmer H. E., Harman-

¹ H. E. Palmer. *Systematic Exercises in English Sentence-Building.* Tokyo. 1924 китобидаги 3-жадвалнинг бир қисми.

Н. А. The Teaching of English to Soldiers. N. Y., London, 1943; Palmer H. E., Redman H. V. This Language-Learning Business!, 1932.

Тўғри методнинг репродуктив кўринишларидан АҚШда оммавий тарзда фойдалана бошлаган. Йирик тилшунос **Леонард Блумфилд** (Leonard Bloomfield, 1887—1949) чет тил ўқитиш методикасига таъсирини кучли ўтказган. Унинг методик мулоҳазаларига кўра амалий мақсадда чет тил ўргатиш оғзаки нутқдан бошланади, тақлид ва қуруқ ёдлашга эътибор кучайтирилади ва ҳ. к. Хуллас, табиий метод принципларига қайтиш тавсия қилинган.

Л. Блумфилднинг методик қарашлари унинг икки асарида ёритилган. (An Introduction to the Study of Language. N. Y., 1914; Outline Guide for the Practical Study of Foreign Languages. Baltimore, 1942).

Чарлз Фриз ва Роберт Ладо методи (Charles Carpenter Fries, 1887—1967, Robert Lado) Янгиланган тўғри методлар орасида америкалик тилшунос Ч. Фриз ва методист Р. Ладо яратган аудиолингвал метод методика тарихида алоҳида ўрин эгаллайди.

Фриз-Ладо методи ҳақида юқорида қисқа маълумот берилган.

Р. Ладо ва Ч. Фриз ҳамкорликда анчагина асарлар ёзган бўлиб, уларнинг методик ижодига мансуб ўқув қўлланмалари қаторига қуйидагилар киради: English Pattern Practices, Ann Arbor, 8th ed., 1962; Lessons in Vocabulary. Ann Arbor, 3rd ed., 1959; English Sentence Patterns, Ann Arbor, 7th ed., 1962; English Pronunciation. Ann Arbor, 4th ed., 1960. Ч. Фриз китоблари: Teaching and Learning English as a Foreign Language. Ann Arbor, 4th ed., 1948 (1st ed., 1945); American English Grammar. N. Y., 1940; A New Approach to Language Learning. "Teaching English as a Second Language" ed. by N. B. Allen. N. Y., 1965; (Fries Ch., Fries A. Foundations for English Teaching. Tokyo, Kenkyusha English Language Exploratory Committee, 1961; (Fries Ch., Traver A. English Word Lists. A Study of Their Adaptability for Instruction. American Council on Education, 1940. Р. Ладо методик асарлари: Language Testing. London, 1961; Linguistics across Cultures (Applied Linguistics for Language Teacher). Ann Arbor, 1957; Patterns of Difficulty in Vocabulary. "Teaching English as a Second Language" ed. by N. B. Allen. N. Y., 1965; Language Teaching. A Scientific Approach. N. Y., 1964.

Фриз-Ладо методиди оғзаки нутқни ўргатишга катта аҳамият берилиб, ўқиш ва ёзув масалалари эса эътибордан четда қолган.

Георгий Лозанов методи. София суггестология институтида яратилган суггестив (ихлос қўйиш) методи ўз ижодкори — болгариялик доктор Г. Лозанов номи билан аталади. Психотерапевт проф. Г. Лозанов методи бўйича тил ўрганувчилар ада-

бий асарлардаги тарихан таниш лавҳалар ва ҳозирги турмуш тарзини тасаввур этиб, ролларга кирган ҳолда нутқ фаолияти юритадилар. Яратилган тил сунъий муҳити кишиларни нутқий мулоқотга ундайди, аввал муаллим раҳбарлиги ва иштирокида, кейинчалик улар мустақил нутқ машқларини бажаришади.

Дарс жараёнида ихлос қўйиш (эътимод) илмий муаммолари Г. Лозановнинг «Суггестология» китобида ва кейинги илмий асарларида таҳлил қилинган.

Интенсив метод номи билан жаҳон мамлакатларида кенг тарқалган методик системанинг тил ўқитиш тажрибаси ва назарияси эътиборга лойиқдир.

Интенсив метод билан фаол шуғулланган методистлардан проф. Галина Александровна Китайгородская, проф. Ламара Шальвовна Гегечкори ва бошқаларни эслатиш мумкин.

Г. А. Китайгородская методик мулоҳазалари унинг йирик асарлари (Методика интенсивного обучения иностранным языкам. — М.: Высшая школа, 1982; Методические основы интенсивного обучения иностранным языкам. — М.: Изд-во МГУ, 1986) да батафсил ёритилган. Ушбу назарий китоблар муаллиф яратган ўқув қўлланмалари асосида ўтказилган экспериментал тадқиқот натижасидир.

Француз тили материали асосида катта ёшдагиларга оғзаки нутқни жадал ўргатиш методикасини Л. Ш. Гегечкори тадқиқ этган. Унинг монографик асари (К проблеме интенсификации процесса обучения взрослых иноязычной речи. — Тбилиси: Изд-во Тбилисского университета, 1975 ва ундан кейинги китоб ҳамда мақолалари) да собиқ иттифоқда интенсив (жадал) метод илк бор ёритиб берилди.

Интенсив метод чет тил курсларида, оммавий мактабда эса унинг баъзи методик усуллари қўлланади.

М. Уэст методи (Michael West). Улкан инглиз методисти М. Уэст чет тил ўқитиш масалаларига бағишланган юзга яқин илмий асарлар муаллифи сифатида жаҳон методикасида машҳур (сиёсий дунёқарashi таҳлил доирасига кирмайди).

Тўғри методнинг рецептив йўналиши асосчиларидан бўлган М. Уэст оғзаки нутқ ва ўқишни ўргатиш ҳамда ўқув луғатларини тузиш муаммоларини ҳал қилишда илмий хизматлари катта.

Оғзаки нутқни ўргатиш масалаларида М. Уэст методик мулоҳазалари Х. Палмерникига кўп томони билан ўхшаб кетади, яъни ушбу соҳада уларнинг асарларида фикрдошлик кузатилади.

Дунё методикаси тарихида ўқишни ўргатиш масалалари бўйича М. Уэст ибратомуз тадқиқотлар олиб борди, пурмаз-мун асарлари бутун жаҳонга ёйилди.

М. Уэст тузган ўқув қўлланмалари қуйидагилар: Easy English Dialogues. For Learning English as Behaviour. Books 1-2.

London, 1963; Improve Your English. London, Longmans, 1957 (1st ed., 1948); Green Primer. London, 1959; Red Primer. London, 1959, New Method Readers (Standard Edition). Readers 1-7. London, 1957-1958; Companions to Readers 1-5. (Standard Edition). London, 1959; New Method Series Compositions. (Standard Edition). Books 1-5. London, 1959; New Method Readers (Alternative Edition). Readers 1-7. London, Longmans, 1958; New Method Series Compositions (Alternative Edition). Books 1-5. London, Longmans, 1958; (West M., Bannerjee H. C.) English Words for All Occasion. London, Longmans, 1933; General Service List of English Words. London, Longmans, 1957; The New Method Conversation Course, Learn to Speak by Speaking. Books 1-11. London, 1944; The New Method Conversation Course. Blank Companions, London, 1938; Look and Speak. Books I—II. London, 1936; The New Conversation Course. Supplementary Books. London, 1936.

М. Уэстнинг методикага оид асарларидан энг йириклари куйидагилардир:

Bilingualism. Calcutta, 1926; How to Use the New Method Readers. A Teachers Handbook. London, N. Y., Longmans, 1934; Language in Education. London, 1929; On Learning to Speak a Foreign Language. London, 1941; How Much English Grammar? English Language Teaching, v. 7, 1952, N1; Learning English as Behaviour. English Language Teaching, v. 15, 1960; N3; Learning to Read a Foreign Language. London, 5th ed., 1960; Teaching English in Difficult Circumstances. London. Longmans, 1960; The Teaching of English. A Guide to the New Method Series. London, 1959/60. How to Use the New Method Conversation Course. London, 1941.

Мазкур асарларини ёзар экан, М. Уэст бенгал болаларига инглиз тили ўргатиш тажрибасидан самарали фойдаланади. Кўп сонли ўқувчиларни ўқитиш жараёнларини изчиллик билан кузатади, тажрибалар ўтказади, натижаларини назарий умумлаштиради.

М. Уэст методик ва ўқув қўлланмаларни араб тилида гапирувчиларга (Ўрта Шарқ мамлакатларида) инглиз тилини ўргатиш учун ҳам қўллагани методика тарихидан мутахассисларга маълум.

М. Уэст методик системасининг чет тил ўқитиш мақсадига кўра ўқишни ўрганиш ҳамда ўқувчиларнинг бир қисми учун гапириш ва ёзув малакаларини эгаллашни тавсия этади.

Бенгал болаларига инглиз тилини ўргатиш билан машғул бўлган М. Уэстнинг снёсий дунёқараши миллатчилик руҳида суғорилганлиги туфайли, чет тиллардан бирини, унинг фикрича, инглиз тилини миқдоран майда миллатлар албатта ўрганишлари шарт, деган фикрни олға суради. Шу муносабат билан инглизча китобларни ва вақтли матбуотни ўқиб, умумий мазмунини, яъни юзаки ўзлаштиришни чет тил ўқитиш мақсадига киритади.

Чет тил ўқитиш курсини ташкил этиш борасида М. Уэст қуйидаги методик фикр-мулоҳазаларни ўртага ташлайди.

1. Тилнинг рецетив (идрок этиб тушуниш) томонини бирламчи ҳисоблайди (бунда Уэст улкан тушунос Отто Есперсен методик қарашларига эргашади).

2. Ҳар қандай гап ёки матнни ўқиш чоғида ўқувчи муайян топшириқни бажариши, яъни уни пухта тушуниб олиши талаб қилинади.

3. Ўқувчилар тил ўрганишдан қониқиш ҳосил қилишлари учун уларга икки турдаги ўқиш китоби тавсия этилади. Биринчи — дарсдаги янги материал ва иккинчи — ўзлаштирилган тил материали асосида тузилган ўқиш китоби ўрганилади.

4. Матнлар мазмуни ўқувчилар ёши, диди ва қизиқишига мос бўлиши керак.

Ўқишга бериладиган матнларни китоблардан шароитга мослаштириб (адаптация қилиб) бериш методика тарихида М. Уэст илмий кашфиёти, деб таънинган. Адаптация (мослаштириш) атамасини М. Уэст икки маънода ифодалаган: аввало, асл нусхадаги матн материали қисқарттирилади, сонинг унинг тили соддалаштириб (ўқувчи билими савиясига мослаштириб) берилди.

Тилни ўрганишда М. Уэст ўзининг ватандоши Ҳ. Палмер методик назариясини қувватлаб, чет тилни она тилига монанд усулда эгаллаш ғоясига содиқ қолади. Ўқишни ўргатиш методик системасини тўғри метод йўлидан олиб боришни атрофлича асослаб берган.

М. Уэст икки турдаги ўқишни таклиф этган: биринчисида ўқувчи сўзларга разм солиб, уларни диққат билан ўқийди, уни баъзан «сўзма-сўз ўқиш» деб ҳам атайти, иккинчи турда ўқувчи муайян фикрни матидан ахтаради, яъни ахборот олиш мақсадида ўқийди. М. Уэст иккинчи турдаги ўқишни равон ўқиш, ахборот ахтариб ўқиш, деб номлайди.

Ўзининг методик системасида М. Уэст дарсликларга қўйиладиган талабларни ҳам чуқур таҳлил этади. (Замонавий дарсликлар муаллифлари улардан ҳозиргача самарали фойдаланиб келишади.)

М. Уэст методи дунё мамлакатлари бўйлаб тарқалган, унинг кўп сонли мухлислари бор. АҚШда Ч. Хэндшин (Ch. H. Hand-schin) «ўқишнинг янги методи» номи билан аталган ўқитиш системасида М. Уэст принципларини янада ривожлантиради, баъзи ўзгаришлар ҳам киритади. Мас. Ч. Хэндшин актив ва пассив грамматика тушунчаларини фарқлаб беради. Методик мулоҳазаларини Ч. Хэндшин ўзининг илмий асарларида ёритган (мас. Modern Language Teaching. N. Y., 1940).

Аралаш методлар. Чет тиллар ўқитиш ислоҳоти давом этар экан, оммавий мактабларда таржимасиз (табiiй ва тўғри) методлар кутилган натижани бермаганлиги сезилиб қолди. Олдинги қўлланган методик йўл-йўриқлардан омихта қилиб дарс ўтиш бошланди. Аралаш, яъни омихта методлар вужуд-

га келди. Мас. Россияда чет тил ўқитиш мақсади ва методларига А. И. Томсон («Ўрта ўқув юртлирида чет тилни ўрганиш ҳақида»¹) мақоласида¹ ўз мулоҳазаларини эълон қилди. Унда, жумладан, олға сурилган чет тилни умумтаълимий ва амалий мақсадларда ўқитиш ғояси методика тарихида юксак баҳоланади. Ўқитиш методлари борасида ҳам ўз даврига нисбатан илғор фикрлар баён этган.

Ғарбий Оврупо мамлакатларида ҳам аралаш метод билан ўқитиш анъанага айланади.

К. Флагстад (Chr. Flagstad). Даниялик руҳшунос К. Флагстад тугал методик система яратмаган бўлса-да, чет тилларни ўқитиш методикаси билан астойдил шуғулланган. Ўз методик эътиқодини «Тил ўргатиш руҳшунослиги»² асарида баён этган.

Ўқитиш мақсади тушунчасини К. Флагстад бевосита муҳокама қилмайди. Бироқ унинг мулоҳазалари таҳлили шундай хулосага етаклайдики, у чет тилни умумтаълимий йўналишда ўргатишни маъқул кўради.

Таълим мазмуни масалаларига келганда, К. Флагстад чет тилни билим (ахборот) олиш учун эмас, балки эстетик нуқтаи назардан (олиффагарчилик маъносида) ўрганилиши тарафдори бўлган. Танланадиган матнларни ўқувчилар қизиқишига тўлиқ тўғри келиши шарт эмаслигини уқтиради. Матнлар учун севги, турмушга чиқиш, озиқ-овқат, кийим-кечак, туғилиш, тарбияланиш, камбағаллик, бойлик, касаллик каби мавзуларни тавсия этади.

Она тилининг иштироки тўғрисида К. Флагстад тўғри метод тарафдорларининг фикрига (она тилини кўшмасликка) қарши чиқади ва қай меъёрда бу методдан фойдаланиш тадбирларини маслаҳат беради, чунончи, сўз маъносини очишда таржима восита эканлигини тан олади.

Э. Отто (Ernst Otto). «Янги чет тилларни ўқитиш методикаси ва дидактикаси» (1925 йилда немисча нашр этилган) китобида тилшунос проф. Э. Отто ўзининг методик қарашларини баён этган.

Чет тил ўрганишдан мақсад тили ўрганилаётган халқ (мас. немислар) маданиятини ўзлаштириш, деб қарайди (миллатчилик руҳи очиқ сезилади).

Унинг қўпол методик хатоларидан бири она тили ва чет тилни ўрганишда фарқни англай билмаслигидадир. (Тўғри метод вакилларига эргашади.)

Ўқитишнинг яқуний мақсади матнларни ўқиш эканлигини ошкор айтади (ҳозирги методикада ҳам шундай).

Ф. Аронштейн (Ph. Aronstein). Немис методисти ва филологи Ф. Аронштейн ўзининг (1922, 1926 йилларда немисча чоп

¹ А. И. Томсон. Об изучении иностранных языков в средне-учебных заведениях // Педагогический сборник. — СПб., 1891. №№ 9—10.

² Chr. Flagstad. Psychologie der Sprachpädagogik. Leipzig u. Berlin, Verl. von B. G. Teubner, 1913.

этилган) иккита китобидан иборат монографик асариди чет тил ўқитишнинг умумий масалалари ва инглиз тилини ўқитиш ҳақида фикр баён этган. Умумтаълимий ва тарбиявий мақсадларни ёқлаб чиққан. Турли системаларга мансуб тилларни ўқитишда онглилик зарурлиги, чунончи қиёслаш мақбуллигини таъкидлайди.

Ф. Аронштейн биринчилар қаторида тил материални актив-пассивга ва нутқни рецептив ва репродуктив фаолиятларга ажратиш тарафдори бўлган.

Питер Хэгболдт системаси (Peter Hagboldt). Педагоглик фаолиятини Бельгияда М. Берлиц мактабиди немис тили муаллимлигидан бошлаган. У Америкага кўчиб бориб, ўрта мактаб ва коллежда ишлаган, Чикаго университетиди ижодий ва педагогик фаолиятининг сўнгги ўн йилини ўтказган. Проф. П. Хэгболдт чет тил ўқитиш тажрибасини қўйидаги назарий асарларида умумлаштирган:

How to Study Modern Languages in High School. Chicago, 1925; How to Study Modern Languages in College. Chicago, 1925; Language Learning. The University of Chicago Press. Chicago, Illinois, 1935; The Teaching of German. Chicago, 1940. Яна бир нечта немисча амалий қўлланмалар тузган.

Ўқитиш мақсадида амалий ва умумтаълимий йўналишни қувватлайди. Гапириш, тинглаб тушуниш, ёзув ва ўқишни амалий мақсадга киритади (рус тилида нашр этилган асари: Изучение иностранных языков. — М.: Учпедгиз, 1963, 132-бетда амалий мақсад ёритилган).

Ўқитиш мазмунини баён этганда, у фақат тил материали тўғрисида сўз юритган (мавзулар ва малакалар ҳақида оғиз очмаган).

Ўқитиш принципларига қўйидагиларни киритган: 1) нутқ фаолияти турларининг ўзаро алоқаси ва кўникмаларнинг нутқ фаолияти туридан бошқасига кўчиши; 2) тилни актив ва пассив эгаллашни фарқлаш; 3) ассоциатив алоқаларни ва аналогияни қўллаш; 4) ўргатиш воситаси сифатида таржимадан фойдаланиш; 5) олдиндан пайқаш ва қўшимча қилиш (ўқиш чоғида сўз, гапнинг айрим қисми, таниш грамматик шакллар ва ҳатто бутун бир қаторни олдиндан фаҳмлаш ва ўзича қўшиш ҳодисаси назарда тутилади).

Тил ўргатишнинг психологик масалалари, машқлар системаси, ўқилган матнни тушунганликни назорат қилиш каби фойдали маслаҳатлар берган.

Франсуа Клоссэ системаси (Francois Closset). Бельгиялик йирик методист Ф. Клоссэ ўзининг чет тиллар ўқитиш тажрибасини *Didactique des langues vivantes* (4 éd., Paris-Bruxelles, 1965) китобиди умумлаштирган. Унинг фикрича, чет тил ўқитиш уч мақсадда рўёбга чиқади: амалий — оғзаки нутқ, ўқиш ва ёзув малакаларини ўстиришга зарур луғат бойлигини ва асосий грамматик тушунчаларни ўзлаштириш; тарбия-

вий — бола қобилиятини ўстириш; умумтаълимий — тили ўрганилаётган мамлакат ҳаёти ва маданияти билан танишиш. Ўқув юртига қараб, ушбу мақсадлар турли маромда татбиқ қилинади. Бу вазифаларни босқичма-босқич (йилма-йил) бажариш тафсилотларини ишлаб чиққан. Ф. Клоссэ тадқиқотларига кўра тилда кўп қўлланадиган 3000 сўз матн мазмуни-нинг 95 фоизини тушуниш имконини беради.

Чет тил ўқитишда бир эмас, бир неча методлар ишлаши ва ўрганилаётган тил ва ўқитиш шароити ҳисобга олиниши тарафдори бўлган. Тўғри методни рад этиб, ўзини аралаш метод тарафдори деб эълон қилади. Аралаш методни гоҳида актив, гоҳида эса оқилона метод номи билан юритган.

Ф. Клоссэ фикрича, чет тил ўқитишда қуйидаги методик қоидаларга риоя қилинмоғи лозим:

1. Ўқувчининг фаолликка интилишини қўллаб-қувватлаш.
2. Эътимод ва хайрихоҳлик муҳитини яратиш.
3. Ўқувчилар шахсий ташаббусига далда бериш.
4. Тақлиддан кўра онглиликни афзал кўриш.
5. Мавзуларни ва қўлланмаларни танлашда ўқувчилар манфаатини кўзлаш.

Ф. Клоссэ ўқитиш системасининг ажойиб ҳулосаларидан бири — тил назариясига оид. Унингча, тилни бутунлай индуктив (онг иштирокисиз) ёки тақлид йўли билангина ўрганиб бўлмайди, шу билан бирга, бериладиган тил мавҳумоти ёрдамчи вазифани бажаради, холос.

Тил материали (лексика, грамматика, талаффуз)ни ва нутқ фаолияти турларини ўргатиш бўйича Ф. Клоссэ усуллари-нинг биздаги олтмишинчи йиллар методикаси йўналишига мос тушадиган жойлари талайгина.

Адольф Болен (Adolf Bohlen). Немисларга инглиз тили ўргатишга оид тадқиқотлар¹ муаллифи А. Болен тўғри метод-нинг «мулойим шакли» (eine gemilderte Form)ни асослашга уриниб кўрган.

Ўқитиш мақсадларини илмий текширар экан, чет тил ўргатишда тўртта вазифани белгилайди: (1) амалий эгаллаш, (2) тил орқали халқ руҳи билан ошна бўлиш, (3) маданиятни ўрганиш ва (4) тарбия олиш.

Ўқитиш принциплари тақлид шунини кўрсатадики, улар асосан тўғри методга мувофиқ келади: 1) энг мураккаб лексик ва грамматик ҳодисалар она тили воситасида тушунтирилади ва назорат қилинади; 2) янги материал аввал оғзаки ўрганилади; 3) сўз контекстда (жумлаларда) ўзлаштирилади; 4) грамматика индуктив (олдин тил материали нутқда, кейин қоида) ўрганилади ва ҳ.к.

Методист А. Боленнинг талабларидан муҳимлари ўз дол-

¹ А. Bohlen. Methodik des neusprachlichen Unterrichts, 4 Aufl, Heidelberg, Quelle-Meyer, 1963 (1 Aufl — 1930, Leipzig, Quelle-Meyer, II—1955. III—1958)

зарблигини ҳозиргача сақлаб келаётганлари мана бундай ифодаланган: ҳафталик дарс соатлари сонини кўпайтириш, синфда ўқувчилар миқдорини камайтириш ва муаллимларни тил ма-лакаларини ошириш учун чет элга юбориб туриш.

А. Болен методика тарихида биринчи бўлиб, чет тил ўқи-тишининг уч босқичи — ибтидоий, ўрта ва юқори босқичларини аниқлаб, уларни асослаб беришга ҳаракат қилган.

Б. В. Беляев методи. Собик СССРда аралаш метод руҳшу-нос проф. Б. В. Беляев асарларида ўз ижобий талқинини топ-ди (Очерки по психологии обучения иностранным языкам. Изд. 2-е. — М.: Просвещение, 1965). Муаллиф ўзи ишлаб чиқ-қан чет тил ўқитиш системасини англи-амалий метод атамаси билан юритди. Мазкур номдан равшанки, Б. В. Беляев тил бирликларини англаб ўргана бошлаш ва оғзаки нутқ машқ-ларида амалий қўллашни тавсия этади.

Б. В. Беляев методининг асосини қуйидаги илмий мулоҳа-залар ташкил қилади:

1. Чет тилдаги тафаккур она тилидагидан фарқ қилгани учун тафаккур хусусиятларини чет тилча ўзлаштиришни мас-лаҳат беради (Юқорида ушбу назариянинг сохталигини «та-факкур — байналмилал», деган асосли психологик таълимотга кўра танқид қилинганини эсланг).

2. Ўқувчилар тил материални фаол-ижодий (продукцияда) эгаллашлари учун тафаккурда у бевосита акс эттирилиши та-лаб қилинади.

3. Ўқувчилар чет тилда она тилидагидан бўлакча фикр-лашга ўрганадилар.

4. Она тилига, яъни таржимага кам мурожаат этиш, чет тилдаги нутқни кўпроқ машқ қилиш орқали фикрлашни ўрга-виш мумкин.

5. Сўз маъносини очишда таржима ўрнига узундан-узун тушунтириш — изоҳдан фойдаланмоқ керак бўлади.

6. Тил — ижтимоий ҳодиса, нутқ — яқка шахсга алоқадор.

7. Нутқ — кўникмадангина иборат эмас, у донм ижодий фаолиятдир.

Б. В. Беляев барча методларни танқид остига олади. Шу билан бир вақтда, унинг фикрларидан у аралаш метод тараф-дори экани маълум бўлади. Ушбу методик система соф наза-рия бўлиб, у мактаб тажрибасида ва ўқув қўлланмаларида махсус экспериментал далиллар билан асосланган эмас.

Россияда шарқ ва ғарб тилларини ўргатиш тарихидан. Уй-ғониш даврида, бошқа Оврупо мамлакатларида бўлганидек, бу диёрда ҳам лотин тили ўқитилган. Россияда методик тафак-кур бошқа мамлакатлардаги чет тил таълими таъсири остида шаклланди ва ривожланди. XVIII асрга келиб, жонли тиллар ўрганила бошланди. Рус подшоси Петр I фармойишига биво-ан шарқ тилларини ўрганишга ҳам эътибор берилди.

Чет тилни ўқитиш унинг амалий аҳамиятига қараб тан-

ланар эди. Мас. Иркутскда хитой тили ўргатилган, жанубий губернияларда юнон тили ва шарқий ҳудудларда эса араб тили ўқитилган. 1741 йили Фанлар Академияси қошида хитой тили мактаби очилганлиги диққатга сазовор. Бундай мактабларда муҳожирлар муаллимлик қилган. Иркутскда очилган мўғул тили мактабида ишлаган иккита муаллим рус тилини билишмаган, таржимон ёрдамидан фойдаланиб, тил ўргатишган.

Россияда тилларни ўрганишга қизиқиш ортиб борганлигига қарамай, оммавий миқёсда чет тил ўрганиш ўта паст даражада бўлган. Унинг асосий сабабларидан бири ерли халқ вакилларида чет тил муаллимлари йўқлиги, муҳожирлар эса маҳаллий тилни билмасдан ўз она тилларини (руслар учун чет тил) ўргатишган.

Муаллимлар иш тажрибасининг тарихий таҳлили кўрсатишича, чет тил тўғри метод қонун-қоидалари бўйича ўқитилган. 1888 йилда чет тилларни ўқитиш режалари лойиҳаси ишлаб чиқилган. Унда эътибор оғзаки нутқни ўстиришга қаратилиб, ўқишни ўргатиш вазифаси ҳам юклатилган.

XIX аср охири XX аср бошларида чет тил ўқитишда тўғри метод қўллаш билан бирга умумтаълимий вазифалар ҳам қўйилган. Чет тил ва она тилини қиёслаш таълимий маънони ифодалаган. Айрим мутахассислар адабиёт ўқишнинг ўқувчилар умумий билим савиясини ошириши ҳақида мунозаралар юритишган.

Ушбу мавзу ёритилишида методлар номлари қайд этилмаслиги тасодифий ҳол эмас. Россияда XX асрнинг ўттизинчи йилларигача йирик чет тил ўқитиш методистлари ҳақида тарихий маълумот йўқлигига сабаб шундаки, бу соҳада илмий мактаблар бўлган эмас. Ғарб ва шарқ мамлакатларида шаклланган чет тил ўқитиш методларидан қисман ўзгартишлар билан фойдаланишган. Хуллас, ўша пайтда чет тиллар таржима, кейинчалик тўғри методлар асосида ўқитиб келинган.

Чор Русиясининг ўлкаси ҳисобланган Туркистон (жумладан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди)да ғарб тиллари миқдоран кам ўқитилган. Чет тиллар XIX асрнинг охириги чорагидан ўқитила бошланган. Рус гимназиялари ва реал билим юртрагидагина чет тил ўргатилган, холос. Ундан олдин ва ўша пайтда шарқ тилларини ўрганиш ерли халқларга хос бўлган.

Методик илмий марказлар бўлмаган, Ҳ. Палмер ёки М. Уэст мавқеидаги методистлар етишиб чиқмаган. Маълумки, илмий методик мактаб яратган методистлардан Ҳ. Палмер Японияда, М. Уэст Ҳиндистонда инглиз тили ўргатиш билан фаол шуғулланишган. (Ўзбекистонда чет тил ўқитиш тарихи ушбу бобнинг 3- § ида ёритилади.)

Қиёсий метод. Тўлиқ номини онгли-қиёсий метод деб аталади. (Юқорида V бобнинг 1- § ига қаралсин.) Қуйида қиёсий методнинг йирик намояндалари ижоди қисқача таҳлил этилади.

Асримизнинг ўттизичи йилларида онгли-қиёсий метод шакллана бошлайди. (Унганча грамматика-таржима методи билан чет тил ўқитиб келинган.) Дастур, дарслик, ўқув қўлланмалари тайёрланади. Методик адабиётлар орасида Л. В. Шчерба, К. А. Ганшина, И. А. Грузинская, А. А. Любарская, Г. В. Гольдштейн ва Р. К. Розенберг ва З. М. Цветкова асарларини кўрсатиб ўтиш жоиздир. «Иностранные языки в школе» журнали таъсис этилади.

1947 йилда Л. В. Шчербанинг «Преподавание иностранных языков в средней школе» (иккинчи нашри 1974 йил) китоби Москвада нашр этилади.

Онгли-қиёсий метод амалий, таълимий ва тарбиявий мақсадда чет тил ўқитиш жараёнида қўлланади. Амалий мақсад рецептив ва репродуктив нутқ малакаларини тақозо этади. Таълимий мақсадга кўра она тили ва чет тилни таққослаш оқибатида чет тилни англаб етиш мумкин, деган нотўғри методик вазифа қўйилади. Коммунистик тарбия бериш ҳам мақсад даражасига кўтарилади.

Таълим мазмуни ушбу методга биноан матнлар мавзулари ва тил материали тушунчаларини ўз ичига олади.

Эллигинчи йилларда И. В. Рахманов методик асарлари, В. С. Цетлин, (1950; 1955) француз тили ўқитиш, В. Д. Аракин (1950; 1958) инглиз тили ўқитиш, Л. С. Андреевская-Левенстерн ва О. Э. Михайлова (1958) француз тили ўқитиш методикаларидан қўлланмалари нашр этилади. Уларда онгли-қиёсий методнинг асосий принципларидан бўлмиш икки тилни таққослашга эътибор қаратилади. Шу даврда шакланган онгли-қиёсий методни шартли равишда «Шчерба-Рахманов методи» дейиш мумкин.

60-йиллар бошларида онгли-қиёсий методнинг янгиланиш, замонавийлашиш даври бошланди. В. С. Цетлин ўзининг «Методика обучения грамматическим явлениям французского языка в средней школе» номли бебаҳо методик асарини эълон қилди. 1967 йили йирик методистлар гуруҳи яратган «Общая методика обучения иностранным языкам в средней школе» номли монографик асар чоп этилди. (Шу даврдан бошлаб чиққан асосий методик қўлланмалар рўйхати ушбу дарсликка илова қилинди.)

1961 йилдан ҳозиргача чет тил ўқитиш жараёнида қўлланилаётган методни замонавийлаштирилган онгли-қиёсий метод ёки шартли ном билан «Рахманов ва унинг шогирдлари методи» деб юритиш мумкин.

Ўқув-методик топшириқлар

1. Таржима методлари турларини санаб ва уларнинг хусусиятини айтиб беринг.

2. Табиий метод намоянадалари М. Берлиц, Ф. Гуэн, М. Валь-

тер системаларини синчиклаб ўрганинг ва таҳлил қилиб беринг.

3. Тўғри метод асосчилари Х. Палмер, Ч. Фриз ва Р. Ладло, М. Уэст ижодини пухта ўрганиб, муҳокама қилинг.

4. Аралаш методлар намояндалари (К. Флагстад, П. Хэгболдт, Ф. Клоссэ) методик ижодини таҳлил этинг.

5. Таржима, таржимасиз, қиёсий ва аралаш методларнинг орасидаги фарқларни аниқланг.

2-§. Собик иттифоқ чет тил ўқитиш методикаси тарихи

Собик иттифоқ даври чет тил ўқитиш методикаси тарихий илмий адабиётда беш босқичга бўлинади. Ушбу босқичларни аниқлашни А. А. Мироллюбов¹ қуйидагича амалга оширган: I босқич — 1917—1923, II босқич — 1924—1931, III босқич — 1932—1946, IV босқич — 1947—1959, V босқич — 1960—ҳозиргача, С. Ф. Шатилов² биринчи босқични тушириб қолдирган ҳолда тўрт босқичли даврлаштиришни тавсия қилган: иккинчи босқични (1924—1930) қисман ўзгартириб, учинчи (1931—1944), тўртинчи (1944—1961) ва бешинчи босқич (1961—ҳозиргача бўлган давр)ни қамраб олган.

Чет тиллар ўқитиш методикаси тарихини босқичлаштириш назарияси муайян илмий мезонларга асосланади, чунончи, ўқитиш мақсадида содир бўлган ўзгаришлар ва методика фанида йиғилган илмий маълумотлар ҳисобга олинади.

Биринчи босқич (1917—1923). Чет тиллар ўқитиш методикасининг ушбу босқичи ҳокимиятнинг оғир аҳволда кечаётган даврига тўғри келган. Муаллимлар мутлақо етишмасди. Мактабда ўқув предмети сифатида чет тилнинг қолиш-қолмаслиги ҳал қилинаётган эди. Чет тилни амалда ўргатиш самараси паст эди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор эди, албатта. Ижтимоий сабаб — ўша пайтларда чет мамлакатлар билан дипломатик, савдо ва маданий алоқалар бузилган эди. Ташкилий сабаб — кадрлар етарли эмас эди. Асосий сабаблардан яна бири чет тил ўқув предметининг умумтаълим мақсади мунозарали масала эди.

Айрим мактабларда чет тил ўрнига сунъий тил эсперантони ўқитишга уринишлар қилинган.

Маорифнинг жойлардаги муассасалари ўқув предметлари, дастурлар ва дарсликларни танлаш масаласини мустақил ҳал қилишар эди.

Муаллим ўз майлига кўра тўғри ёки грамматика-таржима методини ва мавжуд дарсликни қўллаб, чет тил ўргата берар эди. Чет тил ўргатишнинг биринчи босқичидаги мураккаб ша-

¹ А. А. Мироллюбов. История методики обучения иностранным языкам в СССР. Автореферат докт. дисс. — М., 1973, 3-бет; Р. А. Зарипова. Чет тиллар ўқитиш методикасидан қўлланма. — Тошкент: Ўқитувчи, 1986, 57-бет.

² С. Ф. Шатилов. Методика обучения немецкому языку в средней школе. — Л.: Просвещение. 1977, 272-бет.

ронгда чет тил ўқитиш зарурияти ҳамда унинг амалий ва умумтаълимий аҳамияти ёқлаб чиқилди ва илмий исботлаб берилди.

Иккинчи босқич (1924—1931). 1924 йилда чет тил умумтаълим мактабларида тўла ҳуқуқли предметлар орасидан жой эгаллади. Дарс берувчиларни ҳисобга олиб, немис тили ўқитишда бошланди. Чет тилда ўқишни ўргатиш асосий вазифа қилиб олинди.

Бу даврда Л. В. Шчербанинг (рус тилида) «Чет тилларнинг умумтаълим аҳамияти тўғрисида» назарий мақоласи², «Чет тилларни қандай ўрганмоқ керак» номли рисоласи³ ва бир қатор бошқа методик адабиётлар нашр этилди.

Учинчи босқич (1932—1946). 1931—1932 йилларда қабул қилинган мактаб тўғрисидаги қарорлар чет тилларни ўқитишда жиддий бурилиш яшашни назарда тутган. Мактаб олдига «ҳар бир битирувчининг бирор чет тилни билишини таъминлаш» вазифаси қўйилди. Инглиз ва француз тилларини ўқитиш кенг тус олди. Чет тилга ажратиладиган соатлар миқдори кўпайтирилди. Чет тил муаллимлари тайёрлайдиган ўқув юрталари тармоғи кенгайтирилди.

Уша даврда аралаш методнинг моҳиятига руҳшунослик, таълимшунослик, тилшунослик фанлари эришган ютуқлар таъсир кўрсатди. Ўқув материални онгли эгаллаш муҳимлиги ҳақидаги фикр таъкидланди.

Атоқли руҳшунос проф. Лев Семенович Виготский илмий тадқиқотларида чет тил ўрганишни она тилини эгаллаш жараёнига ўхшатиш номақбуллиги исботлаб берилди, яъни чет тил ҳодисаларини англаб ўргана бошлаш, нутқни эгаллаш онглилик билан боғланиши маъқуллиги асосланган. Руҳшуносликда актив ва пассив нутқ фарқланиши масаласи ҳал қилинди. Бу борада тилшунос Л. В. Шчерба ғоялари ҳисобга олинди. Мамлакатда аралаш метод вужудга келишига улар туртки бўлди.

Чет тил ўқитиш мақсадига кўра ўқишни ва гапиришни ўргатиш вазифалари аниқланди. 1945 йилда мактаб учун луғат минимуми яратилди. Грамматикани танлаш ҳам тадқиқ этила бошланди. Жаҳон методикасида биринчи бор ўқилиш қоидалари (З. М. Цветкова ва бошқалар томонидан) ишлаб чиқилди. Қоидалар асосида имло ва ёзиш техникасини ўргатиш масалалари (Н. П. Теннова ва бошқалар томонидан) тадқиқ этилиши методикага муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Анъанавий аралаш методда ўша давргача яхлит сўз қисмларини ажратмасдан ўргатилар эди.

Ўттинчи йиллар ўрталарида юқоридаги ғоялар билан су-

¹ Л. В. Щерба. Об общеобразовательном значении иностранных языков. — В сб. Вопросы педагогики, вып. 1. — М., 1926.

² Л. В. Щерба. Как надо изучать иностранные языки. — М., 1929.

горилган дарсликлар пайдо бўлди. Бироқ улар даврига нисбатангина мукамал дейишга арзирди. Чет тил ўқитиш методикасининг кейинги ривожланиш босқичларида дарсликлар ва методик қўлланмаларнинг тақомилига катта эътибор берилди.

Тўртинчи босқич (1947—1959). «Чет тилларни ўрганишни яхшилаш тўғрисида»ги ҳукумат (1947 йил 3 октябрда эълон қилинган) қарори ушбу босқични бошлаб берган сана ҳисобланади. Урушдан кейин чет тилларни ўрганишни яхшилаш тадбирлари кўрилди: муаллимлар тайёрлаш, дарслик ва қўлланмалар тузиш, чет тилда қатор фанларни ўқитадиган махсус мактаблар очиб чоралари белгиланди.

Таълимнинг онглик принципини чет тилга бефарқ татбиқ қилиш онгли-қиёсий метод шаклланишига олиб келди. Она тилига таяниш номи билан (уни ҳисобга олиш эмас) методик принцип ишга туширилди.

Эллигинчи йилларнинг охирига келиб, Л. В. Шчербанинг шогирди И. В. Раҳманов ва кўплаб бошқа издошлари ташаббуси билан онгли-қиёсий метод яратилишида йўл қўйилган хатолар тан олинди ва улар тузатила бошланди. Нутқ фаолияти турларини бир вақтда ўргатиш, қоидаларни тил материални ўзлаштиришга кўмаклашувчи восита деб қараш, таржима ва таржимасиз машқлар нисбатини аниқлаш масалалари тадқиқ қилинди. Афсуски, тўпланган назарий маълумотлар дарсликларда ўз ифодасини етарлича топмади, муаллимлар оммасига чуқур сингдирилмади. Назария ва амалиёт бирлиги таъминланмади. Оқибатда олтмишинчи йилларда бўлиб ўтган қизгин методик мунозаралар тарих саҳифаларида қолиб кетди.

Бешинчи босқич (1960 — ҳозиргача бўлган давр). Эллигинчи йиллар охирида журналлар саҳифалари¹ чет тиллар ўқитишга доир муҳофасавий маълумотларга тўлиб кетди. Чет тил методикаси мубҳам фикрлар ўрмонига кириб қолгандай бўлди. Бироқ «Чет тилларни ўрганишни яхшилаш тўғрисида»ги ҳукуматнинг 1961 йил 28 майда чиқарилган қарори масалани ойдинлаштиришга ёрдам берди.

1961/62 ўқув йилидан эътиборан 25 тадан ортиқ ўқувчи бўлган синфларни чет тил дарсларида икки гуруҳга ажратиб ўқитиш, ота-оналар ихтиёри билан бошланғич синфлар ва боғчаларда чет тилларни ўргатиш, чет тил махсус мактабларини кўпайтириш, ўқув-методик китоблар ва аудиовизуал воситалар билан таъминлаш тадбирлари белгиланди.

Онгли-қиёсий метод замонавийлаштирилди (И. В. Раҳманов ва бошқалар²).

¹ Қаралсин: «Иностранные языки в школе», 1957, 2, 3, 6-сонлари; «Советская педагогика», 1958, 3-сон.

² «Виз онгли-қиёсий метод тарафдоримиз ...», деб ёзган эди проф. И. В. Раҳманов. Қаралсин: Очерки по методике обучения немецкому языку (для педагогических вузов). — М.: Высшая школа, 1974, 6-бет.

Уқувчилар олдига гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзув малакаларини ҳосил қилишдан иборат замонавий вазифалар қўйилди. Ўз навбатида бундай вазифаларга мувофиқ ўқув дастурлари ва дарсликлар тузилиб ишга туширилди. Бу даврда тинглаб тушуниш (*рус.* аудирование)ни ўргатиш масалалари илк бор тадқиқ қилинди. Нутқ намуналари асосида гапиришни ўргатиш мақсадга мувофиқ деб топилди (Ч. Фриз ва Р. Ладо методига қаралсин). Яққанутқ ва жуфтнутқни ўргатиш хусусиятлари методик жиҳатдан фарқлаб берилди. М. В. Ляховицкий ва бошқа методистлар томонидан чет тил ўқитишда таълимнинг техникавий воситаларидан фойдаланиш методик принциплари ишлаб чиқилди. Чет тил грамматикасини ўргатиш масалалари В. С. Цетлин, С. Ф. Шатилов ва бошқа методистлар томонидан чуқур таҳлил қилиб берилди. Лексиканинг методик таснифи масаласи мукамал ҳал этилди (В. А. Бухбиндер ва бошқалар). Ўқишни ўргатиш методик усуллари ва принциплари атрофлича кўриб чиқилди (С. К. Фолломкина ва бошқалар). Чет тил дарсликлари назарияси умумлаштирилди (И. Л. Бим ва бошқалар). Ўқув-методик комплект яратиш тажрибаси йўлга қўйилди (V бобга қаралсин). Чет тилда гапиришни ўргатиш назарий асослаб берилди (Е. И. Пассов). Гапириш ва тинглаб тушунишни ўргатишнинг психологик асослари ишлаб чиқилди (И. А. Зимняя). Бир неча тилларни ўқитиш методикасига оид назарий асарлар яратилди (В. И. Шярнас). Миллий мактабларда чет тилларни ўқитиш муаммолари илмий тарзда ўрганилди (Р. Ю. Барсуқ, Ш. И. Шатиришвили, М. Г. Асвацатрян ва бошқалар). Мазкур муаммоларнинг ҳал этилиши Ўзбекистонда чет тил ўқитилишига катта таъсир ўтказди.

Уқув-методик топшириқлар

1. Собиқ иттифоқ чет тил ўқитиш методикаси тарихи қандай босқичларга бўлинишини айтиб беринг.
2. Бешинчи босқич хусусиятларини таҳлил этинг.
3. Сўнгги босқичда қайси масалалар чуқур кўриб чиқилганлигига эътибор беринг.
4. 40-йиллардан бошлаб чет тиллар ўқитишнинг қандай методидан фойдаланилмоқда? Замонавийлаштирилган онгликёсий метод моҳиятини изоҳлашга ҳаракат қилинг.

3-§. Ўзбекистонда чет тил ўқитиш тарихи

Дунёнинг барча бурчагида бўлганидек, Ўзбекистон ҳудудида ҳам, она тилидан ташқари ўзга халқлар тилларини билиш кишилар орасида қадимдан таомил бўлган. Бирдан ортиқ тилни бир йўла билиш тарихи мукамал ўрганилмаган ижтимоий ҳодисалиги маълум. Бироқ тарихий шахслар ҳақидаги маълумотлардан аниқланадики, барча замонларда чет тилни

Ўрганиш эҳтиёжи сезилиб турган. Буюк мутафаккирликнинг биринчи мезони зуллисонийлик ёки кўп тиллилик (полиглоссия) ҳисобланади, оддий халққа ҳам бу белги хосдир. Болаликдан ўзбеклар тожик тилини¹, тожиклар ўзбек тилини эгаллаши қадимдан анъана бўлган.

Ўзбекистонда яшовчи халқлар бир-бирлари тилларини билишган, тиллар уларни яқинлашишлари омили, қуда-андачилик сабабчиси бўлган. Ўзбек халқи маънан ва жисман байналмилаллиги сир эмас.

Қўшнилар тилини билишдан ташқари узоқ юртлар тилини ўрганилганлиги ҳам тарихдан маълум. Юртимиз аҳолиси орасида араб, форс тиллари ўз даврида кенг тарқалган. Давлатдан динни ажратиш даврига келиб (XX асрда), арабийғўйлар камайиб кетган.

Оврупо тилларини ўрганиб қайтганлар, рус тилини билганлар анча миқдорни ташкил этган. Ушбу илмий масала ўз тадқиқотчиларини кутиб турибди.

Ўтган асрнинг етмишинчи йилларидан Оврупо тиллари ўқитила бошланган. (Қисқача маълумот VII бобнинг 1-Ҷида ҳам келтирилган.)

Ўзбекистонда чет тил ўқитиш тарихи бирмунча тадқиқ этилган². Методист Римма Александровна Зарипова жумҳуриятда чет тил ўқитиш тарихини олти даврга ажратган: I давр — XIX асрнинг етмишинчи йилларидан 1917 йилгача; II давр — 1917 йилдан 30 йиллар бошларигача; III давр — 1930 йиллар ва 40-йилларнинг биринчи ярми; IV давр — 1940 йиллар ўртасидан 1960 йиллар бошларигача; V давр — 1960 йиллардан 1970 йилларнинг бошларигача; VI давр — 1970 йиллар бошидан кейинги вақтни ўз ичига олади. (Ўзбекистон мустақил бўлгандан сўнг янги давр бошланди.)

Ўзбекистонда чет тил ўқитиш тарихини даврлаштириш чоғида қуйидагиларга эътибор берилмоғи керак: **биринчидан**, «чет тил ўқитиш методикаси» жумҳуриятда 1950 йиллар ўрталаридан илмий тадқиқ этила бошланди. «Ўзбекистон методикаси» тушунчаси шу даврга тааллуқли, ундан олдин Республикада оригинал дарслик ва қўлланмалар, илмий методик адабиётлар ишланган эмас; **иккинчидан**, методика махсус ишлаб чиқилмаган экан (рус мактаблари методикасидан фойдаланилган), уни даврлаштириш ғояси номақбулдир, чунки даврлаштириш бевосита методик системага тегишли; **учинчидан**, республика мактабларида чет тил ўқитиш унинг методикаси

¹ Мас. Амир Темур болаликдан туркий ва тожик тилида эркин гапирган. Қаранг: А. Ю. Якубовский. Тимур и его время. — В кн. История народов Узбекистана, том I, часть VII, глава I. — Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1950, 345-бет.

² Р. А. Зарипова. Чет тиллар ўқитиш методикасидан қўлланма. — Тошкент: Уқитувчи, 1986, 67—119-бетлар. (Дарсликда шу маълумотдан фойдаланилди.)

қанчалиқ ишлангани билан боғлиқ бўлганидек, собиқ иттифоқда чет тил ўқитиш методикаси даврларидан фарқ қиладиган ўзига хос босқичлар белгиланди.

И. В. Рахманов ва А. А. Миролубовларнинг тадқиқотлари доирасидаги тарихий маълумотларни асосан маъқуллаган ҳолда жумҳурият ҳудудида чет тил ўқитиш тарихини шартли уч босқичга бўлиш тавсия этилади: I босқич — 1924 йилгача; II босқич — 1924—1960; III босқич — 1961 йилдан бошланади.

Бундай даврлаштиришни қуйидаги илмий мезонлар асосида далиллаш ўринлидир. 1917 йилгача ўзбек ўқув юртларида чет тил икки мақомга эга бўлган: биринчиси — Шарқ тиллари диний ўқув муассасаларида ўрганилган, иккинчиси Оврупо тиллари русча ўқув юртларида ўргатилган. Демак, ўзбеклар учун махсус ўқув воситалари нашр этилган эмас. 1924 йилдан эътиборан (жумҳурият ташкил этилгандан бошлаб) махсус ўқув режалари доирасида чет тил ўқитила бошланди. Бироқ 1961 йилга қадар ўзбек синфлари, гуруҳлари ёки ўрта ва олий мактаблари хусусиятларини ҳисобга оладиган ўқув қўлланмалари мунтазам чиқарилган эмас. Тарихда илк бор 1961—1964 йилларда 5—8-синфлар учун инглиз, немис, француз тиллари дарсликлари тайёрланди ва мактаб ҳаётига жорий этилди. Уччала мезон, яъни (1) ўқув режалари ишланмаганлиги, (2) ўқув режасига чет тил киритилган, бироқ ўқув воситалари чиқарилмаганлиги ва (3) ўқув воситаларини нашр этиш йўлга қўйилганлигини ҳисобга олади. (Ўзбек мактабларида чет тил ўқитиш методикаси тарихи илк бор ушбу китобда бақадриҳол умумлаштирилди).

Ўзбекистонда чет тил ўқитиш масалалари мавжуд илмий манбаларда чуқур ёритилмаганлиги сабабли қуйида у ҳақда муфассалроқ тўхтаб ўтилади.

Туркистон рус подшолиги томонидан босиб олиниши оқибатида ўлкада халқ маорифининг ўзига хос икки тарафлама системаси ривожланди. Бир томондан, масжид ва мадрасалар қошидаги бошланғич мусулмон мактабларининг кенг тарқалган тармоғи ишлашда давом этар эди. Уларда ўқитишнинг асосий мазмуни исломият таълумотларидан иборат эди. Иккинчи томондан, Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил қилингандан сўнг бу ўлкада рус мактаблари очила бошланди. 1867 йилга келиб, уларнинг сони 10 га етган эди. Акад. Василий Владимирович Бартольд фикрича, ўлка генерал-губернатори Кауфман «мусулмон руҳонийлари ва мусулмон ташкилотларини, шу жумладан ўқув муассасаларини ҳам инкор этиш йўлини тутар эди».¹

Русийзабон аҳолининг кўплаб кўчиб келиши ва пайдо бўлаётган маҳаллий буржуазия эҳтиёжлари маориф системасининг қайта қурилишини талаб қилмоқда эди. Ўлкада русий-

¹ В. В. Бартольд. История культурной жизни Туркестана. Соч. том II, ч. I. — М.: Изд-во Восточной литературы, 1963, 297-бет.

забонлар учун ўрта ўқув юртлари пайдо бўла бошлайди, 1906 йил охирига келиб, ўлкада ўқишлар рус тилида олиб бориладиган бешта эркаклар ва бешта аёллар гимназиялари, иккита реал ўқув юртлари, муаллимлар семинарияси, Тошкент кадетлар корпуси ва бир қатор бошқа ўқув юртлари ишламоқда эди. Шулар билан бирга тўрт йиллик рус-тузем мактаблари пайдо бўла бошлайди. Булардаги ўқитиш мақсади кейинчалик ўлкадаги турли ташкилотларда ишлаш учун маҳаллий аҳоли орасидан рус тилини эгаллаб олган шахсларни тайёрлашдан иборат эди. Бу мактаблар «ижтимоий-сиёсий қиёфаси туфайли мавжуд бўлган барча камчиликларга қарамасдан, Туркистон аҳолиси орасида бошланғич таълим асосларини бошлаб берди»¹.

Бироқ бундай ўзгаришлар юз берганида ҳам халқ маорифида маҳаллий аҳолини камситиш кузатилар эди, тўлиқ маълумот русларгагина берилар эди. Маҳаллий аҳолининг ҳатто бой оилаларидан гимназия ёки реал ўқув юртларини битириб чиққан кишилар ҳали кам учрар эди.

Ерли аҳолининг тўлиқ ўрта ва олий маълумотли бўлиши учун таълимий тўсиқлардан бири Оврупо тиллари эди. Француз ва немис тиллари чор Русиясида фақат синфий имтиёзгина бўлмай, балки миллий имтиёз ҳам эди. Бу тасодифий ҳол эмас, чунки чекка ўлкалардаги меҳнаткаш аҳоли қўш — синфий ва миллий — зулм остида эди. Шундай қилиб, Туркистон ўлкасида чет тиллар асосан рус аҳолисининг имтиёзли табақалари томонидан ўрганилар эди. Бу тиллар гимназияларда, реал ўқув юртларида, кадетлар корпусида ва тожирлар ўқув юртида ўқитилар эди. Бундан ташқари Тошкентда катта ёшдаги аҳоли учун чет тиллар курслари очилган эди.

«Туркестанские ведомости» газетаси 1908 йилда немис тили курси очилганлигидан хабар беради. 1910 йилда чет тилларни ўрганиш бўйича яна битта курс очилади. Ниҳоят офицерлар учун Варшава курсига ўхшаш чет тиллар курси очилиши масаласи қўйилади. Буларнинг ҳаммаси фақат русларга мўлжалланган эди.

Туркистонда чет тилларни ўрганишнинг XIX аср охиридаги ўзига хос хусусияти — инглиз тили киритила бошланиши бўлди. Бу тил офицерлар курсларида ўқитилар эди. Бу тушунарли, чунки, Шарқда, ишлаш учун офицерлар тайёрланар, у ерда инглиз тилини билиш тамомила зарур эди. Баъзи ўқув юртларида инглиз тили немис тили билан алмаштирила бошланди. Туркистондаги ўқув юртларига инглиз тилининг киритилишини Буюк Британия таъсири доирасида бўлган Эрон, Афғонистон каби мамлакатлар билан савдо алоқалари мавжуд эканлиги билан тушунтириш мумкин. Маълумки, Шарқ мамлакатлари ҳақидаги асарларнинг кўпчилиги инглиз тилида

¹ С. Р. Раджабов. К истории советской школы в Узбекистане. — Ташкент: Учпедгиз, 1955, 10-бет.

ёзилган. Шунинг учун инглиз тилига бўлган эътибор турли доиралар томонидан қўллаб-қувватланган.

XIX асрнинг етмишинчи йилларидаги чет тил методикасида ўзга тилдаги матнларни ўқиш ва таржима қилишни ўргатишга мўлжалланган грамматика-таржима методининг қисман ўзгарган кўриниши пайдо бўлди. XIX аср охирига келиб чет тиллар ўқитишнинг мақсад-вазифалари ва мазмуни ўзгаради, бу, айниқса, тожирлар ўқув юртларида юз берди. Ўқув дастурида инглиз тили ўрганишга қуйидаги талаблар қўйилган эди: «1) классик адабиётдан парчалар ўқиш; 2) ўқилган матнни оғзаки ва ёзма сўзлаб бериш ҳамда мавзу бўйича инглиз тилида суҳбат олиб бориш; 3) инглизлар кенг қўллайдиган грамматикани ўрганиш; 4) инглиз тилидан таржима қилиш»¹. Тожирлар ўқув юртлари фақат матнни ўқиш ва таржима қилишни биладиган мутахассисларни эмас, балки оғзаки нутқни эгаллаган ва ўрганилаётган тилда хат ёзишга қодир кишиларни тайёрлаб чиқариши керак бўлган. Бу талабларга, табиийки, грамматика-таржима методи орқали эришиш мумкин эмас.

XIX асрнинг охирига келиб оғзаки нутқни эгаллашга йўловчи тўғри метод тарқалди. 1900 йилда тўғри методни маъмурий йўл билан жорий этмоқчи бўлишди.

Россияда тўғри методга бўлган қизиқиш тасодифий ҳол эмас эди. 1881 йилда чет тиллар ўқитиш методикаси соҳасида ислоҳот ўтказишга биринчи марта расмий суратда уриниб кўрилди.

Туркистонда ўша даврнинг машҳур муаллими С. М. Граменицкий ўз мақоласида² тўғри методнинг ижобий томонларини айтиб, она тилидан олинган билимга таянишдан бутунлай воз кечишга қатъиян қарши чиқади. Фақат зарурат бўлгандагина қондани тушунтириш лозимлиги ҳақидаги ғояни таъкидлайди. С. М. Граменицкийнинг фикрлари педагогика жамияти томонидан қўллаб-қувватланади.

Муаллимлар масаласида бир неча сўз айтиб ўтиш лозим. Тошкентдаги Алексеев тожирлар ўқув юртида француз тилини Парижда Олий тожирлар институтини тугатган киши, инглиз тилини — англиялик, немис тилини эса илгари Маориф вазирлигида ишлаган немис муаллим ўқитар эди. Чет тил муаллимлари Москва, Петербург ва бошқа шаҳарлардаги дорилфунунларни, баъзилари эса чет тиллар курсларини битириб чиққан кишилар эди.

Аҳолиси шафқатсиз зулм-истибод остига олинган чор империясининг собиқ чекка ўлкаларида ҳам 1917 йилдаги ҳаммага маълум Октябрь ўзгаришлари юз берди. Маориф ва маданият соҳасида янги-янги вазифалар пайдо бўла бошлади.

Туркистон Халқ маорифи вазирлиги умумий меҳнат мак-

¹ ЦГА УзССР, ф. И—64 оп. 1, д. 2237, л. 34.

² С. М. Граменицкий. О методах преподавания языков // «Туркестанские ведомости», 1908, № 81.

табига татбиқ этиш учун «...бошланғич мактабда маҳаллий тил; ўрта мактабда — ўқувчиларнинг майлига кўра француз, немис, инглиз тилларидан бири мажбурий», деб буйруқ чиқарди.¹ Буйруқ Туркистонда чет тилларнинг ёйилишига йўл очди.

Чет тиллар ўқитиш маҳаллий аҳоли орасида ўрта мактабда эмас, балки олий ўқув юртларидан бошланди, 1918 йилнинг ёзида Туркистон халқ дорилфунуни қошида чет тиллар институти ташкил қилинди. 1930 йилда Урта Осиё Радиомарказида инглиз тили сиртқи курслари очилди. Ёшлар ташкилоти Урта Осиё Бюросининг ташвиқот бўлими Тошкент шаҳридаги муассасаларга чет тил ўрганишни истовчилар рўйхатга олинишини эълон қилди.

Олий ўқув юртларида чет тиллар янада жадал суръатлар билан ўқитила бошланди. 1921 йилда Урта Осиё давлат дорилфунуни тингловчилари орасида ўзбеклар ҳам бор эди.

1931 йилда ташкил этилган Тошкент чет тиллар икки йиллик курси мактаб ва олий ўқув юртларини кадрлар билан таъминлай олмаслиги тамомила равшан эди. Бундан ташқари бу курсларда маҳаллий миллат вакиллари йўқ эди. Ўзбекистон ўқув юртлари эса худди мана шундай тубжой ўқитувчи кадрларга муҳтож эди. 1934 йилда икки йиллик курслар кечки педагогика институти қошида муаллимлар институти ҳуқуқига эга бўлган чет тиллар факультетига айлантирилди. Унга маҳаллий аҳолидан ҳам талабалар қабул қилинди. Агар 1935 йилда Тошкент кечки педагогика институти чет тиллар факультетида ҳаммаси бўлиб учта ўзбек ўқиган бўлса, 1936 йилнинг охирига келиб уларнинг сони 25 тага етди. Факультетда жами 236 киши ўқиётганини ҳисобга олганда бу рақам унчалик катта эмаслиги кўринади, албатта.

1941 йилнинг январь ойида Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети мактабларда чет тиллар ўқитишни яхшилаш тўғрисида қарор қабул қилди. Унга кўра 1941/42 ўқув йилида 5-синфдан бошлаб барча шаҳар мактабларида, 1944 йилга келиб эса барча қишлоқ мактабларида чет тиллар киритилишига эришиш вазифаси кўрсатилди. Чет тиллардан қониқарсиз баҳо олган ўқувчи ва талабаларни кейинги синф ёки курсга ўтказиш ман қилинди. Тошкент педагогика институти ва кечки педагогика институти қошидаги чет тиллар факультетлари заминида Тошкент чет тиллар педагогика институтини очиш мўлжалланган эди. 1938 йилда РСФСР да нашр этилган мактаб дастури қайта ишлаб чиқилгач, Ўзбекистонда 1940 йилдан бошлаб у ишга туширилди.

Бироқ марказда ишлаб чиқилган дастурларни Ўзбекистон мактаблари шароитига мослаштиришга биринчи уринишларни муваффақиятли деб бўлмайди. Чамаси, бунга сабаб дастурларни маҳаллийлаштириш масалалари методикада умуман кўрилмаганлигида бўлса керак.

¹ Основные принципы единой трудовой школы. Народное образование в СССР. — Сб. документов за 1917—1973 гг. — М., 1974.

Аммо бундай мослаштирилган дастур билан ишлаб бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. «Чет тиллар ўргатишни яхшилаш тўғрисида» ҳамда «Чет тиллар ўқитувчилари тайёрлаш ҳақида»ги (1947 йил) марказий ҳукумат қарорлари чет тиллар ўқитишни йўлга қўйишда сезиларли босқич бўлди. Ўзбекистон ҳукумати 1948 йилда «Чет тиллар ўқитишни яхшилаш тўғрисида» ва «Чет тил муаллимлари тайёрлашни ташкил этиш ҳақида» қарор қабул қилди. Тошкент чет тиллар институтини очиш таклиф қилинди ва бу институт 1948 йилда ташкил этилди. 1949 йили институт қошида сиртқи бўлим, 1960 йилда эса кечки бўлим очилди.

1959 йилга келиб, Ўзбекистон Маориф вазирлиги маълумотига қараганда, чет тиллар жумҳуриятдаги мактабларнинг 37 фоизда ўқитилган.

50-йилларда рус мактаблари учун чет тил бўйича нашр этилган дастур ва дарсликларни ўзбек мактабларининг хусусиятларига монанд мослаштириш ишлари давом эттирилди. Муаллимлар Ўзбекистон мактабларида ишлашга доир дастлабки методик мақола ва кўрсатмалар олдилар. Мас. 1959 йилда «Дополнительное самостоятельное чтение на иностранном языке в школах Узбекистана» қўлланмаси босмадан чиқди. Шундай қилиб, мактаб фақат ўқув қўлланмаси эмас, балки методик адабиёт ҳам ола бошлади.

1948 йилдаги 370 талабадан ҳаммаси бўлиб 15 тасигина маҳаллий миллат вакиллари, шундан 12 таси ўзбеклар эди. 1956/57 ўқув йилида 1163 талабадан 632 киши ерли аҳолига мансуб бўлиб, улардан 545 таси ўзбеклар эди. Бошқа олий ўқув юртларининг чет тиллар факультетларида таълим олаётган маҳаллий миллат вакиллари сони ҳам кўпайди. Улар орасида илмий даража ва унвонларга эга бўлган муаллимлар пайдо бўла бошлади. Уша даврда қиёсий тилшуносликдан Я. Р. Беньяминов, Х. С. Барноҳўжаева, ўзбек мактабларида инглиз тили ўқитиш методикасидан ҳам (Е. А. Анисимова, И. Я. Вагина томонидан) кандидатлик диссертациялари ёқланди.

Бу фактлар 50-йилларда қиёсий тилшунослик ва ўзбек мактабларида чет тил ўқитиш методикаси соҳасида илмий ишларни кенг кўламда бошлаб юбориш учун биринчи марта шарт-шароит яратилганлигидан далолат беради. Ўқитиш методикаси илмий мактабини яратиш учун замин ҳозирланганди. Ўқитишнинг хусусий масалаларини ёритувчи методик ишлар пайдо бўла бошлайди.

1957 ва 1959 йилда ўзбек мактабларида чет тил ўқитиш хусусиятларига бағишланган мақолалар тўпламлари босилиб чиқди. Уларда предлоглар, сўз тартиби, феъл шакллари ўрганишда содир бўладиган қийинчиликлар ва уларни бартараф этиш йўллари кўрсатиб берилган.

Уша шароитда чет тиллар ўқитиш фидойиси немисзабон мутахассис Степан Семенович Галянтнинг ўқувчилар билими,

қўникма ва малакаси бир хил даражада бўлмаган синфларда ишлаш тўғрисидаги мақоласи муҳим воқеа бўлди.¹ Бу Ўзбекистондаги ўша давр учун долзарб эди, чунки чет тил ўрганмаган ёки етарли даражада ўқимаган ўқувчилар кўплаб топилар эди. Бу мақолалар хусусий методик муаммоларга тааллуқли бўлган, бироқ яхлит хусусий методика ҳали шаклланмаган эди.

Чет тиллар ўрганишни истовчилар учун курслар очилиши олтишинчи йиллардаги чет тил ўқитиш соҳасида жиддий ўзгариш бўлди. Чет тиллар институтида ва факультетларида маҳаллий халқлар вакилларининг сони ошди. Агар 1961/62 ўқув йилида Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти (ТДЧТПИ)да ўқиётган 1377 студентдан 997 таси, яъни 72 фоизга яқини ўзбекларни ташкил этган бўлса 1970/71 ўқув йилига келиб институтда 2672 талаба ўқиди, улардан 2267 киши, яъни 84 фоизи ўзбеклар эди. 1962 йилда ТДЧТПИ қошида икки йиллик олий педагогик курслар, 1969 йилдан Ўрта Осиё олий ўқув юртларининг чет тил муаллимлари малакасини ошириш факультети ишлай бошлади. Бу курслар юқори ма-лакали кадрлар тайёрлашнинг нуфузли ўчоғига айланди.

Чет тилларни ўрганиш тўғрисидаги 1961 йил ҳукумат қарори жумҳуриятда чет тилларни ўрганишни ташкил қилишда ва кадрлар тайёрлашда ҳақиқий бурилиш бўлибгина қолмай, балки ўқитиш мақсадларини аниқлаш соҳасида ҳам янги даврни бошлаб берди. Жамиятнинг социал талаби ўзгариши муносабати билан чет тиллар ўқитишнинг мақсади тил ўқиётганларнинг оғзаки нутқини ўстиришдан ва таржимасиз ўқишдан иборат бўлиб қолди.

Ўзбек мактаблари учун чет тиллардан оригинал дарсликлар (1961—64) нашр этилди. Илмий-методик тадқиқотлар олиб боришга катта эътибор берилди. Олтишинчи йиллар ўзбек мактабларида чет тиллар ўқитиш методикасини шакллантириш учун муҳим давр бўлди. Тил материалини, жумладан, грамматик материални танлаш муаммоси ҳал этилди. Бу илмий изланишлар хусусий дастурнинг келгусида грамматика қисмини яратиш учун замин яратди.

Ушбу даврда талаффузни ўргатиш соҳасида ҳам текширишлар олиб бориш кенг тус олди. Дарсликларда инглиз, немис ва француз тиллари товушларини ўзбек тили товушлари билан қиёсланди. Буни немис тилидаги унли товушларни ўзлаштириш учун қиёслаш машқлари ўтказилишини тавсия қилган марҳум методист Аҳмад Қодирович Мамажоновнинг текширишлари ҳам тасдиқлайди.²

¹ С. С. Галянт. Организация уроков в классах с неодинаково подготовленными учащимися. — В сб. Вопросы методики преподавания иностранных языков. — Ташкент: Учпедгиз, 1957.

² А. Қ. Мамажонов. Как улучшить преподавание учащимся на уроках немецкого языка. — Сб. Из опыта работы преподавателей иностранных языков в школах Узбекистана. — Ташкент: Средняя и высшая школа, 1964, 45-бет.

Методистлар грамматика ўқитиш методикасини ишлаб чиқишга, айниқса, фаол киришишди. 1965 йилда биринчилардан бўлиб ўзбек олими Ҳамид Бойқўзиев¹ инглиз тили содда гапида сўз тартибини ўзлаштириш бўйича машқлар системасини таклиф қилди. Шуниси муҳимки, тавсиялар Ўзбекистон мактабларида ўтказилган тажрибаларга асосланган эди.

Етмишинчи йилларнинг бошида чет тил ўқитиш мазмунини белгилашда жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Шу йилларда ўзбек мактаблари учун оригинал дастур яратилди. Дастур лойиҳаси 1968 йилда эълон қилинган эди². Унга собиқ СССР Педагогика Фанлари Академияси томонидан тайёрланган дастур лойиҳалари асос қилиб олинди. Дастурда икки вазифа — оғзаки нутқни ва ўқишни ўргатиш назарда тутилади.

Мактабларнинг иш хусусиятларини эътиборга олувчи чет тиллар ўқитишнинг ўзига хос мазмуни таркиб топди. Бу чет тиллар ўқитиш методикаси юзасидан Ўзбекистонда кенг қулоч ёйган катта илмий-текшириш ишининг натижаларидан бири бўлди.

Ўзбекистонда чет тил ўқитиш методикаси масалаларини илмий тадқиқ қилишда етмишинчи йиллар сермахсул давр бўлди. Эллигинчи ва олтмишинчи йилларда фақат айрим методик изланишлар олиб борилган бўлса, энди мактаб методикаси соҳасида қатор номзодлик диссертациялари тил материали ва нутқ фаолияти турларини ўргатишга бағишланди (Д. Д. Джалалов. Постановка английского произношения в узбекской школе. Автореферат канд. дисс. — М., 1972; Т. Эминов. Методика обучения синтаксису немецкого языка в V—VII классах узбекской школы. Автореферат канд. дисс. — М., 1973; М.Ю. Салиева. Особенности учета русского языка при обучении английскому в школах с узбекским языком обучения (V—VII классы). Автореферат канд. дисс. — М., 1976; Б. С. Раджапов. Обучение монологической устной речи на английском языке в V—VII классах узбекской общеобразовательной школы. Автореферат канд. дисс. — М., 1977; И. Э. Тарсина. Пути преодоления структурно-грамматических трудностей при чтении на немецком языке в старших классах узбекской школы. Автореферат канд. дисс. — М., 1978).

Олий ўқув юртларининг ўзбек ва қорақалпоқ гуруҳларида чет тилларни мутахассислик сифатида ўқитиш методикасига оид номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди (Л. Р. Беньяминов. Методика преподавания английских временных форм Past Indefinite и Past Continuous в узбекской студенческой аудитории. Автореферат канд. дисс. — М., 1970; А. Парвиев. Методика обучения английским модальным глаголам и их эквивалентам во взрослой аудитории с узбекским языком. Авто-

¹ Х. Байқўзиев. Методика обучения строю простого предложения английского языка в восьмилетней школе Узбекистана. Канд. дисс. — М., 1965.

² Программы по иностранным языкам для узбекской школы (Проект). Отв. ред. Джалалов Д. Д. — Ташкент: Ўқитувчи, 1968.

реферат канд. дисс. — Ташкент, 1975; А. Курбанбаев. Методика обучения немецким предложениям студентов первого курса каракалпакской аудитории (на факультете иностранных языков). Автореферат канд. дисс. — Киев, 1975).

Саксонинчи йилларда илмий текширишлар изчил давом эттирилди. Мактабда чет тил ўқитиш муаммоларини ёритадиган номзодлик диссертациялари тайёрланди (Х. Сайназаров. Обучение лексике английского языка в старших классах узбекской школы. Автореферат канд. дисс. — Л., 1982; Т. К. Саттаров. Методическое содержание обучения активной грамматике английского языка в узбекской средней школе. Автореферат канд. дисс. — М., 1982; М. М. Мамаджанова. Формирование рецептивных грамматических навыков английского языка у учащихся на начальном этапе обучения. — Автореферат канд. дисс. — М., 1982; Ю. Э. Темиров. Экспериментальное исследование эффективности переводных упражнений при обучении грамматическому строю английского языка (начальная ступень школьного обучения). Автореферат канд. дисс. — Киев, 1983).

Олий ўқув юртида француз ва немис тили ўқитиш методикасидан номзодлик диссертациялари ёқланди Н. Бакаев. Методика обучения пониманию форм прошедшего времени французского глагола при чтении литературы по специальности (в национальных группах исторических факультетов пединституты Узбекиской ССР). Автореферат канд. дисс. — Киев, 1985; Р. Н. Кремер. Обучение речевому синтаксическому навыку немецкого языка студентов национальных групп (на материале I курса языкового вуза). Автореферат канд. дисс. — Л., 1987; М.С. Дадаходжаева. Формирование ритмико-интонационных навыков высказывания на начальном этапе языкового вуза (при контакте немецкого языка с узбекским). Автореферат канд. дисс. — М., 1987).

Методик тадқиқотлардан ташқари чет тиллар материалида педагогика масалаларига бағишланган номзодлик диссертацияларини жумхурият чет тил муаллимлари ва методистлари ҳимоя қилишган (Р. А. Зарипова — 1969; Т. Б. Ҳамдамов — 1973; М. Бобожонова — 1975; Б. Жабборов — 1975; А. П. Упова — 1979; Д. А. Фозилова — 1979; Э. Эргашев — 1983).

Жумхурият тарихида, ҳатто Ўрта Осиёда, чет тил ихтисосидан биринчи бўлиб, Абдузухур Абдумажидович Абдуазизов инглиз ва ўзбек тили фонетикасини қиёсий ўрганишга бағишланган докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган (Москва — 1974). Саксонинчи йилларда чет тиллар филологиясидан жумхурият мутахассислари томонидан яна бир нечта докторлик, ўнлаб номзодлик диссертациялари ёқланган. Улар орасида Мухтор Эшонхонович Умархўжаев (немис тилидан биринчи фан доктори), Жамолдин Бўронов, Уткир Қурбонвич Юсупов, Қаҳрамон Сатторович Тайметов, Қудрат Мусаевларнинг докторлик тадқиқотларини эслаш кифоя. 90-йилларга

келиб, чет тиллар мутахассислари ўқитиш методикасидан профессорлик илмий унвони (Ж. Жалолов — 1991), немис тили филологиясидан докторлик илмий даражаси (Несиббой Авазбоев — 1993) соҳиблари бўлишди.

Юқорида келтирилган ва бошқа илмий тадқиқотлар чет тил ўқитиш методикасининг Ўзбекистонда хусусий соҳаси яратилиши ва жумҳурият ўрта мактаблари ва олий ўқув юртларида чет тил ўқитиш методикаси илмий мактаби шаклланишига имконият туғдирди.

Ўзбекистон чет тил методистлари собиқ Иттифоқ миқёсида салмоқли илмий масалаларни кўтариб чиқиш ва ҳал қилишга эришдилар (улар ҳақида ушбу дарсликнинг «Иккинчи қисми» даги тегишли бобларда муфассал маълумотлар келтиради).

Жумҳурият чет тиллар ўқитиш методикасида орттирилган амалий ва назарий тажриба дарсликлар (1971—1974), методик қўлланмалар, ўқув дастурлари тузишда асқотганлиги кўпчиликка маълум.

Ў қ у в - м е т о д и к т о п ш и р и қ л а р

Ўзбекистон ҳудудида 1924 йилгача чет тиллар ўқитишда мавжуд бўлган тарихий маълумотларни ўрганиб чиқинг ва қисқача изоҳлаб беринг.

2. 1924 — 1960 йилларда жумҳуриятда чет тиллар ўқитилишининг асосий хусусиятларини таҳлил қилинг.

3. 1960 йилдан кейинги босқичда чет тиллар ўқитиш қандай томонлари билан олдинги даврлардан ижобий фарқ қилишини муҳокама қилинг.

4. Методика ва тилшуносликка оид жумҳурият чет тил муаллимлари ва методистлари тайёрлаган илмий ишлар ҳақида фикр юритинг.

ЧЕТ ТИЛДА НУТҚ ФАОЛИЯТИ ТУРЛАРИНИ УРГАТИШ

VIII боб. ЛЕКСИКАНИ УРГАТИШ

«Лексика» ва унга алоқадор тушунчалар ҳақида

Рухшунослар эътироф этишларича, инсон боласи кишилик жамияти орттирган тажрибани сўз орқали ўзлаштиради¹, чунки тафаккур сўз ёрдамида содир бўлади. Сўз тил бирлиги сифатида тушунча(лар)ни ифодалайди. Тилдаги сўзлар мажмуи лексикани система сифатида ташкил этади.

Сўзнинг **ҳиссий** (ташқи) ва маъновий (**ички**) томонлари бор. «Ҳиссий» атамаси сўзнинг «қўзғовчи» эканлигидан дарак беради. Қўрув ва эшитиш сезгилари ёрдамида уни кўрамиз (ўқиймиз) ва эшитамиз (тинглаб тушунамиз). Уни айтишимиз (нутқҳаракат сезгиси орқали) ва ёзишимиз (қўлҳаракат сезгиси ёрдамида) мумкин. Сўз ёзилган ёки айтилган пайтда, уни кўриш ёки эшитиш мумкин. Сўзнинг ички (маъновий) жиҳати дейилганда, мазмун ва тушунча назарда тугилади. Маъно деганда, ўзи ифодалаётган нарса ёки ҳодисага боғланиши тушунилади. Тушунча эса — нарса ва ҳодисанинг муҳим белгиларини акс эттирувчи тафаккур шакли. Тушунча қиёслаш, анализ мавҳумлаштириш, синтез, умумлаштириш каби мантиқий усуллар туфайли шаклланади. Мас. «оқ» тушунчасини испан, инглиз **немис, француз, форс** ва рус тилларида» blanco, white, weiß, blanc, сафед, белый» шаклларидаги сўзлар орқали ифодаланади. Ифодаланадиган тушунча битта, сўз эса етита. Ҳар бир сўз, агар у атама бўлмаса, яна бир неча маъно билдириши мумкин, мас. оқ қоғоз, оқлар, оққа кўчирмоқ, оқ сувоқ, оқлаиб чиқмоқ кабилардаги «оқ» турли маънода келяпти.

Маънони тилшунослик ўрганади, тушунчани эса рухшунослик тадқиқ этади. Сўзнинг маъноси — тилга оид атама, уни лугатдан топиш мумкин. Сўз мазмуни — нутққа тааллуқли, лугатдан топилмайди, кишининг тажрибаси ёки бевосита вазиятдан маълум бўлади. Мас. «беш» сўзнинг маъноси лугатда келтирилган. Нутқда қўлланишига қараб, уни ўқувчи, «ўқишдаги — ютуқ» баҳо билан, автобус кутувчи транспорт маршрути билан, бозорчи (харидор ва сотувчи) нарсанинг нархи — сўм, доллар билан фикран боғлаши мумкин.

¹ Общая психология // Под ред. А. В. Петровского, 2-е изд. — М.: Просвещение, 1977. 165-бет. (3-изд. — 1986, ўзбекча нашри — Тошкент: Ўқитувчи, 1992).

Сўзнинг тўртта шаклий — товуш (фонетикада), ёзилиш (графикада), тузилиш (лексикологияда) ва грамматика (морфологияда) томонлари ўрганилади.

Ҳозирги замон ҳинд-оврупо тилларида лексика ярим миллионгача сўздан ташкил топади. Тилда 400—500 та сўз ёрдамида мулоқот юритиш мумкин. Маълумотли одам оғзаки ва ёзма фикр баён этиш учун 3000—5000 та сўз ишлатади. Уқиб ва тинглаб тушунишда унга қараганда анча кўп сўзни билади. Буюк шоир ва ёзувчилар ижодида 20—25 минг сўз қўлланади (мас. А. Навоий, В. Шекспир, А. С. Пушкин, А. Қаҳҳор каби-лар).

Сўзларни турли нуқтаи назардан тасниф этганда: лексик-грамматик тоифада (сўз туркумлари), сўз ясаш усулларига кўра (содда, қўшма, ясама), вазифасига биноан (муस्ताқил ва ёрдамчи), мавзу ва атамалар гуруҳи, семантик доираси каби-лар ҳисобга олинади.

Ташқи олам инсон онгида нарса ва сўз тимсоллари тарзида шаклланади. Иккинчи сигнал системаси сифатида сўз предмет ва ҳодиса тимсолини қўзғайди, мас.«нон» сўзини эшитганда ёки ўқиганда кўз олдимишда «егулик» пайдо бўлади.

Лексикани ўргатишда тилдаги тушунчаларнинг ўзаро муносабати турларини назарда тутиш зарур: биринчидан, **тобелик**, яъни тор ва кенг тушунча мавжуд, мас. аёл, эркак→одам; қиз, ўғил→фарзанд; иккинчидан, **мос келиш** — икки тушунча мазмунан фарқ қилади ва улар ҳажман мос келади, мас. ташриф буюрмоқ — келмоқ; таваллуд топди — туғилди; учинчидан, **қисман тўғри келиш** — бир тушунча иккинчисини қисман қамраб олади, мас. олим — методист; педагог — музикачи; тўртинчидан, **ўзаро боғланмайдиган тушунчалар**, улар орасида мазмунан ва ҳажман ҳеч қандай умумийлик бўлмайди, мас. сумалак ва қалам; наврўз ва алгоритм.

Она тили ва чет тил тушунчалари таққосланганда тўлиқ ўхшашлик, қисман мос келиш ва бутунлай фарқ қилиш ҳолатлари кузатилади, уларнинг аёний тасвири қуйида келтирилади:

Тушунчалар муносабати	Ўзбекча	Инглизча	Испанча	Немисча	Фран-цузча	Русча
тўлиқ ўхшаш	сув	water	agua	Wasser	eau	вода
қисман ўхшаш	қўл	1.arm 2.hand	1.brazo 2.mano	1.arm 2.hand	1.bras 2.main	рука
бутунлай фарқ қилади	шанбалик	—	—	—	—	суббот-вик
	—	lunch	—	—	—	—
	—	—	siesta	—	—	—
	—	—	—	Herr	grand déjeuner	—

Чет тил лексикасини ўргатишда тўлиқ ўхшаш тушунчаларни она тили сўзлари билан, қисман ўхшашларни сўз бирикмаси орқали ва бутунлай фарқ қиладиган сўзларни эса ўша тилдаги сўз билан ёки тавсифий тушунтириш ёрдамида тақдим этилади.

Сўзнинг **моддий ифодаси** (фонема, графема ва морфемалардан иборатлиги), **мазмуни** (маъно ёки сигнификат), нарса, ҳодиса ва улар орасидаги муносабатларни ифодалаши (унинг **денотатлари**) кабилар унинг табиатан мураккаблигидан далолатдир.

Қуйидаги мисолларга эътибор беринг:

ўзб.	ингл.	исп.	нем.	фр.	рус.
бормоқ келмоқ	go come	ir venir	gehen kommen	aller venir	идти

Ушбу мисоллардан кўриниб турибдики, ўзбек ва чет тилларда ҳаракат йўналишининг сигнификати аниқ ифодаланган, рус тилидаги феълда сигнификат йўқ, фақат матн маъносида у ифодаланиши мумкин.

Янги сўзни эслаб қолиш ва қўллаш чоғида илгари ўзлаштирилган сўзлар билан уни фикран боғлаш, яъни **ассоциатив алоқага киритишнинг** муҳим аҳамияти бор.

Психоллингвистлар томонидан ассоциацияларнинг бешта тури аниқланган; 1) ўхшашлик (синонимия); 2) тескари маънолилиқ (антонимия); 3) тенг маънода боғлиқлик, мас. стол—стул (мебель); 4) маъно кенгайиши: стол—мебель, олма—мева; 5) бир-бирига боғланганлик: касаллик — ўлим (сабаб—оқибат); аскар — лашкар (бутуннинг бир бўлаги); чит — пахта (нарса — хом ашё); термоқ — пахта (ҳаракат — объект); теримчи — пахта (ижрочи — объект).

Лексикага оид илмий маълумотларнинг қисқача баёни келтирилди. Кейинги параграфда лексикани ўргатишга методик тайёрлаш ҳақида сўз юритилади.

1-§. Лексикани методик тайёрлаш.

Тил материалени, жумладан лексикани ўргатиш методикаси икки босқичда ўтади. Биринчиси методист тайёрлаб, муаллим билиши шарт бўлган методик жараёнدير. Унда лексика танланади, методик ташкил (тақсим) қилинади, тасниф этилади, дарсликда (статик ҳолда) тақдим этилади. Ҳар тўрттала тадбир ўқувчини ҳисобга олиб рўёбга чиқарилади.

Лексикани ўргатишнинг ушбу статик босқичи, кейинги динамик босқич, яъни лексик кўникмаларни шакллантиришни назарда тутаяди. (Ушбу бобнинг 2-§ига қаралин.)

Лексикани танлаш. Методикада «танлаш» атамаси ифодалайдиган тушунча муаллимларга таниш. Лекин ушбу тушун-

чага илмий-методик таъриф берилган эмас. Фанда ишлаб чиқилган мезонлар асосида тил макросистемасидан ўқувчи ўрганиши учун мўлжалланадиган микросистема яратиш ҳодисаси методик танлаш деб аталади. Методист лексикани танлашга киришар экан, қуйидаги методик тушунчалардан фойдаланиб иш кўради: «танлаш манбаи», «танлаш мезонлари», «танлаш бирлиги».

Танлаш манбаи деганда, шаклланаётган лексик минимумни тил системасидан «танлаб» олиш тушунилади. Одатда лисоний минимум, жумладан лексика, ўрганилаётган тилдаги нутқдан танланади. Аниқроғи, актив минимум бадиий асарлардаги жуфтнутқдан ёки сўзлашув-адабий нутқнинг ёзилган фонограммасидан танланади.

Пассив минимум эса, ёзма адабиётдан олинган термалар (парчалар) асосида танланади. Актив лексика жонли нутқдан олиниб, ўқувчи оғзаки нутқида, пассив эса ёзма манбалардан танланиб, ўқувчи ёзма нутқида қўллашга мўлжалланади. Танлаш манбаини айрим муаллифлар танлаш тадбири тушунчаси доирасига киритадилар.

Чет тил лексикаси мактаб минимумининг актив қисми 1000 тача лексик birlikдан ташкил топади. Шу асосда яна мактаб ўқув шароитига мослаб пассив лексик birlikлар танланади. Луғат бойлиги ҳажми ўқув соатлари миқдорига бевосита боғлиқ бўлади.

Тил ўқитиш методикасида маълумки, энг кўп қўлланадиган биринчи мингликдаги сўзлар ўртача қийинчиликдаги матннинг 80 фоизи мазмунини тушуниб олиш имконини беради, иккинчи минглик 8-10 фоиз, учинчиси 4 фоиз ва тўртинчи ва бешинчи минглик бу имкониятни атиги 2 фоизга оширади. Асосий икки мингта сўз матндан 85—90 фоизгача ахборот олиш учун кифоя. Бироқ, юқорида таъкидланганидек, бу ерда гап мавжуд илмий мезонларга биноан махсус танланадиган лексика ҳақида боряпти.

Танлаш мезонлари деганда, лексиканинг қийматини аниқлашда қўлланадиган ўлчов ва кўрсаткичлар тушунилади. Уч тоифа мезонлар бир-бири билан боғланган ҳолда қўлланади: ҳисоб-китоб мезонлари, методик¹ ва тилшунослик мезонлари.

Ҳисоб-китоб мезонлари сўзларнинг қўлланишига оид одилона кўрсаткичларга эришиш воситаси бўлиб, улар таркибига кўп қўлланиш ва кенг тарқалганлик мезонлари киради. Кўп қўлланиш атамасининг маъноси олинган манбада сўзларнинг жами ишлатилиш миқдорини билдиради. Кенг тарқалганлик дейилганда эса, ушбу сўзни ўз ичига олган манбалар сони назарда тутилади. Иккаласи бирга қўшиб фойдаланилганда ижобий натижа бериши фанда исботланган. Шунга кўра кенг тарқалганлик мезони биринчи ҳисобланади. Унга қўшимча тарзда

¹ Қаранг: В. С. Цетлин, Н. В. Павлова. Словарь наиболее употребительных слов французского языка. 5-е изд. — М.: Русский язык, 1992, 5—12-бетлар.

сўзларнинг нақдлиги (қўлланишга тайёр туриши) мезони (*фр. disponibilité*)дан фойдаланиш мумкин (бу мезон биринчи бор М. Уэст томонидан ишлатилган, эллигинчи йилларда уни француз методистлари Р. Мишеа ва Ж. Гугенейм аудиовизуал методда янада ижодий такомиллаштиришган). Унинг асл моҳияти гапирувчи онгида нақд (ихтиёрида) турадиган сўзларни танлаш мезони демакдир.

Иккинчи тонфадагилар эса ўқитиш мақсади ва нутқ мавзуларини мўлжаллаб қўлланиладиган мезонлардир. Улар орасида мавзуларни ҳисобга олишдан ташқари тушунчаларни тасвирлаш ва семантик аҳамиятдаги мезонларни учратиш мумкин.

Қолган танлаш мезонлари учинчи гуруҳга киради. Улар мана бундай помларда қабул қилинган мезонлар: сўзларнинг бирикиши, сўз ясаш имконияти, кўп маънолик, услуб жиҳатидан чегараланмаганлик, синонимларни чегаралаш (яккалаш) ва гап тузишдаги иштироки. Бирикиш мезонига кўра танланган сўз бошқалари билан иложи борича кўпроқ бирикмага кира оладиган бўлиши талаб қилинади. Сўз ясаш мезонига биноан улардан ҳосила birlikлар миқдори кўп сонли бўлиши керак. Кўп маъноли сўзларни танлашга ҳам алоҳида эътибор берилади. Услубда чегараланмаганлик дегани, тор доирада қўлланиладиган эмас, балки нутқ фаолияти турларининг барчасида ва турли мавзуларда ишлатиладиган сўзларни танлаш мезони тушунилади. Синоним сўзлардан айримларигина ёки синонимик қаторнинг бир аъзосигина танланади. Чет тил жумлаларининг тузилиши учун зарурий ҳисобланадиган ёрдамчи сўзларни танлаш ҳам тавсия этилади.

Актив луғатни танлашда биринчи ва иккинчи гуруҳдаги мезонлар ва учинчисидан синонимларни чегаралаш, сўзларнинг бирикиши, сўз ясаш имконияти ва кўп маънолик мезонлари асос бўлади.

Пассив луғатни танлаш чоғида эса биринчи гуруҳ мезонлари ва семантик қийматга эгалик ва сўз ясаш имконияти, кўп маънолик ҳамда мавзуй алоқадорлик мезонларидан фойдаланилади. Луғат минимумни шакллантириш жараёнида кўрсатилган мезонлар ўзаро боғлиқ бўлиши шарт. Ушбу мезонлар «галвиридан ўтган» сўзлар мактаб ўқув дастури учун лексик тил материали сифатида тавсия этилади.

Танлаш бирлиги фанда узлуксиз баҳсларга сабаб бўлган методик тушунчадир. Ушбу birlikка тегишли методик талаблар қўйилади: биринчидан, танлаш birlikи мезонлар ва танлаш тадбирига мос тушиши керак, иккинчидан, улар ҳолисона амаллар асосида ажратиб олиниши зарур. Хуллас, танлаш birlikи қилиб, сўзлар, уларнинг лексик-семантик ва лексик-фразеологик вариантлари ҳамда нутқ клишеси (қолип-жумла) муайян маънода олинади. Бир маънодаги сўз ёки сўзга тенг келадиган турғун birlikма лексиканинг танлаш birlikи саналади (маъно луғатда кўрсатилади, сўз мазмуни ушбу маъ-

нонинг нутқий фаолиятда юзага чиқишидир, тушунча эса тафаккурда шаклланади).

Ҳар бир танлаш бирлиги мустақил луғат мақоласи сифатида лексик минимумда ўз аксини топади. Луғатдаги мақолалар чет тилдан она тилига таржимаси билан берилади. Актив ва пассив лексик birlikлар алфавит тартибида луғатдан жой олади. Пассив луғат маълум бир лексикографик белги (мас. олдида юлдузча) билан фарқланади. Хуфия лексика луғатда берилмайди.

Танлаш бирлиги илмий аниқлангач, танлаш мезонлари воқитасида ўқув қўлланмаси мавқеида «Луғат (ёки лексик) минимум» тузилади.

Миқдор ва сифат жиҳатидан ўқув дастури талабига жавоб берадиган луғат минимум дарсликлар ва қўлланмалар тузиш учун «қурилиш» материали вазифасини ўтайди. Танланган лексик материал методик тасниф, тақсимот ва статик тақдимот босқичларидан ўтади, динамик тақдимотдан бошлаб ўқувчилар кўникмасини ҳосил этишга хизмат қилади.

Луғат минимумнинг ўқитиш мақсадларига кўра тақсимотига оид масалаларнинг мухтасар таҳлили қуйида баён этилди.

Лексиканинг тақсимоти. Илмий адабиётларда ушбу тушунчани (русча манбаларда «методическая организация») «методик ташкил қилиш» номли атама билан ифодаланади. Тил материалини танлашдан кўра тақсимлаш масаласига камроқ илмий эътибор берилган.

Ўқув материалининг тақсимоти фан асосларини ўргатиладиган ўқув предметларида осондан қийинга ва бошқа дидактик принципларга биноан амалга оширилади. Чет тилда фаолият ўрганилиши муносабати билан лексик материал чет тил методикаси қонун-қоидалари доирасида тақсимланади.

Лексиканинг тақсимоти икки босқичда амалга оширилади: 1) актив ва пассив лексик минимумларга ажратилади, яъни оғзаки нутқ ўқитиш мақсади ҳисобланадиган таълимнинг биринчи ва иккинчи босқичларида актив, юқори босқичда ўқиш учун пассив лексика фарқланади, пассив лексиканинг ярми оғзаки нутқда ҳам тақдим этилади; 2) репродуктив ва рецептив тарзда эгалланадиган лексика дарслик тузиш чоғида синфлар минимумлари шаклида ажратиб чиқилади.

Иккинчи босқичдаги тақсимот ўз навбатида яна кичик миқдордаги гуруҳларга ажратилади: 1) лексика нутқий мавзулар атрофида дарслик параграфларино тақсимланади; 2) бир соатлик дарс учун сўзлар миқдори белгиланади; 3) дарснинг машқлари материали сифатида лексик birlikлар тарқатилади.

Бир соатлик дарс чоғида кўпи билан саккизтагача лексик birlik ўргатилиши кўзда тутилади. Грамматик ҳодиса ўргатиладиган дарсда, иложи борича, янги лексика берилиши тавсия этилмайди (ёки лексика ўта оз миқдорда тақдим этилиши мумкин).

Лексик бирликларнинг хусусиятига қараб, тақсим миқдори аниқланади. Ундан ташқари идрок этиб тушуниш ёки фикр баён этиш учун лексиканинг қўлланишида ҳам тафовут мавжуд, бинобарин, тақсим миқдори ҳам фарқ қилади.

Таъкидланган тақсимот тартибини белгилашда методик мезонларга амал қилмоқ зарур. Содда қилиб, тақсимот мезонларини қуйидагича тавсифлаш мумкин: 1) лексикани нутқ фаолияти шакли (репродуктив ва рецептив)га қараб ажратиш, яъни нутқ талабига кўра тақсимлаш ёки ўқитиш мақсадини назарда тутиш; 2) нутқий мавзуларни эътиборга олиш; 3) ўқувчилар тил тажрибасини ҳисобга олиш; 4) тил ички интерференциясини бартараф этишни кўзлаш; 5) янги грамматик ҳодисани таниш лексик бирликларда, янги лексикани ўрганилган грамматика воситасида бериш; 6) лексик қийинчиликларни бўлиб (чегаралаб) ўргатиш.

Ушбу тақсимот мезонларини қуйидагича таҳлил этиш мумкин: «нутқ талабига кўра тақсимлаш мезони» деганда, гапириш учун актив лексикадан ўқув материали бериш ва ўқиш учун пассив минимумдан олиш тушунилади. «Нутқий мавзуларни эътиборга олиш мезони»га кўра биринчи навбатда ўқувчи теварак-атрофи ҳақида чет тилда фикр баён этишни ўрганади. Демак, «мактаб», «синф», «уй» каби кичик мавзулар дастлабки лексик бирликларни «эргаштиради». Бинобарин, «ручка», «китоб», «ўқувчи», «муаллим», «мен», «бер», «менинг», «исм» кабилар бошланғич дарсларнинг лексикаси бўлиши муқаррар.

«Ўқувчилар тил тажрибасини ҳисобга олиш мезони» бўйича авваламбор, қийинчиликларни яққалаб бартараф этишга мўлжалланган ҳажмдаги лексида тақсимланса, чет тилда маълум тажриба орттирилгач, лексика нутқий мавзуларга бириктирилиб, улгуржи берилиши ҳам мумкин. Шу муносабат билан бошида чет тилча «ручка», «қалам» бирга ўргатилмайди, вақти келиб «қовун», «тарвуз», «мева» кабилар бир дарсга ҳам киритилиши мумкин. «Тил ички интерференциясини бартараф этиш мезони»га биноан фикран узаро чалкашлик келтириб чиқарадиган бирликлар бирваракай берилмасдан, бир-биридан замон ва маконда ажратилади, мас. «тоға», ва «амаки», ёки «у» сўзи (олмоши)нинг жинслардаги шакллари бирга тақдим этилса, чалкашликка сабаб бўлади. Бешинчи мезонга кўра грамматик ва лексик қийинчилик ажратилиши тавсия этилади. «Қийинчиликларни тарқатиб ўргатиш мезони» талаби доирасида тақсимлаш, орқали янги бирлик юзасидан пухта кўникма шакллангунга қадар бошқа бирлик берилмай туради.

Тақсимот мезонларига итоат қилишнинг яққол мисолларидан бири сифатида феълнинг ҳаракат номи шакли биринчи шахс шаклидан анча кейин берилгани маъқул. Чунки нутқ зарурати аввало «ўзим ҳақимда» гапиришни тақозо этади.

Дастур тузувчилар ва дарслик муаллифлари илмий-методик

тадқиқотлар натижаларига амал қилиб, тақсимот тадбирини бажарадилар.

Лексиканинг таснифи. Тил материални методик тайёрлашнинг ушбу босқичида методист олимлар ўқувчиларнинг тил тажрибасини синчиклаб текширади ва ўргатиладиган бирликларни осон/қийин гуруҳларга ажратадилар.

Методик тасниф (русча адабиётларда «методическая типология (классификация)» деганда, тил бирликларини ўзлаштиришда содир бўладиган қийинчиликлар туфайли уларни турли тоифаларга ажратиб чиқиш тадбирлари тушунилади. Демак, тасниф атамаси беихтиёр қийинчилик ҳодисаси билан фикран боғланади. Методик таснифга бўлган ҳаётий эҳтиёж нима билан исботланади, деган савол туғилиши табиий. Бир сўз билан жавоб бериб, ўзлаштиришдаги қийинчиликларни даражаларга бўлиб чиқиш ниятида тасниф зарурлигини эслатиш kifфоя.

Хорижда ва ватанимизда тил материали таснифи масаласи методистлар эътиборини доимо жалб қилиб келади. Методикада олтмиштинчи йиллардан тасниф билан фаол шуғулланишга киришилган ва муҳим тадқиқотлар ўтказилган.

Ўттизинчи йилларда америкалик чет тил ўқитиш руҳшуноси Ҳ. Ҳьюз¹ она тили билан таққослаш орқали чет тил лексикасини осон/қийин тоифаларга бўлиш ҳақида фикр баён этган эди. Машҳур методистлардан Ҳ. Палмер таснифи фанда кенг маълум ва кўпчиликка манзур бўлиб, тилни эгаллашда шакл, маъно ва қўллаш юзасидан қийинчиликларни тадқиқ² этган. Яна бир улкан методист Ч. Фриз эса сўзнинг гапдаги вазифаси ва бирикиши хусусиятидан келиб чиқиб, жамики сўзларни тўрт гуруҳга тасниф этган³: ёрдамчи сўзлар, ўринбосар сўзлар, инкор бор-йўқлигини билдирадиган сўзлар ва нарса, ҳаракат, сифатни ифодаловчи сўзлар.

Дастлабки икки гуруҳ, Ч. Фриз фикрича, актив ўзлаштиришда энг мураккаб сўзлардир. Атоқли методист Р. Ладó лексикани тиллараро интерференцияга боғлаб таснифлаган⁴.

Лексиканинг таснифи масаласини илмий текширган олимлар (В. А. Бухбиндер, С. В. Калинина, Л. З. Якушина, М. С. Латушкина, Н. В. Николаев, А. А. Залевская, М. А. Педанова, Ю. В. Гнаткевич, Ҳ. Сойназаров ва бошқалар) турли нуқтаназарлардан туриб, чет тил лексикасининг тоифаларини аниқлаганлар.

Лексикани таснифлаш борасида И. В. Рахманов⁵ биринчи-

¹ H. R. Huse. The Psychology of Foreign Language Study. Carolina Press, 1931; H. R. Huse. Reading and Speaking Foreign Language, Carolina Press, 1945.

² H. Palmer. Grammar of English Words. London—New York, 1954; H. Palmer. Interim Report on Vocabulary Selection. London, 1936.

³ Ch. Fries. The Structure of English. New York, 1952.

⁴ R. Lado. Language Testing. New York, 1961.

⁵ И. В. Рахманов. Методика обучения немецкому языку в VIII-X классах. — М.: Изд-во АПН РСФСР, 1956, VII бобнинг 4-бўлимига қаралсин.

лардан бўлиб, илғор илмий ғоялар билан чиққан. Олтмишинчи йилларда лексикани фарқлаб ўргатишнинг айрим масалалари методик тадқиқ қилинди, мас. узун ва қисқа сўзлар, кўргазмалилик ёрдамида ҳамда кўргазмали қуролларсиз тақдим этиладиган сўзлар, олдин ўрганилганлари билан боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган сўзлар, фонетик ва маъно жиҳатлари яқин сўзлар ва ҳ.к.з.

Олтмишинчи йиллар охири ва етмишинчи йиллар бошида бу соҳада яхлит тадқиқотлар пайдо бўлиб, уларда методик тасниф ҳақидаги илмий маълумотлар умумлаштирилди ва тасниф мезонлари ўртага ташланди. Лексикани нутқ фаолияти турларида ўзлаштириш ва актив/пассив луғатни ўрганиш фарқланадиган бўлди. Уша давр манбалари ичида «Умумий методика» (1967) китобида ушбу муаммо ҳақидаги назарий фикрлар умумлаштирилди.

Методик тасниф бўйича ўтказилган тадқиқотларда икки йўналиш кўзга ташланади: биринчиси — алоҳида сўз хусусиятига боғлиқ ва тилнинг ички ва тиллараро интерференцияси юзага келтирадиган қийинчиликлар аниқланди. Иккинчи йўналишда эса актив/пассив луғатга хос сўзлардаги қийинчиликлар ўрганилди.

Ҳозирги даврга келиб, лексиканинг таснифи умумметодик миқёсда тадқиқ этилмоқда. Нутқ фаолияти турларини эгаллашда амал қилинадиган алоҳида нутқ операциясига қараб, қийинчиликларни аниқлаш натижасида лексик тасниф ишлаб чиқилмоқда. Операцион ёндашиш оқибатида тасниф қилинган лексика машқлари амалий қўллаш учун мўлжалланади. Назариядан амалиётга қадам ташланади.

Нутқни идрок қилиш ва уни содир этиш жараёнларида лексикани қўллаш операциялари турлича бўлиши методик асосланган. Ундан ташқари хуфия луғат бойлигининг ҳам ўзига хослиги аниқланди. Ушбу лексика ўқувчилар тил тажрибасида илғори учрамаган, улар илк бор дуч келаётган лексик бирликларни махсус тасниф қилиш зарур.

Нутқий лексик операцияларнинг таъбиришига оид турини бу бирликларнинг бирикиши (сўз бирикмалари) ва уларнинг жумла таркибида қўлланиши (гап тузиш) тарзида таърифлаш мумкин. Нутқни идрок этиш чоғида эса бошқа амал бажарилади: оғзаки/ёзма нутқ идроки пайтида ўқувчиларда ҳосил қилинган эшитиш/кўрув тимсолларини таний олиш, акустик/график таянчларни эшитганда/кўрганда ажрата олиш кабилар. Уларни машқларда ишлатиш учун майда операцияларга ажратиш даркор.

Сўзни **репродуктив** нутқда қўлланишига хос ишлар қуйида таҳлил этилади. **Биринчи** операция: зарур сўзнинг товуш шакли эсланади, яъни таниш лексик бирлик ишга тушади. Ушбу бирлик узоқ муддатли (доимий) хотирадан қисқа муддатли (оператив) хотирага ўтказилади (маълумки, ўзлаштирилган сўз доимий хотирада сақланади, нутқ эса қисқа муддатли хо-

тира иштирокида содир бўлади). Сўзни эслаш чоғида уни парадигматик тартибдан синтагматик ҳолатга ўтказишдек мураккаб жараён кузатилади. Мас. гапирмоқ, гапириш, гап, гапирман, гапиради кабилар хотирада «қатлам» шаклда сақланади. Жумлага киритиш ёнма-ён келадиган сўзга боғлаб жойлаштириш демакдир (Мен инглизча гапирман, у испанча гапирди ва ҳ.к.з.). Сўзнинг осон қийинлигини унинг кўп маънолилиги, она тили ва чет тилда маъно доираси тор/кенглиги, маънодош (синоним)лари бор/йўқлиги белгилаб беради.

Иккинчи операция: сўзнинг синтактик ва лексик бирикиш даражасини аниқлаш. Лексик бирикиш деганда маъновий муносабатга кириш, синтактик бирикиш эса муайян сўз тартибининг тақозо этилишидир. Иккала ҳолат она тилига мос келса, амал осонлашади. Сўзнинг бирикиши фарқ қилганда, амал қийин кечади.

Учинчи операция: жумладаги бўш жойни тўлдириш. Бемалол бирика оладиган сўзни ишлатиш эркинроқ кечади, бирикиш имконияти чегараланган сўзни ишлатишда қийинчилик сезилади.

Нутқни идрок этиш операциялари пассив луғат материалида бажарилади. Ўқиш (сўзнинг график тимсоли)ни идрок этиш операциялари қуйидагилардан иборат:

Биринчи операция лексик бирликнинг ёзма (график) тимсолини идрок этиш. Бунда сўзнинг қисқа/узунлиги (қисқа сўз осон идрок қилинади), графема (ҳарф, ҳарф бирикмалари)нинг таниш/нотанишлиги, она тилидаги сўз шаклига ўхшаш/ноўхшашлиги кабилар муҳим аҳамиятга моликдир.

Иккинчи операция: лексик бирлик белгиларини аниқлаш. Бунда ёзув (график) белгилари (ҳарф бирикмаси) ва тузилиш — маъно белгилари (ўзак, ясама сўз) назарда тутилади. Сўздаги морфемаларнинг танишлиги қийинчиликни бартараф этиш омилларидандир. Кўп бўғинли сўзни идрок этиш қийинчилик билан кечади.

Учинчи операция: лексик бирликларни фарқлаш ва ўхшатиш. Морфема (ўзак, аффикс) яхши таниш бўлса, ўқувчи осон идрок этиб тушунади. Сўз таркиби маъноларини очиш осон бўлса, уни таниб олиш енгиллашади, агар ўзак ёки аффикс маъносини очиш мураккаблик қилса, таниб олиш, яъни фарқлаш ёки ўхшатиш қийинлашади.

Тўртинчи операция: идрок қилинадиган шаклни маъноси билан боғлаш (фаҳмига етиш, тушуниб олиш), ўз навбатида бутун жумлани (ёки жумладан катта матнни) тушуниб етиш. Сўзнинг кўп маънолилиги тушунишга ҳалал етказиш эҳтимоли бор. Туб ёки мажозий маъно туфайли сўзни таниб олиш қийинчилиги турлича бўлади. Шакл ва маънонинг ўқувчи онгида алоқада бўладиган тилларда ўхшаш ёки тафовутли бўлиши осон/қийин таниб олишга сабаб бўлади.

Хуфия (потенциал) сўз бойлиги таснифига келганда, уни қайси манбада ўрганилишини ва ўқувчилар тил тажрибасидан таш-

қаригаги ушбу сўзларни идрок қилиш жараёнида содир бўладиган операцияларни ҳисобга олиш зарурлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Хуфия лексикага оид иш қуйидагилардан иборат: 1) график тимсоллар йиғиндисини идрок этиш; 2) идрок этилганларни таниш график тимсоллар билан фикран алоқага киритиш (она тили ва чет тилда ўзлаштирилган тил бирликлари ишга солинади).

Қисқаси, лексик қийинчиликларнинг операциялар амали чоғида намоён бўлиши туфайли уларни операциялар ёндашиш орқали таснифлаш мумкин (лексик бирликлар ҳақидаги маълумотларни IV бобнинг 3-§идаги «Лексикани ўргатиш мазмуни» мавзусидан яна бир карра ўқиб олинг).

Чет тил лексикаси таснифида она тили билан бир қаторда иккинчи тилга оид ўқувчи тажрибаси ҳисобга олинмоғи зарур.

Лексиканинг методик таснифи илмий манбаларда бир текис таърифланган эмас. Бирмунча чалқаш ва зиддиятларга мўл методик тадқиқотлар ҳам йўқ эмас. Бинобарин, аниқ бир чет тилни ўрганиш учун тайёрланадиган тил материали таснифи, жумладан лексика таснифи, одатда дарслик муаллифлари ваколатига ҳавола этилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўзбек ўқувчиси учун инглизча лексика таснифи ёки испанча, немисча, французча лексика таснифлари рус, тожик ва бошқа ўқувчилариникидан батамом фарқ қилади. Демак, методик тасниф хусусий методика фанининг вазифасига киради.

Методик таснифланган лексик бирликлар тил ўргатиш жараёнини ташкил қилишда, бажариладиган машқлар системасида ҳисобга олинади. Лексик кўникмаларни шакллантиришнинг самарадорлиги тасниф сифатига боғлиқ бўлади.

У қ у в - м е т о д и к т о п ш и р и қ л а р

1. Лексика танлаш мезонларини таҳлил этинг.
2. Тақсимот босқичлари ҳақида мулоҳаза юритинг.
3. Лексиканинг таснифи қандай амалга оширилишини ўрганинг.
4. «Танлаш бирлиги», «тасниф», «мезонлар», «лексик қийинчилик», «операциялар ёндашиш» атамаларини муҳокама қилишга тайёрланинг.
5. Сўзнинг «шакли», «маъноси» ва «қўлланилиши» тушунчаларини ўзлаштиринг.

2-§. Лексик кўникмаларни шакллантириш

Чет тилда лексик материални танлаш, унинг таснифи ва тақсимоли тадбирлари методистлар томонидан бажарилгач, уларнинг натижаси ўқитиш амалиётига жорий этилади. Бу иш ўқув-методик воситаларни яратувчилар зиммасига юкланади.

Ўргатишга тайёрланган лексик материал юзасидан дарсда ва бошқа машғулотларда муаллим иштироки ва раҳбарлигида

ўқувчилар лексик кўникмаларни эгаллайдилар. Қўйида, авваламбор, лексик кўникма атамаси таҳлилига тўхталиб, сониян, кўникма ҳосил қилиш босқичлари ҳақида методик мулоҳаза юритилади.

«Лексик кўникма» атамасини методист олимлар илмий изоҳлаб беришган. С. Ф. Шатилов¹ «лексик кўникма»ни икки қисмдан иборат методик тушунчалигини, яъни нутқда сўзни қўллаш ва нутқ жараёнида сўз ясаш деб таърифлайди. Олим фикрича, бу нутқий лексик кўникма бўлиб, ундан ташқари лисоний лексик кўникма ҳам шаклланади. Сўзни таҳлил этиш жараёни, сўз ясаш, сўз бирикмасини тузиш кабилар лексик материални онг иштирокида қўллашдек лисоний лексик кўникма назарий исботланган. Демак, лексиканинг нутқий ва лисоний кўникмалари маълум.

Лексикани ўрганишдан асосий мақсад ўқувчиларга чет тил нутқ кўникма ва малакаларини сингдиришдир. Лексик материални эгаллаш уч босқичдан ўтади. Биринчи босқич янги сўз билан танишишдан бошланади, иккинчи босқич танишилган лексикани нутқ жараёнида қўллай бошлашга қаратилади, яъни бу материални дастлабки мустаҳкамлаш давридир ва учинчи босқичда эса ўрганилаётган сўз нутқ фаолияти турларида кўникма ҳамда малака таркибида ўзлаштирилади. Лексик бирлик юзасидан бажариладиган ушбу иш босқичларини методларга таққослаш мумкин: танишиш, машқ қилиш ва қўллаш.

Лексиканинг тақдими. Танишиш (презентация) босқичида сўзнинг шакли, маъноси ва қўлланиши юзасидан иш бажарилади. Чет тил лексикасини ўргатишда анъанавий ва функционал усуллар мавжуд.² Сўзнинг маъносини очиш (семантизация) анъанавий усул бўлиб, функционал методикада у махсус босқич деб қаралмайди. Чет тилдаги сўз тақдим этилишидан олдин она тилидаги шунга монанд сўз эсга солинади. Бунга кинолавҳа (3—5 минутлик) ёки мазмундор расмни намойиш этиш орқали эришилади. Намойишдан сўнг, она тили тажрибасига асосланиб, чет тилдаги сўз матнда ёки якка тақдим этилади.

Янги сўз маъноси билан танишиш, маълумки, икки усулда ижро этилади: таржимасиз ёки таржима воситасида. Таржимасиз усулда икки тонфа — ички ва ташқи кўргазмалиликдан фойдаланиб келинади (V бобнинг 2-§ идаги «Кўргазмалилик принципи»га оид берилган маълумотлардан фойдаланиш тавсия этилади).

Янги лексик бирлиkning маъносини эгаллаш чоғида қўлланилган методик усуллар қўйидаги омилларга боғлиқдир: сўзнинг хусусияти; актив/пассив лексикага оидлиги; таълим босқичи ва ўқувчилар савияси; янги сўзнинг тақдим этиладиган

¹ С. Ф. Шатилов. Методика обучения немецкому языку в средней школе. — Л.: Просвещение, 1977, 97-бет.

² Е. И. Пассов. Основы коммуникативной методики обучения иноязычному общению. — М.: Русский язык, 1989, 132—133 ва 137—138-бетлар.

шакли (эшитиб ёки ўқиб идрок этиш); янги бирликни таништириш жойи (дарс, уй, дарслик, луғат) кабилар.

Тақдимот жараёни қуйидагича ташкил этилади. Янги сўз *таржимасиз* усул билан ўргатилганда нарса, расм, хатти-ҳаракат намойиш қилиниб, тахминан мана бундай топшириқлар берилади: сўз маъносини фаҳмлаб олинг, мас. китоб кўрсатилади ва унинг номи чет тилдаги жумлада айтилади. Таржимасиз усул яна антоним, синоним, сўз ясаш элементлари, контекст, таърифлаш орқали ҳам амалга оширилади, мас. чет тилда «катта» сўзи ўрганилган, «кичик» сўзини жумлада айтилгач, унинг маъносини фаҳмлаб олиш тавсия этилади ва ҳ.к.з. Таржимасиз методик усул нарса номини, унинг ҳажми, ранги ёки ҳаракатни ифодаловчи сўзларни тақдим этишда эркин қўлланилади. Уқувчиларнинг тушунганлигини назорат қилишда таржимасиз воситалар ишга солинади. Мас. нарса ёки унинг тасвирини кўрсатиш (китоб, қалам, кўча), чет тилда «ҳа», «йўқ» жавобини бериш, ҳаракатни намойиш қилиш орқали маънони фаҳмлаганлик текширилади.

Таржимадан фойдаланиш, зарурат бўлганда, тақиқ этилмайди. Таржиманинг икки тури одат бўлган. Биринчиси — оддий, сўзма-сўз таржима, иккинчиси эса таржима-изоҳ дейилади. Контекстдан ажратиб олинган янги сўзнинг бевосита таржимаси келтирилади. Ёки айрим ҳолларда таржима изоҳланади, мас. afternoon — тушдан кейинги соат 12 дан 6 гача бўлган вақт. Сўз ўргатишда ноилож ҳоллардагина таржимага мурожаат этилади. Мавҳум тушунчаларни ўргатишда таржимадан фойдаланган маъқул. Она тилида мос келадиган сўз топилмаганда, таржима-изоҳ берилади.

Янги сўз маъносини мустақил тарзда ўрганиш усули ҳам мактаб тажрибасида кенг тарқалган. Уқиш малакасини эгаллаш чоғида янги сўзлар (кўпинча ёддан кўтарилган лексик бирликлар ҳам) луғат ёрдамида ўрганилади. Луғат ёрдамсиз хуфия (потенциал) сўзларни мустақил ўрганиш, уларнинг маъносини фаҳмлаб олиш тавсия қилинади.

Лексик бирлиkning маъноси билан танишиш уни ўзлаштириш йўлидаги биринчи босилган таълимий қадам, холос. Янги сўзнинг бирикиш хусусиятларини ўрганиб олиш махсус иккинчи босқични тақозо этади. Ушбу босқичда сўзларни такрорлаш, жонли нутқда қўллаш машқлари бажарилади.

Лексика машқлари. Кўникма ҳосил қилиш бобида ушбу босқич муҳим аҳамият касб этади. Мазкур тушунчани ҳам жараён методи сифатида, ҳам маъноси очилган лексик бирликни нутқда ишлатиш деб изоҳлаш мумкин.

Аслида лексикани ўргатишнинг ҳар учала босқичи (таништириш ёки тақдим этиш, машқ бажариш ва қўлланилиши) тегишли машқларда рўй беради.

Сўз ўзлаштиришда маънони очиш биринчи одим, холос, иккинчиси, муҳимроғи, нутқ оқимида уни ишлатишга қаратилган тадбир— лексик бирликни сўз бирикмалари ва жумлаларда

иштироки ва оқибат натижада кўникма ҳосил қилиш босқичидир.

Лексик бирлик кўникмага кириши учун бажариладиган машқларда уни икки хил ишлатиш усули мавжуд: ўрганилаётган сўз бир жойда турли бирликлар билан ишлатилади ёки ҳар хил ўринларда янги-янги сўз бирикмалари ҳосил қилиб такрорланади. Демак, сўзни белгиланган ёки ўзгариб турадиган жойларда ишлатиб, машқ бажариш орқали лексик кўникма шакллантирилади.

Лексик машқлар инфорацион ва операцион қисмлардан ташкил топади. Биринчи қисми кўрсатма бериш ва ижро намунаси бўлиб, тилга онд қонда билан ҳамда нутқ амалиётини бирлаштирувчи оралиқ машқлардан иборат. Иккинчисида, операцион машқларда, лексик материал асосида нутқ ҳаракатлари эгалланади. Машқдаги муайян элемент — лексик операциони эгаллаш доимо асосий вазифа қилиб қўйилади. Мас. «Матни ўқинг, ажратиб кўрсатилган сўз (сўз бирикмаси, гап) га эътибор беринг» машқдаги бирликлар шулар жумласидандир.

Кўникмага эришиш мураккаб жараён бўлганлигидан, ҳар бир янги сўз бир нечта (миқдори сўзнинг хусусиятига боғлиқ) машқда ёки машқлар мажмуида такрор-такрор ишлатилади. Ҳар бир машқ тегишли операциони эгаллаб олишга мўлжалланади.

Машқларнинг асосий турлари қуйидагилар: 1) реал луғат бойлигини ўзлаштириш, луғат таркибини кенгайтириш ва уларни фаҳмлаш (пайқаш) орқали билиб олиш кўникмаларини ҳосил қиладиган машқлар; 2) рецептив (тинглаб ва ўқиб тушуниш) ва репродуктив (гапириш, қисман — ёзув) лексик машқлар; 3) лексик бирликнинг ҳар хил турлари (сўз, турғун сўз бирикмаси, нутқ клишеси)ни ўрганиш машқлари.

Машқ турлари ўз навбатида яна кичик гуруҳларга бўлинади: жойига кўра (синф, уй), шакли ва усулига қараб (оғзаки ёки ёзма, ёлғиз ёки хор билан, мустақил ёки муаллим раҳбарлигида), она тилига муносабати нуқтаи назаридан (чет тилда ёки она тили ва чет тилда), амалларни мустаҳкамлашга онд (бириктириш, ўзгартириш — репродукцияда, танлаш, гуруҳлаш, ўхшатиш, фарқлаш — рецепцияда), тузилиши жиҳатидан (бир турдаги ёки ҳар хил бирликлар иштирокида), ёрдамчи воситалар қўллаш билан (кўргазмалилик, техника воситалари, программалаштириш элементлари ёрдамида), ўзлаштириш босқичларидан келиб чиқиб (дастлабки эгаллаш, машқ қилиш, амалиёт, такрорлаш, назорат қилиш) ва ҳ.к.з. машқлари бажарилади.

Бошланғич босқичда асосан оғзаки, контекстли, бир тилли (чет тилда) машқлар синфда, муаллим бошчилигида, хор билан, расмлардан фойдаланиб бажарилади.

Ўрта босқичда машқларнинг катта қисми уйда, ёзма шаклда, муаллим бевосита бошқармайдиган фонограмма ҳолида,

контекстли ва контекстан ташқари, якка тарзда, икки тилда бажаришга мўлжалланади.

Юқори босқичда лексик мавҳумотларга суяниб, контекстан ташқарида ва контекста, ички имкониятли потенциал луғатни бойитиш, янги сўз маъносини фаҳмлаб олиш, лексик операцияларни онг иштирокисиз эркин қўллаш олиш каби машқлар бажарилиши тавсия қилинади.

Потенциал луғат бойлиги ҳақида алоҳида тўхташ зарур. Бу луғатни ўзлаштириш тўғрисида эмас, балки уни шакллантириш ва кенгайтириш, нақд(реал) лексик билимларга, аниқроғи, кўникмаларга таяниб, рецептив нутқ фаолиятида учрайдиган лексиканинг катта қатламни тушуниш, янги сўз маъносини мустақил фаҳмлаш бўйича кўникмалар ҳосил қилиш борасида гап юритилади.

Сўз ясаш, конверсия, интернационал лексика, сўз бирикмалари, кўп маънолилиқ кабилар потенциал луғат манбаи бўлиб хизмат қилади. Тил тажрибаси туфайли ўқувчи ушбу лексик birlikларни таниб олиш имконияти бор бўлгани учун мустақил идрок этиб тушуниш кўникмасини эгаллайди.

Мустақил ўрганишда яна бир фойдали педагогик усул — луғат ва маълумотномалардан янги лексик birlik маъносини топишдир.

Лексика кўникмаларини шакллантиришда машқ қилиш босқичидаги асосий ишлар қуйидагилар:

1. Сўз, сўз бирикмаси ва гапни айтиш (ўқитувчи ёки диктор нутқига тақлидий айтиш). Ушбу усул амали чоғида муаллим топшириғи мана бундай тартибда бўлиши кузатилади: «Мендан кейин такрорланг ва эслаб қолинг». Диктор нутқини тинглаш пайтида эса «Эшитинг, орасида такрорланг ва эслаб қолинг» қабалида ўқувчилар топшириқ оладилар. Мазкур машқ хор билан ва якка тартибда ўтказилади. Эса сақлаб қолишга, албатта, кўрсатма берилиши шарт. Диктор нутқига эргашиб, хор билан қайтариш самара бериши муқаррар, бироқ ёлғиз такрор айтилиши ҳам (бошқалар ичида айтади) ижобий натижалар гаровидир.

2. Янги сўз иштирокида сўз бирикмаларини оғзаки тузиш. Муаллим қуйидагича топшириқ беради: Сўз(лар)ни эшитинг ва у(лар)ни сўз бирикмасида айтинг. Мас. биринчи ўқув йилида ўрганилаётган book сўзи машқ қилиняпти. Муаллим сўзлар гуруҳини айтади: English, Uzbek, Russian, read, see, my. Ўқувчилар навбатма-навбат бирикмалар тузадилар: English book, read a book, my book, Uzbek book... Сўз бирикмалари ясаш кўникмаси/операцияси нутқ юритишни ўрганишнинг муҳим таркибий қисми бўлганлигидан, муаллим раҳбарлигида бундай машқ қилиш жуда фойдалидир.

3. Сўзни турли нутқ намуналарида қўллаш. Муаллим топшириғига биноан бажариладиган иш туридир. Мас. «Айтинг- I see a...». «Саволга жавоб қайтаринг...». «Ўртоғингиздан (қилишни) сўранг». «Айтилган фикрни қувватланг ёки инкор этинг»

кабилар. Нутқ оқимида сўзни турли бирикмаларда ишлатишни машқ қилишга эришилади. Топшириқлар гуруҳ бўлиб, жуфт бўлиб, ёлғиз бажарилиши мумкин.

4. Сўзни кўриш орқали идрок этиш, матн маъносига боғлаб бириктириш ва ўқиш. Муаллим/диктор кетидан ёки мустақил машқ қилдириш мумкин. Топшириқ турлари: «Менга қулоқ солиб, ўқинг. . .», «Дикторни эшитинг ва ундан кейин ўқинг. . .», «Аввал ичингида, сўнг овоз чиқариб ўқинг» кабилар. Сўзнинг товуш тимсоли ўрганилгач, унинг ёзувдаги (график) шакли ўзлаштирилади.

5. Лексик бирликни босма матнга таяниб, машқда ўзлаштириш. «Берилган матндан фалон мавзуга оид сўзларни топинг ва уларни ўқинг» сингари топшириқ турлари бажарилади.

6. Сўзни ёзиш. Топшириқ: «Сўзни доскадан/китобдан кўчиринг ва эслаб қолинг». Муаллим тушунтириб беради ва ёзишдан ягона муддао—ушбу сўзни эслаб қолиш эканлигини уқтиради.

7. Ёзма вазифаларни синфда ва уйда бажариш. Топшириқ намуналари: «Тушириб қолдирилган сўзни топиб ёзинг», «Берилган ҳарфлардан сўз тузинг», «Қавс ичидаги сўзларнинг тегишлисини қўйиб, гапларни кўчиринг» ва ҳ.к.з. Машқ қилиш чоғида ўқувчиларга оқилона усуллардан фойдаланиш йўллари-ни ўргатиш керак, токи улар оз куч ва вақт сарфлаб, самарали натижаларни қўлга киритсинлар.

Машқ қилиш босқичида қўлланилган ушбу усул ва топшириқлар таълимнинг дастлабки йилларига кўпроқ мос келади. Бошқа босқичларда ҳам улардан фойдаланса бўлади.

Лексик операцияларнинг нутқда эркин қўлланиши (рус. «автоматизация») даражасига эришмоқ учун тақдимот ва машқ қилиш босқичлари билан чегараланиш кифоя қилмайди (А.Н. Леонтьев таъбирича, «мустаҳкамланган операциялар» кўникма, деб қаралади). Сўзни луғат бирлиги, ўқув бирлиги, лексик бирлик ёки маъно (семантик) бирлиги ҳисоблашдан ташқари, замонавий методикада унга функционал жиҳатдан қўлланиш бирлиги, яъни нутқий фаолият бирлиги, деб қараш одат тусига кирган. Демак, лексиканинг тақдими, уни машқ қилиш билан чегараланмасдан, албатта, функционал — қўлланиш вазифасини ўташига эришмоқ зарур. Хуллас, сўзни нутқда ва нутқ учун ўзлаштириш, яъни лексик кўникмани шакллантириш (автоматизация)дан кейинги босқич — ушбу кўникмани такомиллаштириш нуқтасига етказиш, лексикани малакада қатнаштириш масаласи кўндаланг туради.

Лексиканинг қўлланилиши. Таълим мақсадларидан кўзланганидан вазифа чет тил лексикасини ўргатиш жараёнининг кўникмалар ҳосил қилиш палласида якуний иш ҳисобланмиш лексиканинг қўлланилиш даражасига эришишдан иборат. Ушбу кичик мавзу номида ишлатилган «қўлланилиш» атамаси (русча адабиётларда «употребление», «оперирование», «функционалирование») сўзнинг репродуктив ва рецептив нутқда келиши маъносини ифодалайди. «Қўллаш» дейилса, «фикр баён

этиш» назарда тутилади, «таниб олиш» тушунчаси эса «ўзга шахс нутқини идрок этиш» билан боғлиқ. Қисқаси, «қўлланилиш» деганда, тил бирлиги (мас. лексик бирлик)нинг нутқ фаолиятининг тўрттала турида ҳам ишлатилиши тушунилади (рус «оперирование»).

Лексиканинг қўлланилиши кўникма ҳосил қилишда охирги босқич бўлиб, маъноси очилган ва нутқда ишлатила бошлаган сўзнинг нутқ жараёнида эркин ишлатилиши — кўникмалардан малакага ўтиш даврига тўғри келади. Машқ қилишдан нутқ амалиётига қадам қўйиш — фикр баён қилишда онг иштироки-сиз лексикани ишлатиш тушунилади.

Энди ўқувчи муаллим ёрдамисиз сўзни нутқда мустақил ишлата олишни ўрганади. Сўзни эса сақлаш муддати (руҳ-шуносликда «қўлланишнинг латент даври») такрорлаш орқали эришиладиган методик ҳодисадир. Тил ўрганувчи исталган сўзни бамайлихотир нутқда ишлата билса, латент даври таъминланган ҳисобланади, уни пухта ўзлаштирилган, деса бўлади.

Фикр баён этиш ва тушунишда ўқувчи сўзни бемалол қўлласа ёки таниб олса, бу лексик кўникма шаклланганлигидан далолатдир. Бу даражага лексик ва нутқ машқлари бажариш билан эришилади.

Ўзлаштирганлик кўрсаткичи лексикани нутқда эркин қўллай ёки таний олишдан иборат. Эгаллаш (ўзлаштириш) кўникма даражасида билиш демақдир. Оддий «билиш» деганда, сўз маъносини ёдда сақлаш ёки шаклини таниб олиш ҳолати кўзда тутилади. Билишнинг оқибати — эгаллаш, яъни тил бирлигининг нутқда қўлланилиши демақдир.

Лексикани эгаллаганликни назорат қилиш эса атайин суриштириш, махсус сўраш орқали эмас, балки уни бевосита нутқ фаолиятида амалга оширилади. Мавзу ёки УНВ юзасидан гапирганда, ўқиб/тинглаб тушунганда ўқувчининг лексик кўникмасини текшириш учун етарли шароит туғилади.

Чет тил лексикасини ўрганишдан мақсад нутқ юритиш бўлишига қарамай, танишиш (презентация, тақдимот) ва машқ қилиш (тренировка, активизация) даврида лексик бирлик устида ишлаш бирламчи вазифа эди, қўлланилиш (оперирование) босқичига чиқилганда, нутқ бирламчи, лексика эса восита, яъни «қурилиш материали» сифатида нутқий хизмат қилади. Бинобарин, лексик кўникмаларнинг нутқ малакалари таркибига кириши табиий ҳолдир. («Нутқ фаолияти турларини ўргатиш» (XI—XIV) бобларида бу масалага яна тўхтаб ўтилади.)

Лексикани ўргатиш принциплари. Лексик материални ўргатишга қўйиладиган дастурий талаблар махсус методик принциплар ишлаб чиқишни тақозо этади. Мазкур масала юзасидан ўтказилган илмий тадқиқотга¹ биноан қуйидаги принципларга амал қилинади:

¹ В. А. Бухбиндер, Основы обучения лексике в средней школе (на материале немецкого языка). Автореферат докт. дисс. — М., 1972, 31—32-бетлар. (Диссертациянинг 449—462-бетлари.)

1. Чет тил ўргатишда луғатни оқилона чегаралаш принципи танлаш бирликлари таркиби ва табиатини қатъий белгилаш олинади; танлаш мезонлари мажмуи лексик бирликлар хусусиятларини тўлиқ ҳисобга олиш учун хизмат қилади; танлаш бирликлари мезонлар билан мувофиқлаштирилади.

2. Тил ўқитишда лексик бирликлар тақдими муайян мақсадга қаратилганлиги принципи: лексик операцияни мустаҳкамлаш учун қўлланадиган бирликлар аниқ кўникмани ҳосил қилишга мўлжалланади ва бошқа бирликлар билан уйғун ҳолда ишлатилади.

3. Лексик бирликларнинг лингвистик хусусиятларини ва уларни ўзлаштиришга алоқадор психологик табиатини ҳисобга олиш принципи: тақдимот ва машқ қилиш даврларида лексик бирликларнинг мавҳум тушунча ифодалайдиганлари таърифлаш воситасида, нарсага тегишлилари кўргазмалилик ёрдамида, система ҳосил қиладиган (маънодош, тескари маъноли, мавзуга оид, мас. дунё томонларини — шарқ, ғарб, жануб, шимолни ифодаловчи) лексик бирликлар қиёслаш ва гуруҳлаш йўли билан, функционал (ёрдамчи) сўзлар эса контекста берилади.

4. Таълимнинг дидактик ва психологик қонуниятларини ҳисобга олиш принципи: ҳар бир лексик бирлик тақдимот, машқ қилиш ва қўллаш босқичларида борган сари кенгайтирилиб, яъни маъно доираси, товуш ва ёзиш тимсоллари ва турли бирикмаларда, контекст ҳамда гуруҳларда қўлланилиши изчиллик билан ўргатиб борилади.

5. Нақд (реал) луғат бойлигини, янги сўз маъносини асосланган тарзда фаҳмлашни таъминлаш ва хуфия луғатни шакллантиришда ўзаро боғлиқлик принципи, ҳар учала вазифа фаол, бир-бирига боғлиқ ва изчил бажарилади.

6. Маъновий (семантик) умумлаштиришга суяниб иш кўриш принципи: лексик бирлик мазмун планини таҳлил этиш йўли билан бирликлар ўртасидаги ва кўп маъноли бирликнинг семантик вариантлари орасидаги ўхшашлик ҳамда тафовут белгиларини аниқлашга эришилади. Бундай тадбир сўз маъносини очиш, бинобарин, ўқувчилар нутқида лексик бирликни ўринли қўллаш ва тўғри тушунишни осонлаштиришга йўллайди.

7. Нутқ малакаларини ўстириш ва шу жараёнда лексикани эгаллашни бирга олиб бориш принципи: лексикани эгаллаш жараёни материални ўзлаштириш ва кўникмаларни ривожлантиришни назарда тутаяди. Мактаб тажрибасида муаллимларга аён асосий шарт-шароитлар ушбу принциплар доирасида амал қилмоқда¹, уларни қуйидагича умумлаштириш мумкин.

1. Лексик кўникмани шакллантириш иши унинг тақдими-

¹ Қаранг: Е. И. Пассов. Основы методики обучения иностранным языкам. — М.: Русский язык, 1977, 144—145- бетлар.

ни контекстда рўёбга чиқарилиши билан чамбарчас боғлиқ (яъни ёлғиз, ажратилган сўз устида ишлаш усулини суиистеъ-мол қилмаслик мақсадга мувофиқдир).

2. Сўзнинг маъносини очиш оғзаки нутқнинг илгариланиш тарзида содир бўлади. (Лексиканинг маъносини ёзма матнда фаҳмлаш бундан мустасно.)

3. Репродуктив нутқда сўзларни бириктиришга эътибор кучайтирилади (рецепцияда бирикмаларни тайёр ҳолда идрок этилиши маълум).

4. Ҳар бир лексик birlikни ҳамма анализаторлар (кўрув, эшитиш, нутқҳаракат ва қўлҳаракат)дан «ўтказиш» кутилган маррага тезроқ олиб боради.

5. Методик таснифдан келиб чиқиб сўзнинг тақдимот усулларини қўллаш оқилона йўлдир.

6. Ички ва ташқи кўргазмалиликни лексик тақдимотга жалб этишда ўқувчилар ёши, материал хусусияти, ўқитиш мақсади ва bosқичларини ҳисобга олган маълумдир.

7. Қўйилган вазифага қараб, машқлар танлаш ва бажариш қатъий қондага айланмоғи керак.

8. Сўзни имкон борича такрорлаш ва бошқа сўзлар билан бириктиришга эришиш лозим.

9. Лексик birlikни билиш/эгаллаш даражасини алоҳида сўраш усули билан эмас, балки нутқда қўллаш палласида назорат қилиб борилади.

10. Кўп маъноли сўзнинг бир маъносигина ушбу дарсда ўргатилиши одат тусини олган.

11. Луғат минимумдан ташқари (новакабуляр) сўзларни ўргатишга муаллим эҳтиёткорлик билан ёндашади.

Ўқув-методик топшириқлар

1. «Лексик кўникма» атамаси ифодалайдиган методик тунунчани ўзлаштиринг.

2. Лексик кўникмаларни шакллантириш bosқичларини таҳлил қилинг.

3. Лексик тақдимот усулларини мустақил тавсифлашга ҳаракат қилинг.

4. Лексикани машқ қилиш палласида бажариладиган ишларни муҳокама этишга тайёрланинг.

5. Лексиканинг қўлланилишига ва уни ўргатиш принципларига оид маълумотларни ўқиб олинг.

3-§. Лексик машқлардан намуналар

Юқориди машқлар назариясига оид мулоҳазалар юритилди. Қуйида бевосита мактаб тажрибасида бажариладиган амалий машқлар сирасига кирадиган намуналар келтирилади.

Лексик birlikларни тинглаш машқлари:

1. Сўзни тинглаш ва товуш таркибини ўрганиш (сўз гапда ва ёниз тақдим этилади). 2. Муаллим чет тилда номини ай-

таётган нарсани кўриш. 3. Муаллим чет тилда айтаётган ҳаракатни бажариш. 4. Олдин ўрганилган сўзга маъно жиҳатидан мос келадиган сўзнинг товуш таркибини тинглаб таҳлил қилиш. 5. Янги сўзни мавзуга оид бошқа сўзлар орасидан тинглаганда, таниб олиш. 6. Айтилган сўзларни мавзуларга тегишлисини топиш. 7. Сўз таърифидан унинг маъносини фаҳмлаб олиш. 8. Тингланган жумладаги сўзлар миқдорини аниқлаш. 9. Урғу билан ажратиб айтилган сўз/сўзлар маъносини она тилида айтиш. 10. Икки жумлада айтилган маънодош сўзларни она тилида фарқлаш. 11. УНВ да қўлланган янги сўз маъносини она тилида ёзиш. 12. Аудиотекстдаги сўзлар ифодалаган нарсаларни (ёки тасвирини) тингланган тартибда жойлаштириш. 13. Эшитилган сўзларни сўз туркумларига ажратиш. 14. Узақ ва ясама сўзларни тинглаб, ажратиб ёзиш. 15. Товуш тимсоли таниш сўзнинг аудиоматндаги янги маъносини фаҳмлаб олиш ва ҳ.к.з.

Лексик бирликларни кўриш машқлари:

1. Сўзларни алфавит тартибида ёзиш. 2. Сўз/сўзларни ҳарфий таҳлил этиш. 3. Тушириб қолдирилган ҳарф/ҳарф бирикмасини қўйиш. 4. Муайян ўқилиш қондасини/қондаларини намойиш қилувчи сўзларни ўқиш. 5. Қоидадан мустасно сўзларни ўқиш. 6. Берилган сўзларни ўқиш. 7. Қўшма сўз/сўзлар таркибини ажратиб ёзиш. 8. Маълум сўз қайси сўз туркумига мансублигини аниқлаш. 9. Она тили билан бир ўзақли сўзларни матндан топиш. 10. Сўз ясаш элементларини фарқлаш орқали сўз маъносини очиш. 11. Сўзнинг ўзаги ва аффиксини топиш билан сўз маъносини аниқлаш. 12. Аффиксларига кўра сўзларни гуруҳлаш. 13. Турли белгиларга (мавзуга тааллуқлилиқ, маънодошлиқ, туб ёки ясама, конверсия каби хусусиятларга) қараб, сўзларни тоифаларга бўлиш. 14. Гапларда кўп маъноли сўзларни таниб олиш. 15. Мавзуга тегишли ёки унга дахлсиз сўзларни ажратиш. 16. Она тили ва чет тилда бир ўзақли сўзларнинг маъносини луғатдан текшириб кўриш. 17. Она тили ва чет тилдаги сўзларнинг маъно доирасини луғатдан топиш. 18. Гапдаги янги сўзни белгилаш. 19. Сўз иштирокида ясалган бирикмаларни топиш. 20. Эшитилган сўзни ёзма матндан топиш. 21. Берилган вазифага мослаб матндан сўзларни кўчириш. 22. Она тилига мос ёки ундан фарқ қиладиган сўз бирикмаларини матндан кўчириш. 23. Она тилида айтилган сўзни чет тилдаги матндан топиш. 24. Матнда белгиланган/ажратиб кўрсатилган сўзларни она тилига ўгириш ва ҳ.к.з.

Лексик бирликларни айтиш ва ёзиш машқлари

1. Кўриб турган нарсалар (ёки уларнинг тасвири) номини чет тилда айтиш ва ёзиш. 2. Расмга оид маълум сўзларни чет тилда айтиш ва ёзиш. 3. Берилган мавзуга тааллуқли сўзларни айтиш ва ёзиш. 4. Сўзни қўллаб, оғзаки ва ёзма гап/гаплар

тузиш. 5. Ҳаракат, ҳодиса ва нарсани шарҳлаб бериш. 6. Таянч сўзларни қўллаб, расмни тасвирлаш. 7. Расмни/нутқ мавзусини тасвирлаш. 8. Берилган таянч сўзлар иштирокида ёзма/оғзаки фикр баён этиш. 9. Муаллим/диктор айтган сўз/сўзлар билан гап/гаплар тузиш. 10. Бош ҳарфни кўриб/эшитиб сўзларни айтиш/ёзиш. 11. Муаллим айтиб турган сўзларни/гапларни ёзиш/айтиш. 12. Янги ўрганилаётган сўзлар билан сўз бирикмалари/гаплар тузиш ва ҳ.к.з.

Рецептив/репродуктив лексик машқлар:

1. Муаллимга/дикторга тақлидан сўз/сўз бирикмаси ёки гапни такрорлаш.
2. Муаллим айтган сўзни сўз бирикмасида/гапта қўллаш.
3. Айтиб турилган материални ёзиш ва қайтариш.
4. Гапта матндан таниш/нотаниш сўзларни топиш.
5. Гапни кенгайтириш (боши ва охирига сўзлар қўшиш).
6. Вазифага кўра матндан сўзларни топиш.
7. Матндаги бўш жойларни тўлдириш.
8. Таги чизилган/ажратиб кўрсатилган сўзларга савол тузиш.
9. Уқилган матнни янги сўз иштирокида гапириб бериш.
10. Берилган жуфтнутқни яқканутққа айлантириш.
11. Уқилган/тингланган матнга саволлар тузиш ва ҳ.к.з.

Уқув-методик топшириқлар

1. Лексик машқларнинг гуруҳларини таҳлил этинг.
2. Намунадан айримларини амалий бажаринг.
3. Ўз тажрибангизда (мактаб ва институтда ўқиш чоғида) қўлланадиган машқларни таққосланг.



4. Қўшимча тарзда қандай лексик машқларни тавсия қила олишингизни ўйлаб кўринг.

IX боб. ГРАММАТИКАНИ УРГАТИШ

«Грамматика» тушунчасига доир. Ўқиганда ёки ўзга шахс нутқини тинглаганда «грамматика» атамасини учратган киши уни турли маъноларда тушуниши мумкин. Бунинг сабаби бор. Ўрта мактаб она тили курсида «грамматика» деганда, тил-шуносликнинг бир соҳаси, бўлими тушунилади. Чет тил ўқи-ганда эса унга нутқнинг грамматик томони, деб қаралади. Ил-мий манбаларда баён этилган турли-туман маълумотларни чет тил ўқитиш мақсадига татбиқ этиб, «грамматика» сўзини икки тушунча билан чегаралаш мумкин: 1) нутқнинг грамматик то-мони — тилнинг гапириш, тинглаш, ўқиш ва ёзувда учрайдиган грамматик ҳодисалари (мас. нутқ намунаси; феълнинг шахс шакли; артикль) ва 2) тил ҳодисаларини таърифловчи мавху-мотлар (мас. эга гапда биринчи ўринни эгаллайди; отнинг бирлик шаклига (чет тилга оид) фалон қўшимча қўшилади).

Нутқнинг «грамматик механизми»ни эгаллаш, грамматик кў-никма ҳосил қилиш ва бошқа атамалар методик адабиётлар саҳифаларида тез-тез учраб туради. «Механизм» атамаси фан-да ҳодисаларнинг ҳаракатдалигини ифодалаш учун қўлланади (Н. И. Жинкин «Нутқ механизми» русча китоби (1958) номига эътибор беринг). «Нутқ фаолиятида грамматик эле-ментларни қўллаш» маъносини ихчам изоҳлаш учун «**грамма-тик механизм**» (В. С. Цетлин) атамасини ишлатиш ўнғайдир.

Грамматик механизми эгаллаш жараёнини В. С. Цетлин уч қисмга бўлади: 1) грамматик ҳаракат (амал)ни эгаллаш; 2) тайёр материални ўрганиш; 3) грамматик умумлашмани ўз-лаштириш.

Нутқнинг грамматик механизмида грамматик ҳаракатлар етакчи ўрин эгаллайди. Нутқнинг грамматик жиҳатдан авто-матлашган кўникмаларини ҳосил қилиш **грамматик ҳаракатни эгаллаш** дейилади. Грамматик **тайёр материални ўрганиш** де-ганда, грамматик шаклларни эслаб қолиш тушунилади. Таъриф, қоида, тушунчани эса сақлаш ва қўллаш **умумлашмани ўз-лаштириш** демакдир.

Тайёр материални ўрганиш чет тилдаги бирликларни билиб олиш, грамматик ҳаракатни эгаллаш — кўникма ҳосил қилиш-дир. Материал сифатида ёрдамчи сўзлар ва грамматик морфе-малар ўрганилади, кўникма тарзида эса сўзнинг ўзгариши, сўз бирикмалари ва гап тузилиши ўзлаштирилади.

Грамматик материал тушунчаси грамматик ҳодисанинг шакли, деган гап эмас. Шакл атамаси маъноси доирасига гап ёки сўз бирикмаси тузилиши, сўзларнинг таркибий қисмлари, ёрдамчи сўзлар, сўз ясовчи ва шакл (форма) ясовчи кўрсат-кичлари бўлмаган бирликлар киритилади. («Грамматик ҳоди-

са шакли» тушунчаси мантиқан номақбул бўлиб, «сўзнинг грамматик шакли» атамаси эса услубан ўринли ҳисобланади.

Хуллас, чет тил грамматикасини ўргатиш ҳақида мулоҳаза юритилганда, грамматик механизмларни эгаллаш англашилади.

Актив ва пассив грамматика муаммоси методикада узоқ давр баҳсларга сабаб бўлган. И. В. Рахманов актив ва пассив материал атамаларини репродуктив ва рецептив тарзда нутқни эгаллашга боғлаб қўллаган.¹

Актив грамматика деганда, репродуктив (ва шунингдек рецептив) нутқда қўлланадиган грамматик ҳодисалар назарда тутилади. Айрим манбаларда актив грамматикани «гапириш грамматикаси» деб ҳам юритилади.

Пассив грамматика тушунчаси доирасига, Л. В. Шчерба² методик таълимотига биноан, идрок этиб тушуниш (ўқиш, тинглаш) да қўлланадиган грамматик ҳодисалар ва уларга оид мавҳумотлар киради. «Пассив» атамаси фақат ўқув материалига тааллуқли, ўқувчи фаолияти эса таълимда доимо актив бўлиши зарурияти руҳшунослик ва таълимшуносликда узил-кесил эътироф этилган.

Маълумки, нутқ фаолиятининг икки турини Л. В. Шчерба (1931 йилда³) назарий асослаб берган эди. Унинг назарияси мамлакатимизда ва хорижда⁴ чет тил ўқитиш методик тафаккури ривожига салмоқли ҳисса қўшди. Тилни пассив (рецептив) ва актив (репродуктив) ўзлаштириш масаласига П. Хэгболдт⁵нинг китобида махсус қисм бағишланган. Пассив грамматикани Ч. Хэндшин⁶ “*recognitional grammar*” деб атаган, Ҳ. Дункел⁷ уни “*visual grammar*” атамаси билан, М. Уэст⁸ эса “*grammar for recognition*” деб номлаган.

Кўп сонли методик тадқиқотларда пассив грамматикани «ўқиш грамматикаси» атамаси билан юритишади. Ҳозирги методика учун пассив грамматика тушунчаси кенгроқ бўлиб, уни «ўқиш ва тинглаш грамматикаси» дейилгани маъқул.

Чет тил грамматикасини ўргатиш методикаси методистлар

¹ И. В. Рахманов. Проблемы рецептивного и репродуктивного овладения иностранным языком в средней школе. — М.: Изд-во АПН РСФСР, 1954, 10-бет; И. В. Рахманов. Методика обучения немецкому языку в VIII—X классах. — М.: Изд-во АПН РСФСР, 1956, 220—221-бетлар.

² Л. В. Шчерба. Очередные проблемы языковедения // «Известия АН СССР», т. IV, вып. 5, ОЛЯ, 1945.

³ В. С. Friedle, Scherba and the Status of Foreign Languages in the USSR and the USA. “The Modern Language Journal”, 1962, N7.

⁴ Л. В. Шчерба. О тройном аспекте языковых явлений и об эксперименте в языкознании // «Известия АН СССР». Отделение общественных наук, 1931.

⁵ P. Hagboldt. Language Learning. Chicago, 1935.

⁶ Ch. Handschin. Modern Language Teaching. New York, 1940.

⁷ H. Dunkel. Second Language Learning. Boston, 1948.

⁸ M. West. How Much English Grammar? “English Language Teaching”, vol. VII, Autumn, 1952, N1.

томонидан теран илмий тадқиқотларда¹ муфассал ишлаб чиқилган. Методика курси бўйича чиқарилган деярли барча махсус қўлланмаларда «Грамматикани ўргатиш» боби алоҳида ўрин олади (ушбу дарсликнинг «Адабиётлар» номли иловасидаги китоблар рўйхатига қаранг). Чет тил грамматикасини ўргатишга бағишланган методик рисоалар² ҳамда диплом ишлари³ мавжуд. (Ушбу бобни ёзишда мазкур методик манбалардан ижодий фойдаланилди).

1-§. Грамматикани методик тайёрлаш

Грамматикани танлаш. Олдинги лексикага оид параграфда ўрганилган методик маълумотлар ушбу мавзу (грамматика)ни ўзлаштиришда ижобий ва салбий таъсир кўрсатиши муқаррар. Ижобий томони шундан иборатки, худди лексикада бўлганидек, бу ерда ҳам танлаш ҳақида сўз юритилаяпти. Салбий таъсир масаласига келганда, шуни таъкидлаш кераки, лексиканинг танлаш бирлиги қилиб, сўзлар, уларнинг лексик-семантик ва лексик-фразеологик вариантлари ҳамда нутқий қолип(клише)ларнинг муайян маъноси олинади. Грамматиканинг танлаш бирлиги эса бутунлай ўзгача методик тушунча бўлиб, грамматик ҳодисанинг ясалиши, маъноси ва қўлланиши алоҳида-алоҳида грамматик birlik ҳисобланади, ҳатто микроқўлланиш, микромаъно ва микрошакл тушунчалари илмий тадқиқ қилинган⁴, мас. чет тил феълнинг ҳозирги замон шахс шаклининг ҳар қайсиси алоҳида грамматик маънони ифодалаши мумкин. Ушбу феъл замонининг бир қанча қўлланиш ҳолатлари ҳам бор. Демак, микрошакл, микромаъно ва микроқўлланиш грамматика танлаш бирлиги деб тан олинади. (Айрим методик

¹ В. С. Цетлин. Основы методики обучения грамматике французского языка в средней школе. Докт. дисс. — М., 1965; И. М. Берман. Проблемы пассивной грамматики (на материале английского языка). Докт. дисс. — М., 1966; С. Ф. Шатилов. Основные проблемы методики обучения грамматическому аспекту устной немецкой речи в восьмилетней школе. Докт. дисс. — Л., 1972; М. М. Гохлернер. Поэтапное формирование грамматических механизмов речи на иностранном (немецком) языке. Канд. дисс. — Киев-Харьков, 1968; Т. К. Саттаров. Методическое содержание обучения активной грамматике английского языка в узбекской школе. Канд. дисс. — Ленинабад — Ташкент, 1982 ва бошқалар.

² В. С. Цетлин. Методика обучения грамматическим явлениям французского языка в средней школе. — М.: Изд-во АПН РСФСР, 1961; А. А. Ждан, М. М. Гохлернер. Психологические механизмы усвоения грамматики родного и иностранного языков. — М.: Изд-во МГУ, 1972; Н. Б. Соколова. Обучение грамматике в средней школе и вузе (Текст лекций для студентов старших курсов). — М.: МГПИИЯ, 1979; Особенности обучения иноязычной лексике и грамматике в узбекской школе. — Ташкент: УзНИИПН, 1976.

³ А. Э. Тиркашев. Чет тил грамматикасини ўргатиш. Диплом иши. ТДЧТПИ. — Тошкент, 1984.

⁴ Т. К. Саттаров. Методическое содержание обучения активной грамматике английского языка в узбекской средней школе. Автореферат канд. дисс. — М., 1982, 7-бет.

манбаларда¹ танлаш бирлиги атамасини танлаш объекти номи билан нотўғри юритиш ҳоллари ҳам учрайди).

Грамматиканинг танлаш бирлиги аниқлангач, танлаш манбаини топиш зарурати туғилади. Грамматик ҳодисаларни ўқувчи оғзаки нутқи учун чет тилни она тили сифатида гапирувчилар жонли нутқидан ва ўша тилдаги бадий асарлар қаҳрамонлари нутқидан танлаб олинади. Сўзлашув адабий тил — актив грамматиканинг танлаш манбаидир.

Ўқувчилар ёзма нутқи (ўқиш) учун пассив грамматик минимум ёзма матнлардан танланади. Ёзма нутқ услубини акцентирувчи грамматик ҳодисалар сайлаб олинади.

Актив ва пассив грамматик минимумлар, лексикадагидек, ўта кескин тафовут қилмайди (актив минимум пассивга киреди), саккиз йиллик мактаб учун актив ва юқори синфлар учун фақат пассив грамматик минимум танланади ва унга амал қилинади.

Грамматик минимумни шакллантиришда нутқ мавзуларига ва лексик минимумга бевосита боғлаб иш тутилади, мавзу ва лексика бирламчи дастурий тушунчалар бўлиб, грамматика уларга бўйсундирилади.

Грамматикани танлаётганда инobatга олинadиган методик мезонлар тавсифи қуйида келтирилади.

Актив грамматик минимумни танлаш мезонлари:

1. Грамматик ҳодисанинг оғзаки ва ёзма нутқда кенг тарқалганлиги мезони. Барча грамматик материал ичидан кишилар нутқида тез-тез учрайдиган ҳодисалар «териб» олинади.
2. Намуна бўла олиш мезони. Ушбу мезонга кўра танланган грамматик бирликлар асосида, уларга андаза сифатида қараб, кўпдан-кўп янги грамматик ҳодисаларни ҳосил қилиш имкониятини яратиш талаб этилади. Демак, имкон борича катта миқдордаги лексика қўлланилишини таъминлай оладиган ҳодисалар мазкур минимумга киритилади (мас. суффикс ёрдамида от, сифат, равишнинг ясалиши).
3. Маънодош ҳодисаларни яккалаш мезони. Қийинчиликларнинг олдини олиш мақсадида грамматик синонимия таркибидаги энг кўп қўлландиган ва услуб жиҳатидан ҳолис бирлик сайлаб олинади, яъни грамматик синоним ҳодисалар сирасидан бири танланади.

Кенг тарқалганлик ва намуна (андаза) бўла олиш мезонларига кўра актив грамматик минимумга оғзаки нутқда кўп қўлландиган ва лексиканинг талай қисмини қамраб оладиган грамматик ҳодисалар киреди. Оғзаки нутқда ўтган замондаги иш-ҳаракатни ифодалаш учун феълнинг қуйидаги замон шакллари ишлатилади: Present Perfect (ингл.), Pretérito perfecto de Indicativo (исп.), Perfekt (нем.), Passé composé (фр.). Бинобарин, улар актив минимумдан ўрин эгаллайди. Қолган

¹ Н. Б. Соколова. Обучение грамматике в средней школе и вузе. — М.: МГПИИЯ, 1979, 19-бет.

грамматик ҳодисалар эса лексик йўл билан ўзлаштирилади, яъни сўзга ўхшаб қондасиз ўрганилади ёки пассив минимумга ўтади. Мас. инглиз, испан, француз тилларидаги отнинг кўплик сонини ясовчи қўшимчаси актив минимумда, бирликда эса қонда берилмасдан, лексик тарзда ўрганила беради: ингл. child—children; исп. el sintrabajo—los sintrabajo; фр. journal—journaux. Яна бир яққол мисол. Инглиз тилида эгалик тушунчаси икки шаклда ифодаланани: my book — a book of mine. Ушбу маънодош бирликлардан мактаб актив грамматика минимумига биринчиси танланади. Ёки ингл. Past Perfect, исп. Pretérito Perfecto, нем. Plusquamperfekt, фр. Plusque-parfait оғзаки нутқда унчалик кўп тарқалган эмас, бироқ китобий ёзма нутқда кўп қўлланади. Демак, улар актив грамматик минимумга кирмайди, балки пассив грамматик минимумдан жой олади.

Учинчи мезонга биноан актив минимумга услубий ҳолис маънодош грамматик ҳодисалар киритилади. Бу ҳолат олдинги икки мезонни ойдинлаштиради. Чет тилда ишончли ифодалайдиган маънодош грамматик ҳодисалардан модал феъллар: нем. *must*, ингл. *must*, фр. *devoir* актив минимумга, қолган ифода воситалари (нем. *haben+zu+Infinitiv*, *sein+zu+Infinitiv*; ингл. *have to+Infinitive*) пассив минимумга киради.

Пассив грамматик минимумни танлаш мезонлари:

1. Нутқнинг китобий ёзма услубида кенг қўлланиш мезони.
2. Кўп маънолилиқ мезони.

Мазкур илмий методик мезонлар асосида пассив минимумга китобий услубга оид қатор грамматик маънодаги ҳодисалар киритилади (Ушбу масала И. М. Берманнинг «Пассив грамматика муаммолари» (русча, 1967) номли пурмазмун тадқиқотида батафсил ёритилган).

Кенг қўлланиш мезони бўйича грамматик ҳодисаларнинг кўп маънолилари ичидан «микромаънолари» танланиши мумкин (методик атамани Т. Қ. Саттаров илмий муомалага киритган).

Грамматик материални танлашда мезонлар амали бир-бири билан узвий боғлиқ бўлади. Баъзилари етакчи, бошқалари қўшимча вазифа ўтайди.

Нутқ фаолияти турлари ҳар хил ҳажмдаги тил материалига муҳтождир. Уларнинг ичида энг кўп тил материални талаб этадиганлари ўқиш ва тинглашдир. Гапириш ва ёзув малакаларида қўлланидиган материал ҳажми нисбатан катта эмас. (Танланган минимумдаги барча тил ҳодисалари рецептив нутқда, уларнинг фақат актив қисмига репродуктив тарзда ўзлаштирилади).

Чет тил грамматик материални ўрганишга тайёрлаш тадбирлари жиддий эътибор талаб қилади, чунки ўқитиш самараси мазмуннинг танлаб олиншига, тақсимланишига ва методик тасниф этилишига бевосита боғлиқдир. Шундай экан, танлаш юқоридаги мезонларга мувофиқ бўлиши лозим.

Грамматиканинг тақсимоти. Тил материални ўқув жара-

ёнига тайёрлашда навбатдаги вазифа танланган минимумни тақсим этишдир. Маълумки, танлаш бирлиги сифатида грамматик ҳодисанинг маъноси, қўлланилиши ва ясаилиши олинган эди (нутқнинг ҳосил этилишида маъно, идрок этишда эса шакл асосий ҳисобланади). Грамматик маънони ифодаловчи: морфемалар (префикс; суффикс; қўшимча; ўзак сўз — қўшимчасиз шакл); ёрдамчи сўзлар (кўмакчи феъл; артикль; предлог; боғловчи; олмош; маъноси тўлиқ ёки қисман йўқолган (десемантизация бўлган) феъллар ва бошқалар); гапда ва бирикмада сўз тартиби; синтактик фонетика ҳодисалари;

Грамматик материалнинг тақсимиоти функционал (яъни нутқдаги вазифасига кўра) ёндашишни талаб этади. Грамматика гапдан кичкина бўлмаган коммуникатив (нутқий мулоқот) бирликларда тақсим этилади. Нутқ намунаси бундай тақсимот бирлиги вазифасини бажаради.

Нутқ намунаси нутқнинг ҳамма томонини — лексика, грамматика, талаффуз ва график жиҳатларини ўзида мужассамлаштиради, бинобарин, нутқ намунаси грамматик материални тақсим қилишда ўзлаштириш бирлиги ҳисобланади.

Репродуктив тарзда чет тилни эгаллашда айниқса нутқ намунасига асосланиб, иш кўриш кутилган натижаларни бермоқда. Нутқ намунаси олтмишинчи йилларда бошқа атама билан методикага кириб келган. У пайтда «модел» (моделлаштириш) тушунчаси методик тадқиқ қилинган¹. Ҳозиргача жорий ўқув дастурларида «типовой жумла» (дарсликларда «нутқ намунаси») грамматик бирлик сифатида тан олинган.

Грамматика методикада икки усул билан — қоидада ёки нутқ намунаси ёрдамида тақсимланар эди. Учинчи усул «лексик ёндашиш» бўлиб, грамматик ҳодиса ёлғиз берилганда, яъни биргина мисолда учраган пайтда, у қондасиз, лексика сифатида ўрганишни тақозо этади. Замонавий методик талабга мувофиқ грамматикани тақсимлаш усули «аксар нутқ намунаси сифатида, зарур бўлгандагина, қоида ҳам қўллаш» маъқул топилади.

Тақсимот жараёни уч босқичдан иборат: умумий изчилликни аниқлаш, синфлар бўйича тақсимлаш ва ўқув йилига тақсим қилиш. Ҳар бир босқичнинг ўз методик мезонлари ишлаб чиқилган.

Умумий изчиллик нутқ эҳтиёжи учун грамматик ҳодисаларнинг зарурлиги мезони билан ўлчанади. Мас. чет тилдаги умумий ҳозирги замон ва ҳозирги замон давом феълини тақсим қилишда нутқ жараёни учун энг зарур биринчи ҳодиса (ҳозирги умумий замон) ҳисобланади. Бошланғич босқич учун, одатда, энг керакли грамматик ҳодисалар танлаб тақсимланади.

Грамматикани синфлар бўйича тақсимлашда, заруриятдан

¹ И. В. Рахманов. Модели и их использование при обучении иностранному языку // ИЯШ, 1965, № 4.

ташқари, грамматиканинг лексика билан ўзаро алоқасини ҳисобга олиш мезонидан фойдаланилади. Лексиканинг бирламчилигини назарга олинади, бу ҳол грамматик бирликлар тақсимотига ўзаро таъсир кўрсатиши муқаррар.

Учинчи босқичда ўта мураккаб тақсимот жараёнига дуч келинади. Уқувчи тил тажрибасининг ижобий ва салбий кўчиш ҳоллари аниқланади. Бу методик тадбир қийинчиликларнинг олдини олиш омилидир, яъни нутқни эгаллашда юз бериши кутиладиган грамматик хатоларни олдини олишга қаратилган мезондир. Уни нутқда содир бўладиган қийинчиликларни бар-тараф этиш номи билан аталади.

Биринчи ва иккинчи босқич учун тақсимот ўқув дастурида ҳал этилади.

Учинчи босқич тақсимоти дарсликларда ўз аксини топади. Уқувчилар тил тажрибалари хусусиятларини синчковлик билан эътиборга олиб, муайян грамматик микробирлик (шакл, маъно, қўлланиш) изчиллиги белгиланади. Тиллараро ва тил ички интерференцияси назарий ва амалий (ўқитиш жараёнини ўрганиш) таҳлили натижаларидан фойдаланиб, грамматика тақсимоти тадбирлари кўрилади. (II бобнинг «Чет тил ўқитишнинг тилшунослик асослари» мавзусига қаранг.)

Танланган тил материалининг тиллараро ва тил ички муқоясаси таҳлили тақдимот натижаси билан қўшилиб, тасниф босқичининг рўёбга чиқишига замин ҳозирлайди.

Грамматиканинг таснифи. Лексик материал таснифида таъкидланганидек, грамматикада ҳам ўрганиладиган ҳодисалар турларга ажратилади. Осон/қийин ўзлаштириш тафсилотлари изчил қараб чиқилади. Қийинчиликларни аниқлаш ва унинг оқибатида тасниф қилиш ушбу ҳодисаларни ўргатиш машқларининг тизимини яратишга, ўргатишнинг методик усулларини ишлаб чиқиш ва материални ўзлаштириш вақтини белгилашга имкон яратади. Грамматик материал таснифи — ўзлаштириш жараёнидаги қийинчиликлар таснифи дейилса ҳам бўлади.

Қийинчиликларни аниқлаш, маълумки, кўп босқичли методик тадбирдир: нутқий хатолар таҳлили, ўқувчи онгида алоқага кирадиган (чет тил, она тили ва иккинчи) тилларни қиёслаш ва иккала натижани солиштириш. Хатолар таҳлили, қиёслаш ва солиштириш амаллари грамматик маъно, шакл ва қўллаш юзасидан бажарилади.

Идмий-методик изланишлар далолат беришича, ўзбек ва рус тиллари ҳамда чет тиллар муқоясаси таҳлили ўхшаш грамматик ҳодисалар анчагина кузатилади. Мас. 1) ўқувчи ўрганаётган учала тилда ҳам монанд гапдаги сўз тартиби, сўз бирикмаси шакли, сўз ясалиши андазаси кабилар мавжуд (формал ўхшашлик); 2) учала тилда ҳам тасдиқ, сўроқ, инкор, модаллик каби грамматик маънолар борлиги аниқ (маъновий умумийлик); 3) иш-ҳаракат такрорланиб туришини, давом этишини, тугалланганлигини билдирадиган феъл замонлари қўлланади (қўлланилишдаги мослик).

Мантиқшунослар илмий изланишларидан маълум бўладики, тафаккур — умуминсоний ҳодисадир, бинобарин, грамматик шакллар муштараклиги ҳам табиийдир. Ўзбек тили грамматик ҳодисалари ичида ўрганилаётган ғарбий ва шарқий тилларга монандлари анчагина топилади (уларни тадқиқ қилиш ҳозирча талаб даражасида эмас).

Ўқувчи ўрганаётган учала тилда грамматик ўхшашликлар мавжудлиги муаллимни хом хаёлларга чалғитмаслиги керак. Ўхшаш экан, деган билан иш битмайди. Чунки тафовут қиладиган ҳодисалар жуда кўплиги билан турли чалкашликлар, бинобарин, қийинчиликлар келтириб чиқаради. Шу қийинчиликларни тасниф этиш ниҳоятда долзарб методик масаладир. Биринчи тасниф чет тил грамматикасининг оғзаки нутқ ва ўқиш учун ажратилишида намоён бўлади («Ўқиш ва гапириш грамматикаси»). Бу иш грамматик минимумда ҳал қилинган. Синфлар бўйича грамматик материалнинг таснифи муаммоси ўқув дастурида етарли даражада ижобий ҳал қилинган. Дарс жараёнида грамматик бирликларни ўзлаштириш қийинчиликлари таснифи хусусий методикада амалий ишлаб чиқилади.

Грамматик қийинчиликларнинг таснифида тиллараро ва тил ички интерференцияси оқибати эътироф этилади. Тиллараро қийинчиликлар манбаини, мас. чет тилдаги гапнинг икки таркиблилиги, феъл ишлатилиши шартлиги, сўз тартибининг турғунлиги, феъл шакллари ясалишидан излаш мумкин.

Тил ички қийинчилиги сабаблари ҳам ўрганилган, мас. шаклдошлик (*ингл.* — *ed* ўтган замон шаклини, ўтган замон сифатдошини, отдан ясалган сифатни ифодалашда иштирок этади); кўп маънолилик («бўлмоқ», «эга бўлмоқ» феълларига монанд феъллар Оврупо тилларида етакчи-мустақил маънода келиб, мураккаб замонлар яшашда эса ёрдамчи феъл ва модал феъл сифатида ишлатилади); товуш ва ёзишда шаклдош, бироқ маъноси бўлакча грамматик ҳодисалар мас. (перфект ясалишидаги ёрдамчи феъллар).

Грамматик ҳодисаларни маъно ва қўлланилишига оид методик турларга бўлиш мумкин. 1) рус тилида ва чет тилда ўхшаш ҳодисалар (модал феъл ва феълнинг ноаниқ шакли иштирокида тузилган бирлик); 2) маъно ҳамда қўлланилиши доираси мос келмайдиган ҳодисалар (феъл замонлари мисолида тафовут яққол сезилади); 3) она тилида (ёки чет тилда) йўқ грамматик ҳодисалар (артикллар, феълнинг мураккаб замон шакллари — чет тилга хос, она тилига эса ёт грамматик материалдир); 4) она тили ва чет тилдаги ўхшаш грамматик ҳодисалар (мас. давом феъли инглиз ва ўзбек тилларида қўлланилиши бир хилдир).

Шакллар ясалиши нуқтан назаридан грамматик ҳодисалар куйидагича таснифланади.

1. Рус тили ва чет тилда ўхшаш грамматик ҳодисалар (келаси замондаги феълнинг мураккаб шакллари). 2. Ўзбек ва чет тилда ўхшаш бирликлар (феълнинг ҳозирги умумий замо-

ни). 3. Ясалишида фарқ қиладиган грамматик ҳодисалар (мас. чет тилдаги шахси топилмас гаплар).

Ушбу таснифлар ҳар бир чет тил учун яна кичик турларга бўлиниб, муайян тил ҳодисалари мисолида текширилади.

Қийинчиликларни енгиш борасида махсус бажариладиган ақлий операцияларни эгаллаш талаб этилади. Мас. қиёслаш, тузиш, қўшиш, танлаш, алмаштириш, андазага кўра тузиш кабилар шулар жумласидандир.

Репродуктив ва рецептив нутқни эгаллашда репродуктив ҳаракатлар — фикр баён этиш мақсадига мувофиқ гапнинг тузилишига оид ақлий ҳаракатлар, сўзларнинг шакллари тузилишига оид грамматик амаллар (ҳаракатлар)ни ажратиш мумкин.

Француз тилидаги *passé composé* феъл замонини оғзаки нутқда қўллаш кўникмасини эгаллаш учун (В. С. Цетлин фикрича) ўқувчи қуйидаги ақлий ҳаракатлар ва операцияларни эгаллаган бўлиши талаб этилади:

1. Айнан шу феъл замонини қўллаш кераклигини аниқлаш (мас. «Менинг опа-сингилларим Москвага келишди» гапида). 2. Ушбу французча феъл замонида шахс ва сонни (учинчи шахс кўпликни) қўллашни белгилаш. 3. Ёрдамчи феълни ва унинг шахс шаклини (*elles sont*) танлаш. 4. Ёрдамчи феълни *participe passé (agrévé)* билан боғлаш.

Мазкур шаклни ёзма нутқда ўрганиб олиш учун яна иккита операцияни қўллаш керак. 5. Эгани ифодалайдиган олмош ёки отнинг жинси аниқланади. 6. Ёзувда *participe passé* эга билан жинс ва сонда мувофиқлаштирилади: *Mes soeurs sont agréées*.

Рецептив тарзда нутқни эгаллаш чоғида операция ва ҳаракат мажмуининг қўлланилиши шаклдан маънога қараб болади: ҳодисани идрок этиш, шакл белгиларини фарқлаш ва шаклни тегишли маъно билан фикран боғлаш тартибига риоя қилинади.

Грамматик материал таснифи тегишли кўникмаларни ҳосил қилиш жараёнини оқилона ташкил этиш учун «пойдевор» ва-зифасини бажаради.

Ўқув-методик топшириқлар

1. Таълимий атамалардан «грамматика» ҳақида мулоҳаза юритинг.

2. Актив ва пассив грамматикага таъриф беринг.

3. Грамматикани методик тайёрлашнинг аҳамиятини исботлаб беринг ва унинг босқичлари номларини айтинг.

4. Танлаш бирлиги, танлаш мезонлари, танлаш манбаи ҳақида фикр юритинг.

5. Грамматик материал тақсимоти ва таснифи мезонларини сананг ҳамда уларнинг муҳокамасига тайёрланинг.

2-§. Грамматик кўникмаларни шакллантириш

Грамматик ҳодисалар нутқий грамматик кўникмалар ҳосил қилиш мақсадида ўргатилади. Малака таркибида кўникмани шакллантириш учун грамматик материал уч босқичдан ўтказилади: 1. Тақдимот босқичи янги грамматик бирликни таништириш (нутқ намунасида тақдим этиш), ўрни келганда, уни тушунириш ва дастлабки грамматик амалларни бажаришдан иборат. 2. Грамматика машқларини бажариш. Бу босқич асосан кўникма ҳосил қилишга қаратилади. 3. Грамматик ҳодисани нутқ фаолияти турларида қўлланилиш босқичи. Нутқда грамматик кўникмалар қўлланиб, уларнинг малакага айланиши устида иш олиб борилади.

Биринчи ва иккинчи босқичлар бевосита грамматикани ўргатиш тадбиридир, учинчи босқич ҳам грамматик кўникма, ҳам нутқий малакага оид.

Грамматиканинг тақдимоти. Нутқ намунасида тақдим (презентация) қилинаётган грамматик ҳодиса билан ўқувчилар таълимнинг қуйи ва ўрта босқичларида оғзаки, ўрта ва юқори босқичларда эса ёзма шаклда танишадилар. Грамматик ҳодиса нутқ намунасида, қоида тарзида, нутқ намунаси ва қоида қўшма ҳолда ёки лексик бирлик сифатида тақдим этилади. Чет тилдаги нутқ намуналари рўйхати тилшунослар ва методистлар томонидан тегишли моделлар сифатида расмийлаштирилган. Қоидалар икки турда — қоида-кўрсатма ва қоида-умумлашма номлари билан фанда маълум.

Қоида-кўрсатма грамматик ҳодисани нутқда қўллаш ёки ўқиш ва тинглаб тушунишда таниб олиш учун мўлжалланадиган ақлий ҳаракатга оид бўлиб, нутқ масалаларини тадқиқ этадиган психолингвистика фанида бу программа — алгоритм дейилади. Қоидани баён этиш олдиндан йўлловчи асос бўлиб, нутқнинг ижросини таъминлашга қаратилади. Бошқача қилиб айтганда, қоидани нутқий амалиётнинг назарий қаноти, деб таърифлаш мумкин. Мас. аниқловчини таниб олиш учун аниқланмиш (от) ҳамда артиклга эътибор берилади, аниқланмиш отдан олдин ёки отдан кейин келади (бу тилга боғлиқ).

Қоида умумлашма нутқни эгаллаш жараёнида тарқоқ ҳолда ўрганилган грамматик материалга оид оддий назарий маълумотдир. Қоида доимо лўнда, дон-дона ифодаланган, мақсадга қаратилган бўлиши ва грамматик ҳодисани қўллаш ёки таниб олишга йўлламоғи лозим.

Қоида билан модел — бир хил моҳиятдаги методик тушунча. Моделдан фойдаланиш ҳарфий тимсолларнинг киши онгида муҳрланишини таъминлайди. Сўз билан ифодаланадиган (вербал) мавҳумот эса дискурсив (яъни ҳодиса ҳақида мулоҳаза юритиш, назарий тушунчаларни ўйлаб иш кўриш) тарзда кечади. Нутқ намунаси эса унга монанд жумлалар (фақат ички қисмларини алмаштириш йўли билан) яратиш андазаси вазифасини ўтайди, бунда вербал дискурсив мавҳумот иштирок эт-

майди, балки аналогия (тақлид) қилиш содир бўлади. Дискурсивликни, имкон борича, чеклаш тавсия қилинади.

Қоида вербал, яъни сўз билан ифодаланади, модел эса ҳарфий тимсоллар билан ифодаланган мас. S+P+O) мавҳумотдир. Модел муаллимларга мўлжалланади, ўқувчилар эса ушбу моделга асосланган нутқ намунаси билан иш кўрадилар (мас. S+P+O=I see a pen; Yo leo uno carta; Ich habe ein Buch; J'ai une soeur). Берилган нутқ намунасининг андазасига биноан (Мен қаламни кўряпман) қатор жумлалар ясалади: Мен: ручкани/китобни. . . .

Грамматик материалнинг тақдимоти чоғида индуктив ёки дедуктив йўлдан борилади. Индукция пайтида — тақдимот мисолдан бошланиб, мавҳумотга ўтилади, дедукцияда эса қоида (ёки унга тенг нутқ намунаси) берилиб, сўнгра мисоллар машқ қилинади. Бирдан зиёд мисол пайдо бўлган тақдирдагина қоида-умумлашма чиқарилади. Биргина ёлғиз грамматик ҳодиса қоидасиз, лексика даражасида ўрганила беради. Кўп қўлланадиган грамматик ҳодисаларда ҳам ёлғиз мисол лексик тарзда берилади. Ўқувчиларни янги грамматик ҳодиса билан таништириш йўлларини танлашда қатор методик омиллар ҳисобга олинади:

1. Грамматик ҳодисанинг табиатига боғлиқлик омили. Шаклнинг ўхшашлиги, маънонинг осон очилиши кабилар индуктив усулдан фойдаланишни тақозо этади. Мас. сифатнинг инглиз ва немис тилларидаги қиёсий ва орттирма даражаларининг ясалиши — шаклида аниқ белгилар борлиги, яъни шакл бир хиллиги ва маъносини билиб олиш осонлиги индукцияни талаб этади. 2. Она тили ва чет тил ҳодисалари ўртасидаги муштараклик ва тафовут омили. Муштараклик индукцияни, тафовут дедукцияни қўллашни шарт қилиб қўяди. Иккинчисида, мас. «артикль» ҳодисасини ўргатишда, қоида берилмаслиги мумкин эмас, чунки у она тилига ёт грамматик материал сирасига киради. 3. Чет тилдан тўпланган тажрибага суяниш омили. Феъл замонларидан бирининг олдин ўзлаштирилиши кейингисига замин бўла олади ва ҳ.к.з. 4. Янги ҳодисанинг микробирликларини турли усулда ўрганиш омили. Мас. феъл замонларининг ясалиши ва маъноси индукцияда, қўлланиши дедукцияда ёки аксинча тақдим этилиши мумкин.

Индуктив ва дедуктив усулларни қўллаш оқилона меъёрда бўлмоғи лозим. Унинг учун юқоридаги омилларни пухта ўйлаб иш кўрилади.

Нутқ намунаси тақдимоти чоғида муаллим уни талаффуз этади. Намунани ўқувчилар яхлит идрок этишади. Товуш шакли ва грамматик тузилишидан келиб чиқиб, муаллимнинг ҳодисани такрорлаш миқдори кўп ёки оз бўлиши мумкин.

Янги тақдим қилинаётган намунани ўқувчилар яхлит тарзда айтиш машқини биргаликда ва якка-якка бажарадилар. Агар жумла оғзаки нутқнинг илгарилашини ҳисобга олиб ўрганилса, уни лексик тарзда қўллай бошлашади. Нутқ намунасида-

ги таркибий қисмларнинг ёзма тимсоли таниш бўлса, муаллим изоҳ бериб боради. Айрим шаклий таҳлилга ҳам йўл қўйилади. Олдин ўрганилганлари билан таққослаш мавҳумот даражасида эмас, нутқ амалиётида, яъни ушбу ҳодисаларни айтиб ёки ёзиб бажарилади. Қатор намуналар ўрганилгандан сўнг грамматик умумлашма чиқарилади. Мас. феъл замонлари ясашишидаги содда ёки мураккаб шаклларни алоҳида-алоҳида ва бир пайтда умумлаштириш мумкин.

Тақдимот босқичи ташкилий жиҳатдан учта изчил методик тадбирни қамрайди: таништириш (презентация), идрок этиб тушунганликни назорат қилиш ва янги ҳодисани таниб олиш ҳамда айтишга оид дастлабки машқлар бажариш.

Таништириш қўйидагича ижро этилади. Оғзаки нутқнинг илгарилаши даврида муаллим янги ҳодисани айтиб, ўқувчиларни тақлид қилишга чорлайди. Кейинги босқичларда янги ҳодиса график тимсолга асосланиб тақдим этилади. Уни айтиш билан бир пайтда синф доскасига ёзиб бериш ёки ўқувчилар график тимсолини китобдан кўриб боришлари ҳам мумкин. Танишишнинг иккинчи қисмида тақдим этилган ҳодисани ўқувчилар тушунганликлари нутқ жараёнида муаллим тарафидан назорат қилиб борилади. Тушунганлик даражасини текшириб бориш, дастлабки машқлар бажариш билан кейинги босқичга ўтишнинг муваффақияти учун замин тайёрланади.

Грамматик кўникма ҳосил қилишнинг бошланишида учинчи қисм ҳисобланмиш дастлабки машқлар бажаришнинг алоҳида аҳамиятини таъкидламоқ лозим. Идрок эта бошлаш ҳам кўникма шаклланишига қўйилган биринчи қадам бўлиб, унда ягона эшитиш сезгиси/анализатори ишлайди, холос. Тақлид қилганда онг иштироксиз муаллимга эргашилади. Ўзлари машқ қила бошлаганда, англаш бошланади ва такрор айтишлар туфайли нутқий грамматик автоматизм шакллана боради. Учинчи босқичда дастлабки машқларнинг изчил бажарилиши янги ҳодисани мустақкамлаш гаровидир.

Назариётчилар¹ фикрларига кўра, ўқувчиларнинг овоз чиқариб айтишларидан ўзлаштириш, ақлий амалларни/тушунчаларни босқичма-босқич шакллантириш бошланади. Айтиш амаллари бажарилиши кўникмани шакллантиришнинг ибтидосидир. Интиҳода эса янги ҳодисанинг малакада қўлланилиши кутилади. Тақдимот босқичига оид мулоҳазалар умумлаштирилиб, қўйидаги методик тартибни тавсия қилиш мумкин:

1. Биринчи методик усулга мувофиқ нутқ намунаси нутқий вазиятда ишлатилиб, унда янги ҳодисанинг ясалиши, маъноси ва қўлланилиши намойиш этилади. Онгли ўзлаштиришга эришиш учун ўқувчиларга муаллим мана бундай топшириқ беради: тингланг ва бажаринг (жумлалар чет тилда айтилади). 2. Баъзи изоҳ (мавҳумот) билан янги ҳодисани оғзаки намойиш

¹ П. Я. Гальперин. Умственные действия — основа формирования мысли и образа // Вопросы психологии, 1957, № 6.

этиш. Топшириқ: Менга қулоқ солинг ва айтадиган чет тилдаги гапларимни тушуниб олинг. Тушунганлик даражасини таржима воситасида назорат қилиш мумкин. 3. Ҳодисанинг тақдироти тегишли тушунтириш (содда мавҳумот) ва таржима ёрдамида амалга оширилади. Муаллим топшириғи: Қулоқ солинг ва чет тилда, мас. «гапира оламан», «гапира олади» дейилганда, фалон сўздан кейинги фалон феълга эътибор беринг (мисол чет тилда айтилади). Аксарият грамматик ҳодисалар ушбу йўл билан тақдим этилади.

Грамматик ҳодисани ўзлаштиришда уни кўникма ҳолига етказишни мажозан космик кеманинг ракета билан фазога учурилишига таққослаш мумкин. Ердан кемани ракета кўтариб орбитага олиб чиқади — ракета кўникма таркибидаги қоида янглиғ вазифани ўтайди, орбитага чиққан кемадан ракетанинг ажралиши эса малакага айланган тил ҳодисаси учун қонданинг зарур эмаслигига қиёс этгулик ҳолатдир. Хуллас, кўникма ҳосил қилган ўқувчи англаб машқ бажаради. Малака, маълумки, автоматлашган кўникмадир, унда нутқ (гапириш, ёзув) ҳосил бўлади ёки тинглаб (ўқиб) тушунилади.

Чет тил грамматик ҳодисаларига оид кўникма махсус машқ бажариш босқичида шакллантирилади.

Грамматика машқлари. Тақдим этилган грамматик ҳодисалар чет тилда кўникмага айлантирилиши учун энди машқ қилиш даври бошланади. Аввало, кўникма ҳақида қисқача методик изоҳ: грамматик кўникма деганда, нутқда морфологик-синтактик ҳодисаларни тўғри ва автоматлашган тарзда қўллашни ва таниб олишни таъминловчи операциялар ва амаллар тушунилади. Морфологик кўникмада шакллар ясалиши ва қўлланиши операция ва амаллари тўғрисида гап боради (отнинг қўшимчалари, феълга оид қўшимчалар, от олдида қўлланилган грамматик бирликлар, мас. артикль, предлог ва ҳ.к.з.). Синтактик кўникмага эса сўз тартиби, сўз бирикмалари ясалиши кабилар киради. Грамматик материалнинг қўлланиш кўникмасига сўзларни ўзгартириш ва сўзларни ўрнига қўйиш киритилади.

Ўқувчилар ўзлаштиришни бошлаган грамматик ҳодисалар машқ қилиш йўли билан уларнинг нутқ фаолиятига киритилади. Бу даврда соф чет тилча табиий нутқ ҳақида гап йўқ, балки ўқув нутқи, табиий нутққа тақлид қилиш машқлари бажарилади.

Ўқувчиларнинг нутқ кўникмалари шаклланиши чоғида грамматик ҳодисаларни «муҳрлаш» жараёни юз беради. Машқ қилиш босқичи асосан уч қисмни ташкил этади: 1. Грамматик ҳодисаларни тақлидий айтишни ўрганиш. Ҳар қандай грамматик амал ўзининг андазага суяниши билан чегараланади. Тақлидий машқ қилиш кейинги қисмга уланиб кетади. 2. Тақлидий ўрганилган ҳодиса таркибида ўзгартишлар содир этиб, машқ қилиш бошланади. Таниш материал, имконият кўтаришига қараб, янги грамматик ҳодисани пухта ўзлаштириш хиз-

мат қилдирилади. 3. Олдин ўрганилган ва бугун тақдим этилган грамматик ҳодисалар биргаликда оғзаки ва ёзма фикр баён этиш учун қўлланади. Нутқий йўналганлик машқ қилишнинг ушбу палласига мансубдир.

Зикр этилганлар билан бир қаторда нутқни идрок этиб тушуниш машқлари ҳам бажарилади. Айниқса янги ҳодисанинг ўқишда машқ қилиш аҳамияти беқийёсдир.

Ўқишни эгаллашда грамматикани қуйидаги тартибда машқ қилиш мумкин: 1. Матнда грамматик ҳодисани таниб олиш (мас. матнни ўқинг, фалон грамматик ҳодисани топиб айтинг/кўчириг). Ясалиш аломатларини айтиб бериш ҳам мумкин. 2. Грамматик ҳодисани тахминлаб билиш имконияти мавжуд (мас. матн ёки микроматн (жумла)ни ўқиб, тушириб қолдирилган қисмини топиб айтиш/ёзиш). 3. Ўхшаш грамматик ҳодисаларни фарқлаш. Матнни ўқиб, тўғри ва нотўғри феълларни кўчириш, турли жумлалардаги феъл замонлари фарқини топиш кабилар. 4. Ўрганилаётган грамматик ҳодиса ўқиладиган матнни тушунишга имкон яратади. (Матнни ўқинг ва фалон грамматик ҳодисага эътибор беринг ҳамда ушбу ҳодисани қўллаб, матн мазмунини гапириб беринг.) Тўртинчи тоифадаги машқ қилиш усули соф нутқ машқларини бажариш муқаддимасидир.

Грамматик материални машқ қилиш тадрижан амалга ошадиган тадбир бўлиб, оғзаки, матнга таяниб ва ёзма машқ қилинади.

Оғзаки машқ қилиш. 1. Тақлидан айтиш. Мас. Сиз ҳам худди шундай қилишингизни ёки шундай нарсаларни кўришингизни айтинг. (Муаллим: I see a pen. I speak English. Ўқувчи: I see a pen too. I speak English, too). 2. Урин алмаштириш. Мас. Ўртоғингиздан китобни беришни (олишни, очишни, ўқишни...) сўранг. 3. Айтилганни ўзгартириш: саволга жавоб қайтариш, савол бериш, фикрга қўшилиш ёки эътироз билдириш. Машқ қилишнинг ушбу тури дарак ва сўроқ, бўлишли ва бўлишсиз гапларни ўрганишда қўл келади.

Босма матнга таяниб машқ қилиш. 1. Овоз чиқариб ўқиш/айтиш: матнни ўқиш, тинглаб ўқиш. Ўқиётганда муайян грамматик ҳодисани қўлланилишига оид қўшимча топшириқ бажарилади. 2. Урин алмаштириш: намунадан ёки бирон қисми алмаштириладиган жадвалдан фойдаланиб гаплар тузиш, ўқиш ва жадвал ёрдамида саволларга жавоб қайтариш. Зарурий грамматик ҳодисани қўллаш муаллим томонидан қўшимча топшириқ сифатида тавсия этилади. 3. Ўқилган нарсани ўзгартириб айтиш: дарсликдаги саволларга жавоб топиш, берилган жавобларга савол тузиш. 4. Ўқиб таҳлил қилиш, тинглаш, ўқиш ва солиштириш, расмга қараб ўқиш ва берилган грамматик ҳодисанинг ишлатилишини изоҳлаш.

Ёзма машқ бажариш: гапларни кўчириш ва керакли ҳодисанинг тагини чизиш; ўқиб кўчириш; қолдириб кетилган ҳоди-

сани қўйиб ёзиш; фалонча гапни мавзуга мослаб ёзиш, ҳаёт
ичидаги сўзлар иштирокида саволлар тузиш.

Грамматиканинг қўлланилиши. Тақдим этилган ва машқ
қилинган ҳодисалар устида ишлаш давом эттирилиб, граммати
к кўникма ҳосил қилинади. Уқувчилар грамматик операция
ларни ўзлаштиришгач, энди грамматик амалларни эгаллаш бил
ан машғул бўлишади. Грамматик материални ўрганишда бир
ликларни ёдлаб олиш ва операцияларни билиб олиш билан
чегараланилмайди, балки ўрганилаётган грамматик ҳодисалар
билан нутқий амалларни эгаллашга эришилади. Маълумки,
амаллар нутқ фаолиятини ҳосил қилувчи ёки идрок қилиниши
ни таъминловчи воситалардир. Дастлабки кўникмани ҳосил
қилиш, яъни грамматик ҳодисанинг қўлланилиш босқичи бош
ланади.

Машқ қилиш босқичида ўзлаштирилган ушбу грамматик
кўникманинг янги шароитда хатосиз қўлланилишига оид топ
шириқлар бажарилади. (Янги шароит тушунчасининг¹ қам
рови кенг бўлиб, янги топшириқ, янги фаолият тури, янги кў
никма/малакани эгаллаш, янги мавзу/вазият юзасидан фикр
баён этиш кабиларни ўз ичига олади.) Топшириқ турлари му
айян грамматик бирликни айтиш ва гапириш, эшитиш ва тинг
лаб тушуниш, ўқиб чиқиш ва ўқиб тушуниш, ёзиш ва ёзув каби
лардан иборат.

Грамматиканинг қўлланилиши борасида гап кетганда, му
айян грамматик ҳодисани репродуктив нутқда қўллай билиш
ва рецептив нутқда таниб олиш тушунилади, бунда қўллаш ва
қўлланганни фаҳмлаш назарда тутилади.

Қўлланилиш босқичида уқувчи грамматик бирликдан фикр
баён этиш ва ўзганинг фикрини тушуниш мақсадида фойда
ланади. Грамматик кўникманинг нутқий малакага тўла «син
гиб кетиши» кузатилади. Малака даражасида, одатда, эътибор
нутқнинг мазмунига қаратилади, тил материали, жумладан,
грамматика ҳақида сўз юритилганда эса тақдимот ва машқ
қилиш давридаги фаолият назарда тутилади.

Грамматикани ўргатиш принциплари. Грамматик тил мате
риали (лексикани ва талаффузни ўргатиш принципларига ало
қадор мавзуларга қаранг) ҳам муайян услубий принципларга
кўра ўргатилади². Чет тил грамматикасини ўргатишда қуй
даги принципларга суяниб иш кўриш тавсия этилади.

1. Грамматик механизмларни шакллантириш принципи.
Чет тил грамматикасини ўргатиш деганда, нутқнинг грамматик

¹ Е. Н. Кабанова-Миллер. О переносе в процессе учения // Советская педагогика, 1965, № 1, 48-бет.

² Қаранг: В. С. Цетлин. Основы методики обучения грамматике французского языка в средней школе. Автореферат докт. дисс. — М., 1966; Г. В. Рогова. Методика обучения английскому языку. (На англ. яз.) — JL: Просвещение, 1975; Т. К. Саттаров. Методическое содержание обучения активной грамматике английского языка в узбекской средней школе. Автореферат канд. дисс. — М., 1982.

механизмларини шакллантириш тушунилади. Чет тилдаги нутқнинг грамматик механизмлари уч таркибли бўлиб, кўникма, материал ва умумлашмадан иборат.

Грамматик механизмларни эгаллашда нутқ фаолиятининг автоматлашган таркибий қисмлари бўлмиш грамматик кўникмалар алоҳида ўрин тутати. Грамматик кўникмалар оғзаки/ёзма нутқнинг репродуктив ва рецептив кўникмалари тарзида шаклланади.

Грамматик кўникма амаллари қондага тушадиган умумлашмалардан ташкил топади, яъни уларнинг таркибида грамматик мавҳумотлар албатта бўлади.

Грамматик кўникмаларни ҳосил қилишда умуман кўникмаларни ривожлантиришнинг қонуниятлари, яъни амалларни бажариш (машқлари зарурлиги, кўникмаларнинг автоматлашуви, уларни фаолият таркибига киритиш, интерференция ва транспозиция кабилар ҳисобга олинади.

Чет тил грамматик кўникмасини шакллантириш методикасини ишлаб чиқишда нутқ фаолияти турларининг хусусиятлари ва она тили, иккинчи тил ҳамда чет тил грамматик қурилиши орасидаги муносабатлар билан боғлиқ қийинчиликлар эътиборга олинади.

Нутқнинг грамматик механизмларини ўргатишда, бир томондан, ўқувчиларнинг она тилига суянишлари, иккинчидан, чет тилдаги нутқ жараёнида она тилининг салбий таъсирини бартараф этиш лозим: а) қонда она тилида таърифланади, унда грамматик ҳодисаларнинг маъноси ҳамда қўлланилиш ҳоллари ифодаланади. Грамматик кўникма таркибидаги амаллар жаммуи ёрдамида ўзлаштириладиган фикрлаш операцияларини ўргатув чоғида она тили зарурдир; б) репродуктив кўникмаларни ривожлантиришда она тилининг салбий таъсирини бартараф этишга она тили туфайли содир бўладиган грамматик амаллар ва фикрлаш операцияларини алмаштириш, ўзгартириш системалари ва танлаш усулларини ишлатиш орқали эришилади. Бу машқлар танлашда ҳамда қондалар мазмунида ўз аксини топади. Она тилининг салбий таъсиридан келиб чиқадиган қийинчиликларнинг олдини олиш учун таржимали ва таржимасиз машқлар бажарилади; в) чет тилдаги нутқ жараёнидан она тилининг иштирокини бартараф этишга фикрлаш операцияларининг камайиб бориши ва қўлланмай қўйилиши туфайли эришилади. Бунинг учун нутқий намуналар ва кўргазмалиликдан фойдаланиш, чет тилда УНВни тасвирлаш (репродуктив кўникмаларни эгаллашда) ва грамматик элементларни таниб олиш ва фарқлашга қаратилган фикрлаш операцияларига мос гапни она тилига таржима қилиш (рецептив кўникмаларни ўрганишда) ёрдам беради. Грамматикага оид фикрлаш операцияларининг камайиб бориши билан аста-секин таржимага ўрин қолмайди.

Чет тилдаги нутқнинг грамматик механизмларини ўргатиш мазмунининг иккинчи таркибини — ёрдамчи сўзлар, флексия-

лар ташкил этади. Уни ўзлаштириш ҳам аниқ ва мустаҳкам тимсоллар ҳосил қилишни талаб этади. Бу иш кўникма амалларини эгаллаш билан бирга олиб борилади, шунингдек, материални эслаб қолиш, хотирада сақлаш, ёддан чиқармаслик имконини яратишга қаратилади.

Нутқнинг грамматик механизмларини эгаллашнинг учинчи таркиби — умумлашмалар материал ва амаллар асосида ўзлаштирилади. Умумлашмалар индуктив йўл билан ўрганилади. Тушунчаларни ўрганиб олиш икки босқичли жараёнدير: а) ўқувчилар машқ бажарганда амалий қондаларни тушуниб олади; б) грамматик амалларни ва нутқда ишлатиладиган материални умумлашма тарзида билиб олади.

II. Коммуникатив йўналганлик принципи: а) грамматик кўникма нутқ фаолияти турларининг таркибида ўзлаштирилади; б) кўникмани ҳосил қилишнинг дастлабки босқичидагина махсус грамматик машқ режалаштирилади.

III. Грамматикани амалий ўрганиш принципи. Оғзаки ёки ёзма нутқ учун зарур ва, шу билан бирга, етарли грамматик ҳодисаларгина ўрганилади. Чет тил дарсларининг бошланишидаёқ нарсаларнинг номини аташ эҳтиёжи туғилади, яъни «ручка», «китоб», «парта» каби сўзларни чет тилда айтишга тўғри келади. Демак, от олдида «артикуль» аталмиш грамматик ҳодисани қўллаш зарур бўлади. Тил ўрганувчи тегишли машқларда грамматик амалларни эгаллайди.

IV. Грамматикани структурада ўрганиш принципи. Чет тил грамматик бирликлари, аввал айтилганидек, нутқ намунаси (жумла)да тақдим этилади ва машқ қилинади. Грамматикани ўргатишда структуравий ёндашиш методикада атрофлича асосланган таълимий тадбирдир. Унга кўра янги лексик birlik таниш нутқ намунасида, нотаниш намуна эса ўзлаштирилган лексик материал асосида тақдим этилади. Нутқ намунаси ҳам қоида мақомини олади, бироқ унга вербал (сўз билан) таъриф берилмайди.

Грамматикани қоидавий (онгли), амалий ва структуравий мақомларда ўргатиш бир-бирига узвий боғланган методик тадбирлардир. Ҳар қайси ёндашувда грамматик ҳодисанинг лисоний хусусиятидан келиб чиқилади. Мас. илк марта тақдим этилаётган жумла қоидасиз, методик термин билан атаганда, лексик тарзда ўрганилади. Нутқ намунасининг таркибий қисмлари ўзгариши билан тегишли умумлашма баён этилади. Кўникмаларни ривожлантиришда грамматик амалларни бошқариб турадиган «оператив» (В. С. Цетлин атамаси), яъни амалий қоидалар бериб борилади. Қоида мазмуни ва тузилишини муайян кўникманинг алгоритми белгилайди.

V. Грамматикани нутқий вазиятда ўргатиш принципи. Чет тил таълимида уни ситуатив ёндашиш (америка методикасида role playing) деб юритилади. Ўқувчилар яшаётган/ўқиётган ҳаётий муҳит билан боғлаб машқлар бажариш ижобий самаралар беради. Мас. синфдаги нарсалар кимларники эканлиги

қаратқич келишиги ёки эгалик олмошини ўргатишда қўл келадиган вазиятдир. Ҳозирги (умумий) замонни мустаҳкамлаш мақсадида ҳар куни бажариладиган ишлар ҳақида ўқувчилар чет тилда фикр баён этадилар. Қисқаси, дастурий грамматик материалнинг барчаси ўқувчи турмушига бевосита боғлаб ўргатилади.

VI. Грамматикани онгли ўзлаштириш принципи. Онглилик деганда, назарий қоидаларни қуруқ ёдлатиш эмас, балки ўрганилаётган нутқ намунаси (жумла)да маълум лисоний унсурларга ўқувчининг диққат-эътибори қаратилиши кўзда тутилади. Ушбу грамматик ҳодисани гапириш ёки ёзувда қўллай билиш, ўқиш ёки тинглаш чоғида таний олиш кўникмаси ҳосил қилинади. Ўқувчи эътибори қаратилаётган ҳодиса юзасидан оддий қоида берилиши онгли ўзлаштиришнинг кенг тарқалган усулидир. Янги грамматик бирликни тез ва осон ўрганиб, нутқда қўллашга эришишнинг мақбул йўли амалий йўналишдаги қоидаларни билиб олишдир. Мисол тариқасида биринчи ўқув йили учун нашр этилган инглиз тили (Ж. Жалолов ва бошқ. 4-синф учун. — Тошкент: Уқитувчи, 1982) дарслигидан ўрин олган грамматик ҳодисаларни ўргатишга мўлжалланган 21та қоида-умумлашма келтирилади.

Биринчи йил инглиз тили ўрганишда баён этиладиган грамматик қоидалар:

№	Қоида таърифи	Дарс
1.	Инглиз тилида от олдида артикль қўлланади: a pen.	L.4
2.	Атоқли от олдида артикль қўлланмайди: App.	L.7
3.	Гапта сўз тартиби: I see a pen.	L. 8/10
4.	Бўлишсиз гапта don't қўшилади: I don't see a book.	L. 9
5.	Буйруқ гапта сўз тартиби: Give me a pen.	L. 12
6.	Ноаниқ ва аниқ артикллер: a — the. Маълум предмет ҳақида гапирилганда аниқ артикль қўлланади: the pen.	L. 15
7.	Кўмакчи феъл: The pen is in the desk.	L. 18
8.	Сўроқ сўзи билан бошланадиган гапта сўз тартиби: Where is the book?	L. 19
9.	Гапнинг сўроқ шаклида is эга олдида қўлланади: Is the pen on the table? Жавобда: Yes, it is	L. 24
10.	Бўлишсиз жавоб: (Is the pen in the desk?)— No, it is not.	L. 25
11.	Гапнинг бўлишсиз шакли: The pen is not on the desk.	L. 29
12.	Кишилик олмошлари he (эрлар учун), she (хотин-қизлар учун), it (жонсиз нарсалар учун).	L. 34
13.	Is your brother in the yard or in the park сўроқ гапига тўлиқ жавоб қайтарилади: He (My brother) is in the yard.	L. 37
14.	Инглизча «мактабда» (ўқишда), «уйда», «ишда» деганда ат предлоги қўлланади: at school, at home, at work.	L. 40, 41, 42
15.	Инглизча age, an феъллари иштирокида гаплар.	
16.	Отларга кўпликда —s қўшилади: жарангли (pens, boys) ва жарангсиз (books, streets) ўқилади.	L.44 L.61

1	2	3
17	От олдида сифат келганда, артикль ўрни ўзгаради: a new film, the new film.	L.87
18	Кишилик ва эгалик олмошлари: he—his, she—her have феъли сўроқ гапда эга олдига қўйилади:	L.95
19	Have you a bike? Жавоби: Yes, I have (No, I have not).	L.96
20	III шахс бирликда has қўлланади.	L.97
21	Бўлишсиз гапда Have/has бошқа феъллардан фарқ қи- лади: (I don't see a car). I have a bike —I have no bike.	L.98

Дидактикадаги онглилик принципнинг чет тил грамматикасини ўргатишда ўзига хос татбиқи мазкур амалий қондалар таърифидан аён бўлди. Бу ерда қоида бевосита нутқий амалиётдан ҳосила ўлароқ унга хизмат қилади. Қондалардан систематик курс берилмайди. Нутқ бирликларини англаб етишга кифоя қиладиган таълимий қондаларни ўзлаштириш грамматикани онгли ўрганиш принципини акс эттиради.

Хуллас, грамматикани ўргатишда онглилик принципи қуйидагича талқин этилади (В. С. Цетлин): а) жумла тузилишида иштирок этадиган тил бирликларини ўқувчи англаб этади, улар нафақат гапларнинг, шунингдек, сўз гуруҳларини, сўз ва унинг грамматик қисмларини ҳам қўлланилишни ўрганадилар; б) грамматик кўникмаларни эгаллаш чоғида ўқувчилар грамматик амалларни фаҳмлайдилар. Фикрлаш операциялари системасидаги таҳлил ва хулосалардан қайси амални бажариш, қайси маънони танлаш, қайси грамматик элементни қўллаш кабилар билан машғул бўладилар. Фикрлаш операциялари амалларни ўзлаштира борган сари заруриятини йўқотади, энди амаллар автоматлашув даражасига этади, яъни кўникма ҳосил бўлади; в) амалларнинг «маъзини қақиш» учун қоида-кўрсатмалардан фойдаланилади. Аналогия кифоя қилмаган ҳолларда бериладиган қоида-кўрсатмалар тил тажрибасидан таниш тушунчалар ёрдамида баён этилади; г) грамматикани ўргатишдаги онглилик тушунчаси амалларни фаҳмлашда кўрув таянчидан фойдаланишни ҳам акс эттиради.

VII. Грамматикани фарқлаб ўргатиш принципи. Методикада актив ва пассив тил материали тушунчаси кенг истифода қилинади. Сўзлашиш (гапириш) ва ўқиш грамматикаси аталмиш шартли номлар билан маълум бўлган икки тоифа грамматик ҳодисалар фарқланади.

Актив ва пассив бирликларнинг ўзлаштирилишига қараб, уларни репродуктив ва рецептив нутқ учун фарқланади. Репродукция ва рецепция учун алоҳида-алоҳида грамматик амаллар (В. С. Цетлин томонидан) ажратилган. Мас. рецептив нутқда грамматик бирликни идрок этиб фикран ажратиш, гап тузилишини таниб олиш, гап бўлакларини ва сўзларнинг грамма-

тик маъноси кўрсаткичларини аниқлаш ва улар асосида тушуниш каби амаллар бажарилади.

Грамматикани фарқлаб ўргатишнинг яна бир томони мавжуд, яъни ўта қийин ҳодисаларнинг тақдироти ва машқларига кўп куч ва вақт сарфланади. Улар лисоний машқларни кўпроқ талаб қилади. Ўта қийин ҳодисаларнинг тоифалари методистлар (французча — В. С. Цетлин, инглизча — Т. К. Сатторов, немисча — С. Ф. Шатиллов) томонидан аниқлаб чиқилган.

Юқорида қайд этилган умумий принциплардан ташқари чет тил грамматикасини ўргатишнинг хусусий принциплари ҳам (В. С. Цетлин томонидан) ишлаб чиқилган.

1. Репродуктив ва рецептив грамматик кўникмаларнинг алгоритмларидан таниб олиш ва топиб олиш қисмлари фарқланади. Она тилининг роли иккала турдаги кўникмаларда турличадир. Кўникмаларни ривожлантириш машқларида ушбу хусусиятларга эътибор қаратилади. Амалларни бажариш машқлари олдидан бериладиган ҳоид ва изоҳлар мазмунини репродуктив ва рецептив кўникмаларнинг алгоритмлари белгилайди.

2. Амаллар бажариш машқлари репродуктив ва рецептив турларга бўлинади. Репродуктив грамматик машқлар амалларнинг фарқига қараб, яна кичик турларга ажралади (алмаштириш ва ўзгартириш амалларини, формал белгиларига кўра танлаш амалларини ва маъносига қараб танлаш амалларини ўзлаштиришга қаратилган машқлар). Рецептив грамматик машқлар эса таниб олишга мўлжалланган (мураккаб фарқлаш ва оддий фарқлаш) ва тушунишга йўлловчи машқларга бўлинади.

3. Уқувчиларнинг грамматик кўникмаларини ривожлантириш мақсадида грамматик амалларни тўғри бажаришни таъминловчи оператив ҳоидалар қўланади. Ушбу ҳоидаларнинг мазмуни ва тузилиши, уларнинг тушунтириб борилиши тегишли кўникмаларнинг алгоритмига қараб белгиланади. Репродуктив кўникма алгоритмининг таниб олиш қисми грамматик маънога (ёки УНВ)га оид ҳоидаларда ифодаланади, топиб олиш қисми эса алмаштириш, ўзгартириш, формал белгиларига қараб танлаш амалларига оид йўлланма шаклида берилади. Рецептив кўникма алгоритмининг таниб олиш қисми ажратиб олиш ва фарқлаш амалларига кўрсатма тарзидаги изоҳ кўринишида бўлади, алгоритмнинг топиб олиш қисми эса грамматик маънога оид йўлланма ҳолида ифодаланади.

4. Репродуктив грамматик кўникмаларни ривожлантиришда мана бундай кетма-кет иш турлари бажарилади: намунани кўрсатиш; грамматик амаллар ва материални кўрсатиш ва тушунтириш; алмаштириш ва ўзгартириш амалларини машқ қилиш; сўзларнинг морфологик ва фонетик хусусиятларига қараб грамматик материални машқ қилиш. Бажариладиган ишлар якунида грамматик элементларни маъносига кўра танлаб ишлатиш машқ қилинади. Бунинг сабаби шундаки, ушбу машқ-

лар чоғида репродуктив грамматик кўникманинг барча амалларини эгаллаш мумкин.

Рецептив грамматик кўникмаларни ҳосил қилиш пайтида, аввало, таниб олиш, сўнгра тушуниш машқлари бажарилади.

Грамматик материални ўзлаштириш жараёни кўникмани эгаллаш билан мувозий равишда кечади. Айрим ҳолларда материал грамматик кўникмадан олдин ўрганилади, бунда материални ўрганиш машқи амалларни эгаллашдан аввал бажарилади.

5. Актив грамматик минимум бўйича бошланишида репродуктив, кейин рецептив кўникмалар шакллантирилади, чунки репродуктив кўникмадан рецептивга кўчиш осонроқ, аксинча—рецептивдан репродуктив кўникмага ўтиш қийинроқ бўлади. Репродуктив иш турлари изчилликни талаб қилади, унга рецептив алмаштирилса, интерференция кўзғайди, у эса ҳар иккала кўникманинг амаллари системасини ўзлаштиришга тўсқинлик қилади.

6. Бажариладиган иш турлари нисбати, машқ турларининг ҳажми ва ўрни, грамматик элементларнинг маъносини очиш ва уларни қўллаш усулларига келсак, улар грамматик ҳодисаларнинг хусусияти ва қийин/осонлигига қараб турлича бўлади.

Ўқув-методик топшириқлар

1. Грамматик кўникмади ҳосил қилиш босқичларини таҳлил қилинг.

2. Грамматик ҳодиса билан ўқувчини таништириш йўллари-ни ўрганинг.

3. Машқ қилиш босқичи қисмларини муҳокама қилинг.

4. Грамматикани ўргатиш принципларини таърифланг.

3-§. Грамматик машқлардан намуналар

Чет тил грамматикасини ўргатиш тизими (В. С. Цетлин таълимотига биноан) грамматик кўникма ҳосил қилиш, грамматик материални ўзлаштириш ва умумлашмани ўрганишни ўз ичига олади. Булар ўз навбатида кўникмани шакллантиришга ва материални ўзлаштиришга мўлжалланган машқлар бажаришни тақозо этади (тушунтириш эса амалларни англаш ва тушунчаларни билишга қаратилади). Хуллас, машқлар материал, амаллар ва умумлашмаларга дахлдор қийинчиликларни бартараф этиш йўлидаги воситадир. Қуйида чет тил грамматикасини ўргатишга мўлжалланган машқлардан айрим намуналар берилади.

1. Идрок этилаётган матндан ўрганилаётган грамматик ҳодисани топиш.

2. Янги грамматикани бошқа таниш ҳодисалардан фарқлаш.

3. Эшитилган/ўқилган грамматик ҳодисанинг номини айтиш.

4. Грамматик жиҳатдан гапни оддий таҳлил қилиш.
5. Муаллим ҳикоясини тегишли грамматик ҳодисани ишла-тиб давом этиш.
6. Уқувчи (муаллим) айтган грамматик ҳодисани гапда қўллаш.
7. Грамматик материални системалаштириш (мас. ҳозирги, ўтган, келаси замонларга гап тузиш).
8. Нутқий вазиятда грамматик ҳодисани эркин қўллаш.
9. Расмни ҳозирги (ўтган, келаси) замонда чет тилча тас-вирлаш.
10. Тегишли грамматик ҳодисани қўллаб, савол-жавоб қилиш.
11. Дидактик тарқатма материалларни грамматик машқ учун ишлатиш (индивидуал ёндашиш).
12. Қийин грамматик ҳодисани ўз ичига олган жумла (абзац)ни таржима қилиш ва ҳ.к.з.

Уқув-методик топшириқлар

1. Берилган машқларнинг айримларини амалда бажаринг.
2. Машқларнинг грамматик материал ўргатишга дахлдор-лик даражасини аниқланг.
3. Қўшимча грамматик машқлар тупланг.



Чет тил талаффузини ўргатишнинг моҳияти. Тил материалининг таркибий қисмларидан бири бўлган талаффузга алоҳида эътибор берилади. Чунки чет тилда фикр баён этиш учун айтиладиган жумла товушларини талаффуз этиш ва уларни бириктириш ҳамда тегишли нутқ оҳанги (интонация)ни билиш талаб этилади.

Талаффуз эшитиш (акустик), айтиш (мотор) ва маъно билдириш (семантик) каби уч қисмдан иборат. Уларнинг ҳар бир тилда ўзига хос ижро хусусияти мавжуд. Тилнинг фонетик жиҳатини ўзлаштириш, яъни талаффуз кўникмасини эгаллаш нутқий мулоқотнинг муҳим шартларидандир.

Мактаб шароитида чет тилда бениҳсон талаффузга эришмоқ мумкинми, деган савол туғилади. Методистлар жавоби аниқ: ўқувчилар чет тилда тақрибий (аппроксимациялашган) талаффузни ўрганишади (тўғри талаффуз она тили ва иккинчи тилда ўрганилиши мумкин). **Аппроксимация** ғоясига биноан, бир томондан, фонетик материални ҳажман чегаралашга ҳамда, иккинчидан, айрим товушлар талаффузининг сифати тил соҳибиникидан пастроқ бўлишига йўл қўйилади. Муайян чет тил товушининг маъно ўзгаришига сабаб бўлиши, яъни фонематик роль ўйнаши маълум, шундай ҳолда унинг талаффузида тахминий яқинлашиш (аппроксимация)га эришиш юқори даражада бўлиши тавсия этилади, мас. инглиз тилидаги унли товушнинг қисқа-чўзиқлиги, сўз охиридаги ундош товушнинг жарангли-жарангсизлашувида юксак тақрибийликка интилиш зарурдир, акс ҳолда мазмунга путур етади.

Талаффуздаги тақрибийлик, аввалан, ўрта мактаб шароити, яъни чет тил ўрганишнинг сунъий муҳити билан белгиланса, сониян, талаффуз лексика ва грамматикага нисбатан мураккабдир.

Чет тилда нисбатан раво ва етарли тезликдаги талаффузни эгаллаш асосий талабдир. Бу, биринчидан, суҳбатдошлар бир-бирларини англашларини таъминласа, иккинчидан, нутқнинг ўртамаёна суръатини кўникма тарзида эгаллашни тақозо этади (маълумки, чет тилдаги нутқ суръати бир дақиқада 110—150 та сўзни айта олиш демакдир: инглиз ва француз тилларида ўртача 130—150 та сўз, немисчада эса 110—130 та сўз талаффуз этилишини илмий тажрибалар исботлаган).

Ўқувчи нутқи тушунарли бўлиши учун нафақат маъно ифодаловчи товушлар (фонемалар) талаффузини ўрганиши, шунингдек, кенг истеъмолдаги содда ва қўшма гапларнинг асосий оҳангини (урғуси, вазни, тўхтамаи (паузаси), мелодикаси кабиларни) ҳам ўзлаштириб олиши керак. Демак, талаффуз кўникмаси артикуляция (айтиш) ва интонация (нутқий оҳангни қўллаш) операцияларидан ташкил топади.

Нутқ бирликлари фақат товуш тимсолларида мавжудлигини ва талаффузнинг лексика ва грамматика кўникмалари билан

бирга қўшилиб кетганлигини назарда тутиб, нутқда уларни яхлит эгаллаш одат тусига кирган. Талаффуз кўникмаси деганда, нутқ бирлигининг тегишли товушлар орқали руёбга чиқшини таъминловчи яхлит лисоний амал тушунилади.

Чет тил талаффузини қайси синфларда ёки таълим босқичларида ўргатиш масаласи турли тортишувларга сабаб бўлган. Алоҳида бир синф ёки босқични ажратиш методика мантиқига зид бўлур эди. Чунки талаффузни эгаллаш нутқ кўникма ва малакаларига тобедир. Муайян мактаб учун тузилган ўқув-методик воситаларнинг мазмуни талаффуз минимумининг тақсимотини ўзига хос ҳолда руёбга чиқаради. Бироқ барча мактаблар учун умумий қонуният сифатида қуйидаги тартиб қабул қилинади: товушларнинг аксарияти таълимнинг бошланғич даврида тақдим этилади, ўрта босқичда янги товуш бирикмалари, урғу ва интонацияни ўргатиш давом этади, ўрта ёки юқори босқичда барча талаффуз ҳодисалари юзасидан кўникмани ривожлантириш, бинобарин, талаффуз кўникмасини шакллантириш бўйича чет тил ўқитишнинг ибтидосидан интиҳосигача иш олиб борилади. Тил материалларидан лексика ва грамматикани ўзлаштириш чоғида эшитиш-талаффуз кўникмаси шакллантирилади.

1-§. Талаффуз материални методик тайёрлаш

Талаффуз минимумини танлаш. Чет тил фонетик (талаффуз) минимуми лексика ва грамматика минимумларига боғлиқ ҳолда танланади. Тил материали одатда актив ва пассив минимумлардан иборат. Фонетика (талаффуз) минимумида актив ва пассив тушунчалари бир оз бошқача талқин этилади. Актив ва пассив талаффуз минимумлари бир пайтнинг ўзида ўрганилади. Улар мураккаб нутқий малаканинг таркибига кириб, оғзаки нутқнинг гапириш (айтиш-талаффуз кўникмаси) ва идрок этиб тушуниш (эшитиш кўникмаси) жиҳатларида намоён бўлади.

Актив ва пассив талаффуз минимумлари қуйидагича фарқланади: актив минимумда тақрибийликка йўл қўйилади, пассивда эса бундай ҳолга дуч келинмайди. Талаффузнинг актив минимуми доирасида чегараланган фонетик материал юзасидан иш кўрилади, пассивда эса ўрганилаётган чет тил фонемаларининг вариантлари ҳам учрайди.

Талаффуз минимуми муайян турдаги ўқув юртлири учун, мас. ўрта мактаблар учун, ўқувчиларнинг тил тажрибасидан қатъи назар, умумий бўлади. Чунончи, ўрганилаётган чет тилнинг товушлари, товуш бирикмалари, фонетик ҳодисалари ва интонация тузилиши талаффуз минимумини ташкил этади. (Айрим тадқиқотчиларнинг ўқувчи она тилиси (ёки тил тажрибаси) да чет тил талаффуз бирликларига монанд бирликларни минимумга киритмасликлари методик мантиққа хилоф эканлиги қуйида исботлаб берилади).

Чет тил лексик-грамматик материали ичидаги барча фонетик бирликлар талаффуз минимумидан жой олиши муқаррар. Лекин ўрганилиши осон бўлган талаффуз бирликлари алоҳида машқларда махсус ўргатилмаслиги ҳам методикада маълум, чунки улар талаффузни ўргатиш мазмуни таркибига кирмайди. Бинобарин, минимум тил тажрибасини ҳисобга олмайди, талаффузни ўргатиш мазмунида эса муайян қийинчилик сабабли ўзлаштиришга махсус вақт ва куч талаб этадиган ҳодисалар йиғилади.

Чет тил талаффузини ўргатиш мазмуни (ТҲМ)дан ўрин олган барча бирликлар турли меъёрдаги қийинчилик билан ўзлаштирилишини назарга олиб, уларнинг таснифи ишлаб чиқилди: артикуляцион, оппозицион, позицион ва акустик жиҳатдан қийин ҳодисалар (IV бобда келтирилган маълумотни эсланг).

Фонетик бирликларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, ҳар бир мактаб учун ўқувчиларнинг тил тажрибасига мувофиқ алоҳида ТҲМ шакллантирилади. Уни танлаш манбаи умумий талаффуз минимумидир.

Талаффуз минимуми қуйидаги методик мезонларга мувофиқ танланади: (1) нутқий мулоқот эҳтиёжига фонетик бирликнинг мутаносиблиги; (2) танлашга мос келадиган услуб; (3) талаффузнинг нормативлиги; (4) кенг тарқалганлик.

Биринчи мезонга кўра маънони фарқловчи товушлар ва интонемалар танланади, чунончи, талаффуз минимумига барча фонемалар киритилади (уларнинг вариантлари кирмайди). Интонемаларга келганда, мазкур мезон, амали доирасида икки манзара кузатилади, биринчидан, интонемалар миқдори ўрганиладиган гап турлари билан чегараланади, иккинчидан, синтактик маъно ифодаладиган гапларгина танланади, холос. Интонациянинг асосий синтактик маъноларига қуйидагилар киради: 1) фикр яхлитлиги (тугал ёки тугал эмаслиги); 2) мулоқот мақсади (баён, савол, хоҳиш); 3) мулоқот вазифаси (маълум/янги, тема/рема).

Танлашда услубнинг мос келиш мезони бўйича талаффузнинг тўлиқ услуби, яъни китобий, академик услуб асос қилиб олинади (сўзлашув услуби мақбул эмас). Китобий услуб бир қарашда сунъийроқ кўринадику, бироқ у мактаб учун мос келади.

Талаффузнинг нормативлиги мезони, услуб мезонига яқин бўлиб, диалектал (шевага оид) талаффузни фонетик минимумга киритмаслик ўлчови вазифасини ўтайди. Фонетик намуна саналмиш адабий талаффузни ўрганиш тавсия этилади.

Кенг тарқалганлик мезони ҳам услуб ва нормативликка ўхшаб кетади. Нутқда кенг қўлландиган фонетик бирликлар танлаб олинади.

Ушбу танлаш мезонларига кўра ўрганилаётган чет тилнинг фонетика системасидан талаффуз минимуми танлаб олинади. Мезонларга риоя қилишда чет тилнинг хусусияти эътиборга олинади.

Ўқувчилар она тилиси (ёки тил тажрибаси)ни ҳисобга олиш мезони эса ТУМни аниқлашга ёрдам беради. Юқорида таъкидланганидек, ТУМда талаффуз қийинчиликларигина жамланади. Бироқ ТУМга кирмайдиган талаффуз минимуми бирликлари (товуш, товуш бирикмаси), фонетик ҳодиса ва интонация) бутунлай эътибордан четда қолмайди. Улар кўп миқдорда машқ талаб қилмайди. Уларнинг тақдим босқичидан ўтиши ўзлаштириш учун кифоя.

Инглизча талаффузни ўргатиш мазмуни мисол тариқасида келтирилади:

1. Товушлар: Унлилар: қисқа *i, e, æ, ɔ, u, ʌ, ə*; чўзиқ *[i: α:, ɔ:, u:, ə:]*; дифтонглар *[ei, ai, ou, iə, eə, əi, aɪ, uə]*. Ундошлар *[θ, ð, f, v, r, w]*.

II. Фонетик ҳодисалар. Ундошлар тизмасининг талаффузи: 1) сўз бошида *[sk, sp, st, fl, fr, kl, pj, pl, kw, θr, tr, tw, sw, bl, br, dr, str, stj, spr]*; 2) сўз охирида *[ks, ps, sk, ts, st, ns, kt, ft, fn; sn, tn, tl, pl, nd, dz, gz, nz, lz, bz, mz, dn, bl, vz, vm, ld, lm, vd, dz, mp, nt, lts, ndz, sks, nsl, blz, kst, snz, dnz, dnt, tls, nts, plz, mps, prl, sts, ldz, lmz, ksts, ldrn, nslz, dnts, ldrnz]*; 3) сўз ўртасида *[ldr, ɔgl, ntl, ndf, ndm, kst, vnt]*. 2. Сўз охирида жарангли ундошлар *[b, d, g, z, dʒ, ʒ, v, ð]*.

Ушбу ТУМ рўйхатидан кўринадики, унлилар ҳаммаси монофтонглар — 12 та, дифтонглар — 8 та) ва ундошлардан олти тасигина танланган, холос (ундошлар аслида 24 та).

Ундошлар тизмасидан ТУМга фақат бошланғич босқич учунгина хослари келтирилди.

ТУМ таркибидаги фонетик бирликларнинг кўпчилиги оппозицион *[i:—i], [ɔ:—ɔ], [u:—u], [α:—ʌ], [ei—ai], [iə—eə], [ou—oi], [ua—u], [au—ou], [e—æ]* қийинчиликлар келтириб чиқариш мумкин.

Акустик қийинчиликларга мисоллар: *[f—p], [r—l], [v—w], [θ—s, t, f], [ð—z, v, d, l, r, w]*; *read—red, pupil—people, three—tree*.

Ўзбек мактаблари ўқувчиларининг ТУМга кирмайдиган талаффуз материали (улар минимумда бор): 1. Товушлар *[п, j, l, n, p, t, k]*; 2) унли-дифтонг *[эə]*; 3) барча унли ва ундошларнинг вариантлари. 2. Фонетик ҳодисалар: 1) аспирация *[p, t, k]*; 2) унлилар тизмалари (ТУМ таркибига кирмайдиган интонация материали ўқув дастуридан жой олган).

Талаффуз материалининг тақсимоти. Лексик ва грамматик материал тақсимотида биринчи масала актив ва пасивга ажратиш эди. Талаффузда фонетик материал тақсимотининг ўзига хос хусусияти бор. Тингладиган (пасив) ва айтиладиган (актив) талаффуз бирликлари бирин-кетин эмас, балки бир пайтда ўзлаштирилади, тинглаганда ички нутқ ва айтганда ташқи (овозли) нутқ содир бўлади.

Талаффуз материали тақсимланганда нутқ эҳтиёжига қатъиян бўйсундирилади. Лексик-грамматик тақсимот унинг кетма-кетлигини белгиловчи омил ҳисобланади. Шу боис бир

синф учун чиқарилган турли дарсликларда талаффуз бирликларининг тақсимоти турлича эканини кузатиш мумкин, мас. рус ёки ўзбек мактаблари ўқувчилари ўрганадиган дастлабки фонетик материал солиштирилса, тақсимотдаги фарқ кескин эканлиги яққол кўринади. Тафовутнинг асосий сабаби тақдим этилаётган нутқ намунасидадир. Қайси намуна берилса, ўшандаги товуш, товуш бирикмаси, фонетик ҳодиса, интонация ўрганилиши шарт.

Маълумки, чет тил ўргатишнинг биринчи йилида талаффуз материалнинг аксарият бирликлари тақсимланади. Ҳатто айрим дарсликларда биринчи (ва иккинчи) чорақдагина янги фонетик материал тақсимланган. Тадқиқотчилар исботлашларича, фонетик бирликларнинг асосий қисми биринчи ўқув йилида тақсим этилиши қонуний ҳолдир, чунки бу даврда ўқувчиларнинг талаффуз кўникмаларини шакллантириш юзасидан жадал иш олиб борилади. Лекин талаффуз материали шу йилда юз фоиз тақсимланади, дейиш ғайриилмий мулоҳазадир.

Фонетик материални тақсимлашда қуйидаги илмий-методик мезонларга амал қилинади: 1) нутқий йўналганлик; 2) қийинчиликларни тарқатиб бериш. Мезонлар турли дарсликларда турлича амал қилади. Умумийлик шундан иборатки, қабул қилинган лексик-грамматик тақсимот талаффуз тақсимотини олдиндан белгилаб беради. ТУМнинг умумий рўйхати келтирилади ва ТУМни синфларга тақсимланиши қисқача таҳлил этилади. ТУМнинг катта қисми биринчи ўқув йили учун тақсимланади. Кейинги синфда эса ундошлар тизмасига оид анчагина янги бирликлар берилади. Фонетик бирликлардан айримлари ундан кейинги синфлар тил материалига кириши ҳам мумкин, мас. инглизча дифтонг [uə], ундош [z], сўз охирида келадиган жарангли ундош [dʒ]. Улар шу синфда ўрганиладиган лексик бирликларда учрайди. Талаффуз бирлигини ўргатиш учунгина атайин лексик бирлик жалб этилмайди, аксинча лексика (шунингдек, грамматика) фонетик материалга нисбатан «ҳоким» ҳисобланади.

Фонетик бирлик қийин/осонлигининг тақсимот тартибига дахли йўқ. Чунки талаффузи қийин ҳодисалар, қачон ўрганилишидан қатъи назар, осонга айланиб қолмайди. Бироқ қатор қийинчиликларнинг йиғилиб қолишига йўл қўйиб бўлмайди. Қийинчиликларни бўлиб бериш тақсимотнинг мезонларидандир. Мазкур мезон талабига биноан муқобил ассоциация уйғотадиган, оқибатда қийинчиликка олиб келадиган ҳодисалар тарқатиб берилади, мас. work—walk, farm—form. Бундай акустик жиҳатдан мураккаб бирликлар бир дарсда берилмаслиги керак. Бир сўзда бир неча қийин товушлар бўлса, уларнинг тақсимоти қуйидагича ҳал қилинади: ушбу товушлардан айримлари бошқа сўз таркибида, албатта, зарур нутқий бирликларда, тақдим этилади, мас. чет тилда «университет» сўзидаги қатор қийин унлилар бошқа сўзларда тақдим этилгач, кейинчалик бу лексик бирлик берилади. Чет тил ва она тили (шу-

нингдек, иккинчи тил) фонетик системаларининг муқоясаси ва ўқитиш тажрибаси кўрсатишича чўзиқ ва қисқа унлилар оппозицион қийинчилик келтириб чиқаради. Уларнинг жуфтлари бир вақтда эмас, бошқа-бошқа дарсларга тақсимланади.

Талаффуз материали, грамматика сингари, ҳар ёқлама («универсал») тақсим қилинмайди, балки тил материали нутқ учун яхлит тарзда тақсимланади.

Талаффуз материалининг таснифи. Энг қулай методик йўл билан талаффуз кўникмасини ҳосил қилиш учун фонетик материал услубий мос ҳолда таснифланади.

* Чет тил ўқитиш методикасида икки хил тасниф ишлаб чиқилган. Биринчиси, фонетик минимумга киритилган барча бирликларни осон/қийинга ажратиш орқали талаффуз ўргатишнинг оқилона методик усулларини топишга йўллайди. Бунда она тили талаффуз кўникмасига асосланиб, чет тил талаффузини ўргатиш бўйича илмий изланишлар натижалари келтирилади. Ўрта мактабда чет тил ўқитиш методикаси дарслиги (русча, Москва, 1982, муаллифларидан С. К. Фоломкина) да инглиз, немис, француз тиллари товушларининг рус мактаблари учун уч тоифа қийинчиликлари фарқлаб берилган. Ушбу тиллардаги товушлар артикуляцион ва акустик мураккабликлари жиҳатидан (1) она тилига яқин, (2) она тилига ўхшаш ва (3) она тилига ёт бўлган ҳодисалар сифатида таснифланади. Нутқ оқимидаги талаффуз қийинчиликлари четлаб ўтилганлиги мазкур таснифдан яққол кўриниб турибди. Таснифнинг иккинчи кўриниши фонетик минимумдан ажратилган ТУМ шаклида таклиф қилинган. Ушбу таснифда, артикуляцион ва акустик қийинчиликлардан ташқари, оппозицион ва позицион гуруҳлар ҳам амалий ишлаб чиқилган. Бу тасниф ўзбек методистлари хизматининг маҳсули бўлиб, кенг илмий методик жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланган. Жумладан, Москвада 1981 йил чоп этилган собиқ СССР Педагогика Фанлари Академияси етакчи илмий ходимлари қаламига мансуб «Ўрта мактабда чет тилларни ўқитиш методикаси назарий асослари» номли (русча) монографик асарда ўзбек методист-олимлари тадқиқотларидан бевосита фойдаланиб, талаффуз материалининг таснифи келтирилади (410—412-бетларга қаранг).

Иккинчи таснифга кўра ТУМни ташкил этадиган қийин birlikларгина маълум тўрт (*артикуляцион, позицион, оппозицион ва акустик*) гуруҳга бўлинади.

Тасниф мазмунидан аёнки, унда товуш, товуш бирикмаси ва фонетик ҳодисалар қамраб олинган. Интонация (оҳанг) таснифи алоҳида турни ташкил қилади.

Ҳар бир чет тил талаффуз материали билан ушбу мавҳумлаштирилган тасниф турларини амалий жиҳатдан аниқлаш талаб этилади. Чет тил фонетик системасидаги birlikлар ўқувчи она тилисини (тил тажрибасини) ҳисобга олган ҳолда тасниф этилади.

Муайян тилдаги талаффуз birlikларининг методик тасни-

фи талаффуз кўникмаларини шакллантириш юзасидан ўтказиладиган тақдимот, машқ қилиш ва қўлланилиш босқичларида эътиборга олинади.

Ушбу параграфда истеъмомда бўлган илмий атамалар изох талаб қилади. Энг кичик тушунчани ифодаловчи методик атама «талаффуз бирлиги»дир. У товуш, товуш бирикмаси, фонетик ҳодиса ва интонация (оҳанг)ни ўз ичига олади. «Фонетик ҳодиса» эса товушнинг сўз/бўғиндаги ўрни (мас. сўз охиридаги жарангли ундош), товушлар оппозицияси (қисқа-чўзиқ унли) кабиларни ифодалайди. Энг йирик тушунчани билдирувчи атама «фонетик система»дир. Она тили, иккинчи ва чет тилларнинг фонетик системалари назарда тутилади.

Фонетик система объектив мавжуд йиғинди, тил системасининг бир қисмидир. Фонетик материал эса ушбу системадан киши билиши мумкин бўлган бирликлар мажмуасидир, уни субъектив йиғинди дейиш мумкин. Фонетик материалда асосий бирликлар ва уларнинг вариантлари бўлиб, иккинчилари фақат муаллимларга тегишли (чунки муаллимлар тақрибий талаффузни эмас, тўғри талаффузни эгаллашлари керак).

Фонетик материалдан ўқувчиларга мўлжалланган фонетик минимум танланади, бу ўқувчилар учун фонетик материал ҳисобланади. Фонетик минимумдан ўз навбатида талаффузни ўргатиш мазмуни ажратиб олинади.

Атамалар орасида қуйидагилар маънодош ҳисобланади: фонетик/талаффуз материали/минимуми, фонетик/талаффуз бирлиги, нутқнинг талаффуз/фонетик жиҳати, фонетик/талаффуз машқи, артикуляция/айтиш, фонетик/талаффуз ҳодисалари, фонетик/талаффуз қийинчиликлари, товуш/фонема, тақрибий/аппроксимациялашган талаффуз.

Фонетикани ўрганиш ва талаффузни ўрганиш сўз бирикмаси фарқли маънода қўлланади. Биринчиси фақат чет тил мутахассисларига, иккинчиси ўқувчиларга дахлдор. Дарсликдаги ўқилиш қондаси (ҳарф-товуш муносабати)ни ўргатишга қаратилган машқларни билиб-билмай фонетик машқ дейиш ғайриметодик фикрдир.

Талаффузга оид атамаларни умумийдан хусусийга қараб иерархик усулда жойлаштириганда, мана бундай тартиб ҳосил бўлади: фонетик система→фонетик/талаффуз материали→фонетик/талаффуз минимуми→талаффузни ўргатиш мазмуни→фонетик/талаффуз бирлиги.

Талаффузга доир тушунчаларни ўзлаштириб, талаффуз кўникмаларини шакллантиришга киришган муаллим методик жиҳатдан саводли иш тутган бўлади.

Ўқув-методик топшириқлар

1. Тақрибий (аппроксимациялашган) талаффузни эгаллаш ҳақида ёритилган методик маълумотни таҳлил қилинг.

2. Фонетик/талаффуз минимумини танлаш принцип (мезон)ларини муҳокама қилишга тайёрланинг.

3. Талаффузни ўргатиш мазмуни (ТўМ)га доир мулоҳазаларингизни баён этинг.

4. Фонетик материалнинг тақсимоти ва таснифини қисқача тавсифлаб беринг.

2-§. Талаффуз кўникмаларини шакллантириш

Талаффуз материалининг тақдимоти. Талаффузни ўргатиш чоғида кўп нарса ўқувчиларни талаффуз бирлиги билан «таништириш» тушунчасининг методик изоҳини билишга боғлиқ. Таништириш деганда, фонетик бирликни муаллимнинг айтиши ва ўқувчиларнинг эшитиши тушунилади. Талаффиз бирлигини ёлғиз, сўзда ёки гапда тақдим этиш усуллари муаммосини холисона ҳал қилиш талаффуз кўникмасини шакллантиришда муҳимдир. Ушбу усулларнинг ўзига хос ижобий ва салбий томонлари бор.

Ўзбек мактабларида чет тилдаги талаффузни ўргатишда муаллим умумийдан хусусийга қараб фаолият юритиши, ўқувчи эса хусусийдан умумийга ўтиши тажрибада исботланган оптимал методик йўлдир.

Инглиз тили материали асосида ўтказилган экспериментал тадқиқот кўрсатишича, товушларни талаффуз қилиш жараёнида ўқувчилар қуйидаги тартибда иш тутишлари маъқул: 1. товушларни ёлғиз айтиш: «ўхшамайдиган» ундошлар [θ, ð, r, w, f, v] «ўхшамайдиган» унлилар [ɔ, u, ó, a, e, u ə] «яқин» унлилар [æ, α, ɔ, u, v, ə, ə] 2. сўзда айтиш: сўз охиридаги жарангли ундошлар [b, d, g, z, v, α, d ʒ, ʒ]; «ўхшаш» унлилар [i; i; e; e; a, a, u, ɔ] ; оппозицион қийинчилик туғдирадиган товушлар (унлилар ва ундошлар); 3. жумлада айтиш: «ўхшаш» ундошлар [m, ʒ, j, g, b; s; z; n; d; p; t; k] (бундан сўз охирида учрайдиган [b, d, g, z] ундошлари истисно); «ўхшаш» ундошлар [b, d, g; z] сўз охиридаги [d ʒ] дан ташқари).

Келтирилган тартиб фақат товушнинг дастлабки тақдим этилишига тааллуқлидир. Кейинги босқичларда яъни кўникма ва малака ҳосил қилиш жараёнида товушнинг қўлланилиши нутқ амалиёти билан чамбарчас боғланади.

Хуллас, тақдим этиш усуллари учта: ёлғиз, сўзда ва жумлада айтиш ва эшитиш. Талаффузни ўргатиш усуллари товушнинг осон/қийинлик даражаси билан боғлиқ. Чунончи, ўқувчи она тилиси (ёки тил тажрибаси) нуқтан назаридан «ўхшаш», «яқин», «ўхшамайдиган» бирликларни фарқлаш мумкин.

Ёлғиз айтиладиган унли ва ундошлар ўта қийин, сўзда айтиладиган унли, ундош фонетик ҳодисалар ўртача қийинликда бўлиб, жумлада айтиладиган унли ва ундошлар осон бирликларни ташкил этади.

Қийин ҳисобланадиган янги товуш талаффузининг ўргатилиши қуйидаги таълимий босқичлардан ўтади.

1. Муаллим ижросида нутқ намунасининг айтилиши ва ўқувчилар томонидан эшитиш босқичи. Ўқувчилар диққати

жумла мазмунини ва ундаги янги сўзнинг маъносини тушуниб олишга қаратилади. Янги товушни муаллим, аввало, жумлада, сўнгра сўзда айтади, ўқувчилар тинглаб идрок этишади.

2. Фонетик бирликнинг синтетик (яхлит) тарзда идрок этишдан аналитик (қисмларга бўлиб) тинглашга ўтилади. Муаллим сўздаги янги товушни ажратиб айтади ҳамда унинг артикуляциясини лўнда қилиб тушунтириб беради, яъни қисқа қоидакўрсатмани баён этади. (Талаффузга доир қоида ҳақида қуйида маълумот берилади). Муаллим кўрсатмасига биноан ўқувчилар нутқ органларини мазкур товушни айтишга тайёрлайдилар. Муаллимнинг талаффузи ва тушунтиришлари бунга кўмаклашади. Иккинчи босқич—товушни овоз чиқариб айтишга тайёргарлик—уни ички нутқда айтишни таъминлайди.

3. Эшитиб идрок этиш ва ичда айтишдан овоз чиқариб талаффуз қилишга ўтиш босқичи. Янги товуш намунасини муаллим айтиб кўрсатади, ўқувчилар биргаликда ва якка-якка бўлиб такрорлайдилар. Шундай қилиб, таҳлил ва тақлид йўли билан янги товушнинг ёлғиз ҳолдаги талаффузи ўрганилади.

4. Янги товушни бошқалари билан бириктириб айтиш босқичи. Товуш ўрганилган товушлар билан бирикмаларда айтилади. Имкон борича унли ва ундош бирикмалари машқ қилинади.

5. Янги товуш сўзда айтилади. Муаллимга ибрат қилиб, ўқувчилар хор ва якка-якка бўлиб талаффуз этадилар. Мабодо сўзда иккита янги товуш бўлса, улардан бири аввал пухта ўзлаштирилади, сўнгра иккинчиси айтилади. (Қийинчиликларни тарқатиб бериш мезонига амал қилинади). Охирида сўз талаффуз қилинади. Бу босқич товушнинг маъно англатиш хусусияти (фонема)ни ўргатишга бағишланади.

6. Энди янги товуш жумла таркибида талаффуз этилади. Муаллим бошлайди, ўқувчилар тақлидан қайтарадилар. Сўзнинг товуш ва маъно ифодаси бевосита жумлада шаклланади. Бу босқичда жумлаларни айтиш — ахборот алмашиш даражасида машқ қилиш демакдир.

7. Янги ўзлаштирилган товушни мустаҳкамлаш босқичи. Турли талаффуз шароитида, яъни кичик ва катта контекстда, шунингдек, ёлғиз, сўзда ва гапда бу товуш эркин қўлланади.

8. Ўқувчилар тил тажрибасида мавжуд товушлар билан янги товушни чалкаштирмасликлари учун машқлар бажариш лозим (она тили ва иккинчи тил товуши билан қиёслаш ва илгари ўзлаштирилган чет тилдаги товушлар билан солиштириш кабилар). Қиёслаш ва солиштириш ёлғиз, сўзда ва жумлада айтиладиган товушлар асосида машқ қилинади. Ушбу якуний босқичда ҳам муаллим раҳнамолигида машқлар бажарилади.

Бажариладиган машқлар тегишли нутқ вазиятларида ўтади. Улардан кузатиладиган бирламчи мақсад ахборот олиш ёки етказиш саналади, қўшимча вазифа муайян товушни айтиш ҳисобланиши мумкин.

Тавсия этилган янги товуш талаффузини ўргатишнинг сак-

киз босқичли тақдимот палласини қуйида инглизча [w] фонетик бирлиги орқали намойиш этилади.

Муаллим What is your name? жумласини айтади. Машқда what сўзини бир неча бор такрор талаффуз қилади. Жумла мазмуни ва сўз маъноси очилгандан кейин, ушбу сўздаги янги товушни бир неча бор ажратиб айтади. Муаллим талаффузида товуш намунасини тинглаш орқали ўқувчиларда товушнинг дастлабки эшитиш тасавури пайдо бўлади. Муаллим оддийгина қилиб товушнинг артикуляцияси ҳақида амалий кўрсатма беради: лаблар думалоқ ҳолда олдинга чўчайтирилади. Шу пайтнинг ўзида товушни такрор-такрор айтиб кўрсатади. Ўқувчилар муаллим таклифи билан лабларини талаффуз ҳолатига келтиришни машқ қилишади.

Муаллимга тақлидан эргашиб ўқувчилар товушни хор билан ва ёлғиз айтадилар, яъни товуш артикуляцияси амалини эгаллайдилар.

Янги товушни муаллим, сўнгра ўқувчилар [wə] товушлар бирикмасида айтадилар. Энди сўз иштирокида машқ бажарилади (Кейинчалик twelve, twenty сўзлари тақдимоти даврида, аввалан, we, wel, wen, twel, twen ... каби ундош+унли, ундош+ундош бирикмаларни айтиш мақсадга мувофиқдир).

Навбатдаги босқичда янги товуш жумла таркибида ўрганилади. Муаллим унда раҳбарлик қилади.

Янги товуш иштирокида қиёслаш-солиштириш машқини бажариш билан охирги босқич якунланади. Илгари ўрганилган give сўзидаги [v] ундоши билан янги товуш қиёсан талаффуз этилади. Ўқувчиларнинг эътибори иккала ундош орасидаги фарқни, яъни лаб иштирокини илғаб олишга қаратилади: [v] товушини айтганда пастки лаб ва юқориги тишлар қатнашади, [w] товушида эса фақат лаблар ҳаракатга келади (оддий кўрсатма-қоида ёрдамида нутқ органлари фаолияти уйғунлаштирилади).

Она тили (ёки иккинчи тил) товушлари билан чет тилдаги товушни солиштириш машқи ўтказилади. Уларнинг фарқини фаҳмлаб олиш учун муаллимнинг [w] — [v, y] товушларини бир-икки намунали талаффузи кифоя қилади.

Янги товушнинг мустаҳкамланишига What is your name? жумласини озгаки нутқ машқларида айтилиши туфайли эришиш мақбулдир. Ўқувчилар савол-жавоб машқлари бажаришганда (—What is your name? — My name is N.), ушбу товушни якуний мустаҳкамлашга қўшимча имконият туғилади.

Янги товуш тақдими саккиз босқичли бўлишдан чўчи-маслик керак. Биринчидан, кам сонли ўта қийин товушларгина бунчалик кўп босқичли тақдимотга лойиқ, холос. Қолаверса, уларнинг амалиётда бажарилиши айтарли кўп вақт талаб қилмайди. Ҳар бир босқич навбатдагиси билан ўқувчиларга унчалик сездирмасдан алмашинади. Бир товушни тақдим этиш олдин ўрганилган талаффуз, лексик ва грамматик материалларни

такрорлаш ва нутқий машқларни бажариш жараёнида кечади.

Қийин товушнинг тақдим этиш даврида муаллим талаффузига тақлид ва артикуляцион таҳлил кенг қўлланади.

Чет тилдаги янги товушнинг тақдимоти тақлидий ва таҳлилий иш турларини талаб этади. Улар методика илмида талаффуз ўргатишнинг имитация (тақлид) ва анализ (таҳлил) методлари номлари билан юритилади.

Тақлидий метод — табиий ва содда, лекин у тилни, жумладан унинг талаффуз томонини, онгсиз ўзлаштиришга асосланади. Фонетик бирликларни англаб етмасдан яхлит тарзда бирон-бир намунага биноан (мас. муаллимга эргашиб) ўзлаштириш методига тақлид номи берилган. Товушлар монандлиги (аналогия)га суяниб, унинг фаҳмига бормасдан идрок этилса ёки айтилса, тақлидий ўрганиш содир бўлади.

Тақлид муаллимдан ибратли талаффузни, ўқувчидан ўткир эшитиш қобилиятини талаб қилади.

Таҳлилий метод, аксинча, онг иштирокида иш кўришни тақозо этади, натижада, бир йўла ўқувчиларнинг мантиқий тафаккурини ривожлантиради. Талаффуз бирликларини англаб, фаҳмига етиб идрок этиш ва айтиш таҳлил орқали бажарилади. Ўқувчи тил тажрибасидаги фонетик бирликка ўхшамайдиган чет тилдаги товуш ёки талаффуз ҳодисасини ўргатишда муайян мавҳумот (қоида, таҳлил)ни қўллаш мақбулдир.

Маълумки, бирор намунага асосланиш туфайлигина кўникмани шакллантириш мумкин. Намунавий талаффуз муаллим (ёки айрим ҳолларда, мас. интонацияни намойиш этганда, диктор) нутқида кузатилади. Намуна ўқувчилар учун суянчиқдир. Фаолият муқаддимасида доимо кимгадир суяниш керак бўлади. Бироқ суянчиқ — муваққат воситадир, у мустақиллик сари боришга ёрдамчи поғона бўлиши мумкин. Мустақил фаолият кўрсатиш онглилик билангина амалга ошади. Бинобарин, чет тилдаги талаффузни эгаллашга таҳлилий метод ёрдамида эришилади. Тақлидий метод амал қилганда, ўқувчи тил тажрибасида тўпланган кўникмага таянилади, демак, кўникманинг ижобий кўчиш ҳолатига дуч келинади.

Тақлидий метод ёлғиз ўзи қўлланилиши мумкин, қачонки мавжуд талаффуз кўникмаси ижобий таъсир этганда, бироқ таҳлилий методнинг бир ўзи ҳеч қачон етарли бўлмай, ҳамisha тақлид иштирок этади.

Товуш қийинчилиги даражаси уни тинглаганда қолдирадиган эшитув таассуроти билан ўлчанади. Қийинчиликнинг қуйидаги белгиларини кўрсатиш мумкин: эшитганда она тили (ёки иккинчи тил) товушларидан ҳамда ўрганиб олинган чет тилдаги яқин товушдан фарқининг яққолиги; кўриш ва нутқий аъзо мускуллари сезгиларига қай даражада суяниб иш тутиш имконияти; нутқ органларининг она тили (ёки иккинчи тил)даги ҳаракат тарзи чет тилдаги товуш талаффузи учун мос келиши ҳамда иккаласининг тафовутини тез фаҳмлай олиш кабилар.

Чет тилдаги товушнинг тақдимотида унинг билан таниш-

тириш турлича бўлиши мумкин: баъзи товушларга эшитув тақлидини, айримларига кўрув таҳлили ва бошқаларига айтилишининг вербал таҳлили сингари методик йўл-йўриқлар қўлланади. Шу муносабат билан тақлид ёки таҳлил методларидан фойдаланиш зарурияти келиб чиқади.

Товушларнинг қайси тоифага кириши талаффуз ўргатиш методини белгилловчи омил бўлади. Мас. ўхшаш фонетик birlikларни ўргатаётганда таҳлилга ҳожат сезилмайди, улар тақлиддан ўзлаштирилади. Ёки чет тилнинг талаффуз бирлиги ўқувчилар тил тажрибасидагидан жиддий тафовут қилса, шубҳасиз таҳлил методи қўл келади.

Тақлид методидан «ўхшаш» ундош ва унлилар тақдимотида фойдаланилади. Иккинчи тоифадаги товушлар — «ўхшамайдиган» унли ва ундошлар таҳлил йўли билан тақдим этилади. Учинчи турдаги фонетик birlikлар — «яқин» унлилар тақдимоти таҳлил+тақлид методи ёрдамида амалга оширилади, тўртинчи қисмдаги товушлар — «яқин» ундошлар эса тақлид+таҳлил методлари билан ўргатилади.

Товуш бирикмалари ва фонетик ҳодисаларнинг тақдимоти алоҳида изоҳ талабдир. Уларни ўргатишда қўлланиладиган методлар ўзига хос тартибни юзага келтиради.

Таҳлил методи қуйидагиларни ўргатишда амал қилади: 1) сўз охиридаги жарангли ундошлар; 2) ундошлар тизмаси (биноқ сўз ичида икки ундош қатор келган ҳолатда тақлид ишлатилади). Унли ва ундошлар оппозицияси таҳлил+тақлид қўшма методи кўмагида ўргатилади.

Сўз ўртасида учрайдиган икки ундош тизмасини ва қатор келган унлиларни ўргатиш чоғида тақлид методининг афзаллиги билинади.

Мазкур методик ёндашиш тил материали оғзаки шаклда тақдим этилишини назарда тутати. Ёзув пайдо бўлиши билан унинг талаффузини ўргатишга ёрдами тегади.

Сўзларнинг график тимсоли тақдимоти туфайли қуйидаги фонетик ҳодисаларнинг ўрганилиши осонлашади ва жадаллашади: ундошлар тизмаси, сўз охиридаги жарангли ундош, унлилар чўзиқлиги (чўзиқликни билдирувчи икки нуқта (:)) белгиси ёрдам қилади), ундошлар оппозицияси, акустик қийинчилик туғдирадиган фонетик ҳодиса кабилар. Шундай ҳолларда график тимсолга таяниш методи амал қилади.

Демак, талаффуз тақдимоти чоғида асосан тақлид, таҳлил, таҳлил+тақлид, график тимсолга таяниш сингари методлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Таҳлил тушунчаси мавҳумот билан фикран алоқага кириши мумкин. (Мавҳумот деганда, қисқа ва содда баён этиладиган талаффуз қоида-кўрсатмаси кўзда тутилади.)

Шуни такрор эслатиш жоизки, ҳар қандай вербал кўрсатма талаффуз намунасини намоиш қилиш билан бирга, амалиёт билан содда назарияни қўшиб олиб борилади. Худди грамматикада изоҳланганидек, талаффузга оид қоидалар ҳам назарий

фонетика маълумотларидан бутунлай фарқ қилган ҳолда соф амалий вазифани ўтайди.

Қуйидаги инглизча қийин ундошлар ва унлилар талаффузига оид мактаб тажрибаси истеъмолидаги қоидаларни келтириш ўринлидир: [θ—ð] — бир оз ёйилган тилнинг учи тишлар орасидан чиқарилади, оралиқдан ҳаво сирғалиб ўтади (ҳавонинг чиқишини кафтингизни тутиб билсангиз бўлади). Жарангсиз ва жаранглилиги, бунга қўшимча қилиниши мумкин.

[f—v] — юқори лаб ва пастки тишлар бирлашади, улар оралиғидан ҳаво ўтиб туради.

[w] — лаблар думалоқ ҳолда олдинга чўчайтирилади. Ундан кейин келадиган унли талаффузи [w] талаффузига унлини кетади.

[r] — қалам ёки ручка чеккасини салгина тишлаб, ўзбек тили (р) ундошини айтинг. Ширин, шакар сўзларидаги (р) товуши бунга асос бўлади. Инглизча [r] талаффузида тил учи титрамайди, деб қўшимча қилинади.

[iə]—[i] унлисини кучлироқ ва [ə] ни кучсизроқ айтинг, сўнгра иккаласини бир товуш [iə] сифатида талаффуз этинг.

[uə]—[u] унлисини айтинг. Энди мураккаб унли [uə]—ни айтинг. Биринчи қисми кучлироқ, иккинчиси кучсизроқ талаффуз этилади.

[eə]—[e] ва [ə] ни айтинг, иккаласини қўшиб [eə] айтинг. Ўзбекча (ЭИА) билан чалкаштирманг.

[oʊ] — биринчи қисми [ɔ] га ўхшамайди, [o] дейилади. энди [u]ни айтинг, иккаласини қўшинг [oʊ] ва ҳ.к.з.

Қиёслаш ҳам маълум даражада таҳлил ҳисобланади, мас. John — жон, had — ҳад, sing — синг (лим). Бу ерда қоидага зарурят сезилмайди.

Чет тил ўргатиш чоғида юқорида таъриф берилган талаффузни ўргатиш усуллари (ёлғиз, сўзда, жумлада) ҳамда методлари (тақлид, таҳлил, тақлид+таҳлил, таҳлил+тақлид, график тимсолга таяниш)ни билиш муаллим педагогик фаолиятини бойитади ва ўқувчиларга чет тилдаги талаффузни ўргатиш ишини жадаллаштиришга нафи тегади.

Талаффуз бирликларининг тақдимоти масаласига умумий яқун ясаб, шундай хулоса чиқариш мумкинки, чет тилдаги талаффузни ўргатиш қуйидаги босқичлардан ташкил топади: 1) фонетик бирликларни идрок этиш ва айтишга мўлжаллаб артикуляция ҳамда эшитиш нутқий аъзоларини ишга солиш (созлаш); 2) талаффузни дастлабки мустаҳкамлаш; 3) талаффузни янада мустаҳкамлаш ва тақомиллаштириш.

Лексик ва грамматик кўникмаларни шакллантириш палласида тақдимотдан кейин лексик, грамматик бирликнинг машқ қилиш ҳамда қўллаш босқичларидан ўтиши тавсия этилган. Ушбу босқичлар талаффуз кўникмаларини шакллантиришда ҳам бўлиши аниқ, лекин фонетик бирлик лексик ва грамматик бирликлар таркибида машқ қилинади ҳамда қўлланилади. (Бинобарин, иккала босқич бу ерда махсус ёритилмайди.)

Талаффуз бирликларини ўқиш техникасини ўргатишда жумладан, фонетик транскрипциядан фойдаланишда) ҳам машқ қилиш, ҳам қўллаш билан бирваракай шуғулланилади. Бироқ у пайтда фонетик машқлар номи билан юритилмайдиган, ўқиш техникаси (ёки ўқилиш қоидалари)ни ўргатишга мўлжалланган машқларга дуч келинади.

Тил материалини эгаллашга қаратилган машқлар орасида талаффузни ўргатадиган махсус фонетик машқлар системасига тўхталиш зарур.

Фонетик машқлар. Фонетик машқларни бажариш оқибатида чет тилдаги талаффуз кўникмасини ҳосил қилишга эришилади. Машқ деганда, муайян тарзда ташкил этиладиган ва бирон амални қайта-қайта бажаришга, уни эгаллаб олишга ҳамда бажариш усуллариини такомиллаштиришга йўналтирилган ақлий ҳаракат тушунилади.¹

Чет тил ўқитиш методикасида машқлар ниҳоят кенг муҳокама қилинган, лекин бу мунозарабоп ўринлари кўп методик муаммодир. Илмий изланишлар ва педагогик воқелик маълумотларига таяниб, фонетик машқлар системасини қўйдаги назарий мулоҳазалар доирасида тузиш (ишлаб чиқиш) ва ўтказиш (бажариш) тавсия этилади:

1. Талаффуз қийинчиликларини инобатга олиб, фонетик машқларни артикуляцион, позицион, оппозицион ва акустик машқларга бўлиш мумкин.

2. Нутқий мулоқотнинг икки томонлама жараёнлигини назарга олинса, фонетик машқлар рецептив ва репродуктив тоифалардан иборатлиги маълум бўлади.

3. Нутқий кўникмаларнинг ҳосил бўлиш босқичларида шакллантирувчи, ривожлантирувчи ва такомиллаштирувчи фонетик машқлар бажарилади.

Ўзбек мактаблари инглиз тили дарсликлари материаллари асосида ишлаб чиқилган фонетик машқлардан қўйда намуналар келтирилади.

Ш а к л л а н т и р у в ч и м а ш қ л а р .

Рецептив шакллантирувчи машқлар. Бошланғич даврда чет тилдаги нутқни эшитиш қобилиятини ўстиришга катта эътибор берилади. Товушларнинг фарқига боришнинг аҳамияти методикада ишончли далиллар билан исботланган². Махсус эшитиш машқини бажармасдан ўқувчилар ўз талаффуз хатоларини сеза олмайдилар. Шунинг учун ҳам эшитиш қобилияти пастлиги талаффузда йўл қўйиладиган хатоларнинг сабабларидан саналади. Қўйда эшитиш ва нутқ товушларининг фарқига

¹ И. Д. Салистра. Очерки методов обучения иностранным языкам. Система упражнений и система занятий. — М.: «Высшая школа», 1966, 40-бет.

² В. Ф. Занглигер. Формирование иноязычного фонематического слуха на начальном этапе обучения английскому языку в средней школе. Канд. дисс. — М., 1967; G. E. Hutter. Children's Evaluations of their Own Articulation of Selected Sounds. Ohio State University, 1966.

етиш кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилган машқлардан айримлари кўриб чиқилади:

1. Эшитган сўзингиздан [æ] (фалон) товушни ажратинг. Мас. I see a hat жумласидаги hat сўзини эшитиб, товушини фарқлаб беради, товуш биринчи марта эшитилишида унинг сўзда нечанчи ўриндалигини айтади.

2. Фалон товушни ўз ичига олган сўзни ажратинг: I see a hat. Гапда сўзнинг ўрнини айтади.

3. Гапда фалон товуш неча марта ишлатилганлигини айтинг: I see a hat and a car. Ҳуқувчилар сўзнинг гапда неча марта ва қайси ўринларда (4.7) айтилганлигини топадилар.

4. Сўзларда айтилган товушлар жуфтини эшитинг ва уларни фарқланг (кичик оппозиция): seat—sit. Бир хил товушни эшитганларида, ҳуқувчилар жим ўтиришади: seat, seat, турли товушларни эшитганларида: seat—sit, улар қўлларини кўтарадилар.

5. Қуйидаги уч сўзни эшитинг ва [i:] товуши неча бор талаффуз этилганлигини аниқланг seat-sit-seat (мураккаб оппозиция).

6. Қуйидаги тўрт сўзни эшитинг ва уларда фалон товушни неча марта (қайси ўринларда — рақам билан) талаффуз этилганлигини аниқланг: seat—sit—seat—seat (тўртталиқ оппозиция).

7. Эшитинг ва қайси товушлар сўзларни фарқлаб туришини (ўринларини айтиб) аниқланг: see—tree (бирдан ортиқ муаммоли товушларнинг оппозицияси).

8. Эшитинг ва сўзларни бир-биридан фарқловчи унлиларни аниқланг (уларнинг ўрни рақам билан айтилади: people—piril), (акустик қийинчилик оппозицияси).

9. Эшитинг ва сўз охиридаги ундошларга эътибор беринг: hat—had (жарангли ва жарангсизлар тил ички оппозицияси). Қайси сўзда жарангли ва қайсинисида жарангсиз ундош талаффуз этилганини айтадилар.

10. Эшитинг ва қуйидаги товушларга эътибор беринг: [r], [w] — (P), (B). Инглизча ва ўзбекча ундошларнинг ўрнини белгилайдилар. (Тиллараро оппозицияни фарқлаш.)

Репродуктив шаклантирувчи машқлар. Чет тилдаги нутқий бирликларнинг дастлабки талаффуз қилиш кўникмаларини шаклантиришга мўлжалланади.

1. Товушни ёлғиз, сўнгра сўзда ва гапда қайтаринг (муаллим айтади, ҳуқувчилар такрорлайдилар).

2. Товушлар бирикмаларини қайтаринг (сўз бошида, охирида ва ичида).

3. Фарқлаш мақсадида товушларни қайтаринг: чўзиқ ва қисқа.

4. Сўзлар — lamp, car, bed таркибидан ажратиб, унлиларни такрорланг: [æ—æ—e].

5. Лаблар ҳаракатини кузатиб, сўзларни айтинг: book, robe, father.

6. Унлилар (ундошлар) оппозициясини айтинг. Олдин унлиларни (ундошларни) алоҳида, сўнгра сўзларни айтинг.

7. Сўз охиридаги ундошларни ажратиб алоҳида айтинг: *gobe, bag, live*. Сўзнинг охирида жарангли ёки жарангсиз ундош келишини айтиб беринг.

8. Сўзлардаги унлиларни алмаштириб айтинг: *too, day, read, my*. Илгари ўрганилган сўзларни айтишади: *tie, do, red, may*.

9. Сўзлардаги ундошларни алмаштираинг: *too, day, had*. Ўрганилган сўзларни айтадилар: *do, may, hat*.

10. Сўзнинг бошида (охирида, ўртасида) келган унлини ажратиб айтинг (мас. *play*. Ўзбекча сўз охирида «й» қўлланилиши муносабати билан, одатда ўқувчилар [e] билан [j] товушларини хато қилиб ажратадилар).

11. Сўздаги товушлар миқдорини сананг (мас. *play* сўзидаги учта товуш ўрнига тўртта, ҳатто бешта товушни [plej], [raiei] деб, хато қиладилар. Она тилининг салбий таъсири кўриниб турибди).

12. Жарангли ундош (чўзиқ, қисқа, мураккаб унли) билан тугайдиган сўзларни айтинг (мас. ўқувчилар *bed, bag, pens, live, see, tree, four, play, go, my* сўзларини айтадилар).

13. Фалон товуш иштирокида фалонча сўз айтинг.

Р и в о ж л а н т и р у в ч и м а ш қ л а р .

Ушбу турдаги машқлар талаффузда эгалланган дастлабки кўникмани мустаҳкамлаш учун бажарилади. Уларда ўқувчилар кичик-кичик шеърлар, тез айтишлар, айрим мақол ва маталларни ёд оладилар. Шунингдек, ашула, ўйин; топишмоқлар кабиларни ҳам ўрганишади. Дарсликда тавсия этилган жуфт-нутқ (диалог) ва якканутқ (монолог)ларни ўрганиш ҳам яхши натижалар беради.

Икки, уч ва тўрт товушни қиёслаш машқлари ҳам тавсия этилади. Ҳар бир зидловда ягона муаммоли товуш таққосланади, холос. Бундай машқлар дарсликда ўқиш учун берилган сўзлар материалида бажарилади. (Бу машқлар кўпроқ ўқиш техникасини ўргатишда қўлланилиши туфайли ўқувчиларга нотаниш сўзларни ҳам қамраб олади.) Соф фонетик машқларда фақат ўрганилган сўзларгина иштирок этади.

Оппозицион ва позицион қийинчиликларни баргараф этишга мўлжалланган ушбу машқлар, биринчидан, тил ички интерференцияси олдини олиш, иккинчидан, сўз охирида жарангли айтиладиган ундошлар талаффузини мустаҳкамлаш, учинчидан, қисқа ва чўзиқ унлиларни чалкаштирмаслик, тўртинчидан, унлилар интерференциясига йўл қўймаслик ва, бешинчидан, иккитадан ортиқ унлилар орасида интерференция ҳодисасининг келиб чиқмаслиги каби мақсадларни кўзлаб бажарилади.

Фонетик ҳодисалардан ундошлар тизмаси, ундош ва унли бирикмаси, унлиларнинг қатор келиши ўқувчилар ўрганган

тил материалида бажариладиган машқлар ёрдамида мустақкамланади.

Такомиллаштирувчи машқлар.

Оғзаки ёки ёзма нутқни ривожлантириш жараёнида бундай машқлар талаффуз кўникмасининг автоматлашуви учун мўлжалланади. (Товушни тақдим этиш ва машқ қилиш (мустақкамлаш) билангина кифояланиш етарли эмас, шунингдек, қўлланилиш боскичидан ҳам ўтказиш керак). Оғзаки нутқда қўлланилиш машқларига қўйидагилар кириши мумкин:

1. Расмда ифодаланган нарсалар номларини айтиш ва улар иштирокида гаплар тузиш. Ўқувчиларга тегишли қийинчиликлар келтириб чиқарадиган фонетик бирликларни ўз ичига оладиган сўзлар айттирилади.

2. Бўш жойларни тўлдириб гапларни айтиш. Қийин саналадиган фонетик бирликларни ўз ичига оладиган сўзлар тушириб қолдирилган бўлади.

3. Фалоч товуш билан сўзларни эслаш ва улар иштирокида гаплар тузиш.

4. Берилган намунага кўра гаплар тузиш. Қавс ичида алмаштириладиган сўзлар (мас. отлар) кўрсатилади (аниқ артиклдаги инглизча тиш оралиғи ундоши мустақкамланади).

5. Мвайян товуш бирикмаларини ўз ичига оладиган сўзларни айтиб, гаплар тузиш.

6. Савол-жавоб машқи бажариш. Қийин товушлар иштирокидаги жавобни талаб этадиган саволлар берилади.

7. Товушлар миқдори-ортиб борадиган сўзларни айтиш. Муаллим бир товушни талаффуз қилади, ўқувчи унинг иштирокида сўз айтади. Иккинчи ўқувчи товуш қўшиб айтади (мас. бирлик сондаги инглизча от айтилса, унга кўплик қўшимчасини, инглизча феъл айтилса, унинг III шахс бирлигини талаффуз қилиш тавсия этилади ва ҳ.к.з.). Айтилган сўзлар билан бошқа ўқувчилар гаплар тузадилар.

Ўқишни ўргатиш билан боғлиқ ҳолда ҳам талаффуз машқлари бажарилали. Мас. керакли фонетик бирлик иштирок этган сўзларни ўқиш. Берилган сўзларни муаллим кўрсатган товушларига эътибор бериб ўқилади. Ёки яна бир мисол: матн ичидаги сўзларни ўқиш машқ қилинади. Турли жадвалларда сўзларни ўқиш ҳам шу тоифадаги машқларга киради.

Талаффуз кўникмасини такомиллаштиришда ёзув машқларининг ҳам хизмати бўлади: кўчиринг ва ўқинг; жарангли ва жарангсиз ундошлар билан тўғайдиган сўзларни иккига ажратиб ёзинг ҳамда ўқинг; сўзларни тўлдириб ёзинг ва ўқинг кабилар.

Фонетик машқлардан кўриниб турибдики, талаффузни ўргатишга махсус йўналтирилган ва махсус бўлмаган икки гуруҳ машқларни бажариш орқали чет тилдаги талаффуз кўникмасини шакллантириш мумкин.

Махсус ҳисобланмайдиган фонетик машқлар жумласига қўйидагилар киради: лексик ва грамматик кўникмаларни ҳо-

сил қилишга қаратилган, ўқиш ва гапириш чоғида бажариладиган, чет тилда ёд олинадиган ўқув материални ўрганиш машқлари.

Талаффузни ўргатишгагина мўлжалланган машқларда хатолар ўз вақтида тўғриланади, махсус бўлмаган машқларни бажаришда эса ундаги асосий мақсадга эришилгандан кейин талаффуздаги хато тўғриланади.

Интонация машқларини бажаришда муаллим (ёки диктор) нутқидан ташқари муаллимнинг қўл ҳаракати ҳам катта ёрдам беради.

Талаффузни ўргатиш принциплари. Чет тил ўрганиш жараёнида унинг талаффузини эгаллаш ўзига хос хусусиятлари билан, аввалан, лексик ва грамматик материални ўрганишдан, сониян, она тили талаффузини ўрганишдан кескин фарқ қилади. Талаффуз қуйидаги махсус принциплар асосида ўргатилади.

1. Чет тил ва ўқувчилар биладиган тил(лар) фонетик системаларининг қиёсий таҳлили маълумотларидан фойдаланиш. Чет тилни ўргана бошлаган ўқувчининг тил тажрибасида пухта ўзлаштирилган талаффуз кўникмаси янги фонетик бирликларни ўрганиб олишга кўпинча халақит беради. Она тилидаги акустик-артикуляцион одатга мослашган ўқувчи эшитаётган ва айтилаётган товушлар ва интонемаларни фарқлай олмайди. Шунинг учун қиёсий таҳлил улар орасидаги тафовут ва монандликни очиб беришга ёрдамлашади.

2. Чет тилдаги талаффузнинг нутқҳаракат ва эшитиш тимсолларини бир пайтнинг ўзида ҳосил қилиш. Талаффуз чоғида эшитиш ва нутқҳаракат (соф талаффуз) кўникмалари ажралмас бирликни ташкил этади. Овоз чиқариб айтиш эшитиш анализатори томонидан назорат қилинади. Бинобарин, талаффуз этиладиган бирликнинг акустик (эшитиш) тимсоли гапирувчининг хотирасида мавжудлигини тақозо этади.

3. Талаффузни ўргатишда маълум методлардан оқилона фойдаланиш. Талаффуз қоидалари доимо нисбий таърифланади, чунки артикуляцион (товуш ҳосил қилувчи) ҳолатларнинг кўпи таъриф-тавсифга тўлиқ тушмайдиган ҳаракатлардир. Унинг устига талаффуз мавҳумотлари аксарият ҳолларда ўта содда, бир-икки жумла билан ифодаланадиган қоида-қўрсатмалардан иборатдир. Бу эса чет тилдаги товушларни она тилидагидек айтиш имкониятини тиклай беради.

Таҳлил методини талаб этадиган фонетик бирликлар миқдоран чегараланган бўлиб, одатда тақлиддан кенгроқ фойдаланиш тавсия этилади. Бироқ ягона тақлид методи исталган натижани доимо беравермайди. Бинобарин, айрим ҳолларда тақлид ва таҳлил бирга қўшилгандаги самаранинг ўрни каттадир. Ёзувнинг пайдо бўлиш дарсидан бошлаб, график таянч ёрдамга келади. Талаффуз ўргатиш методларининг бешаласи асосида чет тил талаффузининг тақдимоти рўёбга чиқарилади.

4. Ўрганилаётган чет тилнинг муҳим талаффуз хусусиятлари-

ни ҳисобга олиш. Талаффуз кўникмаларини шакллантиришда ўқувчи тил тажрибаси ва чет тил фонетик нормасини билган муаллимгина кутилган натижани қўлга кирита олади. Талаффуз ўргатишнинг умумий (универсал) йўллари бўлмайди. Ҳар бир чет тил, ўқувчининг она тилиси талаффузига қараб, хусусий методик ёндашишни талаб қилади. Ўзбеклар учун инглизча тил оралиғи ундоши қийин, бироқ у бошқирд, туркман, араб ўқувчиларига осон. Инглизча бурун товуши ўзбекларга осон, русларга қийин. Русчада ундошлар унли олдида юмшоқ айтилади, инглиз (немис, француз) тилида юмшоқ талаффуз этилмаслиги рус ўқувчилари учун қийинчилик туғдиради. Инглизча ва французча сўз охиридаги жарангли ундош талаффузи рус, ўзбек ва немис ўқувчиларига қийиндир. Немисча ва инглизча чўзиқ ва қисқа унли ўзбек, рус, французлар учун катта қийинчилик туғдиради. Немисча ва французча очиқ ва ёпиқ унларнинг оппозицияси ўзбек, рус, инглиз ўқувчилари учун ёт ҳодисадир. Французча соф ва бурун товушлари оппозицияси ўқувчиларга қийин. Ўзбек ва рус ўқувчилари учун инглиз ва немис тилларидаги қўш урғу (сўзда иккита урғу) бутунлай нотаниш фонетик бирликдир. Чет тиллардаги етакчи ва ёрдамчи сўзларнинг талаффузда қўшилиб кетиши ҳам ўта қийин ҳодисалардан. Жумлаларнинг интонацион тузилиши эса ғоят кўп вақт ва куч талаб қиладиган талаффуз бирликларидан саналади. Бунинг учун чет тил дарсларининг барчасида талаффуз устида иш олиб боришга тўғри келади. (Фонетик дрилл (рус. зарядка) ўтказиш тажрибаси бежиз ўйлаб топилган эмас).

5. Талаффузни ўргатишда таълимнинг техникавий воситаларидан кенг фойдаланиш. Фонетик материал ўзлаштирилиши муаллим талаффузи билангина чегараланмайди. Ўқувчилар муаллимнинг жонли нутқини, унинг магнит ёзувидаги нутқини ҳамда ўзга шахслар (диктор) нутқини эшитадилар. Ундан ташқари ўзларининг чет тилдаги нутқини ҳам магнитофон ёзувида эшитсалар, талаффуз кўникмаларини ҳосил қилишни жадаллаштирган ва самарасини оширган бўлади. (Бироқ муаллим талаффузи доимо ўқувчилар учун намуна бўлиб қола беради.)

6. Талаффуз материалининг тақдимот усулларини фарқлаб қўллаш. Чет тил фонетик бирликларининг қийинчилик даражасига қараб, уларни жумлада, сўзда ва ёлғиз тақдим этиш методик одат тусини олган. Ўқувчи товушни жумла, сўз ва алоҳида ҳолда эшитади, бироқ айтишда айримларини ёлғиз, бошқаларини сўзда ва қолганларини жумлада ўрганадилар.


Ўқув-методик топшириқлар

1. Талаффуз кўникмаларини шакллантириш масалаларига доир методик атамаларни атрофлича таҳлил қилинг.

2. Талаффузни ўргатиш методлари ва усулларининг номларини айтинг ва уларни қўллаш шартларини таърифлаб бering.

3. Талаффузни ўргатиш принципларини номма-ном санаб ўтинг.

4. Фонетик машқлар системасини муҳокама қилиш учун тайёргарлик кўринг.



Х I б о б. ТИНГЛАБ ТУШУНИШНИ ЎРГАТИШ

Тинглаб тушуниш нутқ фаолияти тури ва малака сифатида

Суҳбатдошлар инсоний одатга кўра навбати билан гапирди ва бир-бирини тинглаб тушунишга ҳаракат қилади. Ҳаётий тажрибадан маълумки, ўз фикрини оғзаки баён этиш (гапириш) кўпчилик ёқтирадиган нутқ фаолиятининг туридир. Ўзга шахсни тинглаб тушуниш орқали турли ахборот олинади. Нутқий мулоқотда бўлиш одам учун зарурий эҳтиёж саналади. Тинглаш жараёнида сўзловчининг ифода этмиш мулоҳазаларини қисман ёки тўла-тўқис тушуниб етмаслик ҳоллари бўлиб туради. Бунинг асосий сабаби тинглаб тушунишни ўргатишга етарли эътибор берилмаслигидадир.

Нутқни *тинглаб тушуниш* деганда, овозли нутқ (гапириш) чоғида қулоқ солиш, идрок этиш ва фаҳмлаш англанади. Умуман «нутқ» деганда гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиб тушуниш ва ёзув тушунилади. Аслида «гапиришни тинглаб тушуниш» деган маъқулроқ.

Чет тил ўқитиш методикаси тарихига назар ташласак, асризмнинг 60-йилларига келиб, тинглаш нутқ фаолиятининг тури

сифатида атрофлича тадқиқ этила бошланди.¹ Авваллари унга гапиришнинг узвий қисми деб, қараб келинган эди. Чет тил дарсида тинглаб тушунишга атайин машқлар берилмас эди. Маълум бўлишича, гапиришни ўрганишдан кўра тинглаб тушунишга эришиш қийинроқ кечади.

Ушбу соҳага оид бир-бирига яқин икки атамани фарқлаш талаб қилинади: «тинглаш» — қулоқ солиш (Оз сўзла — кўп тингла) ва «эшитиш» — эшитиш сезгиси (қулоқ) ёрдамида товушни қабул қилиш (Қизим, сенга айтаман, келиним, сен эшит). Тингловчи тушунишга интилади, эшитувчи тинглаганини тушунмаслиги ҳам мумкин. Эшитиш қобилиятига молик шахс муайян ахборотни тушуниш мақсадида сўзловчига қулоқ солади, яъни тинглаш, аниқроғи тинглаб тушуниш содир бўлади. Эшитдингми, дейилганда, тинглаб тушунганликни аниқламоқчи бўлинади. Хуллас, «тинглаб тушуниш» бирикмаси ўзгалар нутқини (жонли тарзда ёки механик ёзувдагисини) идрок этиш ҳамда мазмунини фаҳмлаб этиш маъносини ифодалайди. Тинглаш ва тушуниш (фаҳмлаш) вақт эътибори билан бир пайтда (симультан) содир бўлади, бу икки нутқий ҳодисани фақат илмий таҳлил учунгина ажратилади, холос.

Инсон маънавий камолатга, одатда, эшитиш кўриш (кузатиш) ва, қолаверса, ўқиш туфайли эришади. Ахборот тўпланишида учала фаолият орасида тинглаб тушуниш энг муҳимидир. Қизиғи шундаки, фалон тилда тинглаб тушунасизми?, саволи берилмайди, гапира оласизми?, дейилади. Идрок ақлнинг ўлчовидир. Гапириш ва тинглаб тушуниш оғзаки нутқ демакдир.

Она тилидаги нутқни тинглаб тушунишда шакл ва мазмун яхлит равишда идрок қилинади, чет тилда ифода воситаси (тил материали) ва ифодаланмиш мазмун (матн) уйғунлашиши қийинчилик билан кечади. Мазмунни илғаш (пайқаш) учун лексик-грамматик ҳодисаларни яхши ўзлаштирган, бошқача айтганда, тинглаб тушунишнинг лексик ва грамматик кўникмалари пухта шаклланган бўлиши керак. Шунингдек, чет тил товуш томонини (товуш, товуш бирикмалари ва оҳангни) фарқлай олиш кўникмаси ҳосил қилинмоғи лозим. Демак, тинглаб тушунишнинг лексик, грамматик ва талаффуз кўникмалари шаклланиши оқибатида мазкур нутқ фаолияти тури бўйича малака ҳосил қилинади. Оғзаки матн (аудиоматн)ни идрок этиб тушунишда лексикани билиш умумий мазмунни пайқашда, грамматикани эгаллаш мазмунни аниқ тафсилотлари билан фаҳмлашда алоҳида-алоҳида аҳамият касб этади.

¹ З. А. Кочкина: 1) Понимание звучащей речи (аудирование). Обзор американских работ // Вопросы психологии, 1963, № 3; 2) Аудирование как процесс восприятия и понимания звучащей речи // Иностранные языки в высшей школе: Тематич. сб. // Отв. ред. Г. В. Кольшанский. — М., 1964, вып. 3; 3) Аудирование: что это такое? // ИЯШ, 1964, № 5; М. Л. Вайсбурд. Обучение пониманию иностранной речи на слух. — М.: Просвещение, 1965.

Тингловчи (аудитор) ва сўзловчи (нотик) қўллайдиган тил бирликлари мувофиқ тушса, тушуниш осонлашади. Бу ўз навбатида тил тажрибаси билан боғлиқ масаладир.

Тинглаб тушуниш уч босқичли фаолият бўлиб, *умумий эшитув идроки* (акустик апперцепция), сўзларнинг товуш томони (фонематик) *фарқлаш* ва *моҳиятни англаш* орқасида нутқдаги мазмун идрок этилади, билиб олинади ва тушунилади.

Нутқ фаолиятининг тури ва малака ҳисобланмиш тинглаб тушуниш таълим мақсади ва воситаси эканлиги (III бобдаги «Чет тил ўқитишнинг амалий мақсади» мавзусидан) маълум. Бу ўринда икки тоифадаги, яъни, бир томондан, сўз орқали (тилдаги нутқий тажрибага суянган ҳолда) ва, иккинчидан, нарса ёрдамида (ҳаётий тажриба, нутқ вазиятини билиш туфайли) тушуна олишнинг тегишли фарқига етиш керак. Бинобарин, чет тил таълимининг дастлабки босқичида тавсия қилинадиган нутқ мавзу ва вазиятлари ўқувчиларга таниш, олдиндан маълум, тил материали эса улар учун бутунлай янги, нотанишдир.

Тинглаш учун матн (аудиотекст)ларни танлашда ёки яратишда гап кўп. Ўқувчиларнинг ёшига мос, қизиқишини уйғотадиган, мантиқан аниқ, нутқнинг монолог ва диалог шаклини ўз ичига олган, ахборотга бой аудиотекст ўз тингловчисига ёқиб тушади.

Эшитиш сезгиси ва анализатори орқали ахборот олишнинг асосий манбалари сифатида муаллим нутқи, аудитив техникавий қуруллардан магнитофон ва граммофон ёзуви ҳамда радиоэшиттириш, аудиовизуал воситалардан овозли диафильм, кинофильм (ёки ундан парча) ва телевизион кўрсатувлар хизмат қилади.

Тинглаб тушунишнинг муваффақиятли амалга ошиши учун қуйидаги уч омил назарда тутилади. Тингловчининг ўзига боғлиқлик (эшитиш малакасининг ривожланганлиги, хотираси, диққати хусусиятлари), тинглаш шарт-шароити (нутқ тезлиги, тил материали ҳажми ва шакли ҳамда сўзланаётган нутқнинг қанча вақт давом этиши) ва, ниҳоят, қўлланган материалнинг лингвистик жиҳатлари (тингловчи тил тажрибасига мос келиш-келмаслиги) ҳисобга олинади.

Муҳим масалалардан яна бири тингланган матнни тушуниш қай сабабларга кўра осонлик ёки қийинчилик билан рўй беришини аниқлашдир. Қийинчиликлар ва уларнинг сабабларини билиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

1-§. Чет тилда нутқни тинглаб тушунишдаги қийинчиликлар

Нутқ фаолияти турларининг ҳар бирига хос қийинчиликлар мавжуд. Тинглаб тушунишда содир бўладиган қийинчиликлар бирталай. Уларни билиш чет тил ўргатишда ҳал қилувчи шартлардандир. Идрок этиш, жумладан нутқни идрок этиб тушуниш муаммолари жаҳон руҳшунослигида анча муфассал ишлаб

чиқилган. Чет тил ўқитиш методикаси фани мавжуд назарий мулоҳазалардан самарали фойдаланади. Мактаб шароитида ўқувчиларнинг тинглаб тушуниши соҳасидаги қийинчиликлар қуйидагилардан иборат:

1. **Тилга оид шаклий қийинчиликлар.** Маъноси ҳар хил, товуш шакли эса ўхшаш сўзларни (омофонларни) ёки чет тил феълининг мажҳул даражасини тинглаш ва тушуниш мураккаблик касб этади. Омофон ва мажҳул феъл бир қарашда танишга ўхшайди, бироқ аудиотекстнинг мазмунини пайқашда хийла қийинчилик туғдиради.

2. **Мазмунга доир қийинчиликлар.** Олинаётган ахборот қамровидаги нима, қаерда, ким билан, қачон бўлиши каби далилларни идрок этиш бобида ёки улар орасидаги боғланишни илғаб олиш, шунингдек, умумий ғояга тааллуқли қийинчиликлар мавжуддир.

3. **Нутқий идрок қилишнинг шарт-шароитидаги қийинчиликлар.** Булардан нутқ тезлиги, оҳанги ва механик ёзилган аудиотекстнинг мураккаблигини эслатиш кифоя. Шу билан бирга аудиотекстни бир марта идрок этиш, нотаниш одамни тинглаш, овоздаги ўзига хослик кабилар ҳам тушунишда ғов бўлиши табиий.

4. **Нутқ шаклига оид қийинчиликлар.** Диалог нутқда жавоб қайтариш, монологни тинглашда эса узун жумлаларни эшитиш хотирасида сақлаш ўқувчи учун муайян қийинчилик келтириб чиқаради.

5. **Тилшунослик нуқтаи назаридан содир бўладиган қийинчиликлар.** Уларни лисоний — лексик, грамматик ва фонетик қийинчилик деб аталади. Лексикада жуфт тушунчалар (мас. дунё томонларини ифодаловчи сўзлар), кўп маънолик (полисемия), турғун бирикмалардаги сўз маъноси, ёрдамчи сўзлар, грамматик жиҳатдан она тилида йўқ ҳодисалар ёки фонетик тарафдан сўзнинг ёзувда ва талаффузда кескин тафовути, урғу ва оҳангнинг ўхшамаслиги тегишли қийинчиликларга сабаб бўлади.


6. **Аудиоматн тузилишига оид қийинчиликлар.** Аудиотекстнинг тузилиши (композицион-мазмуний структураси) ҳам қийинчиликларга олиб келиши аниқланган. Чунки баён этилаётган ахборотни илғаб олишга унинг бевосита дахли бор. Гапнинг ёки абзацнинг бир-бирига мантқан «ёпишиши», контекстнинг юзаки ёки чуқурлиги, нотаниш лексик бирликлар иштироки ва қатор ўхшаш композицион-мазмуний ҳолатлар аудиотекстнинг тушунилиш даражасини белгиловчи омиллардир.

Ўқувчи тинглаб тушунишда дуч келадиган қийинчиликларни эътироф этишдан мақсад уларнинг олдини олиш чораларини кўришдир. Қийинчиликлар меҳнат ва вақт талаб қилади, махсус машқларни бажариш заруриятини туғдиради.

Қийинчиликларни ўз вақтида бартараф қилиш (нейтраллаш) йўли билан таълим жараёнини жадаллаштириш ва ўқи-

тишнинг энг мақбул (оптимал) методикасини ишлаб чиқишга муваффақ бўлинади.

Тил ўрганишда ёки умуман ҳаётда воқе бўладиган қийинчиликлар сабаб ва оқибатнинг бир-бири билан боғлиқ равишда аниқланади. Қийинчиликни олдиндан аниқлаш, унинг сабабларини билиш мумкин. Қийинчиликнинг юзага чиқиши хатолар тури ва кўзланган натижага эришиш даражаси билан белгиланади. Уқувчиларнинг ўзгалар нутқини идрок этиб, унинг мазмунини фаҳмлай олишларидаги қийинчиликларни бартараф этиш йўлида тинглаб тушунишнинг психофизиологик механизмларини тўғри шакллантириш катта аҳамият касб этади.



Уқув-методик топшириқлар

1. Қийинчиликларни билишнинг қандай аҳамияти борлигини айтинг.
2. Тинглаб тушунишдаги қийинчиликларни сананг ва уларни таҳлл қилинг.

2-§. Тинглаб тушунишнинг психофизиологик механизмлари

Нутқ фаолиятининг асосий турларидан саналмиш тинглаб тушуниш ҳам билишга интилишдир. Ҳар қандай билиш жараёнининг эса ҳиссий ва мантиқий томонлари мавжуд. Тинглаб тушунишда мазкур сифатлар узвий боғлиқ ҳолда амал қилади. Тинглаб тушунишнинг механизмлари мажмуи фанда етарлича ўрганилган.¹

¹ Е. И. Пассов. Основы методики обучения иностранным языкам. — М.: Русский язык, 1977, 168—170-бетлар; Основы коммуникативной методики обучения иноязычному общению. — М.: Русский язык, 1989, 185—186-бетлар.

Биринчи механизмни руҳшунослар **нутқни идрок этиш**, деб номлаганлар. Муайян сезгилар қўзғалиши назарда тутилади. Бегона тилни билмаган киши уни тушунмайди ҳам, балки бу тилдаги нутқни эшитиш қобилиятидан ҳам маҳрум (машҳур руҳшунос олим марҳум акад. А. Р. Лурия тадқиқотлари шундай хулосани тасдиқлаган).

Ушбу механизм **эшитиш хотираси** механизми билан чамбарчас боғлиқ. Идрок қилиш чоғида нутқий парчани ёдда сақлаш аудиотекстни тушуна олиш имконини яратади.

Ичда гапириш механизми фаолиятига кўра аудиотекстни идрок этиш пайтида нутқҳаракат анализатори ишлайди (проф. Николай Иванович Жинкин ўзининг тил ўргатиш руҳшунослигига бағишланган етук илмий ишларида ушбу фикрни исботлаб берган). Тушуниш даражаси тингланаётган нутқни ички нутқда такрорлашга бевосита боғлиқ. Одам эшитаётганини ичда тақлид йўли билан қайтариб туради. Аудиотекстнинг нотаниш ёки қийинроқ жойларини ичда айтиб турилади, тил материали пухта ўзлаштирилган бўлса, ичда такрорлаш ҳажми камроқ бўлади. Бинобарин, гапириш ва тинглаб тушунишни бирга қўшиб ўрганиш тавсия этилади.

Эшитиш сезгисига келаётган сигналларни хотирада қолип-ланган андазага **солиштириш** механизми. Солиштириш шахнинг аввалги тажрибасига, унинг сезги ва ҳиссиётига қараб тўғри-нотўғри бўлиши мумкин. Тингловчи тажрибаси деганда, эшитиш ва нутқҳаракат сезгилари миёда ҳосил қилган из тушунилади. Солиштириш оқибатида таниб олишга муваффақ бўлинади. Эшитувдан қолган из мустаҳкам бўлса, таниб олиш механизми (солиштириш ва билиб олиш механизми дейилгани **афзалроқ**) фаолроқ амал қилади. Эшителиётган ҳодисанинг тўлиқ акси миёда сақланмайди ёки тикланмайди, унинг изи тушади, холос.


Навбатдаги механизмнинг номи **антиципация** деб аталади. Соддароқ қилиб, **олдиндан фаҳмлаш** дейиш маъқул. Бу механизм ишга тушганда, аудиотекстнинг тузилиши (жумлалар ёки сўзлар шакли)ни ёки унинг мазмунини олдиндан билиб олиш имконияти яратилади.

Яна бир механизмни аудиотекстни **мантиқан тушуниш** дейилади. Мия фаолиятининг аналитик-синтетик амали асосида ва бошқа имкониятлар доирасида англаш, яъни мантиқан тушуниш рўй беради.

Мазкур механизмларни шакл топтириш оқибатида ўқувчиларнинг тинглаб тушуниш малакаси ҳосил қилинади. Тинглаб тушуниш малакаси чет тилда зарурий машқларни бажариш туфайлигина шаклланади ва ривожланади.

Таъриф-тавсиф этилган тинглаб тушунишнинг психофизиологик механизмлари таҳлил учунгина айрим номлар билан аталади. Нутқ фаолиятида эса улар яхлитликда намоён бўлади.

Тинглаб тушуниш механизмлари



Ўқув-методик топшириқлар

1. Тинглаб тушунишнинг психофизиологик механизмларини атанг ва уларни таърифлаб беринг.
2. Механизмларни таркиб топтиришдан кўзланадиган мақсадни тушунтиринг.

3-§. Нутқни тинглаб тушунишни ўргатиш ва тушунганликни текшириш

Юқорида қайд этилганидек, тинглаб тушунишни ўргатишга махсус вақт ажратилади ва муайян машқлар бағишланади. Чет тил ўргатишнинг биринчи соатидан бошлаб, то ўқувчи мактабни тугатгунга қадар тинглаб тушунишни ўргатишга эътибор сақланади.

Ўқув дастурининг оғзаки нутқ қисмидан жой олган умумий талаблардан ташқари фақат тинглаб тушуниш учунгина мўлжалланган жумлалар рўйхати ҳам келтирилади. Булар ўқувчилар фақат ўқитувчини тинглаганда билиб олишга бериладиган жумлалар эканлигини эслатиб ўтиш жоиздир. Гапириш ва ўқишда ўзлаштириладиган лексик ва грамматик материални тинглаб тушунишга ҳам оидлиги муаллимларга аён.

Ўқувчиларга тинглаш учун намунавий бўлмиш муаллим нутқи катта аҳамиятга молик. Дарсни чет тилда олиб боришдек методик қоидага риоя қилиш зарурдир. Гапириш ва ўқиш материални тинглаб тушуниш ёрдамида мустақкамлаш ҳамда такрорлаш ушбу нутқ фаолияти турини таълим воситаси макомига киритади.

Дарс бошланишидаги чет тил сунъий муҳитини яратишга мўлжалланган машқларнинг кўп қисми тинглаб тушуниш бўйича бажарилади. Дарснинг асосий қисми ва якунида ҳам тинглаб тушуниш машқлари етакчилик қилади.

Бошқа нутқ фаолияти турларидан фарқ қилиб, тинглаб ту-

шуниш чет тил ўргатиш давомида таълим мақсади ва воситаси тарзида ўрганилади. Мақсад сифатида унинг амалий ўрганилиши чет тилда ахборот олишни билдиради. Барча оғзаки нутқ ва ўқиш мавзулари қамровидаги мазмун тинглаб тушуниш орқали ўзлаштирилади. Гапириладиган ва ўқиладиган пайтда ўзлаштирилган ахборот тинглаб тушуниш учун ҳам тааллуқли.

Таълим воситаси тарзида қаралганда, тинглаб тушунишнинг тил материали (лексика, грамматика, талаффуз бирликлари)ни ўрганишда қўллаш назарда тутилади. Янги нутқ бирликларининг тақдимот, машқ қилиш, қўлланилиш босқичларини тинглаб тушунишсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Хуллас, нутқ фаолиятининг тўрттала туридан бирортаси ушбу дарсда машқ қилинмаслиги мумкин, бироқ бу қонда тинглаб тушунишга тегишли эмас. Хоҳлаган бир машғулотда гапириш ёки ўқиш ёки ёзув машқ қилинмаслиги мумкин. Бироқ дарс бор экан, тинглаб тушуниш бўлади. Чунки муаллим чет тилда гапириш билан дарс бошлайди, дарсни ўтади ва уни якунлайди, демак, тингловчи сифатида ўқувчи гавдаланади.

Нутқни тинглаб тушунишни ўргатишда нималарга аҳамият берамиз. Биринчидан, нимани ўргатиш, иккинчидан, қандай қилиб ўргатиш ва, ниҳоят, тушунганликни қайси йўл билан аниқлашни билиш талаб қилинади. Бу учала масала алоҳида-алоҳида кўриб чиқилади.

Ўқувчига тинглаб тушуниш жараёнида қуйидагилар ўргатилади: сўз ва сўз бирикмаларининг шаклини ва грамматик структураларни ғайришуурий равишда фарқлай олиш; нутқ намунаси (жумла)ни тинглаб, олдиндан фаҳмлай олиш; эшитиш хотираси ҳажмини ўстириш; ўрганилган тил материалини турли бирикмаларда тушуна олиш; техникавий воситаларга ёзилган нутқни тушуниш; бир карра айтилган фикрни фаҳмлаш; мўътадил (ўқув дастурида қабул қилинган) тезликдаги нутқни тушуниш; аудиотекстда нотаниш лексик бирликлар бўлишига қарамай, унинг умумий мазмун ва моҳиятини илғаб олиш; турли йўналишдаги (тасвирий, эртақнамо, кўп планли) аудиотекстни тушуниш.

Турли таълим босқичларида мазкур ишларнинг ўрни ва бажарилиш хусусияти ҳар хил тартибда бўлади. Ундан ташқари эркак ва аёл овозини эшитиш, муаллим ва бошқаларни тинглаш, ёш ва қарилар нутқни тинглаш, сўзловчини кўриб ва кўрмасдан тинглаш кабиларни амалда қўллаш тавсия этилади.

Тинглаб тушунишни ўргатиш бўйича турли йўналишлар амалиётда қўлланиб келинади. Улардан бири — аввало тил материалини, кейин нутқ фаолиятини ўргатишдир. Бу методик ғояга биноан сўз, сўз бирикмаси, гапларни билиб олишни машқ қилиб, сўнгра ўқувчилар диққати ўрганилган материалнинг мазмун томонига тортилади. Ушбу йўл билан тинглаб тушунишни ўргатиш самараси паст бўлади, унда ортиқча вақт сарф-

ланади, бинобарин, уни энг мақбул методик усул деб топилмайди.

Муаллимлар қўллайдиган иккинчи йўналишга кўра, тинглаб тушуниш нутқ малакаларини шакллантириш билан бевосита боғлиқ ҳолда олиб борилади. Гапириш, ўқиш ва ёзувни ўргатиш жараёнида ўқувчилар тинглаб тушуниш билан шуғулланишади. Шу билан бир пайтда тил материалини ўргатишга ҳам эътибор бериб борилади. Ушбу методик усул самаралироқдир.

Маълумки, гапириш ва тинглаб тушуниш жараёни оғзаки нутқнинг икки узвий боғланган томонларидир. Уларда ишлатиладиган лексик ва грамматик ҳодисалар умумийдир. Шунинг учун ҳам тинглаб тушунишни ўргатишга киришилар экан, албатта гапиришни эгаллаш даврида тинглаш билан ҳам машғул бўлингани маъқулдир. Бу тинглаб тушунишга умуман махсус эътибор қаратилмайди деган маънони англатмайди. (Муайян машқлар ҳақида 4-§да гап боради). Чунки тинглаб тушуниш механизмларининг ўзига хослиги фанда исботлаб берилган. Демак, ўқувчи айтадиган ҳар қандай сўз ёки жумла тинглаб тушуниш чоғида ўрганиб борилади.

Ўқиш ва ёзувни машқ қилишда ҳам тинглаб тушуниш «иштирок» этади. Ўқиётган ёки фикрини ёзма баён этаётган киши қўлланилган тил материалини тинглаб тушуна олади. Маълум бўлишича, ўрганилаётган тил бирлиги тинглаш (эшитиш сезгиси/анализатори), гапириш (нутқҳаракат сезгиси/анализатори), ёзув (қўлҳаракат сезгиси/анализатори) ва ўқиш (кўрув сезгиси/анализатори) орқали ўзлаштирилганда, пухта динамик стереотип шаклланишига олиб келади. Шулардан айримлари қатнашмаса, **исталган натижага эришиш мушкул**. Олиниши мўлжалланган ахборотни хотирада сақлашнинг ягона йўли нутқ фаолияти турларини бир-бирига боғлаб ўргатишдир. Уларни ўрганиш таълим босқичи, тил материали хусусияти ҳамда гидрок этиладиган мазмун (ахборот) билан бевосита боғлиқ бўлади.

Гапирилган, ўқилган ва ёзилган ўқув материалини тинглашдан ташқари тинглаб тушуниш учунгина бериладиган матнлар мавжуд. Тингланган текст асосида қолган учала нутқ фаолияти турларини ҳам машқ қилиш мумкин.

Тингланадиган матн таниш тил материалда ва қисман нотаниш лексик материалда бўлишидан қатъи назар бир марта эшитиш ва тушунишга мўлжалланади. Иккинчи, учинчи ва кейинги сафар тингланиши учун албатта янги топшириқ берилади. Мас. биринчи марта тингланганда «Қуйидаги саволларга жавоб топинг», иккинчисида «Фалон ҳодиса (шахс) ҳақидаги ахборотни синчиклаб ўрганинг», учинчи тинглашда эса «Фалон жойига ўз муносабатингизни билдиринг» ва ҳ.к.з. турлитуман ўқув топшириқларини бериб, қайта-қайта эшиттириш мумкин.

Тинглаб тушунишни амалий мақсад мақомида ўргатилиши

учун, биринчидан, аудиотекстни танлаш (тузиш), иккинчидан, уни эшиттириш ташкилий шартлари (синф, айрим гуруҳ ёки ёлғиз ўқувчига тегишлилиги)ни аниқлаш, учинчидан, ўқувчиларни тинглашга тайёрлаш (тил материални билиши, аудиотекстнинг мазмуни мослиги), тўртинчидан, неча марта тинглашни тавсия этиш (ўқув топшириқларини тайёрлаш) ва, бешинчидан, тушунганликни текшириш каби тадбирларни тақозо этади.

Аудиотекст устида олиб бориладиган қуйидаги иш тартиби тавсия қилинади: муаллим аудиотекстни ўзи тинглаб олади (ўқиб чиқади), унинг қийин жойларини аниқлаб, уларни бартараф этиш усулларини ўйлаб қўяди, тушунишга таянч бўладиган ўқув воситаларини (расм, доскага ёзиш, магнитофон тасмаси кабиларни) тайёрлайди, биринчи ва навбатдаги тинглашларга топшириқлар ишлаб чиқади.

Дарсни ўтиш чоғида тинглаб тушунишни ўргатиш босқичлари¹ қуйидагилардан иборат. 1) тинглашда кутиладиган қийинчиликлар бартараф этилади; 2) аудиотекстни биринчи эшитиш бўйича кўрсатма (топшириқ) берилади; 3) тушунганликни топшириқ ёрдамида текшириб кўрилади; 4) иккинчи марта эшитишга топшириқ берилади; 5) текшириб кўрилади ва ҳ.к.з. Методик тадқиқотлар кўрсатишича, иккинчи ва учинчи марта эшитиш аудиотекстни тушунишга ёрдам беради, ундан кейинги тинглашлардан унчалик наф кўрилмайди. Аудиотекст асосида гапиришни ташкил қилса бўлади. Бу иш усули диафильм ва кинопарчалар материалида ҳам ўтказилиши мумкин.

Аудиотекстни тушунганликни текшириш муаллимдан муайян методик маҳорат талаб қилади. Текширишдан кўзланадиган мақсад, тинглаб тушуниш малакасининг шаклланганлиги ва оқибат натижада тингланганни идрок этиб фаҳмлаганлик даражасини аниқлашдир. Бунинг учун идрок этганда тушуниш босқичларини билмоқ лозим (А. Р. Лурия² тўрт босқични ажратиб берган): сўз босқичи, гап босқичи, мураккаб синтактик бирлик босқичи ва матн босқичи.

Сўзни тушунишда актив, пассив ва потенциал (хуфия) лугат ҳақида гап боради.

Гапни тушунишда унинг синтактик хусусиятидан келиб чиқилади. Содда гап оғзаки нутқда ўзлаштирилганлиги туфайли осон тинглаб тушунилади. Қўшма гап эса қийин тушунилади.

Мураккаб синтактик бирликни тушуниш жараёнида уни қисмларга ажратилиб, фикрнинг боши ва охирини тушуниб этиш билан алоқадор амаллар бажарилади.

Яхлит матнни идрок этиш гапнинг предикатив алоқалари-

¹ Г. В. Рогова, И. Н. Верещагина. Методика обучения английскому языку на начальном этапе в средней школе. Пособие для учителя. — М.: Просвещение, 1988, 129-бет.

² А. Р. Лурия. Высшие корковые функции и их нарушения при локальных поражениях мозга. — М., 1959.

ни фаҳмлаш, унинг композицион-мазмуний томонини пайқаш, услуб ва жанрини илғаш йўли билан амалга ошади.

Мазкур босқичлар таснифи аудиотекстни тушунишни акс эттиради, лекин тушунганликни текшириш учун унчалик мақбул эмас. Бу мақсадни кўзлаб, тажрибали методист-олим Надежда Ивановна Гез¹ қуйидаги бўлинишни таклиф этади: 1) юзаки тушуниш; 2) умумий тушуниш; 3) тўлиқ тушуниш; 4) танқидий тушуниш даражалари. Аудиотекстнинг мазмунини тушунган/тушунмаганликни иккинчи, учинчи ва тўртинчи босқичлар орқали текшириб кўрилади (шу пайтда биринчи босқич ҳам ҳисобга олинади). Умумий тушуниш босқичида саволларга танлаб жавоб қайтариш (multiple choice), яъни жавобларнинг тўғриси топиш орқали тушунганлик текширилади. Учунчи (тўлиқ тушуниш) босқичи тингланганни қисқартириш ёки тўлдириш йўли билан текширилади. Ушбу босқичда саволларга жавоб қайтариш, чет тил ва она тилида мазмунини айтиб бериш, гапириш учун кенгайтирилган режа тузиш усулларидан фойдаланилади. Танқидий тушуниш босқичида эса тингланган аудиотекстнинг мазмунига баҳо бериш, асосий ахборотни топиш, шарҳлаш ва муҳокама қилиш каби муаммоли топшириқларни ижодий ҳал этиш билан машғул бўлинади.

Баён этилгандан кўриниб турибдики, текшириш чоғида анъанавий усуллар қаторига замонавий тест ҳам қўшилади. Тест билан бир қаторда нутқий машқлар ҳам самарали эканлигини ёддан чиқармаслик лозим.

Тинглаб тушунишни текширишнинг таъриф-тавсифларидан аён бўладики, бу жараёнда нутқ фаолияти турларидан гапириш, ўқиш, ёзув кенг кўламда жалб этилади.

Уқув-методик топшириқлар

1. Тинглаб тушуниш жараёнида эътиборни тортадиган томонларни айтинг.

2. Тинглаб тушунишни ўргатишда мавжуд асосий методик йўналишларни таҳлил қилиб беринг.

3. Аудиотекст устида ўтказиладиган тайёргарлик ишлари ва дарсда бажариладиган ўргатиш босқичларини айтиб беринг.

4. Тушунганликни текширишга оид мақбул босқичларни таҳлил этинг.

4-§. Тинглаб тушунишни ўргатиш машқлари

Тинглаб тушунишга мўлжалланган (аудитив) машқлар системаси мақсадига кўра икки турга бўлинади: махсус ва махсус бўлмаган машқлар.

¹ Н. И. Гез. Текст лекций по курсу «Методика обучения иностранным языкам в высшей школе» (раздел «Аудирование»). — М.: МГПИИЯ, 1979, 55-бет; Обучение аудированию. — В кн. Методика обучения иностранным языкам в средней школе. — М.: Высшая школа, 1982, 241-бет.

Махсус бўлмаган машқларда тинглаб тушуниш йўл-йўлаккай ўргатилади. Мас. дарс бошланишидаги нутқий машғулот, сўз маъносини очиш чоғида муаллим ҳикоясини эшитиш, грамматиканинг тақдимотидаги муаллим гапларини тинглаш, ўзга шахс нутқини магнит тасмасига ёзиш кабилар махсус бўлмаган машқлар жумласига киради. Чет тилда дарс олиб бориш ҳам тинглаб тушунишни ўргатишда ажойиб иш услубидир. Ўқувчилар дарс давомида ишлатиладиган жумлаларни тушунишлари учун муаллим жуда кўп марта такрорламаслиги, ўта секин ҳам айтмаслиги, ҳар доим она тилига таржима қилавермаслиги талаб этилади.

Махсус машқлар ўз навбатида тинглаб тушунишга тайёрлов ва соф нутқий машқларга бўлинади. (Биринчисини айрим муаллифлар тил (материали)га оид машқлар дейишса, бошқалари шартли-нутқий машқлар номи билан ҳам юритишади.)

Тайёрлов машқларининг объекти акустик сигнал (яъни қулоққа етказиладиган сўз, жумла, гаплар мажмуи) бўлиб, нутқий машқларда эса ўқувчи мазмунни эгаллаш билан банд бўлади.

Тайёрлов машқидан кўзланадиган мақсад олдиндан (матнни тинглашгача) қийинчиликларни бартараф қилишдир. Тайёрлов машқлари тилга оид ва ўқувчи психологияси билан алоқадор мушкулотнинг олдини олишда бажарилади. Лисоний қийинчиликларни бартараф этишда ўзга нутқдаги янги ҳодисаларни топиб фарқлаш ва тушуниб етиш, товуш тимсолини маъноси билан боғлаш, сўз ясалишини фаҳмлаб маъно чиқариш, лексик ва грамматик бирлиkning контекстдаги маъносини очиш, маънодош (синоним) ва зид маъноли (антоним) ҳодисаларни таниб олиш ва англаш сингари машқлар бажарилади. Улар тинглаб тушунишнинг лексик, грамматик ва талаффузни эшитиш машқлари сифатида намоён бўлади. Фарқлаш ва ўхшатишдан иборат билиб олиш жараёни ифодаланади.

Тайёрлов машқининг психологик қийинчиликни олдини олиш тури эса ўқувчиларнинг мазмунни олдиндан илғай билиш, хотирани ривожлантириш, тинглаш маҳоратини ошириш, ички нутқни қисқартириш сингариларда бажариш маъқулдир. Тайёрлов машқлари тинглаб тушунишнинг дастлабки босқичи бўлиб хизмат қилади. Улар тил ҳодисаларини билиб олиш ва маъносини фаҳмлаш кўникмаларини шакллантириш, тил бирликларининг эшитув тимсолини ҳосил қилиш, маъноси очилгунга қадар шаклларни олдиндан илғаш ва хотирада сақлашга қаратилган машқлардир.

Нутқ машқлари эса коммуникатив (мулоқот) вазифани ўташга мўлжалланади. Уларни аудитив фаолиятга йўлловчи ва бу фаолият билан шуғулланиш машқларига ажратиш мумкин. Йўлловчи (ориентир) машқлар ўқувчига тил ва ҳаёт тажрибасидан фойдаланиб, аудиотекстни тушунишда турли лингвистик ва нолингвистик таянчларга асосланган ҳолда иш тутишни ўргатади. Контекстни фаҳмлаш, тажрибадаги билим-

ларни ишлатиш, лексиканинг хусусиятини илғаш, қийинчиликларни енгиб матнни тушуниш кабилар йўлловчи машқлар сирасига киради. Шуғулланиш машқлари эса соф нутқ машқлари бўлиб, аудитив фаолиятнинг намунавий шакли сифатида юзага келади.

Нутқ машқларининг уч босқичли эканлиги фанда аниқланган: ахборотни эшитишга тайёргарлик, уни эшитиш ва эшитганини таҳлил қилишни ўз ичига олади. Уларнинг ҳар бир қисми алоҳида вазифаларни ўтайди. Биринчиси (тайёргарлик) фаолият юритиш мотивацияси (ички турткиси)ни акс эттиради. Муайян вазифаларни ижро этиш билан боғлиқ босқичдир. Нотаниш сўзларни билса/билмаса аудиотекст мазмунини фаҳмлай олиш кўникмаси шакллантирилади. Нутқ фаолиятининг бошқа турлари билан УНВ ёрдамида алоқа боғланади. Шу йўл билан тинглаш (ва кейин гапириш) эҳтиёжи туғдирилади. «Эшитинг — тушунинг» ёки «Эшитинг — савол беринг» тарзидаги топшириқлардан УНВнинг ижобий фарқи шундаки, унда билишга интилишнинг муаммоли вазияти ташкил қилинади. Расмлар, вербал (сўз билан тасвирланадиган) ҳолат ҳамда экран воситалари ёрдамида тинглаб тушуниш бўйича нутқий машқ бажаришга киришилади.

Аудиотекстни тинглаш босқичи анализ-синтез қилиш ва аудитив фаолиятнинг ижро қисми сифатида намоён бўлади. Боғланма матнни тинглаш чоғида асосий эътибор мазмунни идрок этиб тушунишга қаратилади. Аудиохабарнинг тил томонига ғайришуурий муносабат юритила бошлайди. Бошланғич даврда онг иштироки сезилиб туриши табиий.

Аудитив машқлардаги тингланганнинг натижаларини таҳлил этиш қисмида аудиоахборотни ўзгаларга етказиш (баён қилиш), олдин ўзлаштирилган ахборот билан ўхшашлиги/ноўхшашлигини аниқлаш, мазмун томонига баҳо бериш, унга қўшимча қилиш, таҳлил этиш кабилар амалга оширилади.

Тинглаб тушуниш машқларини амалда бажариш бўйича айрим тавсиялар келтириш жоиздир.


Тайёрлов машқлари сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин: устундаги сўзларни эшитинг ва такрорланг (муаллим қийин материални танлаб машқ тузади); сўзларни эшитинг (мисол келтиради) ва қуйидаги сўзлар орасидан топинг; қофиядош сўзларни аниқлаб, уларни рақам билан белгиланг; гапларни тинглаб, ўхшаш ва фарқ қиладиганларини + (плюс) ёки — (минус) белгиси билан аниқланг; буйруқларни тез-тез бажаринг; қуйидаги сифат (фезъл)ларни тингланг ва улар билан кўп қўлланадиган отларни айтинг; таниш ўзақлардан ясалган янги сўзларни тингланг ва таржима қилинг; тайёр жумлаларни тингланг ва қандай нутқ вазиятида қўлланилишини айтиб беринг; механик ёзувдаги матнни тингланг, сўнгра ёзма вариантдаги бўш қолдирилган жойларни тўлдириг, аудиотекст мазмунида нотўғри деб топган фикрингизни исботланг; ким ҳақида гап бораётганини фаҳмлаб олинг; тасвирлан-

ган ва тингланган ахборот фарқини аниқланг; тушиб қолган жумлани топиб ўрнига қўйиб айтинг; аудиоахборотни она тилида ёзиб беринг; алоҳида берилган сўзлар рўйхатини тингланг, уларни ёдда сақланг ва муайян мавзуга оидларини айтинг; икки-учта қисқа жумлаларни тингланг ва улардан гап тузиб айтинг; жумлани эшитинг, унга мазмунан мос яна бир гап қўшиб айтинг (VIII—X боблардаги машқларга ҳам қаранг).

Нутқий машқларга қуйидаги намуналарни келтириш мумкин: диалогни тингланг, унга монандини шеригингиз билан бажаринг; диалогни бошланишини эшитинг, суҳбатдошлардан бирининг охири жумласи (репликаси) ни кенгайтиринг, тўлдиринг; фоноёзув (кинопарча)ни эшитиб, ундаги воқеаларни айтиб беринг; грампластинка ёзувидаги диалогни тингланг ва уни монолог шаклида сўзлаб беринг; магнитофондан қатор саволларни тингланг, орасида уларга жавоб бериб боринг; суҳбатдошлар жавобларини шарҳлаб беринг; диалогнинг бошланишини эшитиб, жуфт бўлиб уни давом этинг; суҳбатдошлар фикрини тасдиқланг ёки рад этинг; диктор нутқидаги диалогни эшитинг, суҳбатдошлар қўллаган сўз ёки жумлани маънодоши билан алмаштиринг ва янги диалогни икки киши бўлиб айтинг; аудиотекстни тингланг ва саволларга жавоб қайтаринг; тинглаганингизда ўрганиб олган фикрларни айтиб беринг; тинглаганингизнинг боши (охири, ўртаси)ни қисман ўзгартириб айтинг; тингланг ва шарҳлаб беринг; кинофильм (парча)ни кўриб, асосий ғоясини айтиб беринг; аудиоахборотдаги мазмунни бўлакларга ажратиб, уларни номланг; тинглаган ахборотингизга сарлавҳа ўйлаб топинг; аудиотекстни тингланг, унга тақриз тузинг, қуйидаги режадан фойдаланинг: а) ахборот мавзуси; б) иштирок этганлар; в) мазмунининг қисқача баёни; г) асосий ғояси; д) тингланган мазмунга баҳо бериш.

Ўқув-методик топшириқлар

1. Тинглаб тушуниш машқлари системасини синчиклаб таҳлил этинг.
2. «Масхус/махсус бўлмаган», «тайёрлов/нутқий» атамаларининг маъноларини тушунтириб беринг.
3. Аудиотекстдаги материални ва аудиоахборот мазмунини тинглаб тушуниш ҳақида фикр баён этинг.
4. Тинглаб тушуниш машқларини ўзингиз бажаринг.



XII б о б. ГАПИРИШНИ УРГАТИШ

Гапириш нутқ фаолияти тури ва малака сифатида

Гапириш, нутқ фаолиятининг тури сифатида, оғзаки фикр баён этиш демакдир. Бу — жараённи билдирувчи таърифдир. Гапиришнинг психологик мазмунига келганда, унинг ҳосиласи тарзида «фикр» (мулоҳаза) ифодаланишини қайд этиш зарур. (Мазкур атамани инглизча *utterance*, испанча *enunciado*, немисча *Aussage*, французча *énoncé*, русча «высказывание», деб юритилади). Соддароқ қилиб, «гапириш» методик тушунчаси қамровига (1) фикр баён этиш жараёни, (2) айтиш, (3) оғзаки мулоқот, (4) фикр изҳори натижасини киритиш мумкин. Гапириш оқибатида фикр айтилади, ушбу фикрни баён этиш нияти (ички турткиси) эса гапиришга сабаб бўлади. Саволга берилган қисқа жавоб ҳам, бутун бир монолог ҳам «фикр баёни» ҳисобланади.

Чет тил ўқитишда яқин пайтларгача «гапириш» ўрнида «оғзаки нутқ», ҳатто «нутқ» атамалари қўлланиб келарди («нутқ» тилшунослик луғатларида инглизча *speech, discourse*, испанча *habla, discurso*, немисча *Rede, Sprechen*, французча *parole, discours*, русча «речь» сўзлари орқали ифодаланади). Она тилида ҳозир ҳам «нутқни ўстириш» дейилади.

Чет тил ўқитиш руҳшуносларининг назарий умумлашмаларига кўра¹ нутқ мулоқот жараёни эмас, гапириш ҳам эмас, нутқ — гапириш янглиф фаолият чоғида фикрнинг рўёбга чиқиш ва ифода қилиш усулидир.

Гапириш — бирор фикрни изҳор этиш мақсадида муайян тилдаги лексик, грамматик ва талаффуз ҳодисаларини қўллашдан иборат. Аввал ўйла, кейин сўйла, дейилиши бежиз эмас. «Ўйла» қисмида фикр пайдо бўлиши, «сўйла»да эса уни нутқҳаракат сезгиси/анализатори орқали «баён этиш» томонлари назарда тутилади. Биринчиси — тил материалининг қўлланилишидир, улар лексик, грамматик, талаффуз кўникмалари дейилади, иккинчиси — фикр айтиш жиҳати — гапириш малакаси номи билан юритилади.

Ўқувчиларга чет тилда гапиришни ўргатиш оралиқ амалий мақсад саналади, яъни таълимнинг дастлабки бир неча (тахминан, уч) йили давомида улар гапириш ва тинглаб тушунишни (оғзаки нутқни) ўрганишади, ўқиш ва ёзув (ёзма нутқ) ўқитиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Юқори синфларда ўқиш ва тинглаб тушуниш (рецептив нутқ) мақсад мақомини эгаллаганида, гапириш ўқитиш воситасига айланади. Демак, гапириш уч вазифани ўтайди: алоқа воситаси, ўқитиш воситаси ва ўқитишнинг амалий мақсади (тинглаб тушуниш ва ўқиш ҳам юқори синфларда шундай мавқега эгадир. Ёзув эса мақсад эмас, фақат восита вазифасини бажаради).

Чет тилда гапиришга оид кўп сонли илмий атамалар методика фанида кенг истифода қилинади. Уларнинг мухтасар таҳлили даркордир.

Гапиришнинг ғоят мукамал даражада бўлиши «спонтан» (ўз-ўзидан беихтиёр содир бўладиган) нутқ номини олган. Бир сўз билан ифодалаганда, «эркин нутқ» дейилгани маъқул. Эркин нутққа яқин турадиган жавоб нутқини ҳам эслатиш жоиздир. Ўзга шахс нутқига эргашиб гапирилганда, уни тақлидий (имитатив) нутқ номи билан аталади. Нутқий матннинг бирор парчасини аниқ тушунмаган ҳолда айтиш ассоциатив ёки фикрсиз нутқ тарзида намоён бўлади. Афсуски, амалиётда у кўп учрайди.

Эски методик адабиётларда «тайёрланган/тайёрланмаган» нутқ атамаси учрайди. Тайёрланмаган нутқ сўзланганда, у экспромт (бадиҳа) шаклида содир этилади, яъни у — олдиндан режалаштирилмаган нутқ вазияти ёки мавзусига кўра гапиришдир. Оддийроқ қилиб айтилганда, тайёрланмаган нутқ юритишда, вақт эътибори билан аввалдан ҳозирлик кўрилмаганлиги таъкидланади. Тайёрланган атамаси орқали нутқ вазияти, мавзуси юзасидан муайян тил материали асосида олдин машқ қилинган фикр баён этиш усулини тушунамиз.

Чет тилда гапириш уч қисмдан иборат нутқий фаолиятдир.

¹ И. А. Зимняя Психологические аспекты обучения говорению на иностранном языке. — М.: Просвещение, 1978, 58- бет.

Даставвал гапиришга *мойиллик* (мотивация) бўлиши тақозо этилади. Ушбу тил воситасида фикр айтиш эҳтиёжи туғилади (ёки уни махсус ташкил этилади). Нутқий ҳаракатни бажаришга майл пайдо бўлса, бирор ахборот бериш, саволга жавоб қайтариш ёки нонутқий ҳаракат (мас. илтимос, буйруқ)ни ижро қилишга киришилади. Гапиришнинг ушбу қисмида *айтиш нияти* пайдо бўлади, холос.

Фикрнинг изҳор қисмида эса анализ-синтез амаллари ишга тушади. Бунинг учун хотирада тутиш (ассоциатив боғланиш) хизмат қилади. Парадигматик ва синтагматик боғланиш мавжуд. *Парадигматик* алоқада ички боғланишлар сўзларнинг турли белгиларига биноан таққосланиши кузатилади: айтилишида бир хил ва ёзилишида фарқ қилади (see — sea, two — too); маъноси яқин (big — large); зид маъноли (go—come, here—there). Гапиришни ўрганишда *синтагматик* алоқаларнинг аҳамияти улкан бўлиб, бунда сўзнинг турли бирикмаларда қўлланилиши кўзда тутилади.

Гапирувчи хотирада тайёр турган сўзни ёки грамматик birlikни танлайди, одатда она тили ҳодисалари хотирада тайёр туради. Бинобарин, интерференция пайдо бўлади (мас. чет тил ва она тилидаги сўз тартиби бунга яққол мисолдир).

Гапиришнинг учинчи қисми *ижро этиш*; фикрни баён этиш, талаффуз қилиш, яъни ташқи нутқда уни ифодалашдан иборат. Учала қисмнинг амал қилиши нутқ фаолияти турларидан гапиришни юзага келтиради. Нутқнинг содир бўлишига доир илмий муаммолар замонавий психолингвистик тадқиқотларда (А. А. Леонтьев, И. А. Зимняя ва бошқалар асарларида) муфассал ёритилган.

Фикрни оғзаки баён этишни (гапиришни) ўргатиш фикрнинг ёзма баёни, ўзгалар нутқини идрок этиб фаҳмлаш (тинглаб ва ўқиб тушуниш) каби нутқ фаолияти турлари билан узвий боғланган ҳолда ташкил этилади.

Фикрни оғзаки икки шаклда, яъни боғланма (монолог) нутқ ва суҳбат тарзидаги (диалог) нутқда ифодалаш мумкин. Чет тилда монолог ва диалогни ўргатиш ўқув дастурининг асосий талабларидандир. Бинобарин, иккала шаклдаги нутқнинг ўзига хос томонларини муаллим билиши керак. Масалан, монолог учун тўлиқ (қисқармаган) жумлалар ва уларнинг нисбатан узлуксиз тизимларини қўллаш аҳамиятли бўлса, диалогда тайёр жумлалар, эллипс (қисқарган) гаплар кўпроқ ишлатилади. Она тили ва чет тилдаги ҳодисаларнинг қиёсий таҳлили ҳам ҳисобга олинади.

Муайян нутқий механизмлар таркиб топганидагина чет тилда гапиришни ўрганишга эришилади.

1-§. Гапиришнинг психофизиологик механизмлари

Барча нутқ фаолияти турларида бўлганидек, гапиришнинг ҳам ўзига хос механизмлари бор. Гапириш амалга ошиши учун

ўқувчиларда қатор психофизиологик механизмлар шаклланган бўлиши керак. (Улар тўғрисида Е. И. Пассов¹ маълумот берган.) Шундай механизмлар ҳақида мухтасар мулоҳазалар келтирилади.

1. **Репродукция** механизми. Нутқ жараёнида баъзи элементлар тайёр ҳолда қўлланса, айримлари янгидан яратилади. Мас. инглиз тили нутқида тайёр жумлалар 25 фоизни ташкил этиши аниқланган (методист ва тилшунос проф. Эммануил Петрович Шубин тадқиқотлари буни исботлаган). Такрорланадиган (рекуррент) ва тасодифий (оказионал) тил ҳодисалари нутқда ишлатилиши аниқланган. Нутқни мукамал эгаллаган гапирувчи рекуррент элементларни камроқ ишлатади, бўш гапирадиганлар эса рекуррент ҳодисаларни кўпроқ қўллайдилар.

Репродукция уч хил кўринишда бўлади: 1) жумла ва мазмунни ўзгаришсиз репродукция (қайта қўллаш) одати мавжуд (тўлиқ репродукция — ўрганилганни ўзгартирмай айтиш); 2) матндан ўзгаришсиз олинган жумлалар ёрдамида мазмунни айтиш (қисман репродукция); 3) мазмунни янги жумлаларда ифодалаш (репродукция — трансформация).

2. **Танлов** механизми. Сўзларни ҳамда нутқ намуналарини сайлаб айтишнинг фарқига бориш керак. Сўзларни танлаб айтишда, ассоциатив алоқалар шаклланганлигига қараб, уларни хотирадан тез ёки секин «топиш» мумкин. Нутқ намунасини хотирада тиклаш бобида унинг муайян нутқ вазиятидаги вазифаси ва мулоқот мақсадига кўра ассоциацияга киришини билиш зарур.

3. **Бирлаштириш** механизми. Гапирувчи сўзлар ва гапларни бириктириш жараёнида олдинги тил тажрибасида учратмаган янги бирикмаларни шакллантиради. Бунда жумладан йирикроқ нутқ бириклари, мавзу ва уларнинг бир нечтаси йиғиндиси бўлиши ҳам мумкин. Бирлаштириш бирлиги қилиб, сўз, синтагма, жумла белгиланган. Сўз бирикмаларини алоҳида эътибор бериб ўргатиш зарур, чунки жиддий қийинчиликлар шу ҳодисада юз беради. Олдинги икки механизм амали ушбу бирлаштириш жараёнига кўп томондан боғлиқ. Яратиш қобилиятига кўра нутқ маҳсули (матн) юзага келади. Бинобарин, бирлаштириш машқлари нутқий йўналган бўлиши керак.

4. **Тузиш** механизми. Гапиришни малака мақомида эгаллаган ўқувчи фикр баён этишда қоидага суянмай нутқий фаолият юритади. Кенг миқёсда ёки қисқартирилган мавҳумотдан фойдаланиш малаканинг ривожланиш даражаси билан ўлчанади. Тилни ҳис этиш заминиди, шаклланган мавҳум қолипга ўхшатиш йўли билан, лингвистик назарияни эсламаган ҳолда нутқий маҳсулот (матн)ни тузиш операциялари бажарилади.


5. **Олдиндан сезиш** механизми. Равон гапириш учун нутқ

¹ Е. И. Пассов. Основы коммуникативной методики обучения иноязычному общению. — М.: Русский язык, 1989, 126—128-бетлар.

оқимида нимани айтишни олдиндан сезиб бориш, уни давом эттиришга тайёр туриш зарурияти туғилади. Олдиндан сезиш механизми икки маънода — тил материаллини ишлатиш ва мазмунни «башорат қилиш»да намоён бўлади. Айрим жумлалар орасида узоқ тўхтаб қолишни (паузани) баргараф этишда ушбу механизмнинг амал қилиши ёрдам беради. Мазкур механизмни шакллантириш учун махсус машқларни бажариш, натижада тажриба ҳосил қилиш зарурдир. Мазмунни олдиндан илғаш нутқий вазиятни пухта билишга боғлиқ. Фикр юритишда «келажакни кўра билиш» гапирувчининг муҳим вазифаси ва асосий бурчидир. Демак, етарли машқлар бажаришга тўғри келади.

6. **Дискурсивлик** механизми. Агар олдиндан фаҳмлаб бориш йўли билан нутқни тайёрлашга эришилса, дискурсивлик ёрдамида гапиришнинг узлуксиз бориши жараёни бошқарилади, гапирувчининг нутқий тактикаси ва стратегияси амалга оширилади. Бу механизм мантиқий фикрлашга асосланган бўлиб, ўқувчи ундан фойдаланганда, онгли ҳолда нутқий вазиятни чамалайди, суҳбатдоши фикрини тўғри идрок этиб ва унинг новербал муомаласини (мас. хатти-ҳаракатини) ҳам илғаб, унга муносиб жавоб қайтаради, гапириш моҳияти ва вазиятига оид билимларини ишга солади ва ҳ.к.з. Ушбу механизм ишида она тилидаги амаллар доимо ёрдам беравермайди. Демак, дискурсив (англаб) гапиришга етарли машқлар ўтказиш тавсия этилади.

Гапиришнинг психофизиологик механизмлари амалини билиш алоҳида аҳамият касб этади. .



Уқув-методик топшириқлар

1. Гапиришнинг психофизиологик механизмлари номларини айтинг.
2. Гапиришнинг психофизиологик механизмларидан бирига яқинларини аниқланг.
3. Аталган механизмларнинг моҳиятини таҳлил қилинг.

2-§. Тилшунослик ва руҳшуносликда гапиришнинг тавсифи

Тил воситалари ёрдамида фикрни баён этиш бирмунча қийин кечади. Чунки ушбу жараёнда бир йўла икки хил нутқий дастурни бажаришга тўғри келади: бири тафаккурга оид, яъни фикр юритиш жиҳати бўлса, иккинчиси тил бирликларини қўллашдир. Ундан ташқари диалог (жуфтнутқ) ва монолог (якканутқ) хусусиятларида кескин тафовутлар сезилади.

Ўқувчининг ҳаракати лексика, грамматика ва талаффузни эгаллашга йўналтирилади. Якканутқда мураккаб синтактик ва лексик шакллар ишлатилади. Улар кўпинча ёзма нутқ материалига яқин туради.

Жуфтнутқда қисқартирилган бирликлар тилнинг барча ҳодисаларига тааллуқли бўлади. Бу — нутқнинг эркинлигидан далолат беради. Жуфтнутқнинг асосини турли репликалар ташкил этади. Репликалар гапиришга ундовчи ва жавоб жумлаларидан иборат бўлади. Репликалар бирикувидан диалогик бирлик¹ ҳосил қилинади. Улардан савол — жавоб, савол—савол, хабар—савол, хабар—хабар, хабар—қўшимча хабар, гапга ундаш—хабар, гапга ундаш — савол сингарилар жуфтнутқда кенг тарқалган.

Жуфтнутқнинг асосий хусусиятлари қуйидагилардир: 1) ажралмас икки реплика (диалогик бирлик)нинг нутқий вазиятга мос келиши; 2) жуфтнутқ — фақат савол-жавоб эмас, балки турли репликаларнинг алмашиши натижасидир; 3) диалогик бирликдаги эллипс ва қисқартмаларнинг ўз ўрнида қўлланилиши; 4) суҳбатдошнинг репликаси шеригиники билан мазмунан боғланиши. Ундовчи (*стимул*) репликани аввало тушуниб, сўнгра жавоб (*реакция*) репликаси айтилади. Жуфтнутқда икки ва ундан ортиқ шериклар тингловчи/гапирувчи сифатида навбатма-навбат ахборот алмашадилар. Жуфтнутқни олдиндан тўлиқ тайёрлаш имконияти йўқ. Нутқ оқимида турли-туман фикрлар алмашинади.

Якканутқ ҳам ўзига хос белгилар билан фарқланади: 1) нисбатан узлуксизлик ҳукм суради, бирдан ортиқ жумла айтилади, бинобарин, фикр боғланган ҳолда баён қилинади; 2) мазмунан изчиллик кузатилади, ифодаланадиган ғоялар таянч жумлалар воситасида аста-секин ривожлантириб борилади; 3) фикр-мулоҳазанинг маълум даражада тугалланганлиги нутқ намуналарида ифодаланди. Якканутқ бир киши нутқи бўлиб, кетма-кет келадиган жумлалар мантиқан боғланади, нутқ оҳанги ва мазмуни жиҳатидан қўйилган мақсад сари йўналтирилади. Якканутқ операциялари тушунчаси қуйидагилардан иборат: 1) ахборот предмети, яъни нима ҳақида гапириш аниқланади (мас. предмет тасвири — нарсанинг номи, ранги, турган жойи кабилар гапирилади; предметга муносабат билдириш — ёқади/ёқмайди, яхши/ёмон; синф, мактаб, уй ҳақида гапириш; ўқилган ёки тингланган матн мазмунини гапириш; расмни тасвирлаб бериш ва ҳ.к.); 2) ўзлаштирилган тил ҳодисаларининг хотира «омбори»дан кераклисини танлаб ишлатишга ҳаракат қилинади (нималардир тайёр ҳолда олинади, бошқаларини алмаштириш, кенгайтириш, қўшиш, бириктириш мумкин бўлади; 3) мўлжалга кўра фикрни ташқи нутқда айтиш.

¹ Н. Д. Шведова. К изучению диалогической речи // ВЯ, 1957, № 2, 68-бет.

Нутқнинг қатор хусусиятлари борасида қуйидагиларни баён этиш жоиздир (улар руҳшунослик фанида исботлаб берилган);

Гапириш жараён бўлганлигидан, энг аввало, унда фикр баён этишга мойиллик (мотивация) томони кўзга ташланади. Гапириш майли *ички ва ташқи туртки* (мотив)лар заминда пайдо бўлади. Шу мақсадда УНВ ларни танлаш ва яратишнинг аҳамияти беқиёсдир. УНВ одатда *табiiй* (ҳаётiiй ҳолат) *ва сунъiiй* (тасаввурдаги ҳолат) бўлади. УНВ яратиш чоғида *визуал* ва *вербал* таянчлар қўл келади. Амалдаги УНВ нутқ мавзуси доирасида ва мавзулараро ҳамда мавзуга деярли боғланмаган бўлиши мумкин. УНВни ўқувчиларга тавсия этиш йўллари турлича: сўз билан тасвирлаб бериш (вербал вазият), кўргазмали воситани намоиш этиш (визуал вазият), матнни театрлаштирилган вазиятга айлантириш (инсценировка қилиш, ва табiiй ҳолатни қўллаш (реал вазият).

Нутқ доимо тингловчига қаратилади, аудиторияга мўлжалланади. Ким биландир фикрлашиш, кимгадир ниманидирни исботлаш, уларни ишонтириш, улардан илтимос қилиш кабилар гапириш чоғида амалга оширилади. (Мактаб тажрибасида уч-райдиган шипга ёки ерга қараб гапиришни, фақат муаллимгагина ахборот бериш одатини тарк этмоқ лозим.)

Нутқ ҳамиша ситуатив (вазиятга боғлиқ) бўлади. Гапираётганда УНВни акс этиришга интилиш, уни тасаввур этиб, фикр айтиш мактаб ҳаётида қабул қилинган методик анъаналардандир. Вазиятга боғлиқлик оғзаки нутқнинг етакчи хусусиятларидан биридир.

Гапириш объектига ўз муносабатини билдириш, ўз ҳис-туйғуларини ифодалаш яна бир белги ҳисобланади. Нутқ мазмуни гапирувчининг ҳолати, фикр-мулоҳазаси, ҳаётiiй тарзи кабиларга мос тушмоғи лозим.

Хуллас, гапиришда мойиллик (мотивация), тингловчига мўлжалланганлик, вазият (ситуатив) ва ҳис-туйғуни ифодаловчи хусусиятлар намоён бўлади.

Гапиришга қўйиладиган талабларнинг миқдори ва сифат кўрсаткичлари ўқув дастурида келтирилади. Унда ўқувчининг ҳар бир синфда қайси мавзу ва вазиятлар бўйича нечтадан реплика айта олиши кўрсатилади.

Гапириш учун, аввало, муайян шарт-шароит яратилади: 1) гапиришга ундаш мақсадида муаллимнинг мавзу ёки УНВ таклиф этиши; 2) ўқувчининг нимани гапиришига оид ҳаётiiй билимга эга бўлиши; 3) фикрлаш ва фаҳмлашга оид нутқ объектига ўқувчи муносабатини шакллантириш; 4) фикрни изҳор этишдан кўзланадиган мақсадни аниқлаш (унинг ушбу УНВда долзарблиги ҳал қилувчи аҳамиятга молик); 5) фикр ва ҳис-туйғуларни ифодалаш воситасининг шаклланганлиги (нутқ юритишда мавжуд малака ва кўникма иш беради). Ушбу шартларнинг айримлари етарли, бошқалари қониқарсиз бўлиши натижасида гапиришда қийинчиликларга дуч келинади.

Нутқнинг содир бўлиши ўта мураккаб ақлий жараён ҳисобланади. Шунинг учун ҳам нутқ соҳасида турли фанлар (тилшунослик, руҳшунослик, мантиқшунослик, таълимшунослик) да тадқиқотлар олиб борилади (Н. И. Жинкин, В. А. Артемов, Б. В. Беляев, А. Р. Лурья, А. А. Леонтьев, И. А. Зимняя ва бошқалар илмий асарларида нутқ фаолиятининг операция ва амаллари, кўникма ва малакалари ҳамда бошқа кўплаб тушунчалар кенг ёритилган).

Ўқув - методик топшириқлар

1. Жуфтнутқнинг асосий хусусиятларини ўртоқларингиз билан муҳокама қилинг.
2. Якканутқнинг ўзига хос белгиларини таҳлил этинг.
3. Ўқув-нутқий вазият (ЎНВ) ҳақида фикрингизни айтинг.
4. Жуфтнутқ ва якканутқнинг муштарак ва фарқли жиҳатларини гапириб беринг.

3-§. Жуфтнутқ ва якканутқ шаклида гапиришни ўргатиш

Барча нутқ фаолияти турлари, жумладан гапириш машқлар бажариш орқали ўргатилади. Гапириш машқлари системаси кўникма ва малакани шакллантирувчи, ривожлантирувчи ҳамда такомиллаштирувчи омиллар вазифасини ўтайди. Демак, гапириш кўникмасини шакллантириш, уни ривожлантириш ва малака ҳосил қилиб, уни такомиллаштириш зарурияти туғилади.

Дастлабки босқичда, оғзаки нутқнинг илгарилаши шароитида, ёзма (график) матн иштирок этмайдиган машқлар заминида гапириш кўникма ва малакаси ўстирилади. Иккинчи босқичда оғзаки матн (унинг ёзма шакли ҳам бўлиши мумкинлиги)га таяниб, гапириш машқлари ўтказилади. «Оғзаки» дейилишига сабаб, гапириш ҳосиласи хусусида гап бормоқда. Охирги босқичда эса нутқ материали мутлақо янги ЎНВда қўлланади, чунки мураккаброқ нутқий вазифалар пайдо бўлади. Гапириш малака мақомига кўтарилиши сабабли, тил вербал) ёки кўргазмалилик (визуал) таянчларидан энди фойдаланилмайди. Гапиришнинг фақат мазмунига эътибор берилади.

Лекин кўникма ва малака ҳосил қилиш чоғида яна бир ўзгача босқич борки, гапириш бу ерда мулоқот воситаси мавқеини олади, уни нутқий алоқа қилишнинг чинакам даври, дейиш тўғрироқ бўлади (тўртинчи босқич дейилмайди). Олдинги учала босқичда ҳам мулоқот бўлган эди, бироқ бу мулоқот иккинчи даражалидек туюларди, мақсад гапиришнинг уч босқичини ўтиш эди. Ўтилган уч тоифа машқлар эндиликда соф нутқий машқларга ўз ўрнини беради. Мулоқот босқичида ўқиш, тинглаб тушуниш ва ёзувни ҳам алоқа воситаси тарзида

ўргатилади. Нутқ фаолияти турлари яхлит намоён бўлади. (Уч босқичли машқлар бажариш масаласини тил материалини ўргатишга бағишланган VIII—X бобларда кўриб чиқилган эди.)

Чет тилда фикр баён этиш учун репродуктив ёки продуктив нутқ ўргатилиши давомли мунозараларга сабаб бўлган. Мактаб ўқув дастурида репродуктив нутқни ўргатиш тавсия қилинган. Улар ҳақидаги қизғин баҳслар баёнига тўхтаб ўтирмай, уларни методик жиҳатдан қуйидагича таърифлаш ва уларга амалий тавсиялар бериш мумкин: «Репродуктив нутқ» — озми-кўпми мулоқот даражасига етказилган чет тилда фикр баён этиш (ва идрок этиб тушуниш)ни билдиради. Атама номидан аёнки, олдин ўрганилган тил материалини чегараланган мавзуларда қўллаб, ахборот алмашиш тушунилади.

«Продуктив нутқ»ни эгаллаш эса мавжуд тил тажрибасидан фойдаланиб, ижодий нутқ юритиш маъносини англатади. Тил бирликлари ва нутқ мавзулари билан нутқий вазиятлар коммуникант (фикр баён этувчи ва нутқни идрок этиб тушунувчи) томонидан ижод қилинади, ясалади. Нотаниш бирликларни идрок жараёнида таниб ва фаҳмлаб олинади. Хуллас, «продуктив» деганда, яратувчилик, ижодий ёндашиш мезонига кўра иш тугилади.

Юқорида зикр этилган уч босқичли машқлар системаси амалиётда репродуктив нутқни эгаллашга қаратилган. Тилга олинган «чинакам мулоқот» учун мўлжалланган машқлар чет тилда соддароқ продуктив нутқни ўргатиш имконини туғдириши мумкин (чинакам, яъни продуктив нутқни она тилида эгаллаш мақсад қилинади).

Шундай қилиб, мактаб ўқувчилари чет тил ўрганиш мобайнида репродуктив нутқни эгаллашлари режалаштирилган, репродукция доирасида тайёрланган ва тайёрланмаган нутқ ўрганадилар. Бу турдаги тил ўрганиш рецептив нутққа ҳам таллуқли.

Жуфтнутқ ва якканутқнинг амалиётда бирга ўргатилиши кўпроқ тарқалган, бироқ уларни ўргатиш методикаси алоҳида-алоҳида назарий кўриб чиқилади. Иккала шаклдаги нутқнинг хусусий белгилари қиёсланганда, улар ўртасидаги фарқ яққол кўринади¹.

Соҳага алоқадорлик	Жуфтнутқда	Белгилар	Якканутқда
коммуникатив	турли йўналишда	← мақсад	→ бир йўналишда
информацион	алмашиш	← ахборот	→ етказиш
кибернетик	кучли	← алоқа	→ кучсиз
руҳшунослик	муқобил	← нутқий фаоллик	→ йўналган
тилшунослик	қисқартирилган	← услуб	→ тўлиқ
паралингвистик	кўп	← ситуативлик	→ кам
психофизиологик	ўзгарувчан	← вазифа	→ аниқ

¹ Очерки методики обучения устной речи на иностранных языках (Под ред. В. А. Бухбиндера. — Киев: Высшая школа, 1980, 75- бет.

Жуфтнутқни ўргатиш. Ўрта умумий таълим мактабида жуфтнутқнинг қуйидаги турларини ўргатиш тавсия этилади:

1. Ахборот алмашиш мақсадидаги жуфтнутқ.

2. Режа-жуфтнутқ (бирга фаолият кўрсатишни мўлжаллайдиган жуфтнутқ).

3. Мунозара-жуфтнутқ. Фикр баён этиш бўйича жуфтнутқ.

Уларнинг ҳар қайсиси хусусий тил материални тақозо этади ҳамда турли таълим босқичларига тегишли бўлиши мумкин. Ахборот алмашиш жуфтнутқида суҳбатдошлар ашёвий хабарларни бир-бирларига етказадилар. Узаро ёки бир томонлама хабардор қилишга қаратилган бўлиб, бу жуфтнутқ таълимнинг ибтидоий босқичида қўлланади, чунки ундан оддийроқ ёки миқдоран кам тил материали асосида ҳам фойдаланиш мумкин.

Режа-жуфтнутқ эса шаклан мураккаброқ ва мазмунан чуқурроқ бўлгани сабабли, унда феълнинг келаси замонини билиш, буйруқ гаплардан хабардор бўлиш, суҳбатдош фикрини рад эта олиш ва ўзиникини ҳимоя қила билиш кабилар зарур бўлади. У таълимнинг ўрта босқичига мос келади.

Мунозара-жуфтнутқни бажаришда сабаб-оқибат муносабатлари туфайли эргашган қўшма гапни ўзлаштириш ва модалликнинг турли воситаларини қўллай олиш талаб этилади. Фикрни далиллаш, суҳбатдошни ишонтира олиш, танқидий ёндашиш, хатони исботлаш кабилар жуфтнутқни бажариш чоғида зарур бўлади. Сўзловчи диққати нутқ мазмунига тортилади. Нутқ малакалари такомиллашган даражага етказилади. Мунозара-жуфтнутқ юқори синфларда машқ қилинади.

Методикада жуфтнутқни икки йўл билан ўргатилиши маълум: дедуктив (умумийдан хусусийга йўналган) ва индуктив (хусусийдан умумийга).

Дедукцияда жуфтнутқнинг яхлит намунасига суяниб иш кўрилади. Намуна жуфтнутқ birlikлари мажмуи сифатида аввало тинглаб тушунишга берилади, сўнгра у ёд олинади, кейинчалик лексик ўзгаришлар қилиб, қисмма-қисм ишлаб чиқилади ва, ниҳоят, жуфтнутқни ижро этишга киришилади. Мазкур йўналиш тарафдорлари мулоҳазаларига кўра, тилни табиий ҳолда «юқоридан-пастга» (дедуктив тарзда) ўрганишга одатланилган. Бироқ бундай ёндашишда ўқувчи тил материални нутқда мустақил қўллашга ўрганмайди, ғайришуурий равишда ёдлаш ва эркин нутқ юритмаслик кўчасига кириб қолади.

Индуктив усулда жуфтнутқни кичик birlikлардан бошлаб, мустақил фикр юритиш машқ қилинади. Бунда ҳам қолип-намунадан фойдаланиш тақиқланмайди, лекин ёдлаш учун эмас, унга тақлид қилиш мақсад қилиб қўйилади. Нутқий машқларни ишлатиш билан бирга тил материали (мас. типовой ва тайёр жумлалар) ни ҳам ўзлаштиришга эътибор берилади. Шу ниятда жуфтнутқ бирлигини ёдлаш, жумлаларни бириктириб

қўллаш, репликаларда грамматик ва лексик ўзгаришлар қилиш инкор этилмайди.

Жуфтнутқ одатда хабар, савол, гапиришга ундашни ифодаловчи луқмалардан бошланади. Қуйи синфларда савол ва ундаш қулайроқ, ўрта босқичда хабар маъқулроқ. Жуфтнутқ иштирокчиларининг нутқий муомаласи олдиндан бошқарилиши — программага туширилган (*алгоритмик*) ёки бошқарилмаслиги эркин савол-жавоб тарзида (*эвристик*) ўтиши мумкин.

Ситуатив жуфтнутқда асосий эътибор мавзу, мақсад ва ролларга қаратилади. Мавзу ҳақида гапирганда, нутқ предметини (нима гапиришни) танлаш, гапириш нияти ёки мақсади деганда, вазифани тўғри белгилаш ва роллар бўйича эса суҳбатдошларни тўғри топиш англанади. Булар муаллим зиммасига юкланади. Ҳар бир жуфтнутқ иштирокчиси тегишли ролнинг ижрочисидир. Демак, ўқувчи «санъаткор» бўлади, муаллим бирваракай режиссёр, тингловчи ва суфлёр (йўриқчи) лик вазифасини ўтайди.

Нутқ кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш чоғида қўлланадиган жуфтнутқ тайёрлов машқларидан ташқари уни махсус нутқий машқлар орқали ўргатиш тавсия этилади. Жуфтнутқни ўргатиш қатор малакаларни сингдиришни тақозо этади: ўзининг нутқий вазифасини аниқ билиш; суҳбатнинг боришини режалаштириб олиш; мулоқот давомида нутқ режасида қисман ўзгаришлар қилиш; суҳбатдошидан гапириш ташаббусини қўлга ола билиш; шеригига ўз вазифасини бажариш учун имкон туғдириш; нутқий вазиятга қараб, суҳбатдоши фикрига мувофиқ муносабат билдириш; суҳбатдошни нутқ муомаласига тортиш кабилар.

Мазкур жуфтнутқ малакалари ўқувчиларда ривожлантирилса, улар фикр алмашишга қодир бўладилар.

Жуфтнутқнинг кенгайтирилган шакли гуруҳнутқ (иккидан ортиқ ўқувчи) иштирокида ижро этилади.

Чет тилда жуфт ёки гуруҳ-гуруҳ бўлиб гаплашиш рағбатлантирувчи омиллар кўмагида ташкил этилади. Бундай омиллар таркибига кўргазмалилик, тингланган ёки ўқилган матн, диафильм (кинофильм ёки парча), слайдлар ва, албатта, вербал (сўз билан ифодаланган) нутқ вазияти киради. Булар гапиришни бошлашда, айниқса муҳимдир.

Хуллас, жуфтнутқни ўргатишнинг **рецептив, репродуктив** ва **конструктив** босқичлари маълум (Г. В. Рогова). Биринчисида ўқувчи диктор/муаллим нутқини тинглайди (ўқийди) ва тушуниб олади. Репродуктив босқичда тинглаганига/ўқиганига тақлид қилиб ўзи айтади, матнни уйда ёд олиши мумкин, айрим жойини ўзгартириб айтади. Конструктив паллада УНВдан атрофлича фойдаланиб, ўқувчилар мустақил суҳбат қурадилар.

Якканутқни ўргатиш. Фикрни баён этишда алоҳида сўздан тортиб, то матнгача бўлган нутқий материалдан фойдаланилади. (Мас. «Исминг нима?» деганда, алоҳида айтилган сўз (исм) жавоб репликасидир.) Муаллим олдида турадиган энг му-

ҳим ишлардан бири, мактабда кўп учрайдиган ҳодиса — ўқувчиларнинг мазмунсиз жумлалар йиғиндисини баҳога «алмаштирилиш»ни бартараф этишдир.

Жуфтнутқ ситуатив ҳисобланса, якканутқ мавзу юзасидан гапириш, демакдир.

Мавзу бўйича якканутқни ўргатиш қатор босқичлардан ўтади: шахсий ҳаёт (шунингдек, тил) тажрибасини ишга солиш; фикр мулоҳазаларини изчил баён қилиш; айтилаётган ахборотни яхлит ҳолда келтириш; ўз муносабатини билдириш.

Тил тажрибасини ишга солганда, ўқувчи унинг нутқий, лисоний ва лингвистик тарафларидан зарурларини қўллашга интилади. Демак, фикр изҳор қилиш учун тил бирликлари ва уларни нутқ амалига киритиш мавҳумотлари сафарбар этилади. Биринчи босқичда шакллантирувчи машқлар бажарилади.

Иккинчи босқичда ривожлантирувчи машқлар қўл келади. Ҳаётдан ҳикоя қилиш, турмушга оид мулоҳазаларни айтиб бериш ва уларни кетма-кет гапириш машқлари бажарилади. Ривожлантирувчи машқлар нутқий кўникмалардан малакага ўтиш «кўприги» ҳисобланади. Тажрибани ишга солишга нисбатан бунда нутқ мазмуни бирмунча чуқурроқ ифодаланади.

Якканутқ юритишнинг навбатдаги босқичида мавжуд ахборотлар яхлитлик (интеграция) ҳолатига келтирилади. Гапириш чоғида кўпроқ мустақиллик пайдо бўлади, ўқувчи ўқиган ва тинглаган нутқидан бой фактларни жалб этади. Янги малакага эришиш палласидир бу.

Мавзу доирасида гапиришнинг юқори босқичига кўтарилгач, баён этилмиш соҳа бўйича фактлар, ҳодисалар ҳақида шахсий муносабат билдириш, танқидий баҳо бериш кабилар машқ қилинади. Нутқ малакасининг такомиллашувига эришиш палласига дуч келинади. Бу даврда гапиришнинг ахборот элтмайдиган оралик жумлалари (ёки иборалари)дан кенг фойдаланилади (мас. чет тилда «менимча», «ҳамма биледи», «шубҳа йўқ», «ишонаман» кабилар).

Куйидаги аниқ босқичларни келтириш билан якканутқни ўргатишни яққол намоён этиш мумкин (Г. В. Рогова):

1. Муаллим ёрдамида: 1) нутқ намунасини қўллаш; 2) уни ўзгартириб айтиш: а) ички лексик алмаштириш; б) кенгайтириш; в) трансформация (шаклини ўзгартириш) ва г) тугаллаш (тўлдириш); 3) мустақил қўллаш.

2. Муаллим йўлланмасига кўра ўқувчи фикр билдиради.

3. Ўқувчи вербал ва визуал нутқ таянчларига суяниб муаллим иштирокисиз мустақил фикр баён қилади.

Гапириш натижасида ўқувчилар оғзаки боғланма матн ҳосил қиладилар, яъни мавзу юзасидан тугал фикр баёни рўёбга чиқади.

Ўқув-методик топшириқлар

1. Гапириш кўникма ва малакаларини шакллантириш, ривожлантириш ва такомиллаштириш тўғрисида фикр баён этинг.

2. «Продуктив», «репродуктив», «рецептив нутқ» атамаларини тушунтириб беринг.

3. Жадвалдан фойдаланиб (212-бет), жуфтнутқ ва якканутқ белгиларини қиёсий таҳлил қилинг.

4. Жуфтнутқ ва якканутқни ўргатиш босқичларини таърифланг.

4-§. Гапиришни ўргатиш машқлари

Ҳар қандай фаолиятни ўргатиш пайтида машқ марказий ўринни эгаллайди. Нутқ малакаларини ўзлаштириш деганда, кичик ҳажмли содда бирликлардан (сўз, сўз бирикмаси, гапдан) бошланиб, йирик миқёсдаги мураккаб матнгача бўлган нутқ ҳодисаларини ўз ичига олган машқ бажариш жараёни тушунилади. Буларнинг ҳаммаси оқибат натижада машқлар мажмуини ташкил этади. Тайёрлов ва нутқ машқлари гапириш кўникма ва малақасини шакллантириш, ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифаларини ўтайди. **Одатда**, улар ўқув машқлари номи билан юритилади.

Тайёрлов деганда, гапиришнинг лексик, грамматик, талаффуз кўникмаларига дахлдор машқлар бобида сўз боради. Уларда тил ҳодисаларининг шаклий (формал), маъновий (семантик), қўлланилиш (функционал) қийинчиликларини олдини олишга, содир бўладиган хатоларни тўғрилашга ҳаракат қилинади.

Нутқий машқларда эса тайёрланмаган ва тайёрланган нутқ (гапириш) содир этилади. Ўқув материални нутқ оқимида қўллаш юзасидан иш олиб борилади.

Тайёрлов ёки нутқий машқларнинг ўрни ўзлаштирилаётган ўқув материали хусусияти билан белгиланади. Қийин ҳодиса кўп миқдорда машқ қилишга гирифтордир. Осон бирликнинг тақдимотда берилиши унинг нутқдаги тақдирини ҳал қилади, яъни унга кам вақт ва оз куч сарфланади. Иккала тоифадаги машқлар методик адабиётда етарлича ёритилган¹. Улардаги айрим атамалар номлари бир-бирдан тубдан фарқ қилса-да, умумий илмий-амалий йўналишда муштараклик ҳукм суради.

Жуфтнутқ ва якканутқ мактаб шароитида қуйидаги изчилликда ўргатилади:

Тайёрлов машқлари: 1. Тақлид қилиш (материал ўзгартирилмайди ёки қисман ўзгариш юз беради). 2. Мантиқий операциялар алмаштириш, қайта тақсимлаш ва шаклини ўзгартириб айтишларни қўллаш. 3. Жумлани тақлидан ёки мустақил тузиш. 4. Жумла тузиш ва жумлаларни гуруҳлаб айтиш.

Нутқий машқлар. *Тайёрланган* гапириш малакаларини ўстиришга мўлжалланган машқлар: а) таянч сўз, гапириш режаси, сарлавҳа кабиларга суяниб, фикрни ўзгартириб ва тўлдириб

¹ Методика обучения иностранным языкам в средней школе: Учебник / Гез Н. И., Ляховицкий М. В., Миролюбов А. А. и др. — М.: Высшая школа, 1982, 257—264-бетлар ва бошқа адабиётлар.

баён этиш; б) ахборот манбалари (расм, кино ва диафильм, матн кабилар)дан фойдаланиб, фикр изҳор этиш; в) ўрганилган мавзуга асосланиб фикр айтиш.

Тайёрланмаган нутқни ўргатиш машқлари: а) она тилидаги ҳикоя, расм, овозсиз фильм каби ахборот асосларига таяниб гапириш; б) олдин кўрган ёки ўқиган, ўйлаган, хаёлидан ўтказган фикр-мулоҳазалардан таркиб топган ҳаёт тажрибасидан келиб чиқиб гапириш.

Тайёрланмаган ва тайёрланган нутқий машқлардан намуналар берилади.

Тайёрланган жуфтнутқ машқларига қуйидагилар киради: саволларга жавоб қайтариш (қисқа, тўлиқ, муфассал жавоблар бериш), турли саволлар бериш (мавзу ёки УНВ доирасида); якканутқ шаклидаги матни тинглаб ёки ўқиб жуфтнутққа айлантриш; мавзу бўйича жуфтнутқ тузиш; якканутқ матни ролларга кириб айтиш; ҳикоя (ўқув фильми, диафильмлар) мазмунига биноан янги жуфтнутқ тузиш.

Тайёрланган якканутқ машқларидан намуналар: баён этилган фикрни қисман ўзгартиш билан гапириб бериш (бошланиши/охирини ўзгартириш, ҳикояга янги иштирокчини жалб этиш, ҳикоя тузилишини ўзгартириб айтиш); УНВни тасвирлаш ёки ҳикоя тузиш (таянч сўз ёрдамида, режага қараб, она тилида айтилган мавзу чет тилда ҳам баён этилади); расм ёки расмлар мажмуини тасвирлаб бериш (карикатуралар, овозсиз фильм ёки диафильм ҳам шунга тегишли); айтилган сўз ва жумлалар қўлланадиган УНВга оид фикр баён этиш; сарлавҳа (тили ўрганилаётган мамлакатга хос нарса ёки ҳодисани — реалий)ни чет тилда тушунтриш; тингланган ҳикоя/радиоэшиттриш, маъруза, нутқнинг мавзусини аниқлаш ва мухтасар тушунтриш; ахборотни мазмунан ажралиб турадиган қисмларга бўлиш ва уларни номлаш; матн мазмуини қисқача ва ўз сўзи билан гапириб бериш; тингланган ахборот ёки ўқилган ҳикояни бир нечта жумлада қисқартиб гапириш; тингланган ҳикоя режасини тузиш; жуфтнутқни якканутқ шаклида айтиб бериш ва ҳ.к.з.

Тайёрланмаган жуфтнутқ машқлари: саволларга асосли жавоблар қайтариш; бошқа ўқувчилар ҳам аралашиб турадиган жуфтнутқ яратиш; таянчларга суяниб ёки уларга суянмасдан олдиндан тайёрланмаган жуфтнутқ яратиш; савол-жавоб ўйини (викторина) ўтказиш; мунозара ва тортишув (диспут) шаклида жуфтнутқ ўтказиш.

Тайёрланмаган якканутқ машқлари: ҳикояга сарлавҳа қўйиш ва уни асослаш; ўрганилган мавзуга дахлсиз нотаниш расмларни тасвирлаш; тингланган ёки ўқилган мавзуга ўхшаш ҳикоя тузиш; келтирилган далилларга ўз муносабатини билдириш; ҳикоянинг энг муҳим жойини аниқлаш ва асослаш; ҳикоя қаҳрамонлари (улар яшаган жой, уларнинг замони)ни таърифлаш; тингланган ёки ўқилган матн мазмунига баҳо бериш; мухтасар эълонлар матнини айтиш ва ҳ.к.з.

Тайёрланмаган гапириш машқларининг тайёрланганлардан ижобий фарқи шундаки, биринчидан, уларда нутқий эҳтиёжни қондиришга муъжалланган янги ахборот мавжуд ва, иккинчидан, ахборот алмашиш, мустақил фикр баён этиш, муносабат билдириш, баҳолаш, изоҳлаш сингари иш турлари ниҳоятда қизиқарлидир.

Гапириш жараёнида йўл қўйиладиган хатоларни назорат қилиш (муаллим томонидан) ва ўз-ўзини текширишнинг нутқ малакаларини эгаллашда аҳамияти катта. Нутқий машқларни бажариш чоғида хатони тўғрилаб туриш маъқул эмас, бу иш фикр баён этиб бўлингандан сўнг қилинади. (XV боб нутқ кўникма ва малакаларини текширишга бағишланади.)

Мактаб дарсликларидида жуфтнутқ ва якканутқ машқлари системаси ишлаб чиқилган. Машқларнинг берилиш тартиби ва миқдори муайян синф ўқувчиларининг чет тилда ҳосил қилинган кўникма ва малакалари савиясига қараб фарқланади.

Ўқув-методик топшириқлар

1. Умуман «машқ» атамаси билан истифода қилинадиган таълимшунослик тушунчаси ҳақида фикрингизни айтинг.
2. Якканутқ ва жуфтнутқ машқлари орасидаги умумий ва фарқли томонларни таҳлил этинг.
3. Тайёрланган ва тайёрланмаган машқларга мисоллар келтиринг.
4. Мактаб ҳаётида қўлланадиган (ёки дарсликка кирган) гапириш машқларидан бир нечтасини бажаринг.

XIII боб. УҚИШНИ УРГАТИШ

Уқиш нутқ фаолиятининг тури ва малака сифатида

Чет тилда ўқишни ўрганиш ўрта мактаб ўқувчилари учун якуний амалий мақсад ҳисобланади. «Уқиш» тушунчаси мазкур соҳага оид илмий-методик таърифга муҳтож.

Муаллимлар орасида тарқалган «ўқиш» атамасининг биринчи муҳим талқинига эътибор беринг: *Уқиш деганда, ҳарфий белгиларда ифодаланган нутқий ахборотни идрок этиш ва унинг мазмунини пайқаш жараёни тушунилади.*¹ Худди шунга монанд таърифни чет тил ўқитиш руҳшунослигида ҳам учратиш мумкин.² Ахборот ёзма (график) кодлар орқали ифодаланганда,³ уни ўқиб тушунилади.

Умуман «ўқиш» тушунчасини таълимшунослар кенгроқ

¹ Очерки методики обучения чтению на иностранных языках // Под ред. И. М. Бермана и В. А. Бухбиндера. — Киев: Вища школа, 1977, 11-бет.

² З. И. Клычникова. Психологические особенности обучения чтению на иностранном языке. 2-е изд. — М.: Просвещение, 1983, 6-бет.

³ Код — шартли белгиланган системадир: З. И. Клычникова. Кўрсатилган асар, 6-бет.

маънода ҳам баён этадилар: «график коддаги ахборотни ундан бутунлай фарқ қиладиган кодга (яъни товуш кодига — Ж.Ж.) ўтказиш жараёнидир».¹ Ушбу илмий изоҳга ҳаётда учрайдиган ўқиш турларининг барчаси киради (иероглифларни ўқиш, пиктограммаларни ўқиш, чизмаларни ўқиш, ўлчов асбоблари (кўрсатув)ни ўқиш, формулаларни ўқиш, ноталарни ўқиш ва ҳ.к.з).

Чет тил ўқитиш методикаси манфаатини кўзлаб, биринчидан, ҳарфий матндаги код алмашилиши (ҳарфнинг товушга ўтиши), иккинчидан, одам бажарадиган тилга оид амал ва, учинчидан, мулоқот натижасини етказиш тарзидаги уч томонлама жараён ўқиш дейилади. Биринчиси ёзма матнни идрок қилиш, иккинчиси матндаги тил материали «маъзини чақиш» ва учинчиси ўқиётган шахс руҳий ҳолатида кечадиган ўзгариш (тушуниш) билан боғлиқ ҳодисаларни акс эттиради.

Методика фанидаги «ўқиш» тушунчасининг таҳлили матн устида олиб бориладиган ишларни белгиловчи омил бўлиб хизмат қилади.

Ўзбек тилида «ўқиш (ва ўқимоқ)» сўзи ва ундан ясаладиган бошқа атама ҳамда ноатама сўзларнинг луғавий маъносини очишга тўғри келади (чунки улар истифодада аралаш-қуралаш бўлиб кетган):

ўқимоқ — ёзилганни ташқи ёки ички нутқда айтиб бермоқ; ҳарфни/сўзни/гапни/матнни ўқимоқ.

ўқилмоқ — (ўқимоқ феълининг мажҳул нисбати): инглизча «е» ҳарфи реп сўзида [e] ўқилади.

ўқиш — 1. Ёзилганни айтиш (ўқиш техникаси). 2. Матнни идрок қилиб, мазмунини англаш (нутқ фаолияти тури).

ўқилиш: ҳарф ёки сўзнинг ўқилиши (ҳарф-товуш муносабати).

ўқилиш қоидаси — ҳарф-товуш муносабатига оид мавҳумот: инглизча «е» ҳарфи ёпиқ бўғинда [e] ўқилади.

Ажратиб кўрсатилган атамалар ва улар ифодалаган тушунчалар чет тил ўргатиш методикасида маъқул топилган.

Эслатма: «Ўқиш (ўқимоқ)» ўзагига маъно жиҳатидан яқин турадиган (ўқиш қоидаси — китобни ўқиганда уни кўздан маълум масофада ушлаш ёки матнни қисмларга ажратмасдан яхлитлигича ўқиб чиқиш; ўқиган — саводли/ўқимишли; ўқитиш — таълим бериш; ўқиш — таълим олиш; ўқиш — ёддан айтиш; ўқиш — дуо қилиш каби) кўп сонли сўз ва бирикмалар ўқишни нутқ фаолияти тури сифатида ўргатишга дахлдор эмас. Ўқишни ўргатиш руҳшунослиги ва методикаси масалалари алоҳида илмий тадқиқотларда (И. М. Берман, З. И. Қличникова, С. К. Фоломкина) ва махсус қўлланмаларда атрофлича ёритилган.

Ўқувчиларга мазмун (матн нима ҳақидалиги) ва жараён (ичда ёки товуш чиқариб ўқиш) ўргатилади. *Мазмунни (ахбо-*

¹ Очерки методики обучения чтению ..., 10-бет.

ротни) ёзма матндан олишга қаратилган нутқ фаолиятининг тури ўқиш демакдир.

Матндаги ахборотни ўзлаштириш ичда (овоз чиқармай) ўқиш орқали ва ахборотни ўзгаларга етказиш овоз чиқариб ўқиш йўли билан амалга оширилади. Овоз чиқармай ўқиганда ҳам ичда гапириш (ички нутқ) содир бўлади.

Ҳозирги даврда ўқиш, худди овқатланиш, уйқу, иш сингари фаолият, яъни маънавий озуқа олиш воситаси бўлиб қолди. Илмий-техника ва бошқа ахборотлар асосан ўқиш орқали ўзлаштирилади. Уқувчи чет тилдаги дарслик матнлари, ўқиш китоби, матбуот хабарларини ўқиб, тили ўрганилаётган мамлакат ҳаёти, маданияти, тарихи, адабиёти кабилар билан яқиндан танишади. Ўқишнинг шахс тарбиясидаги аҳамияти катта. Халқимиз одобли, билимдон, зиёли кишиларга ҳавас билан «ўқиган» деб баҳо бериши бежиз эмас, албатта.

Чет тилда ўқиш муаммолари жаҳон методикасида, хусусан рус мутахассислари томонида синчковлик билан тадқиқ этилган¹. Мавжуд илмий мулоҳазаларга суяниб, ушбу бобда ўқиш масаласининг долзарб мавзулари ёритилади.

Ўқилган матн ахборотини ўзлаштириб олиш учун ўқиш малакасига эга бўлиш керак. Малака, маълумки, шаклланган кўникмалар асосида ривожланади. Ўқиш малакаси таркибига қуйидаги кўникмалар киради: 1) нутқ бирлиги кўрув тимсолининг унинг эшитиш-нутқҳаракат тимсоли билан алоқага кириши кўникмаси (нутқ бирлиги: сўз ва сўз бирикмаси, жумла, ҳатто абзац бўлиши мумкин). Ушбу кўникмалар йиғиндиси ўқиш техникасини (товуш-ҳарф муносабатини) ташкил этади ва перцептив кўникма (идрок) деб аталади. Олдин айтиб ўрганилган тил материали ёзувда кўриниши билан муносабатга киради, яъни оғзаки ўзлаштирилган ҳодиса энди ёзма ўрганилади; 2) нутқ бирлигининг товуш-нутқҳаракат тимсоли ва унинг маъноси боғланиши кўникмаси. Бу кўникма ўз навбатида икки тоифада намоён бўлади: сўз ёки сўз бирикмаси товуш тимсолининг унинг маъноси билан боғланиши (ўқишнинг лексик кўникмаси) ва грамматик шаклнинг маъно билан боғланиши (ўқишнинг грамматик кўникмаси). Иккала кичик кўникма яхлит амал қилади. Ўқиш техникасини билмаган киши ўқиган нарсасининг мазмунини тушунмайди, шунингдек, ўқилиш қоидасини билиши ҳам ҳали маънони тушуниб етди, деган гап эмас.

Хуллас, ўқиш малакаси уч «қиррали» фаолият бўлиб, нутқ бирлигининг кўрув тимсоли, унинг нутқҳаракат тимсоли ва маъносидан ташкил топади. Уччасини эгаллаб олиш ўқиш малакаси ҳосил қилинганидан далолат беради. Матннинг маз-

¹ С. К. Фоломкина: 1) Методика обучения чтению на английском языке в средней школе. Докторская дисс. — М., 1974; 2) Обучение чтению (текст лекций по курсу «Методика преподавания иностранных языков»). — М.: МГПИИЯ, 1980 ва бошқалар.

муни малака туфайли фаҳмланади. Бинобарин, ўқиш малакаси якуний амалий мақсад қилиб қўйилади.

Ўқишни фаолият деб қаралганда, унинг таркиби мотив (ундовчи сабаб) тарзида мулоқот юритиш, мақсад сифатида ахборот олиш, шарт-шароит ҳолида тилнинг график системасини билиш ҳамда ахборот олиш усулларини эгаллаш, ва, ниҳоят, натижа (оқибат) мақомида ўқилганни тушуниб етиш кабилардан иборат. Мотив, мақсад, шарт-шароит ва натижа тўртталаси ўқишнинг узвий боғлиқ томонларини ташкил этади.

Ўқиш чоғида маъно билдирадиган энг кичик график бирлик бўлмиш сўз идрок бирлиги деб шартли қабул этилган. Ўқишга киришаётган шахс муайян сўз бойлигини ўзлаштириши зарур. Ўқишда тушуниладиган сўзлар икки тоифада бўлади: реал-пассив ва потенциал лугат. Пассив лугат деганда, кўрув-эшитиш-ҳаракат тимсоллари узоқ муддатли хотирада сақланганлиги, яъни ўқувчи тил тажрибасида мавжудлиги сабабли ўқиш пайтида таниб олиш мумкин бўлган сўзлар англанади. Потенциал лугат эса илгари нутқда сира қўлланмаган, лекин ўқиганда маъноси ахборотномалар ёрдамисиз очиладиган сўзлардан иборатдир. Ушбу лугат маъноси контекст ёрдамида, морфемаларни (сўз ясовчи элементларни) билиш туфайли ёки она тили билан бир ўзакли сўзлар бўлганидан фаҳмлаб олиниши мумкин. Лингвостатистика маълумотларига кўра ясама сўзлар ва бир ўзакли сўзлар барча мустақил маъноли сўзларнинг учдан бир қисмини ташкил этади (С. Қ. Фоломкина бунни батафсил ўрганган).

1-§. Ўқишнинг психофизиологик механизмлари

Рецептив нутқ фаолияти ҳисобланмиш ўқишни ўргатишдаги таълимий вазифалардан бири унинг психофизиологик механизмларини¹ шакллантиришдир. Тинглашга оид фикр-мулоҳазалар ўқишга ҳам маълум даражада тааллуқли, чунки иккаласи ҳам рецепциядир (тинглаб ва ўқиб тушунувчини реципиент деб аталади). Шуниси борки, бир хил механизм тинглаш ва ўқишда фарқли қўлланади, чунки нутқ кўриш (график текст) ёки эшитиш (аудиотекст) орқали идрок этилади.

Антиципация (олдиндан фаҳмлаш) механизми ўқишда энг муҳими саналади. Структурани олдиндан фаҳмлаш ҳақида сўз юритиляпти (ҳозир гап мазмунни фаҳмлаш борасида бораётгани йўқ). Ушбу механизм атайлаб ривожлантирилади.

Ўқишда амал қилинадиган **тахминий фаҳмлаш** механизми ҳам катта ўрин тутади. Чунки хотирада яхши сақланмаган ёки илк дафъа учраётган (потенциал) лугатнинг маъносини «ча-

¹ «Механизм» атамаси «тилга оид ақлий операция ва амаллар йиғиндиси» деб тушунилади. Қаранг: Очерки методики обучения чтению ..., 23-бет. Зикр этилаётган механизмлар ҳақидаги илмий фикрлар Е. И. Пассов томонидан баён этилган. Қаранг: Основы коммуникативной методики ..., 197—199-бетлар.

қиш»га тўғри келади. Бу хусусиятни муаллим тегишли машқларда шакллантиради. Ўқувчининг фаол ақлий ҳаракати тахминан фаҳмлаш учун зарурий шартлардан ҳисобланади.

Навбатдаги механизмлардан бири **манتيқий тушуниш** деб аталади. Кўрув тимсолига таяниб маттни маъновий бўлакларга шартли ажратиш ва уларнинг мазмунини илғаб олиш талаб қилинади.

Таълимнинг илк босқичида овоз чиқариб ўқишга эътибор берилади. Ички нутқни шакллантиришда унинг аҳамияти чексиз. Бунда кўрув ва нутқҳаракат тимсоллари боғланиш ҳосил қилади. Шундай қилиб, нутққўриш анализатори амал қила бошлайди. Аста-секин нутқий ҳаракатлар қисқариб боради, яъни маттни идрок қилиш ва тушуниш жараёнининг *интериоризациясига* (ташқи ҳаракатларнинг ички ҳаракатларга айланишига) эришилади. Овоз чиқармай ўқиганда, **ички нутқий эшитув** механизми ишлайди. Ўқиётганда гўё ичда эшитаётгандай бўламиз. Тез ўқиганда эса ушбу «ичда эшителиётган» сўзлар таянч лексик бирликлар, яъни маъно билдиришда улар етакчи сўзлардир.

Ўқиш фаол кечадиган анализ-синтез жараёнидир. Янги бирикмалардаги кўрув комплексларига (идрок бирлиги ва уларнинг бирикмаларига) дуч келган чоғда идрок этиш, солиштириш ва таниб олиш натижасида ахборот олиш мумкин бўлади. Буларнинг барчаси ўқиш малакасини ўстиришга хизмат қиладиган хатти-ҳаракатлардир.

Ўқув - методик топшириқлар

1. Тинглаб тушунишнинг психофизиологик механизмларини яна бир карра эсланг.
2. Ўқишнинг психофизиологик механизмлари номларини айтинг ва уларни қисқача таҳлил қилинг.

2-§. Ўқишни нутқ фаолияти тури сифатида ўргатиш

Маттни ўқиш методикаси фанда мукамал ишланганлигига қарамай, амалда кўп тушунмовчиликларга йўл қўйилишини биламиз. Ўқишнинг мазмуний ва техникавий томонлари мавжуд. Ушбу параграфда ўқиш-ахборот олиш мақомида таҳлил қилинади. (Ўқишнинг техникавий томони кейинги параграфда баён этилади.)

Қатор методик хатолар ўқишни ўргатиш бўйича самарали натижаларга эришишга имкон бермаяпти. Қуйида хато ва тўғри ишларнинг таърифи ёнма-ён келтирилмоқда: 1) маттни бошдан-оёқ она тилига таржима қилиш/таржима қилмаслик; 2) бирор маттни сабаб-бесабаб такроран ўқиш/такрор ўқимаслик; 3) маттни доимо овоз чиқариб ўқиш/овоз чиқармай ўқиш; 4) маттни тушуниш учун лексик-грамматик таҳлил қилиш/таҳлил қилмаслик; 5) нотаниш сўз маъносини тахминан

фаҳмлаб олиш механизмини шакллантирувчи машқларни кам бажариш/машқларни етарли бажариш; 6) яхлит матнни ахборот олиш мақсадида ўқилганда қисмларга ажратиб/ажратмай ўқиш; 7) матн олди ва матндан кейин бажариладиган машқларга нисбатан бевосита матнни ўқиш машқларини кам/етарли бажариш; 8) матнни ўқиганда ўқувчилар дуч келадиган қийинчиликларни олдиндан бартараф этмаслик/қийинчиликнинг олдини олиш ва ҳ.к.з.

Эътироф этилган ва яна бошқа мавжуд методик чалкашликлар мактаб шароитида ўқишни ўргатиш ишига ташкилангов бўлиб турган хато ва қийинчиликлардир. Кўрсатилган саккизта хато таркибиди чизиқ кетидан берилган огоҳлантирувчи методик тавсияларни қисқача изоҳлаб ўтамиз:

(1) мабодо матнни бошидан охиригача ўқувчи таржима қилса, унда чет тилда матн беришдан нима фойда, ўқиш ўрнига ўқувчилар таржима кутишади. Матннинг айрим мураккаб ўринларини (жумла, жумлалар бирикмасини) таржима қилиш бошқа гап.

Қоида: Чет тилда ҳеч бир матн тўлиғича она тилига оғзаки таржима қилинмайди. Она тилига ёзма таржима қилиш учун кичик ҳажмдаги матнлар берилганда, ўқувчиларга луғат устида ишлашни ўргатиш кўзда тутилади.

(2) Матнни такрор ўқиш хусусида аниқ методик фикр айтиш мумкин: икки-уч марта ўқилганда алоҳида-алоҳида ўқув топшириғи бериб борилади.

Қоида: Чет тилдаги матн бир марта ўқилади (кейинги ўқишлар тегишли бошқа топшириқларни бажариш учун такрорланади).

(3) Матнни овоз чиқариб ўқиш таълимнинг дастлабки поғонасида кўп бажариладиган ўқиш техникасини машқ қилишга қаратилган ўқув амалидир. Ахборот олиш ниятида матн, асосан овоз чиқармай ичда ўқилади.

Қоида: Матндан ичда ўқиш орқали ахборот олинади (овоз чиқариб ўқиш ахборот етказиш ва ўқиш техникасини ўргатишга хизмат қилади).

(4) Матн таҳлилига кўп тўхталишга ҳожат йўқ, чунки бундай ўқув-методик тадбирнинг ўзи амалиётда учрамаслиги керак. Таҳлилталаб тил ҳодисасини матнгача бўлган даврда ўргатиш тавсия этилади. Матнда нотаниш сўз учраши мумкин, унда сўзни мустақил ёки луғат ёрдамида ўрганишга тўғри келади.

Қоида: Матнни ўқиш чоғида нотаниш сўзнинг маъносини очиш таҳлил «учқуни» сифатида учраб туради (матн интерпретацияси (шарҳланиши) мактаб амалиётига киритилмайди).

(5) Тахминий фаҳмлаш муайян куч ва вақт талаб этадиган, махсус машқлар бажариш билан ўрганиладиган ишдир. Нотаниш лексик бирликнинг маъносини очишда ушбу механизм хусусияти инobatга олинади.

Қоида: Нотаниш сўз маъносини бевосита тахминан фаҳмлаб олинади.

(6) Матн мазмуни матнни бир йўла бошидан охиригача ўқиш давомида ўзлаштирилади. Тилшуносликда матнни турли қисмларга ажратиб тадқиқ қилинади. Мазмунни тушунишда матн ҳажмидан қатъи назар (кичикми ё каттами) берилган саволларга жавоб ахтаради. Демак, тўлиқ ўқиш талаб этилади.

Қоида: Матнни ўқувчи бўлақларга ажратмай тўлиқ ўқиб чиқади (одатда матнни тушунганликни текшириб кўриш учун уни бир неча қисмга ажратиб ўқиш мумкин).

(7) Матн устида ишлаш уч босқичли бўлиб, матндан олдинги, матнни ўқиш даврида ва ўқигандан кейин матнни тушунганликни назорат қилиш учун машқлар бажарилади. Ҳар бирининг ўз ўрни ва вазифаси бор (ушбу параграфнинг «Ўқиш материали» мавзусида бу масала муфассал ёритилади).

Қоида: Матн ўқишдан олдин ва кейин бажариладиган машқлардан кўра уни ўқишга кўпроқ аҳамият берилади. Уйда ва синфда матн ўқилиши юқори босқичда асосий иш саналади.

(8) Ўқишга мўлжалланган матннинг уч тоифадаги қийинчилигини олдини олиш машқлари ўтказилади. Биринчи қийинчилик ўқилиш қоидаларини эгаллашга тааллуқли, иккинчиси тил бирликларининг ишлатилишига доир, учинчиси мазмунни фаҳмлаш юзасидан келиб чиқадиган қийинчилик. Матндаги ўқилиш қоидаларини олдиндан машқ қилдириш муаллимнинг кундалик вазифасидир. (3-§га қаранг.) Тил материалининг таниш/нотанишлиги матн олди оғзаки машқларда аниқланади. Ўтилган лексик-грамматик ҳодисалар матнгача мустаҳкамланади, бўшроқ ўрганилганлари такрорланади. Баъзи янги сўзлар потенциал луғат мақомида берилса, унинг маъносини мустақил фаҳмлашга ўргатилади. Айрим сўзлар маънолари луғат ёрдамида ўрганилади. Хуллас, ўқиш жараёнида асосий диққат ахборот олишга қаратилади, йўл-йўлакай потенциал луғат маъноси ҳам илғаб борилади.

Қоида: Ахборот олишдаги қийинчилик матнни ўқиш пайтида бартараф этилади. Ўқиш техникаси ва тил материали мураккаблиги ўқишгача бажариладиган машқларда ҳисобга олинади.

Матн мазмунини тушуниб олиш заковатталаб иш бўлиб, малака ёрдамида юзага келадиган маъновий синтездир (яъни тил бирликлари маъноларининг бирлашиб ахборотга айланиши ҳодисасидир).

Ўқишни ўргатиш принциплари. Юқорида (V бобда) дидактик, психологик, методик принциплар ўрганилган эди. Улардан ташқари ўқишни ўргатишнинг хусусий принциплари ҳам илмий ишлаб чиқилган (Бу принциплар С. К. Фоломкина тадқиқотларида ўз аксини топган). Ушбу принциплар ўқишнинг ўзига хос нутқ фаолияти тури ҳамда чет тил таълимидан кўзла-

надиган мақсадлигини акс эттиради. Уқишни ўргатишда қуйидаги принципларга риоя қилиш тавсия этилади:

1. Уқишни ўргатиш — нутқ фаолияти турини ўргатиш деб қаралмоғи лозим. Ушбу қонидани инобатга олиб иш юритилганда, ўқувчиларга ўқиш ҳақида тўғри йўлланма берилади. Тажрибада кузатиладиган методик хатолардан бўлмиш тил материалини ўзлаштириш ёки матнга яқин гапириб беришни ягона ўқув вазифаси қилмасдан, матнни фаолиятда қўллаш материалга айлантириш олдинги ўринга чиқарилиши тавсия этилади. Уқувчиларга матнни ўқиб ахборот олишни машқ қилдириш—бирламчи якуний мақсад амалда татбиқ этилиши керак. Бунга нутқий амалларни бажариш билангина эришилади, бу жараёнда муайян натижага эришиш (мазмунни билиб олиш, ахборотни эгаллаш) кўзда тутилади. Матнни ўқиш маънавий бойишга, янги-янги ахборотларни олишга қаратилган ўқув-методик тадбирдир.

Ўқув жараёнида ўқиганини тушуниш бошқариладиган юмушдир: ўқиш олдидан топшириқ берилиши шарт ва ўқиб бўлгандан сўнг тегишли методик усулларни қўлланиб, тушунганлик текширилади. Тўлиқ ва аниқ тушунганлик ўқувчилар томонидан вазифани муваффақиятли бажариш ҳисобланади. Хуллас, ушбу принципга кўра ўқишнинг моҳияти — ўқувчига ахборот етказиш қондалаштириб қўйилади.

2. Уқишни ўргатиш билиш жараёни сифатида ташкил этилади. Фақат амалий фаолият кўрсатиш билан чегараланмасдан, матн ўқувчи билишга, янги маълумот ўрганишга ҳам ҳаракат қилади. Ахборот олиш — билиш фаолиятини юритишдир. Бу ерда билиш ва нутқий фаолиятнинг фарқига бориш керак. Нутқий фаолият натижаси билишга олиб келади. Бинобарин, ўқиш материали (жумладан матн) мазмунига эътиборни кучайтириш талаб қилинади. Мазмун қизиқарлилиги ўқувчиларнинг ахборот олишга интилишларини белгиловчи, уларни мароқ билан ўқишга ундовчи омил вазифасини ўтайди.

Матн мазмунида ва тилида оқилона меъёрдаги қийинчиликлар бўлиши ўқувчининг ақлий фаолиятини кучайтиради, тафаккурини астойдил ишга туширишга сабаб бўлади. (Бу ҳақда атоқли руҳшунослар¹ тадқиқотларидан маълумотлар олиш мумкин.)

Демак, мазкур принципга биноан ўқувчилар чет тилда ўқиб, айни чоғда билиш фаолияти билан машғул бўладилар.

3. Уқувчиларнинг она тили ва иккинчи тилда тўплаган ўқиш тажрибаларига суяниб, уларга чет тилда ўқиш ўргатилади. Даставвал, ўқувчининг чет тилда ўқишга муносабати шакллантирилади. «Ўқисам, ўрганаман» деган нақлга амал қилиб иш тутиш зарурияти туғилади. Бирламчи шарт мана шудир. Тил тажрибасидаги нутқий усулларнинг кўчиш ҳодисасига дуч келамиз. Чет тилда ҳарф-товуш муносабатларининг ўзлаш-

¹ П. П. Блонский. Избранные психологические произведения. — М.: Изд-во АПН РСФСР, 1964, 473- бет.

тирилиши биланоқ ўқувчиларга ичда ўқишни таклиф қила бошлаш маъқулдир. Бу иккинчи шартдир.

Бир сўз билан айтганда, ўқиш мобайнида тил тажрибасининг имкон борича ишга туширилиши талаб этилади.

4. Уқиганини тушуниш учун ўқувчилар ўрганилаётган тил структураси хусусиятларини эгаллаб, уларга асосланган ҳолда иш тутишлари керак. Тил материални билиш, яъни лисоний кўникмаларнинг ҳосил бўлиши тез ва тўғри ўқиб тушунишга замин яратади. Езувдаги алоҳида сўз, унинг қисми (морфема), сўзларнинг ўзаро жойлашиши (сўз тартиби, гаплар занжири) кабилардан ўқувчи кўрув гидрокида таянч сифатида фойдаланади. Тиниш белгилари ва босма ҳарфларга (шрифтларга) қараб ва умумий контекстдан келиб чиқиб, матндаги оҳанг, тўхтам (пауза) ва мантиқий урғу ҳақида тасаввур пайдо бўлади. Ёрдамчи сўзларни билишнинг ҳам ўқишга нафи тегади.

Бу принцип ўрганилаётган тил структурасидан етарлича хабардор бўлишни тақозо этади.

5. Уқишни ўргатишда нафақат рецептив, шунингдек, репродуктив фаолият ҳам иштирок этади. Уқиш одатда рецептив нутқ фаолияти дейилади. Лекин ўқиш жараёни рецептив операциялар билан бир қаторда репродуктив операцияларни ҳам ўз ичига олади. График материал гидроки чоғида ичда гапириш содир бўлади. Бинобарин, талаффуз кўникмаси ўқиш техникасига таъсир қилади ва маттни тушунишга дахлдорлиги ҳам маълум бўлади. Гапирганда, ўқувчи грамматик ҳодисани айта олиш кўникмасига эгаллиги туфайли унда матндаги грамматик шаклларни олдиндан фаҳмлаш имконияти яратилади. Кўриниб турибдики, рецепция ва репродукция ўзаро боғланган нутқ ҳодисаларидир.

Уқишни ўргатиш чоғида рецептивдан ташқари репродуктив нутқ билан ҳам шуғулланиш ушбу принцип талабидир.

6. Уқиш нутқ фаолияти тури мақомида хизмат ўтар экан, унинг амал қилиш усулларини ўқувчилар эгаллаб олишлари керак бўлади. Фаолиятнинг жараён томонини таъминловчи операцияларни билиш зарур. Улардан биринчиси техникавий кўникма тарзида идрок этиладиган маттни тушуниб етиш билан боғлиқ. Маъно «чақиш» усулларини ўқувчи билиб олса, ўқиш тезлиги оширилади. Уқиш тезлиги махсус машқ қилиш натижасида оширилади. Ягона мақсад ўқиш тезлигини ўзлаштириш бўлиб қолмасдан аналитик (тафсилотларни илгаш) операцияларни қўллаш кўзланади, яъни ундан мазмунни пайқаш мақсадида фойдаланилади. Секинроқ ва тез ўқиш кўникмалари ахборот олишда ўрни билан ишлатилади.

Техникавий кўникмалар, хусусан тегишли маромда ўқиш ахборотни ўзлаштириш йўлидаги зарурий қадам эканлиги мазкур принципдан англанадиган тушунчадир. Ҳар бир таълим босқичида ўзига хос хусусиятлар билан ўқиш амалиёти жорий этилади. Бошланғич даврда таниш материал асосида матн, ўрта босқичда таниш бирликлар ва қисман нотаниш сўзлар кирган матнлар, юқори синфларда эса кўпроқ потенциал лугат иш-

тирокида матнлар ўқиш тавсия қилинади. (Улар тўғрисида кейинги мавзуларда сўз юритилади.)

Ўқиш материали. Аввало икки атама тафовутини аниқлаб олиш керак: ўқув материали ва ўқиш материали. Биринчиси кўпчиликка тушунарли, таълим мазмуни маъносида қўлланилган методик атамадир. Унинг мазмуни таркибига ўқувчи ўрганадиган тил материали (лексика, грамматика, талаффуз ҳодисалари ва улар заминида шаклланидиган нутқ ҳосиласи—матн), нутқ мавзулари ҳамда вазиятлари қабиляр қиради. Иккинчи атама «ўқиш материали» тушунчаси қамровига матн ва, қолаверса, унинг қисмлари бўлмиш сўз, сўз бирикмаси, гап, гап бирикмаси, абзац ҳам қиради. Матн ўқишнинг нутқ фаолияти тури сифатидаги материалидир, иккинчи тонфа бириклар эса ўқиш техникаси учун манба ҳисобланади.

Турли илмий соҳалар учун тадқиқот объекти бўлмиш матн ҳар хил маъно билдиради. Тилшуносликда «текст лингвистикаси»,¹ «текстуал лингвистика»² «текст грамматикаси»³ сингари мураккаб атамалар кенг истифода қилинади. Тил ўргатиш методикасида эса текст лингводидактик изланишлар объекти ҳисобланади. Текстни ўқиш муаммолари кўриб чиқилган, лекин у таълимий атама-тушунча мақомида илмий текширилмаган.

Фанда «текст» таърифида икки йўналиш кузатилади, унга психологик ва лингвистик жиҳатдан ёндашилади. Ҳар иккаласида ҳам муштарак томон сифатида матнни нутқ оқимининг парчаси⁴, деб тан олиншидир.

«Текст» лотинча «textum» ўзагидан бўлиб, айнан «алоқа», «бирлашиш» маъносини билдиради («матн» арабий калима бўлиб, «текст» билан синоним терминдир). Луғатларда унга қатор таърифлар берилган: «Ёзма ёки босма шаклда баён этилган муаллиф фикри, ижод маҳсули ...»⁵ ёки (1) «Нутқий ҳосила, (2) Ёзувда қайд қилинган нутқ маҳсули»⁶ қабиляр. Инглизча лексикографик манбаларда «текст»ни «(1) Китобда босма ҳарфлар билан берилган сўзлар, (2) Муаллиф сўзлари..., (3) Қисқача парча, гап ва ҳ. к. з.»⁷ маъноларда талқин қилинади.

¹ З. Я. Тураева. Лингвистика текста. — М.: Просвещение, 1986.

² Проблемы текстуальной лингвистики // Под ред. В. А. Бухбиндера. — Киев: Вища школа, 1983.

³ О. И. Москальская. Грамматика текста. — М.: Высшая школа, 1981.

⁴ Т. М. Дридзе: 1) Проблемы чтения в свете информативно-целевого подхода к анализу текста. — В кн.: Проблемы социологии и психологии чтения. — М.: Книга, 1975; 2) Язык и социальная психология. — М.: Высшая школа, 1980; 3) Текстовая деятельность в структуре социальной коммуникации. — М.: Наука, 1984 ва бошқалар.

⁵ Н. И. Кондаков. Логический словарь-справочник. 2-е изд. М.: Наука, 1975.

⁶ О. С. Ахманова. Словарь лингвистических терминов. — 2-е изд. — М.: С. Э., 1969.

⁷ А. С. Хорнби. Учебный словарь современного английского языка: Спец. изд. для СССР / А. С. Хорнби при участии К. Руз. — М.: Просвещение, 1984.

Умуман олганда, турли таъриф-талқинлардан қатъи назар, «текст (матн)» деганда, «нутқий ҳосила» тушунчаси деярли барча олимлар томонидан эътироф этилади. Таълим нуқтаи назаридан унинг лингводидактик таърифи қуйидагичадир: ахборот алмашишга манба ҳисобланадиган нутқий ҳосиладир. Лингводидактик текст оғзаки (гапиришда) ва ёзма (ёзувда) яратилади ва ахборот элтиш хусусиятига эга. График текст ва аудиотекст ахборот олиш учун асос бўлади. Шундай қилиб, ўқувчи (матнхон) текстни «ишлаб чиқарувчи» ва «истеъмолчи» вазифасини бажаради.

Матндан олиннадиган ахборот ўқувчи учун «билим» мақомида бўлиши ёки унинг маълум қисми ўқувчи фаолиятини бошқариш, тартибга солишга хизмат қилиши мумкин. Бинобарин, текст ўқувчилар учун, мажозан айтилганда, «ахборот омбори»дир. Ундан баҳраманд бўлиш меъёри ўқувчининг ўзига ҳавола (муаллим йўл-йўриқлари билан ёрдамлашади, албатта).

Таълим жараёнида қўлланадиган матннинг методик муаммолари ҳозиргача мунозараларга сабаб бўлиб келади. Масалан, матн ва нутқ фаолияти турлари деган масалани олиб кўрайлик. Продуцент (гапирувчи ва ёзувчи) муайян хабарни нутқий ҳосила сифатида яратиб, бошқаларга етказишга эришса, оғзаки ёки ёзма матн вужудга келади. Агар у чет тилда гаплар мажмуасини айтиш ва ёзиш чоғида тил материаллини қўллаб, ахборот беришга интильмаса, у ҳолда матнни эмас, балки гапларни айтиш ва ёзиш машқи бажарилади, холос.

Реципиент (тингловчи ва ўқувчи) матнни идрок этиб, янги ёки шартли тарзда янги ахборот олади.

Энди матн ва ахборот юзасидан мухтасар фикр баён этилади. Урта умумтаълим мактаби ўқувчиларига мўлжалланадиган ахборот ўқув дастури доирасидаги нутқий мавзулар бўйича чегаралаб берилади (ёки, ҳунар-техника ўқув юртида, айтилганга қўшимча, касбий ахборот ҳам берилади. Олий ўқув юрглари талабалари учун тегишли ахборот етказилиши ҳам уларнинг ўқув дастурида белгилаб қўйилган). Информатив йўналиш матн мазмуни ва ҳажмини белгиловчи мезондир.

Мактаб ўқувчиси уч тоифа йирик мавзу («Теварак-атроф», «Мамлакатимиз» ва «Тили ўрганилаётган мамлакат») чегарасида матнларни ўқийди.

Матн ва машқ тушунчалари методикада чалкаш, мужмал ҳисобланади. Аслида улар алоҳида илмий-таълимий категорияларни ташкил этмайди. Матн машқнинг материали бўлиб, аини чоғда у ўқиш учун ҳам материалдир. Уқиш машқнинг материали матн, ахборот эса ўқишдан олиннадиган нутқий ҳосиладир, ўқувчи учун маънавий озуқадир.

Матн танлашга доир методик шартлар ишлаб чиқилган Уларнинг матн мазмунига ва тилига оид икки гуруҳи ажратилган.

Ўқишга мўлжалланмиш матн мазмунига қўйидаги талаблар қўйилади: 1) матннинг тарбиявий аҳамияти бўлиши керак (чет тил ўргатиш мақсадларидан бири тарбиялашдир, жамият ахлоқ қондаларини сингдириш, яъни маънавий (ахлоқий) тарбия беришга қаратилган матнлар танланади); 2) ўқувчининг ҳаётий билимини ошириш, яъни дунёқарашини бойитишга хизмат қиладиган матнлар сараланади. Бу ўқувчининг билиш фаолиятини ўстиришда муҳим шартлардандир. Аниқ маълумотларни ақс эттирувчи матнларни ўқиш умумий таълим олишнинг ажралмас қисмидир. Ахборотга бой матнни ўқиш ҳар қандай кишида жозиба уйғотиши муқаррар. Чунки инсон боласи билишга ошиқади, билишга мойиллиги рағбатлантирилса, ушбу ўқув предметига унинг қизиқиши ошади; 3) ўқишга тавсия этиладиган матннинг мазмуни илмий жиҳатдан сифатли, яъни ундаги маълумотлар воқеликни ақс эттирадиган бўлиши талаб қилинади. Ўқувчига қандайдир фаразий ёки тахминий маълумотларга асосланган матнлар ўқитилмайди; 4) танланаётган матн ўқувчи ёшига мос тушиши талаб этилади. Ўқувчи эҳтиёжини қондириш чет тилда нутқий фаолиятга ундашнинг муҳим чорасидир. Хуллас, матн мазмуни ўқувчининг маънавий савиясига мувофиқ бўлиши, билиш ва ҳиссий талабларига жавоб бериши керак.

Юқори синфда ўқиладиган матнларнинг энг қизиқарлилари қўйидагилар: бадий адабиётдан сараланган матнлар; тенгдошлар, дўстлик, муҳаббат ҳақида фикр уйғотадиган муаммоли матнлар; мазмунан жозибадор (юмор, саргузашт, детектив, ҳазил, фантастик) матнлар; тарихий маълумотлар берадиган, кашфиётлар ва саёҳатларга оид «Биласизми...?» тоифасидаги матнлар. Мабодо матн мазмуни бошқа ўқув предметларининг материални бевосита такрорласа, ундан ўқувчининг ихлоси қайтиши ҳоллари тажрибада исботланган. Ёш хусусияти эътиборга олинмай ўқитиладиган матнлар ҳам кутилган даражада қизиқиш уйғотмайди.

Ўқиладиган матнлар тилига мансуб талаблар ҳам қўйилади. Биринчидан, матндаги тил материали танланган ўқув минимумига мувофиқ бўлиши керак. Лексик ва грамматик ҳодисаларнинг синфма-синф тақсимооти ҳисобга олинади. Иккинчидан, ўқувчилар ўзлаштирган тил бирликлари заминида ўқишлари учун матн тавсия қилинади. Матнни ўқиш олдидан ундаги техникавий ва тилига оид қийинчиликларнинг бартараф этилиши зарурий методик тадбирдир. Учинчидан, матн тилининг услубий томонига қўйиладиган талаб: ҳозирги замон адабий тили меъёрлари сақланиши керак.

Матнларни танлаш ва тузиш ўта долзарб методик масаладир. Тайёр матнларни саралаш борасида мухтасар тўхтаб ўтилди. «Тузиш» атамасининг маъновий доираси турли-туман талқинларга сабаб бўлмоқда. Аввало, тузиш ва танлаш орасидаги фарқ аниқланиши зарур. «Танлаш» деганда, мазмуни ёзувчи томонидан шаклланган, тил ва ҳажм жиҳатидан муал-

лим ёки дарслик/ўқиш китоби тузувчиси мактаб шароитига мослаштирган матнларни саралаш тушунилади. Демак, аслиятдаги материал ёки унинг мослаштирилган нусхаси ўқишга тақдим этилади.

«Тузиш» атамаси оғзаки ўрганилган тил материали асосида ва оғзаки нутқ мавзулари доирасида муаллим ёки дарслик/ўқиш китоби муаллифи тайёрлаган матнларга тааллуқлидир. Шу муносабат билан методикада «тузилган» ва «танланган» матн тушунчалари истифода қилинади. Ҳар иккала тоифадаги матнлар ҳам ўқиш учун материал вазифасини ўтайди.

Материал сўзи иштирокида ҳосил қилинадиган «ўқув материали», «ўқиш материали», «тил материали» атамалари бири-бири билан «дарахт—мевали дарахт—олма»га қиёс жинс—тур муносабатини ташкил этади. Уқув материали таркибига ўқиш материали киради, ўз навбатида унда тил материали бўлиши турган гап.

Матн билан ишлашнинг уч босқичи тадқиқ қилинган ва мактаб тажрибасида татбиқ этилган: (1) тайёрлов, (2) ўқиб тушуниш ва (3) матндан кейинги босқич.

Биринчидан, матн олди тайёрлов машқларида лексик-грамматик материал ва ўқиш техникаси ўзлаштирилади.

Иккинчи босқич матнни ўқиб тушунишга қаратилган бўлиб, ахборот олиш ва тушунганликни текшириш машқларини ўз ичига олади.

Матндан кейинги босқичда унинг лексикаси ва ахбороти асосида гапириш, тинглаб тушуниш ва ёзув малакаларини ўстириш бўйича машқлар ўтказилади.

Уқиш турларини ўргатиш. Ахборот олиш ниятида ўқиш, аввалан, амалий мақсад ва, иккинчи тарафдан, таълимий восита эканлиги ҳаммага аён. Уқиш том маъноси билан маънавий озуқа олиш йўлидаги ҳаракат тарзидир. Чет тилда ўқиш турлари эса ушбу амалий мақсадга эришиш йўлидаги ғоят мураккаб ва айни чоғда муҳим методик масаладир. Уқиш жараёнида бажариладиган вазифалар билан боғлиқ ақлий операциялар мажмуалари хилма-хил бўлиб, уларни методика фанида ўқиш турлари дейилади (С. К. Фоломкина таърифи). Уқиш турлари ва турчалари миқдори элликтага боради (она тилида қирқ бештага етади).

Илмий манбаларда ўқиш турларини аниқлашнинг бир нечта тартиби мавжуд: 1) идрок хусусияти ва тушуниш жараёнига кўра— аналитик/синтетик ўқиш; 2) кўзланадиган мақсаддан келиб чиқиб — танишув/ўрганув/кузатув ўқиш; 3) олдиндан кўрилган ҳозирлик муносабати билан — тайёрланган/тайёрланмаган ўқиш; 4) тил тажрибаси нуқтаи назаридан — таржимали/таржимасиз ўқиш; 5) ёрдамчи воситалар ишлатиш зарурияти туфайли — луғат билан/луғатсиз ўқиш; 6) ишлаш жойига қараб — синфда/уйда ўқиш; 7) ишни ташкил этиш тарзига биноан — ёлғиз/хор билан ўқиш; 8) овоз иштироки жиҳатидан — ичда/овоз чиқариб ўқиш ва ҳ.к.з.

Мазкур ўқиш турларини қисқача изоҳлаб ўтамиз.

Аналитик ёки синтетик ўқиш деганда, тафаккур шакллари (анализ, синтез) ҳисобга олинмаган, махсус таҳлил талаб жойлари мавжуд ёки йўқ матни идрок этиш ва англаш назарда тутилади. Синтетик ўқишда матни яхлитлигича идрок этиб тушунилади. Синтетик ўқиш интенсив, курсор ўқиш номи билан ҳам аталади. Аналитик ўқишда ўқувчи эътибори тил ҳодисаларига ҳам қаратилади. Аналитик ўқишни экстенсив ва дискурсив ўқиш, деб ҳам юритилади.

Гапириш бобида таъкидланганидек, ўқишни ўргатиш жараёни ҳам тайёрланган ва тайёрланмаган бўлиши мумкин. Тайёргарлик шарти сифатида талаффуз ва ўқиш техникасини эгаллаганлик, урғу ва тил услубидан хабардорлик ва лексикограмматик материални билиш назарда тутилади. Ўқиш механизми ишлаб чиқилганлиги, товуш-ҳарф муносабатининг маълумлиги ва ўқиш тезлиги шаклланганлиги иккинчи шарт саналади. Ниҳоят, учинчи масала, тайёрланганлик ўқувчининг умумий билим савияси, ёш хусусияти ва йирик контекстни эгаллаш қобилияти билан белгиланади. Ушбу шарт-шароитлар тайёрланган/тайёрланмаган ўқишни фарқлашга сабаб бўлади.

Кўпчилик ҳолларда аналитик/синтетик ва таржимали/таржимасиз ўқишнинг фарқига боришмайди. Аналитик ўқишда ўқувчи эътибори тил шаклига қаратилади, бироқ матни тушуниш таржимасиз бўлади. Синтетик ўқишда ҳам, янги сўзлар учрашидан қатъи назар таржимасиз ва луғатсиз ўқилади. Умуман таржимасиз ўқиш. воситасида матндан ахборот олишга эришилади. Таржима қилиш янги лексик бирликнинг луғат ёрдамида маъносини очишдагина мақбулдир, оқибатда бу ерда ҳам мазмун ўрганилади. Матндан олинган парчанинг таҳлили учун ҳам таржимадан фойдаланилади. Шунингдек, ўқувчиларга икки тиллик (чет тил — она тили) луғат билан ишлашни ўргатиш ниятида кичик ҳажмдаги матни ёзма таржима қилдириш маъқул топилади. Луғатдан фойдаланиб ўқиш одатда уйга вазифа қилинади.

Ёлғиз/хор билан ва овоз чиқариб/ичда ўқиш турлари, одатдагича, ахборот олишга мўлжалланади ва, иккинчи томондан, ўқиш техникасини шакллантиришда хор билан ўқиш ва овоз чиқариб ўқиш алоҳида аҳамиятга моликдир, яъни улардан таълим воситаси сифатида ҳам фойдаланилади.

Ўқишдан кутиладиган мақсадни ҳисобга олиб, танишув/ўрганув/кузатув ўқиш турлари фарқ қилинади. Ўқишни ўргатиш методикасида (бу соҳанинг асосчиси М. Уэстдан тортиб, то проф. С. К. Фоломкинагача) ғоят кўп сонли атамалар истифода қилинганлиги маълум. Шулар орасида «танишув/ўрганув/кузатув» ўқиш номлари ҳозирга келиб амалиётда ва назарияда барқарорлашди. Мактаб шароитида асримизнинг 70—80-йиллари мобайнида ушбу ўқиш турлари кенг жорий этилди ва ижобий самаралар бермоқда. Уларни амалда қўлланиш борасида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Танишув ўқиш. Баъзида уни «мазмунни юзаки тушувниш мақсадидаги ўқиш» деб ҳам юритишади. Ушбу ўқиш турида матнни тўлиқ ва аниқ тушуниш кутилмайди, балки у ёки бу масала юзасидан нималар баён этилганлиги ўқувчини қизиқтиради, чунончи: «янги—таниш», «қизиқ—қизикарли эмас», «тушунарли—тушунмадим» каби хулосалар чиқарилади. Демак, ўқилганнинг умумий йўналишдаги мазмунини ўрганиш мақсадида «танишув ўқиш» ўтказилади. Асосий ахборотни аниқ ўзлаштириш ва иккинчи даражали хабарни эса умуман билиш, оқибатда матн мазмунининг 70 фоиздан кам бўлмаган қисмини эгаллаб олиш кутилади.

Матнлар ҳажми каттагина (бир саҳифадан кам эмас) ва тили осон бўлиши тавсия қилинади. Биринчи босқичда синфда бажариладиган ўқиш, бир оз малака пайдо бўлиши биланоқ уйга берилади, синфда эса тушунганлик текширилади. Текширишда матннинг икир-чикиригача эътибор берилса, унда ўқишнинг бошқа (ўрганув) турига ўтиб кетилади.

Ўрганув ўқиш. Ўқишнинг бу тури юқори синфларда маъқул ҳисобланади. Ўқувчи матн мазмунидаги барча тафсилотларни ўрганади. Тушуниш даражаси 100 фоизга етказилади. Секин ва айрим жойларни такрор ўқиш мумкин. Аввал синфда, сўнгра уйда ўқиш таклиф қилинади.

Тушунганликни текшириш усулларидан бири таржимадан фойдаланишдир. Одатда матннинг мураккаб қисми ёки тўлиғича она тилига ёзма шаклда ўгирилади. Матн ҳажми нисбатан катта бўлмайди. Матн қамровидаги ахборот синчиклаб ўрганилади. Шунинг учун ҳам ушбу матнни танишув ўқишдан бошлаб, яъни умумий мазмунни пайқаб олиб, кейин диққат билан уни ичда ўқиш маъқул кўрилади.

Хуллас, ўрганув ўқиш турини бажарган ўқувчи тўлиқ ва аниқ ахборотга эга бўлиши ва ўрганган мазмунга ўз муносабатини билдириши, танқидий фикрлаши, изоҳлай олиши, билган нарсалари билан муқояса қила олиши лозим. Матн тафсилотларини аниқлаш мақсадида унга яна бир карра кўз югуртириб чиқиш мумкин. Демак, матн уч марта ўқилгандай туюлади: танишув, ўрганув ва қайта изланиш тарзида ўқияпти, бироқ етакчи вазифа ўрганув ўқиш туридир, қолган икки турга ҳам қўшимча ўқув вазифаси юкланади.

Кузатув ўқиш. Ўз вақтида буюк методист М. Уэст ушбу ўқиш турини «қаймоғини олиш» маъжозий маъноси билан атаб, уни таълим амалиётида моҳирона татбиқ этган.

Матнни ўқишга киришган талаба оладиган ахборотдан қай йўсинда ҳаётда фойдаланишни хаёлига ҳам келтирмайди. Бироқ айни чоғда мазмунни пайқар экан, ўзинча унга «керак—но керак», «қизиқ—ноқизиқ» қабалида баҳо бериб боради. Кераксиз ва қизикарли эмаслигига ишонч ҳосил қилса, ўқишни тўхтатади **қўяди**.

Ўқиш жараёнида кузатув ҳар хил кечади: ўқилаётган материал қайси соҳага дахлдорлигини аниқлаш учун сарлавҳа

ва кичик сарлавҳаларни кўздан кечиришдан бошлаб, тўлиқ, лекин тезликда ўқиб чиқишгача бўлган иш тури бажарилади. Илмий-методик маълумотларга кўра бундай тўлиқ ўқилганда, ахборотнинг ярмигача тушуниш ҳоллари учрайди. Кузатув вақти бир саҳифа учун 1—1,5 дақиқа қилиб белгиланади.

Кузатув ўқишда тил материали таниш бўлиши, ўқувчи фақат матндан муайян мавзунни қидириши талаб этилади. Баён этилганларга қисқача яқун ясаб айтиш мумкинки: танишув ўқиш (*fluently reading*) да тез ва юзаки ахборот олинади, унга, шартли қилиб, юзаки ўқиш деган қараш мавжуд; ўрганув ўқиш (*close reading*) да чуқур, муфассал ахборот тўпланеди, уни «мутолаа» дейиш маъқул кўринади; кузатув ўқиш (*skimming reading*) да эса матннинг асосий ғояси ўрганилади, уни мушоҳадали ўқиш деса бўлади.

Амалиётда қўлланаётган учала ўқиш тури таълим босқичлари учун мана бундай тартибда тавсия этилади: бошланғич даврда—танишув ўқиш, бир маромда диққат билан ўқиш; ўрта босқичда — ўрганув ўқиш ва танишув ўқиш; юқори синфларда эса кузатув ўқиш, танишув ва ўрганув ўқиш.

Ўқиш малакаларини ҳосил қилиш. Ўқувчилар барча ўқини турларини ўрганишда зарур ҳисобланмиш асосий малакалар билан қурооллантирилади.

1. Аввалан тил материални тушуниш малакалари ҳосил қилинади, яъни ўқувчига таниш ва нотаниш материални идрок этиш билан боғлиқ малакалар шакллантирилади.

(1) Таниш тил материални қўллаш малакалари матннинг алоҳида бирликларини англаш ва улар орасидаги алоқани аниқлаш ҳамда мазмун келтириб чиқарадиган йирик нутқий бирликларга жамлаш имконини туғдиради. Сўзнинг кўрув тимсоли билан айтилиши ва маъносини хотирада сақлаш ва тиклаш машқ қилдирилади. Уларни аниқ ва тез идрок этиш ўргатилади.

Сўзни тез таниб олишни ўргатишга уни ҳар хил бирикмаларда бериб бориш ва гап мазмунига мос маъносини илғаб олиш, яъни лексик-семантик вариантини фарқлаш орқали эришилади (айрим сўзлар таржимаси, гапдаги бўш қолдирилган жойни тўлдириш, гапда ноўрин қўлланган сўзни тўғриси билан алмаштириш, сўзнинг контекстуал маъносини топиш каби ақлий операциялар бажарилади).

(2) Ўқувчиларга гапдаги сўзларнинг (гапларнинг, абзацларнинг) маъноалоқаларини ўрнатиш иккинчи вазифадир. Бу мақсадда ташқи белгиларига қараб, турли шаклларни таниб олиш ва уларнинг гапдаги вазифасини аниқлаб олиш операциялари бажарилади. Сўз таниш бўлишига қарамай гап маъноси қийинчилик туғдирадиган ҳолларда бундай амал ишга туширилади (грамматик қоидаларни билиш текширилмайди, фақат нутқда қўллаш машқ қилинади). Таржима қилиш ҳам тақиқланмайди.

Сўзлардан бирикмалар ҳосил қилиш, гапларни айтиш машқ қилинади. Гаптаги бирикмалар тагига чизиш/кўчириш ҳам фойдали методик амалдир.

(3) Гапнинг яхлит маъно билдирувчи бирлик эканлигини ўргатиш ушбу малакани шакллантиришда учинчи вазифадир. Бунинг учун иккита бир йўналишдаги гапларни топиш (давоми, инкор этиши, мазмунни тўлдириши) ёки икки гапни бириктириш, гаптаги таянч маъноли сўзни аниқлаш кабилар машқ қилинади.

(4) Гапта бирламчи ва иккиламчи томонларни фарқлашни ўргатиш мазкур малакани пайдо қилишда охириги методик тадбирдир. Гаптаги сўзлар ҳар хил ахборот элтиш бирлиги ҳисобланади. Гапни қисқартириш ва кенгайтириш машқ қилинса, самарали натижага эришилади. Нотаниш сўзларнинг маъноси тил тажрибасига суяниб ёки лугатдан фойдаланиб очилади.

2. Энди матннинг мазмунини тушуниш малакаларини шакллантириш машқлари бажарилади. Матнни тушуниш ундаги мавжуд ахборотни эгаллаш ва уни мулоҳаза юритиб фаҳмлаб олиш амалларига асосланади. Ёлғиз фактларни илғаш, улар орасида боғланиш ўрнатиш ва яхлит мазмунга бириктириш натижасида **матндан ахборот англаб олинади**. Демак, биринчидан, матндаги таянч сўзларга асосланиб, алоҳида маъно қисмлари фикран ажратилади, иккинчидан, бир нечта фикрий бўлақлар умумлаштирилади (синтез қилинади) ва ўзаро алоқалар ўрнатилади. Нутқий бирликларнинг шаклий кўрсаткичлари ва баён этилиш мантиғи асосида ушбу малака ҳосил қилинади. Учунчидан эса, матннинг катта-кичик маъно қисмлари яхлит муносабати ўрнатилади, яъни умумий ғоя тушунилади.

Хулоса чиқариш, умумлаштириш, ғояни топиш, мазмунига муносабат билдириш ва изоҳлаш сингари малакаларни ишга солиб, ниҳоят, матн тушуниб олинади. Ушбу малакаларни тил тажрибасидан фойдаланиб ишга тушириш имкони мавжуд.

Ўқиш малакаларини ҳосил қилиш жараёнида бир қатор ташкилий методик шартларга риоя қилиш тавсия этилади (С. К. Фоломкина умумлаштирган).

Матндан олдин бажариладиган оғзаки ўқув машқлари матн мазмунини ёритмаслиги керак, акс ҳолда ўқиш чоғида тушунишга мўлжалланган ахборот қолмайди ҳамда ўқишнинг нутқий аҳамияти йўқолади.

Матндан кейин бажариладиган машқларда тушунганлик такрор текшириб кўрилади, тил материалини билиш даражаси текширилмайди.

Бир матнни такроран ўқиш методик жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас. Нутқий топшириқ ўзгартирилиб, тушунганлик даражасини аниқлашга қаратилган чоғда қайта ўқиш мумкин.

Биринчи сафар матнни ўқувчининг ўзи ўқийди, чунки ўқиб ахборот олиш талабанинг вазифасидир. Муаллим ўқиганда, ўқувчилар учун бу ўқиш эмас, балки тинглаб тушуниш машқи мақомига ўтилган бўлади.

Ўқиладиган матнни бошқа нутқ фаолияти турлари (гапириниш, тинглаб тушуниш, ёзув) учун ҳам ўқув материали қилиб фойдаланиш мумкин.

Бир матнни уйда, иккинчисини синфда, луғат ёрдамида ва луғатсиз ўқиш машқларини бажартириш мақсадга мувофиқ.

Матнни қисмларга бўлмасдан, яхлит нутқий материал сифатида ўқитилади.

Матн ўқиш олдидан аниқ ўқув топшириғи берилади. Ўқиш чоғида уни бажариш билан машғул бўлишади.

Ўқув-методик топшириқлар

1. Ўқишни ўргатиш жараёнида юз берадиган ташкилий қийинчиликларни айтинг ва уларни бартараф этиш йўллари муҳокама қилинг. Ўқишга оид методик қоидаларни таҳлил этинг.

2. Ўқишни ўргатиш мезон (принцип)ларини айтинг ва уларни изоҳланг.

3. Ўқув материали, ўқиш материали, тил материали методик тушунчаларини фарқини ва уларнинг таркибий қисмларини айтиб беринг.

4. Ўқиш турларини аниқланг ва шарҳланг. Танишув (юзаки), ўрганув (мутолаа) ва кузатув (мушоҳадали) ўқиш турлари тафсилотларини муҳокама қилинг.

5. Ўқиш малакаларини ҳосил қилишнинг босқичларини ном-ном айтинг ва уларни мактаб амалиётида татбиқ қилиш йўллари тушунтиринг.

3-§. Ўқиш техникасини ўргатиш

Ўқишнинг техникавий томонини ўргатиш, юқорида этироф этилганидек, ўқилган материалнинг мазмун тарафини эгаллаш учун замин тайёрлайди. Ўқиш техникаси¹ тушунчаси қамровига қуйидаги ақлий операциялар киради: 1) ҳарфлар ва ҳарф бирикмаларини кўрув сезги/анализатори ёрдамида таниб олиш; 2) ҳарфлар ва уларнинг бирикмаларини таниб олиш орқали уларни ифодаловчи товушлар билан алоқасини ўрнатиш; 3) грамматик белгиларни таниб олиш, сўзнинг грамматик шаклларини фикран белгилаш ва уларни грамматик структура мақомида бирлаштириш; 4) гапдаги ёрдамчи сўзларни таниб олиш, маълум мустақил сўзларга уларнинг дахлдорлигини пайқаш ва уларни муайян структураларга фикран бирлаштириш; 5) ўрганилган мустақил сўзлар маъноларини фаҳмлаш; 6) нотаниш ясама ва қўшма сўзларнинг морфемаларини таниб олиш ва уларни яхлит сўзлар тарзида пайқаш; 7) грамматик белги-

¹ Айрим психолог ва методистлар таъбирида «ўқиш механизми» атамаси қўлланади. Қаранг: Т. Г. Егоров. Психология овладения навыком чтения. — М.: Изд-во АПН РСФСР, 1953; И. А. Грузинская. Методика преподавания английского языка. — М.: Учпедгиз, 1947.

ларига кўра сўзларни синтагматик гуруҳларга фикран бириктириш; 8) грамматик белгиларга таяниб, рецептив равишда гапнинг тузилишини яхлит тасаввур қилиш; 9) график ифодаланган жумланинг оҳанги (интонацияси) ва урғулари (акцентуация)ни нутқий жараёнда идрок қилиш.

Мазкур операциялар амалиёти чоғида ўқиладиган материал мазмунни ҳам, албатта, эътиборда бўлади, чунки ўқиш техникасини эгаллаш ўқилмиш матндан ахборот олишга йўналтирилади.

Ўқиш техникаси тушунчаси одатда овоз чиқариб ўқиш билан фикран боғланади. Аслида эса ичда ўқиганда ҳам ўқиш техникаси ўрганилади.

Ўқиш техникасини ўргатишга киришаётган пайтда муаллим жаҳон методикасида жамланган илмий-амалий мулоҳазаларни ўзлаштирган бўлиши ва ўз фаолиятида улардан ўринли ва унумли фойдаланиши фойдадан ҳоли эмас.

Ўқиш техникасини ўргатиш/ўрганиш борасида сўз юритганда, унинг ғоят мураккаблиги ва фанда атрофлича қараб чиқилмаган жиҳатлари борлигини эслатиб, улар ҳақида махсус тўхталиб ўтамиз.

Биринчи масала. Ўқиш техникаси тушунчасининг доирасига нималар киради? Энг аввало, айтиш керакки, ёзма/босма ҳарфнинг товушга фикран ўтиши (аслида ҳарф товушининг ёзувдаги шартли белгиси), яъни ҳарфнинг товуш ифода этиши моддий ҳодиса бўлмасдан, сўз билан таърифланадиган тил материали ҳақидаги мавҳумот (қоида)дир. Ҳар қандай қоида — назарий билимдир. Шунга кўра ўқиш техникаси ҳақида гап кетганда, доимо овоз чиқармай ўқиш назарда тутилади. Овоз билан ўқилганда талаффуз қилинади. Талаффузда график тимсолга таяниш шарт эмас. Бироқ овоз чиқариб ўқиш — ёзма таянчга кўра талаффуз этишдир. Ушбу ҳолатда ҳарф (графема), товуш (фонема) ва уларнинг ўзаро боғланиши туфайли юзага келадиган ўқилиш қондаси (мавҳумот) муаммосига дуч келимиз. Графема кўриш сезгиси, фонема нутқҳаракат сезгиси фаолияти билан боғлиқ ҳолда қараладиган тил ҳодисалари бўлиб, ўқилиш қондаси фикр юритиш йўли билан муайян таърифда ифодаланадиган иккиламчи ҳосилдир. Ҳарф-товуш муносабатини билиб олишни осонлаштириш мақсадида махсус белгиларни фонетик транскрипция тариқасида қўллаймиз. Транскрипция белгиси ўқилиш қондасининг энг ихчам шакли ҳисобланади. Бу белги айтилиш ва ўқилишда ишлатиладиган товушни акс эттиради.

Иккинчи масала. Инглиз тили ҳарф ва ҳарф бирикмаларининг хусусиятлари таҳлил қилинса, унда ўзбек тилига мос келадиган ва кескин фарқ қиладиган ҳарф ва ҳарф бирикмалари мавжудлигини кўрамиз. Ухшаш ва тафовут қиладиган ҳарфларнинг ўқилиши алоҳида машқлар бажарилишини талаб этади.

Ўқилиш қоидалари қуйидагича таснифланади: унли ҳарфларнинг тўртта бўғинда келиши, ундош ҳарфларнинг ўқилиши, унлилар бирикмаси (диграф), ундошлар бирикмаси (ундош диграф), унли билан ундош бирикмасининг ўқилиши, ўқилмайдиган унли/ундош ҳарфлар. Улар ўз навбатида қатор кичик қоидаларни юзага келтиради.

Ўқувчи ўқиш материаллида келадиган сўзларнинг ўқилиш қоидаларини кетма-кет ўрганиб боради. Бунда дарсликдаги ўқиш машқлари, луғатдаги сўз транскрипцияси ва муаллимнинг тушунтиришлари унга ёрдам беради.

Ўтилган ўқилиш қоидалари жамловчи жадвалларда умумлаштирилиб, тартибга солиниб тақдорланади. Нотаниш сўзлар ўқилиш қоидаларининг умумлаштирилган жадвалини кўрсатиш методик хатоларга олиб келишини унутмаслик керак.

Учинчи масала. Ўқилиш қоидаларини ўргатишда қўлландиган сўзлар таркибига келганда, хорижий мамлакатлар тил ўргатиш методикасида ўқилиш қоидасини намоёниш қилувчи мисоллар тариқасида луғат бойлигидаги сўзлардан ташқари, ушбу тилда мавжуд бўлмаган сўзлар, яъни сунъий тузилган ҳарфлар йиғиндисини бериш ҳоллари учрашини эслатиш зарур. Бизнинг ўрта (ва олий) мактабларимизда ўқилиш қоидаларига мисол тариқасида олинандиган сўзлар албатта жорий луғатдан танланади. Лекин ўқишда учрайдиган сўзлар ўқув юрти учун мўлжалланган луғат-минимум доирасидан ташқари ҳам бўлиши мумкин. Чунки ўқувчи ўрганган ўқилиш қоидасига риоя қилиб, нотаниш сўзларни ҳам ўқий олишга қодир бўлиши тавсия этилади. Шу муносабат билан ўқилиш қоидасини ўргатишга оид машқлардаги сўзларнинг кўпчилиги ўқувчи луғат бойлигига кирмайди.

Бундай сўзлар луғатдан ташқари (новокабуляр) лексика номи билан юритилади. Луғат-минимумга тегишли сўзлар нутқ фаолияти турларида активлаштирилади, новокабуляр лексик бирликлар ўқиш техникаси машқида учрайди, холос.

Ўқиш техникаси луғатини бир жумла билан шундай таърифлаш мумкин: қоида бериш ўқувчи сўз бойлигини кенгайтириш йўли эмас, балки ўқувчи нутқида (мас. ўқишда) учрайдиган сўзларнинг ўқилишини олдиндан ўзлаштириб олиш учун зарурий методик чорадир.

Бир қарашда юқоридаги фикрда ички зиддият бордек туюлади, аслида ушбу аксиоматик таърифда иккита бир-бирига мувофиқ илмий-методик тезис илгари сурилган. Биринчиси — ўқувчи қоидани ўзлаштириш орқали янги лексик birlik билан танишмайди. Қоидани намоёниш этадиган сўз ҳарф-товуш муносабатини ўқиш жараёнида қийналмасдан таниб олиш кўникмасини шакллантириш учун берилади, бу эса нутқда зарур бўладиган сўзлардан ташқари хоҳлаган нотаниш сўзни ҳам ўқий олиш имкониятини яратади.

Иккинчи фикр — ўқиш техникаси машқида сўзни киритиш фақатгина қоидани билиб олишнинггина кўзламайди, нутқда бу-

туңлай қўлланмайдиган сўзнинг ўқилишини билиш шарт эмас. Мабодо муайян сўз қоидага риоя қилинмай қоидадан истисно ўқиладиган бўлса, унинг ўқилиши (транскрипцияси) луғат китобидан топилади.

Тўртинчи масала. Ўқилиш қоидаларини ўргатиш методикасининг асосий қонуниятлари ишлаб чиқилган. Тил ўрганувчи сўзлар устунини (устма-уст ёзилган бирликлар йиғиндисини) ўқиш машқларини бажаради. Бир ёки бир неча устундан иборат машқнинг таркибида аввало таниш, улар кетидан нотаниш сўзлар берилади. Бундай тартибдан кутиладиган методик мудао ўқувчи биладиган ўқув материали асосида янгисини мустақил ўрганиш ҳамда келгусида нотаниш сўзни ўзи ўқий олиш техникавий кўникмасини сингдиришдир. Микротекстни ўзга шахс ёрдамисиз мустақил ўқиш машқнинг бошқа бир туридир.

Ўқилиш қоидасини ўргатишнинг етакчи принципи, олдин қайд этилганидек, ўқувчи биринчи бўлиб, янги сўзни таниш қоидага кўра ўзи ўқийди. Муаллим ўқиб берган тақдирда ўқувчи тинглаб тушуниш машқини бажарган бўлади ёки унинг талаффуз кўникмаси мустаҳкамланади.

Бешинчи масала. Чет тил ўрганишда ўқиш техникаси машқларининг ўрни ҳақида мунозарали фикрлар мавжуд. Даставвал бу машқларни бошқаларидан фарқлаш керак. Фонетик машқлар хусусида гапирганда, талаффузни йўлга қўювчи машқлар назарда тутилади. Улар график тимсолга таяниб ёки таянмай бажариладиган машқларга бўлинади. Биринчиси ўқиш техникаси материалида ўтказилади, иккинчиси соф талаффуз машқи сифатида бажарилади. Бундан ташқари лексик ва грамматик бирликларни ўргатувчи машқларни бажарганда ҳам ўқиш техникасига эътибор берилади. Нутқ жараёнида ўқиш техникасига диққат бўлинмаслиги учун ўқилишга оид ҳар қандай қийинчилик олдиндан бартараф этилиши мақсадга мувофиқдир.

Матни ўқиб чиқилгач, у ёки бу қийинчиликка сабаб бўладиган айрим сўз, гап ва абзацларни ўқиш машқи ўтказилиши мумкин. Унда ўқилиш қоидаси, урғу, оҳанг кабилар ўқитувчининг диққат марказида бўлади. Утилган ўқув материали ичида маълум сабабга кўра кўпчилик томонидан пухта ўзлаштирилмаган лисоний ҳодисаларни такрорлаш машқи бажарилиши мумкин.

Одатда машқ бир марта ва турли ўқув топшириқлари билан хоҳлаганча бажарилиши мумкин.

Ўқиш қоидаларини ўргатишда қатор методик муаммоларга дуч келинади: қоида бериш шарти, унинг таърифи, турлари, ўзлаштириш жараёни билан боғлиқ тарафлари ва ҳ.к.з. (Дарсликнинг бошидаги «Чет тил қоидаси» мавзусига қаранг.)

Чет тил материални (лисоний бирликларни) нутқда ўз-

лаштириш чоғида фикран умумлаштириб бориш методикада ишлаб чиқилган¹ масаладир.

Инглиз тилида ўқиш техникасини ўрганиш ўта мураккаб вазифа бўлганлиги муносабати билан биринчи ўқув йилида² ўзлаштирилиши зарур ўқилиш қоидалари рўйхати келтирилади.

Дарс	Қоида	Дарс	Қоида
6	e—pen, pencil(i)x	39	ov—boy
10	a—and, Ann		ir—girl
	ee—see (e—pen, desk)	40	sch—school
11	c—car (c—pencil)	43	or—work (or— corridor, or)
12	a—table (a—and, Ann)	44	ea—please
	e—me (e—pen, Ben)	45	th—thank (th—the)
15	th—the	51	a+ll—all
	oo < book, note-book	52	ey—Hey
16	oo < too	56	ow—know (k) *
17	u—bus	57	a+sk—ask
18	i—is, in (i —pencil)		y—sorry
	s—is	58	o—lesson (o) *
19	wh—where (h)	59	z—Uzbek, Zebo (s—is)
	s—street, bus (s—is)		ng—English (nk—thank)
20	o—on (o—Don't; do)	60	u—bus, Russian
	(oo—book; too)	61	-s < pens, boys
22	y—you		books, streets
	ss—classroom, Bess	62	w < when, where, what(h)
23	ay—day-book, may		write (w) *
25	o—no (o—not, on)	63	th < the, with, mother
	(o—come)		thank
	(oo—book; too)	64	ch—children, teacher
30	y—my (y—you, yes)	66	-s < pens, boys; streets
	(day-book)		Omon's, boy's; Rahmat's
31	H—Hallo	85	ow—know, tomorrow
32	er—sister, brother	90	u—buy (u) *
33	sh—shop	92	i—bike, I, write
36	ar—yard, car		y—my, buy (yes, you)
37	or—corridor, or		

* — ўқилмайдиган ҳарф

Юқоридаги қоидаларни билиш ўқувчиларга биринчи йил ушбу дарслик бўйича ўрганган барча инглизча сўзларни ўқий олиш имкониятини яратади. Бошқа ўқилиш қоидалари ўқув дастурига мувофиқ иккинчи ва учинчи ўқув йилида ўрганилади. Қоидалар вербал (сўз билан) ёдланиши шарт эмас. Кейинги синфларда янги сўзлар дастлабки уч йил мобайнида ўзлаштирилган таниш қоидалар асосида ўқилади. Хуллас, ўқиш техникаси кўникмасини ҳосил қилишда иштирок этадиган ўқилиш қоидаларини билиш орқали ўқувчи текстда учратадиган ҳар

¹ Д. Д. Джалалов, Г. И. Стравчинская. Книга для учителя к учебнику английского языка для VI класса узбекской школы. — Ташкент: «Ўқитувчи», 1973 (ва кейинги нашрлари), 23—27-бетлар.

² Ж. Ж. Жалолов, Г. И. Стравчинская. 4-синф инглиз тили дарслиги. Ташкент: Ўқитувчи, 1982 (ва кейинги нашрлари).

қандай маъноси таниш/нотаниш сўзни мустақил ўқий олиши таъминланади.

Мактаб тажрибасида ўз исботини топган оғзаки нутқнинг олдин ўрганилиши мезонига биноан биринчи йили ўқувчилар тинглаш, гапириш, ёзув, ўқиш билан чет тил ўрганадилар. Иккинчи йил оғзаки нутқдан кейин ўқиш ва ёзув келади. Ўқиш техникасини ўргатиш ушбу шароитга мослаштирилади. Шароит ўзгарса, ўқиш техникасини ўргатишда ҳам ўзгача усуллар пайдо бўлади.

Ўқиш техникасини ўргатишда турли методлардан фойдаланилади. Уларнинг номлари методик адабиётларда ҳоят хилма-хилдир. Муаллимларда деярли мунозара уйғотмайдиган, аксарият кўпчилик маъқул топадиغان «анализ-синтез» ва «сўзни бутун ҳолича ўқиш» методлари халқаро миқёсда кенг тарқалган. Улардан ташқари «товуш—ҳарф» ва «бўғин» методларидан ҳам фойдаланишади. Уларнинг методик таърифини баён эта-миз.

Фанда маълумки, ёлғиз ҳарфни идрок этиб, унинг товуш билан муносабатини фикран ўрнатиш ўқиш амалига кирмайди. Ўқиганда идрок этилмиш график белгилар нутқнинг маъно ифодаловчи бирлиги сифатида яхлит сўзга фикран бириктирилади. Кўрув-эшитиш-ҳаракат боғланиши вужудга келади. Сўзни бўлинмас birlik тарзида график тимсоли ўқишда анализ-синтез қилинади. Шу билан бир пайтда эса ўқишда талаффуз бирлиги мақомида сўз эмас, балки бўғин гавдаланади.

Айтилганларга асосланиб, бутун сўзни, ҳарфни, бўғинни ўқиш техникаси бирлиги қилиб олиш тавсия этиб келинади. Бироқ улар орасида фарқ борлиги ҳам тадқиқ этилган. Мас. сўзни бутунича ўқиш ўқувчилар ўрганадиган барча лексик birlikларни яккама-якка ўргатишни, яъни уларга 200—300 ва ундан ортиқ марта куч ва вақт сарфлашни талаб этади. Ҳарфни ёлғиз ўқитиш эса ҳар бир сўзни ҳарфлаб ўқишга олиб келади.

Бўғинлаб ўқиш ва айни чоғда товуш-ҳарф таҳлилидан фойдаланиш энг мақбул методдир. Оғзаки нутқни олдин эгаллаш шароитида ўқиш техникасини ўзлаштириш сўзнинг яхлит тимсолидан уни товуш-ҳарф таҳлиliga ва сўнгра синтез қилишга ўтишдир. Бундай ўқиш анализ-синтез методи номи билан муаллимларга таниш.

Инглиз тилини ўргатишда *бўғин методи* (бўғинлаб ўқиш эмас) қўл келади, яъни унли ҳарфларнинг тўрт бўғин турида ўқилиши машқ қилинади.

Ўқиш амалиётидан ташқари ўқилиш қоидалари ҳам бериб борилади. Қоида тақдироти, бир томондан, лексик материал ҳажмига (икки ва ундан ортиқ мисол бўлиши) ва, иккинчидан, ушбу мавҳумот хусусиятига боғлиқ. Мисол учун «е» ҳарфининг сўз охирида ўқилмаслигини бирваракай тушунтириш мумкин.

Агар «с» ҳарфи ўқилишининг қай бирига дуч келинса, шу

тўғрида айтилади, бошқача ўқилиши ҳозирча «сир» тутилади, чунки ҳали ундай сўзни ўқувчи кўрганича йўқ. Сўзнинг ёзма шакли тақдим этилиши биланоқ қоида чиқарилади. Қоидадан мустасно сўзлар яхлит ўқиладиган беради. Тил тизимида муайян қоидага риоя қилувчи сўз якка-ягона ҳолатда ўрганилганида ҳам вақтинча қондасиз ўқиб турилади. Иккинчи мисол нутқда пайдо бўлди дегунча, қондаси умумлаштирилади. Қоида ўқиш техникасини эгаллашни тезлаштирувчи омилдир.

Дастлабки дарсларда (оғзаки илгарилаш шароитида) сўзни бутун ҳолича ўқитиб турилади, қоидага бўйсунувчи мисоллар тўпланиши билан дарров умумлашма ясалади. Қолган барча янги сўзлар ўхшашлик асосида ўқий берилади. Биринчи ўқув йили инглизча ҳарфларнинг алфавитдаги номи эмас, балки товуш-ҳарф мақомида, яъни қайси товушни ифодаласа, шу товуш номи билан ҳарф аталиши қабул қилинган. Кейинчалик алфавитда айтилиши ҳам ўрганилади. (Инглиз тили бўйича аввало қисман транскрипция, яъни сўздаги ҳарфни акс эттирувчи товуш белгиси, кейинчалик тўлиқ сўз транскрипцияси ишлатилиши мумкин.)

Ўқув-методик топшириқлар

1. Ўқиш техникасида амал қиладиган ақлий операцияларни айтиб беринг.
2. Истифодадаги «ўқиш техникаси», «ўқилиш қондаси», «ўқиш механизми» атамаларини таҳлил қилинг.
3. Ўқилиш қоида (мавҳумот)лари юзасидан фикр баён этинг.
4. Ўқиш техникасини ўргатиш методлари ҳақида гапиринг.
5. Мактаб дарсликларидagi ўқиш техникаси машқларини амалда бажаринг.

4-§. Ўқишни ўргатиш машқлари

Илмий манбаларда тавсия этиладиган ва мактаб тажрибасида қўлланадиган машқлар турли жиҳатдан тасниф этилиши мумкин: (1) матн билан ишлаш босқичлари; (2) ўқиш турлари; (3) ўқиш техникаси ва мазмуни билан боғлиқ машқлар.

Биринчи таснифга кўра лексик-грамматик бирликларни ўзлаштириш машқларини бажариш тайёрлов босқичига киради. (VIII ва IX бобларда лексика ва грамматика машқлари келтирилган.)

Матнни ўқиш босқичида эса қуйидаги машқлар бажарилади: 1. Матн мазмуни билан танишиш. 2. Матн абзацини гапма-гап ўқиш. 3. Кейинги абзацдаги ҳикоя қилувчининг грамматик шахсини ўзгартириб ўқиш. 4. Навбатдаги абзацининг феъл замонини ўзгартириб ўқиш. 5. Муаллим матнга мос тушмайдиган жумла айтади, ўқувчи матндан тўғриси топиб ўқийди. 6. Матн мазмунини навбатма-навбат айтиш. 7. Матн мазмуни юзасидан

Ўқувчилар бир-бирлари билан савол-жавоб қиладилар. 8. Матн мазмунини режа асосида гапириб берадилар ва ҳ.к.з.

Матн устида ишлашнинг учинчи босқичида ўзига хос машқлар бажарилади: 1. Яқканутқ ёки жуфтнутқда ушбу матн ва олдин ўтилган материаллардан фойдаланиб гапириш машқ қилинади. 2. Янги УНВ бўйича матндан фойдаланиб гапириш. 3. Жуфтнутқ машқларини бажариш. Матн хусусиятига кўра тушунганликни текшириш машқлари (огзаки ва ёзма) бажарилади.

Иккинчи таснифга биноан ўқувчилар танишув, ўрганув ва қузатув ўқишга оид машқлар бажаришади.

Танишув ўқиш машқларига қуйидагилар кирази: 1. Матннинг умумий мазмунини тушуниб саволларга жавоб бериш. 2. Муаллим матндаги айрим ахборотни атайлаб ўзгартириб айтади, ўқувчилар матндан тўғри маълумотни айтиб беради. 3. Матндан олдинги саволларга жавоб топиш. 4. Муаллим фикрини исботловчи далилларни матндан топиб айтиш ва ҳ. к. з.

Мутолаа (ўрганув ўқиш) даврида матн мазмунини батафсил тушунишга қаратилган машқлар бажарилади: 1. Текстни кўз югуртириб ўқиб чиқиш. 2. Диққат билан мутолаа қилиш. 3. Тушунганликни текшириш учун матннинг айрим жойларини ёки тўлиқ ёзма таржима қилиш. 4. Савол-жавоб машқини бажариш ва ҳ.к.з.

Қузатув ўқиш чоғида бошқа турлардаги ўқишга қўшимча қуйидаги машқлар тавсия қилинади: 1) уч-тўрт дақиқа мобайнида матнда нима ҳақида гап боришини аниқлаш; 2) матндан фалон нарса ҳақидаги жойларни топиб ўқиш; 3) газетадан фалон мақолани топиб ўқиш ва ҳ. к. з.

Учинчи тасниф бўйича ўқиш машқлари икки тоифада бажарилади: (1) тил материални, бошқача айтганда, нутқий фаолият кўрсатиш воситаларини ўзлаштиришга ва (2) матндаги ахборотни фаҳмлаш усулларини эгаллашга мўлжалланган машқлар.

Тил ҳодисаларини ўқиш жараёнида ўрганиш машқлари: 1) сўзни ёзиш (кўрув тимсолини ҳосил қилиш) ва ўқиш; 2) орфографик белгига биноан сўзларни гуруҳлаб ўқиш; 3) ҳарфи тушириб қолдирилган сўзларни тўлдириб ёзиш ва ўқиш; 4) диктантлар ёзиш ва ўқиш; 5) муайян ҳарфни ўз ичига олган қатор сўзларни ўқиш; 6) фалон товушли сўзларни ўқиш; 7) қисқа ва чўзиқ унли иштирокидаги сўзларни ўқиш; 8) қиёсланган сўзлар устунини ўқиш; 9) бир қондага риоя қиладиган таниш ва нотаниш сўзларни ўқиш; 10) сўз бирикмаларини ўқиш; 10) сўз бирикмаларини ўқиш; 11) гапларни ўқиш; 12) микро-текстни ўқиш ва ҳ.к.з.

Графемалар (ҳарф ва ҳарф бирикмалари)ни, сўз, сўз бирикмалари, гап, микро-текстни синф доскасидан, дафтар ёки китобдан ва тарқатма материалдан ўқиш мумкин.

Ўқишдан ахборот олиш машқлари: 1) матннинг фалон тарафини ажратиш (асосий ғоясини, бирон тафсилотини, муайян

фактни топиб ўқиш); 2) фалон масалаларни ёритадиган ўринларни топиш; 3) воқеалар (қаҳрамонлар) орасидаги боғланишни очиш мақсадида ўқиш; 4) мавзунинг ибтидоси ва интиҳосини аниқлаш учун ўқиш; 5) ўқилган жойини шарҳлаш; 6) яширин мазмун подтекстни фаҳмлаш ва бошқалар.

Тегишли сўзларни топиш, феъл.замонини аниқлаш, таянч жумлаларни белгилаш, сўз ва жумлаларни алмаштириш, бир неча жумлани бириктириш сингари тил материалига доир машқлар ҳам бажарилади.

Нутқий машқларда ашёвий кўргазмалилик, сюжетли расмлар фланелеграф кабилардан кенг фойдаланиш мумкин.

Хуллас, ўқишни ўргатишда лисоний (лексик, грамматик, талаффузга оид) кўникмаларни ҳосил қилиш машқлари ва нутқ малакалари (ўқиш, тинглаш, гапириш, ёзув)ни ўстириш машқлари бажарилади (2- ва 3-§ ларга қаранг).

Уқув-методик топишириқлар

1. Ўқишни ўргатиш машқлари таснифи ҳақида мулоҳаза юритинг.

2. Учала таснифнинг фарқини таҳлил этинг.

3. Мактаб дарслигидаги ўқиш техникаси ва тексти ўқиш машқларини амалда бажаринг.

XIV б о б. ЁЗУВНИ ЎРГАТИШ

Ёзув нутқ фаолиятининг тури ва малака сифатида

Мактабда ўрганиладиган чет тилдаги нутқ фаолияти турлари (ганириш, тинглаб тушуниш, ўқиш)дан ёзувнинг фарқи, унинг тил ўрганишда тутган мавқеи бўлиб, у ўқитиш мақсади мақомига эга эмас, балки таълим воситасидир («мақсад» ва «восита» атамалари ҳақида III бобнинг «Чет тил ўқитишнинг амалий мақсади» мавзусида тегишли маълумотлар берилди).

Барча нутқ фаолияти турлари ва нутқий малакалар қаторида тенг ҳуқуқли бўлган «ёзув» тушунчаси қамровини ташкил этадиган семантик доирасини очиб берамиз. Аввалан, «ёзмоқ»/ (туркийча ўзак)дан олинган «ёзув», «ёзиш», «ёзма» атамалари изоҳ-талаб қилади. Иккинчи тоифада «ёзма нутқ», «ёзма мулоқот», «ёзиш техникаси», «ёзма машқ», «ёзма иш», «ёзув кўникмаси/малакаси» ва юнонча («ёзув-чизув»ни ифодалайдиган, «графика», «графема», «каллиграфия», «орфография» ҳамда лотинча (dictare — ёзиш учун айтиш) «диктант», арабчадан кирган «баён», «иншо» сингари атамалар учрайди. Учинчи масала «ҳарф» билан боғлиқ (ҳарфий тимсол, ҳарф бирикмаси, диграф, алфавит, алифбе каби) атамаларни акс эттиради.

Маълумки, ўзбек мактабларида чет тил ўқитиш методикасига оид аксарият атамалар турли сабабларга кўра рус тилидаги адабий манбалардан ўзлаштирилган. Айни чоғда русча айрим атамаларнинг аслиятда чалкаш ҳолда шаклланганлигини била-

миз. Мас. письмо — 1) ёзув; 2) ёзма нутқ; 3) ёзиш; 4) хат, мактуб. Қўриниб турибдики, бир атама бир неча маънода қўлланади, шундай экан, ўзбекчага ҳам бу ҳол номаъқул таъсир қилган (полисемия табиий ҳодиса, лекин атама, одатда, бир маъноли бўлиши шарт).

Ёзувни ўргатишга доир рўйхатда қайд этилган атамаларни методика нуқтаи назаридан умумлаштириб таҳлил қиламиз. Чет тилда ёзув деганда, ушбу тил воситалари қўлланиб, ёзма шаклда фикр баён этиш тушунилади.

Ёзма нутқда қўлланадиган лисоний воситаларни, биринчидан, графемалар ва ёзма шаклдаги лексик ва грамматик бирликлар ташкил этса, иккинчидан, уларнинг қўлланиши (ёзилиши) ёзма нутқнинг ёзиш техникаси саналади. Демак, график воситалар ва уларнинг техникавий жараёни ҳақида сўз юритилди. Материал ва уни қўллаш тушунилмоқда. Ёзиш техникасидан фойдаланиб, фикрни чет тилда ёзма баён этилса, ёзма мулоқот юз беради.

АҚШ чет тиллар ўқитиш методикасининг атоқли намоёндаларидан Ҳарвард университети профессори Уильга М. Риверс фикрича, саводли бўлиш — ўқиш ва ёзувни билиш, деган маънони англатади¹. Ўқиш ва ёзув ёзма нутқнинг икки «палласи» дир, биринчисда ёзилган материал ўқилади, иккинчисда эса одатда ўқишда ўзлаштириладиган фикр ёзма изҳор этилади. Ахборотни ёзма баён этиш икки йўл билан рўёбга чиқарилади: чунончи (1) ўз фикрини ёзиш ва (2) айтиб (ўқиб) турилган ўзга шахс нутқини ёзувда ифодалаш. Ҳар иккала ҳолатда ҳам ёзма матн яратилади.

Ушбу боб номида истифода этилган «Ёзувни ўргатиш» атамаси икки тушунчани ифодалайди, яъни (1) ёзиш техникасини ва (2) ёзма нутқни (фикрни ёзма баён этишни) ўргатиш маъноларида келган. Ёзиш техникаси деганда, графика (товуш-ҳарф муносабати ва ҳарфнинг маъно билдириш вазифаси), каллиграфия (хуснихат), орфография (имло) назарда тутилади. Ёзма нутқ атамаси эса график тарзда ифодаланган ахборот ва нутқ мулоқоти жараёни маъноларини қамраб олади.

Графика ўқиш ва ёзиш техникаси тушунчалари билан чамбарчас боғлиқ. Ҳарф-товуш муносабати кўзда тутилади.

Хуснихат тушунчаси таркибига товуш ва товуш бирикмаларини ёзувда тасвирлайдиган ёзув-чизув воситалари мажмуаси (ҳарфлар, ҳарф бирикмалари, ҳарф усти ва ости белгилари) киради. Имло — сўзларни (гапларни) ёзиш ва уларга доир қоидалар йиғиндисидир.

Хуснихат ҳарф, ҳарф бирикмаси, сўз асосида, имло эса морфема, сўз (гап) даражасида, ёзма нутқ эса гап, абзац ва боғланма матн материалларида ўргатилади.

¹ Wilga M. Rivers, Teaching Foreign Language Skills. 2nd ed. — Chicago and London: The University of Chicago Press, 1981, p. 291. (Вашингтон шаҳрида муҳтарам методист билан 1990 йил 23 июлда бўлган суҳбатимизда мазкур соҳада атрофлича фикр алмашдик).

Ёзма нутқ бошқа репродуктив нутқ фаолияти тури — гапириш заминда, яъни унинг лисоний материали ва мавзулари доирасида шаклланади. Ёзма нутқ тегишли хусусий малакаларга асосланади. Ёзув (яъни ёзма нутқ) малакалари қуйидаги кўникмалардан ташкил топади: (1) ҳуснихат кўникмаси; (2) имло кўникмаси; (3) тузиш (ёзма фикр баён этиш мақсадида гапларни бириктириш) кўникмаси; (4) ёзувнинг лексик ва грамматик кўникмалари кабилар.

1-§. Ёзувнинг тилшунослик ва руҳшунослик масалалари

Чет тил ўқитиш методикаси ёзув ҳақидаги маълумотларни яқин фанлар тўплаган илмий ютуқлардан ўрганади ва амалда ижодий татбиқ этади. Тилшунослик тилни система мақомида, руҳшунослик уни фаолият ва малака сифатида текширади.

Тилшунослик тадқиқотларига биноан график тизимдаги белгилар турли информатив вазифаларни ўтайди. Бу тизимнинг энг кичик бирлиги — графемалар ва орфографик белги (апостроф, дефис (чизиқча), ҳарф усти ва ости белгиси каби)лардан иборат бўлиб, ёзма нутқнинг шаклий тарафлари фарқлашга хизмат қилади. График тизимнинг катта бирлиги — морфема ва лексема эса нутқий ҳосиланинг мазмун томонини ифодалашда иштирок этади. Графема қўлҳаракат механизми туфайли яратилади ва қўрув канали орқали идрок этилади. Нутқ оқимида графема ўрнига кўра (бош ва кичик ҳарфлар), ёнидаги ҳарфлар билан муносабати туфайли (сўз боши ва ўртасида келиши), ёзилиш хусусиятига қараб (дастхат, босма ва машинка ёзуви ҳарфлари) ўзининг аллографлари (вариантлари)га эга бўладилар. Графемаларнинг сифати жиҳатидан қуйидаги тоифалари мавжуд: (1) сигментга оид графема (ҳарф, ҳарф бирикмаси), (2) морфемали графема (ўзак, қўшимча, олд қўшимча, флексия), (3) чегарадаги графема (сўзнинг бирикиши оралиғида) ва (4) суперсегмент графема (тиниш белгилари) кабилар.

Ёзиш техникаси назарияда уч таркибли бўлгани билан, амалиётда улар яхлитлик касб этади. Муаллим уларнинг ҳар биридаги мавжуд қийинчиликларни тилшунослик маълумотлари ёрдамида билиб олади. Қийинчилик тафовут ҳосиласидир. (Хато эса қийинчилик оқибатидир.)

Товуш-ҳарф муносабати. Инглиз, испан, немис, француз тиллари товуш-ҳарф боғланиши ўқувчилар она тилисидагидан фарқ қилиши ҳолларига дуч келамиз:

(1) товуш билан ҳарф миқдорининг мос келмаслиги (чет тилда бир товушга иккита (диграф) ва уч (баъзан ундан ҳам кўп) ҳарф тўғри келади, она тилида, «нг»дан ташқари, бу ҳодиса йўқ);

(2) ҳарфнинг турлича ўқилиши. Чет тилдаги ундош (мас. «с») ўрнига қараб, ҳар хил товушни ифодалайди;

(3) ҳарфларнинг бир нечаси битта товушни ифодалаш (мас. [k] товушини с, к, қ ҳарфлари орқали белгиланиши);

(4) баъзи ҳарфлар чет тилда ўқилмайди (шартли «соқов» ҳарф дейилади).

Товуш-ҳарф муносабати юзасидан вужудга келадиган қийинчиликлар олдини олиш учун ўзига хос машқлар бажариш тавсия этилади.

Хусниҳатни ўрганишда ўқувчилар она тилидаги тажрибаларидан самарали фойдаланишлари мумкин. Ўқувчи ёзиш чоғида тўғри ўтиришни, қўл, бармоқ ва тирсак ҳолатини, дафтарни қандай ушлаш кабиларни билади. Қатор ҳарфларнинг ёзилиши (мас. е, о, с кабилар) ўқувчиларга ҳеч қийинчилик туғдирмайди.

Ўқувчилар она тилисидаги ёзиш кўникмаси чет тил ўрганишда халақит бериши (интерференция) ҳам мумкин. Мас. босма ҳарф ўхшаш, унинг ёзма шакли кескин фарқ қилади ёки қисман ўхшаш ҳарфлар, бутунлай тафовут қиладиган ҳарфлар ва ҳ. к. з.

Имлони ўргатиш учун муаллим унинг тилшуносликдаги маълум мезонларини билиши зарур.

(1) **фонетик мезон:** сўз ёзилиши ифодалаётган товушга мос келади (инг. pen; исп. dama; нем. kurz; фр. trou);

(2) **морфологик мезон:** фонетик ҳолатига қарамай сўзнинг маъно ифодаловчи қисми (олд қўшимча, ўзак, суффикс) ёзилишида ўзгаришсиз қолади (мас. нем. Hand сўзида охириги ҳарф [t] ўқилса-да, ёзилиши ўзгармайди);

(3) **анъанавий (тарихий) мезон:** фонетик ва морфологик имло қондасига бўйсунмайди, тарихан қабул қилинган тарзда ёзилаверади (ингл. door; нем. vier; фр. aube);

(4) **иероглиф (идеография) мезони:** айтилишда бир хил (омофон) сўзлар ёзилишда ўзгача қиёфага эга бўлади (инг. here—hear; нем. Saite—Seite; фр. tant—temps).

Имло мезонларига биноан ёзиш техникаси қийинчиликлари меъри аниқланади. Фонетик имло осон ҳисобланади (кўпроқ испан тилида), қийинроғи анъанавий имлода ёзиш (инглиз ва француз тилларида). Морфема қисмларига эътибор бериладиган морфологик мезонга немис тили тўғри келади. Ёзув жараёнининг руҳшуносликда таҳлил этиладиган хусусиятларидан муаллим хабардор бўлиши керак. Таълимий руҳшунослик фанида маълумки, ёзув механизми ҳарфлардан сўз ҳосил қилиш ва улардан гап тузиш демакдир (Н. И. Жинкиннинг илмий хулосаси).

Руҳшуносликдаги фаолият назарияси бўйича ёзув (гапиришга ўхшаб) фикрни шакллантириш ва ифодалаш усулидир. Бунда тил белгилари қўлланади. Улар бош мия қобигида юз берадиган нерв боғланишларида тамғаланган тимсоллар тарзида «сақланади». Мазкур нутқ фаолияти турида кўрув ва қўлҳаракат тимсоллари эшитиш ва нутқҳаракатга оидлари билан биргаликда амал қилади. Кўрув-график ва қўлҳаракат тимсоллари мувозий тарзда ёзиш билан машғул қўлнинг ҳаракат механизми томонидан бошқарилади. Сўзнинг имловий тимсоли эса ёза-

ётган қўлнинг ҳаракат механизмида эмас, балки нутқии механизмида тамғаланади.

Ёзув, руҳшунослар таъбирича, алфавитдаги ҳарфларнинг график жиҳатдан тўғри тасвирини (ҳарфий тимсолни) тушириш, яъни маъносини унинг товуш, график (ҳарфий) ва ҳаракат тимсоллари билан фикран боғлаб, товуш ва товуш бирикмаларини ҳарф ва ҳарф бирикмаларига «ўтказиш» демакдир. Иккинчидан, сўз, сўз бирикмаси ва тиниш белгиларни имло жиҳатдан тўғри ёзиш лозим. Учинчидан, ёзма шаклда фикр изҳор қила олиш керак. Демак, ёзувни ўргатишда товуш, ҳарф, бўғин, сўз, сўз бирикмаси, гап, абзац ва ёзма ахборот устида иш олиб борилади.

Иштирок этадиган ақлий операциялар миқдори жиҳатидан ёзув гапиришга нисбатан мураккаб нутқ фаолияти туридир. Ёзаётган шахс ўзининг ва бошқаларнинг фикрини ёзма баён этади.

Психолингвистика маълумотларида «код» атамаси ҳар қандамда учрайди (Бу ҳақда «Ўқишни ўргатиш» бобида ҳам сўз юритилган). График кодни ишга туширишда қуйидаги операциялар амал қилади: (1) товушни тасаввур этиш (ўқувчи ёдлаган материални ёзиш чоғида), ёки товушни **идрок** этиш (айтиб туриб ёздирish пайтида), ёки товуш тасаввурига боғлиқ товуш идроки (китобдан текстни кўчиришда); (2) ушбу тасаввур ва идрок билан муайян графемалар боғланишини ўргатиш; (3) ёзишда амалдаги ички нутқ билан боғланган ҳаракатни бажариш. Операцияларда иштирок қиладиган кўрув ва ҳаракат анализаторлари кўзга ташланиб турса, товуш ва эшитиш анализаторлари пинхоний ва кучсиз равишда амал қилади.

Ёзув мураккаб психофизиологик фаолият бўлиб, унда нутқ анализаторларининг ҳаммаси иштирок этади.

Гапириш механизмлари ёзувда ҳам амал қилади. Ёзувда маъно, товуш тимсоли ва ҳарфий тимсол ўзаро боғланади. Маълумки, маъно ва товуш тимсоли гапиришда амал қилади, ёзувда уларга ҳарфий тимсол қўшилади. График тимсол ўзлаштирила бориб, нутқ (яъни ёзув) кўрув анализатори назоратига ўтади ((гапириш эса эшитиш анализаторига тобе бўлади). Ички нутқ тезлигидан ёзув суръати секинроқ кечади (гапиришда эса айни чоғда ички нутқ амал қилади).

Келтирилган илмий мулоҳазаларга асосланиб, аввал оғзаки, кейин ёзма нутқ ўргатилади. Гапиришда аудиотекст, ёзувда график текст яратилади.

Уқув-методик топшириқлар .

1. Ёзувнинг техника томони — товуш-ҳарф муносабати, ҳуснихат ва имло ҳақида билганингизни айтинг.
2. Ёзувга оид қуйидаги атамаларни муҳокама қилинг: ёзув, ёзиш, графика, графема, орфография, каллиграфия.
3. Имло мезонларини айтинг ва уларни таҳлил қилинг.

Ўргатиш объекти қилиб, товуш-ҳарф муносабати, ҳарфлар, имло сингари тил ҳодисалари танланади, улар, таъкидлаб ўтилганидек, ёзувнинг техника жиҳатидир. Ёзиш техникаси (техникавий кўникмалар) асосида ёзма фикр баён этилади — нутқий малакалар ҳосил қилинади.

Мактабда ўргатиладиган Ғарбий Оврупо тиллари лотин графикасидан фойдаланади. Ўзбек тилида кириллица ёзуви қўлланади. Иккала графиканинг кескин тафовутлари ва қисман ўхшашликларини ҳисобга олиб, ёзиш техникасини ўргатишга киришилади (ўзбек тили лотиний ёзувга ўтганда, бу муаммолар қайта кўриб чиқилади).

Товуш-ҳарф муносабатларидаги қийинчилик даражасига қараб, уларни ёзувда (ва ўқишда) ўзлаштириш тартиботи белгиланади. Мас. товуш ва ҳарф мувофиқ келса ва она тили билан чалкаштириш кузатилмаса, эшитув-товуш идроки, кўрув тасаввури ва ёзиш амаллари орқали графика нисбатан осон ўрганилади (Д. Н. Богоявленский тавсияси). Бир товуш бир неча ҳарф орқали ифодаланиши ёки бир ҳарф бирдан ортиқ товушни билдириши мушкул вазият ҳисобланади: товуш-ҳарф ёки бўғин таҳлили ёрдамида ўргатишга мажбур бўламиз. Таҳлил, бу ўринда, чуқур назарий мулоҳазалар юритиш эмас, балки ушбу ҳодисага хос хусусиятни содда тилда айтишдир. Агар транскрипция (товушнинг ёзувдаги белгиси) киритилган бўлса, ундан меъёрида фойдаланиш мумкин. Ўқишиш қондасини намоиш этувчи мисоллар кифоя қилса, мавҳумот умумлаштирилади. Ҳарфларнинг алфавитдаги номи ўрганилиши сўзни оғзаки ҳарфлаб айтиш (*инг.* spelling, *нем.* buchstabieren, *фр.* épellation) машқини бажаришга замин тайёрлайди.

Бош ва кичик ҳарфларни чалкаштирмаслик мақсадида инглиз тили бўйича уларни замон ва маконда ажратиб ўргатиш тажрибаси ўзини оқлаган. Ёзма ва босма ҳарфлар эса дарсда мувозий тарзда берилади. Қирқма алфавитдан мўл фойдаланиш дастлабки босқичда самарали натижалар беради.

Ўқувчи тил тажрибасини ҳисобга олиб, чет тилда ҳуснихат ўргатилади. Ҳарфлар ёзилиши дарсликда кўрсатилган йўсинда ўрганилади. Қийин ўзлаштириладиган ҳарфларни синф доҳаси ва ўқувчилар дафтарларида бўлиб-бўлиб ёзиб кўрсатилади. Кўргазмали қуролни намоиш этишнинг ўзи кифоя қилмайди. Чиройли ва тўғри ёзишни муаллим амалда ёзиб кўрсатгани маъқул. Бинобарин, ёзишни ўргатувчининг хаттотлик маҳорати, ҳатто санъати (мусулмон дунёсида тарқалган ижодий фаолият) юксак бўлмоғи керак.

Имлони ўрганиш янада муҳим ўқув вазифасидир. Оғзаки нутқда ўзлаштирилган сўзларнинг ёзилиши орфографик (имло) минимум(и)ни ташкил этади. Фақат ўқиш ва тинглашдагина учрайдиган лексика имло минимумига кирмайди. Демак, мактабда ўрганилиши барча лексик-грамматик ҳодисаларнинг ор-

фограммалари (имло бирликлари¹)ни ёзиш шарт эмас, яъни имло минимумига риоя қилинади, холос. Орфографик ҳодисаларга онд қоидалар алоҳида эътибор талаб этади. Қоидалар моҳиятида, худди грамматика ва ўқиш техникасида бўлганидек, амалий йўналганлик мезони ҳукм суради. Қоидага тушмайдиган имло бирлиги (орфограмма) (мас. ингл. eight, age, you кабилар)ни идеограмма (яхлит бирлик) тарзида ёзилиши ўрганилади.

Орфографик бирликларнинг она тили ва чет тилда муқоясаси оқибатида ўқувчи учун осон/қийин имло бирликлари аниқланади, ҳар қайси бирликка оз-кўп вақт ва куч сарфланади ҳамда машқлар белгиланади.²

Инглиз тили орфографияси жуда мураккабдир, чунки у ўзининг узоқ тарихи (VI—XX асрлар) давомида бошқа тиллардан кўплаб сўзларни ўзлаштирган. Бу сўзларнинг аксарияти ўз талаффуз ва ёзув меъёрини сақлаб қолган, баъзилари эса инглиз тили талаффуз қоидасига биноан ўзгарган. Инглиз тили имло бирликларини ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаларига кўра³ уч турга бўлиш мумкин: 1) қийинчилиги камроқ имло бирликлари; 2) ўртача қийинчилик туғдирадиган бирликлар; 3) ўта қийин имло бирликлари.

Биринчи тоифага инглиз имлосининг кўп ҳодисалари, чунончи, отларда кўплик соннинг одатий ясалиши, ҳозирги ноаниқ замонда феълнинг 3-шахс бирлик шакли, сифат даражалари ва ҳ.к.з.

Ўртача қийин имло бирликлари сирасига қуйидагилар киради: бир бўғинли сўзлар (*ингл.* pen, desk, map), сўзларнинг бош ҳарф билан ёзилиши (English, Russian, Uzbek, TV), ҳафта кунлари ва ойлар номлари ва инглиз реалийлари (Monday, March, O. K., M.), кўча номларининг (Usmon Nosir Street, Visol Street) ёзилиши.

Учинчи — ўта қийин имло бирликлари қаторига бир қанча ҳодисалар жамланади, жумладан: омонимлар (ингл. sea—see, meat—meet, week—weak, knew—knew), бир фонеманинг бирдан ортиқ графемалар ёрдамида ифодаланиши [s]—receive, cinema; say, most; [i:] — me, Pete; teacher; street); отларда кўплик соннинг қоидадан мустасно ҳоллари (man—men, woman—women; child—children, sheep—sheep); герундийнинг ясалишида ундош ҳарфнинг геминацияси (иккиланиши) ҳодисаси (sit—

¹ «имло бирлиги» қамровига киради: ҳарф, ҳарф бирикмаси, сўз, сўз ясаш унсури, шакл ясаш унсури, гап тузилиш шакли, сўзнинг ички ўзгариши ва ўзгармаслиги кабилар. Қаранг: Д. Д. Джалалов. Проблемы содержания обучения иностранному языку. — Ташкент: Фан, 1987, 100-бет.

² Ушбу илмий-методик маълумот инглиз ва немис тили муаляимаси Манзура Тўраева (Тошкент вилояти Янги йўл туманида) ва француз тили муаллими Ҳаким Расулов (Фарғона вилояти Данғара туманида) илгор иш тажрибаларида синондан ўтказилган.

-sitting, begin—beginning); сўз бошидаги ундош ҳарфнинг ўқилмаслиги (know; write; hour; who).

Биринчи турдаги ҳодисалар морфологик, иккинчиси фонетик ва учинчиси эса тарихий (анъанавий) ёзилиш мезони бўйича ўргатилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Морфологик принцип бўйича ёзиладиган имло бирликларига асосан қоидалар ёрдам беради. Фонетик принципга биноан ёзиладиган орфографик бирликлар учун эса кўриш ва эшитиш машқлари кўпроқ қўлланилади. Анъанавий ёзиладиган бирликлар учун эслаб қолиш ва кўриш қобилияти ривожлантирилиши зарур.

Ёзма нутқни ўргатишда ёзув материали, ёзув таълим воситаси эканлиги, ёзма ишлар каби масалалар ҳал этилади. Ўқувчиларнинг ўзлаштирган тил материали ва оғзаки нутқ мавзулари асосида ёзма фикр баён этишлари амалда татбиқ қилинган. Юқори синфлар тил материали ва ўқиш мавзуларини қўллаб ўқувчилар ёзма нутқ бажармайдилар. Ёзув тил материални пухта ўзлаштириш, оғзаки нутқ ва ўқиш малакаларини ўстириш ҳамда ўқув материалининг ўзлаштириш даражасини текшириш воситаси сифатида намоён бўлади. Ёзма ишларни бажариш оқибатида ўқувчилар чет мамлакатдаги тенгдошларига хат ёза олиш малакасини эгаллайдилар.

Ўқув-методик топшириқлар

1. Ёзиш техникаси таркибига кирувчи ҳодисаларни ўргатиш хусусиятларини бирин-кетин гапиринг.
2. Имло қийинчиликларига ўрганилаётган чет тилдан мисоллар топинг.
3. Мактаб дарсликларидаги ёзув материалининг осон ва қийин ўзлаштириладиган тоифаларига мисоллар келтиринг.
4. Ёзма нутқни восита сифатида ўрганиш оқибатида ўқувчилар эришадиган натижани муҳокама қилинг.

3-§. Ёзувни ўргатиш машқлари

Ёзма машқлар тушунчаси доирасига ўқувчилар синфда ва уйда бажарадиган барча ёзма ишлар киради. Ёзма машқ деганда, ёзув (ёзма ишда фикр баён этиш) ва ёзиш (товуш кодини график белгига ўтказиш) амаллари англашилади. Биринчисида ёзма нутқ мулоқоти, яъни ўзининг ва ўзга шахснинг фикрини ёзма шаклда кимгадир етказиш, иккинчисида эса ёзиш техникаси (товуш-ҳарф, ҳуснихат, имло) машқлари назарда тутилади.

Методик адабиёт саҳифаларида ёзма машқлар қатор мезонларга кўра таснифланади¹: (1) вазифасига кўра — тайёрлов ва асосий («нутқий» маъносида Ж. Ж.); (2) нутқ фаолияти-

¹ Б. А. Лapidус. Интенсификация процесса обучения иностранной речи (Пути и приёмы). — М.: Высшая школа, 1970.

нинг хусусиятига қараб — рецептив ва репродуктив; (3) ўқув амаллари жиҳатидан — тил структураларини нутқда тақлидан қўллаш, ўзгартириш, бириктириш; (4) тил материалига муносабат юзасидан — нутқда аниқ бир мақсадда ва турли мақсадларда қўллаш. Ушбу ёзма машқлар яна кичик турларга ажратилиши мумкин.

Ёзувни ўқитишга бағишланган методик манбаларда машқларнинг умумий таснифи (Е. И. Пассов) ҳам келтирилади. (1) кўчириш; (2) эшитиб ёзиш (имло диктанти); (3) эркин ва ижодий диктант (фикр баён этиш); (4) чинакам ёзув машқи (хат, деворий матбуотга мақола ёзиш, бирор ҳодисани тасвирлаш); (5) ўйин-машқ (кроссворд, чайнворд, топишмоқ); (6) ҳикоя (матн)нинг режасини тузиш; (7) ўқиган матннинг мухтасар баёни (аннотацияси)ни тайёрлаш.

Ёзма машқларнинг мавжуд таснифларини умумлаштириб, амалий қулайлик нуқтаи назаридан ёзиш ва ёзма нутқ машқлари сифатида тавсия этилади ва уларга намуналар келтирилади.

Ёзиш машқлари: фалон товушни ифодаловчи ҳарфларни ёзиш; матндан фалон товуш-ҳарф муносабатини намоёйиш қилувчи сўзларни кўчириш; матнни кўчириб, ундаги товуш ва ҳарф миқдори мос келмайдиган сўзларнинг тагига чизиш; матндаги сўзлар таркибида учрайдиган ўқилиш қоидаларини гуруҳлаш (мас. ўқилмайдиган ҳарфли сўзлар, ҳарф бирикмали сўзлар, товуш-ҳарф миқдори тўғри келадиган сўзлар ва ҳ. к. з.); бир товуш бир неча ҳарф ва ҳарф бирикмалари орқали берилишига матндан мисоллар топиш; ўхшаш морфемали сўзларни матндан кўчириш; фалон товушни ўз ичига оладиган сўзларни (қирқма алфавитдан фойдаланиб) тузиш.

Диктант ёзиш

Мактаб шароитида қуйидаги диктант турлари ўтказилади: эшитув, кўрув, кўрув-эшитув, огоҳлантирувчи диктантлар.

Эшитув диктантида олдин ўрганилган материал айтиб туриб ёздрилади. Унда товуш-ҳарф муносабати мустаҳкамланади.

Кўрув диктантида синф доскасида ёзилган гаплар ўқилади, улар ўчирилади. Сўнгра муаллим айтиб туради. Ёддан ёзишади.

Ҳар иккала диктант хусусиятини ўзида мужассамлаштирган кўрув-эшитув диктанти чоғида бир йўла синф доскаси ва дафтарларга ёзиб борилади.

Ўқувчилар дафтарларидаги ёзувларини солиштиришади ва хатоларини тўғрилаб, таҳлил қилишади.

Огоҳлантирувчи диктант ўтказишда муаллим аввало қийин орфограммаларни синф доскасига ёзиб тушунтиради, ўчиради, сўнгра, уларни айтиб туриб ёздирди.

Булардан ташқари яна ёд олинган материал (парча, шеър) ни мустақил ёзиш диктанти амалда қўлланади.

Имлоси қийин сўзларни ўқувчилар, одатда, ўзларига «қулай қойдалар» ёрдамида ўқиб-ёзадилар. Методистлар экспериментлари ушбу ўқиш-ёзишни тартибга солиб, амалда истифода қилишни тавсия этишган¹. Қийин имлоли сўзларни орфографик айтиш/ўқиш орқали ўрганилади.

Техникавий машқлар орасида ҳуснихатни ўргатишга доирлари ҳам бажарилади: қўл ҳаракатини ўрганиш; намунага биноан ҳарф қисмларини ёзиш; ҳарфни бир неча қатор ёзиш; маъни (парчани) чиройли қилиб кўчириш; аралаш берилган ҳарфларни жуфтлари билан ёзиш; босма ҳарфнинг ёзма шаклини ёзиш; босма матнни ҳарфлар билан кўчириш ва ҳ. к. з.

Ёзиш техникаси машқларини бажаришда кўчириш, тагига чизиш, тўлдириш, таснифлаш (гуруҳларга ажратиш), таҳлил, хатоларни тузатиш каби иш турлари ўрни билан кенг қўлланилади.

Имло машқларини керагида содда қойдалар кўмагида ўтказиш ҳам яхши самара беради. Имло кўникмасининг шаклланиши ёзма нутқ муваффақияти гаровидир.

Ўқувчилар маълум даражада техникавий кўникмани ва тил материални (лисоний кўникмаларни) эгаллагандан сўнг ёзма нутқ машқларини бажара бошлашади.

Ёзма нутқ машқлари

Нутқ машқларига қуйидагилар киради: баён, ҳикоя, тасвир, иншо, хат (мактуб) ёзиш. Аввал тингланган ва ўқилган мазмунан боғланма жумлалар гуруҳини ёддан ёзиш ёзма нутқ машқларини бажаришда дастлабки қадам ҳисобланади.

Ўқилган матнни қисқартириш, яъни асосий мазмунни ифодаловчи таянч жумлаларни ажратиш ва шу жумлаларни ички қисқартириш навбатда бажариладиган ёзма нутқ машқларидандир.

Энди ўқувчиларга қисқартириш билан бирга матннинг шаклини ўзгартириш тавсия қилинади. Матн мазмунини сақлаган ҳолда ўзгача жумлалар билан ёзма баён этишга ўргана бошлашади.

Ўзгартириш механизмни эгаллаш ва матн мазмунини «ўз сўзлари билан» ёзиш орқали баён машқини бажаришга ўтилади. Баён ёзиш тегишли тайёргарлик ишларини талаб этади: зарур нутқ намуналарини танлаш, матнни қисмларга ажратиш ва уларнинг мазмунини таҳлил этиш ва кетма-кетлигини аниқлаш каби машқлар бажарилади.

Ниҳоят, ўқилган ёки тингланган матн мазмунига суяниб, хат (мактуб), деворий матбуотга мақола кабиларни ёзма тайёрлаш машқ қилинади.

Ушбу тадбирлар оқибатида энг мураккаб иш турларидан иншонни машқ қилишга ўтилади. Чет тиллар бўйича «инино»

¹ В. М. Плахотник. Обучение орфографии трудных слов в английском языке. — ИЯШ, 1978, № 1, 90—92-бетлар.

шартли тушунилмоғи керак. Том маъноси билан иншо фақат она тилида машқ қилинади. Юқори синфларда муайян мавзу юзасидан ўз фикрини (муносабатини) ёзма билдириш машқи сифатида иншо оғзаки ўрганилган нутқ мавзуси ва тил материали асосида ёзилади.

Ёзма нутқ машқларини бажаришнинг юксак даражасида хат (мактуб) ёзилади. Ўқувчилар турмуши билан боғлиқ мазмунда хат ёзиш ҳақида гап боради. Ўқувчилар хат ёзишлари учун уларга муаллим қуйидагиларни ўргатади: хатнинг мазмуини аниқлаш; муайян нутқ намуналари ва лексик бирликларни танлаш; хатни тўғри расмийлаштириш.

Хатнинг мазмуни деганда, ўқувчилар оғзаки нутқ юритадиган мавзулар доирасида ёзма фикр билдириш тушунилади. Ўқувчи ўзи ҳақида, мактаби, оиласи, шаҳри/қишлоғи, жумҳурияти (ватани) тўғрисида ёзади.

Нутқ намуналари ва лексикани танлашда эпистоляр (мактубий) шаклдаги, ёзувга хос нутқий муомала ифодаси, табрик, миннатдорчилик билдириш, хатни яқунлаш кабиларга доир жумла ва сўзларни дафтарга ёзиб бориш зарур.

Хатни расмийлаштириш бобида унинг ёзилган куни, мурожаат шакли, имзо чекиш, манзилгоҳни ёзиш сингари ишлар назарда тутилади. (Синфда хат намунасини кўринадиган жойга қўйиш зарурияти туғилади.)

Ёзиш ва ёзма нутқ бўйича амалда жорий машқлардан намуналар келтирилди, холос. Ҳар бир синфда шароитга қараб, ўқувчилар кўникма ва малакаларининг ривожланиш даражасини ҳисобга олиб, ёзув машқларини бажаришнинг хусусий тартиботи белгиланади.

Ўқув-методик топшириқлар

1. Ёзувни ўргатиш машқларининг таснифланишини айтиб беринг.

2. Ёзув, ёзиш, ёзма (ёзма иш, ёзма машқ, ёзма шакл, ёзма нутқ), ёзилиш каби атамалар ифодаладиган методик тушунчаларни таҳлил қилинг.

3. Ёзиш ва ёзма нутқ машқлари турларидан намуналар келтиринг.

4. Мактаб дарсликларида берилган ёзувни ўргатиш машқларидан айримларини бажаринг.

XV б о б. НУТҚ КўНИКМА ВА МАЛАКАЛАРИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

Назоратнинг моҳияти

Сўзлашув тилида кенг истеъмол қилинадиган ноатама «назорат» сўзининг маъноси «ишнинг/нарсанинг аҳволи, бориши, кишининг юриш-туришини кузатиш, текшириш, тафтиш» демакдир. Бундай текширувдан иш/ҳодисани ижобий ўзгартириш ку-

тилади. Демак, оқибат — айблаш ёки хато топши эмас, балки текширув замирида камчиликларни бартараф қилиш, хатони тузатиш, ишни йўлга қўйиш сингари эзгу ниятлар ётади. Минг афсуски, текшириш (контрол) сўзи жамиятда салбий тушунча қўзғайдиган бўлиб қолган.

Атамалардан «текширув», «назорат», «контрол» маънодошлик касб ётади. Улар орасида «назорат» тушунчаси доираси кенгроқдир, «текширув»да озгина салбийлик бордек.

Чет тил ўргатиш жараёнида назорат олиб бориш учун уни ўтказиш методикасини эгаллаш зарур. Нимани, нима учун ва қандай қилиб текширилади ва назорат натижаси қандай ўлчади, деган муаммоларни методик таҳлил қиламиз.

Маълумки, чет тил амалий мақсадда ўқитилади ва нутқ фаолиятини эгаллаш учун унинг техникавий ва лисоний томонлари ҳам ўзлаштирилади. Қисқаси, чет тилда нутқ кўникма ва малакалари ҳосил қилинади. Худди шу ўқув-методик ҳодисалар назорат остига олиниши ўз-ўзидан тушунарли («Назоратнинг объекти» номли 1-§га қаранг).

Методик адабиётларда билим, кўникма ва малакани текшириш ҳақида ҳам ёзилган. Чет тилда билим махсус текширилмайди, чунки у кўникма таркибида ўрганилади, бинобарин, кўникма текширилади.

Шу ерда ҳақли саволлар туғилади. Хўш, текшириладиган нарса/ҳодиса аниқ экан, назоратдан кутиладиган муддао нимадир?, унинг вазифасига нималар киради, Текширув натижаси ўқитиш ишига қандай таъсир кўрсатади ва ҳ. к. з.

Аввалан, нима учун назорат зарур, деган саволга жавоб бериш, яъни текширув вазифаларини ёритишга уриниб кўрамиз.

Текширишнинг таълимий вазифаси. Олдин ўрганилган тил материали (кўникмалар) ва шаклланган малакаларни такрорлаш ва мустаҳкамлаш ҳамда такомиллаштириш чоғида текшириш машқлари ва топшириқлари бажарилади. Уларнинг барчаси таълимий руҳдаги ўқув тадбирлари тизимини ташкил қилади. Назорат чоғида ҳам таълим бериб борилади.

Текширишнинг диагностик (олдини олиш) вазифаси. Тил ўрганишнинг натижаси яхши/ёмонлиги ўз вақтида билиб турилади ва шароитга қараб навбатдаги ишлар режалаштириб борилади. Дарсдаги вазифа ва машқлар тартиботига тузатишлар киритилади. Камчиликлар сабаби ҳам аниқланади. Муаллим ўзининг педагогик фаолиятини шарт-шароитга мослаб бажаришига диагностик назорат ёрдам беради.

Тузатиш вазифасини ўтовчи текширув. Диагностик назорат билан тузатиш бирга ва муттасил ўтказиб турилади. Бу текширувда аниқланадиган ўзлаштириш даражасига асосан нуқсонларни тўғрилаш ижобий самара берган/бермаганлигини муаллим сезиб олади. Ўқитиш усулларидан ташқари текшириш топшириқлари ҳам ўзгартириб борилади.

Назорат қилишнинг бошқарув вазифаси. Беҳуда вақт ва куч сарфламаслик учун таълим жараёнини бошқаришни таъминлашга қаратилган тadbир бўлиб, энг самарали ўқитиш усулларини топишга ва тил материали ҳамда нутқ малакаларини эгаллашда бу усулларни қўллашга уриниб кўрилади.

Текширувни баҳолаш вазифаси. Ўқувчи фаолияти баҳолаб туришни талаб қилади. Ўқувчининг улгуриши муаллим ишининг ҳам мезонидир. Баҳо қўйилиши ўқувчининг келажак ишларига муҳим туртки бўлади. Кўникма ва малака кўрсаткичлари баҳолар (балл) билан ўлчанади. (Улар ҳақида қуйроқда тўхталамиз). Ўқувчи фаолиятини икки тарафлама баҳолаш жорий қилинган: (1) унинг машғулотда фаол ёки суст иштирок этиши ва (2) қилган «хизмати (улгуриши)» натижаси, яъни эгаллаган кўникма ва малакасининг сифати баҳоланади. Иккала ёндашиш ҳам ўқувчи тиришқоқлигини оширишга рағбатлантирувчи омил саналади.

Текширувдан қутиладиган асосий муддаолардан бири салбий натижаларнинг олдини олишдир. Ўқувчилар кўникма ва малакасини назорат қилишдан ташқари уларнинг интизомини тергаш, ўқишда ички туртки (мотивация)ни ҳосил қилиш ва таълим-тарбия жараёнини бошқаришни такомиллаштириш сингари текшириш мақсадлари ҳам рўёбга чиқарилади.

Таълим-тарбия жараёни манфаатларини кўзлаб назорат ўтказиб борилади, текшириш қанча кам вақт олса, унинг фойдаси шунча кўп тегади.

Текширув чоғида шу билан бир қаторда меъёр масаласига ҳам эътибор қаратилади. Мас. биринчи ва иккинчи ўқув йилида ўқиш техникасини ўрганиш аҳли интиҳосига етмаганлигидан ўқиш тезлиги назоратнинг етакчи кўрсаткичи бўла олмайди. Кейинги синфларда мазмун билан бирга ўқиш тезлиги асосий кўрсаткич мақомини эгаллайди.

Назорат қилишнинг моҳияти (вазифаси, мақсади, ўрни) аниқланди, энди нимани текшириш юзасидан мулоҳазалар юритамиз.

1-§. Назоратнинг объекти

Чет тил муаллими олдида нимани текширамиз, деган методик муаммо пайдо бўлади. Текширув объекти назарий ва амалий жиҳатдан пухта ўрганилган. Муаллим ва маъмурият томонидан ўрганилаётган чет тилдаги нутқ кўникма ва малакаси назорат қилинади.

Ўқувчилар қай даража кўникма ва малакага эришган, қан-

дай қийинчиликлар мавжуд, нималар устида қунт билан иш-лашлари кераклиги назорат қилиб борилади¹.

Мақтаб ўқув предметлари ичида чет тилда назорат объектининг фарқи шундаки, назарий билимлар текширилмайди, балки гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва қисман ёзув кўникма ва малакалари текшириб борилади.

Кўникмаларни текшириш пайтида лексик, грамматик ва талаффузни ўзлаштириш савияси, нутқ фаолияти турларида уларнинг қўлланилиш даражаси назорат қилинади.

Малакалар текширилганда эса нутқ фаолияти турларидан мулоқот воситаси сифатида фойдалана олиш меъёри ўлчанади. Гапиришда яққанутқ ва жуфтнутқнинг ривожланганлиги, тинглаб тушунишда аудиотекстни бир марта тинглаб мазмунини фақмлай олиш, ўқишда эса график матндан ахборот ола билиш қобилияти синовдан ўтказилади. Турли ўқув босқичларида кўникма ва малака даражаси турлича шаклланган бўлади. Уларга қўйиладиган якуний талаблар ҳақида мақтаб чет тил дастурида аниқ маълумотлар берилади.

Нутқ фаолияти турларини амалий эгаллаш кўрсаткичлари асосий ва қўшимча мезонлар билан ўлчанади: асосий мезонда фаолиятнинг қўйи чегараси, қўшимча мезонда эса юқорироқ даражаси аниқланади.

Чет тилда нутқ фаолияти турларининг сифат ва миқдор кўрсаткичлари методика илмида аниқлаб берилган.

Гапиришда сифат кўрсаткичлари: ўқувчи нутқининг мавзуга мувофиқлиги ва уни баён этиш мукамаллиги; гапирганда ижодий ёндашиши; тил материалини тўғри қўллай билиши.

Гапиришда миқдор кўрсаткичлари: гапиришда ишлатилган нутқ бирликларининг ҳажми.

Мазкур кўрсаткичлар мақтаб биринчи ва иккинчи концентри учун сифат жиҳатидан ва миқдоран турлича қабул қилинган.

Жуфтнутққа қўйиладиган талаблар: Биринчи концентр учун — жуфтнутқ жараёнида аниқ ахборот олиш/бериш, фикр алмашиш, савол-жавоб жумлаларини қўллаш, таклиф этиш ва жавоб қилиш (розилик ёки рад жавоби бериш, маълумотни аниқлаш) кабилар. Суҳбатдошнинг ҳар бири жуфтнутқда 7 тагача² репликани грамматик тўғри қўллай олиши талаб қилинади.

Иккинчи концентр учун — қайд этилганларга қўшимча, жуфтнутқ жараёнида эркин фикрлаш. Қўлланадиган жумлаларнинг энг кўп миқдори 9 тагача етади.

¹ Кўп сонли методик манбалар орасида назорат мавзусига оид алоҳида илмий китоблар ҳам чоғ қилинган: Контроль речевых умений в обучении иностранным языкам // Под ред. проф. В. С. Цетлин. — М.: Просвещение, 1970; R. Lado. Language Testing. Longmans, 1969; Контроль в обучении иностранным языкам в средней школе. Сб. статей: Книга для учителя (Из опыта работы) // Под ред. В. А. Слободчикова. — М.: Просвещение, 1986.

² Кўрсатилган рақамлар шартли ҳолда нисбатан тўғри, деб қабул қилинган.

Якканутққа қўйиладиган талаблар: Биринчи концентрда: ўзлаштирилган тил материали асосида берилган мавзу бўйича тайёрланмаган, яъни мустақил гапира олиш, ҳодиса ва фактларга муносабат билдира олиш. Гапиришда 12 тагача жумлани тўғри қўллай олиш.

Иккинчи концентрда: Айтилган фикрни асослаб бериш, баён этилаётган фикрга баҳо бера олиш ва шахсий муносабат билдириш. Нутқда 15 тагача жумлани қўллай олиш.

Тинглаб тушунишда сифат кўрсаткичлари: идрок этилаётган аудиотекстнинг хусусияти (механик ёзувдаги ёки жонли нутқ) ва тушуниш даражаси (умумий тасаввур, тўлиқ фаҳмлаш, аниқ илғаб олиш).

Тинглаб тушунишда миқдор кўрсаткичлари: идрок этиб тушуниладиган нутқнинг давом этиш вақти ва тезлиги.

Жорий ўқув дастуридаги тинглаб тушунишга қўйиладиган талаблар.

Биринчи концентрда: таниш лексик ва грамматик материалдан таркиб топган ва 1 фоиздан ортиқ бўлмаган бир ўзакли (байналмилал) нотаниш сўзлар кирган жонли нутқ (ёки механик ёзувдаги нутқ)ни тинглаб тушуниш. Аудиотекст ҳажми 1—2 дақиқа давом этади, жумлалар узунлиги 12 тагача сўздан иборат.

Иккинчи концентрда: аввалги талаблардан ташқари маъносини фаҳмлаб олишга мўлжалланган 2 фоизгача нотаниш байналмилал сўзлар иштирок этадиган аудиотекстни тушуниш. Бир дақиқада 500—700 белги тингланади, 4 дақиқагача давом этадиган аудиотекст, жумлалар узунлиги 13 тагача сўздан иборат.

Ўқишда сифат кўрсаткичлари: 1) ўқиб тушуниш хусусияти (умумий тасаввур, асосий фикрларни ва ахборотни тўлиқ тушуниш, матн мазмунини аниқ фаҳмлаш, ўқилганни таржима орқали ёки таржимасиз тушуниш); 2) матндаги тил материали хусусияти (фақат таниш ёки бир қисми нотаниш лексик материал), мослаштирилган/аслиятдаги текст.

Ўқишда миқдор кўрсаткичлари: ўқиш тезлиги, текст ҳажми.

Ўқишга қўйиладиган дастурий талаблар. Биринчи концентрда: луғатсиз ичда ўқиш ва таниш лексик ва грамматик материал асосидаги 3—4 фоиз нотаниш лексикани ўз ичига оладиган (уларнинг маъноси сўз ясовчи унсурларга кўра фаҳмланади) бадий ва илмий-оммабоп адабиётдан аслиятга яқин текстларни ўқиб, мазмунини айтиб бериш. Ўқиш тезлиги — бир дақиқада 500 тагача сўз ўқилади.

Иккинчи концентрда: ўрганилган грамматик материал асосида тузилган (танланган) ва 4 фоизгача контекст ёрдамида маъноси очиладиган нотаниш лексика иштирокидаги бадий ва илмий-оммабоп адабиётдан мослаштирилган парчани луғат ёрдамисиз ўқиш; бир дақиқада 500 тагача сўзни ўқиш; луғат ёрдамида 10 фоизгача нотаниш лексика мавжуд ижтимоий-сиёсий (матбуотдан олинган) ва илмий-оммабоп адабиётни ўқиш

Назорат қилинмиш нутқ малакалари (уларнинг таркибида кўникмалар)га қўйиладиган талабларни аниқлаш чет тил таълими мазмунини шакллантириш йўлидаги методик тадбирдир. Ҳар бир синфда малакалар ривожланишининг дастурий талаблари кўрсатиб берилади. Мазкур илмий муаммо кўплаб методистлар диққатини муттасил жалб қилиб келади¹. Нимани назорат қиламиз саволига лўнда жавоб: чет тилни амалий эгаллашнинг кўникма ва малакаларини текшираамиз.

Нимани ва нима учун текшираамиз, деган саволларга мухтасар жавоб бериб, энди қандай қилиб назорат қилиш мумкинлиги ҳақида баҳс юритамиз. Чет тил нутқ кўникма ва малакаларини текшириш методикасида назорат усуллари, турлари, шакллари ва баҳолаш тартиб-қоидалари ишлаб чиқилган. (Улар ҳақида 2-§ да сўз боради.)

Ўқув-методик топшириқлар

1. Текширув объектини санаб беринг ва асослашга уриниб кўринг.

2. Назорат вазифалари (таълимий, олдини олиш, тузатиш, бошқарув, баҳолаш) ҳақида фикр юритинг.

3. Нутқий кўникма ва малакаларга қўйиладиган талабларни муҳокама қилинг.

2-§. Назорат қилиш методикаси.

Назорат моҳияти очилиб, текшириладиган объект аниқлангандан сўнг, бевосита текширув жараёнини ташкил қилиш масалалари кўндаланг туради. Назорат методикасида усул, тур, шакл, тест ва баҳо тушунчаларини ойдинлаштириш муҳимдир.

Текширув усуллари муҳокамасида қандай йўл билан ўқувчи кўникма ва малакалари назорат қилиниши қараб чиқилади. Маълумки, чет тил машқлар бажариш жараёнида ўрганилади. Текшириш ҳам. машқлар асосида амалга оширилади. Масала шундаки, ўргатиш ва текшириш машқлари умумийми ёки фарқланадими? Аксарият ҳолда ҳар иккаласи ҳам бажариладиган машқларнинг умумийлигини тақозо этиши ва шу билан бирга баъзи текшириш машқлари ажралиб туриши амалиётда маълум ҳодисадир.

Кўникма ва малакани текшириш турлари тўртта: кундалик (доимий), тематик (мавзуй), даврий, якуний назорат.

Текшириш шакллари якка (индивидуал/ёппасига (фронтал), оғзаки/ёзма, бир тилда/икки тилда ўтказилади.

¹ М. Л. Вайсбурд, А. Д. Климентенко. Требования к речевым умениям. — ИЯШ, 1972, № 3, 72—80-бетлар; Приказ Министра Просвещения РСФСР «Об утверждении Нормы оценки знаний, умений и навыков учащихся по иностранным языкам» от 4 сентября 1984 года, № 235; Внутришкольный контроль. Иностранные языки. Методические рекомендации (ротопринт). ГУНО Мосгорисполкома. — М., 1985 ва бошқалар.

Ўқувчилар нутқ фаолиятига беш баллик баҳо қўйилиши мактаб ҳаётида қондалаштирилган.

Қайд қилинган назорат методикаси масалаларини алоҳида-алоҳида кўриб чиқамиз.

Нazorат усуллари. Кўникмаларни текшириш лексика, грамматика ва талаффуз ҳамда нутқ намуналарини билиш ва нутқда қўллаш билан боғлиқ. Малакаларни текшириш эса нутқ фаолияти турларини эгаллашга алоқадор.

Актив лексикани қўллашни текшириш усуллари: берилган нутқ намуналаридан фойдаланиб, имкон борича кўпроқ гаплар тузиш; бўш қолдирилган жойларни тўлдириш; отларга монанд сифатларни танлаб бирикмалар тузиш; расмга оид сўзларни топиш; расмдаги ёки синфдаги нарсалар номларини айтиш ва ҳ. к. з.

Пассив лексикани эгаллаганликни текшириш: чет тилдан она тилига гапларни ўгириш; сўз ясаш унсурларини таҳлил қилиш; сўзларни муайян мезонга кўра гуруҳлаш.

Актив грамматикани билишни текширишда қуйидаги усуллар қўлланади: кеча нима қилганингиз/кўрганингиз ҳақида, якшанба кунлари нима қилишингиз, бу йил ёзда нима қилишингиз ҳақида фалонча гап айтинг (февълнинг ҳозирги, ўтган, келаси замонлари ишлатилади); дўстингиз кеча кечқурун нима қилганини, якшанба кунлари нима қилишини, ёзги таътилда нима қилишини сўраб билинг (сўроқ гаплар мустаҳкамланади); ўртоғингиздан бирор нарса беришни ёки бирор иш қилишни сўранг (буйруқ гаплар қайтарилади); синфингизда нечта бола/қиз борлигини, нечта парта, дераза борлигини айтиб беринг (сон ва отларнинг кўплик шакли такрорланади).

Пассив грамматиканинг ўзлаштирилишини текшириб кўриш усуллари: гапларда фалон грамматик ҳодисани топиш, уларнинг белгиларини аниқлаш; гапларни чет тилдан она тилига ўгириш.

Чет тилдаги гаплар, сўзлар, сўз бирикмалари талаффузини текшириш нутқ намуналарини айтиш орқали амалга оширилади. Ўқувчиларга муаллим ўқишдан кейин қаерга боришларини айттиради (зарурий сўз бирикмаларини қўлланиш машқи бажарилади). Эрталаб, кундузи, кечқурун нима қилишларини айтишади.

Нутқ малакаларини назорат қилиш усулларининг таъриф-тавсифини келтирамиз.

Тинглаб тушуниш малакаларини текширув усуллари: муаллим (ёки бошқа шахс) фармойишини тушуниш (ўқувчининг қиладиган ҳаракати тушунганлик/тушунмаганлик аломатидир); муаллим расмни тасвирлаш пайтида ундаги ҳолатларга номувофиқ айрим жумлаларни айтади, ўқувчилар нотўғри гапларга қўл кўтариб муносабат билдиришади; тингланган материалга оид саволларга жавоб қайтариш; аудиотекст мазмуни бўйича саволлар бериш; юқори синфларда аудиотекст мазмунини (она тили ёки чет тилда) гапириб бериш ва ҳ. к. з.

Якканутқ малакаларини текшириш усуллари: мавзв юзаси-

дан ёки расмга оид гаплар тузиш; бошланган ҳикояни давом эттириш; расм (ёки қатор расмлар)ни тасвирлаш; тингланган қисқа ҳикояни айтиб бериш; мавзу юзасидан мустақил гапириш.

Жуфтнутқни текшириш усуллари: саволларга жавоб қайтариш ва мавзу (ва расм)га оид саволлар бериш; УНВга доир жуфтнутқ юритиш; ўқувчилар биладиган ҳикоянинг ролларига кириб жуфтнутқ бажариш.

Ўқишни текшириш усуллари: овоз чиқариб матндан парча ўқиш; муаллим саволига матндан жавоб топиш; фалон масала ҳақида фикр юритилган жойни матндан топиш; муаллим фикрини тасдиқловчи ёки рад этувчи гаплар (абзац)ни матндан топиш; график матнга қўйилган саволларга жавоб қайтариш; матн мазмунига саволлар қўйиш; ўқилган матнга оид режа тузиш; ўқилган матн мазмунини (чет тил ёки она тилида) айтиб бериш.

Нутқ машқлари бажариш чоғида ўқувчилар эътибори мазмунга қаратилади. Гапириш мобайнида лисоний хатоларни тўғрилаш номақбулдир, чунки фикр бўлинади. Муаллим ўз дафтарига ўқувчилар хатосини ёзиб боради, нутқ машқи тугади дегунча, тегишли саволлар бериб кўради. Мабодо хато эътиборсизлик оқибатида юз берган бўлса, ўқувчи тўғрилаб айтганидан маълум бўлади. Зотан хатолар кўникма пухта шаклланмаганидан бўлса, муаллим тузатади, ўқувчи тақлидан тўғрилаб айтади. Муайян хато кўпчиликка тааллуқли бўлса, шу ёки навбатдаги дарсда уни бартараф қилишга махсус вақт ажратилади.

Назарий тадқиқотлар ва мактаб тажрибаси кўрсатишича, синфда бажариладиган нутқ машқлари жараёнида ўқувчиларни «назоратчи» этиб тайинлаш, яъни ўртоқлари камчиликларини топишни буюриш ғайриметодик тадбир бўлиб чиқади. Гап шундаки, «хато ахтариш»га йўллашнинг ўзи одоб-ахлоққа зид иш, қолаверса, ўртоғи гапирганда нутқ мазмунига диққат берилса, «хато ови»га шайланса, мазмунни четлаб ўтади, муддао ўзгаради. Улардан ташқари, хатони ўта эътибор билан идрок этилса, ўқувчи онгида унинг тамғаланиши муқаррар. Қисқаси, нутқ малакаларининг назорати чоғида эгалланадиган мазмуний марралар аниқланади, очилган оммавий нуқсонлар муаллим назаридан четда қолмаслиги шарт. Ҳар қадамда танбеҳ бериш одам боласини бездиради, гап таъсир этмайдиган қилиб қўяди, оқибатда хатони (ҳатто жиноятни) писанд қилмасликка олиб келади. Нутқ инсон фаолияти экан, у хатосиз бўлмайди (таъбир жоиз бўлса, доно халқимиз «беайб (яъни «бехато» — Ж. Ж.) — парвардигор» дейди). Демак, хатосиз банда (одам) йўқ. Методикада шундай қоида борки, муаллим ўқувчилар хатолари билан курашмасдан, аввало уларнинг пайдо бўлиш сабабларини қидиради. Хуллас, тил машқларини атайлаб бажариш орқали хатолар тузатилади. Бу эса алоҳида вақт ва куч сарфлашни талаб этади.

Назорат турлари. Чет тил ўргатишда ўқувчилар нутқий кў-

никма ва малакаларини текшириш турлари бизга маълум: доимий, мавзуий, даврий, якуний назорат.

Доимий назорат амалиётда кенг тарқалган ва энг самарали, муаллим ҳар куни қўллайдиган, юқорида таъкидланганидек, тузатув вазифасини ўташга қаратилган назорат туридир. Ҳар дарсада ўргатиш ва назорат қилиш таълимнинг узвий қисмлари тарзида намоён бўлади.

Мавзуий назорат дейилганда, чет тил ўқитишда мавзу ёки дарслик параграфи (машғулотлар мажмуи) ўтиб бўлинганда, уни умумлаштириш, такрорлаш, мустаҳкамлаш жараёнларида текшириш саналади. Маълумки, чет тил материали (дастлабки бир неча машғулотни ҳисобга олинмаганда) муайян мавзуда методик ташкил қилинади. Бир мавзуга бир ёки бир неча параграф бағишланади. Одатда мавзу текшируви параграфнинг охириги дарсида ўтказилади. Кундалик (доимий) текширув натижаларига қараб, унга оз/кўп вақт сарфланади. Қийинчиликлар йиғилиб қолганда, текшириш машқлари кўпроқ ва улгуриш қониқарли бўлса, камроқ бажарилади.

Даврий назорат қилиш чорак ёки ярим йилга тўғри келади. Ўз-ўзидан маълумки, даврий текширувда ҳажм жиҳатидан кўп материал қамраб олинади. Мазкур назорат синфдаги ўқувчиларнинг умумий улгуриш савиясини намоён этилади. Демак, ўқув йилининг даврлари охирида яқин ясаилиши учун ушбу текшириш тури қўл келади. Дарсликда даврий назоратга мўлжалланган машқлар берилмаслиги табиий ҳолдир, чунки йўл қўйиладиган хато ёки пайдо бўладиган қийинчиликлар кундалик дарс машқларида ҳисобга олинади, холос. Бинобарин, даврий текширув машқларини муаллим тайёрлайди ва ўтказилади. Бунинг учун ўтган давр ичида ёки ҳозиргача ўрганилган барча тил материали орасидан пухта ўзлаштирилмаганлари такрорлашга берилади, кейинги дарсада назорат ўтказилади. Шундай қилинганда, хатонинг олди олинади.

Якуний назорат ўтказиш одатда ўқув йили охирига тўғри келади. Якуний текшириш турли шаклда, жумладан имтиҳон (жорий ёки битириш имтиҳони) тарзида ўтказилади. Қоидага биноан якуний назорат мазмуни ва шакли маълум ҳужжатга кўра ва Халқ таълими вазирлиги тайёрлаган материал асосида ўтказилади.

Имтиҳон билетига нутқ фаолияти турлари (гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш малакалари) бўйича саволлар киритилади.

Назорат шакллари. Ўқувчиларнинг чет тилдан олган кўникма ва малакалари ёлғиз/ёппасига, оғзаки/ёзма, бир тилда/икки тилда текширилади. Текширишнинг ушбу кўринишлари методик манбаларда тавсия қилинган ва мактаб амалиётида татиқ этиб келинмоқда.

Гапиришни назорат қилиш шакллари: оғзаки фикр баён этиш малакалари оғзаки шаклда текширилади. Унда ўқувчининг чет тилда фикр билдиришга ҳаракати (ўз-ўзидан гапириб

кетиши), нутқида қўлланмиш материалнинг ўзлаштирилган даражаси (гапириш тезлиги), тўхтаб/тўхтамай гапириши, нутқ вазиятига мувофиқ/номувофиқ фикр баён этиши кабилар назорат қилинади. Нутқ мазмунини қисман ёзма шаклда текшириш ҳам мумкин. Баъзи методистлар гапириш малакаларини текшириш учун ёзма машқлар беришга қарши чиқадилар. Бу илмий фикрга тўлиқ қўшилиб бўлмайди¹, чунки одатда ёзма ишлар оғзаки ўрганилган тил материали заминда бажарилади. Демак, гапириш малакасини ўстиришга қўмаклашувчи ёзма машқ, ушбу малакани текширишга ҳам жалб этилиши табиийдир. Оғзаки фикр баён қилинаётганда йўл қўйилмайдиган хато ва камчиликларни рўйхатга олиш анча мушкул ишдир. Бинобарин, ишни осонлаштириш мақсадида техник воситалар ёрдамида ўқувчи нутқини ёзиб олиш мумкин.

Гапириш малакаларини я к к а, я л п и, шунингдек, г у р у ҳ и й текшириш жорий этилган.

Ёппасига оғзаки текшириш доимий назорат чоғида қулайлик туғдиради. Ёппасига текшириш муаллим раҳбарлигида ўтади ва синф ёки гуруҳнинг умумий улгуришини аниқлашда маъқул келади. Гуруҳий назорат ёппасига текширишнинг бир кўриниши сифатида истифода қилинади.

Ҳар қайси ўқувчининг якканутқни эгаллаш даражасини билиш мақсадида якка текширув ўтказилади: таянчлар (ЎНВ, мавзу, расм) асосида гапириш, матн бўйича гапириш, саволларга жавоб бериш ва ҳ. к. з. Якканутқда ёлғиз текшириш қулай иш шакли бўлиб, синфдаги бошқа ўқувчилар бекор қолиб кетмасликларининг олдини олиш мақсадида ёппасига ишлаш/текшириш тавсия қилинади.

Қайд этилган текширув шакллариининг барчаси бир тилда, яъни ўрганилаётган чет тилда олиб борилади.

Тинглаб тушуниш малакалари текширилганда бир хил (чет тил) да ва икки тил (она тили ва чет тил) да оғзаки ва ёзма машқлар бажарилади. Назорат мақсадига кўра она тилининг иштироки ҳам тақиқланмайди, мас. тингланган материални тушуниш тўлиқ, аниқ, чуқур бўлиши талаб этилса, аудиотекстнинг айрим жойлари таржима қилинади. Аудиотекст катта ҳажмда ва ундаги ахборот мураккаб бўлган тақдирда ҳам она тили ёрдамга «чақирилади». Акс ҳолда, яъни умумий мазмунгина фаҳмланиши, юзакироқ тушунилиши кўзда тутилганда ёки кичик ҳажмли содда ахборот берувчи аудиотекст тингланганда,

¹ Мазкур методик масалада айри гаплар ҳам учрайди. Мас. бир пайтда чоп этилган (аниқроғи теришга берилган) китобларда зид фикрларни учратамиз: Теоретические основы методики обучения иностранным языкам в средней школе // Под ред. А. Д. Климентенко, А. А. Миролюбова. — М.: Педагогика, 1981, 427-бет. («Якканутқни текширишда ёзма усулларга мутлақо йўл қўйилмайди»); Методика обучения иностранному языку в средней школе: Учебник // Гез Н. И., Ляховицкий М. В., Миролюбов А. А. и др. — М.: Высшая школа, 1982, 315-бет («гапиришни ёзма шаклда ҳам текшириш мумкин»).

назорат шакли бир тилли (фақат чет тилнинг ўзидагина) бўлади.

Бир тилли текширувда аудиотекст юзасидан муаллим саволига жавоб қайтариш (якка ёки ёппасига), тингланган мазмунни айтиб бериш, ўз сўзи билан гапириб бериш сингари нутқий вазифалар бажарилади.

Якканутқ ёки жуфтнутқни механик ёзувдан тушунганликни текшириш учун аудитив техника воситалари (магнитофон тасмаси, грампластинкалар)дан фойдаланилади.

Тинглаб тушуниш малакалари даврий ва якуний назоратда ёппасига ёзма шаклда ҳам текширилиши мумкин.

Ўқиш малакалари текширилганда, бир тилда (чет тилда) якканутқ ва жуфтнутқ ҳамда овоз чиқариб ўқиш йўли билан, икки тилда (таржима ёрдамида) иш қўрилади. Оғзаки нутқ, кўриниб турибдики, текшириш (ҳамда ўргатиш) воситаси вазифасида келяпти. Ушбу назорат якка ва ёппасига бажарилиши мумкин. Ифодали ўқиш ҳам оғзаки текшириш шаклига қирапти.

Ўқилган матн ёки парчанинг мазмунини ёзма таржима қилиш ҳам рухсат этилади («Ўқиш» мавзусига қаранг). Бошланғич босқичда бир тилда ёппасига оғзаки текширув машқлари маъқулроқ саналади, ўрта босқичда матннинг мураккаб қисмларини ёппасига она тилига ёзма ўгириш ҳам тавсия этилади, юқори босқичда матннинг у ер-бу ерини танлаб оғзаки таржима қилиш, мураккаб жойларини ёзма таржима қилиш, савол бериш, саволларга жавоб қайтариш, матн мазмунини гапириб бериш машқлари тавсия қилинади.

Ёзувни нутқ фаолияти тури ва малака сифатида назорат қилишга келганда шунини айтиш керакки, турли ёзма ишларда ўқувчиларнинг ёзма фикр баён этиш даражалари аён бўлади. Ёппасига ёзма машқ бажариш билан текширув ўтказилади. Диктант ва кўчириш чоғида доимо мазмунга эътибор қилинади, лексик-грамматик кўникма ҳам назарга олинади, имло эса улардан кейинги, навбатдаги масала, деб қаралади. Дастур талабига кўра ёзув таълим воситаси эканлиги маълум.

Нутқ фаолияти турлари бўйича кўникма ва малакаларни текширганда, кўпчилик методистлар ва илғор муаллимлар фикрича, бирламчи масала — нутқий ахборотдир, яъни эътибор мазмунга қаратилади. Техникавий ва лексик-грамматик кўникмалардаги нуқсонларнинг нутқ мулоқотига ҳалақит бериш/бермаслиги инобатга олинади. Техникавий ва тил материалига оид кўникмалар бевосита эмас, балки билвосита, яъни нутқий малакалар таркибидан текширилади.

Тест ўтказиш. Анъанавий текшириш шакллари билан бир қаторда тест (инглизча «текшириш», «синов» маъносини англатади) йўли билан ҳам чет тилни ўзлаштириш назорат қилиб борилади. Тест методикаси лексик ва грамматик кўникмаларни

текширишда алоҳида аҳамият касб этади. Чет мамлакатларда, айниқса АҚШда тестдан ҳар тарафлама фойдаланишда¹.

Ўқувчи билимини (кўникмасини) миқдор жиҳатидан ўлчаш (текшириш)га мўлжалланган қисқа муддатли тест шаклидаги назорат ҳар хил бўлиши мумкин.

Тестнинг танлов ва жавобни эркин тузиш шакллари мавжуд. Танлов тести иккитадан ёки кўпдан бирини танлаб жавоб бериш тарзида намоён бўлади.

Иккитадан бирини танлов тестида тайёр ҳолдаги бирдан ортиқ (икки, уч, тўрт...) жавобнинг «тўғри-нотўғри» шакли танлаб олинади. Мас. Мазмунан тўғри гапни танлаб айтинг: 1. Амир Темур буюк ҳарбий саркарда сифатида жаҳонга донг таратган. 2. Алишер Навоий гениал шоир ва ҳарбий саркарда бўлган. 3. Абдулла Қаҳҳор ажойиб инсон ва фирқа арбоби эди (Ўқувчи энг тўғриси, яъни биринчи жавобни танлаб айтади).

Кўпдан танлов тести асосан уч шаклда бажарилади:

1. Тавсия этилган сўз ёки гаплардан маъқули танланади: Амир Темур буюк... арбоб бўлган (фанда, адабиётда, ҳарбий соҳада, тиббиёт илмида);

2. Берилган жумла ёки сўзлардан бири, мазмунан тўғриси, танланади: Йўлдош Охунбобоев Ўзбекистон Фанлар Академиясининг президенти бўлган, Абдулла Қаҳҳор Ўзбекистоннинг президенти бўлган. Ҳабиб Абдуллаев Ўзбекистон Фанлар Академиясининг президенти бўлган;

3. Аралаш саволларга келтирилган жавоблардан тўғрисини танлаш.

Кўриниб турибдики, танлаш учун мўлжалланган материал таркибига «чалғитувчи жавоблар» ҳам киритилади.

Мақтабда «чалғитувчи» материални ўз ичига оладиган тестлардан айримлари қўлланади. Улар нафақат текширув ва, шунингдек, таълимий вазифаларни ҳам бажаради. Ривожланган мамлакатларнинг таълим системасида тест методикаси ҳам амалий, ҳам назарий пухта ишланган.

Кўникма ва малакаларни баҳолаш. Руҳшунослик ва таълимшуносликда ўқувчи «меҳнати»ни муносиб баҳолаш бобида анчагина илмий изланишлар мавжуд. Чет тил ўқитиш методикасида ҳам бу илмий-амалий соҳа маълум даражада тадқиқ қилинган. Мазкур мавзуда чуқур назарий таҳлилга зарурият се-

¹ АҚШда таълим мақсадларида тест тузиш билан шуғулланадиган муассаса ишлаб турибди (Educational Testing Service) ва нутқни назорат қилишга мўлжалланган журнал (Language Teaching) нашр этилади. Тестни ёритувчи кўплаб методик асарлар чоп этилади, мас. James E. Alatis, editor. Language Teaching, Testing and Technology: Lessons from the Past with a View Toward the Future. Georgetown University Press, 1989; John L. D. Clark, editor. Direct Testing of Speaking Proficiency: Theory and Application. Princeton, N. J.: Educational Testing Service, 1978; John W. Oller. Language Tests at School: A Pragmatic Approach. New York, Longman Inc., 1979; John W. Oller, editor. Issues in Language Testing Research. Rowley, MA: Newbury House Publishers, Inc., 1983 ва бошқалар.

зилмайди. Бинобарин, чет тилга доир баҳолаш тартиби ва баҳо мезонларини келтириш билан кифояланамиз¹.

Баҳо қўйишнинг уч даври аниқланган: **дастлабки** (ўқув йили бошида қўйиладиган), **доимий** (йил бўйи) ва **якуний** (чорак охири, ўқув йили охирида) баҳолаш. Баҳолаш даврларида муаллим эътибори қуйидагиларга қаратилади:

Дастлабки баҳолаш. Ўқув йили бошланишида ўқувчи кўникма ва малакаси «5», «4», «3» билан баҳоланганда, баҳоларни изоҳлаб қўйиш тавсия этилади. Мабодо ўқувчи қониқарсиз жавоб берса, вақтинча баҳо қўймасдан, ётиғи билан ўқувчига тушунтирган маъқул. Зарур бўлса, ёрдам бериш, унинг кўнглини кўтариш, ижобий баҳо олишга йўллаш мақсадга мувофиқдир. Баҳолашнинг рағбатлантирувчи вазифаси ана шундан иборат.

Доимий баҳолаш. Ўқув йили давомида баҳо қўйиш олдингидан фарқ қилади. Ўқувчи жавоби илгари олган баҳосига лойиқ топилса ёки бу сафар юқорироқ баҳога сазовор бўлса, муаллим тегишли изоҳ бериб, баҳо қўяди. Ўқувчининг баҳоси ижобий (мас. «4» ёки «3») ҳисобланса-да, олдингисидан паст бўлса, бундай аҳволнинг сабаби суриштирилади, қўйиладиган баҳонинг ўқувчи келгуси ўқиш фаолиятига ўтказадиган таъсири чамалаб кўрилади, салбий натижага сабаб бўлмаслигига ишонса, изоҳ бериб баҳони қўяди. Муаллим лозим топса, ўқувчи қилиши зарур ишларни таъкидлаб ўтиши, яъни вақтинча баҳо қўймаслиги жоиздир.

Нутқ машқи бажарилганда, ўқувчи ёмон баҳо олса, бунинг сабабини аниқлайди. Бу дангасалик ёки масъулиятсизлик оқибати бўлса, муаллим ўқувчига ёмон, яъни «2» қўяди. Бироқ одоб доирасида танбеҳ бериш ва панд-насиҳат қилиш, токи ўқувчини шундай пайтда ҳам ўқишга илҳомлантириш муаллим бурчи эканлиги эсдан чиқмаслиги лозим. Ўқувчида узрли (касаллик, оила шароити, китоб йўқлиги) сабаб бўлса, баҳо вақтинча қўйилмайди. Шундай қилиб, чет тил ўрганишга бўлган совуқчилик олди олинади, ўқувчи дилига шикаст етмайди, муаллим расмиятчиликка йўл қўймайди. Бундай ҳолларда ота-оналар билан бамаслаҳат ёрдам ташкил қилинади.

Якуний баҳолаш. Чорак охирида, ўқув йили тугашида, махсус текшириш чоғида ўқувчиларнинг улгуришига баҳо чиқариш аввалгилардан бутунлай фарқ қилади. Чунки бу ҳолатда баҳолаш соф текширув вазифасини ўтайди. Қандай баҳо олса, шу қўйилади.

Баҳонинг холис қўйилиши ўқувчи тақдири учун ўта аҳамиятлидир. Қўйилган баҳо ҳар қандай вазиятда ҳам ўқувчининг чет тил ўрганишга ўндайдиган, қизиқшини сўндирмайдиган ва муаллим ҳурматига путур етказмайдиган бўлмоғи лозим.

¹ Чет тил муаллимларининг методик журнали «Иностранные языки в школе» саҳифаларида қатор мақолалар баҳо масаласига бағишланган. Биз қуйидаги материаллардан қисман фойдаландик: Г. А. Солдатов. Об оценках. — ИЯШ, 1972, № 2, 100—103-бетлар; Нормы оценки знаний, умений, навыков учащихся по иностранным языкам. — ИЯШ, 1978, № 1, 3—6-бетлар.

Таърибли муаллимлар ўқувчиларнинг нутқий малакаларини фарқлаб баҳолайдилар ва бу якуний тарзда умумий баҳо чиқаришда осонлик туғдиради. Қуйида шундай фарқлаб баҳо қўйиш жадвалларидан бирини келтирамиз. (Е. И. Пассов тузган):

Текшириш объекти			
Гапириш	Тинглаб тушуниш	Уқиш	Ёзув
Ўқувчилар фамлияси ва исмлари			
Савол бериш малакаси			
Саволга жавоб бериш малакаси			
Жуфтлукда гапириш малакаси			
Тасвирлаш			
Баён этиш			
Гапириб бериш			
Таъриф — тавсифлаш			
Таниш материални (муаллим нутқини)			
Таниш материални (диктор нутқини)			
Нотаниш материални (муаллим нутқини)			
Нотаниш материални (диктор нутқини)			
Қайтадан сўраб билиш малакаси			
Мазмунини умуман тушуниш			
Мазмунини тўлиқ тушуниш			
Уқиш тезлиги			
Луғатдан фойдаланиш			
Янги сўзнинг маъносини фаҳмлаш			
Мазмунни олдиндан пайқаш			
Имло			
Ёзиш тезлиги			
Хат ёзиш			

Ўқувчининг чет тилдан тайёргарлигини текширишда нутқ фаолияти турларига алоҳида-алоҳида баҳо қўйиб борилади. Дарсада бир йўла икки ва уч турдаги нутқ фаолияти текширилса, унинг натижаси қўшма баҳоланади. Якуний баҳо (учала нутқ фаолияти турига) ўқув чораги ва йили охирида ёки имтиҳонда қўйилади.


Баҳо мезонлари ишлаб чиқилган ва матбуотда¹ эълон қилинган.

Ўқув-методик топшириқлар

1. Назорат қилиш методикаси тушунчаси доирасига кирувчи усул, тур, шакл ва баҳо атамалари маъносини таҳлил этинг.
2. Назорат усулларида айримларини муҳокама қилинг.
3. Назорат турлари (доимий, мавзуй, даврий, якуний) орасидаги фарқ ва ўхшашликларни баён этинг.
4. Назорат шакллари яқка/ёппасига, оғзаки/ёзма, бир тилда/икки тилда ва тест ҳақида шерикларингиз билан фикр алмашинг.
5. Баҳолаш (дастлабки, доимий, якуний) даврларини асосланг.

¹ Нормы оценки знаний, умений, навыков учащихся по иностранным языкам. — ИЯШ, 1985, № 1, 3-бет.

Чет тил ўқитишда назорат



ЧЕТ ТИЛ УҚИТИШ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

XVI б.б. ЧЕТ ТИЛ ДАРСИ ВА УНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

1-§. Чет тил дарси

Уқитиш жараёни тушунчаси қамровига муаллим ва ўқувчи фаолияти ҳамда ушбу жараённинг ташкилий шакллари киради. Таълимшуносликда бу жараён ўқув йили, ўқув чораги, дарс/ машғулот номлари билан аталади. Дарс деганда, ўқув фаолиятининг айрим бир бўлаги тушунилади. Арабча дарс (мадраса— дарс ўтиладиган жой, диний мактаб; мударрис—дарс берувчи, муаллим; тадрис—дарс бериш/ўтиш каби сўзлар билан ўзакдош) сўзлашув тилида *машғулот*, *сабоқ*, деб ҳам юритилади. Машғулот атамаси эса машқ сўзи билан бир ўзаклидир. Машқлар бажариш машғулотни ташкил этади. Чет тил дарси/машғулоти машқлар мажмуидан иборатдир.

Дарс масаласи бўйича умумий таълимшуносликда сон-саноксиз китобу мақолалар ёзилган, хусусий таълимшунослик бўлмиш чет тил ўқитиш тадриси (методикаси)да эса кўплаб илмий асарларда боблар ва мақолалар битилган, йирик рисо-лалар¹ ҳам нашр қилинган. Чет тил ўқув предмети дарсда ва дарсдан ташқари машғулотларда ўрганилади (Дарсдан ташқари ишлар муаллим раҳбарлигида ва мустақил бажарилади). Дарс мажбурий машғулот сифатида қонунлаштирилган. Факультатив машғулотлар дарсдан алоҳида ўтказиладиган ўқув-тадбирларидандир (Факультатив XVIII бобда, дарсдан ташқари ишлар XIX бобда ёритилади).

Дарс—педагогик асардир (М. Н. Скаткин). «Чет тил дарси» атамасини эшитганда ва ўқиганда, унинг мақсади, турлари, босқичлари ва дарс режаси кўз ўнгимизда намоён бўлади. Уларнинг мухтасар баёнига киришамиз.

Дарсинг мақсади. Чет тил дарси бошқа ўқув предметларидан икки тарафи, яъни дарс мақсади ва мазмуни билан фарқ қилади. Ушбу предмет дарсларида нутқ ўргатилади. Чет тилда ўқувчи тайёрлов ва нутқ машқлари бажариш билан банд бўла-

¹ Л. З. Якушина. *Методика построения урока иностранного языка в средней школе.* — М.: Педагогика, 1974; *Беседы об уроке иностранного языка.* Изд. 2-е. — Л.: «Просвещение», 1975; Е. И. Пассов. *Урок иностранного языка в средней школе.* Изд. 2-е. М: Просвещение, 1988; *Методические рекомендации по проведению педагогической практики в школе* (Вопросы планирования, проведения и анализа уроков). — М.: МГПИИЯ, 1978.

ди. Чет тил дарсининг асосий хусусияти унинг амалий, яъни нутқий йўналганлигидир. Гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзувни амалда эгаллайдилар.

Таълим жараёнининг ташкил қилиниши бевосита дарс мақсади билан боғлиқ. Мақсад фаолият бажарувчининг маёғидир. Яқуний амалий мақсад чет тил дарсининг мақсад ва вазифаларини белгиловчи омилдир. Дарсда амалий мақсаддан келиб чиқиб, хусусий вазифалар ечилади. Мақсад (вазифа) лар бир дарсда бирдан учитагача бўлиши мумкин.

Мақсад натижа билан боғланган, вазифа фаолият шароитига дахлдор. Бир мақсад бўйича турли вазифалар бўлиши мумкин. Ўқув материалининг қийин/осонлиги, қийинчиликларни енгиш усуллари, ўқувчи ва муаллимнинг ўзаро биргаликда фаолият кўрсатишлари, ўқувчининг ўрганишга ички турткиси сингарилар дарс вазифасини белгилаш шартларидир. Қийин материал махсус ўрганилади, яъни унга бевосита тегишли машқлар бажарилади. Ўқувчи ва муаллим бирга ҳаракат қилиши тушунарли. Ички туртки таҳлил талаб масаладир.

Методик манбаларда ички туртки (мотивация)нинг уч тоифаси маълум: (1) истиқболга оид (чет элга бориш, тилни ўзини фаолиятида қўллаш), (2) яқин келажакка тегишли (кечалар, конкурслар, олимпиадаларда иштирок этиш, деворий матбуотга мақола тайёрлаш) ва (3) муаллим топширигини бажаришга қаратилган мотивация бўлади. Охиргисини шартли равишда яқин мотивация дейиш мумкин. Дарс вазифаларини бажаришда мотивация муҳим аҳамият касб этади.

Ҳар бир дарсда вазифа/мақсад тарзидаги ўқув-методик ҳодисалардан нутқ кўникмаси (тил материали) ёки нутқий малака бўлиши мумкин, яъни малака ва кўникма дарсининг мақсад/вазифаларини белгиловчи омиллардир. Мас. фалон сўроқ гапни нутқда ўргатиш, фалон сўз (сўзлар)ни қўллашни ўргатиш, текстда фалон грамматик ҳодисани фаҳмлашни ўргатиш ва ҳ.к.з. Яна бошқача мақсад/вазифа бўлиши мумкин: фалон мавзуда якканутқни ўргатиш, фалон УНВ бўйича жуфтнутқни ўргатиш, фалон расм юзасидан гапиришни ўргатиш ва ҳ.к.з.

Айтилганлардан кўриниб турибдики, дарсининг мақсади кўникма ёки малакани шакллантиришга қаратилади. Мақсадга кўра дарс турларини ажратиш мумкин (кейинги мавзуга қаранг).

Дарсининг мақсади бирдан ортиқ бўлиши ҳам мумкин. Буни таълим босқичи, дарсининг машғулотлар мажмуидаги ўрни, ўқув материали, ўқувчилар тайёргарлиги кабиларга қараб ҳал қилинади. Мас. муайян нутқ малакасини такомиллаштириш бошқа амалий вазифа билан биргаликда олиб борилиши мумкин (гапириш ва лексика/грамматикани ўргатиш; гапириш ва ўқиш, гапириш ва тинглаш кабилар).

Мақсадни аниқлашда қуйидагилар ҳисобга олинади: 1) дарсининг асосий қисми (айниқса бошланғич ва ўрта босқичларда) оғзаки нутққа бағишланади, кўпроқ гапириш машқ қилинади;

2) ўқиш техникасини ривожлантириш учун овоз чиқариб ўқилади, юқори синфларда овоз чиқариб ўқиш онда-сонда машқ қилинади; 3) ичда ўқиганда китоб/матндан ахборот олиш ўрганилади. Бунда ўқишга қўшимча оғзаки нутқ (гапириш) малакасини ўстириш мақсад қилиб қўйилади; 4) ёзув машқлари нисбатан кам вақт талаб қилади, ёзиш техникаси билан ёзма текширув бундан мустасно.

Маълумки, дарсни тўлиқ оғзаки нутққа (тинглаб тушуниш ва гапиришга) бағишласа бўлади. Ўқиш ва ёзувга бутунлай бир дарс ажратилишига йўл қўймаслик керак. Дарс мақсади/вазифаси/ ушбу ҳолатни ҳисобга олиши лозим.

Дарсда муайян мақсадларни амалга ошириш учун, аввало, унинг мақсади қандай бўлиши (бу мақсад сўз билан таърифланади) ва унинг миқдори аниқланади. Чет тилнинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи томонлари мавжудлиги ва уларнинг ҳам яна бошқа тарафлари борлигини назарга олиб мақсад белгиланади.

Дарс таълимий жиҳатини олиб кўрайлик. Ўқувчиларда мулоқот юритиш малакасини ҳосил қиламиз. Мулоқот воситалари мақомида гапириш, ўқиш, тинглаб тушуниш ва ёзув малакаларини ўргатамиз. Улар, маълумки, кўникмаларга асосланади. Шунга кўра мақсадни аниқлаш ҳоллари қуйидагича бўлиши табиий: гапириш /ўқиш/ тинглаб тушунишнинг лексик/грамматик/талаффуз кўникмасини шакллантириш, ўқиш техникасини ривожлантириш, гапириш (якканутқ, жуфтнутқ) малакасини ўстириш. Ушбу мақсадлар номланиши ҳаққоний тартибда бўлиши учун бир шартга риоя қилинади: албатта аниқ мавзу/УНВ ёки тил материали номма-ном санаб кўрсатилади. Бинобарин, муаллим дарснинг мақсадини мана бундай ифодалайди: фалон лексик бирликлар ёрдамида гапириш малакасини ўстириш ёки фалон мавзу (мас. «Қишлоғимиз ёки шаҳримиз») бўйича гапириш (якканутқ ёки жуфтнутқ) малакасини ҳосил қилиш. Муаллим томонидан қабул қилинадиган бундай расмийлаштириш ўқувчиларга тушунарли шаклда берилмоғи керак: янги сўзлар (улар ўргатилади) асосида гапиришни ўрганамиз; қишлоғимиз /шаҳримиз ҳақида гаплашайлик.

Дарс мақсадининг миқдорий жиҳати ҳам аниқланади. Бир дарсда жуда кўп асосий мақсад қўйилиши маъқул эмас. Иложи борича етакчи мақсад битта бўлиб, қолганлари қўшимча мақсад бўлса, методик жиҳатдан тўғри йўл тутилган ҳисобланади: гапиришнинг лексик/грамматик кўникмасини шакллантириш ва талаффузни ўргатиш; мавзу/УНВ бўйича якканутқ/жуфтнутқ малакасини ҳосил қилиш ва янги лексик/грамматик материални ўргатиш.

Юқорида қайд этилганидек, амалий, таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлар билан бир дарс ўтказилиши ҳам қоидалаштирилган. Дарс мақсадини муаллим унга тайёрланиш пайтида аниқлаб олади.

Муаллимнинг дарсга тайёргарлиги. Дарсга тайёрланиш му-

аллим педагогик маҳоратининг шаклланишида катта аҳамиятга молик. Дарсга тайёр бўлиш йўлида қуйидаги тадрижий методик чоралар кўрилади: таълимнинг мақсадларини чуқур англаб етиш ва дарс мақсад/вазифаларини аниқлаб олиш; замонавий дарс моҳиятини тушуниб етиш, яъни унга қўйиладиган талабларни аниқ тасаввур қилиш; ўқув тил материални таҳлил этиш; машқлар кетма-кетлиги (иерархияси)ни топиш, яъни кўникма ва малакаларни шакллантириш/назорат йўллари режалаштириб қўйиш; дарсда ишлатиладиган жиҳозларни танлаш; муаллим амал қиладиган таълимий ҳаракатларни ва ўқувчилар кўникма ҳамда малакалар эгаллашида кутилмиш хатти-ҳаракатларни олдиндан кўра олиш; дарс турини белгилаш; дарснинг ва мавзу режаларини ишлаб чиқиш.¹ /

Чет тил дарсига муаллим тайёргарлиги мазмунининг қайд этилган таркибий қисмларини батафсилроқ кўриб чиқамиз. (Дарснинг мақсади масаласи олдинги мавзуда ёритиб берилди. XV боб назоратга бағишланди. Дарс турлари кейинги мавзуда ва режалар 2-§ да келтирилади).

Дарсга қўйиладиган замонавий талабларни санаб ўтамиз: 1) чет тил ҳақида қоидалар (мавҳумотлар)ни баён этиш эмас, кўникма ва малака ҳосил қилиш дарснинг асосий мақсади; 2) нутқ амалиёти (машқлар)да коммуникатив йўналишдаги нутқ жараёнига тақлид қилинади; 3) дарсда чет тил материални методик ташкил қилиш бир бутунлик шаклида рўёбга чиқади (нутқ намунаси барча машқларда асосий бирлик ҳисобланади); 4) ҳар қайси нутқ фаолияти тури ўзига мос машқлар тизими ёрдамида ўргатилади; 5) дарснинг ягона етакчи мақсади ва ёрдамчи мақсадлари бўлади; 6) дарс самарадорлиги ўқувчилар фаоллиги билан ўлчанади; 7) дарсда назорат таълимий руҳда бўлади; 8) имкон борича дарс чет тилда олиб борилади; 9) ўқув материалининг мазмуни, пухта ишлаб чиқилган методик усуллар ва кўргазмалилик ёрдамида ўқувчиларда қизиқиш ва билишга интилиш уйғотилади; 10) дарс тарбиявий ва умумтаълимий вазифа ўтаб, ўқувчилар савиясини кўтариш, билиш майлини кучайтириш ва тарбиялаш ишларига улуш қўшадиган тадбирдир; 11) дарс жараёнида ўқувчиларнинг ёши ва таълим босқичи эътиборга олинади; 12) чет тил дарси нутқ фаолиятини эгаллашда маълум тил материални қўллашнинг бир фонасидир.

Ўқув тил материални таҳлил этиш. Ҳар бир дарс ёки дарслар гуруҳи (параграф) муайян тил материални ўз ичига олади. Янги материал маълум даражада қийинчилик туғдириши эҳтимолдан йироқ эмас. Буни ўқувчилар тил тажрибаси «гал-

¹ А. М. Михайлов. Методические указания по организации стажёрской практики учителя иностранного языка общеобразовательной школы. — Ленинабад, 1988, 21-бет; Научно-методическая деятельность учителя иностранного языка и подготовка к ней студентов в педвузе (Методические разработки). Выпуски 1 и 2 //Под ред. проф. Г. В. Роговой, — М., 1984.

вириндан лисоний бирликни ўтказиш орқали аниқлаймиз. Чет тил ва она тили (шунингдек, иккинчи тил)нинг қиёсий таҳлилини қуйидаги жадвалда намойиш қилиш мумкин:¹

Чет тил ва она тилининг қиёсий таҳлили

Янги материал	Тахминий қийинчиликлар		Қийинчиликларнинг олдини олиш бўллари					
	Тил ички интерференцияси	Тилларо интерференция	Мазно очиш усуллари	Олднн ўрганилган материалга суяниш	Она тили (иккинчи тил)га ўхшашликка суяниш	Кўргазмалilik	Материални методик ташкил қилиш (нуқт намунаси, УНВ...)	Қондани блён этиш
1. Лексикага оид 2. Грамматикага оид 3. Талаффузга оид								

Чет тилнинг қийинчиликлари дарслик муаллифи томонидан машқлар тузишда ҳисобга олинади. Муаллим ушбу дарснинг ўқув материали бўйича тайёргарлик кўрганида, она тили ва чет тил ҳодисалари муқоясасини таҳлил қилади. Ута қийин тил бирликларига эътиборни кучайтиради, зарур бўлса, қўшимча машқ киритади.

Машқлар кетма-кетлигини таъминлаш. Ҳозиргача шакланган ўқувчилар кўникма ва малакаларини ҳисобга олиб, дарсда бажарилмиш машқлар тартиботини белгилаб чиқиш яхши натижа беради. Тақдим этиладиган ва илгари ўрганилган ўқув тил материални кўникма ва малака таркибига киритиш ниятида уч босқичли — шакллантирувчи, ривожлантирувчи ва такомиллаштирувчи машқлар тавсия этилади. Дарснинг машқлари талаб ва материални муаллим синчиклаб таҳлил қилади. Дарсликдаги ва ўзи берадиган машқлар бажарилишининг энг самарали тартиби ишлаб чиқилади.

Дарс учун жиҳозлар танлаш. Дарсга тайёргарлик чоғида ўқув воситаларини танлашга алоҳида эътибор берилади.

¹ Бу жадвални К. И. Саломатов ва бошқалар тавсия қилишган: Первые шаги в профессию учителя иностранного языка: Пособие для студентов. — Л.: Просвещение, 1979, 45-бет.

(Кўргазмалилик ҳақида V бобда ва ўқув воситалари тўғрисида VI бобда батафсил гап юритилган). Дарс мақсадига, янги материалга, машқларга ва ўқувчилар савиясига қараб етарли ва керакли жиҳоз тайёрланади. Техникавий ва оддий, ўқув-методик комплекс таркибидаги ва қўлда ясалган аудиовизуал воситаларни ишлатиш ва улардан фойдаланиш усуллари ўйлаб қўйилади.

Муаллим ва ўқувчиларнинг фаолиятида амал қиладиган: хатти-ҳаракатлар дарсга тайёрланишда пухта ўйлаб чиқилади. Муаллимда **касбий-педагогик малакалар** (режалаштириш, тадқиқ этиш, ташкил қилиш ва тарбиялаш), **методик малакалар** (ўргатиш, тилни билиш, ўзлаштириш назариясини ўқувчилар ёш ва шахс хусусиятларини билиш) кабилар шаклланган бўлиши керак.

Муаллим режалаштириш малакасини эгаллаб тил материални танлаш, ўргатиш, УНВ яратиш, ўқувчилар билан муносабатда бўлиш, дарсни тўғри ташкил қилишга қодир бўлади.

Ўқитувчи таълимий малакаси эса дарс мақсади / вазифаларини рўёбга чиқариш, кўникма ва малака ҳосил қилиш бўйича ўқувчилар фаолиятини ташкил этиш, нутқий мулоқотни ўргатиш ва назорат олиб боришни ўз ичига олади.

Ташкилий малакалар деганда, қўйилган режани амалга ошириш, ўқувчилар ўқув ишини ташкил қилиш, аудиовизуал воситаларни ишлатиш, ўқувчиларнинг билиш жараёнини бошқариш тушунилади. Тарбиявий вазифалар орасида дарснинг таълимий ва тарбиявий мақсадини аниқлай олиш, қўшимча материални жалб қилиш, чет тил материалида ўқувчиларга тарбия бериш тадбирлари учрайди.

Билиш (тадқиқий) малакалари сирасига ўқув материалининг илмий таҳлили, шогирдларининг ўқув фаолиятини кузатиши, ўзининг ва бошқа муаллимлар иш тажрибасини таҳлил қилиш киради. Дарсга тайёргарлик чоғида муаллимнинг **ўқитиш малакалари** ва ўқувчиларнинг **ўқув малакалари** атрофлича ҳисобга олинмоғи лозим.

Дарс турлари. Мактабда чет тил ўргатишни ташкил этишнинг асосий шакли ҳисобланмиш дарс турлича тасниф (типология) қилиб келинади. Айрим муаллимлар дарснинг мақсадига кўра, баъзилар дарс мақсади ва мазмунига қараб, яна баъзи бировлар дарснинг мақсади ва мавзусини асос қилиб, унинг турлари ҳақида фикр баён этишган.

Илмий адабиётларда дарснинг турларини фарқлашда унинг мақсади асосий мезон сифатида ва ўқувчилар мустақиллиги қўшимча мезон қилиб олинади. Биринчи мезон методикада яхши таҳлил қилинган бўлиб, иккинчиси (мустақил фаолият) эса муаллим раҳбарлигида иш бажарганда ҳамда ўқувчи ўзин кўрсатадиган фаолиятида унинг астойдил интилишини ҳисобга олади.

Эслатма. Дидактик манбаларда фан асосини ўргатиш нуқтаи назаридан уй вазифасини сўраш, ўқув материални тушун-

тириш ва дастлабки мустаҳкамлаш, ўзлаштирилган билимларни назорат қилиш каби дарснинг тузилиши ёритилган ва бир пайтлар чет тил ўқитишда ҳам тавсия этиб келинган. Чет тилни нутқ фаолияти назарияси (психолингвистика)га асосланиб ўргатиш бошлангандан буён умумий таълим назариясидаги бир ёқлама ёндашишдан воз кечилди.

Асримизнинг 60-йилларидан бошлаб чет тил дарслари икки турга бўлинадиган бўлди. Етакчи методист олимлар таърифи-ча, соф нутқ дарси (СНД) ва аралаш нутқ дарси (АНД) номлари пайдо бўлган.

Биринчи тур (СНД)га, ўрганилган тил материали юзасидан шаклланган нутқ кўникмасига асосланиб, нутқ малакаларини ривожлантиришга бағишланадиган дарслар киритилади. Бу дарсларнинг моҳиятини нутқ машқларини бажариш ташкил этади. Муаллим ва шогирди фаолияти нутқ мавзуси УНВ ёки матн асосида ахборот бериш/олишга қаратилади. Бир ёки бирдан ортиқ нутқ фаолияти турига оид малака ҳосил қилиш учун машқ бажарилади. Тил материалига нисбатан камроқ эътибор берилади.

Иккинчи тур (АНД)да эса тил материалини қўллашга доир машқлар кўпроқ бажарилади. Лексик, грамматик, талаффуз материалини ўзлаштириш билан бир пайтда нутқ кўникма ва малакаларини ривожлантириш ҳам дарснинг мақсадига киради. Бундай дарсларда янги материал тақдимоти, унинг қўлланилиши ва нутқ амалиёти биргаликда олиб борилади. Тил материали ва нутқ амалиёти бирлигини таъминловчи машқлар тизими ишга тушади.

Бирор мавзу/матн юзасидан /ёки муайян тил материалда кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қилувчи дарс (машғулот)лар йиғиндиси дарслар тизими номини олган. Дарс тизими бир ва бир неча параграфни қамраб олади. Тизимнинг умумий мақсадидан келиб чиқиб, ёлғиз дарс мақсади аниқланади, у АНД ёки СНД бўлиши мумкин.

Дарс тури (СНД ва АНД) маълум маънода мавҳумот ҳисобланиб, унинг кичик турлари, кўринишлари амалда яққол намоён бўлади. Нутқ дарси атамасининг ўзи кўрсатиб турибдики, дарс мақсади нутқ малакасини ҳосил қилишга мўлжалланган. СНДда матнни ўқиш ва тушуниш, аудиотекстни тинглаб тушуниш, якканутқ ва жуфтнутқ дарслари бўлади. АНД кўринишидан мисол келтирамиз: янги нутқ намунасини ва гапиришни ўргатиш, янги грамматик ҳодисани ва ўқишни ўргатиш. Демак, ўқув жараёнида нутқ фаолияти тури ёки тил материалига қараб, дарс турли кўринишларда ўтказилади.

Чет тил дарсининг икки тури (СНД ва АНД)нинг 28 модели (нусхада кўриниши) назарий ишлаб чиқилган ва мактабда амалий жорий этилган (проф. В. А. Бухбиндер тавсияси):

АНД (аралаш нутқ дарслари)

1. Талаффузни тақлидан ўргатиш ва оғзаки нутқни ўстириш.
2. Талаффузни таҳлил-тақлид йўли билан ўргатиш ва оғзаки нутқни ўстириш.
3. Нутқ намуналарида лексикани тақдим этиш ва қўллаш.
4. Лексикани ўргатиш ва оғзаки нутқни ўстириш.
5. Лексикани ўргатиш ва ўқиш малакасини ривожлантириш.
6. Лексиканинг оғзаки нутқда қўлланилиши.
7. Грамматикани нутқ намуналарида ўргатиш.
8. Грамматикани ўргатиш ва оғзаки нутқни ривожлантириш.
9. Грамматикани ўргатиш ва ўқиш малакасини ривожлантириш.
10. Оғзаки нутқда грамматиканинг қўлланилиши.
11. Ҳуснихат (каллиграфия)ни ўргатиш ва ёзув малакасини ўстириш.
12. Имло (орфография)ни ўргатиш ва ёзув малакасини ўстириш.
13. Уқиллиш қоидаларини ўргатиш ва ўқиш малакасини ўстириш.

СНД (соф нутқ дарслари).

- 1/14 Нутқ намуналари иштирокида жуфтнутқни ўргатиш.
- 2/15 Муҳокама воситасида жуфтнутқни ўргатиш.
- 3/16 Ролларда жуфтнутқни ўргатиш.
- 4/17 УНВ ёрдамида жуфтнутқни ўргатиш.
- 5/18 Нутқ намуналари иштирокида якканутқни ўргатиш.
- 6/19 Мазмунни айттириб якканутқни ўргатиш.
- 7/20 Ҳикоя қилдириб якканутқни ўргатиш.
- 8/21 Тасвирлаш орқали якканутқни ўргатиш.
- 9/22 Якканутқни тинглаб тушунишни ўргатиш.
- 10/23 Тинглаб тушунишни жуфтнутқда ўргатиш.
- 11/24 Оғзаки нутқнинг илгарилаши шароитида ўқиб ахборот олишни ўргатиш.
- 12/25 Таҳлил унсурлари билан мутолаани ўргатиш.
- 13/26 Синтетик тарзда мутолаани ўргатиш.
- 14/27 Танишув (мушоҳадали) ўқишни ўргатиш.
- 15/28 Ёзувни ўргатиш.

Дарс режасида муайян модел, албатта, аниқ ўқув материали, мавзу, УНВ, матн билан тўлдирилади, мас. 4/17—СНД (УНВ ёрдамида жуфтнутқни ўргатиш)ни олсак, дарс мақсади «Синфингизда янги ўқувчи бор, унинг кимлигини, қаерда туришини сўраб билинг, УНВ бўйича жуфтнутқни ўстириш» деб ифодаланиши мумкин.

2. Дарс босқичлари. Бир соатлик (академик соат—45 дақиқа) дарснинг тузилиши муаммосига чет тил методикасида турли қарашлар мавжуд. Дарснинг қисмларини уртадан тортиб, кўп

сонли боққичларга бўлиш ҳоллари учрайди. Улар орасида етук методистлар илмий-методик жиҳатдан асослаган ва аксарият муаллимлар тан олган уч боққичли дарс тавсия этилади.

Эслатма. Бир вақтлар анъанавий бўлган ташкилий палла (рус, оргмомент), уй вазифасини текшириш, янги материал ўтиш/мустаҳкамлаш/такрорлаш каби таълимшуносликдан ўзлаштирилган дарс қисмлари давр талабларига жавоб бермай қўйди.

Ҳозирги чет тил дарси уч боққичдан иборат: дарснинг бошланиши, асосий қисм ва якуний боққич.

Дарснинг бошланиши. Муаллим дарсга кириб, биринчи қиладиган юмуши—синфда нутқ муҳитини яратишдир. Чет тилда ўқувчи дарсдан бошқа жойда нутқ фаолияти юритмаслиги туфайли сунъий муҳит яратиш боққичи ажратилади. Узоқ йиллар мобайнида ўтказиб келинган ташкилий палла энди алоҳида боққич сифатида эмас, балки дарс бошланишининг кичик қисми тарзида сақланиб қолган. Дарсни бошлашда ўқувчилар жуфтнутқ бажаришлари ижобий самаралар беради. Ҳозиргача кенг миқёсда қўлланадиган навбатчининг хабари (рапорти) ҳам амал қилади. Навбатчи хабари ҳар сафар бир қолипда такрорлана берса, аҳамиятини йўқотиш турган гап. Шунинг учун унинг мазмуни (айниқса тил материали)ни ўзгартириб, ўрганилган материални қўшиб бориш ижобий натижа беради.

Муаллимнинг дарсга киришига икки ўқувчи жуфтнутқ тайёрлайди. Салом-алиқдан сўнг «ўқувчи — ўқувчи, ўқувчи — синф, синф — ўқувчи» тарзида 5 дақиқагача жуфтнутқ ўтказилиб, чет тил муҳити ҳосил қилинади. Ҳар гал янгича савол-жавоблар бўлиши зарур. Уй вазифасининг тайёр /тайёрмаслиги текшириб кўрилади, қандай бажарилганлиги эса баъзида дарсда (асосий боққичда) ёки муаллим томонидан дафтарлар йиғиштирилиб, уйда текширилади.

Дарснинг бошланишида раиғ-баранглик бўлсин учун, муаллим синфга кириб, ўқувчиларга чет тилда дафтарларини очишни, уй вазифасини кўрсатишни сўрайди, сўнгра санани ёзиб, синф доскасидаги гаплар (сўзлар)ни кўчиришни буюради. Кейинги дарсда кўчириш учун бошқа материал тавсия қилинади.

Муаллим қизиқарли ҳикоя айтиб бериб, дарс бошлаши ҳам мумкин. Ўқувчилар чет тилда тинглаб тушуниш билан машғул бўладилар.

Булар нутқ машқлари ҳисобланади. Дарсни талаффуз, ўқиш техникаси, диктант кабилар билан ҳам бошласа бўлади.

Хуллас, чет тил дарси нутқ малака ёки кўникмаларини ўстириш билан бошланса, дарс давомида фаол ишлаш учун керакяи замин яратилади. Дарснинг бошланиши 45 дақиқа мобайнида бажариладиган ишларнинг ибтидоси сифатида ўта аҳамиятли, асосий қисмда бажариладиган машқлар самарасини олдиндан белгилловчи боққичдир.

Дарснинг асосий қисми. Мазкур боққичда дарснинг мақсади рўёбга чиқарилади. Дарсликдаги ҳамда муаллим тайёрлаган


машқлар бажарилади. Уйда ўқилган матннинг тушунганлик даражаси ҳам асосий қисмда текширилади. Янги материал тақдимоти, машқ қилиниши ва қўлланилиши шу қисм учун мўлжалланади. Таълимий ва нazorат машқлари ҳам шу босқичда бажарилади.

Имконият доирасида гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзув машқ қилинади. СНДда нутқий машқларга, АНДда тил материални ўзлаштириш ва нутқ малакаларини шакллантирувчи машқларга ўрин берилади.

Ушбу дарсга мўлжалланган машқлар қаторида уйда тайёрланган машқлар ҳам қисман (ёки тўлиқ) бажарилади.

Дарсинг якуний босқичи. Муаллим дарсга якун ясар экан, эришилган натижани қисқача таҳлил этади, ўқувчилар фаолиятини изоҳлаб баҳолайди ва навбатдаги дарсга вазифалар беради.

Чет тил дарси билан боғлиқ методик тушунчалар қуйидаги жадвалда акс эттирилган.



(Баҳоларни изоҳлаш XV бобда ёритилган). Уйга вазифа бериш назариясига оид мухтасар методик тавсияларни келтирамиз.

Уй вазифаси уч тоифада¹ бўлади: дарсдаги ишнинг давоми; кейинги дарсга тайёргарлик кўриш; ҳар иккаласидан фарқли уй иши берилади. Биринчи тоифа уй ишини турлича бажариш мумкин: синфда қилинган ишни ўзгартирмасдан такрорлаш, қисман ўзгартириб қайтариш ва мустақил бажариш. Иккинчи уй вазифасида мустақиллик кўпроқ ўрин эгаллайди. Учинчи турдаги уй вазифаси ўтилган дарсга тааллуқли бўлмагани учун уни ўқувчи тўплаган тил тажрибасига суяниб бажаради. Уй вазифаси дарсга боғланмай берилгани ҳам мумкин, бироқ уйга вазифа берилмайдиган дарс амалда кам учрайди. Уйда асосан ёзма машқлар, матни овоз чиқариб ўқиш машқлари бажарилади. Уй вазифаси ўқувчиларнинг нисбатан мустақил ишларидир, лекин у муаллим назоратидан бутунлай четда қолмайди.

Уқув-методик топшириқлар

1. Дарснинг турлари ва уларнинг кўринишларини айтиб беринг.
2. Дарс босқичлари (қисмлари)нинг мақсадларини ва дарснинг мақсадини таҳлил қилинг.
3. Муаллим дарсга қандай тайёргарлик кўришини муҳокама этинг.
4. Чет тил дарсининг бошқа дарслардан фарқини аниқланг.
5. Дарсликдаги бир параграфнинг мазмунини ўрганинг ва уни таъриф-тавсифини баён этинг.

3. 2-§. Режалаштириш

Чет тил ўргатишдан кўзланадиган мақсадларнинг кўнгилдагидек рўёбга чиқишида ўқув жараёнини тўғри режалаштириш улкан аҳамият касб этади. Режалар уч тоифада тузилади. Методик адабиётларда календар режа, мавзуй режа ва дарс режаси ҳақида маълумотлар берилган.

Календар (йиллик) режани одатда дарслик муаллифлари тузадилар (дарслик охирида ёки «Муаллим китоби»да берилади ёки алоҳида тузилиб малака ошириш институтлари орқали тарқатилади). Унда ўқув дастури талаблари, ўқув-методик мажмуа мазмуни ва тузилиши, ўқувчилар ёш хусусиятлари ва замонавий дарслик назарияси ҳисобга олинади. Йиллик режанинг таркибий қисмлари сифатида ярим йиллик ва чорак режалари шакллантирилади. Уларнинг таркибида эса мавзулар/параграфлар режалари ҳам бўлади. Ҳар бир мавзуга ажратиладиган дарс соатлари аниқланади, кўникма ва малакаларнинг тахминий даражаси кўрсатилади, ўтказиладиган дарс муддати белгиланади. Йиллик режада юз берадиган ўзгаришлар ярим йиллик/чорак режаларида ўз аксини топади. Ярим йиллик режани

¹ П. Б. Гурвич. Коррективно-подготовительный аспект методики преподавания иностранных языков: Учебное пособие. — Владимир, 1982, 71-бет.

шаҳар ёки туман муаллимлари бирлашмаси тузади. Мавзуий режа эса мактаб муаллими (ёки уларнинг бирлашмаси) томонидан тузилади.

Йиллик ва мавзуий режаларга ижодий методик ўзгаришлар муаллим томонидан киритилишига рухсат берилади (лекин тил материаллини олиб ташлаш ёки қўшиш мумкин эмас).

Бир соатлик дарс режасини ҳар қайси муаллим ўзи имкониятини тўла инобатга олиб тузади. Ўқитувчи ўқувчилар нутқ кўникма ва малакаларини дарс режасида албатта ҳисобга олади.

Режалаштириш уч методик тушунчани қамраб олади (йиллик, мавзуий ва дарс режалари), лекин муаллим мавзуий режани кўчириб олади ва дарс режаси (конспект)ни ўзи ёзади.

Мавзуий ва дарс режасида қуйидаги маълумот келтирилади.

2 Мавзуий режа. Дарсликдаги бир неча соатлик дарслар тизими бўлмиш параграф ёки нутқ мавзуси юзасидан тузиладиган ушбу режа машғулот-дарсларни бир-бирига узвий боғлайди. Методик манбаларда йиллик-мавзуий режа (календар-тематик план) тарзида ҳам икковини бирлаштириб тавсия қилинади. Аслида йиллик режадан мавзуий режа ҳосилладир. Бироқ иккаласи муштарак эмас. Ҳатто мавзуий режаларнинг тузилиши турли муаллифларда турлича. Мавзуий режанинг бир кўринишини келтирамиз. (280-бетга қаранг.)

Дарслик муаллифи ва параграф (ёки мавзу) кўрсатилади. Бир нутқий мавзу бир параграфда, иккитасида ва ундан ортиқда бўлиши ёки аксинча бир параграфда бирдан ортиқ мавзу бўлиши мумкин. Агар параграф ва мавзу тепада ёзилмаса, ушбу режани чорак, ярим йиллик ва йиллик режа (календар-тематик план) тарзида тузса бўлади.

Режанинг 1-сонли катагида ўтиладиган дарслар берилади (1, 2, 3, ...) ва унинг рўпарасидаги катак (ёки бир нечаси) тўлғазилади. Мас. 2, 10, 12, 13, 14-хоналар доимо банд қилинади, 3—4—5—6 лар эса алмаштириб турилади, 7—8—9 катаклар доимо тўла бўлавермайди. 9-хона дастлабки уч ўқув йилида тўла туради, кейинчалик аҳён-аҳёнда материалга эга бўлади, холос. Дарс мақсади номли 2-катакда ушбу дарс олдига қўйиладиган мақсад ёзилади (1-§ нинг «Дарснинг мақсади» мавзусига қаранг). Баъзи муаллифлар тўрттала мақсадни ҳам ёзишга тарафдорлар (Дарс режаси мавзусида бошқа мақсадларни ҳам кўрсатиш ҳақида тўхтаб ўтилади).

Навбатдаги 3—6-катакларда тўрттала нутқ фаолияти турлари бўйича талаблар (мас. фалон аудиотекстни тинглаш; тингланган фалон матни гапириб бериш; мутолаа учун фалон матн ва ҳ. к. з.). Айрим муаллифлар дарслик машқларидан энг мақсадга мувофиқ келадиганларини ҳам шу хоналарга ёздилар.

Тил материали бўлимида (7—9-хоналар) шу дарсда янги ҳисобланмиш тил бирликлари кўрсатилади. мас. фалон сўзлар; фалон грамматик ҳодиса (отнинг кўплиги, дарак гапда сўз

МАВЗУИЙ РЕЖА

Муаллим фамилияси ва исми ... мактаб ... синф
Дарслик ... § ёки ... Мавзу ...

Дарс тартиби (сони)	Дарс мақсади		Нутқ фазолияти турлари			Тил материаллари				Кўшимча машқлар	Жиҳоз	Уйга вазифа	Дарс ўтказилган кун (сана)	
	1	2	Ганириш	Тинглаб тушувиш	Эзув	Лексика	Грам-матика	Талаффуз	Тарроллаш учун					
1			3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
2														
3														
.														
.														

тартиби); фалон товуш, төвуш бирикмаси, фалондақа суроқ гап оҳанги ва ҳ. к. з.

Мувозий синфларда такрорлаш учун турли материал бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас, сабаби — ўқувчилар гуруҳининг ўзлаштириш савияси турлича бўлиши мумкин. Бинобарин, ушбу катакда вақт-вақти билан ўзгариш бўлиб туриши табиий ҳолдир. Қўшимча машқ(лар) ва материалли (11-хонада) ҳам олдиндан белгилаш мураккаб бўлади, чунки аввалги дарсларга қараб, кейингилари маълум бўлиб боради.

Жиҳозлар масаласига келсак, бевосита муаллим ихтиёри билан тўлғазиладиган катакчадир. Мавжуд аудиовизуал воситалардан фойдаланиш кўзда тутилади.

Уй вазифаси (13-катак) олдиндан белгиланади. Лекин ўқувчиларнинг улгуришига қараб, у ўзгарувчан бўлиши ҳам мумкин, яъни қўшимча вазифа берилиши ёки айрим вазифалар алмаштирилиши мумкин.

Охирги (14) катак дарслар ўтилишига қараб тўлдириб бориладиган маълумот, олдиндан қалам билан белгиланса ҳам бўлади. Ушбу режада дарсликдаги ҳамма параграф қамраб олинishi шарт, бундай қатъий талабни машқлар тизимига қўйиш мумкин эмас.

Мавзуй режа (ёки мослаштирилган йиллик-мавзуй режа) ҳар бир машғулот (дарс) мазмунини белгилаб берувчи ва умумий методик йўл-йўриқ бўла оладиган, бинобарин, дарс режасига замин яратувчи омилдир. Лекин дарс режаси алоҳида тузиладиган зарур ўқув-методик ҳужжатдир.

3 Дарс режаси. Мавзуй режага суянган ҳолда дарс конспекти (режаси) яратилади. Конспект деганда, дарсда муаллимнинг фаолияти ва ўқувчилар бажарадиган амаллар, ўтказиладиган машқлар ва бошқа барча ишларнинг аниқ тасбири ва уларга сарфланадиган вақт миқдорий ўлчови кўрсатиладиган дарс режаси тушунилади. Уни дарснинг бориши ҳақидаги сценарий деб ҳам аташади.

Режани тузишда муаллим чет тил дарсига қўйиладиган талабларни ҳисобга олади («Муаллимнинг дарсга тайёргарлиги» мавзусига қаранг).

Дарс режаси лойиҳа тарзида тавсия этилмоқда, шунинг учун уни «Муаллим китоби»даги тартибот билан уйғунлаштириш керак бўлади.

Режанинг биринчи саҳифаси қуйидаги кўринишда бўлади:

...-синф (сана)

Дарс мавзуси...

Дарснинг мақсади (мақсадлари)...

Қўшимча мақсад (мақсадлар)...

Тарбиявий, таълимий, ривожлантирувчи мақсад...

Жиҳозлаш...

Дарснинг бориши:

Кўриниб турибдики, дарс режаси икки қисм (кириш ва дарснинг бориши)дан иборат.

«Синф» деганда, ўқув предметини эгаллашдаги маълум босқич ва ўқувчиларнинг ёши тушунилади. Ҳар иккала омил ўқув материали меъёрини белгилаш ва уни ўргатиш усулларини қўллаш ва тегишли воситаларидан фойдаланишда ҳисобга олинади.

Дарс ўтказиш санаси тил устида ишлаш даврини кўрсатади: чорак боши, охири, йил охири кабилар. Бунга такрорлаш, қўшимча қилиш, назорат кабилар мувофиқлаштирилади. Ҳатто ҳафтанинг қайси куни эканлиги ҳам дарс режасига таъсир қилади.

«Мавзу» қисмида параграфнинг дарс-машғулоти ёки нутқий мавзу (мас. Мактаб, Уй, Кўча) кўрсатилади.

«Дарснинг мақсади» бўлими одатда «Асосий амалий мақсад», яъни гапириш, тинглаб, тушуниш, ўқиш, ёзув малакаларини ўстириш тарзида идрок этилади. Қўшимча мақсад амалий мақсад таркибида берилса ҳам бўлади, унда кўникма даражасида тил материали тақдим этилади (Ушбу бобдаги «Дарснинг мақсади» мавзусига қаранг).

Амалий мақсаддан ташқари чет тил ўқитишнинг бошқа учала мақсади ҳам дарсда рўёбга чиқарилади. Уларнинг барчаси ҳар бир дарсда кўрсатилмаслиги ҳам мумкин, чунки ҳамма дарсда бу учала мақсад бўлиши шарт эмас.

«Жиҳоз» масаласига келганда, дарснинг доимий воситалари (мас. дарслик, синф доскаси) ҳамма вақт кўрсатила бермайди. Барча дарсда мунтазам қўлланмайдиган, шу дарс учун зарур аудиовизуал воситалар кўрсатилади, холос.

Кириш қисмидан ташқари дарснинг методик ишланмаси (рус. разработка) сифатида «Дарснинг бориши» номли асосий масала ёритилади. (Унинг мазмуни «Дарс босқичлари» мавзусида ўз аксини топган.) Ҳар бир бажариладиган машқ ёки ундаги иш турига дарс режасида вақт белгилаб олинади.

Ўқув-методик топшириқлар

1. Режалар турлари ҳақида мулоҳазангизни баён этинг.
2. Мактаб дарслиги ва «Муаллим китоби»дан фойдаланиб, бир неча параграфнинг мавзуй режасини тузинг.
3. Дарсликлардаги бир-иккитадан машғулотнинг режаларини тузишга ҳаракат қилинг.
4. Дарс деганда кўз олдингизга келадиган масалалар бўйича муҳокама ўтказинг.

XVII б о б. ЧЕТ ТИЛ ЎҚИТИШ БОСҚИЧЛАРИ

Ўқитиш жараёнини босқичларга ажратиш

Урта умумтаълим мактабида чет тил мажбурий ўқитиладиган ўқув предметлари қаторидан ўрин олади. Мактаб ўқув режасига киритилган барча предметлар ўрганилиши шарт, чунки мамлакатимизда маълумот олиш мажбурий қилиб қўйилган

(ихтиёрий-факультатив машғулотлар эса ўқувчи хоҳиш-истаги билан сайлаб олинadиган дарслардир. Улар кейинги — XVIII бобда ёритилади).

Жорий ўқув режаси ва дастурига биноан чет тилдан мажбурий курс (лотинчада *cursus* < *currege* югурмоқ, тез юрмоқ) V—XI синфларда ўргатилади.

Эслатма. Ўқув режалари ўзгариб туриши муносабати билан ўрта мактабнинг V—X ёки IV—X синфларида чет тил ўқитиб келинганлиги, ҳозир эса V—XI синфларда ўқитилиши методика тарихидан маълум. 30-йиллардан (И. А. Грузинская) бери таълим босқичлари масаласи методик муҳокама мавзуси бўлиб келади.

Чет тил ўқув предметининг мажбурий курси методик жиҳатдан турлича даврлаштириб келинган. Даврлаштириш одатда бошланғич (V—VI синфлар), ўрта (VII—VIII синфлар) ва юқори (IX—XI синфлар) босқичлар билан чегараланади¹. (Таянч мактаб тизимига ўтиш туфайли IX синфни ҳам иккинчи босқич қамраб олади.)

Босқичларга² ажратишда, бир томондан, чет тилни ўқитиш хусусияти ҳисобга олинса, иккинчи тарафдан, ўқувчилар ёши назарда тутилади. Ўқувчининг ёш хусусияти руҳшуносларнинг теран назарий ва экспериментал тадқиқотларида атрофлича ишлаб чиқилган (Л. С. Виготский, А. Н. Леонтьев, Ж. Пиаже ва бошқалар асарларида мазкур масала акс эттирилган). Чет тил ўқитиш жараёнини ташкил қилишда руҳшунослик га одамшунослик (физиология) илмий манбаларига суяниб иш қўрилади.

Ўқувчиларнинг ёш ва шахс хусусиятларини, яъни тафаккур, хотира, диққат, фаолият жиҳатларини ҳисобга олиб, муаллим чет тил ўргатишда уларга фарқли ёндашади ва оқилона иш қўради. Чет тил таълимининг уч босқичга ажратилиши мазкур вазифани бажаришга хизмат қилади.

Тил ўрганишда нутқ фаолиятини эгаллаш босқичлари ҳам назарда тутилади. Эътибор лексик-грамматик материал ҳажми ва нутқ фаолияти турларининг ўзаро муносабатига қаратилади. Чет тил ўрганишнинг замини яратилади, кўникма ва маълакалар босқичма-босқич ривожлантирилади.

Ўрта мактабда чет тил ўқитишнинг мақсадларига кўра, нутқ фаолияти турларини эгаллаш нуқтаи назаридан таълим жараёнини икки йирик палла (концентр)га бўлиш ҳам мумкин: биричиси V—VII синфлар ва қолган барча синфлар иккинчи концентр ҳисобланади (III бобнинг «Чет тил ўқитишнинг ама-

¹ Программа по иностранным языкам (английский, немецкий, французский) для V—XI классов общеобразовательной школы с узбекским языком обучения (проект) // Состав. Х. Сайназаров, . . . С. С. Мирсағатова и др. — Ташкент: Ўқитувчи, 1988, 4-бет.

² Методик адабиётларда даврлаштиришга онд илмий атамаларнинг маъновий муштараклиги сақланган ҳолда номлашда ҳар хиллик кузатилади: бошланғич—дастлабки, кичик—қуйи, юқори—катта, якуний—сўнги; босқич—давр ва ҳ.к.

лий мақсади» мавзусига қаранг). Биринчисида гапириш ва тинглаб тушуниш, иккинчисида эса ўқиш ва тинглаб тушуниш амалий мақсад мақомида ўргатилади.

Хуллас, чет тил ўқитишни ташкил этишда анъанавий уч босқич (V—VI, VII—VIII, IX—XI синфлар) бошланғич, ўрта ва юқори номларини олган. Шу билан бир пайтда, чет тилда нутқ малакаларини ҳосил қилиш паллаларини шартли икки концентри жараён деб тан олиш ҳам мантиқан мақбулдир. Биринчисида ташкилий, иккинчисида эса нутқий босқичларни фарқлашга дуч келамиз.

Руҳшунослик, таълимшунослик ва ўқитиш методикаси маълумотларига асосланиб, уч босқичли чет тил ўқитиш жараёнининг таҳлилига киришамиз.

1-§. Бошланғич босқич

Нутқ фаолиятига замин ҳозирловчи ушбу палланинг кейинги босқичларда чет тил таълими самарадорлигини оширишда аҳамияти беқийёсдир. Ақлий ва руҳий ривожланишда V—VI синф ўқувчилари бир тоифада туради. Улар янги ўқув предметини қизиқиш билан кутиб оладилар. Муаллимга тақлидан ўрганишни яхши кўришади. Ашула, шеър, ўйинларни ёқтиришади.

Чет тилда гапириш ва тинглаб тушунишнинг камтарона малакалари билан бирга ёзиш ва ўқишдек тил техникаси кўникмаларини ўзлаштиришга сезиларли вақт ва куч сарфланади. Ушбу босқичга ўқув режасида nisбатан кўпроқ вақт ажратилади. Синфлар кичик гуруҳларга бўлиб ўқитилади. Бу босқичда ўқувчиларнинг барқарор эшитув-талаффуз кўникмалари шакллантирилади. Тил бирликларининг эшитиш-ҳаракат тимсолларини ҳосил қилиш йўлида гапириш ва овоз чиқариб ўқиш кўн машқ қилинади. Маълумки, бошқа нутқ фаолияти турлари гапириш орқали ўргатилади.

Бошланғич босқичда ўқувчиларнинг муаллим ҳикоя ва кўрсатмаларини тинглаб тушуна олишлари, ўрганган тил материали асосида расмга қараб гапириб беришлари, матн мазмунини айтиб беришлари, ўтган мавзулар бўйича суҳбат қура олишлари, матнни ўқиб тушунишлари талаб қилинади. Берилган саволга жавоб қайтариш, савол бериш, таклифга розилик/қаршилик билдириш, жуфтнутқда шеригининг гапларини тушуниш малакаларини эгаллайди. Оғзаки нутқ ва ўқиш мавзулари асосан мактаб ва уй ҳақида бўлади. Лексик-грамматик материал актив минимум мақомида ўзлаштирилади.

Биринчи ўқув йилининг охирига келиб ўқувчи ичда ўқишни ҳам машқ қила бошлайди. Ўқилиш қоидалари одатда лексик-грамматик бирликларни ўзлаштиришга қараб бериб борилади, икки ва ундан ортиқ лисоний мисол пайдо бўлгач, тегишли қоида чиқарилади.

Хусниҳат ва имло кўникмаларини VI синф якунлангунча эгаллайди (26 ҳарфнинг ҳаммасини биринчи йил ўрганиш шарт эмас). Уйга вазифа қилиб ёзма топшириқлар ва овоз чиқариб

Ўқиш берилади, улар синфда ўрганилганларни мустаҳкамлаш мақсадида бажарилади.

Бошланғич босқич методикасининг энг мураккаб масаласи— нутқ фаолияти турларини барабар ўргатиш ёки уларни айрим-айрим, кетма-кет ўргатиш маъқул ёки номаъқуллигида. Муаммонинг чигаллиги яна шундаки, оғзаки нутқдан ўқишга қараб бориш керакми ёки аксинча йўл тутиш зарурми?, деган саволларни ҳал қилиш билан боғлиқ.

Методика назарияси ва мактаб амалиётида иккита илмий атама тез-тез учраб туради: оғзаки кириш курси ва оғзаки илгарилаш. Бошланғич босқичнинг ўта долзарб масалалари шу икки тушунчага тааллуқли. Мавжуд адабиётларда мазкур бошланғич ўқитиш турлари кенг кўламда ёритилган.

Маълум муддат оғзаки нутқни ўргатиб, кейинроқ ёзма нутққа ўтиладиган методик ёндашиш оғзаки кириш курси номини олган. Бир чорак (ҳатто ярим йил) мобайнида оғзаки машқларнигина бажариш тавсия қилинган дарсликлар мавжуд. Қатор давлатларда оғзаки кириш курсининг турли кўринишлари ишлаб чиқилган ва биринчи ўқув йилида жорий этилган. Уларнинг ҳар бирини методик система шаклида ишонарли қилиб, илмий асослаб беришган. Методикада у ҳақда кўп ёзилган.

Ўзбекистон мактабларида чет тилни оғзаки илгарилаш методик мезонига кўра ўқитиш қабул қилинган.

Чет тил ўқитишнинг бошланғич босқичида оғзаки илгарилаш атамасининг маъноси шундан иборатки, ўрганилмиш лексика аввалдан оғзаки машқларда, 1—5-дарсдан сўнг (грамматика яна ҳам кечроқ) ёзма шаклда эғаллаб борилади. Бир қарашда нутқ фаолияти турлари — гапириш, тинглаб тушуниш, ёзув ва ўқиш ҳар бир дарсда иштирок этади. Дастлабки бир неча дарсда (турли чет тилларда 3—8 тагача) фақат оғзаки машқлар бажарилади. Масалага яқиндан ёндашилса, шу нарса аён бўладики, оғзаки нутқ материали миқдоран ёзма нутқдагидан анча кўпроқ. Оғзаки ўрганилган лексик-грамматик бирликлар аста-секин ёзувда ўрганила бошланади. Демак, оғзаки ва ёзма тақдим қилинадиган материалда фарқ сезилади. Ўқув йили охирида барча материал тўрттала нутқ фаолияти турида ҳам ўрганилган бўлади.

Дастурий тил материалини аввалдан оғзаки ва бир муддат кейинроқ ёзма шаклда машқ қилиш методик ҳодисасини оғзаки илгарилаш ёки оғзаки нутқнинг олдин юриши дейилади.

V синфда оғзаки илгарилаш туфайли тинглаб тушунилган ва гапиришда ўзлаштирилган материал аввал ёзувда, сўнг ўқишда берилади. VI синфда тинглаб тушуниш ва гапиришдан кейин ўқиш ва охирида ёзув машқ қилинади.

Ўқув-методик топшириқлар

1. Чет тил ўқитиш босқичлари номларини айтинг.
2. Босқичларга ажратиш омилларини сўзлаб беринг.

3. Бошланғич босқични ташкил қилишнинг икки кўринишини баён этинг.

4. «Оғзаки илгарилаш» методик атамасини ифодаловчи тушунчани таҳлил қилинг.

2-§. Урта босқич

Урта мактабнинг VII—VIII (IX) синф ўқувчилари таҳсил кўрадиган ушбу босқич, бир томондан, оралиқ давр ҳисобланади, иккинчидан, чет тилда нутқ кўникма ва малакаларини ўстиришнинг янги палласи саналди. Бу палла саккиз (тўққиз) йиллик мактабнинг якуний босқичидир.

Ўсмирлик даврини бошидан кечираётган ўқувчилар нарса ва ҳодисаларга қизиқувчанлик билан қарайдилар, билиш фаолияти кучайган бўлади. Бироқ ҳаётий заруриятни, манфаатдорликни сеза бошлайдилар. Айрим ўқув предметларига, жумладан чет тилга қизиқишнинг сўниши ҳоллари учраб туради. Тил материални ўрганишда онглиликка эътибор кучаяди.

Ушбу босқичда актив лексик ва грамматик материални ўрганиш давом этади. Оғзаки нутқ етакчи амалий мақсад ва муҳим таълимий воситалардан бири мақомини сақлаб туради. Ўқишнинг малака сифатида мавқеи ўзгаради, у асосий амалий мақсад даражасига чиқа бошлайди. Ёзма матндан қизиқарли ва фойдали ахборот олишга эътибор ошади. Хуллас, оғзаки нутқ ва ўқиш малакаларига сарфланмиш куч ва вақт бараварлашади. VII синф охирига келиб ўқишнинг амалий мақсад мақомини егаллашига замин ҳозирланади.

Иккинчи (ўрта) босқичнинг охирида ўқувчилар берилган мавзулар бўйича оғзаки фикр баён эта олиш, тингланган ёки ўқилган матн мазмунини айтиб бериш, суҳбатда қатнашиш ва хат ёзиш малакаларига эга бўладилар. Гапирганда ўз муносабатини билдириш, ўзларининг нуқтаи назарини асослаш, сабаб-оқибат боғланишини изоҳлай олишни машқ қилишади. Суҳбат чоғида муносиб репликалар қўллай олиш, жуфтнутқда 7 тагача реплика ишлата олиш ва якка нутқда 12 тагача гап айта олиш талаб қилинади. Ўқиганда 3—4 фоиз нотаниш сўзли матнни луғатсиз ўқиб тушуниш, уларнинг маъносини контекст ёки сўз ясовчи унсурлар ёрдамида фаҳмлаб олиш, нотаниш сўз миқдори юқоридагидан кўпроқ учраганда, луғат билан ўқиб тушунишга эришадилар.

VIII синфда ҳамма актив грамматик ҳодисалар деярли ўрганиб бўлинади. Аввал лексик тарзда (типовой жумла мақомида) ўрганилган грамматик бирликлар ҳам энди, мисол етарли бўлса, умумлаштирилади. Оғзаки илгарилаш бир машғулот ички чегарасида давом этади.

Ўқишда нотаниш сўзларга дуч келиш сабабли инглиз ва француз тилларини ўрганувчилар транскрипция билан тўлиқ танишадилар. VIII синфда икки тиллик луғат ишлатиш бошланади ва луғат билан мустақил ишлашга киришадилар.

Ўрта босқич тугашида уч минутгача давом этадиган муаллим/диктор нутқини тинглаб тушуниш ва дарсда ҳамда чет тил хонасида мустақил эшитиш тавсия қилинади.

Ўқишнинг салмоғи ошиб бориши матн ҳажмининг катта-лашиши, ўқишнинг умумий кўлами кенгайиши, асосан уйда овоз чиқармай ўқиш (синфда текшириш) кабиларда намоён бўлади. Танишув ўқиш шакллантирилади. Босқич якунида таҳлил унсурлари билан мутолаа бошланади. Бу даврда уйда ўқиб ёзма таржима қилиш ўргатилади ва синфда текширилади.

Ёзув бўйича кичик-кичик иншолар машқ қилинади, синфда муҳокама қилиниб, уйда ёзилади.

Ҳафталик ўқув соати камлиги туфайли бу босқичда мустақил ишларга катта ўрин берилади (Мустақил ишлар бажариш методикада ёритилган¹). Турли-туман маълумотномалардан фойдаланиш малакалари ўстирилади.

V—VIII синфда «Теварак-атроф», «Мамлакатимиз» мавзулари (қисман «Тили ўрганилаётган мамлакат ҳақида» ҳам) гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзувга асос бўлади. Урганилган лексик ва грамматик материал тўлиғича актив минимумни ташкил қилади.

Ўрта босқичда нутқ кўникма ва малакаларининг маълум даражада эгаллаш якунланади (XV бобнинг «Назорат объекти» параграфидида сифат ва миқдор кўрсаткичлари келтирилган).

Хуллас, ўрта босқичда ўрганилган оғзаки нутқ материали ва мавзулари юқори босқичда ҳам гапириш ва ёзувга асос ҳисобланади. Ўқиш билан боғлиқ таълим мавзуи навбатдаги параграфда муҳокама қилинади.

Ўқув-методик топшириқлар

1. Ўрта босқичнинг муҳим белгиларини санаб бериш.
2. Ўрта босқичда ўзлаштирилмиш лексик ва грамматик бирликларни актив ёки пасив минимумга киришини асосланг.
3. Чет тил ўқитишнинг мазкур босқичида гапириш ва ўқишнинг ўзаро муносабатини муҳокама қилинг.

3-§. Юқори босқич

Чет тил ўқитиш мактаб курси якунланадиган ушбу даврнинг ҳам ўзига хос хусусиятлари бор. Таълим дастурида нутқ малакаларига қўйилган якуний мақсадлар амалга оширилади. 16—18 ёшлиларнинг фазилатларига биноан пурмазмун матнларни ўқиш бирламчи вазифадир.

Бу босқични шартли ҳолда икки даврга ажратиш мумкин: IX (ёки X) синфнинг биринчи ярим йили (1- ва 2- чорақлар) ва IX (ёки X) синфнинг 3-чорагидан XI синф охиригача бўлган

¹ Б. Жабборов. Студентларнинг чет тилдан мустақил ишлари: Пед. ин.-лари учун қўлл. / Махсус ред. Ж. Ж. Жалолов. — Тошкент: Ўқитувчи, 1987.

вақт. IX (ёки X) синф ўқувчилари одатда турли мактаб ёки синфлардан йиғилиши мумкин. Билим савияси бир хил бўлмаганлигидан уларнинг нутқ малакаларини «тенглаштириш»га тўғри келади. Ярим йил мобайнида асосан такрорлаш даврини бошдан кечирадилар. Ҳар бир тўққизинчи (ёки ўнинчи) синф ўқувчисининг шахс хусусиятларига қараб, яккама-якка (индивидуал) ишлар бажарилади (мас. тарқатма материал ишлатиш, уйга алоҳида вазифа бериш, синфдан ташқари машғулот ўтказиш).

Ўрганиладиган грамматик ҳодисалар энди пассив минимумга киради, яъни тинглаб ёки ўқиб тушуниш пайтида таниб олишга мўлжалланади. Илгари бир маънода ўзлаштирилган аслида полисемантик сўзларнинг янги-янги маънолари очиб берилади. Лексиканинг тенг ярми актив ва қолган қисми пассив тарзда ўзлаштирилади.

Ўқиш бирламчи амалий мақсад ҳуқуқини олади. Тинглаб тушуниш ва гапириш малакалари ўқилган материал ҳамда ўқиш мавзуси асосида ривожлантирилади. Аксарият яққанутқ машқлари матн мазмуни доирасида бажарилади (жуфтнутқ машқлари нисбатан камаяди). Оғзаки нутқнинг илгариллаши мезони бу даврда ўз кучини йўқотади.

Матнларга қўйиладиган талаблар кучаяди: матннинг тили мураккаблашади, китобий услубдаги ёзма матнлар асосий ўринни эгаллайди, мослаштирилган парчалардан ташқари аслиятдаги матнлар ўқилади. Бадий адабиётлардан олинган парчаларда тили ўрганилаётган мамлакат ҳаётига тааллуқли илмий-оммабоп матнлар салмоғи кўпайтирилади. Матбуот (газета, журнал)дан мақолалар танлаб ўқитилади. Улар мутолаа туридаги ўқишга мўлжалланади.

Уйда ўқиш билан астойдил шуғулланиш бошланади. Матн олди ва матндан кейинги машқлар синфда бажарилади. Синфда ўқиладиган матнлар эса ҳажман кичик бўлиб, ичда ўқиш тезлигини оширишни машқ қилиш учун тавсия қилинади.

✓ Аввалги босқичларда унчалик кузатилмаган тил ўрганишда онглилик кучайтирилади. Ўқилиш қоидалари, маълум маънода, назарий тартибга (оддий системага) солинади, юқори синф ўқувчилари янги сўзларни мустақил (ёки луғатдан фойдаланиб) ўқийдилар. Грамматик билимлар ҳам қоидаларда умумлаштирилади, турли лисоний жадваллар тузилади ва амалиётда қўлланади. Грамматик маълумотномалардан фойдаланиб иш кўришади (биноқ қоида вербал тарзда (сўз ифодасида) алоҳида сўралмаслиги маълум).

IX—XI (X—XI) синфларда «хукмрон» ўқиш тури саналмининг танишувига кўплаб матнлар бериб борилади (мутолаа қилиниши юқорида таъкидланди). Кузатув ўқиш ҳам қисман бажарилади. Кузатув ўқишда ҳажми катта матнлар (мас. матбуот материали) олинади. Ўқиш туридан қатъи назар янги ва фойдали ахборот олини, яъни китобдан ҳаққоний ҳаётда фойдаланиши мумкин бўлган ўқиш билан юқори синф ўқувчилари маш-

гул бўладилар (мас. мамлакатимиз ва чет эл ёшлари турмушини акс эттирувчи ахборотларни ўрганишади).

Чет тил таълими дастурида қайд этилганидек, ўрта мактабни тугатувчидан чет тилдан ўқиш мақсадида келажакда бемалол фойдаланиш имкониятига эга бўлиши талаб қилинади, бинобарин, юқори синфларда ўқиш стакчи амалий мақсад мақомини эгаллайди.

Уч босқичли мажбурий таълим курсини ўтган мактаб ўқувчиси дастурий талабларга кўра гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзув малакаларини эгаллаб, ҳаётий эҳтиёж туғилган кезларда ўқиб ахборот олишга тайёрланади.

Ўқув-методик топшириқлар

1. Юқори босқичнинг асосий методик белгиларини айтиб беринг.
2. Лексика ва грамматика ҳодисаларини бу босқичда ўргатиш борасида фикр баён этинг.
3. Нутқ фаолияти турларининг юқори босқичда таълимий мақсад ва восита эканлиги ҳақида гапиринг.
4. Чет тил матнларидан янги ахборот олиш масаласини таҳлил қилинг.

XVIII б.б. ЧЕТ ТИЛДА ФАКУЛЬТАТИВ МАШҒУЛОТ

«Факультатив» тушунчасининг таҳлили

Таълимшуносликда ўқувчиларнинг ўқишга бўлган қизиқишлари, ҳаваси, интилишларини, умуман олганда хоҳиш-истакларини ҳисобга олиш ва фарқлаб ёндашиш масалалари муҳим ўрин эгаллайди.

Маълумки, бир синфда хилма-хил шахслар ўқийди. Уларнинг умумий хусусиятлари билан бирга жуда кўп фарқли хислатлари намойе бўлади. Ўқув предметларига муносабат жиҳатидан ҳам улар турли тоифаларни ташкил этадилар.

Мажбурий ўқув предметининг дастурий талаблари ўртача қобилиятга эга ўқувчиларга мўлжалланади. Ундан ташқари бўшроқ ва илғор ўқувчилар ҳам ажралиб туради. Билими суст ўқувчиларга қўшимча дарсда ёрдам берилади. Ғайратли ўқувчи эса қўшимча ўқув материални ўрганишга интилади. Муайян ўқув предметига зўр иштиёқ кўрсатувчи ўқувчилар ушбу соҳада ихтиёрий курсга жалб этилиши мумкин. (Аълочилар дейилгани йўқ, балки ушбу соҳага мойиллиги борлар ҳақида гапирилмоқда).

Кенг истифода этилмиш «факультатив» сўзи латинча *facultas (facultatis)* дан олинган бўлиб, «йўл қўйиладиган», «иложи бор», «мажбурий эмас», «танланадиган» каби маъноларини билдиради. Мактабда «мажбурий» ўқув предмети бўйича бирламчи дастур ишлайди, асосий курс амал қилади, ундан ташқари хоҳловчилар учун, барчага мажбурий бўлмаган, қизиқишига қараб

танланадиган машғулотлар тавсия этилади. Демак, асосий дастурий курсни мажбурий деб, қўшимча материал ўрганишни ихтиёрий курс номи билан юритилади.

Чет тилдан ҳам ихтиёрий машғулот олиб боршга, барча соҳада бўлганидек, рухсат этилган. 1967/68 ўқув йилидан бошлаб мажбурий курс дастуридан ташқари факультатив курс киритилган. Дастурий талабларни қониқарли ва яхши ўзлаштирувчи ва билимларини янада чуқурлаштиришга мойил ўқувчилар ихтиёрий машғулотларга қатнашишлари мумкин. Чет тилдан юксакроқ нутқ қўникма ва малака берадиган ихтиёрий дарслар ҳам мактабларда кенг қулоч ёйган. Ихтиёрий дарс ҳақида 60-йиллар иккинчи ярмидан ҳозиргача кўплаб адабиёт чоп этилган¹.

Методик манбаларда учрайдиган «ихтиёрий» сўзи билан ясаладиган икки атаманинг фарқига бориш керак: чет тил ихтиёрий курси ва чет тил факультатив ўқув предмети. Биринчисида мажбурий курснинг давоми тушунилади. Иккинчи атама «ихтиёрий ўқув предмети» маъноси бутунлай бошқа, яъни ўқув предмети (мас. чет тил) ўқитилмайди, ўқув режасидан жой олмаган, бироқ ўқишни истовчилар топилса, уни қўшимча предмет мақомида ўрганишга рухсат қилинган. Кечки мактабларда 1970 йилдан бошлаб чет тил ўқитиш режалаштирилмайди, мабодо ўқувчилар хоҳиш билдирган тақдирларида уни ихтиёрий ўқув предмети қилиб ўқитилади.

Ихтиёрий атамаси қўзғайдиган ассоциация (фикран боғланиш) мажбурийга қўшимча ва номажбур ўқув предмети тушунчаларини акс эттиради.

1-§. Факультатив курснинг мақсади ва ташкилий масалалари

Мактабда ўқитиладиган чет тил ихтиёрий курси олдига мажбурий курсдагидек амалий, таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлар қўйилади. Ушбу мақсадлар ихтиёрий дарсда чуқурроқ амалга оширилади. Ижодий йўналишдаги жуфтнутқ ва якканутқ машқлари бажарилади: ўқилган адабиётни, тингланган аудиоматериални, намойиш этилган фильмларни чет тилда муҳокама этилади, улар ҳақида маърузалар ва ахборотлар қилинади. Уйда ўқилган матнлар мазмунини машғулот чоғида текшириб кўрилади. Факультатив дастуридаги мавзулар

¹ Ўқув қўлланмалари нашр этилган — инглизча Б. С. Островский, немисча С. Ф. Шатилов ва бошқалар, французча С. В. Калинина ва бошқалар тузишган; «Иностранные языки в школе» журналинда муттасил мақолалар бериб келинган; ўзбек тилида: Ж. Жалолов, Факультатив машғулотлар ҳақида // Совет мактаби, 1968, 10-сон; И. Сатторов, Француз тили бўйича факультатив машғулотларни ўтказиш тажрибасидан // Обучение иностранным языкам в школах Узбекистана // Сборник статей. IV выпуск. — Ташкент, 1973, 86—89-бетлар; Чет тиллардан факультатив машғулотлар программаси / (Масъул ред. Ж. Ж. Жалолов. — Тошкент: Ўқитувчи, 1968; Программы факультативных занятий по иностранным языкам (английский, немецкий, французский) для узбекских школ. — Ташкент: Ўқитувчи, 1977 ва бошқалар.

бўйича мақола ва парчалар ўқилади, аннотация ва рефератлар ёзилади.

Ўқув режасида ихтиёрий дарснинг VII синфда бошланиши қайд этилса-да, чет тил бўйича у VIII синфдан бошлаб ўтказилади. V—VII синфларда ўзлаштирилган тил материали асосида иш кўрилади.

Ўқувчи мажбурий дарс ва ихтиёрий машғулотда бирваракай шуғулланиб боради. Демак, ихтиёрий дарс ҳам мактаб ўқувтарбия жараёнининг ажралмас қисмидир. Умумтаълим беришни такомиллаштиришнинг самарали шакли бўлиб, ихтиёрий дарс ўқувчини унумли ишлашга ўргатиш воситасидир.

Ўқув режасида мажбурий предметлар рўйхатидан ташқари ихтиёрий курсларга фан ёки соҳанинг номи кўрсатилмасдан ҳафталик соат миқдори белгиланган. Мактаб маъмурияти розилиги билан муайян соҳа мутахассиси (муаллим) ихтиёрий дарс ташкил қилиши мумкин. Ўқув синфларида қайси предметни танлашса, шундан машғулот бошланади: соат ўша соҳага ажратилади. VII синфни тугатувчилар келгуси йили чет тилдан ихтиёрий дарс олишга истак билдирсалар, VIII синф бошланишидан факультатив синф ёки гуруҳ ташкил қилинади.

Ихтиёрий курснинг ташкилий масалаларига тўхталамиз. Факультатив гуруҳ 10 сентябрғача тузилади. Инглиз, испан, немис, француз тилидан шаклландиган алоҳида гуруҳлар VIII синфларнинг бир ёки бир нечасидан териб олинади. (Яқин жойлашган мактаблардан ҳам гуруҳ тузишга рухсат қилинади.) Ўқув йилининг иккинчи ҳафтасида ихтиёрий дарс бошланиши биланоқ рўйхатдагилар учун у мажбурийга айланади. Дарс жадвалида биринчи дарсдан аввал ёки охиридан кейин қўйилади ва мунтазам ўтказилади.

Унинг синф-дарс машғулотида кескин фарқландиган томонлари ҳам бор. Уйга ёзма вазифалар берилмайди (ўқишга эса бу қонда тааллуқли эмас).

Машғулот мобайнида ўқувчилар жавобига баҳо қўйилмайди. Ўқувчи кўникма ва малакасини муаллим оғзаки баҳолайди, мажбурий машғулотларда ихтиёрий иштирокчиларнинг ютуқлари алоҳида изоҳлаб турилади. Мактабни тугатиш гувоҳномасида ёки ўрта маълумот ҳақидаги шаҳодатномада ихтиёрий дарс ўқиганлиги кўрсатилади.

Факультатив машғулотлар VIII—XI синфларга мўлжалланиб, ушбу курсни икки босқичга ажратиш мумкин: биринчи йил ва қолган ўқув йиллари учун ихтиёрий машғулотлар.

Биринчи босқичда ўқувчиларнинг кўникма ва малакалари тенглаштирилади, яъни V—VII синф тил материали ва нутқ малакалари мустаҳкамланади, ва ушбу синф учун факультатив дастури материали асосида кўникма ва малакалар ривожлантирилади.

Юқори босқичда кўникма ва малакалар бўйича факультатив дастури даражасидаги якуний марралар эгалланади.

Чет тилдан ихтиёрий машғулотлар ташкил қилишнинг муай-

ян методик мезонлари (С. Ф. Шатилов томонидан) ишлаб чиқилган.

1. Чет тил коммуникатив асосда ўқитилади. Мажбурий дарсларга қараганда ихтиёрий дарсда ушбу мезон таълимда кенгроқ татбиқ этилади. Чунки ўқув материали ҳажми ошган, шароит (мас. ўқув соати) кўпайтирилган, чет тилда мулоқот табиий ҳолатга яқинлаштирилади. Ўқув жараёнида тўлақонли нутқ амалга оширилади, ахборот алмашишга имконият яратилади.

Оғзаки нутқни ривожлантириш бобида УНВДан янада бемалол фойдаланилади, диа-, эппи- ва кинофильмларни қўллашга эътибор кучайтирилади.

2. Ихтиёрий дарсларда ўқувчилар тил устида мустақил ишлаш малакаси билан таъминланади. Тилни мустақил ўрганиш янги УНВДа фикр алмашиш ва матнни ўқиб, тушуниш, тегишли ахборотномалар (луғат, грамматик қўлланма), қўшимча адабиётлар (сўзлашув китоблари, қўлланма, дарслик) билан ишлашда намойиш бўлади. Нотаниш сўз ва грамматик ҳодисани уларнинг формал белгиларига ва сўз ясовчи унсурларига қараб ҳамда контекстдан мустақил ўрганадилар.

3. Мажбурий ва ихтиёрий дарслар бевосита боғлаб олиб борилади. Оддий ва ихтиёрий дарсда мувозий тарзда эгалланмиш кўникма ва малакаларга таяниб иш кўрилади. Ушбу ҳолда барча нутқ фаолияти турларини ва тил материални ўрганишда амал қилади.

4. Ихтиёрий машғулот асосий дарсдан бирмунча фарқ қилади. Машғулот жойи ва шакли эркин танланади. Мулоқот табикийроқ шароитда кечади, бўлган/билмаган тарафлар юзга солина бермайди, танбеҳ берилиши ёки хато қилиб қўйишдан қўрқини бартараф қилинади, муаллим ўқувчининг камчилигини одоб доирасида тўғрилай боради. Бир сўз билан айтганда, факультативда ўқувчи ўзини эркин сезади, мамну ҳис этади, факультативда қатнашмаган ўқувчилардан кўра савияси ошганлигини фаҳмлай бошлаганда эса маънавий кўтаринки руҳ пайдо бўлади. Бу ҳолатни ўқувчи кўпчилик олдида чет тилда маъруза қилганда, шеър ёки қўшиқ айтганда жисман ҳис этади, ўз таржимасини ўқиганда, кўнгли кўтарилади.

Ихтиёрий машғулотда иштирок этувчиларни шартли ҳолда уч топгага бўлиш мумкин: 1) чет тилни яхшилаб ўрганиш, яъни гаиланиш ёки ўқиш қизиқарли ҳамда фойдали деб ҳисобловчилар; 2) келгусида ушбу тилни мутахассислик сифатида танламоқчи, чет тил бўйича ўқишга кирмоқчи бўлганлар; 3) танлаган бирор соҳада етарли ахборот олин, муайян фан (техника, санъат) соҳасидаги чет тил маълумларидан фойдаланишни кўзлаган ўқувчилар.

Ўқувчилардаги мойиллиқнинг таснифидан келиб чиқиб, чет тилда икки кўринишдаги ихтиёрий курс ишлаб чиқилган: «Ўқишни чуқурроқ ўргатиш», «Оғзаки нутқ ва ўқишни чуқурроқ ўргатиш» ўқув дастурлари мактабда жорий қилинган.

Мактабда амал қиладиган ихтиёрий курс икки турчининг

Ўзига хос хусусиятлари бор: мақсади, мазмуни, ташкилий усуллари ва бажариладиган машқлари бир-биридан фарқ қилади (Бу ҳақда 2-§да сўз юритилади).

Ўқув-методик топшириқлар

1. Методика фанидаги «факультатив» атамасининг маъносини тушунтириб беринг.

2. Ихтиёрий машғулотлардан кузатиладиган мақсадларни муҳокама қилинг.

3. Факультатив курснинг ташкилий томонларини санаб беринг.

4. Чет тилдан ихтиёрий машғулотнинг методик мезонларини таҳлил этинг.

2-§. Факультатив машғулот турлари ва уларни ўтказиш

Ўқувчилар хоҳиш-истакларини инобатга олиб, чет тил бўйича, юқорида таъкидланганидек, икки турдаги факультатив курс жорий этилган. Ўқишни чуқурроқ ўргатиш ва оғзаки нутқ ва ўқишни чуқурроқ ўргатиш машғулотлари ўтказилади. Мазкур курсларни ўтказиш борасида етарли илмий маълумот ва амалий тажриба тўпланган. Чет тил муаллимлари муайян курсни бошлашдан олдин унинг методик мазмунини пухта билиб олишлари керак.

1967 йилдан шу давргача факультатив машғулот муаммоси юзасидан методика фани ва ўқитиш амалиёти эришган ютуқлар ва баъзи камчиликларни умумлаштириб мухтасар таҳлил қилишга киришамиз.

Ўқувчилар чет тилда ихтиёрий дарсга муносабатини, аввал таъкидланганидек, асосан икки тоифага бўлиш мумкин: бир гуруҳ ўқувчилар чет тилни яхши кўриб, уни бошқа ўқув предметларидан тегроқ ўрганишга мойил бўладилар, улар учун чет тилда гапириш, тинглаб тушунини, ўқиш ва ёзув бир хилда қизиқарли. Бошқа тоифадаги ўқувчиларда эса фан (техника, санъат)нинг бирор жабҳаси жозиба уйғотади, уни ихтиёрий тарзда чуқур ўзлаштиришга жазм қилади (VII синфда бошланган факультатив ҳақида гап борапти). Шу билан бирга чет тилга ҳам мойиллик сезилади. Тартиб-қоидага биноан ўқувчи бир йўла иккита факультативга қатнаши мумкин. Шундай ўқувчилар чет тилни иккинчи ихтиёрий дарс мақомда танлайдилар. Улар «Ўқишни чуқурроқ ўрганиш» курсига олинади. Асосий (биринчи) ихтиёрий дарс билан боғлиқ ахборотни чет тил материалда олади (ҳафталик ихтиёрий дарс соатлари бунда иккаласига тенг бўлинади).

«Ўқишни чуқурроқ ўргатиш» факультатив курси. Ушбу курснинг мақсади аниқ: соҳавий адабиётни ўқиб, ўша фан ёки амалиёт бўйича билиминини чуқурлаштириш (мас. кимё, риёзиёт, тарих, жўгрофия, адабиёт, радиотехника, автомобиль ҳақида чет

тилда матнлар ўқиш). Ўқувчиларнинг билиш фаолиятлари матнларни мустақил ўқиш орқали ривожлантирилади.

Ўқишнинг биринчи йилида (VIII синфда) ўқувчиларнинг лексик-грамматик бойлиги ошади, сўз ясаш унсурларини кўпроқ ўрганадилар. Луғатсиз ўқиш фаол машқ қилинади. Йил охирида луғат билан ўқишни ҳам зўр бериб ўргатила бошланади. Оғзаки нутқ малакалари V—VIII синф (мажбурий курс)нинг мавзулари ва тил материали заминида ўстириб борилади. Жуфт-нутқ ва якканутқ малакаларини ривожлантириш мақсадида оила, мактаб ва ижтимоий ҳаётга доир суҳбатлар, гапириб бериш, фикр алмашиш тарзида машқ қилинади. Тинглаб тушуниш бўйича эса V—VIII ва юқори синфлар материалида уч дақиқагача давом этадиган турли овозлардаги фоноёзувни ва жонли нутқни тинглаш машқ қилинади. Ёзувга оддийгина талаб қўйилади: ўқилган матннинг мазмунини мухтасар ёзма баён этиш билан кифояланади.

Ихтиёрий дарс иштирокчилари мажбурий курсдаги материални ўрганиш ва қўшимча тил материалини эгаллаш билан чегараланмай, ҳар бир ўқувчи ёки гуруҳга ўқиш учун мўл қўшимча матнлар ҳам берилади. Ўқишда учрайдиган илмий-оммабоп адабиётдаги фан-техника атамалари биринчи факультатив соҳага тааллуқли бўлиб, уларни ўқувчилар пассив ўзлаштирадилар.

Машғулот чоғида ўқувчилар асосан қуйидагилар билан шуғулланадилар: янги лексик ва грамматик бирликларни ўзлаштириш; мазмунан ва шаклан бирмунча мураккаб матнларни ўқиб ахборот олиш; V—VIII синф мавзулари доирасида гапириш ва ёзув малакаларини ўстириш кабилар.

Ихтиёрий курс дастурида чет тилни нутқ малакаларига ва тил материалига қўйиладиган талаблар ҳар бир тил бўйича синфма-синф кўрсатиб берилган. Кўникма ва малакаларни ҳосил қилишга муайян машқлар мажмуасини бажариш орқали эришилади. Синфда муаллим раҳбарлигида қуйидаги машқларни бажариш тавсия қилинади:

1. Матнда учрайдиган грамматик ҳодисани ўргатишга мўлжалланган машқлар. 1) гапни муаллимдан эшитиб такрорлаш (янги унсурлар қўшиб такрорлаш, айрим қисмларини ўзгартириб айтиш); 2) гапнинг бирор қисмини мустақил ўзгартириш; 3) бирор унсур тушириб берилган гапни тўлдириш; 4) гапни имкон борича қисқартиш; 5) гапни кенгайтириш; 6) гап турини ўзгартириш; 7) маълум гапга ўхшаган қатор гаплар тузиш; 8) УНВни мазкур гап иштирокида ёритиш;

2. Матн билан ишлаш машқлари: 1) матннинг қисқача режасини тузиш; 2) матн мазмунини гапириб бериш; 3) матннинг мазмунини ёзма мухтасар баён этиш.

3. Ўқиганда лексика маъносини мустақил фаҳмлаб олиш машқлари: 1) контекст ёрдамида маънони очиш; 2) сўз ясаш унсурларини билиш орқали маънони очиш; 3) бир ўзакли сўзларни таниб олиш.

4. Соҳага оид матндаги қийин грамматик конструкцияни та-

ниб олиш машқлари: 1) шаклий белгиларга кўра матндаги конструкцияни таниб олиш; 2) матнда ушбу конструкцияга ўхшашларини топиш; 3) айрим гапларни мазкур конструкцияга тушириш.

5. Ўқиб тушунганликни текшириш машқлари. 1) матнни ўқиб, берилган саволларга жавоб топиш; 2) айтилган фикрга мос келадиган гапларни матндан топиш; 3) асосий мазмунни акс эттирувчи гапларни матндан белгилаш; 4) матнни мазмунан қисмларга ажратиш; 5) асосий мазмунни сақлаган ҳолда матнни қисқартиш; 6) айрим гапларни она тилига ўгириш; 7) матнни ёки парчани маъноли қилиб ифодали ўқиш.

Ёзма реферат ёки аннотация тузиш ҳам тавсия этилади. (XIII бобда «Ўқишни ўргатиш» бўйича берилган методик тавсиялардан тўлиқ фойдаланилади).

Ушбу факультатив (ўқиш) курсини ўргатишда чет тил муаллими биринчи соҳа ҳамкасблари билан бирга иш олиб боради. Предметлараро алоқалар рўёбга чиқарилади. Матнлар танлашда асосий предмет ва иккинчи ихтиёрий курс муаллимлари бамаслаҳат иш кўрадилар.

«Оғзаки нутқ ва ўқишни чуқурроқ ўргатиш» факультатив курси. Ўқув режасидаги факультатив соатларнинг ҳаммаси ушбу курсга ажратилади. Ўқувчи биргина шу курсга қатнайди, холос. Мазкур курс чет тилни келажакда мутахассислик мақомида танланган, уни яхши билишни тақозо этадиган амалий фаолиятга ҳаётини бағишламоқчи бўлган ўқувчиларни бириктиради.

Мазкур ихтиёрий курснинг вазифаси доирасига қуйидагилар киритилган: ўқувчиларга мамлакатимиз ва тили ўрганилаётган мамлакатнинг маданий, спорт ва ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид мавзуларда суҳбат қуриш ва унчалик катта бўлмаган оғзаки ахборот ва маърузалар қилишни ўргатиш ҳамда 15 дақиқадан ошмайдиган маъруза ва ахборотларни тинглаб тушунишни ўргатиш; ёзма нутқни ўргатиш бўйича ўқувчиларга ўз фикрларини баён қилиш, хат ва деворий матбуотга мақола ёзиш ва ўқиган/ёшитганларига доир реферат тузиш вазифаси юклатилади.

Оғзаки нутқ ва ўқишни чуқурроқ ўргана олган ўқувчи олий ўқув юртида шу соҳада ўқиб кетиш ва хизмат жабҳаларида (мас. почта, транспорт, савдода) нутқ малакаларини қўллай олиш имкониятига эга бўлади.

Оғзаки нутқни ўргатишда тайёрланиб ва тайёрланмай гапиришга фарқли ёндашилади. Шериклари фикр баён этганда, аудиотекстни тинглаганда, диа- ва кинофильмни томоша қилганда ўқувчи ўз муносабатини билдиришни ўрганади. Бу тайёрланмай гапириш ва тинглаб тушуниш машқларига дахлдор иш усулидир. Тайёрланиб гапиришда она тили ва чет тилдаги манбаларга суяниб, турли маърузалар қилиш ва сиёсий ахборот бериш машқ қилинади.

Факультатив шароитида гапиришнинг қуйидаги (П. Б. Гурвич таклиф қилган) асосий усулларидан фойдаланилади.

Якканутқда гапириш.

1. Тингланган ва ўқилган матннинг мазмунини айтиб бериш. VIII синфда таниш материал асосидаги матннинг ҳажми 1,5 бетгача бўлади, ундан кўп саҳифали матн берилганда, режа асосида гапирилади. IX синфда икки бетли, X—XI синфларда уч бетлик матнлар берилди (баъзида нотаниш сўзлар ҳам учрайди).

2. Уқилган ва кўрилган нарса ёки ҳодисанинг қисқача мазмунини баён этиш. Уқилган китоб, кўрилган фильм ёки театр томошаси ҳақида аввалдан тайёрланган режага биноан гапириб берилади. Уқувчилар шахсий муносабат билдирадилар ва тингловчилар эътиборини энг қизиқарли масалаларга тортадилар.

3. Кўрган ва ўқиганни танқидий таҳлил қилиш. VIII синфда тайёрланиб, фикр юритадилар. IX—XI синфларда кўрганларини дарҳол муҳокама қилишга киришадилар.

4. Шахсий ҳаётдан ахборот бериш. Мактаб, оила, қишлоқ, шаҳар ҳақида сўз юритилади. Гапириш чоғида шериклари учун қизиқарли информатив маълумот баён этилиши аҳамиятлидир.

5. Матбуот материали бўйича сиёсий воқеаларни сўзлаш. VIII—IX синфларда сиёсий ахборот берилди. X—XI синфларда эса унга газеталардан тўиланган маданий, спорт ва илмий-техникавий маълумотлар ҳам қўшиб айтилади.

6. Маърузалар қилиш. Уқувчилар конференциялари ва тантанали кечаларга ўқувчи маъруза тайёрлайди.

7. Спорт ҳақида ахборот бериш. Тили ўрганилаётган мамлакат ва ватанимиз ёшларининг спортга оид ҳаёти ва жаҳон спортининг ютуқлари тўғрисида ўқувчилар якканутқ бажарадилар ва ҳ. к. з.

Жуфтнутқда гапириш:

1. Ҳаётий мулоқот мақомидаги суҳбат. VIII синфда ўқувчилар муаллим ва ўртоқлари билан тайёрланмаган суҳбат қурадилар. Кейинги синфларда асосан шериклари билан жуфтнутқда иштирок этадилар. Ҳайратланиш, ажабланиш, афсусланиш кабиларни ифодаловчи репликалардан фойдаланиб, суҳбат қиладилар. X—XI синфларда кўпроқ давра суҳбати қурилади.

2. Мунозаралар ўтказиш. Жуфт бўлиб ва гуруҳларга бўлиниб, мактабга оид сиёсий, спорт, илмий масалаларга бағишланган мавзуларда фикр алмашиш йўлга қўйилади. Матбуот конференцияси ўтказилади. БДК йиғилишлари олиб борилади.

3. Уқилган матннинг мазмунини ролларга кириб айтиш (ингл. role playing). Матндаги воқеани ва қаҳрамонлар фикрини баён этишдан ташқари ўз фикр-мулоҳазаларини ҳам суҳбат мазмунига қўшиб юборишади ва ҳ. к. з.

1. Чет тил факультатив машғулоти тури турларини таҳлил этинг.

2. Ихтиёрий ва мажбурий курсларда нутқ фаолияти турларига бўладиган муносабатдаги фарқларни аниқлаиғ.

3. Ихтиёрий машғулотда гапириш (якканутқ ва жуфтнутқ) машқларини таърифланг.

ХИХ БОБ. ЧЕТ ТИЛ БУЙИЧА ДАРСДАН ТАШҚАРИ ИШЛАР

Дарсдан ташқари ишлар ҳақида

Ўқув жараёни таркибига кирадиган «дарс (синф машғулоти)», «уй иши», «факультатив машғулот» ва «дарсдан (синфдан ва мактабдан) ташқари иш» таълимий тушунчалари орасидаги фарқларни аниқлаш зарур.

Таълим дастури дарс туфайли рўёбга чиқади. Дарс замон ва маконда чегараланган таълимий ҳосиладир. Унинг мазмунан ажралмас, замонда эса ажралган қисми уй ишидир. Дарс ва мустақил уй иши юз фоиз ўқувчилар учун мажбурий машғулотлар ҳисобланади. Ўқувчиларнинг муайян қисми ихтиёрий машғулот ва дарсдан ташқари ишларда иштирок этади.

Дарсдан ва факультативдан ташқарида, жадвалга кирмайдиган, махсус ўқув дастурига эга бўлмаган, бироқ синф ва уй ишларининг узвий давоми сифатида ўтказиладиган таълимий тадбир дарсдан ташқари иш мақомини олган.

Ҳар бир ўқувчи дарсга қатнаш ва уй вазифасини бажаришга мажбур, лекин факультатив ёки синфдан ташқари ишларда иштирок этиши ихтиёрий.

Таълим жараёни таркибига кирувчи ўқув тадбирларининг қиёсий жадвалини келтирамиз. (298-бет).

1-§. Дарсдан ташқари ишлар мақсади ва ташкилий мезонлари

Чет тил воситасида ўқувчилар умумий савиясини ошириш, ўқув предметига қизиқишни кучайтириш, бўш вақтлардан самарали фойдаланиш, билишга қаратилган эҳтиёжларни қондириш каби вазифалар ҳал қилинади.

Дарс ва ундан ташқари иш мақсадларини таърифлашда, биринчидан, улар орасидаги сезиларли фарқ назарда тутилади, иккинчидан, дарсдан ташқари иш турларининг хусусиятлари инобатга олинади ва, ниҳоят, учинчидан, ўқув предмети олдида қўйилган амалий, таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи мақсадлар тўлиғича ҳисобга олинади.

УҚУВ ТАДБИРЛАРИ

Уқув жараени	Синфда маш-гулот сифатида ўтказилди	Уқув режасида бор	Уқув дастурига эга	Дарс жадвалига қўйилди	Қатнаш		Қўшимча материал	Баҳо қўйиш	Қўшимча ва талабаларни ўстириш
					Мажбурий	Ихтиёрий			
1. Дарс	+	+	+	+	+			+	+
2. Факультатив	+	+	+	+	**		+		+
3. Уй иши						+		+	+
4. Дарсдан ташқари ишлар									+

* Уқув режасида «факультатив машғулот» кўрсатилди, холос, аниқ ўқув предметининг номи кўрсатилмайдди, танлаш ўқувчилар ихтиёрида.

** Дарс жадвалига биринчи дарсдан олдин ёки охириги дарсдан кейин киртилди.

Дарсдан ташқари ишларнинг ҳар бир турининг хусусиятидан келиб чиқиб, уларга қатор методик талаблар қўйилади. Талабларни рўёбга чиқариш дарсдан ташқари ишларни ташкил қилиш мезонлари билан боғлиқ. Қўйидагилар муҳим мезонлар саналади.

1. И х т и ё р и й л и к. Уқувчи ўз хоҳиш-истаги билан дарсдан кейин машғулотга қатнашади. Ихтиёрий танлаган тадбирларида «ваъдага вафо» қабилида муайян топшириқларни бажариш мажбурийга айланади.

2. М у н т а з а м л и к ва аниқ мақсад. Ишлар бир меъёрда (ҳафтада, ойда, ярим йилда, ҳар куни) бажариб борилади.

3. Ё ш и г а м о с л и к. Иштироқчиларнинг шахс хусусиятларини, яъни билим савияси ва қизиқишлари каби руҳий ва маънавий жиҳатларини назарга олиб, уларга юмуш юкланади.

4. У з в и й б оғ л и қ л и к. Дарсда шаклланадиган нутқий кўникма ва малакалар заминида дарсдан ташқари иш ташкил қилинади. Ўз навбатида дарс жараёнига ижобий таъсир ўтказилади.

5. О м м а в и й л и к. Имкон борича кўпчилик жалб этилса, дарсдан ташқари тадбирларнинг ўқув-тарбия жараёнини жонлантиришга шунчалик яхши эришилади.

6. И н ф о р м а т и в л и к (ахборотга бойлик). Дарсдан ташқари сарфланадиган куч ва вақтни зое кетказмаслик мақсадида мажбурий дастур ўқув материални такрорлаш ва мустаҳкамлаш билангина kifояланмай, режалаштирилган тадбирларнинг мазмуни синчиклаб танланади. Ўқувчига янгилик берилиши, қизиқарли ахборотга ошна этилиши, унинг билиш эҳтиёжини қондирилиши дарсдан ташқари ишларнинг информативлиги, яъни маънавий озуқага бойлиги орқали таъминланади. Маънавий бойиш ўқувчини олға ундайди, ижодий фаолиятини қўзғайди, ташаббусни уйғотади. Буларнинг ҳаммаси ўқишга мойиллик (мотивация) туғдиради.

Ўқув-методик топшириқлар

1. «Дарсдан ташқари ишлар» атамасининг методик маъносини таърифланг.

2. Чет тил таълими жараёнини таркибан таҳлил қилинг.

3. Дарсдан ташқари тадбирлар нима мақсадда ўтказилишини айтиб беринг.

4. Дарсдан ташқари ишларни ташкил қилиш мезонларини муҳокама этинг.

2-§. Дарсдан ташқари ишларни ташкил қилиш

Дарсдан ташқари ишлар ўзининг мақсад ва мазмунига кўра турли шаклларда бўлади. Уларни асосан уч кўринишда ташкил қилинади, яъни оммавий, гуруҳий ва яккама-якка ўткази-

лади. Мактаб тажрибасида учаласини ўз навбатида яна кичик турларга бўлиниши маълум (уларни қуйроқда муфассал баён қиламиз).

Чет тил муаллими дарсдан ташқари ишларнинг турларини ўқувчиларга тавсия қилади, материал тайёрлайди ва уларни ўтказиш методикасини ишлаб чиқади (мавжуд адабиётдан кенг фойдаланади). Айрим тадбирларни у мактаб миқёсида мувофиқлаштиради. Иш турлари бўйича ўқувчиларни сафарбар этади, гуруҳларга ажратиб вазифаларни белгилайди, топшириладиган юмушларнинг ижросини назорат остига олади.

Мактаб ўқувчилари қатнашадиган дарсдан ташқари ишларнинг уч тоифасини кўриб чиқамиз.

Оммавий ишлар. Дарсдан ташқари оммавий ишларда нисбатан кўпчилик қатнашади. Мактабда жорий этилган оммавий тадбирлар сирасига қуйидагилар киради: мавзуй кеча, викторина (савол-жавоб томошаси), танлов, олимпиада, кинофильм (диафильм) намойиш қилиш, чет тил ҳафталиги (куни), кўргазма, бадий ҳаваскорлик, БДК ва ҳ.к.з.

Кечалар дарсдан кейин ўтказиладиган оммавий ишлар орасида мазмунан ва шаклан турли-туманлиги билан ажралиб туради. Қуйидаги кечалар мактаб ҳаётида кенг тарқалган. унутилмас саналарга бағишланган мавзуй кечалар; атоқли кишилар билан учрашув; чет тилда гапирувчилар (юртдошлар, хорижий талабалар, меҳмонлар) билан учрашув, мактабда бажарилган ишлар юзасидан ҳисобот (тўғарақ аъзолари, факультатив иштирокчилари) кечалари; маданият, санъат, адабиёт, фан-техника арбоблари (ёзувчи, шоир, санъаткор, олим, кашфиётчи) ижодига бағишланган кечалар; бадий ҳаваскорлик ҳисоботи; чет тилда ўрганилган асарлар муҳокамасига доир кечалар ва ҳ.к.з.

Ҳар қандай кеча муфассал сценарий асосида олиб борилади. Кечанинг сценарийси (дастури)га кўра тантанали, байрамона шароитда чиқишлар режаланштирилади.

Кечани ўтказиш тўрт босқични ўз ичига олади: 1) дастлабки тайёргарлик босқичи — мавзу тапланади, ўтадиган вақти ва жойи белгиланади, материал тўпланади, сценарий тузилади ва безаш ишлари қилинади; 2) ижрочилар тайёргарлиги босқичи — дастурга биноан кечанинг ижро қисмлари мақомида тайёргарлик (репетиция), яккама-якка ишлан, кеча ҳақида эълон ҳозирлаш кабилар; 3) кечани ўтказиш босқичи — сценарийга кўра номерлар ижро этилади, кечага яқун ясалади, мукофотлар берилади; 4) ўқувчилар умумий йиғилишида кеча юзасидан муҳокама ўтказилади, деворий матбуотда хабар берилади, алоҳида ўрнатилган кўрсаткичлар маълумият раҳматномаси билан тақдирланадилар.

Кечаларни йил давомида икки марта, биринчи ва иккинчи ярим йилликда ўтказган маъқул.

Кўрик чет тилда ташкил қилинадиган дарсдан ташқари муҳим иш турларидандир. Унда якка ҳолда, гуруҳ бўлиб ва

синф билан қатнашиш рухсат қилинади. Кўрикнинг қуйидаги турлари тавсия этилади: 1) дарсликка кирган, ўқиш китобидан ёки муаллим танлаган шеър ёки парча (матн)ни ифодали ўқиш; 2) ўқув дастури мавзуси бўйича ҳикоя қилиш; 3) расмларни эши-ёки диафильмдан лавҳа (қадр)ни сўз билан тасвирлаш, диафильмга овоз бериш; 4) оғзаки таржима; 5) ёзма таржима; 6) чет тилда ашула айтиш ва ҳ. к.

Мазкур тадбирни мактаб миқёсида ва мактаблараро ўтказиш мумкин.

Ҳакамлар ҳайъати шахсий ва гуруҳий ижрочилик маҳоратини баҳолаб, ғолибни аниқлайди ва ажратилган мукофотни топширади.

Викторина (савол-жавоб томошаси) чет тил ва бошқа ўқув предметларини билиш даражасини ошириш ва предметлараро алоқани кучайтириш йўлидаги дарсдан ташқари муҳим ишдир. Мазкур тадбир мавзу жиҳатидан хилма-хил бўлади. Мас. «Теварак-атроф ҳақида», «Қишлоғим/шаҳрим», «Тили ўрганилаётган мамлакат», «Ўзлаштирган сўзларимиз/грамматик материал» сингарилар юзасидан савол-жавоб уюштирилади.

Олимпиада шаклида ўтказиладиган оммавий иш ўқувчиларни касбга йўналтирувчи омиллардан саналади. Шаҳар/туман маориф бўлимларида сақланадиган махсус низомга кўра ушбу таълимий тадбир ўтказилади. Чет тил олимпиадаси иштирокчиларига қўйиладиган ўқув талаблари матбуотда эълон қилинади (мас. «Маърифат» газетаси саҳифаларидан уларни ўқиб олиш мумкин).

Одатда олимпиада синф/мактаб доирасида, вилоят ва, ниҳоят, жумҳурият миқёсида ўтказилади.

Олимпиада талабларини қуйидагича умумлаштириб ифодалаш мумкин: чет тил матнини тез ва тўғри ўқиш; равон талаффуз қилиш; саволга тезкорлик билан жавоб бериш; табиий нутқ тезлигини намойиш этиш; саволга берилган жавоб мазмунининг мавзуга мос тушиши; лексик, грамматик ва талаффуздаги камчиликлар бор/йўқлиги.

Чет тилдан Ўзбекистонда (Олмалик шаҳрида) 1974 йил илк дафъа жумҳурият олимпиадаси ўтказилган. Бирор вилоятда ҳар йили ушбу жумҳурият оммавий ўқув тадбирини ўтказиш одат тусига кирган.

Чет тил олимпиадаси ғолиблари орасидан чет тил олий ўқув юрти/факультетлари талабаси бўлиш ҳуқуқини олган ва кейинчалик чет тилдан мутахассис бўлиб етишиб чиққанлар оз эмас. Олимпиада иштирокчиларига келгусида ўқишга махсус тавсиянома берилиши қондалаштирилган.

Чет тил ҳафталиги ёки кун катта тайёргарлик билан ўтказиладиган оммавий иш турларидандир. «Ҳафталик» ўқув йили мобайнида бир марта, белгиланган вақтда ўтказилади. Ҳафталик олдидан узоқ муддат ҳозирлик кўрилади: ташкилий гуруҳ тузилади; муаллимлар вазифаларни бўлиб олинади; дас-

тур езилади; мактаб биноси (зал ва коридорлар) безалади; «Чет тил ўрганувчига ёрдам» бурчаги ташкил қилинади; тўғарақнинг очиқ мажлиси мавзулари белгилаб олинади; ўйинлар дастури ишлаб чиқилади; синф ёки мувозий синфлар деворий матбуоти чиқарилади; ҳакамлар ҳайъати сайланади.

Бир неча кун аввал ҳафталик ҳақида эълон осилади, унда ўтадиган тадбир муддати кўрсатилган бўлиб, ўқувчиларни ҳафталикда фаол қатнашишга даъват этилади. Мактаб деворий матбуотида кўриклар бўйича уй вазифалари ва ҳафталикни ўтказиш тартиб-қоидалари ёзилади.

Чет тил ҳафталигининг тахминий режасини келтирамиз.

Душанба. Инглиз/испан/немис/француз тилида радиоэшиттириш. Чет тилда V—VI синф ўқувчилари учун эртақлар кечаси.

Сешанба. Чет тилда V—VII синфлар учун кўриклар.

Чоршанба. Тили ўргангиланган мамлакат атоқли кишига бағишланган радиоэшиттириш. Бирор арбоб ҳақида адабий-музыкавий кеча.

Пайшанба. Муайян синфлар тўғарақининг очиқ машғулоти.

Жума. Бирор арбобга бағишланган радиоэшиттириш. VIII—XI синфлар кўриги.

Шанба. Ҳафталик якунларига онд кеча. Ғолибларни тақдирлаш.

Бадий ҳаваскорлик ва кўрғазмалар кўрик шаклида ўтказилиши одатга айланган.

Байналмилал дўстлик клуби оммавий тадбир саналади. Клуб ташкил қилинмаган бўлса, тўғарақлар тузилса ҳам бўлади.

Барча оммавий ва гуруҳий ҳамда яккама-якка ташкил этилган дарсдан ташқари ишларда қатнашган илғор ўқувчилар муаллимларга яхши таниш «КВН» номи билан аталган тадбирда иштирок этишлари мумкин (Ўзбекча уни «Қувноқлар ва зукорлар», деб аташ маъқул).

Гуруҳий ишлар. Дарсдан ташқари ишларнинг ушбу кўринишига тўғарақлар ёки бўлим (секция)лар киради. Доимий ўтказиладиган гуруҳий ишлар қаторида оғзаки нутқ, ўқиш, таржима тўғарақлари, чет эллик дўстлар билан хат ёзишув, кўрғазмали қуроллар ясаш, филателистлар (марка тўпловчилар), драма, кино тўғарақлари ишлайди. Вақтинча ишлайдиган тўғарақларда альбом ясаш, стенд тайёрлаш, деворий газета чиқариш каби ташкил қилинади.

Оғзаки нутқ тўғарақи. Бу гуруҳий дарсдан ташқари тўғарақ тилни тахминан бир хил билладиган ўқувчилардан ташкил топади. Қатнашчилар гаплашиш билан машғул бўладилар. Тўғарақнинг қўйидаги турлари кенг тарқалган: расмлар бўйича гапириш, таянч сўзлар асосида гапириш, берилган мавзуда гапириш, суҳбат, ахборот бериш, маъруза қилиш каби ташкил. Гапиришни ва тинглаб тушунишни ўргатиш (XI, XII бобларнинг

3 ва 4-параграфлари) материалларидан ушбу тўғаракни ўтказишда фойдаланиш тавсия этилади.

Ўқиш тўғараги. Китоб/матбуот материали билан мустақил ишлашга, лугатдан ва бошқа ахборотномалардан фойдаланишга эътибор кучайтирилади. (Бадий асарларнинг лаништирилган нусхаларини ўқиш ҳам тавсия этилади). Муайян адабий асар ўқиб бўлингач, тўғарак аъзолари конференцияси уюштирилади.

Таржима тўғараги. Даставвал шуни таъкидлаш жоизки, дарсда тилдан-тилга ўгириш чекланган кўламда машқ қилинади. Тор маънодаги бадий таржимани ўргатиш тўғараги аталмиш мазкур дарсдан ташқари иш турида наср ва назмдан парчаларни чет тилдан она тилига ўгиришади. Таржима бадий адабиётга ижобий муносабатни шакллантиради, эстетик тарбияга йўл очади, чет тил ва она тили ҳодисаларини қиёслашни ўргатади (дарсда қиёсий таҳлил қилинмаслиги маълум), иккала тилдаги ифода воситаларини топишни ўргатади.

Хат ёзишув. Хат алмашиш тили ўрганилаётган мамлакат ҳаёти билан яқиндан таништиради. Хатларнинг мазмуни деворий матбуот ва радиоэшиттириш учун қизиқарли бой материал бўлиб хизмат қилади.

Кўргазмали қуроллар ясаш тўғараги. Муаллимларнинг кундалик иш фаолиятида керакли кўргазмали қуролларга эҳтиёж жуда катта. Нашрий кўргазмалилик одатда мавжуд талабни тўлиқ қондирмайди. Дарс жараёнини жиҳозлашдан ташқари турли-туман оммавий тадбирларни безашга кўргазмалилик керак бўлади. Улар орасида расмлар, нақшлар, жадваллар, тарҳ (схема)ларни аташ мумкин.

Филателистлар тўғараги. Ўқувчиларнинг умумий савиясини кўтариш ва тили ўрганаётган мамлакатларга доир маълумотларни тўплаш тўғаракнинг асосий мақсади саналади. Тўғарак қатнашчилари почта маркалари (ва қоғоз пулларни) йиғиш билан шуғулланадилар. Муайян миқдорда тўпланган ашёларни кўргазмага қўйиш мумкин. Унда малакали шарҳловчилар хизмат кўрсатадилар. Томошабин ва тўғаракчиларнинг умумтаълимий савиясини оширишда ушбу тадбирнинг аҳамияти беқиёсдир.

Драма (ва мусиқа) тўғараги. Қатнашчилар нутқ кўникма ва малакаларини ифодали сўзлаш ва хатти-ҳаракат қилиш имкониятига молик бўладилар. Драматик тўғаракдаги тайёргарликларда ўқувчи чет тилда фикрни таъсирчан ифодалаши, шериги билан саҳнада ҳаракат қилиши, оқибат натижада эстетик завқ олиши муқаррар. Мумтоз ва замонавий ёзувчилар жўшқин асарларидан парчалар ҳам ижрочи, ҳамда томошабин эътиборини ўзига тартади. Тўғарак аъзоларининг келгуси ҳаёт йўлларини танлашларида муҳим омил бўлиши ҳам мумкин. Драма бўлимига монанд мусиқа тўғарагини ҳам ташкил этса бўлади. Тили ўрганилаётган халқ фольклоридан моҳирона фойдаланилади.

Кино тўғараги. Ушбу гуруҳий тадбирлардан кутиладиган муддао ўқувчиларнинг оғзаки нутқ малакаларини ўстиришдир. Тўғарак ишининг дастлабки паллаларида диафильм, слайд (рангсурат), открытка кабиларни чет тилда шарҳлаш маъқул топилади. Уларда тасвирланган манзараларни чет тилда таъриф-тавсиф қилиш билан шуғулланишади. Сўнгра тўғаракда кинофильмларни шарҳлашга ўтилади.

Диа- ва кинофильмларга овоз бериш, яъни чет тилда тушунтириб бориш бирмунча мураккаб бўлса-да, ўта қизиқарли ва ёқимли иш тури ҳисобланади. Аввало ҳаракатсиз лавҳаларни, кейинчалик ҳаракатдаги фильмларни шарҳлай олиш малакалари сингдирилади. Иштирокчиларда маънавий қакоат ҳосил қиладиган таълимий тадбирдир.

Кинони турли оммавий тадбирлар (кечалар, конференциялар, кўриклар) да намойиш этиш ва унга тўғаракчилар овоз беришлари чет тилга кўпчиликнинг қизиқишини тортади, тил ўрганишга мойилликни оширади.

Вақтли тўғараклар. Вақт-вақти билан ўтказиладиган дарсдан ташқари гуруҳий ишлардан мактабда альбом тузиш, стенд ясаш, деворий газета чиқариш кабилар кенг тарқалган.

Альбомлар мазмуни хилма-хил бўлиб, мактаб ўқув дастуридаги мавзуларни акс эттиради. Ёзувлар чет тилда ўқувчилар қўли билан амалга оширилади. Альбом расми бўлиб, тагёзув ёки саҳифалар чет тилда ёзилган бўлиши мумкин.

Стенд ясаида тўғарак аъзолари режалаштирилган мавзуларга мурожаат этадилар. Байрам (мас. Наврўз)га аталган, атоқли кишилар ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи, мактабга бағишланган стендлар ора-сира тайёрланадиган гуруҳий тадбирлардандир.

Деворий газета чиқариш ҳам гуруҳий ишлардан бўлиб, мактабда кенг қулоч ёйган. Таҳрир ҳайъати сайланади. Узаро вазифалар тақсимланади. Деворий матбуотнинг сони ўртача 2 ойда бир марта чиқарилади. Чет тил муаллими ўз маслаҳатлари билан ёрдамлашиб туради. Муҳим ва қизиқарли мақолаларни ўз ичига оладиган деворий матбуот саҳифаларида чет тилда қуйидаги рунлар ажратилади: Мактаб/синф ҳаёти; Хориждаги ёшлар/ўқувчилар ҳақида; Қизиқарли ахборот; Ҳазил ва ҳажв; Хатлар бўлими ва х.к.з.

Мақолаларни таҳрир ҳайъати аъзолари ташкил этадилар, беэак беришда «Кўргазмали қуроллар ясаи тўғараги» қатнашчилари мурувват кўрсатишлари мумкин.

Яккама-якка (индивидуал) ишлар. Ёлғиз ўқувчини дарсдан ташқари ишга жалб қилиида аълочи, улгурувчи ва қолоқ тоифадагилар ҳисобга олинади. Улар билан ишлан методикаси фарқланади. Ўқувчиларга қобилиятларига яраша вазифа юкланади.

Ушбу турдаги тадбирлар сирасига маъруза тайёрлаи, шеър ёллаи, ашуда ўрганиш, мақола ёзиш, бирон роль устида иш-

лаш, кўргазмали қуроқ ёки альбом тайёрлаш, кечада чиқишга ҳозирлик кўриш сингарилар киради. Муаллим маслаҳати ва раҳнамолигида бажариладиган мазкур тадбирлар қатнашувчилари гуруҳий ва оммавий ишларда ҳам фаол иштирок этадилар.

Уқув-методик топшириқлар

1. Дарсдан ташқари ишларнинг турлари номларини айтинг.
2. Оммавий ишлар жумласига кирадиган дарсдан ташқари таълимий тадбирларни таҳлил қилинг.
3. Гуруҳий ва яккама-якка ишларнинг номларини атинг.
4. Тўғарак (секция)лар ҳақида фикр юритинг.
5. Доимий ва вақтлий дарсдан ташқари ишларни айтиб беринг.

XX б о б. ТУРЛИ УҚУВ ЮРТЛАРИДА ЧЕТ ТИЛ УҚИТИШ

Масаланинг методология тартибда қўйилиши

Мазкур илмий масаланинг китобга киритилишининг боиси, биринчидан, талабанинг чет тил ўқитиш методикасига онд фикр-мулоҳазаларидаги чалкашликни бартараф қилиш ва, иккинчидан, талаба олий муаллимлик ўқув юртини тамомлаб иш бошлаганда, мабодо, оммавий ўрта мактабдан бошқа жойга тушиб қолса, қийналмасдан ишлаб кетишига замин ҳозирлашдир. Шу иккала ваддан XX бобда муҳокамага турли ўқув юртларида чет тил ўргатиш методикаси илмий масала қилиб қўйилди.

Тасаввур қилинг: катта оломон орасидан бир кимса сизга дабдурустдан савол билан мурожаат қилади: «Уйим қаерда?» Раҳм/шафқат етишмовчилиги даврида сўроқ эътиборсиз қолиши ҳам эҳтимолдан йироқ эмас. Бироқ сиз унга ёрдам қўлини чўзасиз, чунки у нажот излаяпти. Мурувват кўрсатишни сиз ўз зиммангизга оласиз.

Яна бир ғаройиб манзарага дуч келдингиз. «Тилни қандай ўрганса бўлади?», деган ғайримантикий саволни дафъатан берадиганлар учраб қолади. Кўриниб турибдики, сўровчи муайян тилни ўрганиш йўллари суриштирмоқда. Унинг гапидан бирон янги (унинг учун) тилни ўрганишга ўзи ёки яқин кишиси киришмоқчи, шекилли. Она тилини эмас, ўзга тилни, деб тушунсак бўлар. Бироқ ким ўрганади, деган жумбоқни ечиш керак. Агар ўзи бўлса, биламизки, унинг ёши фалонда. Тахминан ёшроқ одам ўрганмоқчи. Қайси тилни ва ким ўрганади, деган гаплар ҳал бўлди, дейлик. «Ўзга тил» — бу иккинчи тил ёки учинчи бўлиши мумкин (тўртинчи бўлмаслигига ишончимиз комил, чунки она тили, иккинчи тил ва чет тилнинг учаласини билса, у мунозарабон савол бермаган бўлур эди): у киши она тилини билади, қўшниси, бир юртда яшовчи одам тилини сў-

раётгандир (мас. 1989 йил 21 октябрда қабул қилинган Ўзбекистоннинг Давлат тили ҳақидаги қонун муносабати билан Ўзбек тилини билишни аввал лозим кўрмаган, бошқа ердан келган, ҳозирда юртдошимиз энди уни ўрганмоқчидир). Фараз қилайлик, у киши она тили ва иккинчи тилни билади, ундай ҳолда чет тил ҳақида сўз юритаётган экан.

Фалончининг фалон тил ўрганиши борасидаги маслаҳат сўровига жавоб бериш учун қуйидагиларни аниқлаш сўзсиз керак бўлади: биринчидан, нимани ўрғанади — тилни, иккинчидан, қайси тилни — она тили, иккинчи/чет тилни, учинчидан, қайси она тили /иккинчи/ чет тилни — ўзбек/рус тилини, инглиз/испан/немис/француз тилини ёки хорижий шарқ тилини. Айтайлик, инглиз тилини қандай ўрганса бўлади, деб сўрабди. Масаланинг бир томони озгина ёришгандай. «Қоронғи» жойларини аниқлашда давом этамиз.

«Ўрганса» дейилганда, ким назарда тутяпти? Кўрдингизми савол савол туғдирыпти. Ўзи ўрганса (демак, 60 ёшлик киши инглиз тилини билишга мажбур бўлиб қолди) — хотираси сустлашган, бироқ тафаккури эса этилган бу ёшдаги шахсни ҳисобга оладиган чет тил ўргатиш методикаси ишланган эмас. Агар боласи ҳақида ғамхўрлик қилаётган бўлса (айтайлик, у талаба), олий ўқув юртида чет тил ўқитиш методикаси бирмунча тадқиқ этилган, у ҳақда маслаҳат бера оламиз. Иккинчи масала равшанлашгандек бўлади: талаба инглиз тилини қандай ўрганса бўлади, деб сўрагандир. Масаланинг яна хирароқ жойи қоляпти: талаба чет тил олий ўқув юрти/факультетида ўқишмоқдами ёки тилдан мутахассислик бермайдиган ўқув юртида таҳсил кўрадими? (Ёки ёшини билдикку, унинг ўқиши /ишлашини аниқлай олмадик). Хуллас, «хира»лик уч «хона»га эга бўляпти: талаба/талаба эмас, тилчи талаба/тилчи бўлмайдиган талаба, ўқув юртида инглиз тили ўрғанади/ўзи мустақил ўрғанади. Кўрибсизки, учала хонанинг ҳар бирида иккитадан «хиралик», яна бир танлаш заруриятини юзага келтиради. Айтайлик, сўраган кишининг яна бир фарзанди бор экан, у ҳеч ерда ишламас/ўқимас экан: 18 ёшли йигитча инглиз тилини мустақил ўрганмоқчи экан. Маслаҳат берамиз: инглизчани тез ўргатадиган курслар очилган (тафсилоти қўшиб қўйилади).

Қисқаси, тўртта масала ойдинлашди: биринчиси — инглиз тилини чет тил мақомида ўрганмоқчи, иккинчиси ўрганувчи 20 ёшларда, учинчиси — бир киши олий ўқув юрти дастурига биноан ва бошқаси интенсив (жадаллаштирилган) курсда ўқиш ниятида, тўртинчиси — ҳар иккала чет тил ўрганиши истовчи (албатта, фаразий тарзда) иккинчи тилни, яъни ўзбек тилини билмас экан (Ўзбек тилини маҳаллий давлат тили сифатида тан олиб ўрганганда эди, унинг тил тажрибаси бойиган ва навбатдаги тилни ўрганиши осонлашган бўлур эди).

Мана шу нотаंसилий лавҳадан маълум бўлдики, чет тилни ўрганиш/ўргатиш борасида гап юритилганда, асосан тўртта таълимий тушунчани эътиборга олмоқ лозим: 1) чет тилни

ўрганишдан мақсад; 2) чет тил ўрганиш шароити (қайси ўқув юртида ва қай муҳитда ўрганипти); 3) чет тилни ўрганиш мазмуни (оғзаки/ёзма, илмий/ҳаётий мавзулар) 4) чет тилни ўрганиш йўллари, яъни метод ва принциплари (ихтисос сифатида, гаплашиш мақсадида, ўқиб ахборот олиш ниятида).

Тўрт муаммо — қаерда (шароит), нима учун (мақсад), нима (мазмун) ва қандай қилиб (метод) ўргатамиз, деган саволларга жавоблар йиғиндиси ўқитиш методикасини вужудга келтиради (шу ўринда «Чет тил ўқитиш методикаси»ни шакллантиради).

Хуллас, таълим шароити, мақсади, мазмуни ва методи тушунчалари ёрдамида чет тилни турли ўқув юртларида ўргатишни қиёсан таҳлил этамиз.

Ўқитиш методикаси яхлит тизим бўлиб, унинг асосий тушунчалари (мақсад, мазмун, метод, шароит)ни таҳлил ва тасниф қилиш оқибатида турли ўқув юртларида чет тил ўқитишнинг муштарак ва тафовутли жиҳатларини билиб оламиз.

Методикаларнинг ўхшаш ва фарқли унсурларини очиб бериш «Қиёсий методика» илмининг ўрганиш масалаларидир.

«Қиёсий методика» тушунчасига доир

Чет тил таълимида деярли истифода қилинмайдиган атамалардан «қиёсий методика»ни кўрсатиш мумкин¹. Ушбу китобнинг I бобида умумий ва хусусий методика тушунчалари баён этилган. Илмий манбаларда «Махсус методика» атамаси ҳам учрайди², лекин унинг қиёсий методикага дахли йўқ: у уч тиллилик шароитида чет тил ўқитиш, чет тил ўргатишда техникавий ва потехникавий воситалардан фойдаланиш, табиий нутқ муҳитида чет тил ўргатиш кабиларни текширади.

«Қиёсий методика» яратиш зарурлигини қуйидагича далиллаш мумкин: биринчидан, чет тил турли ўқув юртларида ўрганилади, улар учун хусусий методикалар яратилган, кузатишлар кўрсатишича, ўқитишда кескин фарқлар мавжуд; иккинчидан, ўқитиш дастурлари талабларини таққослаганда, бирор ўқув юрти дастури иккинчисига тўла мос тушмайди; учинчидан, фанларда қиёсий соҳалар тадқиқ қилинади, мас. қиёсий педагогика, қиёсий тилшунослик ва ҳ.к.з; тўртинчидан, чет тил олий ўқув юрти/факультети муаллимлари хусусий методикани биладилар, улар мактаб методикасидан анча йироқ турадилар,

¹ Баъзи муаллифларда «сравнительная методика» атамаси учрайди, уни «қардош ўлкаларда чет тил ўқитиш регионал методикаси» маъносида қўллашади, мас. М. В. Ляховицкий. Методика преподавания иностранных языков. — М.: Высшая школа, 1981, 14-бет; Ҳатто «республиканская методика» тушунчаси ҳам учрайди. Қаранг: Методика преподавания иностранных языков в Узбекистане (библиографический указатель). Часть II // Сост. Х. С. Саматов. — Самарканд: СамГУ, 1989, 3-бет.

² М. В. Ляховицкий. Кўрсатилган асар, 14-бет.

қийёсий методик маълумотга муҳтождирлар; бешинчидан, чет тил ихтисосидаги талабалар ўзлари таҳсил олаётган ўқув юрти муаллимлари методикасини кузатадилар, уларда тегишли стереотип (фикран тамғаланиш) ҳосил бўлади, мактаб методикаси (ўзлари олдин чет тил ўқиган, энди методикадан назарий курс тинглаган ва мактаб амалиётида илк тажриба орттирган) талабаларда яна бошқача из қолдиради, натижада методик интерференция келиб чиқади.

Хуллас, ўқув-тарбия жараёнида талабага халақит берадиган методик интерференция (чалкашлик)ни бартараф этишга хизмат қиладиган ва, қолаверса, мактаб/олий ўқув юрти методикаларининг нозик тафовутларини илғашга ёрдам берадиган қандайдир ўзгача илмий кўрсатмалар мажмуига эҳтиёж сезилади. Уни қондиришга «Қийёсий методика» фани маълумотлари қўмаклашиши мумкин.

«Қийёсий методика» атамасини батафсил изоҳлаш керак бўлади. Урта мактаб мисолида методик тушунчаларни ўрганиб чиқдик, яъни яккаю-ягона шароитни таҳлил қилдик, холос. Бошқа муҳитларда бу методик тушунчаларнинг турлича товланишларини пайқаш учун мазкур шароитларни санаб ўтишга тўғри келади.

Чет тил методикасида «шароит» атамаси қамрови қаерда, кимларни, қанча вақт ўқитиш ҳақидаги маълумотлардан ташкил топади.

Қаерда, деган саволга шундай жавоб бериш мумкин: 1) муайян ўқув юрти (мактаб/техникум/дорилфунун/дорилмуаллимин)да чет тил ўқитиш; 2) чет тил нутқ муҳити бор/йўқ ерда ўргатиш; 3) интенсив (қисқа муддатли жадаллаштирилган) ва экстенсив (вақт эътибори билан чўзилган) таълим.

Кимларни ўқитиш саволига мана бундай жавоб қайтарилади: 1) фалон (10—17, 17—22, 20—30...) ёшлиларни ўргатиш; 2) чет тилдан аввал фақат она тилини ёки она тили ва иккинчи тилни эгаллаганлар (монолингв — яктил, билингв — зуллисонайн)га, яъни бой/кам тил тажрибаси соҳибларига чет тил ўқитиш.

Қанча вақт деганда, ўқув режасидаги ҳафталик ва йиллик машғулотлар миқдори (дарс соатлари) назарда тутилади.

Демак, «таълим шароити» тушунчаси умумий тарзда таҳлилдан ўтди. Мана энди ушбу шароитлар мавжуд ўқув юртлари тизимини кўз олдимизга келтиришимиз керак. Улар расмий тилда «халқ маорифи системаси» атамаси билан юритилади (ушбу бобнинг 1-§ида алоҳида мавзу сифатида муҳокама қилинади).

Турли ўқув юртларида чет тил ўргатиш маълумотномасини «Чет тиллар қийёсий методикаси» номи билан атай бошладик. Масаланинг бошқа томони ҳам мавжуд, яъни «чет тил»—ўқув режасидаги предметлардан бири. Барча предметларни ўқитиш «Таълимшунослик» фанида тадқиқ қилинади (Таълимшунослик эса гуманитар фанлар сирасига киради). Ўқув предметлари

ичида ўзига хос бир гуруҳи борки, уни тиллар ташкил қилади. Она тили, иккинчи тил ва чет тил учаласини ўқитиш ҳақидаги фанни «Тиллар таълимшунослиги» дейиш маъқул (3-§ га қараңг).

Айтилганларни қисқача яқунлаб, қўйидаги хулосаларни чиқариш мумкин: 1. Чет тилларни ўқитишнинг умумий методикаси мавжуд. Мас., чет тилларни ўқитиш умумий методикаси ўрта умумтаълим мактаби¹, ўрта махсус ўқув юртлари² учун ишлаб чиқилган. 2. Чет тилларни ўқитиш хусусий методикаси теран ишланган. Мас. рус мактабларида инглиз³, немис⁴, француз⁵ тили ўқитиш ёки рус аудиториясида немис⁶ инглиз тили⁷ ўқитиш хусусий методикалари. 3. Ҳанузгача чет тиллардан қиёсий методикага оид қўлланма ёки нуфузли илмий мақола эълон қилинган эмас. Тўғри, айрим муаллифлар асарларида бевосита бўлмаса-да, ушбу муаммога тегишли маълумотлар аҳён-аҳёнда кўзга чалиниб қолади⁸.

Турли шароитда чет тил ўқитишга бағишланган методик адабиётларда тарқоқ бўлса-да, муҳим илмий фикрлар баён этилган. Жумладан, кечки (сиртқи) мактаб ўқувчиларини⁹, катта ёшлиларни¹⁰, боғча болаларини¹¹ ўқитиш, қисқа муддатли

- ¹ *Общая методика обучения иностранным языкам в средней школе* / Под ред. А. А. Миролюбова, И. В. Рахманова, В. С. Цетлин. — М.: Просвещение, 1967.
- ² *Общая методика преподавания иностранных языков в средних специальных учебных заведениях* / Под ред. А. А. Миролюбова и А. В. Паранхой. — М.: Высшая школа, 1978.
- ³ Г. В. Рогова. *Методика обучения английскому языку*. (На англ. яз.). — Л.: Просвещение, 1975.
- ⁴ С. Ф. Шатилов. *Методика обучения немецкому языку в средней школе*. — Л.: Просвещение, 1977.
- ⁵ Л. С. Андреевская-Левенстерн. *Методика преподавания французского языка в средней школе*. — М.: Просвещение, 1983.
- ⁶ *Обучение иностранному языку как специальности (для ин-тов и фак. иностр. яз.): Учеб. пособие* (Бородулина М. К., Карлин А. Л., Лурье А. С., Минина Н. М. — 2-е изд., испр. — М.: Высшая школа, 1982.
- ⁷ И. М. Берман. *Методика обучения английскому языку в неязыковом вузе*. — М.: Высшая школа, 1970.
- ⁸ Мас. И. А. Зимняя. *Психология обучения неродному языку*. — М.: Русский язык, 1989, 15—16-бетлар; К. И. Крупник. *Обучение иностранным языкам на начальном и продвинутом этапах в различных типах учебных заведений: Текст лекций* (ротапринт). — М.: МГПИИЯ, 1980 ва бошқалар.
- ⁹ Ж. Л. Витлин. *Книга для учителя к учебнику немецкого языка для 9—11 классов вечерней (сменной) и заочной школы*. 3-е изд., дораб. — М.: Просвещение, 1987; А. А. Слободчиков. *Книга для учителя к учебнику английского языка для IX—XI классов вечерней (сменной) школы*. — М.: Просвещение, 1978.
- ¹⁰ Ж. Л. Витлин. *Обучение взрослых иностранному языку (Вопросы теории и практики)*. — М.: Педагогика, 1978.
- ¹¹ Н. В. Агурова, С. И. Гвоздецкая. *Английский язык в детском саду*. — М.: Госиздат, 1963.

машгулотлар¹, саккиз йиллик мактабда чет тилни ўқимаганларга юқори синфларда ўргатишга² доир методик қўлланмалар чоп этилган.

Қиёсий методика икки маънони ифодалайди (маълумки, атама асида бир маъноли бўлиши керак):

1. Турли ўқув юртларида чет тил ўқитиш.

2. Тил таълимшунослиги, яъни она тили, иккинчи тил ва чет тилни ёки ўзга (иккинчи ва чет) тилларини ўқитиш.

Иккала методик тушунчанинг фарқига етиш мақсадида чет тилни турли ўқув юртларида ўқитишни «Чет тил ўқитиш қиёсий методикаси» ва уч мақомдаги тилларни (она/иккинчи/чет тилни) ўқитишни эса «Тиллар таълимшунослиги» деб номлаш маъқул.

1-§. Турли ўқув юртларида чет тил таълими таснифи

Тил таълими тушунчасини изчил таҳлил қиладиган бўлсак, мантиқшунослигдаги жинс-тур муносабати «элаги»дан ўтказишга тўғри келади.

Чет тил ўқитиш тил таълими таркибига киради, у эса ўз навбатида таълимга киради, таълим гуманитар фанлар сира-сидан жой олади ва ҳ.к.з.

«Чет тил таълими»нинг таркибий қисмларини ажратганимизда ўрта, олий ва бошқа таълим даражаларини кўрамиз. Биргина ўрта таълимда эса ўрта умумий, ўрта ҳунар-техника, ўрта махсус таълим мавжуд. Ўрта махсус таълимда кундузги, кечки, сиртқи ўқув шакллари қонунлаштирилган. Маориф муассасаларининг тизими кенг тармоқли бўлиб, уларнинг ҳар бирида чет тил ўзига хос ўқитилади.

Маориф муассасалари. Халқ таълими билан машғул муассасаларни санаб ўтамиз: мактабгача тарбия — боғча, ясли; ўрта мактаб — ўрта умумий, ўрта махсус (чуқур билим берадиган ва жисмоний¹/ақлий камчилиги бор болалар мактаблари), кечки-сменали, сиртқи мактаблар; ўрта ҳунар-техника (қишлоқ ва шаҳар) билим юртлари; ўрта махсус билим юртлари (техникум, тиббиёт ва педагогика ўқув юртлари сиртқи, кечки, кундузги бўлимлари билан); олий ўқув юртлари — дорилфунун, дорилмуаллимин, техника, тиббий, қишлоқ хўжалик ва ҳ.к.з. Олий маълумотли фуқаро ўқишни илмий ва ўқув муассасалари қошидаги аспирантурада (кундузги ва сиртдан) давом эттириши мумкин.

Санаб ўтилган маърифий ташкилотларда, боғчадан тортиб аспирантурагача, чет тил ўрганиш режалаштирилган. Бироқ уларда чет тил ўқитиш соҳасидаги муштаракликдан кўра тафо-

¹ Проблемы краткосрочного обучения русскому языку иностранцев: Сб. статей / Под ред. О. П. Рассудовой. — М.: Русский язык, 1977.

² Г. В. Рогова. Книга для учителя к учебнику «Английский язык за два года». 4-изд. — М.: Просвещение, 1989.

вўтлар кўпроқдир, яъни ҳар бирининг дастурий талаблари, жумладан таълим мақсади, мазмуни, методи турличадир. (Уларни қўйроқда кўриб чиқамиз.)

Чет тил мутахассислик ёки умумтаълим ўқув предмети мақомида мажбурий курс қилиб ўқитилади: 1) чет тил муаллимлик ўқув юртлари/факультетида ва дорилфунун роман-герман ва шарқ тиллари факультетларида чет тил мутахассиси этишиб чиқади, бир қатор факультет (бўлим)ларда чет тилдан иккинчи (қўшимча) мутахассислик берилади; 2) умумий таълим ўқув предметлари қаторида ўргатиладиган муассасалар— оммавий мактаб, ҳунар-техника билим юрти, ўрта махсус/олий ўқув юрти, аспирантура.

Ўқув предметидан чуқурлаштирилган дастур билан ишлайдиган, айрим предметларни (адабиёт, тарих, географияни) ўрганилаётган чет тилда ўқитадиган махсус мактаблар турлари ҳам мавжуд.

Чет тилни ихтиёрий ўқитадиган муассасалардан кечки-сиртқи ўрта умумтаълим мактабларини аташ мумкин.

Чет тил ўқитилмайдиган муассасалар ҳам бор: махсус (жисмоний ёки ақлий жиҳатдан заиф болалар ўқийдиган) мактаблар.

Улардан ташқари ўқитиш курслари ташкил этилиб, уларда турли муддат ва хилма-хил дастур билан чет тилни амалий эгаллашади (одатда улар пуллик бўлади).

Номлари келтирилган маориф муассасаларида чет тил ўқитиш қиёсий методикаси таълим мақсади, мазмуни, методини солиштириш оркали таъриф-тавсиф қилинади.

Чет тил ўқитиш мақсадлари таснифи. Тиллар ўқитишда таълимий мақсадлар типологияси (таснифи) масаласи кўтарилган эмас, чунки қиёсий-методик муаммолар қўйилмаган. Мақсадлар типологияси ўта чалкаш ва айни чоғда долзарб илмий-методик ҳодисадир.

Чет тил ўрганишдан кўзланадиган мақсадлар номланиши (III бобга қараг) маълум: амалий, таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи. Ушбу методик атамалар деярли барча ўқув юртлари методикасида қўлланади.

Тўрттала мақсад ўрта ва олий маълумот берадиган ўқув юртлари дастурида учрайди. Чет тилларни касб сифатида танлаган талабалар учун қўшимча касбий (профессионал) мақсад ҳам қўйилади. Лекин мохият эътибори билан муайян ўқув юрти талабаси учун мақсадлар ҳар хил талқин этилади. Амалий мақсадни олиб кўрайлик. Умумий маъносига кўра чет тилдан амалда, хаёт ва меҳнат фаолиятида фойдаланиш назарда тутилади. Ўрганиш мавзуи ва ундан фойдаланиш кўлами жиддий фарқ қилади. Мисоллар келтирамиз. (Ўрта умумтаълим мактаби ҳақида III бобда батафсил ёритилган).

Махсус чет тил мактабида тўрттала нутқ фаолияти тури

(гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзув) амалий мақсад мақомини олган¹.

Иккинчи мисол. Урта ҳунар-техника билим юртида умумтаълим мактабининг ўқув дастури амал қилади. Тўрт мақсадли чет тил таълими жорий этилган². Унда соҳавий матнлар (мас., техникага оид, қишлоқ хўжалиги мавзусида) ўқиш қўшимча қилинади.

Махсус адабиёт ўқиш техникумларда ҳам вазифа қилиб қўйилган. Талабалар чет тилдаги матнни ўқиб таржима қилдилар.

Яна бир мисол. Олий ўқув юртлари (чет тил ихтисосидан ташқари) дастури бўйича талаба амалий эгаллаётган чет тилни биринчи навбатда умумтаълимий ахборот олиш учун соҳавий адабиёт ўқиш. деб билади, қолаверса, гапириш, тинглаш ва ёзув билан ҳам шуғулланади. Аспирантлар учун чет тилни амалий ўрганиш — тор илмий соҳадаги хорижий манбаларни ўқиш демакдир.

Чет тил ўқув юрти/факультети/бўлими дастурий талаблари бошқалардан жиддий фарқланади. Тўрт асосий нутқ фаолияти туридан ташқари қўшимча нутқ фаолияти турларини ҳам талаба ўрганиб чиқади. Уларнинг номларини (олтита) келтирамиз: чет тилдан она тилига оғзаки/ёзма ва она тилидан чет тилга оғзаки/ёзма ўгириш, ўзга шахс нутқини айтиб турганда ёзиш, график матннинг мазмунини бошқаларга етказиш учун овоз чиқариб ўқиш. Демак, чет тилдан мутахассислик олаётган талабанинг амалий ўрганиши ўнта нутқ фаолияти турларини қамраб олади. Амалий мақсад атамаси бир (ёки икки) нутқ фаолияти туридан (мас., богчада ёки қисқа муддатли интенсив курсларда — гаплашиш, холос) то ўнтагача миқдорни ўз ичига олиши мумкин.

Чет тил ихтисосини эгалламоқчи талаба ўрганилмиш тил бўйича қуйидаги билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштирадн.

I. Нутқ фаолияти турлари (4 та асосий ва 6 та қўшимча).

II. Тил материали (лексика, грамматика, талаффуз).

III. Лингвистик билимлар (лексикология, грамматика, фонетика).

IV. Чет тил ўқитиш методикаси (назарий курс, амалий машғулот ва мактабда дарс бериш)³.

¹ Н. Д. Чебурашкин. Технический перевод в школе: Учебник для учащихся IX—X классов школ с преподаванием ряда предметов на английском языке / Под ред. Б. Е. Белицкого — 5-е изд. — М.: Просвещение, 1987.

² Ф. М. Рожкова. Вопросы обучения иностранным языкам в средних профессионально-технических училищах. — М.: Высшая школа, 1984, 9—12-бетлар.

³ Педагогическая практика студентов IV—V курсов очного отделения: Методическая разработка для групповых руководителей / Отв. ред. Джалалов Д. Д. — Т.: ТГПИИЯ, 1977.

Ушбу соҳаларнинг ҳар бири яна кичик гуруҳлардан ташкил топади. Грамматикани олайлик: амалий, норматив, назарий ва қиёсий грамматикалар. Ёки IV қисми олиб қарайлик. Мактабда дарс берувчи талаба (булажак муаллим) тўртта нутқ фаолияти тури ва тил материали (лексика, грамматика, талаффуз)ни ўргатиш методикасини билиши керак. Чет тил олий ўқув юрти муаллими эса буларга қўшимча тилшунослик ўқув предметларини ўқитиш методикасини ҳам эгаллаши шарт¹. Даромадга яраша буромад дейилганидек, бу ўқувгоҳ шароитига қараб мазкур амалий ва назарий курсларни мукаммал ўрганишига имкон яратилади.

Чет тил таълими мақсадлари таснифи юзасидан ўтказилган мухтасар таҳлилдан кўринадики, ягона ном билан аталмиш ўқув юрти шароитининг нозик томонларини албатта назарга олиши керак.

Ўқув юртида чет тил ўқитиш мақсадига асосланиб, унинг шароитига мос келадиган таълим мазмуни шакллантирилади.

Чет тил ўқитиш мазмуни таснифи. Таълим шароитига биноан мақсадларнинг аниқланиши билан танишиб чиқдик. Мақсадлар, эса, юқорида эътироф қилинганидек, ўз навбатида таълим мазмунини шаклланишига бевосита таъсир қилади. Мазмунининг таркибий қисмлари (нутқ мавзулари, нутқ малакалари ва тил материали) барча ўқув юртлари учун бирдай тааллуқли. Ушбу қисмлардаги миқдор ва сифат кўрсаткичлари мақсадга бўйсундирилади ва ўқув юрти турига, яъни шароитга қараб фарқ қилади.

Нутқ малакаларига қўйиладиган талаблар, аввал таъкидланганидек, ўқув дастурига синфма-синф ёки курсма-курс ёзиб қўйилади. Нутқ фаолияти турлари бўйича миқдор ва сифат кўрсаткичлари белгиланади. Ўқувчининг нутқий машқи табиий мулоқотга яқин бориши, бўлғуси чет тил муаллиминининг нутқини эса тили ўрганилаётган халқ нутқини (инг. native speaker) даражасида бўлиши талаб этилади ва х.к.з.

Нутқий мавзулар ўрта мактаб шароитида («Теварак-атроф», «Мамлакатимиз», «Тили ўрганилаётган мамлакат» ҳақида) чегараланган бўлса, олий ўқув юрти талабалари мазкур мавзулардан ташқари ўз соҳасида ҳам мулоқот юрита олиши керак. Чет тил олий ўқув юртида эса нутқий мавзулар чегараланган эмас, чунки талаблар эркин мулоқот олиб боришни, ҳатто оғзаки/ёзма таржима қила олишни ўрганадилар.

Малака ва мавзуларга қўйиладиган дастурий талаблар таълим мазмунининг учинчи қисми бўлмиш тил материалини белгиловчи омилдир. Тил материали масаласи методикада дурмест ишлаб чиқилган соҳадир. Ҳар қайси ўқитиш курси (мактаб, техникум, олий ўқув юрти) учун алоҳида-алоҳида лексик,

¹ Программа курса «Методика обучения иностранным языкам // Под ред. Джалалова Д. Д. (ротапринт). — Т.: ТГПИИЯ, 1982, 17-бет.

грамматик, талаффуз, имло, сўз яшаш минимумлари танланлади. Танлаш мезонлари умумий бўлса-да, шаклланган тил минимумлари миқдоран, бинобарин, сифат жиҳатидан ҳам, бир-биридан анча фарқ қилади. Мисолларга мурожаат қиламиз. Урта умумтаълим мактабларида бир минг атрофида чет тил лексик бирлиги актив ўзлаштирилса, чет тил олий ўқув юрти талабаси беш мингдан кам бўлмаган актив лексикани билиши талаб этилади. Уқувчилар тилни амалий ўргансалар, талабалар ҳам амалий, ҳам назарий таҳсил олади, яъни нутқ малакаларини эгаллаш ва тилшуносликни билишлари керак. Ёки бошқа мисол. Уқувчи мактаб грамматикасини актив ва пассив шаклларда эгалласа, талаба уларни тўлиғича актив ўрганиб олади. Роман-герман тиллари факультети талабаси эса устига-устак тили ўрганилаётган мамлакат адабиётшунослигидан ҳам филологик маълумот олади.

Хуллас, чет тил ўқув юрти/факультетида таълим мазмунига тўртинчи таркибий қисм келиб қўшилади: тил ҳақидаги билимлар, бу дегани, амалий, норматив ва соф назарий маълумотлар киритилади.

Тўрли ўқув юртларининг чет тил ўқитиш мазмунидаги уч таркибий қисм номланишда муштарак бўлишига қарамай, яъни юзаки ўхшашлигидан қатъи назар (чет тил ўқув юртидаги-на тўртинчиси мавжуд), уларнинг ички моҳияти кескин фарқланади. Таълим мазмунини ўзлаштириш жараёни ҳам ҳар бир шароитда ўзига хос кечади (бу ҳақда «Ўқитиш методлари таснифи» мавзусида маълумот берилади).

Чет тил ўқитиш методлари таснифи. Таълимшунослик фанида ўқитиш методларининг типологиясига катта эътибор берилган. Унда методлар умуман таҳлил ва тасниф қилинади. Бу ерда эса фақат чет тилдаги методлар ва, ундан ташқари, тўрли ўқув юртларида ушбу методларнинг қўлланилиши муҳокамага қўйиляпти. (Методлар V бобда муфассал кўриб чиқилган.)

Барча таълим методлари таҳлилни келтиришга ҳожат йўқ, чунки уларнинг чет тилда амал қиладиганларигина аҳамият касб этади. Бинобарин, жорий методларга тўхталамиз. Мактаб таълимида чет тил ўқитишнинг замонавийлаштирилган онгли-қиёсий методидан фойдаланилади. Қиёслаш дарсгача муаллим ва методист (дарслик муаллифи) томонидан бажарилса, чет тил олий ўқув юрти/факультетида дарсда ҳам бу иш тўрига рўхсат берилади. Талабалар чет тил ўрганиш жараёнида она тили ва чет тил (хатто иккинчи тил) ҳолисаларини қиёслаб ўрганилилар. Бунинг сабаби талаба чет тилни касбий мақсадда ўрганаётганлигидандир. Урта мактабда матнни бошдан-охир оғзаки таржима қилишга рўхсат этилмайди. Олий ўқув юртида эса таржима ўқитиш методининг зарурий мезонларидан бири саналади.

Демак, онгли-қиёсий метод мезонларидан бўлмиш «тил тажрибасини ҳисобга олиш»га биноан чет тил олий ўқув юртида

«икки ёки уч тил бирликларини қийёслаш»дан фойдаланилади.

Қисқа муддатли курсларда эса аудиовизуал методдан ҳам баҳузур фойдаланиш мумкин. Мактабда унинг айрим элементлари қўлланади, холос.

Метод ва уни ташкил этадиган мезонларнинг ўзига хос қўлланилиши ўқув шароитига боғлиқ. Бироқ ўқув юртларида алоҳида-алоҳида методлар билан дарс ўтилади, деган гап эмас, бу. Методик усуллар ҳам турлича талқин этилади. Шароит тақозоси билан, мас. ўрта мактабда хор билан ишлаш (айниқса бошланғич босқичда) катта ўрин эгаллайди, олий ўқув юртида эса кўпроқ ёлғиз ишлашга ўргатилади.

Онгли-қийёсий методнинг амалий ва назарий таълим учун турли кўринишларини қўллаш ушбу методнинг таснифи замирида ётадиган бирламчи ўлчов ҳисобланади (Методикада истифода қилинадиган актив метод, онгли-амалий метод ва коммуникатив метод тушунчалари ҳозирча охиригача ҳал қилинмаган мунозарали илмий муаммолигича қолмоқда).

Хуллас, қийёсий методиканинг мақомини аниқлашда муайян шароитда ўзига хос талқин этиладиган таълим мақсади, мазмуни, методи тушунчаларидан фойдаланилади.

Ўқув-методик топшириқлар

1. Чет тил ўқитиш қийёсий методикаси ҳақида ўрганганларингизни айтиб беринг.
2. Таълим шароити, мақсади, мазмуни, методи тушунчаларини мустақил таҳлил қилинг.
3. Турли ўқув юртларида чет тил ўқитишнинг муштарак ва тафовутли томонларини очиб беринг.
4. Методик тушунчалар таснифини муҳокама қилинг.

2-§. Тиллар таълимшунослиги

Методикага киритилган ушбу атамани 60-йилларда «Лингводидактика» номи билан қўллай бошлашган. Унинг маъно камрови ҳар хил талқинларга сабаб бўлиб келади. Бир тилни ўқитишни ҳам айримлар «Лингводидактика» деб атайверадилар, зотан ушбу соҳа текширадиган объект бирдан ортиқ тилларни ўргатиш, бошқача қилиб айтганда, лисоний таълим ҳисобланади.

Ҳозирги замон тил ўқитиш илмидаги маълумотларни умумлаштириб, қўйндаги таърифни тавсия этиш мумкин: «Тиллар таълимшунослиги» деганда, якзабошлик, иккитиллилик-зуллисонайнлик ва кўп тиллилик—полиглоссияни ўргатишга доир илмий соҳа тушунилади. Мазкур таърифга кўра қайси тилни, қай шароитда, нима мақсадда ва қандай қилиб ўргатилишидан қатъи назар, тил таълими қонуниятларида умумийлик кўзга ташланади. Мас., гапириш, тинглаб тушушни, ўқиш, ёзув ма-лакаларини ҳосил қилиш тилнинг мақомига боғлиқ эмас. Уш-

бу нутқ фаолияти турлари она тили, иккинчи ва чет тилда ўрганилиши ҳаммага аён. Тил ўқув предметлари бўйича нутқ малакаси ва тил назарияси ўрганилади. Амалий малака ва назарий билим нисбати нуқтаи назаридан учаласи бир-биридан кескин фарқланади. Она тилида қоида мақомидаги мавҳумотлар тилшунослик асослари сифатида берилади. Иккинчи тилда (Ўзбек ёки рус тилида) нутққа аҳамият назарияга қараганда кучайтирилгандай, бироқ қоидалар ҳам кам эмас. Чет тилда қоида (мавҳумот) амалий тусда бўлиб, улар малакани шакллантиришга йўлловчи кўрсатмалардир. Қоида ва нутқ мутаносиблиги жиҳатидан она тили таълими чуқур илмий-методик изланишларни кутади.

Ҳар хил мақомдаги тилларни ўқитишда мавжуд муштараклик ва тафовутларнинг мухтасар таҳлилига ўтамиз.

Она тилини ўқитиш. Маълумки, инсон боласи она тилини хаётий муҳитда ўрганади, бу дегани — оилада, ясли/боғчада, бевосита одамлар орасида тил ўрганиб боради. Она тили воситасида боланинг тафаккури шаклланади, теварак-атрофни она тили ёрдамида идрок этиб тушунади ва бошқалар билан мулоқотга киради.

Она тили атамаси маъносидан аёнки, у она ўргатадиган тилдир. Рус тилида эса родной язык — ўз тили, туғишганлар тили, қариндошлар тили. Она тили ва «родной язык» бирикмаларининг иккаласи ҳам инглизча сўзма-сўз берилади: mother tongue, native language. Бошқа тилларда «она тили»га тўғри келади: исп. lengua materna; нем. Muttersprache; фр. langue maternelle; тожикча «забони модари» ва ҳ.к.з.

Она тилини тақлидан ўрганиш чоғида ўхшашлик (аналогия) амал қилади, ўқувчи қандай идрок этса, шундай ўзлаштиради ва билганига монанд гаплар (ва сўзлар) яратади. Шунинг учун ёш бола нутқида кўплаб ғаройиб воқеалар рўй беради, тил қоидасига ёт бўлган ҳосилаларнинг гувоҳи бўламиз. (К. И. Чуковский ўзининг «От двух до пяти» китобида юзлаб мисоллар келтирган. Мас. папа курит папирасы, мама — мамипосы). Кўчма маъноларни фаҳмламаслик ҳам бола нутқининг бир томонламалигидан далолат беради. Она тилидан тажриба ортган сари нуқсонлар камайиб, хатолар йўқолиб боради.

Тил қайси мақомда ўрганилмасин, ушбу тилда нутқ хато ва нуқсонсиз бўлмайди. Уларнинг сабабларини она тили ва бошқа тиллар ўқитиш методикаси ўрганади. Айрим мисоллар келтирамиз. Мактабгача ёшдаги бола она тилини ноташкилий тарзда, яъни махсус методик бошқарилмаган муҳитда эгаллайди. Эшитганини айтиб ўрганади. Шунга кўра айрим нуқсонлар бола нутқида турғун бўлиб қолади. Сўзни ўз ўрнида ишлатмаслик, жумлани нотўғри тузиш, фикрни изчил баён этмаслик сингари ўнлаб-юзлаб хатолар содир этилади. Агар қўшниси ёки маҳалласидаги ўзга кимсаларнинг тилидан хабардор бўлса, (ёхуд радио/телевизиондан эшитиб), ундан она тилига «кур-

мак» янглиг бегона сўзларни қўшиб юбориш тез-тез учрайди-ган нуқсондир.

Кейинги йилларда баъзи ўзбекча сўзлар нафақат болалар тилида, шунингдек, катталар нутқида, ҳатто ахборот воситаларида ҳам ноўйиб ишлатиляпти: зўр (чиройли, яхши, ёқади каби маънолари босиб кетди), гап йўқ (хўп бўлади, тушундим, маъқул сингарилар ўрнида қўлланыпти) ва ҳ.қ.з.

Ўзбек тили «ёввойи ўтлар» орасида қолганлиги яққол кўриниб турибди. Давлат тилини қўриқлаш чора-тадбирларига эҳтиёж сезила бошланди.

Она тилининг нисбатан софлиги сўзлашувчилар ички дунёсига ижобий таъсир ўтказиши шубҳасиз. Бинобарин, мактабда/оилада/ жамоатчилик орасида ўз тилида эркин, раво, мазмунан тиниқ фикр баён қилишни ахлоқ-одобнинг узвий қисми деб қаралмоғи керак. Маданият тилдан бошланади ва тил воситасида унинг юқори/паст савияси таъминланади.

Она тили нормасининг бузилиш сабабларини излаб, ўрганиб, таҳлил қилиб, уни тuzатиш, тозалаш ҳар бир тил эгасининг муқаддас бурчидир. Баъзи камчиликларни санаб ўтамиз: 1) ўзга тилга ёппасига гаплашиш муҳитининг салбий таъсир қилганлиги; 2) болалар ва ота-оналарнинг ўз тилида бадий адабиёт мутолаа қилмасликлари; 3) нутқ маданиятига оид тадқиқотлардан фуқаролар оммаси беҳабар эканлиги; 4) китоб ўқиш ўрнига кино/телевидение/видео/радио эшитиш/кўриш; 5) маънавий ҳаётнинг моддий турмушдан ҳам орқада қолиши; 6) болалар учун намуна нутқи етишмаслиги; 7) она тили ўқитиш методик масалаларининг етарли ишлаб чиқилмаганлиги ва ҳ. қ. з.

Муддао — она тили таълимини такомиллаштириш ва нутқ маданиятини ошириш ҳамда ўқитиш методикасининг пухта ишлаб чиқишга жамоатчилик эътиборини жалб қилишдир.

Она тили таълими мақсади, мазмуни ва методлари масаласини чуқур тадқиқ қилиш шу куннинг талабидир. Маълумки, ўқитиш жараёнида нутқ ўстиришдан кўра у тилга оид билимларни сингдиришга кўпроқ куч ва вақт сарфланади. Тилшунослик маълумотлари, афсуски, бирламчи қилиб қўйилади. Аксинча, нутқ кўникма ва малакаларини ривожлантиришга эътибор кучайтирилса, манфаатдорлик анча-мунча ошар эди.

Она тили ўқув дастурида нутқ малакалари ва назарий билимларнинг оралиқ (синфма-синф) ва якуний кўрсаткичлари аниқ берилиши керак.

Таълим мазмунига келсак, синфма-синф ва курсма-курс қанча миқдорда сўз бойлиги бўлиши тегишли рақамларда ўз ифодасини топиши ва кенг қўлланадиган сўзлар рўйхати илмий асосланиши керак (маълумки, тилларда бир минг атрофида актив лексик қатлам мавжуд, ўзбек тили материалида И. А. Киссен¹ 1227 актив лексемани танлаб, рўйхатини чоп эттирган).

¹ И. А. Киссен. Словарь наиболее употребительных слов современного узбекского литературного языка — Т.: Уқитувчи, 1972, 4-бет.

Она тили грамматик тузилишидаги нутқ намуналари рўйхати ўқувчилар хизматида бўлиши ва грамматик ва бошқа қондалар (назарий билим) минимуми синчковлик билан рўйхатдан ўтказилиши замон талабига айланди. Буларнинг ҳаммаси ўқув стандарти таркибидан ўрин олади.

Арабий, форсий, оврупавий «келгинди» сўзларнинг методик мезонларга кўра мактаб луғат минимумига танлаб киритилиши ва этимологияси юқори синфларда ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқдир. Синонимия, антонимия, **омонимия**, полисемия, фразеология каби кўплаб лексикологик ва лексикографик ҳодисалар она тилида амалий, сўнгра назарий эгалланиши яхши натижалар беради.

Методикада қилинадиган тадбирлар қалашиб ётибди. Уларни она тилининг чин мухлислари томонидан ишлаб чиқиладиган вақт келди.

Бир сўз билан айтганда, тиллар таълимшунослиги нуқтан назаридан она тили ўқитишга системали ёндашиб, юқори поғоналарга кўтариш мумкин.

Она тилини меъёрида эгаллаган шахсгина иккинчи ва бошқа (она тили бўлмаган) тилларни осонликча ўргана олади, акс ҳолда, ўзга тиллар қийинчилик туғдириши муқаррар.

Иккинчи тилни ўқитиш. Она тилидан кейинги навбатда ўрганиладиган ҳар қандай тил иккинчи деб ҳисобланади. Уни ўрганишда ўзига хос қийинчиликлар пайдо бўлади. Олдин ўзлаштирилган биринчи тилнинг ёрдам бериши (транспозиция) ёки халақит бериши (интерференция) ҳоллари юз беради. Бошқа томондан қаралса, иккинчи тил ўз навбатида она тилига, ўрганиладиган чет тилга ҳам салбий ёки ижобий таъсир қиладди. Бинобарин, иккинчи тилни ўқитиш методикаси ҳам она тилига ўхшаб, умумий назария бўлмиш тил таълимшунослиги «ғалвиридан» ўтказилиши мақсадга мувофиқ.

Тил таълимшунослигидаги ўқитиш шароити, мақсади, мазмуни, методи тушунчалари орқали иккинчи тил методикаси таҳлил қилинади.

Шароит хусусида фақат ижобий гап бўлиши мумкин: табиий муҳитда қўшни, маҳалладош, «домдош», ҳамюрт тили ўрганилади. Унинг тилини ўрганиш дўстлик рамзидир. Ахборот воситалари иккинчи тил мухлислари хизматига доим тайёр. Ташкилий равишда иккинчи тил ўрганиш ҳам бир қанча қулайликларга эга. Тил ўрганиш учун шароит мавжуд ва мақсадлар аниқ.

Таълим мақсадларига кўра нутқ малакалари ва тилшунослик маълумотлари ўрганилади. Турли ўқув юртлари манфаатларини кўзлаб ушбу тилда дастурий талаблар қондалаштирилган. Она тили ва чет тил ўқитиш мақсадлари билан иккинчи тилдаги мақсадларни мувофиқлаштириш тавсия этилади.

Иккинчи тил бўйича таълим мазмуни муаммоси халқаро миқёсда мукамал ишлаб чиқилган. Бинобарин, иккинчи тил ўрганишни байналмилал мақомда мувофиқлаштириш мумкин. Иккинчи тил ўрганиш она тилига яқинроқ туради. Таълим маз-

мунини синфдан/мактабдан ташқарида ўзлаштириш имконияти мавжуд. Беихтиёр ўрганиладиган материал тез ва пухта ўзлаштириб олиниши табиий. Ушбу тилни эгаллаш шу даражага етиши мумкинки, ҳатто у иккинчи она тили (албатта, бу шартли атама, чунки она битта бўлади, иккинчиси ўгай булиши мумкин) деган номни ҳам қозона олади.

Хорижда ва мамлакатимизда нашр этилган тил ўқитишга оид методик адабиётлар орасида иккинчи тилни ўргатишга доирлари ниҳоятда кўп. Демак, масалаларнинг ишланганлиги, шароит муҳайёлиги ва хоҳиш-истак борлиги ушбу тилни эгаллашга кенг йўл очади.

Иккинчи тилни ўрганиш она тилидаги тажрибага суянишни тақозо этади ва ўз навбатида чет тилни эгаллашга ўзининг тегишли таъсирини ўтказади.

Чет тилни ўқитиш. Тил таълимида чет тил ўқув предмети фильтр («даҳана») вазифасини ўтайди. Олдин ўрганилган тилларнинг материали ва нутқ малакалари чет тил «сузғичи»дан ўтади. Ундан ўтадиган ва ўтмай қолиб кетадиган тил ҳодисалари икки тоифага ажралади: **ўтгани** — ёрдам бергани, ўтмагани — халақит берувчиси. Мазкур мулоҳазанинг моҳияти шундан иборатки, чет тил муаллими ўқувчилар тил тажрибасини ҳисобга олиб иш кўради (тил тажрибаси она тили, иккинчи тил ва чет тилдан тўпланган нутқий, тил материалига оид ва тил қоидаларига доир уч таркибли методик тушунчадир).

Тил таълимшунослиги муаммоларини ечишда чет тил ўқитиш умумий, хусусий ва қиёсий методикаларнинг ўрни сезиларли бўлади. Чунки чет тил ўқитиш жараёни аввал тўпланган тил тажрибасининг кўзгусидир. Унда рўёбга чиққан мақсадлар, ўзлаштирилган мазмун ва қўлланган ўқитиш методи ҳам яққол сезилиб туради.

Чет тил ўқитишнинг қиёсий методикаси маълумотлари ва тил таълимшунослиги (она тили, иккинчи тил бўйича) ахборотлари қўшилиб яхлит «Тиллар таълимшунослиги» вужудга келади.

Тил таълими жамлама таснифи. Тилларни ўқитиш методикаларининг барчасини умумлаштирувчи «Тиллар таълимшунослиги» фани ютуқлари йиғиндисини жамловчи типология (тасниф) номи билан атаймиз. Она тили, иккинчи тил, чет тил ўқитишнинг ҳар қайсида қиёсий методика ишлаб чиқилиши «Тиллар таълимшунослиги»да жамловчи тасниф яратишга имкон беради.

Жамлама таснифнинг бунёд этилишига, юқорида таъкидланганидек, таълим шароити, мақсади, мазмуни, методи каби илмий-методик ҳодисалар «сузғичи»дан тил таълимини ўтказиш йўли билан эришилади. Бошқача айтганда, «Тиллар таълимшунослиги»нинг негизи шароит, мақсад, мазмун, метод номли тушунчалардан ташкил топади. Илк илмий тажриба якуни сифатида тил таълими юзасидан жамлама тасниф ўтказамиз.

Таълим шароитига кўра тилларни ўқитиш қуйидагича таснифланиши мумкин: ўқув ёки табиий шароитда тил ўрга-

ниш — ўқув шароитида — сунъий муҳитда чет тил ўрганилади; табиий шароитда она тили ва қисман иккинчи тил эгалланади; қисман сунъий шароитда (дарсда) иккинчи тил ўқитилади. Демак, «шароит» тушунчаси учала тилда уч хил маъно касб этади. Уларнинг турлича бўлиши таълим методикаларини ўзига хос тарзда яратишга таъсир этади. Сунъий/табиий муҳитда тилларни ўргатишдаги тафовутлар жамлама таснифнинг биринчи кўринишидир: чет тил бўйича фақат сунъий муҳит ва иккинчи тилда сунъий (дарсда) ва табиий (жамоатчилик орасида) ҳамда она тилида чин муҳит муҳайёлиги аниқланади. ✓

Таълим мақсадлари габиноан тилларни ўрганиш қуйидагича таснифланади: амалий мақсадда тил ўрганиш (она тили, иккинчи тил, чет тил); таълимий мақсадда тил ўрганиш (учала тил); тарбиявий мақсадда тил ўрганиш (учала тил); ривожлантирувчи мақсадда тил ўрганиш (учала тил); касбий (профессионал) мақсадда тил ўрганиш (тил ўқув юрти/факультети/бўлимида учала тилдан мутахассислик оладилар).

Ушбу бешта турдан фақат биттаси (бешинчиси) ягона ўқув юрти учун тегишли мақсад ҳисобланади. Қолганларида ҳам (1—4 да) муштараклик номига холос, аслан бир талай ички тафовутлар мавжуд.

Мақсадлардаги тафовут шундан иборатки, она тили тафаккур шаклланадиган тил, ҳаётий тажриба она тили орқали тўпланиб боради, она тили етакчи амалий мулоқот воситаси, шунингдек, у барча ўқув предметларини ўрганиш воситасидир.

Мақсадлар таснифида юзаки ўхшашлик ва моҳиятида тубдан фарқ борлиги таълим жараёнини ташкил этишда алоҳида эътиборга молик.

Ўқитиш мақсадларининг рўёбга чиқиш «майдони» шароит бўлса, уларни амалга ошириш «қуроли» мазмун саналади.

Таълим мазмунига қараб тилларни ўқитиш қуйидагича таснифланади:

1. Нутқ мавзулари бўйича: 1) нутқ мавзулари чегараланади (чет тилда, қисман иккинчи тилда, фақат тил ўқув юрти/факультети/бўлими бундан мустасно); 2) мавзулар мактабники ва эркин (она тилида, қисман иккинчи тилда, чет тил олий ўқув юртида); 3) мактаб мавзулари ҳаётий ва олий ўқув юртида соҳавий; 4) мавзу қисман чегараланган ва соҳавий (техникум, ҳунар-техника билим юртида); 5) мавзу тор соҳавий бўлади (аспирантурада).

2. Нутқ малакаларини ҳосил қилиш: 1) чет тилда — гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзув ва қўшимча турлар (чет тил мутахассислигини беради); асосий ва қўшимча турлар ўқув мақсадида (чет тилда қатор предметлар ўқитиладиган махсус мактабда); гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ўқув мақсадида (умумий таълим, мактабида, ҳунар-техника билим юртида, ўрта махсус таълим ўқув юртида); ўқиш, тинглаб тушуниш, гапириш (олий ўқув юртларида); ўқиш (аспирантурада); ўта чегараланган гапириш ва тинглаб тушуниш (болалар боғча-

сида); 2) иккинчи тилда — тўрттала нутқ фаолияти тури (барча ўқув юртларида); гапириш ва тинглаб тушуниш (болалар боғчаларида, айрим оилаларда); тўртта асосий ва олтига қўшимча нутқ фаолияти турлари (мутахассислик беради); 3) она тилида — асосий нутқ фаолияти турлари (барча ўқув юртларида).

3. Тил материални ўргатиш (нутқ малакаларини ўстириш мақсадида): 1) чет тилда — лексика, грамматика, талаффуз кўникмалари (барча ўқув юртларида); кўникма ва билим (назария) берилади (мутахассислик сифатида); 2) иккинчи тилда — кўникма ва билим берилади (барча ўқув юртларида); фақат кўникма шакллантирилади, ҳеч қандай назария берилмайди (болалар боғчаларида, айрим оилаларда); кўникма ва чуқур назарий билим ўргатилади (мутахассислик берадиган ўқув юртларида); 3) она тилида — билим ва кўникма берилади (мактабда); кўникма берилади (оилада, боғчада); кўникма ва содда билим (олий ўқув юртларида); кўникма ва назарий билим берилади (мутахассислик тарзида).

Ўқитиш методларида эса умумийликдан кўра фарқ қиладиган сифатлар кўпроқдир. Мас., она тили ўзга тил билан қиёсланмай ўргатилади, иккинчи тилда эса аксинча — она тилига таяниб иш бошланади. Чет тилдан машқ тузишда она тили ва иккинчи тил хусусиятлари ҳисобга олинади, бироқ дарсда уларни қиёслаш мақсадга мувофиқ эмас. Назарий билимларни қўллаш хусусида жуда катта тафовутлар кузатилади. Қиёсий методикаларда улар тўғрисида батафсил маълумотлар тўпланади.

Тил таълими юзасидан жамлама тасниф яратиш илк қадам бўлганлиги ва фанда деярли тадқиқ этилмаганлиги туфайли ушбу умумлашма ўта мукамаллик касб эта олмаслиги табиий ҳолдир. Мазкур долзарб илмий муаммони ҳал қилиш йўлида кўп сонли мақола, қўлланма, дарслик ва монографиялар юзага келиши муқаррар.

Ўқув-методик топшириқлар

1. «Тиллар таълимшунослиги» фани (соҳаси) ҳақида ўрганган мулоҳаза-фикрларингизни баён этинг.

2. Она тили, иккинчи тил, чет тил ўқитиш методикаларини тиллар таълимшунослиги нуқтаи назаридан таҳлил қилинг.

3. Тил таълими жамлама таснифининг моҳиятини тушунтириб беринг.

4. Турли ўқув юртларида тилларни ўқитишга бўлган ўз муносабатингизни билдириг.

SUMMARY

The textbook has been written for senior students of language institutes/universities, foreign-language (FL) teachers and for all who are interested in effective FL teaching.

Present situation in one of the Newly Independent States — Republic of Uzbekistan requires new responses from teachers because of contemporary diplomatic and political relations, economic and cultural ties of the state.

Under existing conditions the younger generation of FL teachers need modern methodological ideas to enrich their experience. It is intended that this book will be used in achieving the mentioned object.

We hope that in the materials the courteous reader will be able to know the complete course of methods of FL teaching. Students' studies in the methodology should give them an understanding useful information on specific problems of teaching/learning FL in Uzbek groups/classes.

The author made an attempt within his powers to take advantage of methodological achievements on the world scale.

The matter embraces a wide range of questions of the teaching programme, i.e. there are *twenty chapters* joined in *three parts* namely: (1) **theoretical foundations of FL teaching**, (2) **teaching language (speech) activity and** (3) **organization of teaching procedure**. Besides, one can find the *Introduction* and *Terminological Dictionary*:


The Introduction includes such vital problems as: requirements of the programme (syllabus); speech activity (auding, speaking, reading, writing); techniques of reading, writing, pronouncing; language (linguistic) rules; the system of exercises.

To master FL speech activity is an audious task and complicated process, especially in an artificial environment. Under limited conditions to teach a FL is a difficult duty for teachers and therefore calls for special knowledge. At Uzbek schools the final practical aim is to read FL texts, at the linguistic university all speech activities are taught, etc.

The system of teaching exercises is usually being worked out under the following appellation: language and speech exer-

cises (*linguistic approach* — prof. I. V. Rakhmanov and his followers), motivation, operation and information exercises (*psycholinguistic approach* — prof. W. A. Buchbinder, 1975) and forming, developing and perfecting (habits and skills) exercises (*didactic approach* — prof. J. J. Jalolov, 1972):


Table 1



To learn a FL means to fulfil exercises and, finally, in order to store and enrich one's language experience.

Uzbek pupils'/students' **language experience** (its synonyms in certain sense are language proficiency and language competence) consists of the mother tongue, second language and FL parts. They together include linguistic (*knowledge*), language (*habits*) and speech (*skills*) components.


Table 2



The first (theoretical) part of the book includes the following topics: Methods of teaching is a pedagogical science; Psychological, didactic and linguistic bases of the methods of FL teaching; Aims of FL teaching; Content of FL teaching; Methods and principles of FL teaching; Means of FL teaching; History of the Methods of FL teaching.

The second part of the book contains language habits (vocabulary, grammar, pronunciation), speech skills (auding, speaking, reading, writing) and control of habits and skills chapters.

Table 3




Teaching FL material depends on pupils'/students' native (also second) language experience. It should be selected, distributed, **classified and introduced on the basis** of special scientific principles. On the other hand, the content of teaching language material differs from school to school, i.e. it depends on the language experience and specific grading phases.

The third (organizational) part of the book consists of five chapters: Lesson and Planning; Stages of Teaching FL; Optional Course; Extra-Curricular Work; Teaching FL in Different Educational Institutions.

At the present time in the Republic pupils/students study on a mass scale European (English, French, German, Spanish, Russian) and Oriental (Arabic, Chinese, Hindi, Persian, Turkish, Urdu) languages as FL. The Uzbek language is being studied as a second language and a FL by non-Uzbeks.

Illustrative examples in the book were given from the above mentioned target languages.



АДАБИЕТЛАР

Андреевская-Левенстерн Л. С. Методика преподавания французского языка в средней школе: Учебное пособие. — М.: Просвещение, 1973.—222 с.

Бим И. Л. Методика обучения иностранным языкам как наука и теория школьного учебника. — М.: Русский язык, 1977.—288 с.

Демьяненко М. Я., Лазаренко К. А., Кислая С. В. Основы общей методики обучения иностранным языкам: Теоретический курс/Под ред. Демьяненко М. Я. — Киев: Вища школа, 1976. — 282 с.

Джалалов Дж. Дж. Проблемы содержания обучения иностранному языку. Т.: Фан, 1987.—110 с.

Зарипова Р. А. Чет тиллар ўқитиш методикасида қўлланма. —Т.: Ўқитувчи, 1986, — 184 б.

Зимняя И. А. Психология обучения иностранным языкам в школе. — М.: Просвещение 1991, — 222 с.

Иностранные языки в школе: Методик журнал.

Курс обучения иностранным языкам в средней школе/Под ред. Цетлин В. С.—М.: Педагогика, 1970.—232 с.

Ляховицкий М. В. Методика преподавания иностранных языков: Учебное пособие.—М.: Высшая школа, 1981.—159 с.

Методика обучения иностранным языкам в средней школе: Учебник/Гез Н. И., Ляховицкий М. В., Миролюбов А. А., Фоломкина С. К., Шатилов С. Ф.—М.: Высшая школа, 1982.—373 с.

Методика преподавания немецкого языка в педагогическом вузе: Из опыта работы/Домашнев А. И., Вазбуцкая К. Г., Зыкова Н. Н., Шатилов С. Ф. и др.—М.: Просвещение, 1983.—224 с.

Обучение иностранному языку как специальности: Учебное пособие/Бордулина М. К., Карлин А. Л., Лурье А. С., Минина Н. М.—2-е изд., испр.—М.: Высшая школа, 1982.—255 с.

Общая методика обучения иностранным языкам в средней школе/Под ред. Миролюбова А. А., Рахманова И. В., Цетлин В. С.—М.: Просвещение, 1967. — 50 с.

Общая методика преподавания иностранных языков в средних специальных учебных заведениях: Учебное пособие/Под ред. Миролюбова А. А. и Парахиной А. В.—М.: Высшая школа, 1978.—264 с.

Основные направления в методике преподавания иностранных языков в XIX—XX вв./Под ред. Рахманова И. В. (Авт. И. В. Рахманов, Н. И. Гез, И. А. Зимняя, С. К. Фоломкина, А. Я. Шайкевич).—М.: Педагогика, 1972.—320 с.

Пассов Е. И. Основы коммуникативной методики обучения иноязычному общению.—М.: Русский язык, 1989.—276 с.

Пассов Е. И. Основы методики обучения иностранным языкам.—М.: Русский язык, 1977.—216 с.

Первые шаги в профессию учителя иностранного языка: Пособие для студентов/Саломатов К. И., Волкова Т. А. Добронравова Т. Н. и др.—Л.: Просвещение, 1979.—175 с.

Практикум по методике преподавания иностранных языков: Учебное пособие/Саломатов К. И., Шатилов С. Ф., Андреева И. П. и др.—М.: Просвещение, 1985.—224 с.

Рогова Г. В. Методика обучения английскому языку (на англ. яз.): Учебное пособие.—Л.: Просвещение, 1975.—312 с.

Рогова Г. В., Верещагина И. Н. Методика обучения английскому языку

на начальном этапе в средней школе: Пособие для учителя.—М.: Просвещение, 1988.—224 с.

Рогова Г. В., Рабинович Ф. М., Сахарова Т. Е. Методика обучения иностранным языкам в средней школе.—М.: Просвещение, 1991,—287 с.

Теоретические основы методики обучения иностранным языкам в средней школе/Под ред. Климентенко А. Д., Миролюбова А. А.—М.: Педагогика, 1981—456 с.

Чет тиллар бўйича ўрта мактаб программалари (1968 йилдан ҳозиргача қўлланиладиганлар).

Шатилов С. Ф. Методика обучения немецкому языку в средней школе: Учебное пособие.—Л.: Просвещение, 1977.—295 с.

Ўрта мактабда чет тиллар ўқитишнинг умумий методикаси/Миролюбов А. А., Рахманов И. В., Цетлин В. С. таҳрири остида (русча 1967 йил нашридан таржима. Таржимонлар: Аълов И., Алиев Ф.).—Т.: Ўқитувчи, 1974.—510 б.

Ўрта мактабда чет тил ўқитиш курси/Проф. Цетлин В. С. таҳрири остида (русча 1971 йил нашридан таржима. Таржимонлар: Соатов С., Алиев Ф.).—Т.: Ўқитувчи, 1978.—223 б.

Ўрта мактабда чет тиллар ўқитиш методикаси курси бўйича педагогика институтлари программаси/Масъул муҳаррир Жалолов Ж. Ж.—Т.: ЎзССР Маориф министрлиги, 1977.—29 б.

Ўрта мактаб чет тиллар (инглиз, испан, немис, француз тиллари) дарсликлари (1970 йилдан ҳозиргача нашр қилинганлари).

Языкова Н. В. Сборник задач и заданий по методике преподавания иностранных языков: Пособие для студентов.—Л.: Просвещение, 1977.—265 с.

АТАМАЛАР ИЗОҲЛИ АССОЦИАТИВ ЛУҒАТИ

Кириш

Чет тил таълимида истифода қилинадиган соҳавий атамаларнинг ўзбекча изоҳли ва ассоциатив луғати ўта муҳим қўлланма саналади. Мазкур микролуғат бу борада илк қадамдир. Мавжуд методик луғатлар русча-чет тилча атамалар таржимасидан иборат (Г. В. Рогова. Методика обучения английскому языку.—Л.: Просвещение, 1975, 289—305-бетлар: Russian—English List of Words and Expressions Used in Foreign Language Teaching, Л. С. Андреевская-Левенстерн. Методика преподавания французского языка в средней школе.—М.: Просвещение, 1983, 212—219-бетлар: Словарь наиболее употребительных терминов методики (на русском и французском языках); Н. И. Гез, ..., С. Сайдалиев и др. Русско немецко-узбекский словарь методических терминов (Методик терминларнинг русча-немисча-ўзбекча луғати).—Т.: Уқитувчи, 1989).

Методик тушунчалар мажмуини билиш фаннинг ушбу тармоғида чоп этилган илмий адабиётни мутахассислар томонидан бир хилда тушуниш имконини яратади. Турли муаллифлар асарларидаги илмий матнларнинг мазмунан уйғунлашувини ҳам таъминлайди. Изоҳ атаманинг талқинини тартибга солади. Муайян атамани идрок этганда (ўқиганда ёки тинглаганда) онда қўзғаладиган унга боғлиқ тушунчалар тизими ассоциатив луғат тарзида бериллади.

Ушбу микролуғат тузилишида ўзига хос лексикографик тартиб шаклланди:// ёлғиз сўз луғат бирлиги қилиб олинди; (2) тушунилиши қийин атамаларга талабабоп таъриф илова қилинади. (3) фикран боғланишли (ассоциатив) луғат birlikлари (маънодош, тескари маъноли сўзлар, эркин бирикмалар) тўпланди.

Лексикографик белгиларнинг тавсифи қуйидагилардан иборат: атаманинг этимологияси ўрта қавсда келтирилди (туркий ўзақлар бундан мустасно); икки нуқта ушбу луғат мақоласида фақат бирикма атама мавқени олишига ишора; якка ўз мақомидаги барча атамалар ажратиб кўрсатилди. Оврупавий икки ва кўп бўғинли атамаларда урғу белгиси қўйилди, маънодош (синоним) атамалар орасига кичкина чизиқча қўйилди; тескари маъноли (антоним) атамалар ўртасида «ва» боғловчиси ёзилди; атама билан фикран боғланадиган сўзлар ҳосил қиладиган бирикмалар бир-бирдан тўғри чизиқ билан ажратилди; мақола ҳуқуқидаги атама ўрнида ~ (тильда) қўйилди.

Луғат сўзлиги¹

абстракт, абстракция, автоматизация, автоматизм, автоматлашув, автор, адабий, адаптация, ажнабий, академик, акт, актив, активизация, активлаштириш, актуализация, акустик, алгоритм, алгоритмизация, алгоритмлаш, алмаштириладиган, алоқа, альтернатив, амал, амалда, амалиёт, амалий, анализ, анализатор, аналитик, аналогия, АНД, андаза, анкета, аннотация, антиципация, антоним, аъъанавий, апперцепция, аппликация, аппроксимация, аралаш, артикуляция, артикуляция, асил, асл, аслият, асосий аспирант, ас-

¹ Луғат сўзлиги ва тафсилотлар ҳақидаги маълумотларга маъсулиятни муаллиф ўз зиммасига олди (Муҳаррир).

социатив, ассоциация, атмосфера, аудио, аудиоахборот, аудиовизуал, аудиолингвал, аудиоматериал, аудиомати, аудиомашқ, аудиотекст, аудиохабар, аудирование, аудитив, аудитор, аудитория, аутентик, аффиксация, ахборот, ашёвий, ақлий.

бадиҳа, бажариш, база, балл, баргараф, баҳо, баҳолаш, БДК, билдириш, билет, билим, билингв, билиш, бирлашма, бирлик, босқич, босқичма-босқич, бошқариш; боғланиш, боғланишли, боғланма.

вазифа, вазият, варақа, вербаль, вербализация, видео, визуал, визуализация, викторина, вокабуляр, восита.

гапириш, гипнопедия, гносеология, грамматик, грамматика, графема, график, графика, группа, группавий, гуруҳ, гуруҳий, гуруҳлаш, гуруҳнутқ, ГУМ.

давомат, дарс, дарслик, дарсхона, дастур, дастурий, дастуриламал, деавтоматизация, дедуктив, дедукция, дезаффиксация, демонстрация, депрефиксация, десемантизация, десуффиксация, дефиниция, диалог, диалогизация, диалогик, диапозитив, диапроектор, диафильм, дидактик, дидактика, диктант, диктовка, диктор, динамик, диплом, дискурсив, дискурсивлик, дистрибуция, дифференциация, диққат, доимий, дрилл.

ёдлаш, ёзиш, ёзма, ёзув, ёрдамчи.

жавоб, жадал, жадаллаштириш, жадвал, жараён, жонли, жуфтнутқ, зарядка, зачёт, зуллисонайн.

идрок, иерархия, ижобий, ижодий, ижро, изчиллик, илгарилаш, илмий, имитатив, имитация, имло, имманент, импровизация, имтиҳон, индивидуал, индивидуализация, индуктив, инициатив, инсценировка, интеграция, интеллектуал, интенсив, интенсификация, интерактив, интервью, интериоризация, интернационал, интернационализм, интерференцион, интерференция, интонация, интроверт, интуитив, интуиция, информатив, информация, информация, ихтисос, иш, иқтидор.

йўловчи, йўналганлик, йўналиш.

кабинет, календар, каллиграфия, карточка, касбий, квалитатив, квантитатив, кетма-кетлик кибернетика кинестетик, кинодарс, кинокадр, кинолавҳа, киномашқ, кинопарча, кинофильм, киноэкрэн, кириш, китоб, классификация, клише, код, коммуникант, коммуникатив, коммуникация, компаратив, компетенция, комплекс, комплект, компонент, компрессия, компьютер, конкурс, консепт, консультация, контакт, контекст, контекстуал, контрастив, контроль, концентр, концентрик, концепция, корректив, корреляция, критерий, кузатиш, кузатув, кумулятив, курс, курсор, кўникма, кўргазмалилик, кўрик, кўрсатма, кўрсатув, кўрув.

лаборатория, латент, лексик, лексика, лекция, лингафон, лингвистика, лингводидактик, лингводидактика, лингвометодика, лингвопсихология, лингвофизиология, лисоний, локализация, луғат, ЛУМ.

мавзу, мавзудош, мавҳумот, мажбурий, мазмун, макроматн, макротекст, мактаб, малака, материал, матн, машқ, машғулот, маънавий, маъно, маъновий, маънодош, мақсад, мезон, метатил, метод, методика, методика, методист, методология, механизм, механик, микроматн, микросуҳбат, макротекст, минимизация, минимум, модел, мойиллик, монолог, мослаштириш, мотив, мотивацион, мотивация, мотор, муаллим, муаллиф, муаммо, мувозий, мулоқот, муомала, мустақил мустаҳкамлаш, мутолаа, мушоҳадали, муқобил, муқояса, муҳит, муҳрланиш, муътадил.

нагрузка, назарий, назария, намойиш, намуна, намунавий, нейтрал, нейтрализация, никтопедия, новокабуляр, нормал, нутқ, нутқий, нутқҳаракат.

образ, овозли, овозсиз, олимпиада, омограф, омоним, омофон, онг, онгли, онглик, оператив, операция, операция, оппозицион, оптимизация, оралик, оригинал, ориентир, орфография, осон, оғзаки.

папка, парадигма, пассив, пауза, педагогик, педагогика, перцептив, перцепция, план, планлаштириш, позиция, полигlossия, полилот, полилог, полисемия, потенциал, практика, предмет, презентация, префиксация, принцип, прогноз, программа, программавий, программалаштирилган, продуктив, профессионал, психик, психоллингвистика, психологик, психология.

раван, рапорт, рағбат, реактив, реакция, реал, режа, режалаштириш, рез-

юме, репетитор, реплика, репродуктив, репродукция, репродуцент, ретроспектив, реферат, рефлексив, рецепция, реципиент, ривожлантируш, ривожлантирувчи, роль, руҳшунос, руҳшунослик.

сабоқ, савия, савол, салбий, самарадорлик, сарфлаш, сезги, семантизация, семантик, семантика, семинар, серия, симультаи, синов, синоним, синтагма, синтез, синтетик, синф, система, системалаштириш, системалилик, систематик, ситуатив, ситуация, слайд, СНД, соф, соҳавий, спонтан, стадия, статор, стандарт, стереотип, стимул, стохастик, стратегия, структура, студент, суггестив, суггестопедия, суръат, суффикс, суффиксация, суҳбат, суҳбатдош, сўз, сўзлаш, сўзлашув, сўзловчи, сўраш, сўроқ.

табақалаш, тадрижийлик, тадрис, тадқиқот, тажриба, тайёр, тайёргарлик, тайёрланган, тайёрланмаган, тайёрлаш, такомиллаштирувчи, такрорлаш, тактика, талаб, талаба, талаффуз, тамғаланиш, танишув, танлаш, тарбия, тарбиявий, тарбиялаш, таржима, таржимали, таржимасиз, тарихий, тарқатма, тасаввур, тасниф, тафаккур, ташкил, ташкилий, ташкилот, таълим, таълимий, таълимшунослик, таъриф, таъсир, таяниш, таянч, тақдимот, тақлид, тақлидан, тақлидий, тақрибий, тақсимот, таққослаш, таҳлил, таҳлилий, таҳсил, театрлаштирилган, тезлик, текст, текстуал, текшириш, текширув, телевизион, теледидактика, тема, тематик, тескари, тест, техника, техникавий, технология, тил, тилшунос, тилшунослик, тимсол, тинглаш, тингловчи, типовой, типология, товуш, тошшириқ, топқирлик, традицион, транскрипция, транспозиция, тренировка, трилингв, тузиш, тушуниш, тушунтириш, тушунча, ТУМ, тўхташ.

уй, умумлашма, умумлаштириш, умумтаълимий, ундовчи, услубиёт, услубий, услубчи, усул.

Факультатив, фаол, фаолият, фаоллик, фаҳмлаш, фикр, фикран, фикрлаш, фикрсиз, филологик, фильм, фланелеграф, фонема, фонетик, фонетика, фоно, фонограмма, фонограф, фономатериал, форма, формал, фронтал, функционал, функция.

хато, хонаки, хорижзабон, хорижий, хотира, хронометраж.
чет (чет тил).

шайлик, шакл, шаклдош, шаклий, шакллантирувчи, шароит.

эгаллаш, эксперимент, экспериментал, экспериментатор, экспозиция, экспром(п)т, экстенсив, экстериоризация, экстрове́рт, эмоция, энциклоляр, эталон, этап, эшитиш, эшитув, ʼэтимод:

якзабон, якканутқ, якуний, ясалиш.

Ўзлаштириш, УНВ, ўрганиш, ўрганув, ўргатиш, ўқилиш, ўқитиш, ўқитувчи, ўқиш, ўқув, ўқувчи.

қайтариш, қиёсий, қиёслаш, қизикчиш, қийин, қийинчилик, қобилият, қонда, қолни, қурол, қўлланиш, қўлланима, қўлҳаракат:

ғайришуурий.

ҳаракат, ҳарф, ҳарфий, ҳиссиёт, ҳодиса, ҳуснихат.

ЛУҒАТ

- абстракт** [лот. абстракция] — мавҳум; ~ тафаккур; ~ тушунча
- абстракция** [лот. abstractio узоқлашиш, мавҳумлашиш] — мавҳумот-қоида; грамматик ~ грамматик қоида
- автоматизация** [юнон. automatos ўз-ўзидан ҳаракатга келадиган] — автоматлашув (-тил бирлигининг нутқда эркин қўлланилиши); талаффузда ~ (-талаффуз кўникмасининг шаклланиши)
- автоматизм** [юнон. автоматизация] — шаклланган кўникма (-онгинг бевосита иштирокисиз бажариладиган ҳаракат (-амал)лар тизими) нутқий/грамматик ~
- автоматлашув** [юнон. автоматизация + ўзб.] — автоматизация қ.
- автор** [лот. au(s)tor яратувчи] — муаллиф қ., тузувчи, яратувчи
- адабий** [ар.] : ~ талаффуз/тил/асар
- адаптация** [лот. adaptatio мослаш, қулайлаштириш] — мослаштириш; ~ қилинган (-мослаштирилган) текст; методик ~ (-ўқув предметини муайян шароитга мослаб ўргатиш)
- ажнабий** [ар.] — хорижий қ. чет қ; ~ (-хорижий, чет) тил
- академик** [юнон. Akademieia (мифик қаҳрамон Академ исмидан)]; ~ соат (45 дақиқага тенг ўқув-дарс соати); ~ ёки астрономик (60 дақиқалик) соат; ~ группа (-гуруҳ)
- акт** [лот. acts хатти-ҳаракат]: коммуникатив ~ (-оғзаки ёки ёзма нутқ жараёни; коммуникация қ жараёни)
- актив** [лот. activus фаол, ишчан]: ~ луғат/лексика/грамматика/минимум /тил материали; ~ ва пассив (тил материалига тааллуқли)
- активизация** [лот. актив] — активлаштириш қ (-жонлантириш, ҳаракатга келтириш)
- активлаштириш** [лот. + ўзб.] — кучайтириш, фаоллаштириш-активизация; фаолиятни/диққат (-эътибор)ни ~
- актуализация** [лот. актив] — ишга солиш, амалда қўллаш (-ўзлаштирилган тил материални нутқ амалиётига татбиқ қилиш)
- акустик** [юнон. akustikós эшитишга оид]: ~ (-тинглашдаги) қийинчилик; талаффузда ~, позицион, оппозицион, артикуляцион қийинчиликлар; нутқнинг ~ томони; ~ апперепция қ (-эшитув идроки)
- алгоритм** [буюк математик, астроном Ал-Хоразмий (780 йил Хивада туғилган, 850 йил Бағдодда вафот этган) номи лотинча транскрипцияда Algorithmi, Algorismus ёзилди]; тил материалнинг ~ и-ўзлаштириш қадами, нутқ операцияларини изчил бажаришга оид аниқ кўрсатма); ~ бу қоида, ҳар қандай қоида ~ эмас, чунки қоида умумий ва ҳусусий (аниқ) кўрсатма шаклида бўлади; грамматик кўникмалар ~ лари; ~ икки таркибли бўлиб, таниб олиш (*рус.* распознающая часть) ҳамда топиб олиш (*рус.* разрешающая часть) қисмларидан иборат.
- алгоритмизация** [лот. алгоритм] — алгоритмлаш қ.
- алгоритмлаш** [лот. алгоритм] — алгоритмизация (-қисмларга бўлиш); ўқув материални/ўқув жараёнини ~
- алмаштирилдиган**: таркиби ~ жадвал (*Х. Палмер атамасида* Substitution Table, *рус.* подстановочная таблица)
- алоқа** [ар.] — муомала қ, муносабат, хабарлашиш, боғланиш, коммуникация қ; нутқий ~ (-нутқ муомаласи, нутқий коммуникация); нутқий ~ қилмоқ (-коммуникацияга кирмоқ); тил ~ воситасидир

- алтернатив** [лот. alter иккитадан биттаси, фр. alternatif]: ~ савол (-танлов сўроғи); ~ тест (назорат шакли)
- амал** [ар.]: ақлий ~; лексик/грамматик/нутқий ~ (-ҳаракат); ақлий ~ ларни босқичма-босқич шакллантириш (қ назария); ~ ларни бажариш; ~ лар автоматлашуви
- амалда** [ар.+ўзб.]: ~ ишлатиш, қўллаш (рус. воспроизведение—эсга тушириш—нутқ амалиётига киритиш, қ актуализация); оғзаки/ёзма/тингланган/ўрганилган материални ~ қўллаш
- амалиёт** [ар.]: нутқий ~; ~ га киритиш (-актуализация); педагогик ~ (-педагогик практика); ~ (-практика) билан назария бирлиги
- амалий** [ар.]: ~ қўлланиш (қ актуализация); тилни ~ эгаллаш; ~ ёндашиш/йўналиш; ~ машқ/қоида/грамматика/мақсад; ~, таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи мақсадлар; ~ ҳамда назарий (билимга оид)
- анализ** [юнон. analysis ажратиш, парчалаш] — таҳлил қ, сўз/фонетик/матн/хатолар/дарс ~ и (-таҳлили); ҳарф-товуш ~ и, ~ товуш-ҳарф ~ и; ва синтез (тафаккурга оид); ~ ва имитация ~ ва синтез методи (талаффузга оид); (илмий-тадқиқот методларидан); ~ (-хотирадаги сўзлардан танлов) ва синтез (-сўзларни нутқ оқимига киритиш)
- анализатор** [юнон. анализ]: эшитиш/қўрув/қўлҳаракат/нутқҳаракат ~ и; сезги билан ~ (И. П. Павлов таълимоти)
- аналитик** [юнон. анализ] — таҳлилий (тафсилотларни пайқашга оид) ~ операция; ~ (-экстенсив, дискурсив, таҳлилий) ўқиш; ~ ва синтетик ўқиш
- аналогия** [юнон. analogia мослик, ўхшашлик] — мослик, монандлик, ўхшашлик, муносиблик; қоида билан аналогия (тил бирлигига оид)
- АНД** — аралаш нутқ дарси (қ дарс)
- андаза** [ф—т] — қолип, мезон, намуна
- анкета** [фр. enquête саволлар рўйхати] — сўроқ варақаси; ~ ўтказиш (илмий-тадқиқот методларидан); ~ ёрдамида сўров ўтказиш
- аннотация** [лот. annotatio мулоҳаза] — (асар ҳақида қисқача маълумот); ~ тузмоқ (-ўқилган текст мазмунини қисқа баён қилмоқ)
- антиципация** [лот. anticipatio олдиндан сезиш] — ҳаракат натижасини, предмети, ҳодисани олдиндан сезиш (-билиш, пайқаш) қобилияти (мас. чет тил нутқида қўлланадиган тил ҳодисасини ёки матн мазмунини олдиндан билиб олиш); маъно/мазмун/шакл ~ си
- антоним** [юнон. anti(i) қарши бўлма ном, исм] — тескари маъноли тил ҳодисаси (мас. ~ сўзлар); ~, омоним синоним
- анъанавий** [ар.] — традицион қ; ~ таълим/метод/усул/дарс; ~ ва замонавий (чет тил ўқитиш методларига оид)
- апперцепция** [лот. ad қадар, ... гача perceptio идрок] идрокнинг аввалги тажрибага, психик фаолиятга, индивидуал хусусиятга боғлиқлиги (идрок қилинаётган объект (-нарсга ёки ҳодиса) одам тажрибасига қараб фахмланади); акустик (-эшитув) ~ си
- апликация** [лот. applicatio устига қўйиш] — расм ёпиштириш (чет тил ўқитишда қўлланадиган методик йўллардан), магнит тахтаси ёки фланелеграф (қ)га ёпиштириладиган материал
- аппроксимация** [лот. approxim яқинлашяпман]; талаффузда ~ (-чет тил талаффузида тахминий яқинлашиш); ~ лашган (-тақрибий) талаффуз (А. Палмер тушунчаси)
- аралаш**: ~ метод/дарс/машқ; ~ (-омихта) метод (чет тил ўргатиш методларидан); ~ нутқ дарси ҳамда соф нутқ дарси (чет тил дарсининг икки тури)
- артикуляция** [лот. артикуляция]: ~ акт (-айтиш/талаффуз амали); ~ база (-талаффуз одати, нутқ органларининг ишлаш тартиби); ~ қийинчилик; талаффузда ~, акустик, оппозицион, позиция қийинчиликлар
- артикуляция** [лот. articulatio < articulare аниқ талаффуз қилмоқ] — товушларни айтишда нутқий органлар (аъзолар) иши; унли ва ундош товуш

- ~ си; ~ ўрни/усули; тўғри ва нотўғри ~
- асил** [ар.] — соф қ
- асл** [ар.]: ~ ига тўғри (-аутентик қ); ~ нусха (-оригинал қ)
- аслият** [ар.] — муаллиф яратган нусха, асли, оригинал; ~ ёки адаптация қилинган (-мослаштирилган) матн; ~ да ўқиш
- асосий** [ар.]: ~ вазифа/қисм; ~ маъно/курс; дарснинг ~ қисми; ~ ва қўчма маъно; ~ ва корректив курс
- аспирант** [лот. aspirans (aspirantis) қўлга киритишга интилувчи] — илмий иш тайёрловчи, олий ўқув юртини тугатиб тадқиқот билан шуғулланувчи
- ассоциатив** [лот. ассоциация]: ~ луғат; ~ нутқ (-фиксиз, стохастик нутқ)
- ассоциация** [лот. associatio боғлаш, бирлаштириш] — фикран боғланиш (-нутқ-да идрок этилганини тушунча билан боғлаш); муқобил ~ (тил бирликларини ўзлаштиришда уларнинг ўзаро бир-бирига қарши туриши, гов бўлиши, чалкашлик келтириб чиқариши); ўхшашлик/яқинлик/тафовут ~ си; кўрув/эшитув ~ си; мустақкам ~ ҳосил қилиш; ўхшашлик ва ўхшасмаслик (-тафовут) ~ си
- атмосфера** [юнон. atμός ҳаво + sphaira шар] — муҳит қ
- аудио...** [лот. audio эшитаман, тинглайман]: тинглаш/эшитиш билан боғлиқ атамалар таркибига киради (60-йиллар чет тил ўқитиш методикасида истеъмолга кириб келган)
- аудиоахборот** [лот. + ар.] — тинглаб тушуниш туфайли ўзлаштириладиган маълумот, аудиоматндан олинган ахборот
- аудиовизуал** [лот. аудио + видео] — эшитиш ҳамда кўришга оид; ~ восита (-таълимда эшитиш ва кўришга мўлжалланган жиҳозлар); ~ метод (чет тил ўқитиш методларидан); ~ / аудиосингвал қ метод
- аудиолингвал** [лот. аудио + lingua тил]; ~ метод (чет тил ўқитиш методларидан) ~ / аудиосингвал қ метод
- аудиоматериал** [лот. аудио + лот. материал] — тинглаб тушунишга мўлжалланган чет тил ўқув материали
- аудиоматн** [лот. аудио + ар. матн] — аудиотекст қ
- аудиомашқ** [лот. аудио + ар. машқ] — тинглаш машқи
- аудиотекст** [лот. аудио + текст] — аудиоматн (-тинглаб тушунишга мўлжалланган матн); ~ материали/ҳажми/мазмун /сюжети/лексикаси; ~ ни тинглаш/тайёрлаш/танлаш/тушуниш/эшиттириш
- аудиохабар** [лот. аудио + ар. хабар] — тинглаганда билиб олинган янгилик (-маълумот)
- аудиорование** [лот + рус.] — тинглаб тушуниш (нутқ фаолияти турларидан); ~ (-тинглаб тушуниш), гапириш, ўқиш, ёзув
- аудитив** [лот. аудио] — тинглашга мўлжалланган; ~ (-эшитиладиган) техник восита; ~ машқ/намун; ~ программа (-дастур)
- аудитор** [лот. аудио] — тингловчи (-нутқни тингловчи шахс), сомёз (-эшитувчи, тингловчи)
- аудиторня** [лот. auditorium тинглаш жойи] — дарсхона (-лекция ўтказиладиган жой); дарс/лекция тингловчилар гуруҳи; ўзбек ~ си (-ўзбекча ўқийдиганлар); ~ машғулоти/иши/машқи; ~ ва ~ дан ташқари машғулот/ўқиш /иш
- аутентик** [юнон. authentikós аслият] — аслига тўғри, ҳақиқий ҳолатга мос, ~ талаффуз (-талаффуз нормаси (-меъёри)га мос); ~ текст (-асл нусхага тўғри келадиган матн)
- аффиксация** [лот. affixus бириктирилган] — суффикс, префикс (-олд қўшимча), инфикс мажмуи; ~ ва дезаффиксация қ
- ахборот** [ар.] — информация, маълумот, хабар; ~ олиш/бериш/тўплаш/йиғиш ўтказиш/элгиш; ~ оқими/манбаи; илмий-техникавий/дисоний/методик/соҳавий ~; янги/фойдали/зарур ~; ўқиб/тинглаб ~ олиш; чет тил матни ~ манбаидир
- ашёвий** [ар.] — нарса (-предмет)га оид; ~ кўргазмалилик қ
- ақлий** [ар.] — интеллектуал қ; ~ амал/операция/меҳнат/фаолият; ~ камолот
- бадиҳа** [ар.] — экспром(п)т қ (-олдндан тайёрланмаган), импровизация қ
- бажариш:** вазифани/топшириқни/машқни/дастурни/курсатмани ~; уй ишини /ёзма ишни ~

- база** [юнон. *básis asoc*]: артикуляцион қ ~ (-талаффуз одати)
- балл** [фр. *balle шар, тўп*] — билим, кўникма, малакага қўйиладиган баҳони ифодаловчи рақам; беш ~ лик баҳолаш системаси; юқори/ўрта/паст ~
- баргараф** [ф—т+ар.]: ~ этиш (-нейтрализация қ)
- баҳо** [ф—т] — билим, кўникма, малакага қўйиладиган балл; ўзлаштириш даражасининг ўлчови (*рақам билан ифодаланади*); қониқарли, қониқарсиз, яхши, аъло, ёмон, юқори ~; ~ қўйиш/чиқариш/олиш; ~ мезони (-критерияси); синов/имтиҳон/контрол иш ~ си; ~ нормаси
- баҳолаш** [ф—т+ўзб.] — билим, кўникма, малака даражасини балл билан ўлчаш; дастлабки/доимий/якуний ~; фарқлаб (-дифференциация қилиб) ~; изоҳлаб ~; ўзлаштиришни/хулқни ~
- БДК** — Байналмилал (-интернационал) дўстлик клуби (-рус. КИД)
- билдириш** — рапорт; навбатчи ~ и (-рапорти • қ)
- билет** — имтиҳон саволлари ёзилган варақа; имтиҳон ~; ~ тузиш/олиш/тарқатиш/бериш; ~ саволи/мазмуни/мавзуси
- билим** — шахснинг билиш фаолияти маҳсули (-тасаввур ва тушунчалардан иборат онг мазмуни); чет тил нутқида лексика, грамматика, талаффуз, ўқилиш қондаси, имлони ўзлаштириш ва уларга оид содда мавҳумотни билиш; ~, кўникма, малака; ~ олиш/бериш; ~ ни ўзлаштириш/шакллантириш/баҳолаш/текшириш; ~ савияси/даражаси; саёз/буш/чуқур/пухта/мустаҳкам ~; ~ юрти (-ўқув юрти)
- билингв** [лот. *bi* икки+*lingua* тил] — икки тилни билувчи, икки тил эгаси, қўшзабон, зуллисонайн (-икки тилли); ~ (-икки тилли), монолингв (-бир тил билувчи), трилингв (-уч тилли), полиглот (-кўп тилли)
- билиш**: тил ~ (-эгаллаш, ўзлаштириш); ~ назарияси (-гносеология қ, эпистемология); ~ фаолияти, жараёни; ~ га қизиқиш/ҳаракат
- бирлашма**: муаллимлар методик ~ си; шаҳар/туман/мактаб методик ~ си; коммуникатив ~; маъно ~ ги; ўқитиш/ўргатиш/ўрганиш ~ ги; диалогик ~ методик ~ иши/режаси/мажлиси/ қарори
- бирлик**: лисоний (-тил)/нутқий ~; лексик/луғат/грамматик/талаффуз ~; коммуникатив ~; маъно ~ чи, ўқитиш/ўргатиш/ўрганиш ~ чи; диалогик ~ (-ундовчи ва жавоб реплика(жумла)лари йиғиндиси)
- боққич** — давр, этап, стадия, палла; дарс ~ лари (-бошланиши, асосий қисми, якуни); таълим ~ лари (-чет тил ўқитишнинг ибтидоий (-бошланғич, дастлабки), ўрта, юқори ~ лари); чет тилни ўзлаштириш ~ лари (-танишиш(-тақдимот), машқ қилиш, қўлланиш); чет тил ўқитиш методикаси тарихи ~ лари
- бошқариш**: фаолиятни/жараёни/ўзлаштиришни/гуруҳни/синфни ~; чет тил ўқитиш жараёнини ~; чет тил материални ўзлаштиришни ~
- боғланиш**: фикран ~ (-ассоциация қ)
- боғланишли**: ~ нутқ/матн (-текст)
- боғланма**: ~ нутқ (-боғланишли нутқ)
- вазифа** [ар.] — топшириқ, юмуш; уй ~ си; уйга ~ бериш; ~ сини бажариш/текшириш/ёзиб олиш; индивидуал (-якка тартибда) гуруҳий ~; осон/қийин ~
- вазият** [ар.] — ситуация; нутқий/сунъий/табiiий ~; сунъий (-тасаввурдаги, хаёлий) ~ яратиш; ўқув-нутқий ~ (-УНВ); вербал (-сўз билан ифодаланадиган), визуал (-кўргазмали) ~; нутқий ~ (рол)га кириши; нутқий ~, нутқий мавзу
- варақа** [ар.] — анкета қ
- вербал** [лот. *verbalis* сўз билан боғлиқ, оғзаки] — сўз билан ифодаланмиш; тафаккур ~ дир; ~ қонда (-сўз билан таърифланадиган мавҳумот); ~ /визуал таянч; ~ таянч/ситуация/хотира; ~ реакция/стимул; ~ визуал кўргазмалилик
- вербализация** [лот. *verbal*] — чет тил ўргатишнинг ~ принципи (-бегона тилни оғзаки нутқ орқали ўргатиш мезони); ~, корреляция принциплари (Г. Е. Ведель атамалари).
- видео** ... [лот. *video* кўряпман, томоша қияпман]: видеоёзув (-видеомагнитофонга ёзилган кўрсатув); видеомагнитофон (-тасвири ёзиб кўрсатишга мўлжалланган техник восита); видеотасма (-видеолента-видеомагнитофон тасмаси); видеотека (-видеотасмалар йиғиндиси, улар сақланадиган жой); видеофильм ((-видеомагнитофон ёрдамида ёзиб кўрсатиладиган асар)

визуал [лот. *visualis* кўришга оид]: ~ (-кўришга мўлжалланган) нарса/ҳодиса; ~ восита (-таълимнинг кўргазмали воситаси, ~ таянч (-кўриб туриб машқ қилишга кўмаклашувчи ўқув материали, мас. сўз, сўз бирикмаси, жумла, матн, расм кабилар); ~ қонда (-ўқиладиган лисоний мавҳумот тури); ~ ситуация (-нарса ёки унийг тасвири ёрдамида содир этиладиган нутқий вазият); ~ стимул қ; хотиранинг ~ тури/ ~ вербал кўргазмалилик /таянч

визуализация [лот. *визуал*] — кўрсатиш, намойиш этиш (-тил бирлиги ёки визуал воситалардан фойдаланиш жараёни)

викторина [лот. *victoria* ғалаба, ютуқ] — савол-жавоб мусобақаси, ўйини, томошаси; чет тилда ~ ўтказиш; ~ да қатнашиш/ютиш/ютқазиш; ~ ғолиби /натижаси

вокабуляр [лот.] — луғат, сўзлик; ўқувчи ~ и. (-луғат бойлиги); ~ луғат (-ўқувчи луғат бойлигини ташкил этадиган сўзлар мажмуи); ~ дан ташқари (-новокабуляр) луғат (-ўқувчи матндан идрок этиб тушунадиган, аммо унинг ~ ига кирмайдиган сўзлар); ~ ва новокабуляр луғат; ~ ва новокабуляр, реал ва потенциал луғат; дарслик ~ и китоб охирига илова қилинган луғат)

восита [ар.]: ўқув ~ си; техник ~; кўргазмали ~; таълимнинг моддий ~ си (-дарслик, муаллим китоби, техник ~ лар); таълим/техник/назорат /алоқа (-мулоқот) ~ си; ёзув мактаб чет тил таълимида ~ дир, яъни бошқа нутқ фаолияти турларини эгаллашда ёрдамчи вазифани ўтайди; нутқ фаолияти тури (мас. ўқиш) ~ ва мақсад

гапириш — сўзлаш, сўзлашиш, гаплашиш, тилдан оғзаки фойдаланиш, оғзаки фикр баён этиш (*жараён рус.* говорение), оғзаки фикр ифодалаш/айтиш, мулоҳаза билдириш/юритиш, оғзаки мулоқот (*натижа, оқибат, нутқ ҳосиласи*); ~ нутқ фаолияти тури; ~ нинг якканутқ (монолог), жуфтнутқ (-диалог), гуруҳнутқ (-поллюлог) шакллари; ~ механизми/ машқ/амали/жараёни; эркин (-спонтан) ~; ~, тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзув (-нутқ фаолияти турлари)

гипнопедия [юнон. *hypnos* уйқу + *paideia* ўргатиш] — уйқуда ўқитиш (-табiiй уйқу ҳолатида ўргатиш, мас. чет тилин)

гносеология [юнон. *gnosis* (*gnoseos*) билим + *logos* таълимот] — билиш назарияси (-эпистемология)

грамматик [юнон. грамматика] — грамматикага оид; ~ кўникма/қурилиш (-структура)/таҳлил/хато/қийинчилик/материал/ҳаракат (-амал)/операция/механизм/ҳодиса/бирлик/минимум/амалиёт/назария/қонда/жадвал/машқ; ~ тест; ~ механизм (-кўникма, тайёр материал ҳамда ~ материалга оид умумлашма қисмларидан ташкил топади); ~ кўникма алгоритми; ~ бирлик (-морфология/синтаксис бирликлари); ~, лексик, талаффуз материали (-тил материали); ~ -таржима методи; нутқнинг ~ жиҳатдан шаклланиши (*рус.* оформление)

грамматика [юнон. *grammatike* < *gramma* ҳарф, ёзув] — тилшуносликнинг бўлими; ~ ни ўзлаштириш/ўргатиш/ўрганиш/тушуниш; ~ нинг тақдимо-ти, тақсимо-ти, таснифи; нутқнинг ~ томони; назарий/амалий/қийёсий/педагогик ~; бирлиги/кўникмаси/машқ/қоидаси/тушунчаси; ~ ни ўргатиш мазмуни (-ГҲМ) (қ компрессия); ~ ни лексика тарзида ўрганиш; актив (-репродуктив) ва пассив (-рецептив) ~; пассив ~ -ўқиш/тинглаш ~ си (*П. Хэзболдт (1935) атамасида* *recognitionnal grammar* (-таниб олиш ~ си); *Х. Дункел (1948) атамасида* *visual grammar* (-кўриш, ўқиш ~ си; *М. Уэст (1952) атамасида* *grammar for recognition* (-таниб олишга мўлжалланган ~); потенциал ~ /лексика

графема [юнон. *grápho* ёзма] — ёзма нутқнинг энг кичик бирлиги (-ҳарф, ҳарф бирикмаси); ~, фонема, интонема

график [юнон. графика] — ёзма, ҳарфий (ёзувга оид); ~ материал/тимсол/матн (-ёзма текст)

графика [юнон. *gráphikē* < *grápho* ёзма] — ёзувнинг барча воситалари мажмуи; араб/лотин/рус ~ си

группа [нем. *Gruppe*] — гуруҳ, табақа, тонфа (-шахслар, мас. ўқувчилар, студентлар тўпи); студент (талаба)лар/ўқувчилар/муаллимлар ~ си; ~ билан машқ бажариш (- ~ вий машқ); луғатни ~ ларга ажратиш (-гуруҳ-

- лаш); ~ га бўлиниб ишлаш; инглиз/немис//француз/испан/араб/форс тили ўқийдиган ~
- группавий** [нем.] — гуруҳий қ
- гуруҳ** (ф-т) — группа қ; ~ ларга ажратиш (-типология қ)
- гуруҳий** [ар.] — группавий; ~ машқ (-кўпчилик иштирокида бажариладиган машқ); дарсдан ташқари ~ иш; ~ ижрочилик (-команда иштироки)
- гуруҳлаш** [ф-т+ўзб.] — классификация қ
- гуруҳлутқ** [ф-т+ар.] — полилог (-кўпчилик иштирокидаги гапириш (-суҳбат) машқи); ~, якканутқ, жуфтнутқ
- ГУМ** — грамматикани ўргатиш мазмуни (қ компрессия); ЛУМ, ГУМ, ТУМ давомат [ар.] — қатнаш (*дарсга*); ўқувчилар ~ и
- дарс** [ар.] — машғулот, сабоқ; ~ режаси/тури/босқичи/мақсади/вазифаси/соати/жадвали/мазмуну/вақти/назарияси; ~ режаси (-конспекти); ~ турлари (-соф нутқ ~ и -СНД, аралаш нутқ ~ и -АНД); ~ босқичлари (-бошланиши, асосий қисми, якуни); ~нинг бориши/тузилиши; ~ ни бошлаш/олиб бориш/яқунлаш; ~ га тайёрланиш; ~ бериш/ўтиш/кузатиш/қолдириш/қилиш/олиш; синов/диплом ~ и (*мактаб педагогика практикасида*); ~ дан ташқари ишлар (оммавий, гуруҳий, /яккама-якка); дарсликда/синфда ~; янги/ўтилган/такрорий/очик ~; ~ модели; телевизион ~
- дарслик** [ар.+ўзб.] — ўқувчи китоби; мактаб/лицей/коллеж/институт/университет учун ~; мактаб ~ ги (-ўқувчи китоби); институт/университет ~ ги (-талаба китоби); методика ~ ги; инглиз/испан/немис/француз/араб/турк тили ~ ги; ~ муаллифи/параграфи/материали/машқи/матни/тузилиши/мазмуну/иловаси/луғати; ~, дастур, қўлланма
- дарсхона** [ар.+ф-т] — аудитория қ (*олий ўқув юртида*)
- дастур** [ф-т] — программа қ; ўқув ~ и; мактаб/олий ўқув юрти ~; чет тил/методика ~ и; ~ га риоя қилиш; ~ ни бажариш; ~ тузилиши/мазмуну/доираси; ~, дарслик, қўлланма
- дастурий** [ф-т] — дастур (-программа)га оид; ~ талаблар/мавулар/материал/мақсадлар/кўрсатма
- дастуриламал** [ф-т+ар.] — қўлланма, дастур, дарслик
- деавтоматизация** [лот. de ... йўқолиш, ажралиш, қайтиш маъносидаги олд қўшимча+автоматизация]: талаффуз кўникмасининг ~ си (-талаффуз кўникмасининг йўқолиши, сўниши); автоматизация қ ва ~
- дедуктив** [лот. дедукция] — дедукцияга асосланган; ~ метод (-қоидадан амалиётга бориш); ~ ва индуктив метод
- дедукция** [лот. deductio келтириб чиқариш] — умумийдан қисман (-якка)га қараб бориш (-аввал умумий қоида бериб, сўнгра унга мисоллар келтириш); ~ ва индукция
- дезаффиксация** [фр. dés йўқолиш маъносидаги олд қўшимча+лот. аффиксация] — аффикс (-суффикс ёки префикс)нинг тушириб қолдирилиши, ажралиши; ~ усули (-таниш ясама сўздан аффикс қисми ажратилиб, ундаги нотаниш ўзак сўзнинг маъносини потенциал луғат сифатида мустақил фаҳмлаб олиш методик усули, мас. teacher — teach; beautiful — beauty; immigrant — migrant; irregular — regular); ~ ва аффиксация; ~ (-депрефиксация қ, десуффиксация қ) усули
- демонстрация** [лот. demonstratio кўрсатиш/—намойиш қилиш, кўрсатиш (кинофильм/диафильм/диапозитив/расм ҳақида)]
- депрефиксация** [лот. de йўқолиш маъносидаги олд қўшимча+префиксация] — префикснинг ажралиши (қ дезаффиксация, десуффиксация); префиксация ва ~; дезаффиксация (-~, десуффиксация) усули
- десемантизация** [лот. de+юнон. sēmantikós маъно англатувчи] — ўз маъносини йўқотиш; ~ лашган сўз (мас. кўмакчи феъл); семантизация (-маъно очиш), ~ (-маъно йўқотиш)
- десуффиксация** [лот. de+суффиксация] — суффикснинг ажралиши; ~ методик усули (-ясама сўз ўрганган, энди унинг суффикси ажратиб берилганда, потенциал луғат тарзида янги ўзак сўз маъноси мустақил фаҳмланиши кутилади); суффиксация ва ~; дезаффиксация (-депрефиксация ~) усули
- дефиниция** [лот. definitio таъриф] — таъриф қ

- диалог** [юнон. *diálogos* < *dí* икки + *lógos* сўз, нутқ] — суҳбат, жуфтнутқ, гаплашиш (-икки, баъзида ундан ортиқ шахс суҳбати); ~ нутқ; ~ матни/машқи/намунаси/репликasi/бирлиги; ~ уюштириш / (бажариш/бошлаш) тузиш; ~; монолог, полилог
- диалогизация** [юнон. диалог] — диалогни уюштириш, жуфтнутқ юритиш
- диалогик** [юнон. диалог]: ~ бирлик (- ундовчи ва жавоб репликалари бирикуви)
- диапозитив** [юнон. *diá* орқали + лот. *positivus* ижобий] — слайд қи
- диапозитор** [юнон. *diá* орқали + лот. *proició* олға ташламоқ] — диапозитив, диафильм кабилар тасвирини экранга туширадиган асбооб (*таълимнинг техник воситаларидан*)
- диафильм** [юнон. *diá* орқали + ингл. фильм] — умумий мавзуга эга кетма-кет кинотасмадаги тасвирлар (*таълимнинг техник воситаларидан*):
- дидактик** [юнон. дидактика] — дидактикага оид; ~ принцип/қоида/ўйин/тарқатма материал; ~, психологик, методик принциплар
- дидактика** [юнон. *didaktikós* ўргатувчи, панд-насиҳат берувчи] — таълим назарияси, таълимшунослик қ
- диктант** [лот. *dictare* ёзиш учун айтиш] — айтиб турганда ёзиш (айтиб туриб ёздириладиган иш), ёддан ёзиш; ~ ёзиш/ўтказиш/тузиш; ~ ни текшириш/баҳолаш; контрол/таълимий ~
- диктовка** [лот. *dicto* айтман + рус.] — тингловчи ёзиб олиши учун овоз чиқариб айтиш (- айтиб туриш); ~ қилиб ёздириш; ~ остида (- айтиб турганда) ёзиш
- диктор** [лот. *dictor* гапирувчи] — суҳандон; ~ нутқи (- магнит ёзувидаги, телевизион, радиодаги нутқ)
- динамик** [юнон. *dýnamikos* кучли, ҳаракатчан]: ~ стереотип (- фикран тамғаланиш, муҳрланиш); кўп марта таъсирланиш оқибатида бош мия ярим шарлари қобингда шаклландиган барқарор шартли рефлексор ёки муваққат нерв боғланишлари тизими, мас. артиклни машқ қилиши орқали чет тилча артикль куникмаси шаклланади, яъни артиклинг ~ стереотипи ҳосил бўлади «~ стереотип» атамасини И. П. Павлов 1932 йил илмий истеъмолга киритган.
- диплом** [юнон. *diplóma* букланган ҳужжат]: ~ ёзиш; ~ иши/мавзуси/ҳимояси /дарси
- дискурсив** [лот. *discursus* фикр, далил] — интуитив эмас, онг иштирокида; ~ ўқиш (- аналитик, экстенсив, таҳлилий ўқиш); ~ нутқ (- тил материални англаб нутқий фаолият юритиш); ~ ва интуитив
- дискурсивлик** [лот. *discursiv* + ўзб.] — нутқда лисоний билимни ишлатиш, мулоҳаза юритиш (- тил ҳодисаси ҳақида мулоҳаза юритиш); назарий тушунчаларни ўйлаб иш кўриш, яъни нутқ фаолиятида қондаларга суяниш (- тил ҳодисаси ҳақида ўзлаштирилган мавҳумотни ўйлаб нутқ юритиш), мас. чет тилда қайси артикль қўлланилишини фикран суриштириб жумла тузиш; ~ кўникма таркибидаги методик тушунча
- дистрибуция** [лот. *distributio* тақсимлаш] — тақсимот қ
- дифференциация** [лот. *differentia* фарқлаш] — фарқлаб ёндашиш, табақалаш; баҳо ~ си (- нутқ фаолияти турлари, тил материали, тил техникасининг ҳар бир қисмига алоҳида баҳо қўйиш); ўқувчи қобилияти ~ си (- фарқланиши)
- диққат** [ар.] — фаолиятни/онгни муайян объектга қаратилишидан иборат психик ҳолат; ихтиёрий ва ихтиёрсиз ~; ~ нинг бўлиниши; ~ ни қаратмоқ/чалғитмоқ/сусайтирмоқ/кучайтирмоқ/йўналтирмоқ/активлаштирмоқ; кўрув/эшитув ~ и
- доимий** [ар.]: ~ хотира (- узоқ муддатли ~): ~ ва оператив қ хотира; ~ (- кундалик) назорат
- дрилл** [ингл. *drill* машқ] — маъно ёки мазмунга эътибор бермасдан, ғайришуурий тарзда, механик (- ўйламасдан, фикр юритмасдан) бажариладиган машқ; тренировка машқи (- ~); фонетик ~ (- рус. фонетическая зарядка); машқ, ~, тренировка

ёдлаш [ф-т + ўзб.] — хотирада сақлаш, эслаб қолиш; шеър/ашула/матн/сўз /қоида ~; қуруқ/тушуниб/онгли ~

ёзми — товуш кодими ҳарфий кодга ўтказиш (- тил бирикларини ҳарфий тимсоллар ёрдамида ифодалаш); ~ техникаси/қондаси/машқи; ҳарфни /сўзни/гапни/машқни/матни/саволни/мақолани ~; диктант ~; диктовка остида (- айтиб турганда) ~; ~, ўқиш, талаффуз техникаси; ~, ўқиш, айтиш, эшитиш кўникмалари; ёзув (- нутқ фаолияти тури) малакаси ҳосил қилинганда, унинг таркибида ~ кўникмаси шаклланган бўлади; ~ қондаси (-имло, орфография); ~, ёзув; ~ — техникавий, ёзув эса — нутқий ҳамда техникавий тушунча

ёзма — ҳарфий тимсоллар билан ифодаланган; ~ нутқ (- ўқиш ва ёзув); ~ шакл; ~ нутқ/мулоқот/машқ/иш/матн/ахборот/таржима; ~ ва оғзаки

ёзув — ёзма шаклда фикр баён этиш (*нутқ фаолияти тури*); ~, ёзма; ёзиш; ~ кўникмаси/малакаси (ҳуснихат, имло, гап тузиш, ёзма лексик грамматик кўникмалар йиғиндиси ~ малакасини ташкил этади); гапирш, тинглаб тушуниш, ўқиш, ~ малакалари; ~ механизми; механик (- магнитофон/граммофон/видеомагнитофон) ~

ёрдамчи: ~ восита; ~ (- йўлловчи) савол (-рус. *наводящий вопрос*); ~ феъл; ~ ва асосий восита

жавоб [ар.]: ~ бермоқ/қайтармоқ/тузмоқ/ёзмоқ; тўлиқ/бўш/мазмунли ~; ~ репликаси (- реакция репликаси); ~ ва ундовчи реплика; савол- машқ/иши; савол ва ~; савол- ~ ўйини (-викторина)

жадал [ар.] — интенсив қ; ~ курс; ~ (- интенсив) ва экстенсив қ курс **жадаллаштириш** [ар.+ўзб.] — интенсификация; ўқув-тарбия жараёнини ~; чет тил ўқитишни ~; ~ курслари (- чет тилни қисқа муддатда ўргатиш-ўрганиш курслари)

жадвал [ар.]: дарс ~ и (-ўқув ~ и); таркиби алмаштирилادиган ~ (*Х Палмер атамасида Substitution Table*); грамматик/ўқилиш қондалари ~ и

жараён [ар.] — процесс; ўқув/педагогик ~; дарс/нутқ/таълим-тарбия/ўқитиш/ўрганиш/эгаллаш ~ и; идрок/билиш ~ и; ~ методлари (қ метод)

жонли: ~ нутқ (- сўзловчи ёки нотиқнинг гапи); ~ ва механик (- техника ёрдамида ёзилган) нутқ; ~ тил (- сўзлашув, халқ тили); ~ нутқ/тил

жумла [ар.] — гап; тайёр ва типовой ~; тайёр ~ (- клише, қолип, яхлит гап, турғун сўз бирикмаси); типовой ~ (-намунавий гап)

жуфтнутқ [ф+т+ар.] — диалог, суҳбат, мулоқот, сўзлашиш; якканутқ, гуруҳнутқ, ~; ~ уюштириш/юрйтиш/бажариш; ~ машқи

зарядка [рус.] — машқ, шуғулланиш (-одатда дарс бошланишида бажариладиган нутқий/тил материали билан боғлиқ машғулот); фонетик/лексик/грамматик/нутқий ~; фонетик ~ (-фонетик дрилл)

зачёт [рус.] — синов қ; ~ /имтиҳон/тест/синов топширмоқ/олмоқ; ~ (-синов) дафтарчаси

зуллисонайн [ар.] — билингв, икки тилли, қўшзабон; Алишер Навоий ~ шонрдир; ~, якзабон (- монолингв), кўп тилли (- полиглот)

идрок [ар.] — сезгиларга нарсалар/ҳодисанинг таъсири тўғрисида уларнинг онда акс этиши; эшитув/кўрув/мотор ~ и; ~ бирлиги; ўқишда сўз ~ бирлигидир, нутқни ~ этиб тушуниш (-рецептив нутқ); нутқнинг ~ этилиши ва содир этилиши (-рус. *восприятие и порождение речи*)

иерархия [юнон. *hierós* табаррук, муқаддас+*arché* ҳоқимият]: машқлар ~ си (-кетма-кет тартиботи); таълим мақсадлари ~ си

ижобий [ар.] — фойдали, маъқул, мақбул; ~ таъсир (-транспозиция); ~ ва салбий таъсир (-интерференция); малака/кўникманинг ~ кўчиши/ўтиши

ижодий [ар.] — ижод этиш ҳамда яратиш билан боғлиқ; ~ машқ/нутқ; тил ўрганишга ~ ёндашиш; ~ (-продуктив қ) нутқ

ижро [ар.]: нутқ фаолиятида ~ қисми билан ориентир (-йўлловчи) асоси (*П. Я. Гальперин атамалари*)

изчилик — кетма-кетлик, тадрижийлик, эволюция; тақдимотда ~; машқларни бажаришда ~; нутқий операциялар қўлланилишида ~; нутқ фао-

- ляти турларини ўргатиш-ўрганишда ~; мактаб билан олий ўқув юрти таълимида ~
- илгарилаш:** оғзаки ~ (- чет тил материални ўргатишда оғзаки нутқнинг ёзма нутқдан олдин юриши); оғзаки ~ принципи (Ч. Фриз, Р. Ладо термини билан айтганда oгаг арроасн, рус. ўстное опережение)
- илмий** [ар.] — илм (-фан)га оид, илм-фанга асосланган; ~ иш/тадқиқот (-текшириш)/асар/даража/унвон/соҳа/хулоса; ~ фараз (-гипотеза); ~ методик; ~ мудир
- имитатив** [лот. имитация] — тақлидий, ўхшатма; ~ нутқ/машқ/ёндашиш/метод; чет тил талаффузини ~ ўргатиш; талаффузни ўрганишда ~ ва аналитик ёндашиш
- имитация** [лот. imitatio тақлид, ўхшатиш] — тақлид, эргашиш; чет тил материални ~ (-тақлид) йўли билан ўрганиш; ~ ва анализ (-чет тил талаффузини ўргатишдаги ёндашишлар)
- имло** [ар.] — ёзиш қондаси, орфография; ~ бирлиги/луғати/қондаси/қийинчилиги/хатоси; чет тил/она тили ~ си; ~ ни ўргатиш/ўрганиш/эгаллаш/билиш; ~ бирлиги (-ҳарф, ҳарф бирикмаси, сўз, сўз яшаш элементлари, форма яшаш элементлари, гап яшаш элементлари, сўзнинг ўзгариши гап сўзнинг ўзгармас формалари)
- имманент** [лот. immanens одатий] — бевосита (- ~ тарзда); сўзни ~ тарзда идрок этиш (чет тил сўзи билан у ифодалаётган нарса/ҳодисанинг фикран бевосита боғланиши, яъни она тили (таржима)нинг иштирок этмаслиги)
- импровизация** [итал. improvvisazione < лот. improvisus кутилмаган, ногаҳоний, тасодифий] — бадиҳа, экспром(п)т (-олдиндан ҳозирлик кўрмасдан гапириш, яъни чет тил методикаси терминологиясида «тайёрланмаган оғзаки нутқ»)
- имтиҳон** [ар.] — синаб кўриш, синов, экзамен, тест; оғзаки/ёзма ~; ~ билети; ~ олмоқ/топширмоқ/қилмоқ; оралиқ/якуний/давлат ~ и; ~ саволлари/материали/жараёни; ~ дан ўтмоқ ва ~ да йиқилмоқ; битириш/жорий ~; ~ комиссияси/сессияси/китобчаси
- индивидуал** [лот. individuum бўлинмас, алоҳида] — бир шахсга оид, якка шахсга тааллуқли; ~ иш/ёндашиш/машғулот/хусусият/толшириқ; ~ ёндашиш (-ўқувчи савиясини фарқлаш); ~ ёндашиш принципи; ~ машғулот/иш/машқ ўтказиш; ~ ва фронтал қ
- индивидуализация** [лот. индивидуал] — фарқлаш, табақалаш, дифференциация (-ўқувчи савиясини ҳисобга олиб иш кўриш)
- индуктив** [лот. индукция] — индукцияга асосланган (якка(қисман)дан умумийга бориш, амалиётдан қоида чиқариш, яъни нутқда ўрганилган тил ҳодисаси хусусида мавҳумот чиқариш); чет тил ўқитишда ~ метод (-табiiий ҳамда тўғри метод); ~ ва дедуктив метод
- индукция** [лот. inductio ундаш, қўзғаш] — қисман (якка)дан умумийга қараб бориш (-аввало нутқ, кейин содда қоида, яъни олдин тил ҳодисасини қўлланиш, сўнгра мавҳумотга ўтиш); ~ методи (-табiiий ҳамда тўғри метод); ~ ва дедукция
- инициатив** [лот. initiare бошламоқ] — спонтан қ ~ нутқ (-эркин нутқ)
- инсценировка** [лот. in... да+scena саҳна] — насрий ёки шеърый асарни театр талабига мослаштириш; ~ машқлари (-театрлаштирилган машқлар)
- интеграция** [лот. integer яхлит]: тил материали ~ си (-лексик, грамматик, талаффуз бирликларини яхлит тарзда ўргатиш)
- интеллектуал** [лот. intellectus ақл, фаҳм, зеҳн, уқув] — ақлий қ
- интенсив** [лот. intensio тезлатиш, кучайтириш] — жадал, қисқа муддатли; ~ машғулот/курс/эгаллаш; ~ ўқиш (-синтетик, таҳлилсиз курсор ўқиш); ~ таълим (-қисқа муддатли жадаллаштирилган ўқитиш); ~ ва экстенсив таълим/курс; ~ / интерактив/коммуникатив метод (-методика)
- интенсификация** [лот. интенсив] — жадаллаштириш қ
- интерактив** [лот. inter орасида, ичида — activus фаол, ишчан] — ўзаро фаол нутқий мулоқот билан боғлиқ; ~ методика (АҚШда жорий этилган чет тил ўқитиш услубиети, У. Риверс терминологиясида interactive; ~ интенсив методика

- интервьё** [ингл. interview] — мусохаба (*публицистика жанри; чет тилда суҳбатлашиш машқларидан*); ~ методи (*илмий-тадқиқот методларидан*)
- интериоризация** [лот. interior ички] — ташқи ҳаракатларнинг ички ҳаракатларга айланиши, яъни ички психик фаолиятнинг ташқи амалиётдан ҳосил бўлиши (*руҳшунослар П. Жане, Ж. Пиаже, А. Валлон ва бошқалар илмий истеъмолга киритишган*); ~ ва экстерниоризация қ
- интернационал** [лот. inter орасида + patio (nationis) халқ] — халқаро, байналмилал; ~ тарбия; ~ сўзлар (қатор тилларда бир ўзакли сўзлар, мас. теннис, брокер, президент)
- интернациолизм** [лот. интернационал] — ўзакдош сўзлар (-қатор тилларнинг умумэтимологик фондида қирадиган бир ўзакли лугат)
- интерференцион** [лот. интерференция]: ~ қийинчилик (-тил ички ва тиллараро қийинчилик); ~ (таъсирий), ташкилий қийинчилик
- интерференция** [лот. inter орасида, ичида + ferens (ferentis) кўчирувчи, ўтказувчи] — салбий таъсир, номаълум кўчиш, тўсқинлик қилиш, ғов бўлиш (-билим, кўникма, малаканинг салбий натижага олиб бориши); тил ички ва тиллараро ~; лексик/грамматик/фонетик/орфографик ~; лисоний ~; методик ~ (хусусий методикаларнинг чалкашиб кетиши); ~ ва транспозиция қ
- интонация** [лот. intonare баланд овоз билан айтмоқ] — оҳанг (нутққа оид); *балад/паст* ~
- интравёрт** [лот. intro ичкарига + versio бурмоқ, қаратмоқ] — камгап, камсухан, индамас, кўп гапирмайдиган (-чет тилда гаплашишга интилмайдиган), дамдуз; ~ ва экстроверт қ
- интуитив** [лот. интуиция] — онг иштирокисиз, ғайришуурий, ўйламасдан, беихтиёр; ~ метод қ
- интуиция** [лот. intueri диққат билан синчиклаб қарамоқ] — ички ҳис, сезгирлик; англаб ёки ~ билан фаҳмлаш
- информатив** [лот. информация] — ахборот билан боғлиқ; ~ нутқ/машқ/материал; ~ текст (-ахборот элтувчи матн)
- информацион** [лот. информация]: ~ машқ (-билим ўргатиладиган машқ); ~, операцион қ, мотивацион қ машқлар (*В. А. Бухбиндер таснифи*)
- информация** [лот. informatio тушунтириш, хабар] — ахборот, маълумот, хабар; ~ бериш/олиш/қайта ишлаш/ўзлаштириш
- ихтисос** [ар.] — мутахассислик; чет тил ~ и; ~ ни танлаш/эгаллаш/билиш; чет тилдан ~ берадиган бўлим/факультет/университет/институт
- иш:** уй/синф ~ и; синфдан ташқари ~; ёзма ~; лаборатория ~ и; контрол ~ иқтидор [ар.] — қодирлик, лаёқат (қ компетенция); методик/лисоний ~; ~ ли ўқувчи/талаба
- йўловчи:** ~ (-ориентир — қ) асос; нутқнинг ижро қисми билан ~ асоси; ~ (-ёрдамчи) савол
- йўналганлик:** амалий ~ (-чет тилни ҳаётда қўллаш мақсадида ўрганиш); касбга ~ (-келажакда ўқувчи оладиган ихтисосга интилиш)
- йўналиш:** коммуникатив (-амалий) ~; чет тил ўқитишда коммуникатив ~; методик ~
- кабинет** [фр.]: чет тил ~ и (-хонаси); ~ системаси (-ҳар бир ўқув предметдан хона ташкил қилиниши); методика ~ и (-методкабинет)
- календар** [лот. calendarum айнан қарз дафтарчаси]: ~ план (-йиллик режа); ~ -тематик (-мавзуй) режа
- каллиграфия** [юнон. kalligraphia чиройли ёзув] — ҳуснихат қ
- карточка** [рус.] — қалин қоғоздан кесилган варақча; тарқатма ~ (-ўқув материалли ёзилган алоҳида варақча)
- касбий** [ар.] — мутахассисликка оид, профессионал қ; ~ мақсад (мас. чет тил олий ўқув юртида педагогик ёки филологик йўналиш); ~ (-соҳавий) матн
- квалитатив** [лот. qualitas сифат, хосса]: сўз бирикмаси ~ қийинчилиги; ~ ва квантатив қийинчиликлар; ~ компрессия қ
- квантитатив** [лот. quantum қанча, неча]: сўз бирикмаси ~ қийинчилиги; ~ ва квалитатив қийинчиликлар; ~ компрессия қ

- кетма-кетлик** — тадрижийлик қ, изчиллик қ
- кибернетика** [юнон. κυβερνῆτικὴ бошқариш санъати] — ахборотни олиш, сақлаш, етказиш ҳамда қайта ишлаш ҳақидаги фан
- кинестетик** [юнон. κίνημα ҳаракат]: ~ сезгилар (-ҳаракат-мотор-қўлҳаракат/нутқҳаракат сезгилари)
- кинодарс** [юнон. κίνημα ҳаракатланаман + ар.] — кино ёки кинопарча намойиш қиладиган дарс (-киномашғулот)
- кинокадр** [юнон. κίνημα+фр. cadre] — кинолаҳқа (-кинодан бир парча), кинофрагмент
- кинолаҳқа** [юнон. +ар.] — кинокадр қ
- киномашқ** [юнон. +ар.] — кино намойиш қилиб бажариладиган машқ
- кинопарча** [юнон.+ф—т] — кинофрагмент, кинолаҳқа, кинокадр
- кинофильм** [юнон.+ингл.] — экранда кўрсатиладиган мазмунан боғланган кетма-кет тасвирий кадрлар мажмуи; ўқув/тематик ~; ~ дан фойдаланмоқ
- киноэкран** [юнон.+фр. écran парда]: чет тил хонасидаги ~
- кириш**: оғзақа ~ курси; ~ дарси; дарснинг ~ қисми (-бошланиши); ~ (-бошланғич, дастлабки) тексти
- китоб** [ар.]: муаллим/ўқувчи/ўқиш ~ и; инглизча/испанча/немисча/французча/ўзбекча ~
- классификация** [лот. classis тур, туркум, гуруҳ] — тасниф қ, гуруҳлаш, турларга ажратиш; машқлар/хатолар/тил материали/қийинчиликлар ~ си (-таснифи)
- кличё** [фр. cliché]: нутқ ~ си (-қолип/тайёр жумла)
- код** [фр. code] — шартли белги(сигнал)лар тизими; ҳарфий/товуш ~; товуш ~ ининг ҳарфий ~ га ўтиши (-ёзиш); ҳарфий ~ ни товуш ~ ига ўтказиш (-ўқиш)
- коммуникант** [лот. коммуникация] — нутқ фаолияти юритувчи (-гапирувчи, тингловчи, ёзувчи, ўқувчи, таржимон, -реципиент (-тингловчи, ўқувчи), репродуцент (-гапирувчи, ёзувчи)
- коммуникатив** [лот. коммуникация] — коммуникация билан боғлиқ; ~ акт (-нутқий амал/парча/жараён/мулоқот); ~ бирлик/топширик/йўналиш/зарурат/муҳит/малака/вазифа (-функция)/мақсад/ният/машқ; ~, интенсив, интерактив метод (*чет тил ўқитиш методларидан*)
- коммуникация** [лот. communicatio хабар, алоқа] — нутқий алоқа (-муомала), фикр алмашув, мулоқот
- компаратив** [лот. comparo қиёслайман]: ~ қиёслаш (-тил ички қиёсланиши); ~, контрастив қ қиёслаш
- компетенция** [лот. competentia < competo интиламан, уринаман]: тил ~ си (-тилга лаёқат, тил билишга яроқлилик, лисоний (-нутқий) иқтидор)
- комплекс** [лот. complexus боғланиш] — бирга қўшилган, бир бутун: ~ (-бирга қўшиб) ўраниш; ўқувметодик ~ (комплект ҳам дейилади-УМК), (рус. УМК); УМК таркиби (муаллимга, ўқувчиларга мўлжалланган ўқув воситалари; ўқув-методик ~ и (-комплект)-УМК)
- комплект** [лот. completus тўлиқ], ўқув-методик ~ (-УМК-ўқув воситалари мажмуи); ўқув-методик ~ и (комплекс)
- компонент** [лот. componens (componens) таркибий, ташкил қилувчи қисм] — таркиб, қисм, таркибий қисм (-ташкил этадиган бўлақлар), сўз ~ и (-сўзнинг қисмлари)
- компрессия** [лот. compressio зичлаш] — зичлаштириш, ихчамлаштириш, минимизация (-ўқув материални зичлаб талаш, ажратиш, сиқик (-минимум) ҳолга келтириш); ўқитиш мазмунини танлаш табирлари ҳамда маҳсули; квантитатив ~ (-миқдорий танлаш); квалитатив ~ (-қайта танлаш, яъни минимум сифатини ўзгартириш); тил материални ~ қилиш (-тил минимуми ҳамда тил ўргатиш мазмуни (-ЛУМ, ГУМ, ТУМ)ни танлаш)
- компьютер** [ингл.computer < лот. computo ҳисоблайман, санайман] — электр ҳисоблаш машинаси (-ЭҲМ, рус. ЭВМ); таълимда ~ дан фойдаланиш; таълим жараёнини ~ лаштириш (-ўқитишда ~ дан қўлланиш)
- конкурс** [фр. concours < concursus йиғин, тўқнашув, мусобақа] — кўрик, танлов мусобақаси

- конспект** [лот. *conspicuo* қисқача маълумот] — дарс режаси
консултация [лот. *consultatio* маслаҳатлашиш] — ўқувчиларга кўрсатиладиган ёрдам; ~ бериш/олиш/ўтказиш
- контакт** [лот. *contactus* яқинлашиш, алоқада бўлиш] — ўзаро алоқада бўлиш; тиллар ~ и (-алоқаси, тилшунослик фанининг тармоғи); она тили, иккинчи тил, чет тил алоқаси (- ~ и) (-тил ўрганувчи онгида ушбу тилларнинг бир-бирига боғлиқ бўлиши, яъни ижобий ва салбий таъсир кўрсатиши)
- контекст** [лот. *contextus* боғланиш, бирикиш] — сўз, сўз бирикмаси, ибора маъносини очиб берадиган ёзма ёки оғзаки нутқ парчаси; ~ га таяниш; ~ орқали янги сўз маъносини очиш (-таржимасиз семантизация усули); ~ дан маънони фаҳмлаш (*рус. догадка*)
- контекстуал** [лот. *contextus*] — контекст билан боғлиқ; ~ /луғавий маъно
- контрастив** [фр. *contrasté*]: ~ қийслаш (-тиллараро муқояса); ~ ва компаратив қ. қийслаш
- контрол** [фр.] — назорат, текширув; ~ иш/савол; ~ диктант; ~ гуруҳ; ~ /экспериментал қ. гуруҳ
- концентр** [лот. *con* билан + *centrum* марказ]: таълим ~ и (-палласи, босқичи); чет тил ўқитишнинг биринчи/иккинчи ~ и; нутқий ~
- концентриқ** [лот. *conцентр*]: ~ ёндашиш (-тил материаллини умумлаштириб ўргатиш-тил материаллини нутқий ўргатиш/; ~ ва систематик ёндашиш (*И. В. Рахманов (1956 йил (177—178-бетлар) таърифлаган*); ~ ва систематик ёндашиш/ўргатиш/ўрганиш
- концепция** [лот. *conceptio* тушуниш, мулоҳаза] — илмий ғоя(лар); чет тил ўқитиш ~ си; «Чет тилдан узлуксиз таълим ~ си» (1993 йил 14 майда *Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги коллежисиди қабул қилинган*); чет тил ўқитиш ~ си, стандарти қ, дастур (-програма), дарслик, қўлланма
- корректив** [лот. *correctio* тузатиш, тўғрилаш]: ~ курс (-такрорлаш ҳамда тартибга солиш даври); ~ ва асосий курс
- корреляция** [лот. *correlatio* муносабат] — чет тил таълими мазмунининг мавжуд шароит ҳамда қўйилган мақсадга кўра зарур, етарли даражада танланиши ҳамда ўргатилиши; ~ принципи (-чет тил ўқитишнинг психологик принципларидан); ~, вербализация принциплари (*Г. Е. Ведель атамалари*)
- критерий** [юнон. *kritèrion* муҳокама, мулоҳаза, ҳукм воситаси] — мезон қ
- кроки** [фр. *croquis*] — хомаки расм (-кроки услубида чизилган расм); ўқув вазиятини яратишнинг ~ усули
- кузатиш**: ~ методи (илмий-тадқиқот методларидан)
- кузатув**: ~ ўқиш (-мушоҳадали ўқиш-муайян мавзунни қидириб ўқиш; (*М. Уэст ушбу ўқиш турини «қаймоғини олиш» деб номлаган*); танишув, ўрганув, ~ ўқиш (*ўқиш турлари*)
- кумулятив** [лот. *sumulatio* тўпланиш, йиғилиш, жамғарилиш]: тилнинг ~ функцияси (-халқ маданияти хазинаси вазифасини ўташи); ~, коммуникатив функция
- курс** [лот. *cursus* < *currege* югурмоқ, тез юрмоқ]: оғзаки кириш ~; ~ иши (фанлардан талаба ёзадиган ўқув-тадқиқот ёки илмий-тадқиқот иши); чет тил ўқитиш ~; мажбурий ва факультатив (ихтиёрий) ~; телевизион ~ (-телекурс); методика ~ и; систематик/махсус ~; корректив ~ (-такрорлаш даври); корректив/асосий ~
- курсор** [лот. *курс*]: ~ ўқиш (-синтетик қ, таҳлилсиз, интенсив қ. ўқиш)
- кўника**: лексика, грамматика, талаффуз ~ лари (-онгли бажариладиган чет тилда нутқ малакасининг автоматлашган таркибий қисми); (*А. Н. Леонтьев: кўника — «мустақамланган операция»*); билим, ~, малака; ~ ҳосил қилиш/шакллантириш/ривожлантириш; ўқиш/ёзиш/сўзлаш (-гапириш)/тинглаш ~ лари; ~ нинг кўчиши/ўтиши; лисоний/нутқий ~ (*С. Ф. Шатилов фарқлаган*)
- кўргазмалилик** — кўрув ёки эшитиш сезгилари ёрдамида идрок этиладиган нарса ёки ҳодиса (-ўқув воситалари); ташқи (-ашёвий) ва ички (-лисоний) ~ (-ашёвий ва лисоний ~); ~ дан фойдаланиш; ~ принцип (*дидактика принципларидан*)
- кўрик** — мусобақа, конкурс қ, олимпиада қ; чет тил бўйича ~

- кўрсатма:** қонда- ~; қонда- ~, қонда-умумлашма
- кўрсатув:** телевизион ~ (-телекўрсатув); ўқув телекўрсатувлар тизими (-теледидактика)
- кўрув:** кўриш (кўз) билан боғлиқ; ~ сезгиси/анализатори/хотираси/тимсоли/идроки/тасавури/диққати; ~ сезгиси (-ёруғлик ёки ранғи ~ анализаторига акс эттирилиши; чет тилда ўқишда иш беради); ~ анализаторлари (- ~ сезгиларини ҳосил қилувчи нерв механизмлари); ~ хотираси (-кўриб идрок қилинган нарса ёки ҳодисани эсда қолдириш, мустаҳкамлаш, эсга тушириш); ~ тимсоли (- ~ анализаторлари ёрдамида ҳосил бўлган сезги, идрок, тасаввур образлари тарзидаги онг маҳсули); ~ идроки (-кўз ёрдамидаги идрок); ~ тасавури (-кўз билан идрок қилинган нарса ёки ҳодисанинг онгда тикланадиган тимсоли); ~ диққати (-нарса ёки ҳодисани кўз билан идрок қилиш ҳамда эслашга онд диққат)
- лаборатория** [лот. laboratorium < laborare ишламоқ] — машғулот ўтадиган хона; оғзаки нутқ ~ си; ~ /синф/аудитория иши/машғулоти/машқи; ~ эксперименти (илмий-тадқиқот методларидан)
- латент** [лот. latens (latentis) яширин, махфий] — тил бирлигининг «яширин қўлланиш»ига оид; ~ даври (-тил бирлиги (мас. сўз)нинг эсда сақланиш муддати); ~ даврини таъминлаш (-пухта ўзлаштириш, нутқда ишлата билиш)
- лексик** [юнон. лексика] — лексикага оид; ~ кўникма/хато/қийинчилик/материал/ҳодиса/бирлик/минимум/машқ; ~ тест; нутқнинг ~, грамматик, талаффуз томонлари; ~ бирлик (-сўз, турғун сўз бирикмаси, тайёр жумла, сўз яшас унсуре — В. А. Бухбиндер *тадқиқ этган*); ~, луғат, имло бирликлари
- лексика** [юнон. lexikós сўзга оид < lexis сўз, ибора] — луғат (сўз) бойлиги, вокабуляр; таниш ва нотаниш (-янги) ~; ~ ни ўргатиш/ўзлаштириш; нутқнинг ~ томони (-лексик кўникма); ~ нинг тақдими, таснифи, тақсимоти; ~ ни ўргатиш мазмуни (-ЛҲМ) қ компрессия; грамматикани ~ тарзида ўргатиш
- лэкция** [лот. lectio ўқиш] — олий ўқув юртида тегишли мавзу юзасидан оғзаки ўтиладиган назарий машғулот, ўқув материалнинг оғзаки систематик баёни (ўқув жараёнининг таркибий қисми ўқув, обзор (қисқа-қисқа хулосаланган), жамоат олдида (*рус. публичная*) ~; ~ машғулоти ва амалий машғулот; ~ тингловчилар (-аудитория); ~ тинглаш/ўқиш/тайёрлаш/ёзиш/тузиш; ~ тексти/мавзуси/режаси/машғулоти
- лингвифон** [лот. lingua тил+ юнон. phoné товуш, нутқ]: ~ хонаси/курс
- лингвистика** [лот. lingua тил] — тилшунослик қ
- лингводидактик** [лот. lingua тил+юнон. дидактика] — лингводидактикага оид; ~ типология қ
- лингводидактик** [лот. лингва+юнон. дидактика] — лингвотаълимшунослик (-тил таълими назарияси); ~, лингвометодика, лингвопсихология, лингвофизиология
- лингвометодика** [лот. лингва+юнон. методика] — тил ўқитиш услубиёти; чет тил, она тили, иккинчи тил ~ си; ~, лингводидактика, лингвофизиология
- лингвопсихология** [лот. лингва+юнон. психология] — тил ўргатиш руҳшунослиги (-лисоний руҳшунослик)
- лингвофизиология** [лот. лингва+ юнон. phýsis табиат+lógos таълимот] — нутқ физиологияси (-нутқ механизмлари хақидаги илмий соҳа); ~, лингвометодика, лингвопсихология, лингводидактика
- лисоний** [ар.] — тилга оид; ~ тажриба (-тил тажрибаси); ~ фаҳмлаш (-тил топқирлиги *рус. языковая догадка*); ~ таълим (-тиллари ўқитиш); ~ руҳшунослик; ~ (-ички) ва ашёвий (ташқи) кўргазмалчилик; ~ /нутқий кўникма (*С. Ф. Шатилов фарқлаган*)
- локализация** [лот. localis маҳаллий] — маҳаллий шароитга мослаштириш; ~ қилинган (-мослаштирилган)
- луғат** [ар.] — сўзлик, вокабуляр; ~ бойлиги/минимуми/китоби/дафтари/бирлиги; ~ дан фойдаланиш/топиш/кўчириш; актив ва пассив ~; вокабуляр ва новокабуляр ~; репродуктив ва рецептив ~; потенциал (-хуфия) ва реал (-нақд); ~; ~ /лексика/имло бирлиги; ~ устида ишлаш

- мавуз** [ар.] — тема қ; нутқ ~ си/вазияти
- мавзудош** [ар.+ф—т]: ~ тушунчалар (мас. шимол, жануб, шарқ, ғарб-дунё томонлари ёки ота, она, ака, опа, амаки, тоға, хола, амма—оила аъзолари ёки қариндош-уруғ)
- мавҳумот** [ар.] — ҳаёлий, мавҳум нарса (-фикрий/ақлий ҳосила); тил ~ и; грамматик ~; вербал дискурсив ~ (-қонда—қ); таркибини тақлидан алмаштириладиган ~ (-нутқ намунаси); тил бирлигига оид ~
- мажбурий** [ар.]: ~ таълим/курс/машғулот; ~ ва факультатив (-ихтиёрий) курс; ~, махсус, систематик, факультатив курс
- мазмун** [ар.]: таълим (-ўқитиш) ~ и; дарслик/матн/нутқ/машқ ~ и; лексикани/грамматикани/талаффузни ўргатиш ~ и (ЛҮМ, ГҮМ, ТҮМ); чет тил ўқитиш ~ ҳамда тил материаллини ўргатиш ~
- макроматн** [юнон. makros узун, йирик, катта+ар.] — макротекст қ; ~ ва микроматн
- макротекст** [юнон. makros+текст] — макроматн (-тугал бир асар), ~ ва микротекст қ
- мактаб** [ар.] ўрта ~; ўрта умумтаълим/махсус/олий/ ~; ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган ~; ~ тизими/таълими/ёши; ~ чет тил курси
- малака** [ар.] — онг иштирокиси автоматлашган фаолият (мас. чет тилда нутқий фаолият); гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзув ~ лари; чет тилда нутқ ~ лари (-лексик, грамматик, талаффуз кўникмаларидан таркиб топади); ~ ошириш/шакллантириш/ривожлантириш/гакомиллаштириш; билим, кўникма, ~
- материал** [лот. materialis ашёвий]: ўқув ~ и; тил ~ и; тил ~ ини тайёрлаш/ўзлаштириш босқичлари; нутқ ~ и; тарқатма ~ (-расм, карточка); машқ ~ и, лексик/грамматик/талаффуз ~ и
- матн** [ар.] — текст қ; ~, макроматн, микроматн
- машқ** [ар.] — чет тилда бажариладиган ўқув амали; таркиби талаб ҳамда материал қисмларидан иборат ўқув бирлиги; дарслик ~ лари мажмуи; ~ лар тури/таснифи/тизими; ~ бажариш/қилиш/бериш/ўтказиш/тузиш, ~ талаби/материали/мазмуни; информацион (-билим ўргатадиган), операциян (-тил материаллини ўргатадиган-кўникма шакллантирадиган), мотивацион (-нутқий, яъни малака ҳосил қиладиган) ~ лар (*В. А. Бухбиндер таснифи*); шакллантирувчи, ривожлантирувчи, такомиллаштирувчи ~ лар; тил/нутқ ~ лари; ~ объекти/маҳсули; ~ лар иерархияси (-кетма-кетлик тартиботи); диалог(-жуфтнутқ), монолог (-якканутқ), полилог (-гурухнутқ) ~ лари; таниб олиш/айтиш/такоррлаш ~ лари; гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзув ~ лари; таржима/тайёрлов/нутқий ~; лексика, грамматика, талаффуз (-фонетик) ~ лари; оғзаки/ёзма ~; ситуатив/коммуникатив/программалаштирилган ~; текст олди/текстдан кейинги ~; ~ лар таснифи (-классификацияси, типологияси); механик (-ўйлашмасдан, фикр юритмасдан бажариладиган) ~ (-дрилл қ); тренировка ~ и (-дрилл)
- машғулот** [ар.] — дарс қ, сабоқ қ, лекция қ; амалий ва назарий ~; семинар/лаборатория ~ и, нутқий ~ (*рус. речевая зарядка*); синфдан ташқари ~; факультатив ~; қўшимча ~; ~ ўтказиш; ~ га қатнашиш/қолиш/келмаслик/келиш
- маънавий** [ар.] — ахлоқий, ички (-руҳий) ҳолатга оид; ~ (-ахлоқий) тарбия ~ физо (-озуқа); ~/маъновий жиҳатлар
- маъно** [ар.] — сўзнинг семантик таркиби; лексик/грамматик ~; луғавий/контекстуал ~; ~ майдони (-семантик доира); асосий ва кўчма ~; ~ очиш (-семантизация); тил бирлиги ~ си (семантикаси), ясалиши (-формаси, шакли), қўлланиши (-функцияси); кўп ~ лилик (-полисемия—қ, полисемантизм)
- маъновий** [ар.] — маънога оид; ~ (-семантик) доира; тил бирлигининг ~, шаклий, функционал жиҳатлари; ~ / маънавий жиҳатлар

маънодош [ар.+ф.—т] — синоним қ; ~, шаклдош, тескари маъноли тил ҳодисалари

мақсад [ар.] — тасаввурдаги (-хаёлий, фаразий) натижа; ~га эришиш; таълим ~и; чет тил ўқитиш ~лари (амалий, умумтаълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи, соҳавий); коммуникатив (-амалий) ~; оралиқ ва якуний амалий ~; ~, восита; дарсинг ~и

мезон [ар.] — критерия, ўлчов, принцип; баҳо ~и (-критерияси); танлаш/тақдим/тасниф/тақсимлаш ~и (-критерияси, принципи)

метатил [юнон. *metá* орасидан, орқали, орқасидан + ўзб.] — асос тил (-бирор тилни таъриф-таъсифлаш учун қўлланадиган тил, яъни тилларни қиёслашда жалб этиладиган тил); таълимшуносликда/тилшуносликда ~; ~сифатида репродуктив тил материални лингводидактик қиёслашда она тили, рецепцияда эса ўрганилаётган чет тил хизмат қилади (тилшуносликдаги қиёслашда метатил қилиб исталган тил олинади)

мётод [юнон. *méthodos* тадқиқот] — мақсадга эришиш ёки вазифани ўташ усули; дидактикада/методикада/фанда ~; таълим (-ўқитиш) ~и; «тарихий» ~лар (-йўналишлар); «жараён» ~лари (-фаолият усуллари); таржима, тўғри, аралаш, замонавий ~лар чет тил ўқитишда йўналишлардир; замонавий чет тил ўқитиш ~лари; хорижий мамлакатларда аудиолингвал, аудиовизуал, интенсив, коммуникатив, интерактив ~лар; интуитив ~ (-тўғри методнинг тури, қондага мурожаат қилмай чет тил ўқитиш); интенсив(-жадаллаштирилган) ~; илмий-тадиққот ~лари қ тадқиқот); интуитив ва дедуктив ~

методик [юнон. методика] — методикага оид, услубий; ~тайёргарлик; ~тушунча (-категория)/атама (-термин)/билим/маълумот/тавсия/топширмақ/муаммо; ~ютуқ/камчилик/хато/интерференция; ~амал/тадбир/усул/ёндашиш; ~тўплам/адабиёт/манба/тадқиқот; ~курс; ~папка қ; ~ишлама (-рус. разработка); ~тайёрлаш (-танлаш, тасниф, тақсимот, тақдмот); ~адаптация; ~, дидактик, психологик принциплар

методика [юнон. *methodiké* < *méthodos* тадқиқот йўли, назария, таълимот] — услубиёт, тадрис (бирор ишни мақсадга мувофиқ бажариш усуллари йиғиндиси); тил ўқитиш ~си; ~курси/фани/дастури/дарси; қиёсий ~; ~ўқув предмети; ~кабинети (-хонаси); чет тил/она тили/иккинчи тил ўқитиш ~си; чет эл (-хорижда) чет тил ўқитиш ~си; лисоний ~; хусусий ва умумий ~; ~, дидактика, психология, тилшунослик

методист [юнон. методика] — таълим методикаси мутахассиси, услубчи; чет тил/иккинчи тил/она тили ~и; ~олим/муаллим (-ўқитувчи); ~, муаллим, тилшунос, руҳшунос, тилшунос

методология [юнон. метод + *logos* сўз, нутқ, таълимот] — илмий метод ҳақидаги таълимот; тилшунослик/таълимшунослик/руҳшунослик ~си; чет тил таълими ~си

механизм [юнон. *mechané* машина, қурол, асбоб]: чет тилда нутқий/грамматик ~ (-грамматик кўникама, материал, умумлашма); психофизиологик ~; гапириш/тинглаб тушуниш/ўқиш/ёзув ~лари; ўқиш/ёзиш/талаффуз ~лари

механик [юнон. *mechaniké* < *mechané*]: ~ (-техник воситада ёзилган) нутқ; ~ ва жонли нутқ; ~машқ (-дрилл — қ)

микроматн [юнон. *mikrós* кичик + ар.] — микротекст қ; ~ ва макроматн

микросуҳбат [юнон. микро + ар.] — қисқа (бир неча реплика (луқма)дан иборат) суҳбат

микротекст [юнон. + лот.] — микроматн, жумла(лар)га тенг текст; ~ ва макротекст қ

минимизация [лот. минимум] — квантитатив компрессия қ, ўрганиладиган тил материали (-лексика, грамматика, талаффуз бирликлари)ни минимум миқдорига келтириш

минимум [лот. *minimum* энг кам] — ўрганилаётган тил макросистемасидан таълим мақсадларига кўра танланадиган лисоний микросистема; тил

(-лексика (-луғат), грамматика, талаффуз (-фонетика), имло, ўқилиш қондалари) ~лари; тематик (-мавулар), ситуатив (-УНВ) ~лар
модёл [фр. *modèle* < лот. *modulus* ўлчов, меъёр, намуна] — намуна, нусха; нутқ ~и (-нутқ намунаси; типовой жумла; гап); дарс ~и
мойиллик [ар.+ўзб.] — шайлик қ, мотивация қ
монолингв [юнон. *mónos* бир + лот. *lingua* тил] — бир тилда сўзлашувчи, якзабон; ~ (-бир тилли), **билингв** (-икки тилли, зуллисонайн), **трилингв** (-уч тилли), **полиглот** (кўп тилли)
монолог [юнон. *mónos* бир + *lógos* сўз, нутқ] — якканутқ (-якка шахсининг гапириши); ~, диалог, полилог
мослаштириш — адаптация (-аслиятдаги матнни таълимий мақсадда содда-лаштириш), локализация қ қилиш
мотів [фр. *motif* < лот. *movere* ҳаракатлантирувчи, қўзғатувчи сабаб] — ундовчи сабаб, ички ва ташқи туртки; нутқий ~; фаолият ~и
мотивациён [лот. *мотив*]: ~ машқ (-нутқий малака хосил қиладиган машқ); информация, операция, ~ машқлар (*В. А. Бухбиндер таснифи*)
мотивация [лот. *мотив*] — нутқий фаолият кўрсатишга мойиллик қ, шайлик қ, ички туртки, нутқ майли; чет тил ўрганиш ~си
мотёр [лот. *motor* ҳаракатлантирувчи]: ~ (-ҳаракат) хотираси/анализатори/сезгиси/идроки; қ кинестетик
муаллим [ар.] — ўқитувчилик қ; хонаки ~ (-репетитор — қ)
муаллиф [ар.] — автор (-асар/китоб/мақола/ихтиро яратувчи/бунёдкори); дарслик ~и (-автори, тузувчи); дастур ~и (тузувчи); диафильм ~и (яратувчи)
муаммо [ар.] — масала, проблема; ~ли **вазият/таълим/матн/дарс/масала**; ~ли (-муаммовий) лекция
мувозий [ар.] — параллел, баравар; нутқ фаолияти турларини ~ тарзда ўргатиш; ~ синфлар/гуруҳлар/курслар
мулоқот [ар.]: нутқий ~; амалий/жонли ~; чет тилда ~; ~ нияти/амали/жараёни/натижаси
муомала [ар.] — сўзлашув, алоқа; нутқий ~; чет тилда ~ қилиш
муस्ताқил [ар.]: ~ иш/ўқиш/бажариш
муस्ताқамлаш [ар.+ўзб.] — ўтилган ўқув материални янада пухталаш; дастлабки/доимий/якуний ~
мутолаа [ар.] — ўрганув (ўқиш тури)
мушоҳадали [ар.+ўзб.]: ~ ўқиш (-кузатув ўқиш)
муқобил [ар.] — зид, тескари; ~ ассоциация қ
муқояса [ар.] — қиёслаш қ, таққослаш қ
муҳит [ар.]: чет тил ~и (-атмосфераси); она тили табиий (-чин) ~да ўрганилади; чет тил сунъий ~ни яратиш; табиий (-чин) ва сунъий ~
муҳрланиш [ар.+ўзб.] — тамғаланиш қ
муътадил [ар.] — нормал, норма доирасидаги; ~тезликдаги нутқ; ўқишнинг ~суръати

нагрўзка [рус.] — дарс соати; муаллим ~си (-дарс соати); ўқув ~си
назарий [ар.] — назарияга асосланган; ~фан/билим/масала; ~ва амалий машғулот; чет тил ўқитиш методикасининг ~ва амалий масалалари; ~ва амалий грамматика/тайёргарлик
назария [ар.] тил ~си (-тил ҳақидаги билим); билиш ~си (-гносеология, эпистемология); содда ва мураккаб ~; фаолият/ахборот/коммуникация/таълим ~си; таълимнинг умумий ~си (-дидактика, таълимшунослик); таълимнинг хусусий ~си (-методика, услубиёт); нутқ фаолияти ~си; ~билан амалиёт бирлиги; ~ни амалиётга татбиқ этиш; шайлик қ (мойиллик) ~си; Ақлий амалларни босқичма-босқич шакллантириш ~си (*П. Я. Гальперин тадқиқ этган*)
назорат [ар.] — текширув, контрол; ~объекти/вазифаси/тури/мақсади/ўрни/шакли/усули/методикаси; чет тил нутқий кўникмаси билан малакаси ~объектидир; ~вазифалари (-таълимий, олдини олиш, тузатиш, бошқарув, баҳолаш); ~турлари (кундалик — доимий, тематик — мав-

- зуйи, даврий, якуний); ~ шакллари (ёлғиз/ёппасига, оғзаки/ёзма, бир тилда/икки тилда); ўз-ўзини ~ қилиш; кўникма/малакани ~ қилиш; ~ (- текширув) ўтказиш; текширув ~ и (мас. контрол иш)
- намоиш** [ф—т] — демонстрация, кўрсатиш; кўргазмалиликни ~ қилиш
- намуна** [ф—т]: нутқ ~ си; нутқий ~ (*Ч. Фриз ва Р. Ладо терминологиясида* speech pattern)
- намунавий** [ф—т] — типовой қ; ~ (- типовой) жумла қ
- нейтрал** [лот. neutralis < neuter бу ҳам, у ҳам эмас] — холис
- нейтраллаш** [лот. нейтрал] — бартараф этиш; хатоларни ~ (- бартараф) қилиш
- никтопедия** [юнон. πύχ қаратқич келишигида] πυκτός кеча, кечаси + παιδεία ўқитиш, ўргатиш — уйқуда ўргатиш; чет тилни ~ йўли билан ўргатиш; ~ билан суггестопедия қ
- новокабуляр**: ~ луғат (-чет тилда Учрайдиган, бироқ ўқувчи луғат бойлигига кирмайдиган сўз); вокабуляр ва ~ луғат
- норма** [лот. погма тартиб-қоида, қонун-қоида] — меъёр; фонетик (- талаффуз) ~; баҳо ~ си
- нормал** [лот. норма] — муътадил; ~ тезлик (*нутқ тезлиги, ўқиш тезлигига оид*)
- нутқ** [ар.]: оғзаки/ёзма ~; оғзаки ~ (- гапириш, тинглаб тушуниш); ёзма ~ (- ўқиш, ёзув); ~ кўникмаси/малакаси/механизми; ~ фаолияти турлари (- гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзув); диалог ~ (- жуфтнутқ), монолог ~ (-якканутқ), полилог (- гуруҳнутқ); ~ фаолияти назарияси (ориентир (- йўловчи) асос + ижро қисмига оид); ~ оқими/тезлиги (- суръати) /амалиёти/тажрибаси/жараёни/мавзуси; ~ /тил материали; эркин (-спонтан инициатив) ~; жавоб (-реактив) ~ и; ассоциатив (-стохастик, фикрсиз) ~; тайёрланган ва тайёрланмаган ~; тайёрланмаган ~ (-экспром(п)т, бадиҳа, импровизация); чет тилда (инглизча, испанча, немисча, французча, туркча) ~; ички ва ташқи ~; боғланшли ~; ~ фаолияти операция билан ҳаракат (-амал)дан иборат; жонли ва механик (-диктор) ~
- нутқий** [ар.]: ~ амал (-ҳаракат); ~ машқ/намуна/материал; ~ йўналганлик; ~ иқтидор (-компетенция — қ); ~ машғулот (-рус. речевая зарядка)
- нутқҳаракат** [ар. + ар.] — мотор (-ҳаракат) сезгилири ҳамда анализаторлари сирасига киради (-рус. речемотóрный); ~ сезгиси/анализатори; ~ /қўлҳаракат (-рус. рукомóтный) сезгиси/анализатори
- образ** [рус.] — тимсол; товуш/ҳарф/имло ~ и; кўрув/эшитиш/ҳаракат ~ и
- овозли**: ~ фильм; ~ ва ~ сиз фильм
- овозсиз**: ~ ўқиш (-товуш чиқармай, ичда ўқиш); ~ фильм; ~ ва овозли фильм
- олимпиада** [юнон. Ολυμπιάς < қаратқич келишигида Ολυμπιάδος] — мусобақа, конкурс, кўрик; ўқув/ўқувчилар ~ си; мактаб/туман/шаҳар/вилоят/жумҳурият ~ си; чет тил бўйича ~; ~ иштирокчиси/ғолиби/ташкилий қўмитаси/журиси/топшириқлари/материали/шартлари; ~ ўтказиш/тайёрлаш
- омограф** [юнон. homós бир хил + grápho ёзаман] — ёзувда ўхшаш, бироқ турли маънодаги сўз; ~ ва омофон омоними ташкил қилади
- омбоним** [юнон. homós бир хил + ónoma ном] — шаклдош; ~ (-шаклдош) тил бирликлари; ~, антоним, синоним; ~ лар омограф ҳамда омофондан иборат
- омофón** [юнон. homós бир хил + phone товуш] — айтилишда ўхшаш, маъноси турлича сўзлар (мас. write — right; hour — our; weak — week); ~ билан омограф омоними ташкил этади
- онг**: ўқувчи ~ и; ~ иштирокида/иштирокисиз
- онгли**: ~ ўрганиш/ўзлаштириш/таълим/ҳаракат/фаолият; ~ -қиёсий метод; ~ -амалий метод; ~ ва онгсиз
- онглилик**: ~ принципи (*дидактика принципларидан*); ~ ва онгсизлик

- опера́тив** [лот. операция]: ~хотира (- қисқа муддатли хотира); ~ва доимий хотира; ~ (- амалий) қоида
- опера́цион** [лот. операция]: нутқ фаолиятида ~ (- тил материали қўлланиши) ҳамда мотивацион (- фикр баён этилиши) томонлари мавжуд; ~ машқ (- тил материалли ўргатадиган машқ); информацион қ, ~, мотивацион қ машқлар (*В. А. Бухбиндер таснифи*)
- опера́ция** [лот. operatio ҳаракат, иш] — фаолият бирлиги, ҳаракат қилиш усули (*А. Н. Леонтьев илмий истеъмолга киритган атама*); грамматик ~; ақлий ~, ҳаракат (- амал), фаолият
- оппози́цион** [лот. oppositio таққослаш, солиштириш]: талаффузда ~ қийинчилик; ~, позицион, артикуляцион, акустик қийинчиликлар
- оптимиза́ция** [лот. optimus энг яхши] — мавжуд турларнинг аълоси, енгилаштириш, самарадорлик; таълим ~ си (- ўқитишнинг энг мақбул даражага кўтариш); ~ ҳамда интенсификация қ
- оралиқ:** ~ мақсад (*ўрта мактаб таълимида чет тил оғзаки нутқи ҳақида*); ~ (- синфий) ва якуний мақсад; ~ кўрсаткич (синфлар бўйича нутқий маалакаларга оид); ~ текширув/тест/мақсад
- оригина́л** [лот. originalis табиий ҳолдаги, аслан] — аслият қ, асл нусха, қўл ёзма; ~ асар/текст/дарслик/програма; ~ ва адаптация қилинган текст
- ориенти́р** [лот. oriens orientis] айнан шарқ, яъни шарққа йўналиш]: нутқнинг ~ (- йўловчи) асос, нутқ фаолияти назариясида (*П. Я. Гальперин атамаси*); нутқнинг ~ асоси билан ижро қисми
- орфогра́фия** [юнон. orthós тўғри + grápho ёзаман] — имло қ, ёзиш қондаси
- осон** [ф—г] — ўзлаштириш учун кам куч ҳамда вақт талаб қиладиган; ~ ўқув материали; ~ тил (- лексик, грамматик, талаффуз) бирлиги; ~ ҳодиса/материал/бирлик; ~ - қийиндик (- ўқувчи кучига мослик) принципи; ~ ва қийин тил ҳодисаси
- оғзаки** — ёзма эмас; ~ мулоқот; ~ нутқ (- товуш нутқи-гапириш, тинглаб тушуниш; - диалог, монолог, полилог); ~ нутқ/машқ; ~ нутқ машқи; ~ имтиҳон/синов/назорат, ~ мулоқот/ахборот/таржима; ~ айтиш/бажариш/ўзлаштириш/тақдимот; ~ илгарилаш принципи (- нутқнинг олдин юриши принципи); ~ кириш курси; ~ ва ёзма; ~ ва ёзма нутқ/машқ/матн/шақл
- па́пка** [нем.]: методик ~ (- студентларнинг чет тил ўқитиш методикасидан жамлайдиган материаллари мажмуи)
- паради́гма** [юнон. parádeigma ўрнак, намуна] — сўзнинг турланиш, тусланиш тартиботи (- флексив ўзгаришлар йиғиндиси); ~ ва синтагма қ; ~ тик (- ички боғланиш, мас. инглизча/ўзбекча/арабча китоб) ва синтагматик (- сўз бирикиши, мас. инглизча китоб, инглизча китоб ўқимок) алоқа¹
- пасси́в** [лот. passivus ҳаракатсиз]: ~ луғат/лексика/грамматика/минимум/тил материали; ~ ва актив (*тил материалига оид*)
- па́уза** [лот. pausa < юнон. páusis тўхташ] — тўхташ қ
- педаго́гик** [юнон. педагогика] — педагогикага оид (- таълим-тарбиявий)
- педаго́гика** [юнон. paidagogike < pais (paídos) ёш бола + ago етаклайман, тарбиялайман] — таълим-тарбия ҳақидаги фан, тарбияшунослик; ~ тизими/таълими/тажрибаси/эксперименти/практикаси; ~ практикаси (- талабанинг мактабда дарс бериши ҳамда ўтказадиган тарбиявий ишлари); умумий/хусусий/қиёсий ~; мактаб/олий ўқув юрти ~ си; ~ жамоаси¹/кенгаши
- перцеп́тив** [лот. перцепция]: ~ тимсол/идрок/кўнукма
- перцеп́ция** [лот. perceptio идрок қилиш, қабул қилиш] — идрок қилиш (- объектив воқелини сезги органларимиз орқали бевосита акс эттириш)
- план** [лот. planum текислик, юза] — режа қ; ўқув ~ и; дарс/мавзуий/йиллик ~; тилнинг ифода/мазмун ~ и
- планлаштириш** [лот. план + ўзб.] — режалаштириш қ

- позиціён** [лот. *positio* вазият, ҳолат]: ~ қийинчилик (*талаффузда қийинчилик*), оппозицион, ~, артикуляцион, акустик қийинчиликлар
- полигlossия** [юнон. *polýs kûp + glóssa* тил] — кўп тиллилик (-уч ва ундан ортиқ тилни билиш)
- полиглóт** [юнон. *polýs kûp + glóttá* тил] — кўп тилларда сўзлашувчи, кўп тилли; ~ (-кўп тилли), трилингв (-уч тилли), билингв (-икки тилли, кўшзабон, зулвисонайн), монолингв (-бир тилли, якзабон)
- полилóг** [юнон. *polýs kûp + lógos* сўз] — гуруҳнутқ (-уч ва ундан ортиқ киши суҳбати), кўпчилик суҳбати (*методикага Х. Палмер киритган атама*); ~, диалог, монолог
- полисемья** [юнон. *polýs kûp + sema* белги] — кўп маънолилик (-полисемантизм); тил бирлигининг ~ си
- потенциál** [лот. *potentia* куч]: ~ луғат (-ўқувчига нотаниш, лекин учратганда маъносини топиш мумкин бўлган сўз); ~-ички имкониятли (-хуфия) ва реал (-нақд) тил материали; ~ ва реал луғат/грамматика
- пράктика** [юнон. *praktikós* фаол] — амалиёт, иш, тажриба; нутқ ~ си (-амалиёт); амалиёт (-~) билан назария бирлиги; ўқув-тарбия ~ си (-талабаларнинг мактабда ўтадиган дарслари ҳамда ўтказадиган тарбиявий ишлари)
- предмёт** [рус.] — нарса; ўқув ~ и (-фан, соҳа); тадқиқот ~ и; ~ (-наrsa) билан ҳодиса объект дейилади; ~ (-ашёвий, ташқи) кўргазмалилиги
- презентация** [лот. *presentatio* таништириш, тақдим этиш] — тақдимот қ ўқув материалини ўзлаштириш ёки ўргатишдаги дастлабки қадам; тил материалини танлаш, таснифлаш, тақсимлаш, тақдим (-~) этиш
- префиксация** [лот. *praefixum* олдига маҳкамланган] — олд қўшимчаси (-префикс) қўшиш; ~ ва депрефиксация қ
- принцип** [лот. *principium* асос, негиз] — мезон қ; ўқитиш ~ и (-таълим-тарбия жараёнида асос бўладиган таълимий қонун-қонда); чет тил ўқитишининг дидактик, психологик, методик ~ лари; чет тил ўқитиш методикасининг умумий, хусусий, махсус ~ лари; танлаш, таснифлаш, тақсимот, тақдимот ~ лари; ~ лардан метод шаклланади; оғзаки нутқнинг олдин юриши ~ и.
- прогнóз** [юнон. *prognosis* башорат, каромат, олдиндан билиш] — олдиндан айтиш, билиш, башорат, каромат; қийинчиликни ~ қилиш (-олдиндан билиш, аниқлаш)
- програ́мма** [юнон. *prográmma* билдириш, фармойиш] — дастур қ; ўқув ~ си; мактаб/олий ўқув юрти ~ си; чет тил ўқитиш методикаси ~ си; ~ материали/тузилиши/талаблари; ~ тузувчи; чет тил ўқитиш концепцияси, стандарти ҳамда ~, дарслик, қўлланма
- программавий** [юнон. программа] — дастурий қ, программага оид
- программалаштирилган** [юнон. программа + ўзб.]: ~ таълим/машқ/ўқув материали/дарслик/тест
- продуктив** [лот. *productivus* унумли, фойдали]: ~ нутқ (-чет тилда юритиладиган ижодий нутқ, чинакам мулоқот); ~ (-репродуктив) /рецептив нутқ (~ билан *репродуктив* атамалари *магнодош ҳисобланади*, В. С. Цетлин, 1992, 5-бет)
- профессиона́л** [лот. *professio* ўз иши қилиб олиш] — касбий қ, соҳавий қ
- психи́к** [юнон. *psychikós* руҳий]: ~ жараён (-диққат, идрок, хотира, тафаккур ~ жараёнлардир)
- психолингвистика** [юнон. *psychikós* руҳий + лот. *lingua* тил] — нутқ фаолиятини ўрганадиган фан соҳаси
- психологик** [юнон. психология] — психологияга оид; ~ маълумот; чет тил ўқитишининг ~ принциплари; ~, педагогик, методик принциплар
- психоло́гия** [юнон. *psyché* руҳ + *lógos* таълимот] — руҳшунослик қ; педагогик ~; хулқ/нутқ/таълим ~ си; чет тил ўқитиш ~ си

- равон [ф—т]: ~ гапириш/ўқиш/талаффуз
- рэпорт** [фр. rapport < rapporter қайтариб (олиб) келмоқ] — дарс бошла-нишида навбатчи ўқувчининг оғзаки ахбороти; навбатчининг ~ и (- нав-батчи билдириши қ)
- рағбат** [ар.] — стимул қ, ундаш
- реактив** [лот. реакция]: ~ нутқ (- жавоб нутқи)
- реакция** [лот. ге қарши + actio ҳаракат]: ~ репликаси (- суҳбатдошнинг жавоб жумласи — луқма); ~ ва стимул репликалари (*суҳбат чоғида*)
- реал** [лот. realis ҳақиқий]: ~ луғат (- аввал ўзлаштирилган, хотирада сақ-ланмиш сўзлар); ~ (- нақд) ва потенциал (- хуфия) луғат; ~ ситуация (- табиий, ҳаётий вазият); табиий (- ~) ва сунъий вазият; ~ луғат/си-туация; ~ билим юрти (*Чор Россиясида ўқув муассасаси*)
- режа** [ф—т] — план қ, ўқув ~ си; дарс ~ си (конспект қ); йиллик ~ (- календар план); мавзуй ~ (- тематик план); йиллик-мавзуй ~ (- календар — те-матик план); дарс, йиллик, мавзуй, йиллик-мавзуй ~ лар
- режалаштириш** [ф—т+ўзб.] — планлаштириш қ; ўқув жараёни ~; ўқув-тарбия ишларини ~
- резюме** [фр. résumé < résumer ихчам баён қилмоқ] — қисқача хулоса, яқун; мақола/китоб/диссертация ~ си
- рететитор** [лот. repetitor такрорловчи] — чет тил ўргатувчи, хонаки муал-лим (- дарсдан ташқари машғул олиб борувчи); ~ ёрдамида чет тил ўрганиш
- релика** [фр. relique] — лўнда фикр (- жуфтнутқ иштирокчилари қўллайди-ган гапиришга ундовчи ва жавоб жумлалари); реакция (- жавоб) ва сти-мул (- ундовчи) ~ лари
- репродуктив** [лот. репродукция] — репродукцияга оид; ~ нутқ (- мулоқот даражасига озми-кўпми етказилган чет тилда фикрни баён этиш); ~ луғат/лексика/грамматика/машқ/эгаллаш/малака; ~ (- продуктив) ва рецептив нутқ
- репродукция** [лот. ге қайтадан, янгидан + productio яратиш, етиштириш — фикрни оғзаки ёки ёзма баён этиш, ахборот бериш; ~ ва рецепция
- репродукцент** [лот. ге + produceris қаратқич келишигида produceris яра-тувчи, етиштирувчи] — фикрни оғзаки ёки ёзма баён этувчи, гапирув-чи ёки ёзувчи, ахборот берувчи; ~ ва реципиент
- ретроспектив** [лот. retro орқага + specio қарайман] — тарихий, ўтмиш (- мозий) билан боғлиқ; чет тил ўқитиш методикасини ~ (- тарихий планда) ўрганиш; ~ таҳлил қ; ~ (- танқидий) илмий таҳлил
- реферат** [лот. refero баён қиламан] — ўқилган матн/асарнинг қисқача ёзма баёни
- рецептив** [лот. рецепция] — рецепцияга оид; ~ нутқ (- ўзга шахс нутқини идрок этиб, яъни ўқиб ёки тинглаб тушуниш); ~ ва репродуктив/ (- про-дуктив) нутқ; ~ лексика (-луғат) грамматика/машқ/ўзлаштириш/эгаллаш/малака
- рецепция** [лот. receptio қабул қилиш, олиш] — оғзаки нутқни тинглаб ёки ёзма матнни ўқиб тушуниш (- умуман идрок этиб тушуниш); ~ ва ре-продукция (- продукция)
- реципиент** [лот. recipiens қаратқич келишигида recipientis қабул қилувчи] — ўзга шахс нутқини тинглаб тушунувчи (-нутқни идрок этиб ахборот олув-чи); ~ ва репродукцент
- ривожлантириш**: хотирани/тафаккурни/қизиқишни/малакани/нутқни ~
- ривожлантирувчи**: ~ мақсад (*чет тил ўқитиш мақсадларидан*); амалий, таълимий, тарбиявий, ~, соҳавий мақсадлар; ~ таълим/машқ; шакл-лантирувчи, ~, тақомиллаштирувчи машқлар
- роль** [фр. rôle]: ~ га кириб ўйнаш/гаплашиш; қ ситуация, вазият
- руҳшунос** [ар. + ф—т] — психолог, руҳиятшунос
- руҳшунослик** [ар. + ф—т + ўзб.] — психология қ; чет тил ўқитиш методика-сининг ~ (- психологик) асослари; чет тил ўқитиш ~ принциплари (- та-моивллари)

- сабоқ** [ар.] — дарс қ
- савия** [ар.] — тайёргарлик қ; нутқий ~ (-компетенция)
- савол** [ар.]: ~ бермоқ/тузмоқ/ёзмоқ/қўймоқ; ёрдамчи (йўлловчи) ~
- салбий** [ар.] — ижобий эмас, номақбул; ~ таъсир (-интерференция); ~ (-интерференция) ва ижобий (-транспозиция) таъсир; она тилининг чет-тилга ижобий ва ~ таъсири, қ интерференция, қ. транспозиция
- самарадорлик** [ар. + ф—т + ўзб.] — оптимизация қ
- сарфлаш** [ар. + ўзб.]: вақт/куч/меҳнат ~; лисоний қийинчиликни енгиш куч-ҳамда вақт ~ ни талаб этади
- сеғиз**: кўрув, эшитиш, нутқҳаракат, қўлҳаракат ~ лари; анализатор билан ~
- семантизация** [юнон. семантика] — янги сўз маъносини очиш (-таржимали-ва таржимасиз усулда маъно очиш); ~ (-маъно очиш) ва десемантизация (-маъно йўқотиш)
- семантик** [юнон. семантика] — семантика билан боғлиқ, маъновий; ~ (-маъновий) доира; ~ қийинчилик; тил бирлигининг формал (-шақлий, ясалий), ~ (-маъновий), функционал (-қўлланиш) жиҳатлари; ~, формал, функционал қийинчиликлар
- семантика** [юнон. semantikós англаувчи, билдирувчи] — тилшуносликнинг тармоғи; маъно (-сўз ёки унинг қисми ифодалайдиган маъновий) томони
- семинар** [лот. seminarium кўчатзор] — олий ўқув юртида машғулот тури; методикадан ~; ~ ҳамда лекция машғулотлари; амалий/~, /лаборатория/назарий (-лекция) машғулотлари
- сёрня** [лот. series қатор]: дарслик /машқлар/расмлар ~ си
- симультан** [фр. simultané айни бир пайтда] — бир вақтнинг ўзида юз берадиган (мас. идрок билан тушуниш/тушунмаслик)
- синов** — тест, зачет, текшириш; талабанинг ~ /диплом дарси (*мактаб-педагогика практикасида*)
- синоним** [юнон. synonimos номдош] — маънодош қ; ~ тил birlikлари; ~, ономим, антоним
- синтагма** [юнон. syntagma бирлашган, туташ]: сўзларнинг ёнма-ён келиши (мас. сўз бирикмаси); ~ ва парадигма; ~ тик ва парадигматик
- сінтез** [юнон. synthesis бириктириш, қўшиш] — яхлит, бутун; анализ ва ~ методи (*илмий тадқиқот методларидан*); анализ қ ва ~
- синтетик** [юнон. синтез]: ~ (-интенсив, таҳлилсиз, курсор) ўқиш; матнни ~ ўқиш (-ёзма матнни идрок этиб тушуниш); ~ ва аналитик ўқиш
- синф** [ар.] — ягона ўқув дастури бўйича ўқув йили давомида шуғулланадиган ўқувчилар жамоаси; битирувчи/юқори/қуйи ~; ~ дан ташқари
- система** [юнон. systēma қисмлардан иборат бутунлик] — тизим; тил (-лексика, грамматика, фонетика) ~ си; таълим ~ си; машқлар ~ си; биринчи/иккинчи сигнал ~ си (*И. П. Павлов таълимоти*); кабинет ~ си; ~ ли ёндашиш (чет тилдан бўлғуси муаллимларга тилшунослик маълумотларини илмий системада ўргатиш; ~ ли (-систематик) ва концентрик қ ёндашиш
- системалаштириш** [юнон. система + ўзб.]: тил материални ~ (-тартибга тушириб такрорлаш); ~ методи (*илмий-тадқиқот методларидан*)
- системалилик** [юнон. + ўзб.]: ~ принципи (-чет тилда нутқ малакалари тизимини яратиш)
- систематик** [юнон. система]: ~ ёндашиш (-тил материални умумлаштириб, системага тушириб ўргатиш); ~ ва концентрик қ ёндашиш; (*И. В. Раҳманов 1956 йил (177—178-бетлар) таърифлаган*)
- ситуатив** [лот. situatio вазият] — нутқий вазиятга оид; ~ нутқ (ингл. role playing); ~ ёндашиш; ~ минимум
- ситуация** [лот. situatio вазият] — вазият қ; нутқ ~ си/мавзуи; сунъий ва табиий (-реал) ~; вербал/визуал ~; театрлаштирилган ~ (-текстни инсценировка қилиш)
- слайд** [ингл. slide] — рангсурат (*таълимнинг кўрсамали воситаларидан*)
- СНД** — соф нутқ дарси (қ дарс); АНД/СНД

- соф** [ар.]: ~ нутқ дарси ҳамда аралаш нутқ дарси (*чет тил дарсиничг икки тури*); ~ (-асил) нутқий машқ (*рус. собственно речевбе упраж-нёние*)
- соҳавий** [ар.] — соҳага, бирор фанга оид; ~ матн/атама/билим/ахборот; ~ мақсад (-чет тил таълимида)
- спонтан** [лот. spontaneus беихтиёрий] — ўз-ўзидан беихтиёрий содир бўладиган нутқ; ~ (-инициатив) нутқ (-мустақил ташаббус билан юритиладиган эркин нутқ)
- стадия** [юнон. stadion муайян масофа] — босқич қ
- стандарт** [ингл. standard меъёр, намуна, нусха] — таълимнинг меъёрланган мазмуни; ўқув-давлат ~и (-таянч марраи эгаллаш бўйича таълимий меъёр); чет тил ўқитиш концепцияси, ~ ҳамда программа, дарслик, қўлланма
- статар** [нем.]: ~ ўқиш (-мукамал ўқиш)
- стереотип** [юнон. stereōs қатъий, барқарор + týpos из, тамга]: динамик қ ~
- стимул** [лот. stimulus халачўп] — ҳаракатга ундаш, туртки, рағбат; ~ репликаси (-суҳбатдошнинг гапиришга ундовчи жумласи); ~ ва реакция қ репликалари
- стохастик** [юнон. stochastikós топа билувчи, айтиб берувчи] — ассоциатив қ фикрсиз; ~ нутқ, (-фикрсиз нутқ)
- стратегия** [юнон. strategia < stratos қўшин + agō етақлайман] — таълим жараёнини бошқариш, яъни йўлга солиб туриш; ўқитиш ~си (-умумий йўналиш-таълим мақсади); ўқитиш ~си, тактикаси қ, технологияси қ
- структура** [лот. structura тузилиш, жойлашиш, тартиб]: грамматик ~ (-грамматик қурилиш); дарс ~си (-тузилиши); дастур/дарслик/қўлланма ~си (-тузилиши)
- студент** [лот. studeo уринмоқ, тиришмоқ, қунт билан ҳаракат қилмоқ] — талаба; институт/университет/чет тиллар факультети ~и; кундузги/сиртқи/кечки бўлим ~и
- сугестив** [лот. suggestio ихлос, ишонч, эътимод]: ~ метод (*чет тилни жадал ўқитиш методи, Г. Лозанов методи*)
- суггестопедия** [лот. suggestio ихлос ... + paideia ўқитиш, ўргатиш] — ишончга асосланган таълим; чет тилни ~ёрдамида ўргатиш; ~/никтопедия қ
- суръат** [ар.] — тезлик қ, темп; нутқий ~ (-темп, тезлик)
- суффикс** [лот. suffixus бириктирилган] — ўзакка қўшиладиган қўшимча
- суффиксация** [лот. суффикс] — суффикслар қўшилиши; ~ва десуффиксация қ
- суҳбат** [ар.] — сўзлашиш, мусоҳаба, гурунг, жуфтнутқ (-диалог), гуруҳнутқ (-полилог); ~қуриш/ўтказиш/ташқил қилиш/тузиш; ~орқали (-савол-жавоб йўли билан) илмий муаммони аниқлаш (*илмий-тадқиқот методларидан*)
- суҳбатдош** [ар.+ф—т] — ўзаро сўзлашувчи икки ва ундан ортиқ киши (-диалог/полилог жараёнида шериклар), коммуникант
- сўз**: чет тилдаги ~; ~бойлиги; ~нинг ҳиссий (-ташқи) ва маъновий (-ички) томони; ~нинг маъносини очиш; ~ясаш минимуми/унсури/таҳлили; ~бирикмасы; ~билан (-вербал) ифодалаш; ~ларни методик гуруҳлаш; таниш ва нотаниш ~лар; таянч ~; алоҳида/якка/контекстда ~; ~/луғат бирлиги/лексик бирлик/имло бирлиги
- сўзлаш** — гапириш, суҳбат; чет тилда ~; ~ва тинглаш
- сўзлашув**: ~ китоби (*рус. разговорник*); ~тили (-оғзаки нутқ)
- сўзловчи** — фикр баён этувчи; чет тилда ~; ~ва тингловчи
- сураш**: оғзаки ~; ўтилган/янги материални ~; машқ жараёнида ~
- сўров** ~ варақаси (-анкета қ)
- сўроқ**: ~ гап/сўз/белгиси

табақалаш [ар.+ўзб.] — дифференциация қ, индивидуализация

тадрижийлик [ар.+ўзб.] — изчиллик, кетма-кетлик; машқлар бажаришда ~

тадрис [ар.] — дарс бериш (-ўқитиш) тизими, услубиёт қ, методика қ чет

- тил** ~и (- чет тил ўқитиш методикиси)
- тадқиқот** [ар.] — текшириш, ўрганиш, изланиш; ~ объекти/предмети/жараёни/натижаси; илмий- ~ методлари (- эксперимент, кузатиш, тажриба ўтказиш, анкета ўтказиш, тест, суҳбат, интервью, хронометраж, анализ/синтез, системалаштириш); фундаментал илмий ~; амалий илмий ~; назарий/экспериментал ~; муаллимлар/талаба (- студент)лар илмий- ~ ишлари
- тажриба** [ар.] : мактаб/ўқитиш/иш/муаллим ~ и; тил ~ си (-лингвистик (- бил-лим), лисоний (- кўникма), нутқий (- малака) қисмларидан иборат она тили, иккинчи тил, чет тилда тўпланган тажриба): илғор ~; таълимий ~ (илмий-тадқиқот методи); ~ ўтказиш (илмий-тадқиқот методи); ~ орт-тириш/ўрганиш/тўплаш/тарқатиш/умумлаштириш; таълимий ~, экспери-мент (илмий-тадқиқот методлари).
- тайёр** [ар.] : ~ жумла (-қолип, клише, яхлит гап, турғун сўз бирикмаси): ~ ва типовой жумла
- тайёргарлик**: дарсга ~; умумий. ~ (- савия)
- тайёрланган**: ~ нутқ (-аввал ўрганилган тил материали ёки нутқий мавзу юзасидан фикр баён этиш); ~ ва тайёрланмаган нутқ
- тайёрланмаган**: ~ нутқ (- экспром(п)т қ, бадиҳа қ, импровизация қ); ~ ва тайёрланган нутқ
- тайёрлаш**: тил материални ~; тил материални ~ ҳамда нутқ кўникма, ма-лакаларни шакллантириш; тил материални ~ босқичлари (- таянш, тасниф, тақсимот, тақдимот); методик ~; дарс/вазифа/кўргазмаллик ~
- такмиллаштирувчи**: ~ машқ; шакллантирувчи қ, ривожлантирувчи қ, ~ машқлар
- такрорлаш** — қайтариш қ; дарсни/материални/машқни ~; тақлидан ~ (- дрилл); ~ дарси
- тактика** [юнон. taktiká тартибга солиш]: чет тил ўқитиш ~ си (-амалий иш-лар, таълимий вазифалар: тушуниш, фикр баён қилиш, тил бирлигини ўрганиш ва ҳ.к.з.); таълим ~ си/стратегияси қ/технологияси қ
- талаб** [ар.] : машқ ~ и; машқ ~, материали ҳамда мазмуни: машқ/дастур ~ и
- талаба** [ар.] : — студент (- олий ўқув юртида таҳсил олувчи); институт/уни-верситет/чет тиллар факультети/бўлими ~ си; кундузги/сиртқи/кечки бў-лим ~ си
- талаффуз** [ар.] — товуш /сўз/гап айтилиши; тилнинг ~ (- фонетик) жиҳати; гапиришнинг ~ томони; ~ материали (- фонетик материал); ~ бирлиги (- фонетик бирлик); ~ қийинчиликлари (- артикуляция, оппозицион, оппози-цион, акустик қийинчиликлар); ~ кўникмаси/техникаси/машқи; ~ тех-никаси (- артикуляция ҳамда интонация операциялари); ~ материали (- товуш, товуш бирикмаси, фонетик ҳодиса, интонация); ~ (- фонетик) ҳодисаси (- товушнинг сўз ёки бўғиндаги ўрнига кўра айтилиши); чет тилда тақрибий (- апроксимациялашган) ~ ва она тилида тўғри ~; ада-бий ~; ~ ўргатишнинг тақлидий (- имитатив) ва таҳлилий (- анализ) методлари; ~ ўргатиш усуллари (- товуш алоҳида, сўзда, гапда айти-лади); ~ ни ўргатиш мазмуни - ТУМ қ компрессия)
- тамғаланиш**: фикран тамғаланиш (- динамик стереотип қ)
- таминув**: ~ ўқиш (- мазмунни юзаки тушуниб ўқиш, умумий мазмунни ўр-ганиш учун ўқиш (- ингл. fluently reading равон, жадал, юзаки ўқиш); ~ ўрганув, кузатув ўқиш
- танлаш** — саралаш, ажратиш, сайлаш, селекция; ~ мезони/манбаи/бирлиги/тадбири; тил материални/текстни/машқни ~; лексикани/грамматикани/фонетикани ~ (- минимум яратиш); ~ тадбири (-рус. процедура); ~, тасниф, тақсимот, тақдимот
- тарбия** [ар.] — ўқув ~ (-таълим- ~) ишлари/амалиёти/жараёни/ша-роити/воситаси; ~ бериш/олиш; маънавий (- ахлоқий) ~; ~ кўрган/бер-ган/олган; чет тил материалда ~ лаш; таълим билан ~ бирлиги
- тарбиявий** [ар.] — тарбияга оид; ~ ишлар/тадбир/соат; ~ йўналиш; ~ мақ-сад (чет тил ўқитиш мақсадларидан)

- жараёнидаш** [ар.+узб.]: ўқувчи/талаба/ларни чет тил материалида ~, таълим жараёнида ~
- таржима** [ар.] — тилдан тилга ўгириш, ағдариш; оғзаки/ёзма ~; ~ методи (*тарихий методлардан*); чет тилдан она тилига ~; она тилидан чет тилга ~; сўзма-сўз/мазмунан ~; матн/жумла/сўз ~ си; ~ машқи/малакаси; ~ ва ~ сиз усул (*тил бирлиги маъноси очиш усуллари*)
- таржимали** [ар.+узб.]: ~ машқ (- чет тилдан она тилига, она тилидан чет тилга ўтириш машқлари)
- таржимасиз** [ар.+узб.]: ~ ўқиш (- синтетик ўқиш); ~ ва таржимали усул (*маъно очиш усуллари*)
- тарихий** [ар.]: чет тил ўқитиш ~ методлари; ~ ҳамда жараён методлари (қ метод)
- тарқатма**: ~ материал (-рус. раздаточный материал), қ материал
- тасаввур** [ар.] — ондаги психик жараён; ~ қилиш; кўрув ~ и, хотира ~ и; ~ даги вазият (*нутқ вазиятига оид*)
- тасниф** [ар.] — типология қ, классификация қ
- тафаккур** [ар.] — фикрлаш; ~ шаклланиши; мантиқий/мавҳум (-абстракт) ~; нутқ билан ~ бирлиги; ~ вербалдир қ
- ташқил** [ар.]: — ~ этиш (-рус. организация) тил материалини ~ этиш; чет тил таълимини ~ этиш; лексикани/грамматикани/фонетикани ~ этиш (- тақсимлаш)
- ташқилий** [ар.]: чет тил ўқитиш ~ формалари; методиканинг назарий ҳамда ~ масалалари; ~ (-рус. организационный (- дарсга келмаслик, сустлик, зафиксация туйғули) ҳамда интерференцион (-таъсирий-тил ҳодисаларининг чалқашини оқибатидаги) қийинчиликлар
- ташқилот** [ар.] — тил материалини тақсимлаш (-рус. организация), қ тақсимот
- таълим** [ар.] — ўқитиш, ўргатиш; халқ ~ и; ~ воситаси/мақсади/мазмун/методи/принципи/жараёни/шароити; ~ назарияси (-таълимшунослик, дидактика); ~ босқичлари (- бошланғич, ўрта, юқори); ~ билан тарбия бирлиги
- таълимий** [ар.] — таълимга оид; ~ ўйин/назорат/тест; ~ тажриба (*илмий-тадқиқот методи*); ~ мақсад қ умумтаълимий
- таълимшунослик** [ар.+ф+т+узб.] — дидактика, ўқитиш (-таълим) назарияси; ~ (-дидактика) принциплари; чет тил ўргатишининг ~ принциплари; чет тил ўқитиш методикасининг ~ асослари; лисоний ~
- таъриф** [ар.] — дефиниция қ; қоида ~ лари (- тил бирлигининг ифодаланishi)
- таъсир** [ар.]: ижобий ва салбий ~; ижобий ~ (- транспозиция) ва салбий ~ (- интерференция)
- таяниш**: контекстга ~; она тилига/тил таърибасига ~; тил таърибасини ҳисобга олиш
- таянч** — тил ўрганишга ёрдам кўрсатадиган лисоний бирлик; ~ сўз (-рус. ключевое/опорное слово, *ингл.* key word калит сўз); ~ сўз/маъно/жумла/матн; вербал/визуал ~; ёзма ва оғзаки ~
- тақдимот** [ар.] — презентация қ, ўқув материалини ўзлаштириш ёки ўргатишдаги дастлабки қадам; статик (- дарсликда) ва динамик (- амалда) ~
- тақлид** [ар.] — ўхшатиш, имитация (*В. С. Цетлин таъбири билан «идрок этилганда ўхшатиб нутқий ҳаракат қилиш»*); ~ ва таҳлил методи қ имитация, анализ
- тақлидан** [ар.] — тақлидий йўл билан, ўхшатиб, эргашиб; ~ талаффуз қилиш/гапириш/ўқиш/ёзиш; ~ бажариладиган машқ (- дрилл)
- тақлидий** [ар.]: талаффуз ўргатишининг ~ методи; ~ (-имитация) ва тақлидий (- анализ) метод
- тақрибий** [ар.]: ~ (-аппроксимациялашган) талаффуз; чет тилда ~ (-аппроксимациялашган — қ) ва она тилда тўғри талаффуз
- тақсимот** [ар.] — дистрибуция қ, тақсимлаш, ташқил этиш (-рус. организация)
- таққослаш** [ар.+узб.] — қиёслаш қ, муқояса қ
- таҳлил** [ар.] — анализ (- тил материалини таъриф-таъсиф этиш орқали ту-

шунтириш); грамматик ~; қиссий ~; илмий-методик ~; илмий адабиёт-ни ретроспектив (- тарихий) ~ қилиш; ретроспектив/танқидий/илмий ~; ~ (-анализ) ва тақлид (-имитация)

таҳлилий [ар.]: талаффуз ўргатишининг ~ методл: ~ ва тақлидий усул/метод
таҳсил [ар.] — ўқиш, билим олиш; ~ олмоқ (- ўқимоқ)

театрлаштирилган: ~ ситуация (- текстни инсценировка қилиш)

тезлик — суръат; ўқиш/ёзиш/жавоб/нутқ ~ ги (-суръати, темпи)

текст [лот. *textus* тўқима, бирикма] — матн қ, нутқ маҳсули ҳамда объекти; нутқ объекти (-ўқиладиган (-график, ёзма) ёки тингланадиган аудиотекст) ҳамда нутқий маҳсулот (- гапириш ёки ёзув ҳосиласи); магнитофон ёзувидаги/жонли ~; чет тилдаги ~; ўқиладиган/тингланадиган ~; соҳавий/сиёсий/спортга оид ~; дарслик ~ и; боғланишли (-боғланма) ~; < график/оғзаки ~; ~ ни адаптация қилиш (-мослаштириш, соддалаштириш); ~ тузиш/танлаш/кўчириш/ўқиш/таржимаси; ~ олди/ ~ бўйича/ ~ дан кейинги машқ; ~ турлари/мазмун/сюжети/луғати; танланган/тузилган ~; адаптация қилинган/оригинал ~

текстуал — текстга оид; ~ дидактика (- текст ўқиш билан боғлиқ масалаларни ёритувчи илмий соҳа); ~ дидактика/лингвистика

текшириш — тест қ, синов қ, назорат қ, контрол қ; уй вазифасини ~; дафтар ~; нутқий кўникмани/малакани ~

текширув — назорат қ

телевизион [юнон. *tele* узоқ + лот. *visum* (video) қарамоқ, томоша қилмоқ]: ~ курс (- телекурс); ~ дарс (- теледарс); ~ орқали ўқув кўрсатувлари тизими (-теледидактика); ~ муаллим (-телемуаллим), ~ кўрсатув (-телекўрсатув)

теледарс [юнон. + ар.] — телевизион қ дарс

теледидактика [юнон. теле + дидактика] — ўқув телекўрсатувлар тизими

телекурс [юнон. + лот.] — телевизион қ курс

тема [юнон. *thēma айқан* асосига қурилган] — мавзу; нутқий ~; оғзаки нутқ/ўқиш ~ лари; дарс ~ си; ~ ни тайёрлаш/айтиб бериш/ўтиш

тематик [юнон. тема] — мавзуйи, мавзудош; ~ (-мавзудош) лексика; ~ кеча; ~ текширув; ~ (-мавзуйи) режа

тескари: ~ маъноли (- антоним); ~ маъноли сўзлар

тест [ингл. *test* синов, текшириш] — синов, имтиҳон, текшириш; альтернатив ~ (назорат шакли); **танлаб** жавоб қайтариш ~ и; диагностик ~, ~ ўтказиш (илмий-тадқиқот методларидан)

тёхника [юнон. *téchne* маҳорат, усталик]: тил ~ си (- ўқиш, ёзиш, талаффуз ~ си); таълимнинг ~ воситалари (кўргазмали қурошлар)

техникавий [юнон. техника] — тил ~ сига оид; ~ (- ўқиш, ёзиш, талаффуз) кўникма; тилнинг ~ томони; ~ ва мазмуний томон; ~ воситалар

технология [юнон. *téchne* маҳорат, усталик + *logos* таълимот] — муайян жараёни юргизиш усуллари ҳамда воситалари; чет тил ўқитиш ~ си; ўқитиш ~ си/стратегияси қ/тактикаси қ

тил — лисон; ~ бирлиги/ҳодисаси/материали/тажрибаси; ~ бирлиги (-луғат, лексик, грамматик, талаффуз, имло бирлиги); ~ тажрибаси (- она тили, иккинчи ~, чет ~ даги билим, кўникма, малака мажмуи); ўзга/бошқа/ /бегона ~; ~ компетенцияси (- ~ лаёқати, лисоний иқтидор); ~ ҳиссиёти (- ~ ни ҳис этиш -рус. языковёе чутёё); ~ тажрибасини ҳисобга олиш принципи; ~ лар алоқаси (- контакти); она тили (- тафаккур шаклланадиган ~); иккинчи ~ (- келгидилар учун шу ерининг давлат тили, мас. ўзбек тили бошқа тиллар эгалари учун, ўзбеклар учун рус тили ёки бошқа халқлар (қўшнилар) ~); ~ система ҳамда мулоқот воситаси; ~ тажрибаси (- лингвистик, лисоний, нутқий қисмлардан иборат); чет ~ (-хорижий ~, ажнабий ~, ўзгалар ~ и, бошқа юрт ~ и); чет ~ муҳити; чет ~ ўрганиш (- чет тилда гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзув малакаларини эгаллаш); чет ~ лар институти/факультети/бўлими/кафедраси; чет ~ билиш/ўрганиш/ўқитиш; чет ~ ўқитиш методикаси; чет ~ ўргатиш психологияси; чет ~ ўқитиш жараёни/масалалари /амалиёти; чет ~ муаллими/ўргатувчи/ўрганувчи/репетитори (- лисоний муаллими)

- тилшунос** [ўзб. + ф.—т] — лингвист, лингвистика (- тилшунослик) мутахассиси; ~, руҳшунос, методист, муаллим
- тилшунослик** [ўзб. + ф.—т + ўзб.] — лингвистика, тил ҳақидаги фан; чет тил ўқитиш методикасининг ~ асослари; ~, таълимшунослик, руҳшунослик
- тимсол** [ар.] — образ қ; товуш (-фонетик) ҳарфий (-график), имловий (-орфографик) ~; кўрув/эшитиш/ҳаракат ~ и
- тинглаш** — тинглаш ҳамда тушуниш, тинглаб тушуниш (рус: аудирование, нутқ фаолияти тури); нутқни/дикторни/муаллимни ~; ~ кўникмаси ҳамда малакаси; гапириш/тинглаб тушуниш; ~ (-аудитив) машқи
- тингловчи** — аудитор қ; лекция ~лар (-аудитория), сомъе (-эшитувчи, тингловчи)
- типовбӣ** [юнон. týpos тамға, из, намуна + рус.] — намунавий, андазавий, асос бўладиган; ~ ўқув режаси/дастур/дарслик; ~ жумла (-чет тил ~ дастурида берилган янги жумлалар тузиш учун асос (-нутқ намунаси) даражасидаги гап); ~ ва тайёр (-яхлит) жумла; ~ (-намунавий) жумлага асосланиб гаплар тузиш; ~ (жорий/амалдаги) ўқув режаси/дастури/тил минимуми
- типолógия** [юнон. týpos + lógos таълимот] — тасниф(лаш), типларга бўлиш, гуруҳларга ажратиш, лингвистик/лингводидактик/лингвометодик ~; хатолар/қийинчиликлар/машқлар/текстлар/дарслар/тил материали ~си; методик ~, (-классификация қ), дистрибуция қ, презентация қ
- товуш** — талаффуз бирлиги; ~ тимсоли/шакли; ~ -ҳарф (-фонема-графема) муносабати (-ўқилиш қондаси)
- топширок**: методик/ўқув/якка (-индивидуал) ~; ~ни бажариш; ~ бериш/толиш/ёзиш/бажариш
- топқирлик**: тил ~ги. (-рус. доғадка)
- традицион** [лот. traditio бировга етказиш, ривоят, ҳикоя қилиб бериш] — анъанавий қ; ~ (-анъанавий) метод/таълим/усул/дарс; ~ ва замонавий
- транскрипция** [лот. transcriptio кўчириб ёзиш] — ёзувда товуш белгиси, фонетик ёзув; фонетик ~; қисман (-ҳарф ёки ҳарф бирикмаси), ~си; тўлиқ ~ (-сўз, гап ~си); қисман ва тўлиқ ~
- транспозиция** [лот. transpositio бошқа жойга кўчириш] — ижобий таъсир, ижобий кўчиш, ёрдамга келиш, кўмаклашиш (-ижобий натижага олиб борувчи билим, кўникма, малаканинг кўчиши); ~ ва интерференция қ
- тренировка** [ингл. + рус.] — машқ қилиш (*ўзлаштириш босқичларидан*); ~ машқи (-дрилл)
- трилингв** [юнон. trí уч + лот. lingua тил] — уч тилда сўзлашувчи, уч тилли; ~ (-уч тилли), полиглот (-кўп тилли), билингв (-икки тилли, зуллисонан), монолингв (-бир тилли, якзабон)
- тузиш**: қўлланма/дастур/ўқиш китоби/машқ/тест ~; текст ~, текст танлаш
- тушуниш**: тинглаб ~; таржимасиз ~; ўқиб ~; идрок этиб ~; оғзаки ёки ёзма нутқни ~; текстни/аудиотекстни ~
- тушунтириш**: янги материални ~; сўз маъносини/грамматик ҳодисани ~
- тушунча** — фикр формаси, психик маҳсул; ~нинг шаклланиши/ифодаланиши; методик/илмий/соҳавий/дидактик/психологик ~; конкрет (-аниқ, равшан) ва абстракт (-мавҳум) ~
- ТУМ** — талаффузни ўргатиш мазмуни (қ компрессия); ЛУМ, ГУМ, ТУМ
- тўхташ** — пауза қ; нутқда ~; орада ~ (магнитофон ёзувида)
- уй**: ~ да ўқиш/дарс қилиш; ~ иши/вазифаси/машқи; ~га вазифа; ~ иши/синф иши
- умумлашма** — қоида, мавҳумот, содда таъриф; грамматик ~ (-грамматик механизмнинг таркибий қисми); қоида-кўрсатма ва қоида - ~
- умумлаштириш**: тажриба ~; илғор иш тажрибасини ~ /тарқатиш; ўрганилган тил материални ~ /такрорлаш
- умумтаълимий**: ~ мақсад (чет тил ўқитиш мақсадларидан); чет тил ~ /ихтисос ўқув предмети; чет тил ўқитишининг амалий, ~, тарбиявий, ривожлантирувчи, касбий мақсадлари

- уңдовчи:** ~ реплика (- стимул реплика); ~ (- стимул) ва жавоб (- реакция) репликаси, қ реплика
- услугиёт** [ар.] — методика қ, тадрис қ; чет тил ўқитиш ~ и (- методикаси)
- услугиый** [ар.] — методик қ
- услугичи** [ар. + ф-т] — методист (- ўқитиш услугиёти мутахассиси); чет тил ўқитиш ~ си (методисти)
- усул** [ар.]: методик ~; сўз маъносини очиш ~ и; талаффуз ўргатиш ~
- факультатив** [лот. facultas (facultatis) мумкинлик, илож] — ихтиёрий (- мажбурий бўлмаган); ~ курс/ўқув предмети/машғулот; чет тилдан ~ курс; ~ (- ихтиёрий) ва мажбурий курс
- фаол** [ар.]: тилни ~ (- актив) эгалламоқ; ўқувчилар ~ лиги (- активлиги); чет тил ўрганишида/дарсда/дарсдан ташқари ишларда ~ қатнашмоқ
- фаолият** [ар.]: нутқий/ақлий ~; нутқ ~ и турлари (гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзув); ўқувчи/муаллим ~; ~ ни активлаштириш
- фаоллик** [ар. + ўзб.]: ~ (- активлик) принципи (*дидактик принциплардан*)
- фаҳмлаш** [ар. + ўзб.] — маънони англаш, топқирлик; контекстан ~ (- топиш); янги сўз маъносини сўз ясовчи унсурлар ёрдамида ~; лисоний ~ (-рус. языковая доғадка)
- фиқр** [ар.]: ~ баён этиш; чет тилда ~ баён этиш; ~ юритиш; ~ ифодаланиши (- гапириш ҳосиласи); ~ юритмасдан бажариладиган машқ (-дрилл)
- фиқран:** ~ боғланиш (- ассоциация); ~ тамғаланиш (- динамик қ стереотип)
- фиқрлаш** [ар. + ўзб.] — тафаккур қ, мавҳум/мантикий/ижодий ~
- фиқрсиз** [ар. + ўзб.]: ~ нутқ (- стохастик нутқ, ассоциатив нутқ)
- филологик** [юнон. philoё яхши кўраман + logos сўз] — тил ҳамда адабиётга оид; ~ мақсад (- чет тил олий ўқув юрти дастури талабларидан); ~ йўналишдаги матн; ~ маълумот
- фильм** [ингл. film пўст, пўстлоқ]: **ўқув ~ и;** овозли/овозсиз ~; ~ кўрсатиш/кўриш/муҳокама қилиш
- фланелёграф** [фр. flanelle тукли мато — юнон gráfo ёзаман] — тахтага расм ёпишадиган матодан тортилиб ясалган ўқув воситаси (*кўргазмалилик турларидан*); ~ дан фойдаланиш
- фонёма** [юнон. phónēma товуш] — маъно ифодаловчи товуш, сўз/морфеманинг маъносини фарқлашга хизмат қиладиган нутқ товуши; ~, графема, нтонема
- фонетик** [юнон. фонетика] — фонетика (- талаффуз)га оид; ~ зарядка (- талаффузни йўлга қўйишга хизмат қиладиган машқ); ~ тест; ~ дрилл (- зарядка); ~ бирлик/ҳодиса/хато/қийинчилик/машқ/ёзув/кўйинма; ~ минимум
- фонетика** [юнон. phónētikós товушга оид] — тилнинг товуш (- талаффуз қ) томони
- фоно ...** [юнон. phone товуш]: **фонограмма** қ; **фонозал** (- товуш ёзиш/эшитиш хонаси); **фономашқ** (- тилнинг товуш томонини машқ қилиш); **фонотека** (- фоноёзувлар сақланадиган жой); **фонограф** қ; **фономатериал** қ
- фонограмма** [юнон. фоно + grámma ёзилиш, ҳарф]: чет тилда ~; ~ дан фойдаланиш
- фонограф** [юнон. фоно + grápho ёзаман] — товуш ёзиш асбоблари (*техника воситаларидан*)
- фономатериал** [юнон. фоно + лот. материал] — товуш ёзилган ўқув воситаси; ~ қўллаш/тайёрлаш
- форма** [лот. forma қиёфа] — шакл қ, ясалиш қ; феъл ~ си; грамматик ~; чет тил бирлиги ~ си (- шакли, ясалиши), функцияси (- қўлланиши), семантикаси (- маъноси)
- формал** [лот. форма] — форма (- шакл, ясалиши) билан боғлиқ; ~ қийин-

чиликлар; тил ҳодисасининг ~ (- шаклий), функционал (- қўлланиш), маъновий (- семантик) жиҳатлари

фронтал [фр. frontal] — ёнпасига, оммавий; ~ иш/машғулот; индивидуал ва ~; ~ текширув; ~, группа бўлиб, индивидуал (-якка) қ

Функционал [лот. функция] — функция (- қўлланиш)га оид; ~ қийинчилик; ~, формал (-шаклий), семантик (-маъновий) қийинчиликлар; тил ҳодисасининг ~ (- қўлланиш), формал (-шаклий), семантик (- маъновий) жиҳатлари.

Функция [лот. functio ижро, амалга ошириш] — қўлланилиш қ; чет тил бирлиги ~ си (- қўлланиши), формаси (- шакли, ясалishi), семантикаси (- маъноси)

хато [ар.] — нутқда тил материалини нотўғри қўлланиш, лисоний ёки бошқа қийинчилик оқибати; лексик/грамматик/талаффузда/имловий/ўқишда/ /нутқий ~; ~ ни ўрганиш/бартараф этиш/тўғрилаш; ~ га йўл қўймаслик; ~ қилиш/айтиш/гапириш/ёзиш/ўқиш/тушуниш; ~ ва тўғри

хомаки [ф—т]: ~ расм (- кроки - қ)

хорижазон [ар. + ф—т] — чет тилда сўзлашувчи; чет тил биладиган; ~ талаба/муаллим/мутахассис/муҳмон

хорижий [ар.] — ажнабий, чет; ~ тил; ~ мамлакат (- она ватандан бошқа юрт) тили (қ чет тил)

хотира [ар.]: кучли ~; ~ ни машқ қилдириш; ~ нинг ҳажми; қисқа муддатли (- оператив) ва узоқ муддатли (- доимий) ~; ~ да сақлаш; ~ дан кўтарилиш; эшитиш, кўрув, ҳаракат, вербал ~

хронометраж [юнон. χρονος вақт + метрон ўлчов] — тил таълимида сарфланадиган вақтни ўлчаш (*илмий-тадқиқот методларидан*), қ тадқиқот

чет (чет тил) — хорижий, ажнабий тил; мактабда ўқитиладиган чет тиллар (- инглиз, испан, немис, француз, рус — Оврупо тиллари ҳамда араб, турк, форс, хитой, ҳинд, урду — Шарқ тиллари); чет тилда нутқ фаолияти турлари (гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзув); чет тил институти/факультети/бўлими/кафедраси/муаллими; чет тил хонаси (- кабинет); чет тилни кичик ёшдан ўргатиш/ўрганиш; чет тилни чуқур ўргатиш (махсус мактаб ёки факультатив курс); чет тил, она тил, иккинчи тил; чет тил ўқитиш методикаси, қ тил

шайлик — мойиллик (- ўрганиладиган объект — тил материали/нутқга субъект (- ўқувчи)нинг шайлиги (- мойиллиги); ~ назарияси (атама-тушунча рус. «установка» Д. Н. Узнадзе томонидан таклиф қилинган)

шакл [ар.] — форма қ, ясалish қ; чет тил бирлиги ~ и; чет тил бирлиги ~ и (- формаси, ясалishi), қўлланилиши (- функцияси), маъноси (- семантикаси); феъл/сифат/равнш ~ и; ёзма ва оғзаки ~; график (- ҳарфий), фонетик (товуш) ~; ~ билан мазмун бирлиги

шаклош [ар. + ф—т] — омоним қ; ~, маънодош, тескари маъноли тил

ҳодисалари

шаклий [ар.] — шаклга оид; тил ҳодисасининг ~, қўлланилиш, маъновий жиҳатлари

шакллантирувчи: ~ машқ; ~, ривожлантирувчи, такомиллаштирувчи машқ

шароит [ар.] — ҳолат, вазият; таълим (-ўқитиш) ~ и; чет тил ўқитиш ~; ~ яратиш; ~ билан мақсад (*чет тил таълимида*)

эгаллаш — ўрганиб олиш, билиб олиш; тилни ~; амалий ва назарий ~; оғзаки нутқни ~; нутқ кўникмаси, малакасини ~

эксперимент [лот. experimentum синаш, тажриба] — илмий тажриба (*илмий-тадқиқот методларидан*, мас. лабораторияси ~ и); табиий/лаборатория ~; ассий/ёрдамчи ~; бир марталик/такрорий ~; ~ ўтказиш/қилиш/олиб бориш/бошлаш; ~ назарияси/ништирокчиси/материали/натijasи/кечиши (-ўтиши) /жараёни; ~ жойи; қ тадқиқот

- экспериментал** [лот. эксперимент] — эксперимент билан боғлиқ; ~ тадқиқот /иш/дарслик/материал; контрол ва ~ гуруҳ
- экспериментатор** [лот. эксперимент] — эксперимент (-илимий тажриба) ўтказувчи; ~ иширокидаги машғулот
- экспозиция** [лот. expositio намойиш этиш] — тил бирлигининг нутқда қўлланиб (айтиб, ўқиб, ёзиб) кўрсатилиши
- экспром(п)т** [лот. exprom(p)tus тайёр, ҳозир] — импровизация қ, бадиҳа қ, олдиндан ҳозирлик кўрмасдан гапириш (-тайёрланмаган оғзаки нутқ)
- экстенсив** [лот. extensivus кенгаювчан, узаювчан]; ~ ўқиш (-аналитик қ, дискурсив қ ўқиш); ~ таълим (-вақт эътибори билан чўзиладиган таълим); ~ (-чўзиладиган) ва интенсив (-жадал) таълим/курс
- экстериоризация** [лат. exterior ташқи, сиртқи] интериоризация билан боғлиқ ҳолда ташқи ҳаракатларнинг, мас. айтиладиган жумлаларнинг ҳосил бўлиш жараёни, ~ ва интериоризация қ
- экстрове́рт** [лот. extra ташқарига + versio бурмоқ, қаратмоқ] — киришимли, сезгир (-чет тилда сўзлашни ёқтирадиган); ~ ва интроверт—қ
- эмо́ция** [фр. émotion < лот. emovere ҳаяжонлантирмоқ, тўлқинлантирмоқ] — туйғу, ҳиссиёт, ички кечинма
- эпистоля́р** [юнон. epistole хат, мактуб] — мактубий, хатга оид; чет тилда ~ жумлалар (-хат ёзишда қўлланидиган гаплар)
- эталон** [фр. étalon] — қолип қ, намуна қ, андаза қ
- э́тап** [фр. étape] — босқич қ
- эшийтиш** — товушни ~ сезгиси орқали қабул қилиш; ~ сезгиси/хотираси/анализатори/тимсоли; ~ сезгиси (-товуш тўлқинлари белги ҳамда сифатларининг акс эттирилиши); ~ хотираси (-~тимсолларини эсда қолдириш, мустаҳкамлаш, эсга тушириш); ~ тимсоли (-товуш кўзгочиларини сезиш/идрок қилишда ҳосил бўлган образ); ~ анализатори (-~нерв маркази)
- эшитув:** ~ идроки (-товуш тўлқинларининг яхлит акс эттирилиши); ~ анализатори (~нерв маркази); ~ диққати (-нарс ва ҳодисани қулоқ билан идрок қилиш ҳамда эслашга оид диққат)
- э́тимо́д** [ар.] — қаттиқ ишониш, ихлос қўйиш; ~ муҳитини яратиш (-чет тил ўрганиш жараёнида сунъий нутқий вазиятга тўла мослашиш)
- якзабон** [ф-т] — бир тилли, монолингв (-бир тилни биладиган)
- якуний** [ар.]: ~ мақсад (*чет тил таълимида*) ~ ҳамда оралиқ мақсад/кўрсаткич; ~ курсаткич (-мактаб тугашидаги нутқий малакага оид) ~ текширув (-назорат)
- якканутқ** [ф-т+ар.] — монолог қ; гапириш, сўзлаш; ~ машқи; ~, жуфт-нутқ, гуруҳнутқ
- яса́лиш** — шакл қ, форма қ; сўз/грамматик ҳодиса ~ и; ~ (-форма), маъно семантика) қўлланилиш (-функция)

ўзлаштириш — шахснинг ижтимоий-тарихий (жумладан лисоний) тажриба орттириш йўли; тил материални тайёрлаш ҳамда ~; тил материални ~ босқичлари (танишиш, машқ қилиш, қўлланиш, назорат); тил материални тайёрлаш/ ~ босқичлари; пухта ~ (-чет тил бирликлари юзасидан барқарор нутқий кўникма ҳамда малака ҳосил қилиш); ~ қадами (-алгоритм); юзаки (-бўш) ва чуқур (-пухта) ~

УНВ — ўқув-нутқий вазият; УНВ (-табiiий (ҳаётий) ҳамда сунъий (-тасаввурдаги, ҳаёлий) вазиятни яратиш; жуфтнутқ билан гуруҳнутқ учун УНВ ни яратиш; УНВ билан нутқий тема қ

ўрганиш — билиб олиш, эгаллаш қ; чет тилига ~; лексикани/грамматикани/ талаффузини/нутқ фаолияти турларини ~; ~/ўзлаштириш/эгаллаш

ўрганув: ~ ўқиш (-мутолаа, яъни текст мазмунидан барча тафсилотларни ўрганиб олиш, ахборотни синчиклаб тушуниш, ингл. close reading); ~, танишув, кузатув ўқиш

ўргатиш — ўқитиш қ, тушуштириш қ, янги материални билдириш, сабоқ қ бе-

- риш; таълим қ бериш; чет тил ~; ўқув материалли [нутқини ~; ~ ва ўрганиш қ]
- Ўқилиш:** ~ қондаси (-ўқиш техникаси); ҳарф/сўз/матн ~ и; ~ да ҳамда ёв-лишда; ~, ўқиш қ; ~ жараёни (-ўқиш техникаси)
- Ўқитиш** — таълим қ, ўргатиш қ; ~ методикаси (-услубиёти); ~ қонуниятла-ри/қонун-қондалари/жараёни/натижаси/назарияси /амалиёти/ ишлари; чет тил ~ (-ўргатиш, таълими)
- Ўқитувчи** — муаллим қ, домла (*халқ тилида*), мударрис (*мадрасада*), муайян соҳа ёки фандан сабоқ берувчи, таълим-тарбия берувчи; ~ кито-би/тавсияси/методикаси/тажрибаси/малакаси; чет тил ~ си (-муаллими)
- Ўқиш** — матндач ахборот олиш, яъни маттни идрок этиб мазмунини англаш, (*нутқ фоолияти тури*), ёзилганни айтиш, яъни ҳарф-товуш муносабати-нинг рўёбга чиқиши (*ўқиш техникаси*), таҳсил олиш, ўрганиш, таълим олиш; ~ техникаси (ўқилиш жараёни ҳамда ўқилиш қондалари мажмуи; ~ техникаси машқи; ~ тезлиги (-суъати, темпи); сўзни бутунича (-яхлит) ~ / бўғиналаб ~ методлари / ~ турлари/машқлари/мавзулари/кўникма-си/малакаси/китоби/материали; ~ материали ҳамда ўқув материали; ифодали/қўшимча/муस्ताқил/синфда/уйда/ичда/овоз чиқариб/луғат билан /луғатсиз ~; ~ турлари: аналитик ва синтетик (-курсор) ~ (идрок этиб тушунишга кўра), танишув, ўрганув, кузатув ~ (кўзлана-диган мақсаддан келиб чиқиш), тайёрланган ва тайёрланмаган ~ (кў-рилган ҳозирлик муносабати билан), таржимали ва таржимасиз ~ тил тажрибаси жиҳатидан), луғат билан ва луғатсиз ~ (она тили аралашу-ви), синфда ёки уйда ~ (ишлаш жойи), ёлғиз (-якка) ва хор билан ~ (ташкилий томони), ичда (-овозсиз) ва овоз чиқариб ~ (овоз иштиро-ки); статар ~ (-мукамал ~)
- Ўқув:** ~ материали/дастури/режаси/жараён/предмети/юрти/курси/гуруҳи/воситаси/жиҳози/қўлланмаси; ~ тарбия режаси/ишлари/практикаси/жа-раёни; ~ методик иш/тадбир/адабиёт/хужжат; ~ материали ҳамда ўқиш материали; ~ телевизион дастури; ~ нарузкаси (-дарс соати); ~ жадвали (-дарс жадвали); ~ (-ўрганиш) бирлиги
- Ўқувчи** — билим ҳамда таълим олувчи, таҳсил кўрувчи, талаба; мактаб ҳу-нар-техника билим юрти/техникум ~ си; ~ китоби; аълочи ~, яхши /ўртача ўқийдиган ~; қолоқ/илғор/интизомли ~; ~, талаба [-студент], муаллим

қайтариш — такрорлаш қ; такрорлаш (- ~) дарси

қийёсий [ар.]: ~ методика/педагогика/тилшунослик/грамматика/фонетика; онгли-~ метод (*ўқитиш методларидан*)

қийёслаш [ар.+ўзб.] — таққослаш қ, муқояса қ, чоғиштириш, солиштириш, лингводидактик/лингвистик ~; лингводидактик ~ нинг контрастив қ/ компаратив қ турлари; контрастив ~ (-тилларамо муқояса), компаратив ~ (-тил ички қийёсланиши)

қизиқиш: чет тилга ~; ~/ихлос/эътимод уйғотмоқ; ~ билан қарамоқ/ўр-ганмоқ/шуғуланмоқ

қийин — мушкул, мураккаб (-ўзлаштириш учун вақт ҳамда меҳнат/куч/та-лаб қиладиган); ~ материал/лексика/грамматика/талаффуз/ҳодиса/бир-лик/матн/сўз/қонда/мавзу; ~ ва осон

қийинчилик — лисоний тафовут ҳосиласи (ёки ташкилий камчилик оқибати); функционал (-қўлланиш), формал (-шаклий, ясалиш), семантик (-маъно-вий) ~; лексик, грамматик, талаффуз ~ ги; артикуляцион, оппозицион, позицион, акустик (*талаффузда*) ~; ~ лар таснифи (-классификацияси, ти-пологияси); ~ ни энгши/бартараф этиш/олдини/олиш/тарқатиш/олдин-дан билиш; ~ ларни тарқатиб ўргатиш принципи; ~ оқибати — хато-дир; интерференцион қ ҳамда ташкилий (-рус. организационная) ~; ~ билан хато; статик (-назарияда) ва динамик (-хато) ~; ҳоким ва тобе ~

қобилият [ар.]: идрок/эслаш/ўргатиш/фарқлаш/ижодий/умумлаштириш/фа-ҳмлаш/билиш ~ и

қоида [ар.] — нутқда қўлланадиган тил материали ҳақидаги мавҳумлашти-рилган кўрсатма ёки умумлашма; ~ таърифи; ~-умумлашма ва ~

-қўрсатма умумий ва хусусий ~; ~ билан аналогия; ўқилиш/ёзилиш (ёзиш)/артикуляция (-айтиш, талаффуз) ~ си; грамматик ~; ёзиш ~ си (-имло, орфография); вербал ёки визуал ~; тил материали ёки тил техникаси ~ си; бирламчи, қиёсий, яқуний ~; ~ чиқариш/бериш/ёдламаслик/сўрамаслик/ёздирмаслик (*мактаб таълимида*) чет тил бўйича содда/лунда/педагогик (-дидактик)/амалий (-оператив) ~

қолип — эталон қ, клише қ, тайёр жумла қ

курол: ўқув ~ қ (-воситаси қ)

қўлланилиш — функция қ, ишлатилиш (нутқ фаолиятининг тўрттала турида қўлланиш, яъни репродуктив (-қўллаш) ҳамда рецептив (-таниб олиш) маънолари мужассамлашган, (*рус. оперирование, функционирование*); ~ (-функция), ясалниш (-форма, шакл), маъно (-семантика)

қўлланма — дастуриламал; ўқув/методик/кўргазмалӣ/дидактик ~; ўқувчи/муаллим ~ си; ~ дарслик, дастур, стандарт, концепция

қўлҳаракат [ўзб.+ар.] — ҳаракат (-мотор) (сезги ҳамда анализатор турларидан); ~ сезгиси/анализатори; ~, нутқҳаракат сезгиси/анализатори

ғайришуурий [ар.] — беихтиёр, ўйламасдан, механик қ тарзда, фикр юритмасдан, онг иштирокисиз; ~ тарзда бажариладиган машқ (-дрилл — қ); ~ ва онгли

ҳаракат [ар.]: ~ (-мотор, кинестетик) сезгиси; грамматик ~ (-амал) (*грамматик механизмнинг таркибий қисми*); нутқий фаолият, ~, операция;

~ (-мотор) сезгиси/анализатори (-қўлҳаракат, нутқҳаракат сезгилари/анализаторлари); ~ /эшитиш/кўрув/вербал хотираси

ҳарф [ар.] — алфавитдаги белги, товушни ифодаловчи график тимсол; бош/кичик/босма/ёзма ~; ~ бирикмаси ~ -товуш муносабати; ~ ни ўқиш /ёзиш/топиш; ~ билан товуш; ўқилмайдиган («соқов», *рус. немая*) ~ (ёзувда бор, бироқ ўқилмайди, мас. *ингл. know, фр. petit*) ~

ҳарфий [ар.] — ҳарф билан бўғлиқ; ~ тимсол

ҳиссиёт [ар.]: тил ~ (-тилниг нозик томонларини сеза олиш, тилни ҳис этиш, *рус. языковое чутьё*)

ҳодиса [ар.]: тил ~ си (-лексик, грамматик, талаффуз ~ си); тил ~ си/материали/бирлиги/минимуми; чет тил ҳамда она тили ~ ларини қиёслаш қ;

ҳуснихат [ф.—т+ар.] — чиройли ёзиш, каллиграфия қ

МУНДАРИЖА

Муқаддима	3
Чет тил ўқитиш методикасига кириш	7
Чет тил ўқитиш методикаси дастурининг талаблари	7
Нутқ фаолияти турлари	8
«Тил техникаси» тушунчаси	9
Чет тил қондаси	10
Машқлар системаси	11
Уқув-методик топшириқлар	13
Биринчи қисм. ЧЕТ ТИЛ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНING НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	
I боб. Методика — чет тил ўқитиш назарияси	14
Чет тил ўқитиш методикасининг предмети	14
Методикадаги асосий тушунчалар	15
Умумий ва хусусий методика	16
Методика фанининг илмий-тадқиқот методлари	16
Уқув-методик топшириқлар	20
II боб. Чет тил ўқитишнинг руҳшунослик, таълимшунослик ва тилшунослик асослари	20
Методиканинг бошқа фанлар билан алоқаси	20
Чет тил ўқитишнинг руҳшунослик асослари	22
Чет тил ўқитишнинг таълимшунослик асослари	26
Чет тил ўқитишнинг тилшунослик асослари	29
Уқув-методик топшириқлар	35
III боб. Чет тил ўқитиш мақсадлари	35
Чет тил ўқитишнинг амалий мақсади	36
Чет тил ўқитишнинг умумтаълимий мақсади	37
Чет тил ўқитишнинг тарбиявий мақсади	39
Чет тил ўқитишнинг ривожлантирувчи мақсади	41
Уқув-методик топшириқлар	45
IV боб. Чет тил ўқитиш мазмуни	45
1- §. Таълим мазмунининг назарий масалалари	45
Уқув-методик топшириқлар	49
2- §. Чет тил ўқитиш мазмунининг таркибий қисмлари	50
Нутқ мавзулари	50

Нутқ малакалари	53
Тил материали	55
Уқув-методик топшириқлар	57
3- §. Тил материалени ўргатиш мазмуни	57
Лексикани ўргатиш мазмуни	58
Грамматикани ўргатиш мазмуни	61
Талаффузни ўргатиш мазмуни	62
Уқув-методик топшириқлар	65
V боб. Чет тил ўқитиш методлари ва принциплари	65
«Метод» ва «принцип» тушунчаларига доир	65
1- §. Чет тил ўқитиш методлари	66
Чет тил ўқитиш тарихида методлар	66
Чет тил ўқитиш жараёнида методлар	70
Уқув-методик топшириқлар	72
2- §. Чет тил ўқитиш принциплари	73
Чет тил ўқитишда дидактик принциплар	73
Чет тил ўқитишнинг психологик принциплари	79
Чет тил ўқитиш методикаси принциплари	80
Уқув-методик топшириқлар	87
VI боб. Чет тил ўқитиш воситалари	87
1- §. Ўқитиш воситалари таснифи	87
Уқув-методик топшириқлар	90
2- §. Ўқитишнинг асосий воситалари	90
Уқув-методик топшириқлар	93
3- §. Ўқитишнинг ёрдамчи воситалари	93
Уқув-методик топшириқлар	96
VII боб. Чет тил ўқитиш методикаси тарихи	96
1- §. Чет тил ўқитиш методлари тарихи	97
Уқув-методик топшириқлар	113
2- §. Собиқ иттифоқда чет тил ўқитиш методикаси тарихи	114
Уқув-методик топшириқлар	117
3- §. Ўзбекистонда чет тил ўқитиш тарихи	117
Уқув-методик топшириқлар	127
 Иккинчи қисм. ЧЕТ ТИЛДА НУТҚ ФАОЛИЯТИ	
ТУРЛАРИНИ ЎРГАТИШ	
VIII боб. Лексикани ўргатиш	128
«Лексика» ва унга алоқадор тушунчалар ҳақида	128
1- §. Лексикани методик тайёрлаш	130

Лексикани танлаш	130
Лексиканинг тақсимоти	133
Лексиканинг таснифи	135
Ўқув-методик топшириқлар	138
2- §. Лексик кўникмаларни шакллантириш	138
Лексиканинг тақдимоти	139
Лексика машқлари	140
Лексиканинг қўлланилиши	143
Лексикани ўргатиш принциплари	144
Ўқув-методик топшириқлар	146
3- §. Лексик машқлардан намуналар	146
Ўқув-методик топшириқлар	148
IX боб. Грамматикани ўргатиш	148
«Грамматика» тушунчасига доир	148
1- §. Грамматикани методик тайёрлаш	151
Грамматикани танлаш	151
Грамматиканинг тақсимоти	153
Грамматиканинг таснифи	155
Ўқув-методик топшириқлар	157
2- §. Грамматик кўникмаларни шакллантириш	158
Грамматиканинг тақдимоти	158
Грамматика машқлари	161
Грамматиканинг қўлланилиши	163
Грамматикани ўргатиш принциплари	163
Ўқув-методик топшириқлар	169
3- §. Грамматик машқлардан намуналар	169
Ўқув-методик топшириқлар	170
X боб. Талаффузни ўргатиш	171
Чет тил талаффузини ўргатишнинг моҳияти	171
1- §. Талаффуз материални методик тайёрлаш	172
Талаффуз минимумини танлаш	172
Талаффуз материалнинг тақсимоти	174
Талаффуз материалнинг таснифи	176
Ўқув-методик топшириқлар	177
2- §. Талаффуз кўникмаларини шакллантириш	178
Талаффуз материалнинг тақдимоти	178
Фонетик машқлар	184
Талаффузни ўргатиш принциплари	188
Ўқув-методик топшириқлар	189
XI боб. Тинглаб тушунишни ўргатиш	190
Тинглаб тушуниш нутқ фаолиятининг тури ва малака сифатида	190

1-§. Чет тилда нутқни тинглаб тушунишдаги қийинчиликлар	192
Уқув-методик топшириқлар	194
2-§. Тинглаб тушунишнинг психофизиологик механизмлари	194
Уқув-методик топшириқлар	196
3-§. Нутқни тинглаб тушунишни ўргатиш ва тушунганликни текшириш	196
Уқув-методик топшириқлар	200
4-§. Тинглаб тушунишни ўргатиш машқлари	200
Уқув-методик топшириқлар	203
XII боб. Гапиришни ўргатиш	204
Гапириш нутқ фаолиятининг тури ва малака сифатида	204
1-§. Гапиришнинг психофизиологик механизмлари	206
Уқув-методик топшириқлар	208
2-§. Тилшунослик ва руҳшуносликда гапиришнинг тавсифи	208
Уқув-методик топшириқлар	211
3-§. Жуфтнутқ ва якканутқ шаклида гапиришни ўргатиш	211
Жуфтнутқни ўргатиш	213
Якканутқни ўргатиш	214
Уқув-методик топшириқлар	215
4-§. Гапиришни ўргатиш машқлари	216
Уқув-методик топшириқлар	218
XIII боб. Уқишни ўргатиш	218
Уқиш нутқ фаолиятининг тури ва малака сифатида	218
1-§. Уқишнинг психофизиологик механизмлари	221
Уқув-методик топшириқлар	222
2-§. Уқишни нутқ фаолияти тури сифатида ўргатиш	222
Уқишни ўргатиш принциплари	224
Уқиш материали	227
Уқиш турларини ўргатиш	230
Уқиш малакаларини ҳосил қилиш	233
Уқув-методик топшириқлар	235
3-§. Уқиш техникасини ўргатиш	235
Уқув-методик топшириқлар	241
4-§. Уқишни ўргатиш машқлари	241
Уқув-методик топшириқлар	243
XIV боб. Ёзувни ўргатиш	243
Ёзув нутқ фаолиятининг тури ва малака сифатида	243
1-§. Тилшунослик ва руҳшуносликда ёзув масалалари	245

Уқув-методик топшириқлар	248
2- §. Ёзиш техникаси ва ёзма нутқни ўргатиш	247
Уқув-методик топшириқлар	250
3- §. Ёзувни ўргатиш машқлари	250
Уқув-методик топшириқлар	253
XV боб. Нутқ кўникма ва малакаларини назорат қилиш	253
Назоратнинг моҳияти	253
1- §. Назоратнинг объекти	255
Уқув-методик топшириқлар	258
2- §. Назорат қилиш методикаси	258
Назорат усуллари	259
Назорат турлари	260
Назорат шакллари	261
Тест ўтказиш	263
Кўникма ва малакаларни баҳолаш	264
Уқув-методик топшириқлар	266
 Учинчи қисм. ЧЕТ ТИЛ УЎҚИТИШ ЖАРАЁНИНИ ТАШҚИЛ ҚИЛИШ	
XVI боб. Чет тил дarsi ва режалаштириш	268
1- §. Чет тил дarsi	268
Дарснинг мақсади	268
Муаллимнинг дарсга тайёргарлиги	270
Дарс турлари	273
Дарс босқичлари	275
Дарснинг бошланиши	275
Дарснинг асосий қисми	276
Дарснинг якуний босқичи	277
Уқув-методик топшириқлар	278
2- §. Режалаштириш	278
Мавзуй режа	279
Дарс режаси	281
Уқув-методик топшириқлар	282
XVII боб. Чет тил ўқитиш босқичлари	282
Ўқитиш жараёнини босқичларга ажратиш	282
1- §. Бошланғич босқич	284
Уқув-методик топшириқлар	285
2- §. Ўрта босқич	286
Уқув-методик топшириқлар	287

3- §. Юқори босқич	287
Ўқув-методик топшириқлар	289
XIII боб. Чет тилда факультатив машғулот	289
«Факультатив» тушунчасининг таҳлили	289
1- §. Факультатив курснинг мақсади ва ташкилий масалалари	290
Ўқув-методик топшириқлар	293
2- §. Факультатив машғулот турлари ва уларни ўтказиш	293
«Ўқишни чуқурроқ ўргатиш» факультатив курси	293
«Оғзаки нутқ ва ўқишни чуқурроқ ўргатиш» факультатив курси	295
Ўқув-методик топшириқлар	297
XIX боб. Чет тил бўйича дарсдан ташқари ишлар	297
Дарсдан ташқари ишлар ҳақида	297
1- §. Дарсдан ташқари ишларнинг мақсади ва ташкилий мезонлари	297
Ўқув-методик топшириқлар	299
2- §. Дарсдан ташқари ишларни ташкил қилиш	299
Оммавий ишлар	300
Гуруҳий ишлар	302
Яккама-якка ишлар	304
Ўқув-методик топшириқлар	305
XX боб. Турли ўқув юртларида чет тил ўқитиш	305
Масаланинг методологик тартибда қўйилиши	305
«Қиёсий методика» тушунчасига доир	307
1- §. Турли ўқув юртларида чет тил таълими таснифи	310
Маориф муассасалари	310
Чет тил ўқитиш мақсадлари таснифи	311
Чет тил ўқитиш мазмунининг таснифи	313
Чет тил ўқитиш методлари таснифи	314
Ўқув-методик топшириқлар	315
2- §. Тиллар таълимшунослиги	315
Она тилини ўқитиш	316
Иккинчи тилни ўқитиш	318
Чет тилни ўқитиш	319
Тил таълими жамлама таснифи	319
Ўқув-методик топшириқлар	321
Summary	322
Адабиётлар	326
Атамалар изоҳли ассоциатив луғати	329

Чет тил ўқитиш методикаси: Чет тиллар олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. — Уқитувчи, 1996. — 368 б.

74.261.7

Жамол Жалолович Жалолов

**ЧЕТ ТИЛ УЎҚИТИШ
МЕТОДИКАСИ**

Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик

Тошкент «Уқитувчи» 1996

Муҳаррир **Я. Авлоев**

Рассом *С. Гиленко*
Техн. муҳаррир *С. Турсунова*
Мусаҳҳиҳ *Д. Умарова*

ИБ № 6537

Теришга берилди 24.12.94. Босишга рухсат этилди 2.01.96. Формат 60×90/16.
Тип қоғози. Литературная гарнитураси. Юкори босма усулида босилди.
Шартли б. л. 23,0. Шартли кр.-отт. 23,19. Нашр. л. 23,5. Тиражи 5000.
Зак. № 100.

«Уқитувчи» нашриёти, Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 15—19—94

Ўзбекистон республикаси Давлат матбуот кўмитасининг Тошкент китоб-журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1-уй.
1996.

"ЎЏИТУВЧИ,"